

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

ТАНЛАНГАН
АДАБИЙ-
ТАНҚИДИЙ
МАҚОЛАЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1956

Болалар Адабиёти Давлат Нашриётининг 1953 йил нашридан
ШАРИФ ТОЛИБОВ
таржимаси

На узбекском языке

НИКОЛАЙ ГАВРИЛОВИЧ ЧЕРНЫШЕВСКИЙ
ИЗБРАННЫЕ ЛИТЕРАТУРНО-КРИТИЧЕСКИЕ СТАТЬИ
Перевод с издания Госиздата Детской Литературы, 1953

Госиздат УзССР—1956—Ташкент

Редактор Р. Комилов
Рассом И. Циганов

Техн. редактор Я. Пинхасов
Корректор М. Мирзоев

* * *

Босмахонага берилди 23/VII 1956 й. Босишга рухсат этилди 23/X 1956 й.
Формати 84×108¹/₃₂—14,125 босма л. 23,17 шартли б. л. 25,7 нашр. л. Тиражи
15 000. Индекс: н/а. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент, Полиграф
кўчаси, 74. Шартнома № 422—54.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 3-нчи босмахонаси. Тошкент,
Ленинград кўчаси, 15. 1956. Заказ № 277. Баҳоси 8 с. 45 т.

БУЮК РУС ТАНҚИДЧИСИ

I

Буюк рус олими ва танқидчиси Николай Гаврилович Чернишевский — рус халқининг энг машҳур арбобларидан Сиридир.

Езувчи, социолог, философ, тарихчи, экономист бўлган Чернишевский ўша замондаги Россияда илғор, революцион кучларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси эди. Унинг фаолияти рус озодлик ҳаракатида янги даврни — революцион-демократик даврни бошлаб берди. У XIX асрнинг 60-нчи йилларидаги жуда ажойиб разночинец-революционерларнинг шонли сафига бошчилик қилди.

У замонларда халқ самодержавие билан помещчиклар зулми остида эзилар эди. Қрим уруши мамлакатни қолоқликда ва зулматда тутиб турган крепостной монархиянинг чириклигини ва ожизлигини яққол кўрсатиб берди. 1861 йил реформаси деҳқонларнинг аҳволини яхшиламади. Буржуа-помещчиклар мулкани йўқ қилиш ва чоризмни тамомила афдариб ташлаш керак деган революцион фикр омма орасига тобора кўпроқ ёйилиб борар эди.

Чернишевскийнинг мақолалари 1853 йилдан бошлаб журналларда чиқа бошлади. Кейинчалик у Некрасов билан яқинлашди, Некрасов бу ёш танқидчининг қадри-қийматига ета билди ва ўзи бошчилик қилаётган «Современник» журналининг публицистика ва танқид бўлимларини унга топширди. Шу вақтдан бошлаб Чернишевский ўша даврдаги прогрессив рус жамиятини ўз атрофига тўплаган «Современник» журналининг гоявий раҳбари бўлиб ишлай бошлади.

Чернишевскийнинг халқнинг революцион интилишлари билан жуда маҳкам боғланганлиги унинг асарларига

ниҳоятда зўр куч бағишлади. У илғор рус жамиятининг фикрини ўзига ром қила бошлади. Унинг қудратли сўзлари чоризмни қаттиқ ташвишга соларди. Чернишевский жуда кенг омманинг революцион кайфиятини ифода қилиб ва миллион-миллион крепостной деҳқонларнинг манфаатларини фидокорлик билан ҳимоя қилиб, Россиянинг бундан кейинги тарихий тараққиси билан боғлиқ бўлган энг муҳим, ўткир масалаларни ўртага қўяр эди. У самодержавиечилик-крепостнойлик тузумини революцион йўл билан ағдариб ташлаш ва мамлакат ҳаётини демократик асосда қайтадан қуриш зарур, деган идеяни жамият онига жуда ҳам зўр қатъият билан сингдира борди.

Чернишевский революциянинг яқинлашиб қолгани, Россияда социализм идеалларини амалга ошириш мумкинлигига ишонар эди. Бироқ, чор Россиясида ижтимоий муносабатлар қолюқ бўлганлигидан, у илмий социализм даражасига етиб бора олмади, чунки пролетариатнинг раҳбарлик ролини аниқ тасаввур қилмасдан туриб, илмий социализмнинг бўлиши мумкин эмас. Бироқ Чернишевский Ғарбий Европа утопик социализмининг вакиллари бўлган Сен-Симон, Фурье, Оуэннинг социализмга тинч йўл билан ўтиш мумкин деган фикрини қатъиян рад қилиб, уларга нисбатан олға қараб жуда катта қадам ташлади.

Чернишевский ўз замонасидаги фанни чуқур ўрганар экан, у Ғарбий Европа мутафаккирларига тақлидчилик қилмади, балки кўп масалаларда улардан олдинда борди. Бир қанча масалаларда — жамиятнинг тараққий қилиш қонунлари, тарихда халқ оммасининг роли, жамият ҳаётини меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб қайтадан қуриш воситалари, санъат ва адабиётнинг келиб чиқиши ва уларнинг тарбиявий аҳамияти тўғрисидаги масалаларда Чернишевский Маркс давридан олдин чет элларда бўлган ҳамма фанга қараганда дадилроқ ва революцион илмий хулосалар чиқарди. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди:

«Чернишевский эски, ярим феодал, деҳқон жамоаси орқали социализмга ўтиш тўғрисида хаёл қилган, ўтган асрнинг 60-нчи йилларида, капитализм билан пролетариатнинг тараққиётигина социализмни амалга ошириш учун моддий шароит ва ижтимоий куч яратишга қодир эканлигини кўра олмаган ва кўриши ҳам мумкин бўлмаган социалист-утопист эди. Бироқ, Чернишевский фақат со-

циалист-утопистгина бўлиб қолмади. У шу билан бирга революцион-демократ ҳам эди, у цензуранинг тўсиқлари ва ғовларига қарамай, деҳқонлар революцияси идеясини, ҳамма эски ҳокимиятларни йиқитишни кўзлаган оммавий кураш идеясини ўтказиб, ўз даврининг ҳамма сиёсий воқиаларига революцион руҳда таъсир қилишга моҳир эди»¹. Чернишевский социализм идеяларини революцион демократизм билан, сиёсий курашни тарғиб қилиш билан бирга қўшиб олиб борди, Чернишевскийнинг фикрича, деҳқон революциясининг ғалабаси мамлакатни социалистик асосда қайтақуришнинг бошланиши бўлиши лозим эди. Лениннинг таърифи билан айтганда, Чернишевский «ўзининг утопик социализмига қарамай, капитализмни жуда ажойиб суратда чуқур танқид қилган»² киши эди.

Николай реакциясининг зулмат вақтларида, халқ қуликка туширилган, нодон бўлган ва самодержавие томонидан эзилиб ётган вақтларида Чернишевский халқда яшириниб ётган битмас-туганмас жуда катта кучларни кўрди, халқ оммасининг ҳал қилувчи тарихий аҳамияти борлигига жуда қаттиқ ишонди, Чернишевский, Ғарбий Европадаги маърифатчиликнинг аксича, тарихни яратувчилар айрим шахсларгина эмас, балки кишиларнинг ўзларидир, деб таъкидлар эди.

Чернишевский тарғибининг кучи унинг халқ ўртасида ўша замондаги энг илғор идеяларни тарқатиши, нурли социалистик келажакка интилишида эди. Чернишевский бутун ҳаётини ва бутун фаолиятини турмуш, фан ва адабиёт соҳасидаги энг мураккаб масалаларни ҳал қилишда негиз бўлган юқори даражали социалистик ғоя тарқатадиган бир киши сифатида биз учун жуда яқин ва қийматлидир.

Ленин Чернишевскийнинг ва бошқа революцион демократларнинг рус жамоат фикрини ривожлантиришда ўйнаган тарихий ролини жуда аниқ, ва равшан қилиб таърифлаб берган эди: «... илғор назарияга амал қилувчи партиягина илғор курашчи ролини бажара олади. Бунинг маъноси нима эканлигини бир қадар яққол тасаввур этиш учун, китобхон рус социал-демократиясининг ўтмишдаги арбоблари бўлмиш Герцен, Белинский, Чернишевс-

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 17 том, 112—113 бет, Ўздавнашр.

² Бу ҳам шунда, 20 том, 258 бет.

кий каби намояндаларни ва 70-нчи йиллардаги ажойиб революционерларни эсга олсин; рус адабиётининг ҳозир бутун дунё миқёсида қозониб бораётган аҳамияти тўғрисида ўйлаб кўрсин»¹.

Чернишевский фан ва санъатнинг ҳамма соҳаларида материализм идеяларини жанговарлик билан ҳимоя қилиб келди. Чернишевскийнинг ҳамма асарлари революцияга оташин даъват билан суғорилган, у нима тўғрида ёзмасин,— адабиёт ҳақида, экономика ҳақида, тарих ҳақида ёки ўша даврдаги сиёсий воқиялар ҳақида ёзмасин, унинг ҳамма асарлари революцияга оташин даъват билан суғорилган эди. Чернишевский ўзининг то сўнгги кунларигача идеализмга ва мистикага ҳар қандай ёнберишларга қарши шафқатсизлик билан курашиб келди. Унинг идеализмнинг ҳар турли оқимларига қарши бу қадар шафқатсизлик билан курашиб келганлиги биз совет кишиларига аён бир нарса: унинг бундай шафқатсизлик билан курашиб келганлиги идеалистик дунёқарашнинг реакцияни, динни, самодержавиени ва крепостнойликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканлигини аниқ тушунганлигидан эди.

II

Чернишевскийнинг «Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати» деган асари ва унинг: «Рус адабиётининг Гоголь даври очерклари» деган танқидий асарлари, А. С. Пушкин, А. Н. Островский, И. С. Тургенев, Л. Н. Толстой тўғрисидаги мақолалари бутун дунёга машҳур бўлди. Бу асар ва мақолалари илғор рус жамоат фикрининг, эстетиканинг ва адабий танқиднинг ривожланиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди, бадиий ҳақиқат санъат, халқчиллик ва ғоявийлик шиорига айланди.

Чернишевскийнинг санъат назарияси тўғрисида ёзган биринчи катта асари — «Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати» деган диссертацияси кишини маънавий қўлликка солишнинг ҳар қандай турларига қарши бош кўтариб чиққан 60-нчи йиллардаги рус илғор революцион демократларининг жанговар манифести бўлиб

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 5 том, 400 бет, Ўздавнашр.

қолди. Бу асарда, илмий, материалистик эстетиканинг асослари, янги, революцион дунёқараш асослари мустақкам қарор топди. Чернишевский бу идеяларни кейинги ҳамма асарларида ҳам қаттиқ туриб ривожлантириб борди.

«Энг гўзал нарса ҳаётдир!»— бу классик формула Чернишевский эстетик дунёқарашларининг негизидир. Чернишевский жуда муҳим назарий аҳамиятга эга бўлган бу поэтик формулани реакцион идеалистик эстетикага, яъни турмушдан, турмушни қайтақуришга интилишдан, уни яхшилашга интилишдан бошқа томонга буриб юборадиган реакцион идеалистик эстетикага мунозара тариқасида қарама-қарши қилиб қўяди. Идеалистик эстетикага қарама-қарши ўлароқ, материалист Чернишевский турмушдан ташқарида чин гўзаллик йўқ эканлигини исбот қилиб берди: кишининг гўзалликка интилишини турмушнинг ўзи таъмин қилиши мумкин. Гўзалликнинг ўзи ҳақиқатнинг хусусияти, унинг кўринишларидан биридир, бу гўзаллик қаёқдандир — ташқаридан келтирилмайди.

«Энг гўзал нарса ҳаётдир» деган илҳомбахш сўзлар кишига гоят зўр муҳаббат билан суғорилган. Чернишевский атрофимизда мавжуд бўлган воқеликнинг бир кўриниши бўлган гўзаллик тўғрисида гапирар экан, ўша вақтдаги ҳаётни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиб қўя қолишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Чернишевский халқнинг озодликка интилишини, жамиятни яхшироқ қилиб тузишга интилишини, келажак тўғрисида орзу қилишини ҳам воқелик жумласига киритади. Чернишевскийнинг эстетикаси ижтимоий воқеликни адолат билан қайтадан қуриш зарур, деб таълим беради. Танқидчи воқеликни қандай тушунишини мана бундай изоҳлаб беради: «Ҳақиқий воқелик деганда, албатта, кишининг объектив дунёдаги буюмларга ва жониворларга муносабатигина тушунилмасдан, унинг ички ҳаёти ҳам тушунилади; баъзан киши орзу билан яшайди,—бу ҳолда орзулар унинг учун (бир даража ва бирмунча вақтгача) қандайдир объектив бир аҳамиятга эга бўлади; киши ундан ҳам кўпроқ вақт ўз ҳиссиётлари дунёсида яшайди; агар бошқаларни ҳам қизиқтирадиган даражага етса, бу ҳолатлар ҳам санъатда тасвирлаб кўрсатилади. Бизнинг таърифимиз санъатнинг хаёлий мазмунини ҳам қандай қилиб ўз ичига олишини кўрсатиш учун бу ерда шу нарсани эслатиб ўтдик». Демак, инсониятнинг ва ва-

танинг келажаги тўғрисидаги орзулар ҳам бадий ижод доирасига киради.

«Энг гўзал нарса ҳаётдир» деган таъриф санъатга ҳаётий тўлақонлиликни қайтарди, ватанни севишга ўргатди, унинг тузумини яхшилашга ундади. Маркс замонасигача бўлган даврдаги ижтимоий фанларнинг умумий даражаси туфайли Чернишевскийнинг айрим фикр ва формулировкалари мукамал бўлмаган эди, бу нарса санъатнинг асосий вазифаси ва моҳияти тўғрисидаги унинг изоҳларининг ижобий мазмунини биздан яшириб қўймаслиги лозим. Санъаткор реал турмушга, унинг гўзал томонларига ҳам, даҳшатли томонларига ҳам, унинг идеалларига ва хунук томонларига ҳам эътибор беради. Санъат воқелик заминига мустаҳкам ўрнашиб олади, ўзининг моддий негизини ва реалистик вазифаларини англаб олади.

Н. Г. Чернишевский эстетиканинг энг муҳим тушунчалари тўғрисидаги масалани — энг юксак, ҳажвий ва фожиавий тушунчалар масаласини ўз замонидаги материализм руҳида ҳал қилади. Фожиани «тақдир» натижаси деб идеалистларча тушунтиришнинг асоссиз эканлигини изчиллик билан фош қилиб боради. У турмушда ва санъатда трагедия машъум муқаррарлик туфайли дунёга келмасдан, балки реал турмуш шароитлари орқасида, аввало жамият тузилишининг характери туфайли дунёга келишини исбот қилиб беради.

«Энг гўзал нарса ҳаётдир» деган поэтик формулада ифода қилинган эстетик таълимот бизнинг кунларимизда ҳам ўзининг актуаллигини ва чуқур ҳаётий маъносини йўқотгани йўқ. Бу сўзлар социалистик реализм ривожлангирган ва бойитган бадий ҳаққоният программасининг негизи бўлиб қолди. Совет санъаткорлари Чернишевский эстетикасининг реалистик традицияларини, ҳамма гўзал ва буюк нарсаларнинг манбаи киши турмуши ва халқ турмушидир, деб тасдиқлайдиган реалистик традицияларини муқаддас деб билладилар.

Санъатнинг мазмуни кенгдир, деган баёнот санъатни демократлаштирди, уни турмушни тобора мукамалроқ қилиб тасвирлаш йўлига солиб турди. Санъатнинг моҳияти кишини қизиқтирадиган нарсани тасвирлаб кўрсатишдан иборатдир, поэзия турмушнинг ҳамма турли-туман томонларини тасвирлаши лозим, деган фикр Белинскийнинг адабиётни турмушга яқинлаштириш тўғрисидаги таъ-

лимотини янада ривожлантириш учун хизмат қилди ва адабиётнинг вазифаларини реалистик тарзда тушуниш учун йўл очиб берди. Чернишевский билан Белинскийнинг эстетикаси рус реализмига унинг яна олға ҳаракат қилиши учун фоят мустаҳкам таянч бўлди.

Чернишевский Аристотелнинг «Поэтика»сига ёзган рецензиясида, поэзиянинг, бутун санъатнинг асосий, энг муҳим предмети — кишидир, ижтимоий ҳаётдир, лекин булар воқеликнинг ҳамма турли-туман кўринишларини санъаткордан яшириб қўймаслиги лозим, деб кўрсатиб ўтади. Чернишевскийнинг бу кўрсатмаси жуда муҳимдир: бу кўрсатма танқидчининг санъат моҳиятини тушунишни равшанлаштириб беради, воқеликнинг санъат предмети бўлган асосий участкасини ажратиб кўрсатиб беради.

Лекин, Чернишевокийнинг шахсни тушуниши антропологик тушунишдир. Санъатнинг ривожланишига конкрет тарихий шароитлар эмас, балки кишининг «нормаль», «табиий» эҳтиёжлари сабаб қилиб кўрсатилади. Чернишевский санъат назариясининг заиф томони борлиги шундандир.

Киши шахсини ва унинг табиий эҳтиёжларини биринчи ўринга суришининг ижобий тарихий ролини ҳар қанча қадрласа бўлади. Кишининг шахси, унинг эҳтиёжларини революцион демократия жуда ҳам аъло даражада тушунган эди. Чернишевский бугун халқни озод қилиш ва киши шахсини озод қилиш йўлида фидокорлик билан кураш олиб борди.

Чернишевскийнинг миллион-миллион оддий кишиларга, уларнинг шахсиятига, уларнинг идея ва интилишларига жуда муҳаббат ва ҳурмат билан қараши, унинг халқнинг ижодий куч ва талантларига ишониши социалистик реализм санъати учун жуда қийматлидир. Реалистик санъатнинг кучи ва аҳамияти шундан иборатки, бу санъат бизнинг кишимизнинг юксак маънавий сифатлари ва характерининг типик ижобий хислатларини аниқлаб олади ва очиши лозим, кишиларга намуна ва ўрнак бўла оладиган ёрқин бадиий образларни аниқлаши ва очиб кўрсатиши лозим ва кўрсата олади.

Чернишевскийнинг муҳолифлари таъна қилиб, унинг эстетикаси қуруқ ва рационалистик эстетикадир, Чернишевский эстетикаси орзуларни назар-писанд қилмайди, деб айтар эдилар. Ҳақиқатда эса, революцион олтмишинчиларнинг йўлбошчиси энг юксак идеалларни қизгин тар-

ғиб қилар эди. Унинг таълимотича, «бизнинг тушунчаларимизга кўра турмуш қандай бўлиши лозим бўлса, шу турмуш гўзалдир, шундай турмуш кечирувчи зот гўзалдир». Турмуш «бизнинг тушунчаларимизга кўра» деган сўзларда идеал тушунчанинг жуда ажойиб материалистик таърифи берилган. «Идеал» тушунчаси бўлмаса, рус адабиётининг тарихи бўлиши мумкин эмас. Эрксевар, олижаноб идеаллар — бутун бадиий классикамизнинг юрагидир. Кимки рус ёзувчиларининг фидокорлик билан идеаллар ахтарганлигини ва бу идеалларнинг аҳамиятга этган таъсирини ёдидан чиқарадиган бўлса, у киши рус санъатининг ҳаётини тушуна олмайди. Чернишевский идеаллари кишиларни курашга ўргатди, озодликка интиладиган қилиб тарбиялади, халққа садоқат ва унга хизмат қилиш истагини яратди.

Чернишевский адабиётнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги, унинг илғор, революцион идеяларни пропаганда қилувчи восита ролини ўйнаши тўғрисидаги таълимотни жуда зўр ғайрат ва матонат билан ривожлантириб борди. Унинг эстетик таълимотининг бу томони бутун илғор рус санъати ва адабиётининг тақдирига жуда катта таъсир қилди. Унинг эстетик таълимотининг бу томони бизнинг давримиз учун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Танқидчи санъатнинг биринчи вазифаси воқеликни тасвир этишдан иборат деб билди. Чернишевский санъатнинг аҳамияти воқеликни тасвир этишдан иборат деган фикрни санъатнинг олий вазифаси — турмушни тушунтириб бериш, турмуш устидан ҳукм чиқариш, турмушни қатъий суратда, революцион тарзда ўзгартириш ишига хизмат қилиш тўғрисидаги таълимот билан бирга қўшиб таърифлаб берди.

Чернишевский, санъат асарлари ўзининг камолот даражаси жиҳатилан ҳар хил бўлади, деб кўрсатиб ўтади. Асарларнинг кўпчилиги фақат бир маънога — турмуш ҳодисаларини акс эттириб кўрсатиш маъносига эга бўлади. Бошқа санъат асарлари ўзининг бу асосий аҳамиятидан ташқари яна бошқа бир аҳамиятга ҳам эга бўлади — тасвир этилаётган ҳодисалар учун изоҳ бўлиб хизмат қилади. Ниҳоят, агар санъаткор — фикр қилувчи, мустақил фикрга эга бўлса, у вақтда бу чор-ночор, очикдан-очик ёки махфий равишда, онгли ёки онгсиз равишда асарга таъсир қилалди, шундай қилиб, бу асар учинчи бир аҳамиятга эга бўлади, — фикрнинг тасвирланаётган ҳодисалар

устидан чиқарган ҳукмига эга бўлади». Лекин, агар санъаткор «тасвирланаётган ҳодисаларни тушунтириб бериш билан бирга улар тўғрисида ҳукм ҳам чиқарса, у вақтда бу санъаткор мутафаккир бўлади ва унинг асари ўзининг бадий хислатига яна олий аҳамиятни — илмий аҳамиятни ҳам қўшиб олади».

Чернишевский синфдан юқорида турган ҳеч қандай «соф фанни», «соф философияни», «соф санъатни» тан олган эмас. У сиёсий курашдаги ўз ўрнини студентлик йилларидаёқ белгилаб олган эди, у ўз кундалик дафтари-га, мен ўзимни социалистлар ва коммунистлар «партизани» (тарафдори) деб ҳисоблайман, деб ёзиб қўйган эди.

«Соф санъат» деган реакцион идеалистик назария-га Чернишевский санъатнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти бор, деган рус классик традициясини қарши қўйди. Чернишевский идеясиз санъат тарафдорларини жуда қизгин ва шафқатсизлик билан фош этиб ташлади, «санъат — санъат учун», «соф санъат» деган (ўзининг ибораси билан айтганда, «бўлмаган ва бўлиши мумкин бўлмаган санъат») назарияларини халққа қарши бўлган реакцион кучларни қувватлаш деб билди ва бу назариялар реакцион синфларнинг манфаатларини ифода қиладиган назариялардир, деб тўғри таърифлади, — у шундай деб қарашида тамомила ҳақли эди.

«Адабиёт, — деб ёзди у, — у ёки бу идеялар оқимига хизмат қилмаслиги мумкин эмас: бу унинг ўз табиатидан келиб чиқадиган вазифасидир, — бу шундай вазифадирки, агар адабиёт бу вазифадан воз кечмоқчи бўлганида ҳам, воз кеча олмайди. Кундалик турмуш ҳодисаларига ёт бўлиши лозим бўлган қандайдир бир нарса деб тақдим қилинаётган соф санъат назарияси тарафдорлари ё алданадилар, ёки муғомбирлик қиладилар, «санъат турмушдан мустақил бўлиши лозим» деган сўзлар ҳамма вақт бу кишиларга ёқмаган адабиёт оқимига қарши, бу адабиётни бу кишиларнинг дидига кўпроқ ёқадиган бошқа оқимга хизмат қилдириш мақсадида шу адабиёт оқимига қарши кураш олиб бориш учун фақат ниқоб бўлиб хизмат қилиб келган эди».

Чернишевскийнинг қилган катта хизмати даврнинг муайян тарихий кучлари ва эҳтиёжларининг ифодаси бўлган адабиётнинг ғоявий адабиёт бўлиши масаласини ишлаб чиққанлигидир. «Адабиёт ўз табиати жиҳатидан, — деб кўрсатиб ўтган эди у, — аср интилишлари учун

хизмат қилмаслиги, шу аср идеяларининг ифодачиси бўлмаслиги мумкин эмас. Масала фақат шундаки, адабиёт қандай идеяларга хизмат қилиши керак,— аср ҳаётида муҳим ўрин тутмасдан, шу аср томонидан чеклаб қўйиладиган адабиётни ҳам қуруқ, бўлмағур адабиёт қилиб қўядиган идеяларга хизмат қилиши керакми, ёки асрни ҳаракатлантириб турувчи идеяларга хизмат қилиши керакми? Бунга жавоб бериш ҳеч қийин эмас: даврнинг энг қатъий талабларини қондирадиган адабиёт оқимларигина жуда яхши ривож топади».

Даврнинг энг асосий ва илғор интилишларини ифода қилган Белинский ва Чернишевский идеялари таъсири остида адабиёт жамият ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Чернишевский ёзувчининг жамият устози бўлиш ҳуқуқини, «турмуш дарслиги» бўлган китобнинг аҳамиятини узил-кесил қатъий қилиб белгилаб берди.

Санъатнинг таъсирчанлиги, унинг ижтимоий роли тўғрисидаги фикр, фикрнинг воқеликдаги ҳодисалар устидан ҳукм чиқариш тўғрисидаги фикр кейинчалик марксистик эстетикада, Ленин илгари сурган ва илмий далиллар билан исбот қилиб берган партия адабиёти принципида олий даражага етказиб янада ривожлантирилди.

Чернишевский рус адабиётининг энг яхши асарларининг ижтимоий ва бадиий таъсир кучини ундаги образларнинг типиклик даражаси билан, ижтимоий процесслар ва ҳодисаларнинг моҳиятини ёзувчининг қай даражада чуқур қилиб очиб ташлаганлиги билан жуда мустаҳкам боғлаб кўрсатди.

Белинский кетидан Чернишевский адабиётда типиклик масаласини тўғри тушуниш учун курашди. Буюк рус реалист ёзувчиларнинг яратган кўп образларига реакцион танқидчиларнинг ҳужум қилганлигини, уларни, типик образлар эмас, деб айтганликларини эслатиб ўтиш муҳимдир, чунки уларда воқеликнинг салбий томонлари ўткирлаштирилиб, яққол қилиб кўрсатилган эди. Жумладан, Гоголнинг «Ревизор» ва «Улик жонлар» идаги персонажлари ва Салтиков-Шчедрин асарларининг кўпчилиги типик эмас деб баҳоланган эди. Чернишевский Гоголь билан Салтиков-Шчедриннинг ажойиб реалистик образларига берилган бундай баҳонинг асоссизлигини жуда ишонарли қилиб исботлаб берди. У помешчик-буржуа тузумининг синфий моҳиятини жуда ўткир ва яққол

қилиб тасвирлаб берган бу образларнинг типик образлар эканлигини дастлаб очиб кўрсатиб берганлардан бири эди.

Чернишевскийнинг адабиётда типик нарсанинг ифодаланиши тўғрисидаги кўп мулоҳазалари ғоятда мароқлидир. У, типиклик умумий хислатларни фақат жамлашдан иборат бўлади, индивидуал хислатлар ташланиши лозим, деган ва анча кенг тарқалган фикрни танқид қилди: «Одатда бундай дейдилар: «Ёзувчи жуда кўп жонли индивидуал шахсларни кузатиб боради; булардан биронтаси ҳам тўла тип бўлиб хизмат қилолмайди; бироқ ёзувчи уларнинг ҳар бирида умумийлик, типиклик борлигини кўради; ҳамма хусусий хислатларни бир чеккага чиқариб қўйиб, турли кишиларнинг сочилиб ётган хислатларини бадийий бутун бир нарса қилиб бирлаштиради, характер яратади, бу характер ҳақиқий характерларнинг квинт-эссенцияси деб аталиши мумкин». Буларнинг ҳаммаси мутлақо тўғри ва ҳамма вақт худди шундай бўлади, деб фараз қилайлик; бироқ бирор нарсанинг квинт-эссенцияси одатда нарсанинг ўзига ўхшамайди; теин чоё эмас, алкоголь вино эмас; бизга кишилар ўрнига энг ўта кетган фисқи-фасодлар билан тош қотган қаҳрамонлардан иборат қаҳрамонлик билан фисқи-фасод квинт-эссенциясини тақдим қилувчи «тўқувчилар» ҳақиқатда худди шу юқорида келтирилган қоидага амал қиладилар».

Чернишевский санъатда типиклик масаласини материалистик позицияда туриб ҳал қилди, санъатда умумий, типик нарса ҳамма вақт фақат индивидуал нарса формасида ифодаланишини, бадий адабиётда воқелик ва идеялар абстракт тушунча ва схемалар тарзида эмас, балки конкрет образлар формасида, жонли нарсалар ва ҳодисалар тарзида намоён бўлишини кўрсатиб беради. Санъат худди шу схематизмнинг ҳамма турларига қарши курашиб, чуқур реалистик ҳақиқат йўлидан бориб, ёрқин типик характерлар яратиш энг катта ғалабаларга өришади.

Чернишевский адабиёт классикларининг бадий маҳорати тўғрисида, санъатда мазмун ёрқин, мукамал форма билан ифодалаш зарурлиги тўғрисида жуда кўп чуқур фикрларни баён қилган. Чернишевский кишини зериктирадиган, бўш ва қуруқ асарларни шафқатсизлик билан жуда қаттиқ қоралар эди. Агар автор,— деб ёзган эди у,— шундай асарлар ҳақида, китобхонларнинг ёки

ақалли қоғознинг қадрига кўпроқ етса, бундай совуқ, нурсиз, ҳеч нарсага арзимайдиган йигирма ёки ўттиз бетдан мушоҳада қилиб ёки жуда усталлик билан ёзилган бир бет асар тузилиши мумкин.

Чернишевский Пушкиннинг бадий жиҳатдан мукамал қилиб, аниқ ва равшан тил билан ёзилган асарларини ўша вақтларда мода бўлган бир кўп ёзувчиларнинг узундан-узоқ, бетайин асарларига қарама-қарши қўяр эди.

Совет адабиёт ва санъат арбоблари олдида бадий маҳоратни юксалтириш вазифаси турган, нурсиз, кишини қизиқтирмайдиган бўш ва чалакам-чатти асарларнинг пайдо бўлишига қарши жуда қатъий кураш олиб бориш зарур бўлган ҳозирги вақтда ҳам Чернишевскийнинг юзихотир қилмайдиган қаттиқ танқидий сўзлари ҳаққоний сўзлардир.

III

Рус адабиётининг бутун тараққиёти Чернишевский эстетикаси ва танқидининг, унинг революцион тарғиботининг жуда зўр тарихий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Чернишевский рус адабиётига жуда зўр таъсир кўрсатди. У рус адабиётини ўз замонасидаги энг илғор идеялар билан бойитиб ва ўша замондаги энг ҳал қилувчи ҳодисаларга қаратиб, уни реализм йўлига солди ва унинг дунёдаги энг етакчи адабиётдан бирига айланишига ёрдам берди.

Чернишевский кўпгина рус ёзувчиларининг шонли келажagini ўткир кўзлари билан олдан кўриб айтиб берди. У адабиётда «Гоголь мактаби»нинг жуда катта тарихий аҳамиятини белгилаб берди, бу «мактаб» турмушдаги ҳақиқатга ва ўша вақтда ҳукмронлик қилиб турган крепостнойлик тузумини раҳмсизлик билан танқид қилишга асосланган эди. Реакцион танқид Некрасов шеърларининг аҳамиятини инкор қилган бир вақтда, Чернишевский унинг шуҳрат қозониши ва халқнинг абадий муҳаббатига сазовор бўлишини олдан кўриб айтиб берди. Чернишевский Островскийнинг ажойиб реалистик талантини сохта славянофиллик таъсирларидан ҳимоя қилиб сақлаб қолди. У Салтиков-Шчедриннинг ўткир қақшатиқ сатирасини тўғри йўлга солиб юборди. Эндигина ёза бошлаган ёзувчи Л. Толстойнинг келажаги порлоқ деб дастлаб ишонч билдирган танқидчи Чернишевский эди.

Утган аср 60-нчи йилларидан кейинги бутун рус прогрессив адабиёти Чернишевскийнинг ғоявий таъсири остида ўсиб борди. Қардош халқлар ёзувчиларининг ижоди ҳам унинг идеялари таъсири остида камол топди. Украин ёзувчилари Тарас Шевченко, Иван Франко, грузин ёзувчиси Акакий Церетели, осетин ёзувчиси Коста Хетагуров, чуваш ёзувчиси Константин Иванов, коми ёзувчиси — Иван Куратов, қozoқ ёзувчиси — Абай ва бошқа адабиёт арбобларига Чернишевскийнинг жуда кўп меҳнати сингган. Унинг идеялари бу ёзувчиларни халққа хизмат қилиш йўлига солиб турди.

Чернишевскийнинг реалистик эстетикаси санъатнинг ҳамма соҳаларида бадий ҳақиқат ва ғоявийликнинг янада унумдор бўлиб ривожланишига ёрдам қилди: рус музыкаси тарихидаги қудратли тўда ва рассомликда передвижниклар¹ мактаби — Чернишевскийнинг бадий реализм тўғрисидаги таълимотининг жуда зўр таъсир қилганлиги ва ҳаётийлигини тасдиқлайдиган ажойиб ҳодисалардир.

Чернишевский реализмининг идеали, юқорида кўрсатиб ўтилгандай, шунга асосланган эди, у санъатнинг вавифаси турмушни тасвираб, тушунтириб беришдан, турмуш ҳодисалари устидан ҳукм чиқаришдан иборат деб тушунарди. Чернишевский нуқтаи назаридан, бадий адабиёт актив, революцион куч бўлиши, халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим. Шунинг учун Чернишевский ва олтмишинчилар озодлик идеяларини ёйишда кўпроқ Гоголь, Герцен, Лермонтов, Шchedрин ва Некрасов томонидан вужудга келтирилган рус классик реализмининг энг яхши асарларига суяндилар, бу санъаткорларнинг меросларини крепостниклар ва либералларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилдилар.

Чернишевский рус адабиёти тарихига ва рус ёзувчиларининг ижодига реалистик эстетика позициясидан туриб баҳо берди.

Чернишевский, Пушкиннинг буюк тарихий аҳамияти, ҳаммадан аввал, унинг янги рус адабиётини, унинг реалистик традицияларини яратган биринчи буюк рус шоири эканлигидир, деб билди.

Белинский сингари, Чернишевский ҳам Пушкинни

¹ Передвижник — XIX асрнинг иккинчи ярмидаги реалист рассом — «кўчма виставкалар» қатнашчиси.

биринчи буюк рус миллий шоири деб ҳисоблади. Улар Пушкиннинг поэзиясини рус адабиётининг бундан олдинги бутун тарихий тараққиётининг энг юқори ютуғи деб қараган эдилар. Пушкин адабиётни муҳим умум миллат ишига айлантирган биринчи шоир эди, чунки илгари адабиёт, қадимги журналлардан бирининг ибораси билан айтганда, фақат ёқимли ва фойдали эрмак эди, холос. Рус адабиётининг бундан кейинги тараққийсини тайёрлаган киши Пушкин эди. Пушкингача рус ёзувчилари ўз мамлакатининг ҳақиқий ҳаётидан узоқда эдилар. Рус халқининг ҳаётини юқори даражада бадний ва ҳаққоний қилиб тасвирлаб кўрсатган биринчи ёзувчи Пушкин эди. Чернишевский бундай дейди: «Русларнинг хулқ-атворларини, рус халқининг турли табақаларининг ҳаётини дастлаб жуда тўғри ва аниқ-равшан қилиб тасвирлаб бера бошлаган ёзувчи Пушкин эди. Унга қадар бундай асарлардан асар ҳам йўқ эди, деса бўлади. Ундан илгариги ёзувчилардан ўз ҳикояларида рус ҳаётини тасвирлаб берганлар камдан-кам бўлар эди, агар шундай қилганлар бор бўлса, улар рус ҳаётини ноаниқ ва сохта қилиб тасвирлар эдилар». Пушкин замонидан бошлаб адабиётда бутун жамиятимизга яқин бўлган ва уни қизиқтирадиган нарсалар тўғрисида ёзиладиган бўлди. Реалист Пушкин поэзияни романтика осмонидан ерга туширди. Пушкин ўз поэзиясининг аъло даражали реализми билан рус адабиётининг бундан кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берди: олтмишинчилар буни Пушкиннинг ғоят катта тарихий хизмати деб билдилар. Шу билан бирга Пушкин — мисли йўқ шеър устасидир. Чернишевский, дастлаб «рус халқига поэзияни, унинг дилни мафтун этувчи бутун гўзаллигини» кўрсатиб берган шоир Пушкиндир, дейди.

60-йилларда ижтимоий кураш соҳасидаги янги шарт-шароитлар адабиёт олдиға янги талаблар қўйди. Самодержавиечи-крепостнойлик тузумини жуда қаттиқ шош қилган асарлар мана шу талабларға ҳаммадан кўпроқ мос асарлар эди.

У вақтларда рус ёзувчиларидан ҳеч бири танқид қилиб шош қилиб ташлаш жиҳатидан Гоголь билан Шчедринга тенг келолмас эди. Шунинг учун ҳам Чернишевский уларни жуда қадрлар эди. У Гоголнинг асарларини адабиёт соҳасидаги ғоят зўр ҳодисалар бўлиш билан бирга, рус жамиятининг онги ўсаётанлигини кўрсатадиган асар-

лар деб билди. Гоголнинг ижоди Пушкин реалистик традицияларининг давоми эди, рус адабиёти воқийлик билан, халқнинг озодлик ва ватанпарварлик интилишлари билан яқинлашиш йўлида олға қараб катта қадам ташлади.

Чернишевский Гоголни, ҳеч ким билан таққосламасдан, рус ёзувчиларининг энг буюғи, рус прозасининг отаси, «сатирик оқимга ёки, тўғрироғи, танқидий оқимга» асос солган ёзувчи деб ҳисоблар эди. Танқидчи, Гоголь шу билан бирга, «дастлаб рус адабиётининг мазмундор бўлиши учун қатъий курашган», уни мустақиллик йўлига олиб чиққан ёзувчи эди, деб унинг хизматини тақдирлайди.

Гоголнинг жамият онгини очганлигини, жамиятни турмушнинг асосий масалалари тўғрисида ўйлашга мажбур қилганлигини Чернишевский айниқса қадрлайди. Шунинг учун, дейди танқидчи, ҳимояга муҳтож бўлганлар Гоголдан кўп жиҳатлардан миннатдор бўлишлари лозим; у ёмонлик ва разилликка қарши курашувчиларга бош бўлди: «Гоголь фақат гениал ёзувчи бўлганлиги учунгина эмас, балки шу билан бирга мактабга бошчилик қилган — рус адабиёти фахрланса арзийдиган мактабга бошчилик қилганлиги учун ҳам аҳамияти зўрдир».

Чернишевскийнинг Гоголь давригача бўлган рус адабиётига берган баъзибир баҳоларининг хато ва бир тарафлама эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Унинг, Гоголь давригача бўлган бутун рус адабиёти тақлид характерига эга эди, деган фикрига қўшилиш мумкин эмас. Чернишевский ўзининг берган баҳоларини мунозара нуқтаи назаридан ўткирлаштириб, Пушкин ижодининг прогрессив, ғоявий мазмунини очиқдан-очиқ пастга урди, Пушкин ижоди, танқидчининг фикрига кўра, маълум бир оқимга эга бўлмаган «идеаллаштирувчи санъат» чўққиси эмиш. Бундай бир томонлама таърифларнинг асосан мунозара маъноси бор, холос, ва унинг бу гениал рус шоирининг ижодига берган бошқа, аниқроқ баҳоларига кўпинча қарама-қарши келади.

Чернишевский реализмининг идеали бадий тасаввурнинг ҳаққонийлигини илғор, революцион фикр билан бирга қўшишни кўзда тутди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Гоголь дунёқарашининг жуда кўп заиф томонларини кўра билган танқидчи «Рус адабиётининг Гоголь даври очерклари» деган биринчи мақоласида Гоголь ижодининг ўша замондаги ҳам-

ма талабларига номувофиқ эканлигини очиқдан-очиқ кўрсатиб ўтади: «... биз Гоголнинг асарларини рус халқининг ҳозирги замондаги ҳамма талабларини албатта қондирадиган асарлар, деб ҳисобламаймиз, ҳатто «Ўлик жонлар»да ҳам унинг заиф томонлари, ёки ақалли унча яхши тасвир этилмаган томонлари борлигини кўриб турибмиз, ниҳоят, ундан кейин майдонга чиққан ёзувчиларнинг баъзибир асарларида Гоголь фақат бир томонлама тасвир этган, уларнинг бир-бирига чапишганлигини, уларнинг сабабларини ва натижаларини тамомила англамасдан, тасвирлаб кўрсатган идеяларни тўлароқ ва кўпроқ даражада қаноатлантирадиган қилиб ривожлантирмоқчи бўлганликларини кўриб турибмиз».

Чернишевскийнинг фикрига кўра, ёзувчининг турмуши тўғри тушуниши турмуш ҳодисаларини бадий жиҳатдан тўғри тасвирлаш ва тушунтириб беришнинг энг зарур шартидир; шунинг учун ҳам Чернишевский ҳаммадан илғор идеяларни революцион демократик адабиётдан топди: у, Гоголь «онгимизнинг тараққиётида» ҳукмронлик қилиб келган бўлса, энди унинг ўрнини «1840 йиллар танқиди» деган танқид, яъни Белинскийнинг ва барча янги ёзувчилар — революцион-демократлар тўдасининг фаолияти олди, деб кўрсатиб ўтади.

Салтиков-Шчедриннинг ижодини Чернишевский ватан адабиёти тарихидаги янги босқич деб қаради. Реализмни ривожлантиришда ва сатирани ривожлантиришда янги қадам қўйган Шчедринни Чернишевский жуда қадрлар эди. Танқидчи Салтиков-Шчедриннинг «Губерния очерклари» деган асари тўғрисида, бу китоб «рус ҳаётининг тарихий фактлари жумласига киради», деб ёзган эди.

Партия совет ёзувчилари олдига сатирани ҳар жиҳатдан ривожлантириш вазифасини қўйган экан, Чернишевскийнинг Гоголь ва Шчедрин тўғрисида ёзган мақолалари айниқса катта аҳамиятга эгадир. Социализмдан секин-аста коммунизмга ўтиш даврида сохта кишилар билан, ўтмишнинг кишилар онгидаги қолдиқлари билан жуда шафқатсиз кураш олиб бориш айниқса зарурдир. Бу курашда сатиранинг роли ғоят каттадир. Бизга ҳаётдаги ҳамма ёмон, чирик, ўлик нарсаларни, олға қараб ҳаракат қилиб боришимизга халақит берадиган ҳамма нарсаларни сатира ўти билан куйдириб ташлайдиган совет Гоголлари ва Шчедринлари керак.

Совет сатирасини ривожлантиришда Чернишевский-

нинг назарий асарлари ва унинг буюк рус сатириклари тўғрисида айтган фикрлари катта ёрдам кўрсатади. Чернишевский Гоголь билан Шчедриннинг сатирасини мисол келтириб, санъаткорнинг воқиянинг моҳиятини жуда чуқур тушуниб олиши, халққа душман бўлган ҳамма нарсаларни фош этишда шафқатсиз бўлиши зарурлигини кўрсатиб беради. Чернишевскийнинг фикрича, сатиранинг бутун ғазаби салбий нарсаларга қарши қаратилса, юксак ва олийжаноб ҳиссиётлар билан илҳомланган бўлса, янги турмушни бунёдга келтириш учун ғайрат ва ташаббус билан суғорилган бўлса, шундагина ўз мақсадига етади.

Танқидчи буюк реалист-сатириклар бўлган Гоголь билан Шчедринни таърифлаб, шу билан бирга уларнинг дунёқарашида ва ижодида фарқ борлигини аниқ ва равшан қилиб очиб кўрсатди.

Гоголни «ярамас фактлар ҳайратда қолдирар эди ва у бу фактларга қарши ўз ғазабини билдирарди; бу фактларнинг қандай манбалардан келиб чиқиши, бундай фактлар учрайдиган турмуш соҳалари билан маънавий, ахлоқий турмуш, гражданлар турмуши, давлат турмушининг бошқа соҳалари ўртасида қандай алоқа борлиги тўғрисида у кўп ўйлаб ўтирмас эди. Масалан, порахўрлик билан нодонлик ўртасида бирон алоқа бор-йўқлиги тўғрисида, нодонлик билан турли граждан муносабатлари ташкилоти ўртасида бирон алоқа бор-йўқлиги тўғрисида ўйлайдиган вақтлари камдан-кам бўлар эди, албатта. У бирон порахўрлик воқиясига дуч келганида, унинг миясида фақат порахўрлик тушунчаси туғулар эди, холос, унинг миясига ўзбошимчалик, ҳуқуқсизлик, централизация ва шу каби нарсалар келмас эди. У ўзининг шаҳар ҳокимини тасвирлаганида, у, албатта, бошқа бирон давлатда ҳам шу шаҳар ҳокими сингари ҳокимиятга эга бўлган чиновниклар борми, йўқми, агар бор бўлса, улар устидан қилинадиган контроль шу шаҳар ҳокими устидан қилинадиган контроль сингарими ё йўқми,— булар тўғрисида ўйламас ҳам эди».

Шчедрин бўлса, деб ёзади Чернишевский Гоголнинг аксича, порахўрликка ва жамиятнинг бутун ҳолатига революцион позицияларда туриб қарайди: «... унинг «Нюшудлар» ва «Шумлар» деган ҳикояларини ўқиб қарасангиз, унинг порахўрликнинг қаердан пайдо бўлишини, уни қандай фактлар қўллаб-қувватлашини, уни қандай фактлар билан йўқ қилиш мумкин эканлигини жуда яхши ту-

шунитшига ишонч ҳосил қиласиз, Гоголда эса, бу ҳикояларда ифода қилинган ҳеч қандай фикр тополмайсиз. У фақат айрим фактнинг ўзинигина кўради, у фактдан дарғазаб бўлади, шу билан жим бўлиб кўя қолади. Бу айрим фактнинг бутун ҳаёт шароитимиз билан алоқадор эканлиги унинг диққатини ҳеч ўзига тортмайди».

«Современник» журналида Чернишевский билан бирга ишлашган Некрасов унга жуда яқин эди.

Чернишевский Некрасовнинг ижодий тақдирини ўтган аср 50—60 йилларида Россияда бўлган энг илғор ижтимоий ҳаракат билан — революцион демократия билан боғлайди. Крепостнойлик тузумига қарши кураш идеяси Некрасов поэзиясига гоят зўр куч бағишлаган эди, бу куч бизни ҳозир ҳам ҳаяжонга солади. Некрасов поэтик фаолиятининг рус адабиётининг бундан кейинги тараққиёти учун аҳамияти катта деб, унга дастлаб жуда зўр баҳо берган киши Чернишевский эди.

Реакцион ва либерал танқидчилар халқ қайғу аламларини куйлаган шоирнинг бадиий маҳоратини ерга уришга, унинг шеърларининг бадиий фазилатларини инкор қилишга уринган бир вақтда, Чернишевский Некрасовга халқнинг абадий муҳаббат ва ташаккур билдиражагини олддан кўриб айтган эди. Некрасов ҳаёт бўлган вақтдаёқ Чернишевский уни «ҳамма рус шоирларидан юқори» қўйган эди: Танқидчи 1856 йил 5 ноябрда ёзган хатида бундай деган эди: «Сиз ҳозир адабиётимизнинг энг яхши — айтиш мумкинки, бирданбир — гўзал умидисиз... бизнинг Россиямизда ҳар бир тузук киши сизга умид кўзи билан қарашини ёдингизда тутинг». Чернишевский бу хатни қуйидаги сўзлар билан тамомлаган эди: «Сиз рус шоирларидан ҳеч бири, ҳатто Пушкин ҳам муяссар бўлмаган зўр шухратга эга бўласиз... ҳозир сиз бизга рус адабиётида мисли кўрилмаган китоб яратиб бердингиз,— лекин сиз бундан ҳам кўпроқ нарсалар яратиб беришингиз керак — сизга саломатлик тилайман».

Чернишевскийнинг сўзлари башорат қилиб айтилган сўзлар бўлиб чиқди: Некрасов кейинчалик ҳақиқатан ўзининг бир қанча энг ажойиб асарларини яратди ва халқимизнинг энг севиқли шоирларидан бири бўлиб қолди.

Некрасовнинг гоёвий қарашларига Чернишевский таъсир қилганмиди?— деган саволга Чернишевскийнинг ўзи камтарлик билан йўқ, таъсир қилган эмасман, деб жавоб берар эди ва ўз дўстини ҳурмат қилиб, унинг сиёсий қа-

рашлари тамомила мустақил эди, дер эди. Ҳақиқатда эса, Чернишевскийнинг революцион демократик идеялари, деҳқон революцияси идеялари Некрасовга илҳом берган эди, шоирнинг халққа хизмат қилиш учун тўғри йўл топиб олишига кўп жиҳатлардан ёрдам берган эди. Ленин бу тўғрида бундай деб ёзган эди: «Некрасов, шахсан ожиз бўлгани учун, Чернишевский билан либераллар ўртасида иккиланиб турди, лекин бутун муҳаббати Чернишевский томонида эди. Некрасов, яна шу шахсий ожизлиги орқасида, либералча хушомадгўйлик қилиб, гуноҳам қилди, аммо унинг ўзи «гуноҳлари» учун қаттиқ пуншайман бўлди ва бу гуноҳларини кўпчилик олдида эътироф қилди»¹. «Современник» журналининг редакциясида революцион демократлар билан либераллар ўртасида узилиш бўлай деб турган вақтда, худди шу Чернишевскийнинг таъсири остида Некрасов революцион демократлар томонига ўтди, ўзининг адабий тақдирини шулар билан боғлади.

Чернишевский умрининг энг сўнгги кунларигача Некрасовга бўлган оташин муҳаббатини тарқ этмади. Вилнойскада узоқ сургунда юрган чоғида Чернишевский Некрасовнинг қаттиқ касал бўлиб қолганидан хабардор бўлгач, ўз қариндоғи А. Пипинга бундай деб ёзган эди: «Агар хатимни олган вақтингда, Некрасов ҳали ҳаёт бўлса, сен унга айтгинки, мен уни бамаъни одам деб жуда яхши кўрардим, менга жуда меҳр билан қараб келганлиги учун мендан ташажкур билдир, мен уни ўлиб қоламан, унинг шони-шарафи абадий бўлиб қолажagini, ҳамма рус шоирлари ичидаги энг гениал ва олийжаноб бу шоирга Россиянинг муҳаббати абадий сақланиб қолажagini айтгин».

Чернишевский Некрасовни ўзига дўст билар, ўз халқининг бахти-саодати учун бутун умри кураш билан ўтган бу ажойиб шоирни жуда қадрлар эди. Сибирдан ёзган видолашув хатида Некрасовнинг шуҳрати абадий сақланиб қолишини олдан кўриб айтган Чернишевский худди ана шу тўғрида ўйлаган эди.

IV

Чернишевский ўз давридаги адабиётда бўлган ҳамма ҳаққоний ва илғор нарсаларни қувватлади. Рус драма-

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 18 том, 338 бет. Ўздавнашр.

тургияси тарихида, рус театрида реализмнинг мустаҳкам қарор топишида А. Н. Островскийнинг жуда катта роль ўйнашини аниқ ва равшан кўрди.

Фонвизин, Грибоедов ва Гоголнинг комедияларидан кейин тамошабин биринчи мартаба сахнадан ҳақиқий ҳаётни, унинг ҳақиқий қарама-қаршиликларини, ёруғ ва қоронғи томонларини кўрди. Островский асарларидаги реалистик ҳақиқатга Чернишевский жуда юқори даражада баҳо берди. Чернишевский Островскийни унинг 50-йилларнинг биринчи ярмидаги «Камбағаллик айб эмас», «Ўзинг истаганча кун кечирма» деган пьесаларида ўзини кўрсатган реакцион славянпарастликнинг бузуқ таъсирларидан сақлаб қолмоқчи бўлиб, 1854 йилда жуда кескин суратда юғоҳлантириб мақола ёзиб чиқди, бу мақоласида: «Талантнинг кучи ҳақиқатда; хато оқим энг кучли талантни ҳам ҳалок қилади» деб ёзган эди.

«Камбағаллик айб эмас» ва «Ўзинг истаганча кун кечирма» драмалари революцион демократик танқиднинг Островскийни «қадимги турмушни» мақтаб кўкларга кўтаришдан эҳтиёт қилиши учун асос бўлди. Натижада драматург ўзининг бундан кейинги ижодида мана шу хато қарашларидан воз кечди. Островский санъатда ҳақиқатни ҳаммадан юқори қўйиб қадрлар эди, шунинг учун унинг ижодида ҳақиқат галаба қилди. Островский тездан славянпарастлик хомхаёлларини енгди ва ўз ҳаётининг охиригача илғор реализм позицияларида мустаҳкамланиб олди. Чернишевский буни табриклар, драматург ижодининг «кучли ва олийжаноб йўли» тўғрисида ёзган эди. Островский 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Современник» редакцияси билан, айниқса Некрасов билан тобора яқинроқ ва мустаҳкамроқ алоқа боғлайди. 1857 йилдан бошлаб унинг деярлик ҳамма пьесалари «Современник»да, у ёпилгандан кейин эса — «Отечественные записки»да босилабошлади, яъни ўша вақтларда Некрасов ва Салтиков-Шчедрин раҳбарлик қилган энг илғор журналларда босилиб турди: Буюк драматургга Чернишевский ва Добролюбовнинг илғор қарашлари таъсир қилиб, бу нарса драматургнинг ижодига жуда чуқур бадиий реалистик куч бағишлади. У ўзининг энг яхши пьесаларида крепостнойликка ва одамга зулм қилишнинг бошқа турларига оташин нафрат билдирган ҳақиқий халқ ёзувчиси бўлиб бош кўтариб чиқди.

Чернишевский унинг кетидан Добролюбов ҳам Ост-

ровский ижодининг характерини бузиб кўрсатишга ҳаракат қилган реакцион танқидчиларни фош қилиб келдилар. Бу жиҳатдан рус танқиди тарихида Аполлон Григорьев ҳаммадан кўпроқ ном чиқарган эди, у Островский ижодининг асосий йўли крепостнойлик воқиялигининг «зулматини» фош қилиб ташлашдан иборат эмас, балки итоаткорликни қарор топтиришдан, рус ҳаётидаги, энг қадимги ўзига хос турмуш асосларини мустаҳкамлашдан иборатдир, дер эди. Н. Г. Чернишевский Островский ижодига тамомила бунинг аксича баҳо берди. У ҳаммадан олдин Островский пьесаларидаги реалистик ҳаётни, уларда жамоат саҳнасига сурилиб чиққан савдогарларнинг, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб кетган дворянларнинг ва подшо бюрократиясининг фош қилиб ташланганлигини кўрсатиб берди. Чернишевскийнинг Островский ижоди тўғрисидаги қарашларини Добролюбов «Зулмат» ва «Зулмат ичида нур» деган ажойиб мақолаларида давом қилдирди ва ривожлантирди.

Чернишевский халқни менсимай унга бойларча муносабатда бўлишни масхара қилди. У омманинг куч ва келажигига ишониб, ёзувчилар халқ турмушини унинг ҳамма яхши ва ёмон томонлари билан бирга ҳаққоний суратда тасвирлаб кўрсатишларига умид қилди. Чернишевский «Ўзгаришнинг бошланиши эмасми?» деган мақолада Н. Успенскийнинг ҳикояларига жуда юқори баҳо берди. Танқидчи бу ҳикояларнинг асосий қиймати шундан иборатки, Н. Успенский ҳақиқатни сохталаштирмасдан, деҳқонларни тенг билиб, улар тўғрисида ҳаққоний нарсаларни ёзди, деб кўрсатган эди.

Лекин бу мақоланинг аҳамияти анча кенг. Унинг асосий мазмуни — актив, революцион ҳаракатга чақиришдир. Чернишевский дворянлар адабиётининг бойларча «халқсеварлигини» ғазаб билан қоралайди, у аслда крепостнойликни оқлашдир, деб таърифлайди. Дворянлар адабиёти революция идеяси даражасигача кўтарилмаст эди. Бу адабиётда даврнинг асосий зиддияти — деҳқонлар билан помешчиклар ўртасидаги зиддият силлиқлаб кўрсатилар эди, бу ҳолни Чернишевский жуда қаттиқ танқид қилиб чиққан эди. Унинг фикрича, адабиётнинг вазифаси халқни уйғотиш, уни золимларга қарши кўтаришдир.

Дворян либераллар 1861 йилдаги буржуа реформаси вақтида крепостниклар билан иттифоқ бўлиб бош

кўтариб чиқди, рус халқини улар билан биргалашиб алдади. Чернишевский ўзининг публицистик ва адабий асарларида жуда ғазаб билан ёзилган кўп сатрларни либералларга қарши қаратган эди. «Рус жишиси rendez-vous»да деган мақола — Тургеневнинг «Ася» деган повестининг таҳлили дворян либералларнинг сиёсий қўрқоқлиги, иродасизлиги ва хоинлигини фош қилишга бағишланган ажойиб кураш ҳужжатидир.

Чернишевский Тургенев асарларининг бадий фазилатларини, улардан кўпларининг жамиятга прогрессив таъсир қилганлигини эътироф этган эди. Тургеневнинг крепостнойликка қарши чин қалбдан протест билдириб ёзган «Овчининг хатлари» каби илк повестлари ва ҳикояларига Чернишевский жуда ҳам зўр завқ билан қараган эди. Кейинчалик, Тургенев «Современник» журналининг революцион программасига қўшилмай, журнал редакциясидан чиққандан кейин, Чернишевский «Ася» повести тўғрисидаги мақоласида 60-йиллардаги революционерларнинг қарашларини муътадил либерал дворян интеллигенция қарашларидан аниқ ва равшан қилиб ажратиб кўрсатди. Танқидчи «Ася» повестининг қаҳрамонини дворян адабиёти қаҳрамонларининг — «ортиқча кишилар»нинг типик хислатларининг ифодаси деб қарайди, уларнинг амалда халқни ҳимоя қилишдан ожиз эканликларини исбот қилиб беради. Чернишевский «ортиқча кишилар»ни беғайрат, революцион курашда ҳаракат қилишга ноқобил одамлар деб, уларни қаттиқ қоралайди.

Чернишевский Тургеневнинг ўзини олийжаноб ва меҳрли қилиб кўрсатувчи қаҳрамонини, у «бизни алдади, авторни алдади деб уни айблайди. Шоир, бизга тузук одам ҳақида ҳикоя қилиб бераётганимиз деб хаёл қилиб, жуда кўпол хато қилди. Асар қаҳрамони ўтакетган аблаҳдан ҳам беш баттар» дейди. Чернишевский либерализмнинг типик хислатларини шафқатсизлик билан танқид қилиб революцион фикрларини цензурадан жуда усталик билан ўтказиб олади. У Тургенев повестидаги либерал қаҳрамоннинг беқарорлиги ва қўрқоқлигининг илдиэларини кўрсатиб беради — бу унинг пасткашлиги, турмуш идеалининг тубанлигидир, дейди. Шунинг учун ҳақиқий революцион курашчилар билан дворян адабиётидаги иродасиз қаҳрамонларнинг йўли бошқа-бошқа, чунки сиёсий курашга ўтиш лозим бўлган вақтда жамиятга сўзда эмас, балки ишда хизмат қилиш уларнинг қўлидан келмайди.

«Бизга,— деб ёзган эди Чернишевский,— гўё у («ортиқча киши», адабиётдаги ва турмушдаги дворян қаҳрамони — В. Шц.) бизнинг жамиятимизга қандайдир хизмат қилгандай, гўё у бизнинг маърифатимизнинг вакилидай, гўё у бизнинг орамиздаги энг яхши киши, гўё у бўлмаса бизга ёмон бўладигандай (бу қуруқ хаёл, бироқ ҳали ҳам биз қутила олмай турган хаёл) кўринади. У тўғридаги бу фикр қуруқ бир хаёлдир, деган фикр бизда тобора кучайиб бормоқда, унинг таъсири остидан чиқишимизга оз қолганлигини, ундан кўра яхшироқ кишилар борлигини, булар худди ўша одам хафа қилаётган кишилар эканлигини, у бўлмаса бизнинг турмушимиз яхшироқ бўлишини сезмоқдамиз».

«Н. Огарёв шеърлари» деган мақолада Чернишевскийнинг янги қаҳрамонни кутаётганлиги аниқ ва равшан ифода қилинган: «Онегин ўрнини Печорин олди, Печорин ўрнини — Бельтов ва Рудин олди. Менинг даэрим ўтди, деган гапни биз Рудиннинг ўз оғзидан эшитдик; бироқ у бизга унинг ўрнини босадиган бирон кишини ҳали кўрсатиб бергани йўқ, биз ҳам унинг ўринбосарини яқин ўрталарда кўриш-кўрмаслигимизни ҳали билмаймиз. Биз болалик чоғидан ҳақиқатга ўрганиб, унга титраб-қақшаб эмас, балки жуда хурсанд бўлиб, ҳақиқатга меҳрмуҳаббат билан қарайдиган ўринбосарнинг келишини кутиб турибмиз; биз шундай одамни ва унинг жуда тетик, шу билан бирга жуда осойишта қатъий сўз айтишини кутиб турибмиз, токи, унинг бу сўзидан назариянинг турмушдан қўрқиши эшитилмасдан, унинг сўзида ақлнинг турмуш устидан ҳокимлик қила олиши ва одам ўз турмушини ўз эътиқодларига мувофиқлаштира олиши исбот қилиб берилиши лозим».

Танқидчи янги адабиёт қаҳрамони масаласини, адабиётда рус кишисининг характерини тўғрироқ ёритиш масаласини ўртага қўяди. Қаҳрамонлик, эрксеварлик, ватанпарварлик, фидокорлик, актив фаолият кўрсатиш, юқори даражали онг ва ҳиссиётлар эгаси бўлиш — янги қаҳрамоннинг қиёфаси ана шундай. Чернишевский кейинчалик, «Нима қилмоқ керак?» ва «Пролог» романларида Рахметов ва Волгин образларида янги қаҳрамоннинг қиёфасини тасвирлаб берди. Бу қаҳрамонларни ва Чернишевскийнинг ўзини В. И. Ленин ўзига жуда яқин тутар ва уларни ўз қадрдонидеб билар эди. Ленин Чернишевскийни «буюк ёзувчи» деб атаганида, унинг «Нима

қилмоқ керак?» ва «Пролог» романларини ҳам кўзда тутган, деб ўйлаш керак, Ленин бу романларни яхши кўрар эди ва уларга жуда юқори баҳо берган эди. Чернишевский адабиётда идеялар ва образлар донрасини кенгайтди, унинг «Нима қилмоқ керак?» деган романи революцион ёшлар учун социалистик пропаганда манбаи бўлиб хизмат қилди.

Бу романларда адабиётда биринчи марта халқни озод қилиш ишига ўзини тамомила бағишлайдиган актив революцион-демократ образи пайдо бўлди. Рахметов билан Волгин образлари «нима қилмоқ керак?» деган саволга жавоб берди, революцион кураш йўлига кираётган ёшлар учун намуна бўлди. Чор Россиясидаги ижтимоий муносабатлар қолюқ бўлганлигидан, Чернишевскийнинг қахрамонлари ўзларининг социалистик идеяларини амалга ошира олмадилар. Фақат бизнинг замонимизда, Буюк Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейингина, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлик қилаётган совет кишилари озодлик ва бахт-саодат йўлини топдилар.

Чернишевскийнинг Л. Толстой ижоди тўғрисидаги фикрлари Чернишевскийнинг бадиий сезгиси гоёт буюк эканлигини кўрсатиб берди. Л. Толстойнинг илк асарлари бўлган «Болалик ва ўспиринлик», «Ҳарбий ҳикоялар»нинг айрим нашр бўлиб чиқиши муносабати билан ёзилган кичик мақола ва «Помещчик эртаси»нинг «Журналлар ҳақида заметкалар»да қилинган таҳлили бу жиҳатдан айниқса мароқлидир.

Чернишевский бу мақолаларда Толстойнинг асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни ва уни бошқа ёзувчилардан ажратиб турадиган талантининг махсус хислатларини ажратиб кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди. Бу вазифани бажариш, деб писанда қилиб ўтади Чернишевский, осон эмас, чунки, Толстойнинг истеъдоди «тез ривожланиб бормоқда ва унинг деярлик ҳар бир асари унинг янги хислатларини очиб кўрсатмоқда». Шунга қарамасдан, танқидчи бу қийин вазифани жуда яхши уддалади ва Толстой ижодининг кейинчалик ҳам унинг учун характерли бўлган хусусиятларини кўрсатиб ўтди.

Санъаткор Толстойнинг Чернишевский кўрсатиб ўтган биринчи хусусияти — унинг дунёқарашининг деҳқонлар онги билан боғлиқ эканлигидир: «Ҳозир биз учун шу

нарса жуда аниқ ва равшанки, граф Толстой деҳқонларнинг ташқи шароитини жуда усталлик билан тасвирлаб кўрсатган, шуниси янада кўпроқ муҳимки, у деҳқонларнинг масалага қарашини ҳам жуда усталлик билан тасвирлаб беради. У деҳқоннинг кўнглидагини топишга жуда уста — унинг деҳқони ўз табиатига жуда ҳам содиқ, унинг деҳқонининг сўзларида бўёқ йўқ, дабдаба йўқ, бизнинг солдатларимизнинг характери қандай бўлса, граф Толстой деҳқонларнинг тушунчаларини шундай ҳаққоний ва яққол қилиб тасвирлаб беради». Чернишевский ёш Толстой асарларининг энг муҳим тенденцияларининг кейинчалик Толстойнинг ижоди ва дунёқарашининг асосий мазмуни бўлиб қолган тенденцияларини гениаллик билан кўрсата билди. Чернишевский, ёзувчи рус деҳқонларининг тушунчаларини тасвирлашга уста эди, деб кўрсатиб ўтган эди, унинг бу сўзлари Лениннинг, Толстой деҳқонлар ҳаракатининг кучи ва заифлигининг ифодасидир, деган қарашига жуда яқин келади.

Толстой талантининг дастлаб Чернишевский очган иккинчи хусусияти — психологик анализ қилиш жиҳатидан жуда ҳам зўр истеъдод эгаси эканлигидир, унинг таҳлили бошқа рус ёзувчиларининг, масалан, Тургеневнинг асарларида қилинган психологик анализдан анча фарқ қилади. Унинг рус танқидида дастлаб Чернишевский кўрсатиб ўтган учинчи хусусияти — Толстойнинг илк ижодида эндигина кўрина бошлаган «маънавий томони» дир, ёзувчининг доимо ахлоқ проблемаларини қўйиш ва ўрганишга интилганлигидир.

Л. Толстойнинг ахлоқ масалаларига жуда ҳам қизиққанлигига сабаб, ахлоқ жиҳатдан соғлом бўлган киши табиатининг эксплуататорлик жамиятидаги ҳар қандай зулм формаларига ва шахснинг тубанлашиб кетишига қарши норозилик билдиришидир. Чернишевский буюк рус санъаткорининг «Болалик» ва «Ўспиринлик» деган асарларида авторнинг «ахлоқ туйғусининг софлиги» унинг алоҳида фазилати деб таъкидлаб кўрсатиб ўтади: бу ажойиб жозибадор реалистик асарларни том маънодаги мусаффо талантгина ўйлаб топа оларди ва ярата оларди. «Ёшлик вақтларидаги бутун покизалигини сақлаб қолган маънавий туйғусининг мусаффолиги унинг (Толстойнинг — В. Шч.) поэзиясига алоҳида латофат кучи — кишига жуда завқ берадиган ва кишини мафтун қиладиган латофат кучи бағишлайди» — деб кўрсатиб ўтади танқидчи. Тол-

стойнинг қатъий реализми билан соф маънавий туйғу ва ижтимоий муддаоларининг самимийлигининг бир-бирига алоқадорлиги Чернишевский учун шубҳасиздир. Ёш Толстой дунёга мукамалроқ ва объективроқ назар билан қарашга интилади, буни Чернишевский жуда аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб берган эди. Толстойдаги бу интилиш Толстойни турмушнинг ҳақиқий манзараларини тасвирлаб кўрсатишга мажбур қилади, ҳукмронлик қилган синф кишиларини тасвирлашда санъаткорни ўз олдига кўпроқ жиддий талаблар қўйишга ундайди, гарчи Толстой «Болалик» ва «Ўспиринлик» асарини яратиш вақтида ҳали деҳқонлар дунёқараши йўлига кирмаган бўлса-да, оддий аристократ онгига хос бўлмаган масалалар уни қийноққа солади. Бироқ Чернишевский ёш Толстойнинг деҳқонлар турмушига жуда қизиқиб қараганлигини пайқайди. Мана шунинг ўзиёқ танқидчининг зеҳни жуда ўткир эканлигини кўрсатади.

Толстой ижодидаги уч тенденция — танқидчи кўрсатиб ўтган ва ўша вақтдаёқ кўришиб турган бу тенденциялар кейинчалик унда асосий, етакчи тенденциялар бўлиб қолди. Чернишевский, янги ёш талантнинг фарқи унинг деҳқонларга бошқача қарашида, ахлоқ жиҳатдан мусаффолигида ва қаҳрамонларнинг психологиясини усталик билан тасвирлашидадир, деганида янглишмаган эди. Бу мақоланинг хулосасида айтилган сўзлар каромат қилиб айтилган сўзлар эди, унда Чернишевский ёзувчининг келажаги порлоқ эканлигини олддан кўрган эди. «Биз,— деб ёзган эди танқидчи,— граф Толстойнинг адабиётимизга берган ҳамма нарсалари унинг келажакда қиладиган ишларининг фақат гаравидир, деб башорат қиламиз».

Адабий асарларга баҳо берганида танқидчи Чернишевский халқ манфаатларини, ватан манфаатларини ҳаммадан юқори қўйди; у ҳеч вақт ўзининг революцион эhtiқодларини шахсий дўстлик, ёки танилган ёзувчининг обрўси йўлида қурбон қилмасди. Масалан, Гоголнинг ижодини жуда қадрлаш билан бирга, «сохта идея» «Ўлик жонлар»нинг иккинчи томидаги реализмни пасайтириб юборди, деб очиқдан-очиқ ўз фикрини айтди, Островскийнинг «Камбағаллик айб эмас» деган комедиясида кўринган славянпарастилик таъсирини қоралади. Гап революцион идеяларга содиқ бўлиш устида берганида, Чернишевский ҳатто ўзининг биргалашиб кураш олиб бораётган ўртоқларини ҳам аямади. Герцен либерализмга томон

оғиб кетганда, матбуотда Добролюбовга қарши чиққанида, Чернишевский уни қаттиқ қоралади. Шунинг учун ҳам, бу революцион, принципиал танқид озодлик ҳаракатига ва рус санъатига жуда катта фойда келтирди.

Чернишевский Белинскийнинг асарларини Россиядаги жамоат фикри ва танқидининг энг юқорч ютуғи деб ҳисоблади. Чернишевскийнинг энг катта танқидий асарларидан бири бўлган «Рус адабиётининг Гоголь даври очерклари»да Белинский, Гоголь фаолиятига ва 40-йиллардаги рус танқидига тарихий баҳо берилган. Бу «Очерклар» Белинский вафотидан етти йил ўтгандан кейин, унинг номини ҳатто матбуотда тилга олиш ҳам тақиқ қилинган вақтда пайдо бўлди.

Чернишевский бу асарида рус танқидида Белинский традицияларини қайтадан рўёбга чиқарди. 50-йиллардаги рус жамиятига унинг асарларининг аҳамияти, йўли ва руҳини тушунтирди, ўша замондаги адабиёт ва танқиднинг ривожланиши фонида бу гениал танқидчининг тарихий хизматларини кўрсатиб берди. Белинскийнинг номини у «Очерклар»нинг сўнгги мақолаларидагина тилга олади, бироқ вазифанинг мушкуллиги Чернишевскийни бу ишдан қайтара олмади. У «Гоголь даври танқиди»га, «40-йиллар танқиди»га, яъни Белинский танқидига ҳамisha зўр муҳаббат билан қаради, унинг принципларини қадам-бақадам давом эттирди, у принципларни ҳар қандай реакцион ва либерал «дўстлар»дан ҳимоя қилиб келди.

Чернишевский Белинскийнинг асарларида ҳаммадан тўла ифода қилинган рус илғор танқидининг куч манбалари ватанпарварлик идеяларидадир, деб ҳисоблади. «Гоголь давридаги танқиднинг жуда кўп фазилатлари бор эди,— деб ёзган эди Чернишевский,— бироқ ҳаммаси уларни жонлантирган бир эҳтирос туфайли — оташин ватанпарварлик тифайли жон, маъно ва кучга эга бўлди... бу танқидга йўл кўрсатиб турган бирдан-бир эҳтирос ватан бахт-саодатига меҳри-муҳаббат эди: бу эҳтирос санъат соҳасидаги ҳар бир фактга унинг рус ҳаёти учун қандай аҳамияти борлигига қараб баҳо бериб келди. Бу идея — унинг фаолиятининг пафосидир. Унинг ўз қудратининг сири ҳам шу пафосдadir». Бунда Чернишевский ўзининг революцион-демократик эстетикасининг асосий принципини, илғор рус жамиятининг бир қанча авлодларига жуда зўр таъсир қилишини белгилаб берган асосий принципини ҳам зўр илҳом билан баён қилиб беради.

Чернишевский ватанга, турмушдаги гўзал нарсага меҳр-муҳаббат билан қараш билан бирга, ҳамма хунук нарсага, ёвузликка, халқ душманларига нафрат билдирди. Бутун илғор рус революцион-демократик танқиди халқни эзувчи золимларга мурасасиз нафрат билан, халқ манфаатлари учун, унинг маърифатли бўлиши учун, уни эксплуататорлар зулмидан озод қилиш учун курашга олийжаноб интилиш билан суғорилган.

* * *

Чернишевскийнинг ҳаёти ва сиймоси биз учун ниҳоятда мафтун этувчи одам намунасидир. Чернишевскийнинг ҳаётида ва сиймосида биз учун қимматли рус революционерларининг хислатлари мужассамланган. Чернишевский очикдан-очик эзилган халқ томонида, унинг ҳуқуқларини қаттиқ туриб ва ҳеч тап тортмасдан ҳимоя қилиб келди. Чернишевский, революционер бўлганлиги учун, чоризм ундан қўрқар эди, илғор жамиятнинг жуда зўр маънавий куч, фикр ва муҳаббати Чернишевский томонида эди. 1862 йил 19 июлда чор амалдорлари Чернишевскийни қўлга олиб, уни Петропавловск крепостига қамадилар. Қамалганидан ва гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганидан кейин у йигирма йилдан кўпроқ вақт машаққатли Сибирь сургунида бўлди. Бироқ бу сургунарлар унинг руҳини синдира олмади. Чор амалдорлари ҳатто уни афв сўраб илтимос қилишга ҳам мажбур эта олмадилар.

Чернишевский мукамал характер, букилмас ирода ва қудратли мақсад эгаси эди. У, «арестант №9», Петропавловск крепостидан хотинига бундай деб ёзган эди: «Бизнинг... ҳаётимизнинг эгаси тарихдир: орадан юз йиллар ўтади, бизнинг номимиз одамлар учун ҳамон қимматли ном бўлиб қолади; бизни эсга олиб, ташаккур билдирадилар... Шундай экан, бизнинг ҳаётимизни ўрганадиган кишилар олдида ўзимизни тетиқ тутайлик, ўзимизни ерга урмайлик». Чернишевский қаҳрамонна матонати, битмас-туганмас оптимизми билан революцион хатти-ҳаракат намунасини кўрсатдиким, революционерлар авлоди ўз фаолиятларида ундан ибрат олдилар.

Чернишевскийга ғайрат ва матонат бағишлаган нарса унинг эзилган рус халқининг вакили эканини анг-

лаганлиги, ўз ишининг ҳақ иш эканлигига ишонганлигидир. У сургундан хотинига бундай деб ёзган эди: «бошқалар хаёлимда, фикри-зикрим миллион-миллион қашшоқларда, мени хурсанд қиладиган жойи шуки, бунчалик бўлар деб ўйламаган бўлсам ҳам, унчалик хизматим бўлмаса ҳам, улар овозимни илгаригидан ҳам кучайтириб, обрўйимни баланд кўтариб юборди, овозим уларни ҳимоя қилиб янграйдиган кун ҳам келиб қолар».

Бу ажойиб революционерни рус социал-демократиясининг буюк илк вакилларида бири деб атаган В. И. Ленин Чернишевскийнинг ҳаётда кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида бундай деб ёзган эди: «61-йил революционерлари якка-ёлғиз бўлиб қолиб, тўла мағлубиятга учраганга ўхшайдилар. Аслида ўша даврнинг буюк арбоблари худди шу революционерлар эдилар, бинобарин, биз улар яшаган даврдан қанча узоқлашсак, уларнинг улуғворлиги шунча аниқ ва равшан бўлиб кўринмоқда»¹.

Чернишевскийнинг ҳаёти ва ўз фаолияти билан кўрсатган намунаси истиқбол учун қандай қаттиқ туриб матонат билан курашиш, ҳеч қандай қийинчиликлардан кўрқмаслик лозимлигини кўрсатади. Буюк революционер бўлган Чернишевский тарихий, революцион йўлнинг жуда оғир ва машаққатли йўл эканлигини жуда яхши билар эди.

Чернишевский мард қадам ташлаб шу йўлдан борди, у социализм идеяларига жуда содиқ эди.

Чернишевский бундай деб ёзган эди: «Биз ўз даврдан ўзиб кетиб, келажак кун тонгини олдан кўриш шарафига муяссар бўлганларга, бу тонгининг келишини мардлик билан табрик қилганларга қойилмиз. Мустақил ва мағрур овозни баланд кўтармоқ керак... ўзингни ўзинг руҳлантирмоғинг, ўз кучинг, ўз умидингни ўзингдан топмоғинг керак, орқага қарамасдан, дадил руҳ билан, муқаддас ҳаққоният эҳтироси билан мақсадга қараб бормоғинг керак... мана шунга умрбод қойил бўлса арзийди».

Дадил шуни айтиш мумкинки, XIX асрда Маркс давригача бўлган жаҳон философияси ва эстетикасининг энг юқори тараққий босқичи Белинский ва Чернишевский мактаби (таълимоти)дир.

Чернишевскийнинг фаолияти фақат Россиядагина чу-

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 17 том, 117 бет.

қур из қолдиргани йўқ. Унинг идеялари Ватанимиз чеғараларидан ташқарига ҳам ёйилди ва чет мамлакатлардаги жуда кўп илғор ёзувчи ва революционерларга таъсир қилди.

Маркс билан Энгельс Чернишевский фаолиятининг жаҳон тарихи ва маданияти учун жуда катта аҳамияти борлигини бир неча бор таъкидлаб кўрсатган эдилар. Маркс «Отечественные записки» журналининг редакциясига ёзган хатида Чернишевскийни жуда зўр ҳурматга сазовор «буюк танқидчи олим» деб, унинг мақолаларини эса «ажойиб мақолалар» деб айтган эди. Энгельс, Чернишевский сингари арбоблар Россиянинг ифтихоридир, Россиянинг ғоят катта ҳаётий кучга эга эканлигини кўрсатади, деб ҳисоблаган эди. Маркс билан Энгельс Чернишевскийнинг илғор ижтимоий фикр ютуқларини ўша замонларда Ғарбий Европадаги расмий тарихий фаннинг берган ҳамма ютуқларидан юқори қўйган эдилар.

Биз Чернишевскийнинг асарларидан ўтган асрдаги илғор рус кишиларининг ватанини самодержавие ва крепостнойлик зулмидан қутқаришнинг тўғри йўлини кўрсата оладиган тўғри, революцион назарияни жуда матонат ва фидокорлик билан қидирганликларини кўриб турибмиз. Чернишевскийнинг ватанпарварлиги, унинг революцияга садоқати, халқнинг ижодий кучларига ва истиқболга ишонганлиги, материализмни ва юқори даражали реалистик санъатни қарор топтиришда изчиллик билан иш олиб борганлиги биз учун жуда қимматлидир.

Совет кишилари ажойиб олим, ёзувчи ва революционер рус халқининг буюк фарзандларидан бири бўлган Чернишевскийни жуда зўр мамнуният ва ҳурмат билан хотирлайди. Чернишевскийнинг революцион, илмий ва адабий традицияларини совет социалистик маданияти мерос қилиб олади ва ривожлантиради.

В. Шчербина

**РУС ЁЗУВЧИЛАРИ
ҲАҚИДА**

З Н. Г. Чернишевский

А. С. ПУШКИН

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН, УНИНГ ҲАЁТИ ВА АСАРЛАРИ*

Ноширнинг сўзбошиси

Қатта ёшли китобхон бу китобдан Пушкин тўғрисида ўзи учун ҳеч қандай янгилик тополмайди. Бу китобнинг мақсади — ёшларни буюк рус шоири билан таништира бошлаш учун хизмат қилишдир. Шу мақсадда бу китобда: а) ҳозиргача босилиб чиққан материаллар асосида шоирнинг ҳаёти ҳикоя қилиб берилган, шу билан бирга, бу китобни тузган киши Пушкиннинг меҳнатсевар, олийжаноб ва жуда зўр бир шахс эканлигини яққол тасвирлаб берадиган фактларга кўпроқ ўрин берган, б) Пушкин асарларининг қисқача очерки берилган ва в) «Илова»да Пушкиннинг бир қанча майда шеърлари ва поэмаларидан парчалар берилган, булар, албатта, китобнинг ўз олдига қўйган мақсадига мувофиқ қилиб танлаб олинган.

Шундай қилиб, Пушкин тўғрисида тузилган бу китоб, бизнинг фикримизча, ёш йигитларнинг ҳам, ёш қизларнинг ҳам ўқиши учун фойдали ва мароқли китобдир.

Юқорида баён қилинганларнинг ҳаммасидан ноширнинг болаларни кўзда тутганлиги кўриниб турибди. Бироқ, шунга қарамасдан, китоб болалар китоби деб аталмади. Бундай қилинганлиги бежиз эмас. Ўзининг болалик ва ёшлик чоғларини хаёлига келтирган ҳар бир кимса ўша вақтларда ўзининг катталардай бўлгиси келганини ва болаларники деган номнинг ўзиёқ унинг кўнглига қаттиқ текканини эслайди, албатта. Биз шундай болаларни, ай-

* Айрим мақолаларнинг изоҳлари китобнинг охирида берилган.

ниқса улар болаликдан ўспиринликка ўтар вақтларида кўрганмизки, улар худди шундай, болалар учун, деб ёзилгани учун ҳам, яхши китобларни ўқимас эдилар, ҳолбуки «болалар учун» деб ёзилмаган бўлса, ҳар қандай шубҳали китобларни ҳам жуда қизиқиб ўқир эдилар.

Хуллас, бизнинг китобимизни сотиб олиб, уни ўз тарбияларида бўлган болалар қўлига беришдан олдин шу сўзлар ёзилган қоғозни йиртиб ташлайдиган ота-синалар ва мураббийлар жуда ақлли иш қиладилар, чунки, уларнинг шундай қилганлигини кўрган болалар китобни яна ҳам кўпроқ қизиқиб ўқийдилар.

СПБ, 1856, июнь.

Китобнинг бу нашрига Пушкиннинг сурати илова қилинган. Бу сурат Пушкиннинг вафотидан кейин қолган энг яхши икки суратдан биридир: уни А. Брюллов натураддан ишлаган бўлиб, Лондонда пўлатга нақш қилинган ва дастлаб «Юз рус ёзувчиси»га илова қилинган эди.

1 6 0 6

«Буюк шоир» деган сўзнинг маъноси.— Кимнинг ўқимишли киши деб аталшга ҳаққи бор?— Маориф ишларида адабиётнинг, айниқса бадий адабиётнинг умумий аҳамияти.— Бадий адабиётимизда Пушкиннинг туғган ўрни.*

Бизнинг ҳар биримиз «Пушкин — буюк шоир» деймиз ва бу сўзларнинг аҳамияти шу қадар каттаки, бу сўзларнинг маъносини мумкин қадар яхши тушуниб ўқиб олишга ҳаракат қилмоқ керак; «буюк шоир» дейишнинг маъноси нима? нима учун буюк шоирларни ҳамма жуда ҳурмат қилади? нима учун Пушкинни ҳамма буюк шоир деб ҳисоблайди.

Илм — киши учун энг буюк бир неъмат эканлигини исботлаб ўтиришнинг жераги йўқ. Илм бўлмаса, киши ҳам дағал, ҳам қашшоқ, ҳам бахтсиз бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун сайёҳларнинг ёввойи одамлар тўғрисидаги ҳикояларини эсга олиш kifоядир. Ҳозир Шимолий Америка Штатлари жойлашган ерларда бир замонлар қизил танли индеецлар яшар эдилар, у ерларда ҳозир ҳам шундай индеецлар яшайди: турмуш учун зарур ҳамма нарсага муҳтож бўлиб яшайдиган, ўзлари ҳам озчи-

* Б а д и й а д а б и ё т, словесность (эскирган) беллетристика, нафис адабиёт.

ликни ташкил этадиган қизил танлилар билан ҳамма нарсаси тўқис, ўзлари ҳам кўп ва бой шимолий америкалиларнинг бир-биридан қандай фарқ қилишига бир назар солиб кўринг! Улар ўртасидаги бу фарқнинг сабаби нима? Бунинг сабаби фақат шуки, шимолий америкалилар — ўқимишли одамлар, қизил танлилар эса — ёввойилардир. Бизга яқинроқ яна бир мисолни олайлик: Россия ҳозир қудратли ва бой давлатдир, чунки Буюк Пётр туфайли руслар ўқимишли халқ бўлиб қолди; ҳолбуки, атиги беш юз йил илгари руслар ҳали унча ўқимишли халқ бўлмаганлари учун, уларни татарлар эзиб, хонавайрон қилиб келган эди.

Бироқ, маърифатнинг фазилати халқни ҳам фаровон, ҳам қудратли қилишдангина иборат эмас: маърифат кишига шундай руҳий лаззат берадики, бу билан ҳеч нарса тенглаша олмайди. Буни ҳар бир ўқимишли одам сезади ва ҳамма вақт, маърифат бўлмаганда, турмушим жуда бемаза ва хароб бўларди, дейди.

Агар биз, халқни илм-маърифатли қилиш учун ҳамма воситалардан энг кучлиси — адабиёт десак, ҳамманинг бахти-саодати учун адабиётнинг жуда муҳимлиги тамомила аниқ ва равшан бўлади. Адабиётни йўқ халқ кўпол ва жоҳилдир, адабиёт қанчаки кучайиб, камолга етса, ёки, айтганларича, қанчалик ривожланиб борса, халқ шунчалик ўқимишли ва яхши бўлиб боради.

Кимки кўп илм орттирган бўлса ва бундан ташқари яна, яхши-ёмонни, ҳақу ноҳақни дарҳол ва тўғри пайқаб оладиган бўлса, ёки бир сўз билан айтганларидай, «фикр қилишга» ўрганган бўлса, ва ниҳоят, кимнингки тушунча ва ҳислари олижаноб ва юксак бўлса, яъни, яхшиликка ва гўзалликка жуда зўр меҳр қўйган бўлса, у киши ўқимишли киши деб аталади. Кишининг том маънода ўқимишли бўлиши учун мана шу уч фазилатнинг бўлиши — оқуда кўп илмли бўлиши, фикр қилишга одатланган бўлиши ва олижаноблик ҳисларига эга бўлиши зарур. Билми оз киши жоҳилдир; кимнинг ақли фикр қилишга ўрганмаган бўлса, у дағал ёки тўпос кишидир; олижаноблик туйғуси бўлмаган киши бемаъни одамдир.

Киши болалик чоғида, илк ёшлигида мактабларда ўқийди; тарбиячиларнинг дарс беришдан мақсади ўспиринни ўқимишли қилишдир. У мактабдан чиққанидан яъни ўқиб бўлганидан кейин, унинг илмига кўмаклашадиган, камолатга етказиб турадиган нарса китоб ўқиш-

дир, яъни киши балоғатга етганидан кейин унинг болалик ва ўспиринлик чоғидаги тарбиячилари ўрнига биргина тарбиячи қолади, бу тарбиячи — адабиётдир.

Адабиёт ўзининг буюк вазифасига — кишиларнинг билимли бўлишларида уларга раҳбарлик қилиш вазифасига муносиб бўлиш учун уларга турли хил билим бериши, уларда фикр қилиш одатини вояга етказиши ва уларнинг ҳамма гўзал ва яхши нарсаларга жуда меҳр қўйишини қувватлаб туриши лозимлигини тез билиб олдик. Ҳар бир яхши китоб мана шу шартларни маълум даражада бажаради; бироқ, баъзибир китоблар китобхоннинг миясига турли билимларни қўйишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди — булар, масалан, тарих, табиий фанлар ва шу каби илмий адабиёт деган асарлардир; бошқа китоблар китобхоннинг асосан хаёлига ва дилига таъсир қилиш, уларда яхши ва гўзал нарсаларга меҳр туғдириш нияти билан ёзилган китоблардир, булар бадий адабиёт деб аталган китоблар жумласига киради. У хил китоблар билан бу хил китобларнинг китобхонга қиладиган фойдали таъсирлари кўп жиҳатлардан бир-бирига жуда ўхшайди; ҳамма яхши китобларнинг айниқса бир-бирига ўхшайдиган томони шуки, улар китобхонни ниманинг адолатдан, ниманинг гўзал эканлиги ва ниманинг кишилар учун фойдали эканлиги тўғрисида ўйлайдиган қилади. Бу китобларнинг яна шу томони ҳам бир-бирига ўхшайдики, яхши илмий китоб, ҳаммадан кўпроқ мияга таъсир қилиб, шу билан бирга дилга ҳам таъсир қилади, бадий адабиёт асарлари бўлса кўпроқ китобхоннинг дилига бориб тегса ҳам, лекин шу билан бирга унинг миясига ҳам фойдаси тегмай қолмайди, инсоният ҳаёти ҳақида кишига тўғри тушунча беради. Бироқ, ана шундай кўп жиҳатлардан бир-бирига ўхшашлиги бўлса ҳам, бадий адабиёт илмий адабиётдан жуда катта фарқ қилади. Бу фарқдан бирини биз биламиз: биз юқорида айтиб ўтгандай, илмий асарларнинг асосий мақсади бирон фан тўғрисида аниқ маълумот беришдир, бадий адабиёт асарларининг моҳияти эса шундан иборатки, улар кишининг хаёлига таъсир қилади ва китобхонда олижаноблик тушунчалари ва туйғуларини қўзғатиши лозим. Бошқа фарқ шундан иборатки, илмий асарларда бўлган воқиалар баён қилинади ва аслида бор ва аслида бўлган нарсалар тасвирлаб кўрсатилади; бадий адабиёт асарларида бўлса кишилар турли-турли ҳолларда ўзларини қандай

ҳис қилишлари ва нима қилишлари жонли мисоллар билан тасвирланиб, ҳикоя қилиб берилади ва бу мисолларнинг кўпчилигини ёзувчининг ўзи хаёлида яратиб тасвирлаб беради. Бу фарқни қисқача қуйидаги сўзлар билан ифода қилса бўлади. Илмий асарда нима бўлганлиги ёки нима борлиги ҳикоя қилиб берилади, бадий адабиёт асарларида эса дунёда ҳамма вақт ёки одатда қандай бўлиши ҳикоя қилиб берилади.

Бадий адабиёт билан илмий асарнинг бир-бирига ўхшаш жойлари кўп бўлса-да, бадий адабиётнинг илмий асардан қандай фарқ қилишини кўриш учун бизга мана шу икки мисол ҳам киёфия қилади.

Шундан кейин энди, адабиётнинг бу икки туридан қайси бири муҳимроқ? қайси бири кишиларга кўпроқ фойда келтиради? қайси бири илм-маърифатнинг ривож топиб камолга етиши учун кўпроқ ёрдам беради?— деб сўраш мумкин. Бу саволга ўқимишли киши — буларнинг ҳар иккаласи ҳам кишилар учун баббаравар муҳим, баббаравар фойдалидир, деб жавоб беради. Илмий асар кишиларни ғафлат ва жаҳолатдан қутқаради, бадий адабиёт дағаллик ва разолатдан қутқаради; униси ҳам, буниси ҳам кишиларнинг ҳақиқатан маърифатли ва бахтисаодатли бўлиши учун баббаравар фойдали ва зарурдир.

Энди бадий адабиёт яратувчи яхши ёзувчиларнинг шоирлар деб аталишини кўрсатиб ўтсак, бу сўзда қандай олий бир маъно борлигини тушуниб оламиз. Шоирлар — кишиларда турмуш тўғрисида олижаноб тушунчалар ва олижаноб туйғулар яратилишида уларга раҳнамолик қилувчилардир: биз уларнинг асарларини ўқиб, ҳамма бузуқ ва ёмон нарсалардан қутилишга ўрганамиз, ҳамма яхши ва гўзал нарсаларнинг латофатини тушунишга, ҳамма олижанобликка меҳр қўйишга ўрганамиз; уларнинг асарини ўқиб, биз ўзимиз ҳам яхшироқ, меҳрлироқ бўламиз, олижаноблигимиз ортади*.

* Илгарилари шеър ёзувчиларнигина шоир дер, шеърларнигина поэзия дер эдилар. Эндиликда яхши ёзилган ҳамма бадий адабиёт асарларини, улар шеър билан ёзилганми, проза билан ёзилганми барибир поэтик асарлар деб аташ лозимлигини тушундилад. Бироқ ё айниқса кўп тасвир қиладиган ёки юракдан чиқариб жуда ёқимли асарлар ёзадиган ёзувчини ҳозиргача ҳам «шоир» деб атайдилар; тасвирдан ва юракдан чиқариб ёзишдан кўра кўпроқ совуқ-қонлик билан ёзилган бадий адабиёт асарларини «поэтик» асар деб аташ расм эмас. (Н. Г. Чернишевский изоҳи).

Демак, Пушкин дарҳақиқат буюк шоир экан, у ўз ватандошларига ҳаммадан кўп яхшилик қилган кишилардан бири, ҳар бир рус кишисининг ҳаммадан кўпроқ ҳурмат ва муҳаббатига сазовор шоирлардан биридир, деган фикрга қўшилмаслик мумкин эмас.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Биз энди халқнинг маърифатли бўлиши жуда кўп жиҳатдан адабиётга боғлиқ эканлигини, илм бўлмаса кишиларнинг чин бахти-саодатга эриша олмаслигини биламиз; биз энди Пушкиннинг бадиий адабиётимизда қандай муҳим ўрин тутганлигини ва бадиий адабиёт учун унинг жуда кўп меҳнати сингганлигини билиб олсак, — уни инсоф юзасидан, буюк шоир деб аташ лозимлигини ва бизнинг ҳар биримиз уни ватанимиз учун жуда кўп яхшилик қилган одам деб ҳурмат қилишимиз лозимлигини англаб оламиз.

Бизда бадиий адабиёт Пушкиндан саксон йил илгари, русларни ўқимишли халқлар билан таништирган Буюк Пётрнинг шарофатли ислоҳотларидан кейин орадан кўп ўтмасдан пайдо бўлган эди*. Бироқ, шу нарса маълумки, ҳар бир иш ўзининг ҳақиқий камолотига секин-секин эришади. Жуда муҳимлиги кейинчалик маълум бўлган нарсанинг дастлаб унчалик аҳамияти бўлмайди. Бизнинг бадиий адабиётимиз ҳам худди шундай бўлган эди. Ўқишга ўрганган кишилар у вақтларда жуда оз эди, саводли кишилар ҳам унча кўп эмас эди. Ломоносовнинг ва ҳозирги асргача унинг изидан борган ёзувчиларнинг асосий хизмати шу эдики, улар ўзларининг асарлари билан ўқишга ҳавас туғдирдилар ва адабиёт билан қизиқадиган кишилар сонини тобора кўпайтириб бордилар. Бу ёзувчиларнинг энг ажойиблари, Ломоносовдан кейин, Державин, Фонвизин ва Карамзин эди, биз буларни ҳамма вақт жуда ҳурмат қилиб ёдимизда тутишимиз лозим. Новиков, гарчи ёзувчи сифатида машҳур бўлмаган бўлса-да, адабиётга у ҳам кўп фойда келтирди. Державин ўзининг шеърлари (одалари) билан шуҳрат чиқарган эди, Фонвизин («Бригадир» ва «Норасида» деган) жуда ажойиб икки комедия ёзган эди. Новиков Россияда китобларни ва китобхонлар сонини кўпайтириш учун жуда кўп жонкуярлик қилиб, жуда катта натижаларга эриш-

* Одатда бадиий адабиётимизнинг отаси деб аталадиган Ломоносовнинг биринчи одаси 1739 йилда ёзилган эди (Н. Г. Чернышевский изоҳи).

ган эди: унинг беғаразлик билан қилган ғамхўрлиги соясида беш ёки олти йил ичида илгариги вақтлардаги эллик йил ичида чиқарилган китоблардан кўп китоб нашр қилинган эди; ниҳоят, ёзувчилик йилларининг дастлабки даврларида Новиков ҳомийлик қилган ёш йигитлардан бири жуда ҳам талантли бўлиб чиқди. Бу киши — Ломоносовдан кейин бизнинг бадий адабиётимизга асос солган ёзувчиларнинг иккинчиси Карамзин эди. Унинг жуда раво ва енгил тилда ёзган асарларини кишилар роҳатланиб ўқир эди, бундан илгариги проза асарларини ўқиганда киши бундай лаззатланмас эди. Мана шу кишиларнинг асарлари туфайли Россияда «китобхонлар» пайдо бўлди, яъни рус халқининг маълум бир қисми китоб ўқиб лаззатланадиган, бундай асарларни ўқимаса туролмайдиган бўлиб қолди. Шундан кейин Жуковский пайдо бўлиб, инглизча ва немисча шеърларни, айниқса буюк немис шоири Шиллернинг кўп асарларини жуда яхши таржима қилиб ном чиқарди.

Пушкин асар ёзишга киришган вақтда рус адабиёти ана шундай аҳволда эди. Россияда китобхонлар бор эди, бироқ ҳали жуда оз эди; ёзувчилар ўртасида талантли деб ҳисобланганлари бир неча киши эди, китобхонларни қойил қиладиган, Россия китобхонларига поэзиянинг бутун гўзаллигини кўрсатиб бера оладиган гений ҳали йўқ эди. Бу гений Пушкин эди. Ундан илгари ҳам рус тилида ёзилган яхши шеърлар бор эди, лекин Пушкиннинг асарлари чиққандан кейин рус шеърларининг бу қадар чиройли эканлигини, илгарилари бундай шеърлар дунёга келмаганлигини ҳамма англади. Ҳақиқатан ҳам, Пушкингача ҳеч ким бундай енгил ва жонли тил билан ёзмаган эди, унинг шеър тилида соддалик билан поэтик гўзаллик бир-бирига замланган эди; унгача ҳеч ким рус шеърини бу қадар яққол, аниқ ва чиройли қилиб ёзмаган эди. Пушкин шеърларидаги ҳаммаси бир бўлиб «бадий камолот» деб аталадиган мана шу сифатлар китобхонларни ўзига ром қилди, илгари китоб ўқиш одати бўлмаган минглаб кишилар китобхон бўлиб қолди. Шундай қилиб, Россияда китобхон бўлиб қолган кишилар, бошқача қилиб айтганда, ўқимишли кишиларнинг сони, бу гениал шоирнинг гўзал шеърлари туфайли, жуда кўпайиб кетди. Аммо Пушкиннинг хизмати шундангина иборат эмас. Дастлаб китобхонларни ҳаммадан кўпроқ ҳайратда қолдирган нарса унинг биз юқорида айтиб ўтган

шеър ва поэмаларининг бадий фазилатлари эди. Бироқ бора-бора ҳамма бу асарларнинг бошқа томонига ҳам қизиқа бошлади. Унинг бу жуда муҳим фазилати шу эдики, русларнинг хулқ-атворларини, рус халқининг турли табақаларининг ҳаётини дастлаб жуда тўғри ва аниқ-равшан қилиб тасвирлаб бера бошлаган ёзувчи Пушкин эди. Унга қадар бундай асарлардан асар ҳам йўқ эди, деса бўлади. Ундан илгариги ёзувчилардан ўз ҳикояларида рус ҳаётини тасвирлаб берганлар камдан кам эди, агар шундай қилганлар бор бўлса ҳам, улар рус ҳаётини ноаниқ ва ғайритабий қилиб тасвирлар эдилар. Фонвизининг комедиялари ва Криловнинг масалларигина бундан мустаснодир, деса бўлади. Лекин Фонвизин бошқа ёзувчиларни ўз кетидан эргаштириб олиб боролмади ва Пушкин пайдо бўлганда ҳамманинг эсидан чиқиб кетди, дейиш мумкин. Крилов масалларининг ҳам адабиётга таъсири унча катта бўлган эмас^{*}, чунки масаллар ҳеч вақт поэзиянинг бошқа, муҳимроқ турлари устидан умуман ҳукмронлик қила олмайди. Шундай қилиб, Фонвизин билан Крилов ўрнак кўрсатган бўлсалар ҳам, ўша замонлардаги бошқа ҳамма ёзувчиларнинг асарларида рус жамиятининг кўнглига ёқиб тушган асарлар жуда оз эди; шу сабабдан ҳам адабиётга жамият умуман унча меҳр қўймаган эди, адабиётда рус кишисини жуда қизиқтирадиган нарса йўқ эди деса бўлади^{**}. Ҳозир ундай эмас: агар ҳозир ҳам яхши китоб тез-тез чиқиб турмасдан, онда-сонда чиқиб турса ҳам, лекин буларнинг ҳар бири ўн минглаб, юз минглаб одамларни жуда қизиқтиради. Масалан, яқинда Гоголь ва Пушкиннинг ўз асарларининг янги нашрлари чиқиши муносабати билан жамиятда қандай зўр қизиқиш туғилганлигини ёдингизга тушуринг: жамиятда кимни учратсангиз, у киши шу чиққан китоб-

* Рақам билан кўрсатилган жойларга «Изоҳлар» қисмида изоҳ берилган.

** Биз аслда фақат бадий адабиёт тўғрисида гапираётганимизни унутмаслик керак. Илмий асарлар орасида ҳамма вақт жуда ажойиб китоблар бўлар эди. Лекин шуниси борки, илмий китобларни ўқийдиган китобхонлар нуқул бадий адабиёт асарларинингизга ўқийдиган китобхонларга қараганда ҳаммавақт жуда оз бўлади; жумладан, бадий адабиёт яна шу жиҳатдан ҳам жуда муҳимки, кишиларни китоб ўқийдиган қилиб, жамиятда китобга, яъни маорифга муҳаббат туғдирадиган нарса ҳам шу бадий адабиётдир. (Н. Г. Чернишевский изоҳи).

лар ҳақида жуда ҳаяжон билан, жуда завқланиб, гап худди унинг ўзи тўғрисида бораётганидай жуда хурсанд бўлиб гапирарди. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг чиқиши ҳар биримизга тааллуқли эди, чунки биз ҳар бир ўқимишли рус кишиси учун муҳим бўлган нарсалар тўғрисида ҳикоя қилинган шундай китобларни ўқиганимизда жуда ҳам лаззатланамиз ва кўп фойда кўрамиз. Адабиётга меҳр-муҳаббат шу тариқа кучайиб бораётган экан, бунинг учун жамиятимиз ҳаммадан кўра кўпроқ Пушкиндан миннатдор бўлиши лозим. Унгача ўн кишидан фақат бир киши китобга қизиқар эди; ҳозир ўн кишидан адабиёт билан қизиқмайдиган биронта ярим нодон одам бўлса бордир*.

Пушкин халойиқда қандай кучли таъсир қолдирган бўлса, унинг адабиётга таъсири ҳам шундай кучли бўлган эди. Унга қадар, биз юқорида айтиб ўтгандай, шоирларимизнинг кўп қисми рус китобхонларини қизиқтирмайдиган нарсалар тўғрисида ёзар эди. Ундан кейин ҳамма таланти ёзувчилар худди Пушкинга ўхшаб ёза бошладилар, яъни кўпроқ бизга жуда алоқадор бўлган нарсалар тўғрисида ва ўқимишли рус кишисини кўпроқ қизиқтирадиган ҳодисалар тўғрисида ёзадиган бўлдилар.

Шундай қилиб, Пушкин ўз асарлари билан адабиётимизда яхшиликка томон жуда муҳим ўзгариш қилди, адабиётни севадиганлар сонини яъни Россиядаги ўқимишли кишилар сонини анча оширди, жамиятимизга қилган мана шу катта хизматларидан ташқари ўзининг ажойиб, гўзал асарлари билан рус халойиқига шоирона яъни олижаноб лаззат бағишлади. Буларнинг ҳаммасига яна шуни ҳам илова қилиш керакки, у биринчи мартаба рус жамиятини адабиёт ҳамда таланти ёзувчиларни, ҳозир биз ҳурмат қилаётганимиздай, ҳурмат қилишга

* Пушкиннинг дастлабки поэмалари пайдо бўлгандан кейин орадан кўп ўтмай, Грибоедовнинг «Ақл балоси» деган жуда ажойиб комедияси китобхонларнинг каттагина қисмига машҳур бўлди, шунинг учун ҳам адабиётни ислоҳ қилувчи деган шуҳратга эга бўлишда Грибоедов Пушкинга шерик бўлиши лозим. Бироқ, бу комедиянинг олижаноб авторига муҳаббатимиз жуда зўр бўлса ҳам, бу комедиянинг фазилатлари жуда катта бўлса ҳам, шуни айтиш керакки, адабиётимизнинг тарихи ва рус китобхонларининг вужудга келиши учун Пушкиннинг аҳамияти Грибоедовнинг аҳамиятидан каттароқдир, чунки Грибоедов «Ақл балоси» дан кейин ҳеч нарса ёзмади, китобхонларга ва адабиётга таъсир қилиш учун эса ёзувчининг фаолияти давом эттирилиши ва унинг асарлари анчагина бўлиши лозим. (Н. Г. Чернышевский изоҳи).

ўргатди. Илгари ҳам, Державин ва Карамзин каби баъзи бир ёзувчиларни жамиятда ҳурмат қилар эдилар, лекин, аслини айтганда, халқнинг уларга ҳурмат билан қарашига сабаб шу эдики, яхши ёзувчига зўр муҳаббат ва миннатдорлик билдириш лозимлигини ўзи севишидан кўра кўпроқ Державин билан Карамзинга илтифот билан қараганликларини кўриб турганлигидан шундай қиларди. Пушкинга бўлса ҳар бир рус китобхонининг ўзи меҳр қўйиб, уни чин қалбидан ҳурмат қиларди ва уни нимага ҳурмат қилишини ҳар бир киши ўзи билар эди: Пушкин буюк шоир бўлганлиги учун уни ҳурмат қиларди; ана шунда ҳар бир киши илгари тушунмасдан келган нарсасини тушунди: буюк шоир ва умуман буюк ёзувчи ўз ватанига катта хизмат қиладиган ва унга кўп яхшиликлар қиладиган одам эканлигини тушунди, адабиёт жуда ҳурмат қилишга лойиқ жуда муҳим, фойдали бир нарса эканлигини тушунди.

Пушкиннинг рус адабиётига ва рус халойиқига келтирган фойдаси нақадар буюк: у халойиқни адабиётни севишга ва ҳурмат қилишга ўргатди, жамиятда адабиётга зўр ҳавас туғдирди, ёзувчини рус китобхонларини қизиқтирадиган ва унга фойдали нарсалар тўғрисида ёзишга ўргатди. Шунинг учун ҳам инсоф юзасидан уни ҳақиқий биринчи буюк рус шоири деб ҳисоблайдилар, шунинг учун ҳам ўқимшли рус кишиси унинг номини тилга олганида унга зўр ҳурмат ва зўр миннатдорлик билдиради.

II 606

А. С. Пушкиннинг туғилиши.— Унинг ота-боболари билан фахрлиниши.— Пушкинлар ва Ганнибаллар насли.— Пушкинлар ва Ганнибалларнинг тарихий фаолияти.— Сергей Львович, шоирнинг отаси.— Василий Львович, шоирнинг амакиси.— «Рус сўзи ҳаваскорларичинг суҳбати» ва «Арзамас».— Василий Львовични арзамасчилар сафига қабул қилишдаги масхарабозлик.— Мария Алексеевна Ганнибал, шоирнинг бувиси. Ольга Сергеевна, Пушкиннинг ҳамшираси ва ўн тўрт яшар шоирнинг унга юборган хати.— Арина Родионовна, А. С. Пушкиннинг энагаси.— Энагасининг Пушкинга таъсири.

Александр Сергеевич Пушкин 1799 йил 26 майда Москвада туғилди.

Пушкин тарихимизда анча катта роль ўйнаган оилада туғилгани учун ниҳоятда фахрланар ва ота-боболарини жуда ҳурмат билан эсга олар эди. Ундаги бу туйғу унинг кўп асарларида акс этган бўлиб, биз унинг ота-боболари тўғрисидаги хотираларини, шоирнинг улар билан фахр-

ланишини билмасак, унинг асарларидаги кўп нарсалар биз учун аниқ бўлмай қолади. Пушкиннинг ота-боболари тўғрисида билганларимизни, қисқача бўлса-да, кўздан кечириб ўтайлик.

Пушкинлар уруғи у қадар машҳур ва бадавлат уруғлардан эмас эди. Улар XVII аср охиридан бошлаб Москва подшолари саройида хизматда бўлган эди ва Пушкинлар наслининг баъзибир аъзолари муътабар унвон эгаси ҳам бўлиб олган эди. Улардан учтаси ҳатто бояр эди — бу ўз аҳамияти жиҳатидан ҳозирги тўла генерал мансаби ёки ҳақиқий махфий маслаҳатчи мансабларига барабар эди. Гаврила Григорьевич Пушкин (XVII аср бошларида), ўша вақтдаги катта амалдорлар орасида биринчи бўлиб, Сохта Дмитрий томонига ўтганлиги билан машҳур эди, шунинг учун ҳам шоиримиз «Борис Годунов» деган тарихий трагедиясида ўзининг бу бобосига каттагина роль берган.

Пушкин ота томондан бўлган ота-боболаридан кўра она томондан бўлган ота-боболарини, Ганнибалларни тез-тез эслаб туради. Бу фамилиянинг уруғ боши Буюк Пётрнинг асранди ўғли негр Ганнибал эди. Пушкин ана шу Ганнибалнинг ҳаётига доир ҳамма маълумотларни зўр ҳавсала билан тўплаб, унинг тўла биографиясини ёзмақчи бўлган эди, бироқ ўз ниятига ета олмади, шу билан «Пушкинлар ва Ганнибаллар шажараси» деган мақолада Ганнибал тўғрисида фақат бир неча сатр ёзиб қолдириди.

«Онамнинг бобоси,— дейди Пушкин,— негр эди, у бадавлат бир князнинг ўғли эди. Константинополдаги рус элчиси уни бир вақт саройдан олган экан. У саройда гарав тариқасида сақланар экан; элчи уни яна икки араб бола билан бирга қўшиб Буюк Пётрга юборган экан. Подшо бу кичкинтой Иброҳимни 1707 йилда Вильнола Августининг хотини Польша қироличаси билан чўқинтириб, унга Ганнибал деб (фамилия) қўйган. Чўқинтирилганида унга Пётр деб исм қўйилган; лекин у зор-зор йиғлаб янги исмга рози бўлмаганлиги учун, то ўлгунича уни Абрам деб атаганлар. Унинг акаси Петербургга келиб, товон тўлаб олиб кетмоқчи бўлган; лекин Пётр асранди ўғлини ўз ёнида олиб қолган. Ганнибал 1716 йилгача подшонинг ёнидан ҳеч жилимай, унинг токарлик ишхонасида ётиб юрган, ҳамма ҳарбий сафарларида унинг ёнида бўлган; сўнгра Парижга юборилган, унда бирмунча вақт ҳарбий мактабда ўқиган, Францияда ҳарбий хизматга

кирган; Испан уруши вақтида бошидан ярадор бўлган, шу билан Парижга қайтиб келиб, унда узоқ вақтгача зодагонлар жамиятида вақтхушлик қилиб яшаган. Пётр Биринчи уни бир неча марта ёнига чақирган, бироқ Ганнибал турли баҳоналарни кўрсатиб, келмай юраверган. Ниҳоят, подшо, мен сени кел деб мажбур қилмайман, Россияга қайтиш ёки Францияда қолиш ўз ихтиёрингда, деган, лекин, шундай бўлса ҳам, ўзи тарбиялаган боласини сира ташлаб қўймаслигини айтган. Бундан жуда хурсанд бўлган Ганнибал тезда Петербургга жўнаган. Подшо унинг истиқболига чиқиб, Пётр ва Павел образи билан уни дуо қилган, бу образлар унинг ўғилларида сақланар экан, лекин мен уни ахтариб тополмадим».

Пушкиннинг «Буюк Пётр араби» деган, лекин тамомланмай қолган романининг бошланиш қисми бўлган ажойиб ҳикояси ана шу тарихий маълумотларга асосланган. Ганнибал шу романининг асосий қаҳрамони қилиб олинган. Романининг бошланишига қараганда, Пушкин Буюк Пётр даврини жуда яхшилаб тасвирлаб берган бўлар эди. Абрам Петровичнинг икки ўғли бўлган. Каттаси Иван Абрамович Екатерина II ҳукмронлик қилиб турган даврда Урта денгизда ҳаракат қилаётган флотда хизмат қилиб, турклар билан бўлган биринчи урушда қатнашгани билан машҳур бўлган; жумладан, Иван Петрович турклар флоти ёндириб юборилган Чесмен жангида жасорат кўрсатган ва 1770 йилда Наваринни забт этган. Пушкин уни ўз шеърларида тез-тез эслаб туради, масалан Абрам Петрович ва Иван Абрамовичларнинг номларини абадийлаштириш учун, қуйидаги мақоланинг ёлғиз ўзи кифоя қилади:

«Қайси бир жойда ҳам, Буюк Пётрнинг асранди ва тарбиялаб олган боласи генерал аншеф, Наваринни бўйсундирган Ганнибалнинг отаси, менинг катта бобом Абрам Петрович Ганнибални бир шкипер сотиб олган деб ёзилган экан... Агар менинг катта бобом сотиб олинган бўлса, у вақтда, шундай шкипер қўлига тушганки, ҳар бир рус кишиси унинг номини тилга олиши бежиз эмас.

Бу ўша отоқли, донгдор шкипер,
Бизнинг мамлакатни олға бошлаган,
Ватан кемасини жуда тез суръат,
Жуда зўр ғайратла сура бошлаган,
Бобомга шкипер мойилди ажаб,
Ва арзон баҳога олинган араб

Гайрату, вафода бекам-кўст эди,
Подшога қул эмас, яқин дўст эди.
Ва Ганнибалга ота эди у
Олдида, гирдоб узра шиддаткор,
Саноқсиз кемалар ёндилар гув-гув,
Наварин ҳам дастлаб бўлди тор-мор!²».

Наварин қаҳрамонининг укаси «Буюк Пётр араби»-нинг кичик ўғли Осип Абрамович Ганнибал Пушкиннинг онаси бўлмиш Надежда Осиповнанинг отаси эди. Пушкин характеридаги жанубга хос тийракликни африкали катта бобосидан мерос қилиб олган эди; ҳатто унинг юз тузулиши ва жингалак сочлари ҳам унинг она томон катта бобосининг африкали типини эслатиб турар эди. Ана шу тафсилотларни билмасдан, Пушкиннинг ота-боболари рус тарихида ғоят муҳим роль ўйнаган экан, деб бемалол ўйлаш мумкин: шоиримиз улар тўғрисида шундай гапиришни яхши кўради ва ватанимиз тарихидаги энг муҳим воқиаларда уларнинг иштироки бор деб жуда усталик билан ишора қилиб ўтади. Ҳақиқатда эса Пушкинлар насли анча қадимги фамилиялар жумласига кирса-да, лекин давлатда ҳеч вақт муҳим ўрин тутган эмас, бу насли машҳур қилган фақат Александр Сергеевич Пушкиннинг талантидир. Абрам Петрович Ганнибалга келсак, уни Буюк Пётр асраб олганлиги учун яхши кўрар эди, у ҳам давлат ишларига ҳеч қандай таъсир кўрсатган эмас; унинг ўғли Иван Абрамовичнинг жасур генерал бўлганлигини кўриб турибмиз, лекин у бошқалар қўл остида жанг қилган ва ҳеч вақт мустақил ҳукм юргизган эмас. Бу иккала кишини ҳам билишимизнинг кўпроқ сабаби уларнинг тарихий воқиаларда бирон кўзга кўринарли катта иш қилганлиги эмас, балки Пушкин уларни тилга олишидир. Пушкиннинг ота-боболари билан танишганимиздан кейин, энди унинг энг яқин кишилари бўлган ота-оналари билан танишиб чиқишга ўтамиз.

Шоирнинг отаси, Сергей Львович Пушкин дастлаб гвардиячи Измайлов полкида хизмат қилди, бироқ орадан кўп ўтмай, уйланганидан кейин, ҳарбий хизматдан бўшади ва Москвага келиб жойлашди, улар Москвада турганда бутун оила ёзда ўзининг Москва ташқарисидаги Захарьино қишлоғига кўчиб кетар эди. Бой ва меҳмондўст Сергей Львовичнинг уйига ўша вақтлардаги энг яхши ёзувчилар келиб турар эди, чунки уй эгаси ўқимиш-

ли одам эди ва адабиётни, айниқса ўша вақтларда расм бўлган француз адабиётини яхши кўрар эди. Сергей Львович ҳатто равон ва ўткир маъноли французча шеърлар ёзар эди. Уларниқига Қарамзин билан Дмитриев тез-тез меҳмон бўлиб келиб турарди.; Жуковский билан Батюшков³ ҳам келиб турарди. Александр Сергеевич у вақтларда жуда ёш бўлиб, уларнинг уйида бўладиган бу суҳбатлар унинг ақли ва талантига унча таъсир қилмаган эди; лекин энг муҳими, у ёшлик чоғидан адабиётчилар орасида бўлган эди. Жумладан, бир кун бу бола ўз ўйинларини қолдириб, Қарамзиннинг ҳикояларини жуда зўр диққат билан тинглаган эди, деб ҳикоя қиладилар; ўз масалларини ўқиб берган Дмитриевнинг сўзларини ҳам у шундай зўр диққат билан тинглаган. Александр Сергеевич отасига тақлид қилиб, тўққиз яшар вақтидаёқ ўзи кичик-кичик французча шеърлар ёза бошлаган.

Сергей Львовичнинг акаси Василий Львович ҳам жиянининг адабий машғулотларга ҳаваси кучайишига қисман сабабчи бўлган. Василий Львович ўз замонасида анча яхши шоир ҳисобланар эди, жияни унинг бир неча шеърини ёдлаб олганлигидан хурсанд бўлиб, рус шоирларининг шеърларини ўқи, деб унинг қулоғига қуйиб турди. Василий Львович жуда очиқ кўнгил одам бўлганлигидан, амаки билан жияннинг иноқлашиши жуда осон бўлган; Василий Львович шу қадар содда ва очиқ кўнгил бўлганки, у ҳақда кўпгина латифалар сақланиб қолган. Булардан биз фақат биттасини ҳикоя қилиб берамиз, бу ажойиб латифа бўлиб, у замон билан ҳозирги замон ўртасидаги фарқни — Пушкин таланти туфайли вужудга келган фарқни жуда яхши кўрсатиб беради.

Пушкин дунёга келмасдан бурун бизда адабиёт билан шуғулланувчи кишилар унча кўп эмас эди; уларнинг асарлари билан қизиқадиганлар ҳам кўп эмасди. Шундай бўлгандан кейин, агар ёзувчилар аҳил бўлиб, «адабий жамият» деган тўғарақлар тузиб, бир-бирларига далда бермасалар ва бир-бирларини қизиқтириб турмасалар, ёзувчиларнинг кўпчилигининг ўз ишидан кўнгли совиб кетар эди. Шу аср бошида Петербургда икки асосий адабий жамият бор эди: бири — «Рус сўзи ҳаваскорларининг суҳбати» деган жамият, бу жамият аъзоларининг кўпчилиги таланти йўқ кишилар ёки кексайиб зайфланиб қолган кишилар эди; иккинчиси — «Арзамас» деган жамият бўлиб, бунинг аъзолари ёш, истеъдодли ёзувчилар эди,

бу Карамзин ва Жуковскийнинг «Сухбатлар»ини ҳужумдан сақлаш ниятида тузилган жамият эди. «Сухбат» аъзолари қадимги услубга ўрганиб қолганидан, Карамзин расм қилган янги прозаик услубни ҳам маъқулламас, Жуковскийнинг оқуда гўзал асарларини ҳам тан олмас эди; Жуковский Шиллернинг ва бошқа немис ҳамда инглиз шоирларининг шеърларини жуда ажойиб шеър билан таржима қилган эди. Бу жамиятнинг «Арзамас» деб аталишининг сабаби шуки, унинг тузулишига бир кулгили воқиа баҳона бўлган эди, бу ҳикояда баъзибир адибларнинг эскириб қолган тили масхара қилинар эди: бу воқияни ҳикоя қилган киши, кунлардан бир кун қаёқ-қадир кетаётганида, Арзамас шаҳрида бўлган; ундаги меҳмонхонада овқат еб турганида, ёнидаги бир бўлмада бошқа бир йўловчининг ўз-ўзи билан гаплашиб, ўша даврдаги баъзибир китоб ва журналларда ўқиган ибораларини ишлатганлигини эшитиб қолган; бу ҳикоя автори бу кулгили ва бемаъни гапларни баъзибир ёзувчиларнинг асарларидан кўчириб олган, ҳикоя автори бу ёзувчиларнинг фикрини масхара қилиб кўрсатиш ниятида шундай қилган экан. Арзамас жамиятининг асосий аъзолари ичида Жуковский, граф Уваров (кейинчалик халқ маорифи министри) ва бошқалар бўлган.

Ўша вақтда ёши қайтиб қолган, лекин ёшларни яхши кўрадиган Василий Львович Арзамас жамиятига киришни оқуда ҳавас қилган. Бу жамият аъзолари Василий Львовичнинг қадрдонлари бўлса ҳам, ёши қайтган, ёзувчилик талантидан кўра соддадиллиги кўпроқ бўлган бу дўстларини мазах қилмоқчи бўлганлару, шу билан, агар жамият мажлисларида қатнашмоқчи бўлсангиз, жамиятга тантана билан қабул қилиш маросимларига ҳеч сўзсиз итоат қилишингиз лозим, деганлар. Бу соддадил ҳаваскор рози бўлган, шу билан уни мана бу тахлитда қабул маросимидан ўтказганлар. Семиз Василий Львовични аввал узун ўриндиққа ёки диванга ётқизганлар-да, устига бир талай пўстин ёпиб қўйганлар, у бир ёки икки соат шу куйи ётган, унинг тепасида туриб аллақандай французча трагедияни ўқиб чиққанлар; шу тахлитда жуда қийналиб кетган бу бечорани ўрнидан турғизиб катта бир олабўжининг ёнига келтириб, тик турғизиб қўлига музлаган бир гозни тутқизиб қўйганлар ва унга, музлатилган гоз — «Арзамас»нинг эмблемаси деганлар. Янги аъзо бўладиган киши шу тахлитда туриб, узундан узоқ нутққа

қулоқ солиши лозим эди, бирвақт олабўжи йиқилиб тушиб, унинг ичига яшириб қўйилган бола Василий Львовичга пистолетдан ўқ узган, Василий Львович эса, гарчи пистолетга фақат порох солинган бўлса ҳам, ўлдим деб ҳисоблаб, қўрққанидан гурс этиб ерга йиқилиб тушган.

Биз бу латифани ўша даврдаги ёзувчилар ўзларининг ёзувчилик ишларига ҳозиргидек жиддий кўз билан қарамаганликларини кўрсатадиган бир мисол тариқасида ҳикоя қилиб бердик. У вақтларда адабиёт, ҳозир ҳамма ўйлаётгандай, энг муҳим ишлардан бири деб ҳисобланмасдан, балки турмушдаги ҳар турли икир-чикирлардан кейин гўёки бир дам олиш, жуда нари борганда, бир эрмак деб қаралар эди. Бизнинг давримизда яхши ёзувчиларгина эмас, ҳатто бир нав ёзувчилар ҳам адабий машғулот ўтказиш учун йиғилишганларида бутун бир кечаларини ҳалигидай ҳазил-мазахларга сарф қилмайдилар; ўзини ёзувчи деб ҳисоблайдиганлардан бирортаси ҳам бундай кулги бўлишни хоҳламайди. Биз у даврлардаги тушунчалар билан ҳозирги даврдаги тушунчалар ўртасидаги фарқни кўрсатиш учун мана шуларни гапириб ўт-япмиз. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабабчиси эса Пушкин эди, чунки унинг асарлари ҳамма саводли рус кишиларида зўр ҳавас туғдириб, адабиётимизнинг аҳамиятини оширди, илгари эса адабиётимиз бундай аҳамиятга эга эмасди.

Лекин биз жуда олдинга ўтиб кетдик: Пушкиннинг болалик чоғларига, унинг талантининг тез очилишига ёрдам берган ҳоллар тўғрисидаги ҳикояларга қайтишимиз лозим.

Демак, унинг амакиси Василий Львович ўша вақтлардаги адабий ҳаётда унча катта роль ўйнамаган экан; лекин, шундай бўлишига қарамай, у яхши ёзувчилар билан қалин ошна эди. Буюк ёзувчининг отаси Сергей Львович ҳам ёзувчиларнинг кўплари билан ошна эди. Агар Пушкин табиатининг ўзида адабиётга муҳаббат бўлмаганда эди, бу таниш-билишлар ёш Пушкинда адабиётга муҳаббат бағишламас эди, агар унинг ғайри табиий ва жуда эрта ривож топган таланти унга ҳуқуқ бермаганда эди, ҳалиги таниш-билишлар биринчи мартабаёқ адабий тўғаракларда унинг жуда ажойиб мавқини эгаллашига имкон бермаган бўларди, лекин таниш-билишлар унинг адабий соҳадаги дастлабки қадамларини маълум даражада осонлаштирди: Пушкиннинг фамилияси Карамзин билан Жуковскийларга таниш бўлиб, улар орасига шу фа-

милия билан кирганлиги учун ҳам, улар бу гениал йигитга янада зўр меҳр қўйиб уни табрикладилар.

Пушкиннинг яқин қариндошларидан бувиси Марья Алексеевна Ганнибалнинг унга айниқса кўп меҳнати синган, Марья Алексеевна куёви Сергей Львовичнинг уйида турар эди. Марья Алексеевна неварасини русча ўқиш ва ёзишга ўргатди, умуман унга жуда меҳрибон эди. Пушкин болалигида бирон нарсага мажбур қилишларидан қутулмоқчи бўлса, югуриб бувисининг ёнига бориб ўтириб олар, ҳатто унинг иш корзинасига тушиб яширишиб оларди-да, соатлаб бувисининг ҳикояларини тинглаб, унинг ёнидан жилмас эди. Марья Алексеевна кўпни кўртган ақлли хотин эди, кўп воқиялар унинг эсида қолган эди, шунинг учун ҳам унинг ҳикояларидан кўплари неварасининг эсида умрбод сақланиб қолди.

Пушкиннинг опаси Ольга Сергеевна унинг болалик чоғидаги дўсти эди, Пушкин унга жуда меҳрибон бўлиб, то умрининг охиригача уни яхши кўрарди. Ольга Сергеевна ундан фақат бир ёшгина катта бўлиб, улар бирга ўқир, бирга ўйнар эдилар; ўн ёшар бола ўзининг дастлаб ёзган шеърларини шу опасига ўқиб берган эди. Пушкин бу шеърларини, отасига тақлид қилиб, француз тилида ёзган эди; унинг биз билган русча шеърларидан биринчиси ҳам⁴. Ольга Сергеевнага бағишланган эди, бу шеъри 1814 йилда ёзилган бўлиб, ёш шоир у вақтда ўн бешга ҳам тўлмаган эди. Узундан узоқ бўлишига қарамай, буюк ёзувчининг адабий фаолиятининг биринчи ёдгори сифатида биз учун қимматли бўлган «Хат»дан бирнеча шеърни мисол келтирамиз.

«Опа жоним, менга хат ёз, дейсан,— деб ёзади Пушкин,—

Дўстим бебаҳо нодир,
Истайсан — мен ёш шоир
Сен-ла бўлсам ҳамсуҳбат;
Яна Лирани қучиб,
Тотли хаёлла учиб
Монастирь*дан шу фурсат
Бошимни олиб кетсам;

* Пушкин ўша вақтда ўқиб турган лицейни монастирь деб атайдди (Н. Г. Чернышевский изоҳи).

Ғарбликни тарк этсам.
Бунда оромсиз олам
Зулумат билан тўлган
Ва кимсасиз хилватда
Қўнгилсиз сукунатда
Жимликка ҳоким бўлган.

Менинг хаёлим сенда. Сен ҳозир нима билан машғулсан,— деб давом қилади ёш шоир,— ўқияпсанми, кучунинг билан ўйнаяпсанми ёки фортепьяно чаляпсанми?

Мана, сен менга ҳамдам^б
Тилсиз қувончдан бу дам
Дўстингнинг кўнгли равшан,
Гўё баҳорги гулшан.
Унут жудоник кунлар,
Дилгирлик, ғамгиц тунлар
Соядек ўчди бутун.

Лекин бу фақат бир хаёл — хаёл учиб кетади, мен эса бу юракни эзиб юборадиган, бўм-бўш бўлмада ёлғиз қоламан. Аммо вақт елиб ўтар, мен ҳам тез кунда учиб сенинг ёнинга жўнайман...

Тош қопқадан занжир ҳам
Тушади бирин-кетин,
Водий ва тоғлар оша,
Югураман муҳташам
Петроградга шоша
Елдираман арғумоқ».

Биз бунда келтирган шеърлар поэтик жиҳатидан ҳали бўш ёзилган, ҳатто уларнинг тилида эскирган ва ғалат ёзилган иборалар учрайди; аммо буюк шоиримизнинг биринчи асари бўлган «Опамга хат»ни ҳар биримиз билишимиз керак.

Пушкиннинг болалик тушунчаларига отаси, амакиси ва бувисининг бир қадар таъсири бўлганини кўрдик, лекин унинг хаёлотининг бойишига ҳаммадан кучли таъсир кўрсатган киши энагаси Арина Родионовна эди, унинг тарбиясини кўрган шоир унинг хотирасини ўз шеърларида абадий қилиб қолдирди. Арина Родионовна Пушкинлар оиласига шу қадар ўрганиб, қадрдон бўлиб қолган эдики, унга дам олишга рухсат берилганда ҳам, бу ой-

лани ташлаб кетгиси келмади. Александр Сергеевич эна-
гасини то умрининг сўнгги кунларигача жуда яхши кўрар,
қишлоқда турган вақтларида уни энг яхши дўсти деб би-
либ, доим у билан суҳбатлашар эди. Арина Родионовна
ўзи катта қилган Пушкин тўғрисида доимо жонкуярлик
қилиб юрарди, меҳр қўйиб тарбия қилар, ҳеч чарчамай
унга кўп нарсаларни ҳикоя қилиб, рус халқ адабиёти
билан таништирганлиги учун ҳам уни ўзидан жуда мин-
натдор қилган эди. Арина Родионовна жуда кўп эртак-
ларни билар ва эртак айтишга ниҳоятда уста эди. Пуш-
киннинг энг яхши асарларидан баъзилари, масалан,
унинг «Куёв» деган жуда ажойиб шеъри шу эртаклардан
олинган; бу шеър, ўрмонда бир қиз йўлдан адашиб
йўлбосарларнинг тунайдиган жойига кириб қолади ва
курси остига яширишиб, уларнинг ёмонликларини кўради,
сўнгра ўз куёви уларнинг атамани эканлигини пайқаб
қолиб, уни шарманда қилади, деган афсонадан олинган:

Уч кун бўлди савдогар қизи
Наташадан йўқ эди дарак,
Учинчи кун ҳовлига ўзи
Келди ақл-ҳушсиз жонсарак,
Ота-она келишиб шу чоқ
Наташани қилишди сўроқ,
Улар сўзин эшитмайди қиз,
Қалтирайди энтикар ҳолсиз... ва ҳоказо.

Агар Пушкин болалик чоғидан бошлаб халқ ҳаётидан
олинган ҳикоялар билан қулоғи пишимаганида эди, рус
халқ урф-одатларининг жуда кўп тасвирлари умуман
бундай жонли ва яхши чиқмас эди. Шунинг учун ҳам у
ўз энагасини тез-тез эслаб туради, эслаганда ҳам жуда
меҳр-муҳаббат билан эслаб туради. У энагасини ўзининг
биринчи илҳом музаси чароғи деб атайди, яъни мен даст-
лаб унинг ҳикоялари таъсири остида поэзияга ҳавас қўй-
ган эдим дейди:

Жозибатор ўтмиш кунлар сирдош,
Қувноқ, маъюс хаёлларнинг ўртоғи,
Сени таниган он кичикда ёшм,
Эрмаклар, дастлабки тушларим чоғи.
Сени кутар эдим. Сокин оқшомда
Қошимга келардинг шодмон-хурсанд,

Шушун* кийиб ўтирардинг тепамда
Катта кўзойнагу, ўйинчоқ билан,
Терватардинг бешигимни тинмайин
Қўшиқларинг билан мафтун этардинг
Ўзинг сирхлаган ажойиб найни
Йўрғакбоғим ичра ташлаб кетардинг. . .⁶

Кекса энага ўзи боқиб катта қилган, бу даврда шуҳрат қозонган шоирга юборган хатларидан бирида бундай дейди: «Меҳрибон дўстим Александр Сергеевич! Юборган хатингиз ва пулингизни олдим. Сизнинг ҳамма меҳришафқатингиз учун мен чин кўнгилдан раҳмат айтаман, сиз ҳамиша менинг дилимда ва хаёлимдасиз, мен фақат уйқуга кетганимдагина сизни эсдан чиқараман. Фариштам, бизнинг ёнимизга, Михайловскоге кел,— ҳамма отларни йўлингга чиқараман. Сизни кутаман ва дийдор кўриштиргил деб худога тоат-ибодат қиламан. Отагинам Александр Сергеевич, соғ-саломат бўл! Сизнинг соғлигингизни тилаб тоат-ибодат қилдим ва дуойи жонингизни қилдим. Дўстгинам, яхши умр кечирсанг, ўзингга ҳам ёқиб қолади. Мен, худога шукур, соғ-саломатман: қўлингизни ўпиб қолдим, сизни кўпдан-кўп яхши кўрувчи энагангиз Арина Родионовна».

Энагасининг бу меҳрибонлигидан, «дўстгинам, яхши умр кечир» деб мулоимлик билан қилган ғамхўрлигидан жуда хурсанд бўлиб, Пушкин бундай деб ёзади:

Оғир кунлардаги ягона ҳамдам,
Эй менинг суюкли, азиз энагам!
Хилват қарағайзор гўшасидасан,
Кўпдан буён мени ёлғиз кутасан!
Ўз уйинг ойнаси ёнида ҳамон
Куйиб, ўртанасан вақт ўтган сайин.
Ажин босган қўллар қимирлар бийрон,
Оҳиста тўқийсан сира қўймайин.
Унутилган эшик сари қарайсан,
Ироқ хилват йўлга тикасан кўзинг:
Гусса, андишага дилни ўрайсан
Кўрагингни эзар, саргаяр юзинг⁷ . . .

Пушкиннинг энагаси билан 1825 ва 1826 йилларда қилган суҳбатларидан Пушкиннинг қалбида айниқса кўп хотиралар сақланиб қолган эди, бу вақтларда у Михай-

* Устки кийим.

ловское қишлоғида⁸ Ёлғиз ўзи турар эди, узоқ қиш кечаларини энагаси билан гаплашиб ўтказар эди, энагаси унинг ёлғизлигидаги йўлдоши эди; ё энагаси унга «узоқ ўтмиш эртақлари» ни ҳикоя қилиб берарди — Пушкиннинг қоғозлари орасида энагасининг оғзидан ёзиб олган бирқанча эртақлар, жумладан, «Подшо Салтан ҳақида», «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида», «Савдогар Остолоп ва унинг хизматкори Балда ҳақида»⁹ деган эртақлар сақланиб қолган, бу эртақларни Пушкин кейинчалик шеърга айлантирган эди,— у ҳамитша энагасига ўз асарларини ўқиб берар эди: «Онегин» нинг IV бобида мана шундай кечаларни хотирлаб, бошқа шоирлар ўз асарларини истаган кишиларига ўқиб бераверсинлар, дейди,—

Оҳангдор ўйларим ва хаёлларим
Самараларини аввал мен ўзим:
Қари энагамга ўқийман донм,
У эди болалик чоғимда дўстим.

Арина Родионовна етмиш яшар кампир чоғида, 1828 йилда, тарбиялаб вояга етказган боласи туфайли туғилган ажойиб шавқ-завқ даврида вафот этди.

III 606

Етти ёшга киргунча бўлган болалиги ва гениал боланинг бу йиллардаги ялқовлиги — Пушкиннинг ўқитувчилари ва гувернёрлари.— Пушкинга рус тилини ўқитган Шиллер.— Пушкиннинг фанлардаги ютуқ даражаси.— Ўқишга ҳаваси.— Болалик чоғидаги асарлари.— Лицей.— Лицей журналлари.— Дельвиг.— Державин ва 1815 йилдаги тантанали маросим.

Бўлғуси шоир етти ёшга киргунча унда бирон истеъдод аломати, ҳатто деярлик ҳамма болаларда бўладиган шўхлик аломатлари кўринмаган эди. У семиз, лаванг, ялқов бола эди. Унинг танбаллигини кўриб ота-онаси жуда ташвишланиб қолган эди. Уни зўрға юриш ва ўйнашга мажбур қилар эдилар, деса бўлади; у на юғришни ва на шўхлик қилишни яхши кўрарди: бир жойда жим ўтириш ёки ётиш унинг учун роҳат эди. Бу семиз бола шу қадар ялқов эдики, бир куни катталар уни айланиб келиш учун ўзлари билан бирга олиб кетганларида, у билдирмай ҳаммадан орқада қолиб, дам олиш учун кўчанинг ўртасига ўтириб олган. Бир уйнинг деразасидан қараб турган одам унинг шу қилиғини кўриб кулиб қўй-

ган экан, у: «Тишингни оқини кўрсатиб нима қиласан!»— деб хафа бўлиб ўрндан турган; агар ўша одам масхара қилмаганида, эҳтимол, шу куйи узбқ вақтгача ўтира берар эди.

Шу орада уни ўқита бошладилар. Гувернёрлар, гувернанткалар ва ўқитувчилар кўп эди; бироқ бола шундай ялқов ва танбал бўлганлигидан, унинг ўқишлари анча ёмон ва жуда секин борди. Бола тарбиясига эмигрант — француз граф Монфор асосий назоратчи қилиб тайинланган эди; бундан ташқари яна Руссло деган бошқа бир француз гувернёр ҳам бор эди. Улар ёрдами билан Пушкин, русча ёзиш ва ўқиш сингари, французча ёзиш ва ўқишни анча осон, ҳатто ундан ҳам осонроқ ўрганиб олди. Қандай қилиб ҳам ўрганмасин,— ўша вақтдаги деярлик ҳамма аслзода оилаларда бўлгани сингари, Сергей Львович оиласида ҳам француз тили тамомила ҳукмронлик қилар эди. Лекин Пушкин инглизчага жуда ёмон ўқийди (гувернанткалар ичида инглиз хотин ҳам бор эди). Бу тилни у кейинчалик, катта киши бўлганида, инглизча китобларни ўқий оладиган даражада ўрганиб олди; у немисча асло ўқимасликка ҳаракат қилди ва бу ҳаракати бекорга кетмади, лекин, немис тилини билмаслигига кейинчалик жуда ачинди. Шуниси қизиқки, ёш Пушкинга рус тилини ўргатган киши немис бўлиб, фамилияси Шиллер эди.

Ҳақиқатан, рус шоирларидан энг буюгига она тилини чет эл кишисининг ўқитгани жуда ажойиб ҳолдир ва бу чет эл кишиси билан гениал немис шоирининг фамилияси бир бўлиши ундан ҳам ажойиб ҳолдир. Номларнинг ёки рақамларнинг тасодифан бир-бирига тўғри келиб қолишидан дарров жуда муҳим хулосалар чиқарадиган ёки бирон нарсанинг аломати деб кўрсатадиган одамлар бор. Шу одамлар ўз фаразларини шу ҳодисага ҳам жўйсалар, ёмон бўлмас эди. Биз сўз ўйини билан шуғулланиб ўлтирмаймиз-да, шунини айтамикки, жаноб Шиллер, гарчи рус тилини жуда яхши билган бўлса ҳам, Пушкинга кўп нарса ўргата олгани йўқ бўлса керак, чунки болага ва у билан бирга тарбияланган опасига бошқа ҳамма дарслар, ўша вақтлардаги одатга мувофиқ, француз тилида ўқитилар эди, ҳатто уларни бир-бирлари билан ва ўзларидан катталар билан французча гаплашишга мажбур қилар эдилар. Бироқ, тажриба шунини кўрсатдики, бу нарса Пушкиннинг соф рус кишиси бўлиб қолишига ҳеч бир

халақит бермади ва у русчани шундай ёзар эдики, унга қадар ҳеч ким русчани бундай ёзолмаган эди.

Умуман олганда Пушкин отасининг уйида ҳам, кейин ўқишга кирган лицейда ҳам унча яхши ўқигани йўқ, унинг Евгений Онегин тўғрисида гапирганлари шоирнинг ўзига ҳам тааллуқлидир, унинг айтган нарсалари болаларнинг «яхши хонадонлар» деб аталган хонадонларда у замонларда қандай тарбия олганлигини кўрсатадиган энг тўғри очеркдир:

Тақдир Онегинни сақлаган эмиш
Аввал уни madame қилди парварниш:
Monsieur олди унинг ўрнини кейин
Гўдак шўх, тийракди, суюмли лекин,
Monsieur l'Abblé* бир юпун, француз эди,
Ҳеч азоб чекмасин дея ёш бола,
Ҳазил қўшар эди дарсига анча.
Ахлоқ-одоб ила кўп қийнамади,
Шўхлик қилса агар енгил тергарди
Сайр учун Ёзги боққа элтарди.

Француз тилида у гоят тузук
Сўзларди, ёзарди фикрини равон,
Мазурка рақсига тушарди осон,
Салом ва таъзимлар эркин ҳам нозик,
Тағин нима керак? Юксак доира
Тан берди, у онгли ва дилбар дея.

Ўқидик оз-оздан ҳаммамиз бир қур,
Жуда енгил-елпи ва чала-чулпа,
Тарбия бобида, тангрига шукур,
Мақтанишлик бизда қулайдир жуда¹⁰.

Бу очерк билан ўхшашлигини тамомига етказиш учун Пушкиннинг етти ёшлик чоғидан бошлаб тетик, эпчил ва шўх бола бўлганлигини кўрсатиб ўтиш лозим; илгариги уятчанлиги ва лавашанглиги ўрнига шўхлик аломатлари кўринди, бу шўхлиги баъзан «бадҳазимликка» айланиб кетарди. Унинг характеридаги фақат бир нарса ўзгармасдан қолди: Пушкин ўқувчилик чоғида, лицейдаги курсни тамом қилгунича ҳам анча ялқов эди.

* Жаноб аббат. (Чернишевский изоҳи.)

Лекин агар шундай экан, қандай қилиб у жуда кўп хилма-хил билимлар эгаси бўлиб олди, бундай билимлар эгаси бўлиб олмасдан туриб яхши ёзувчи бўлиш мумкин эмас-ку. Гап шундаки, Пушкин фақат дарс ўқишни ёмон кўрар эди, ҳар кун эртасига ўқийдиган дарсларини тайёрлаши лозим эди; у кўпроқ ҳар нарсани билишга ҳаракат қилар эди. У жуда эрта — саккиз ёки тўққиз ёшлик вақтидаёқ ўқишга жуда зўр меҳр қўйди. Француз тилида тарбия олганлигидан у, албатта, французча китобларни ўқишга киришди, отасининг французча китоблари жуда кўп эди: француз адабиётини яхши кўрадиган Сергей Львовичнинг жуда яхши кутубхонаси бор эди. Сергей Львович болаларида китобга муҳаббат туғдиришга ҳаракат қилар ва кўпинча ўзи яхши деб билган китобларни, айниқса Мольер асарларини улар билан биргалашиб ўқир эди, айтишларига қараганда, Сергей Львович Мольер асарларини ёддан биларди. Унинг ўғли китоб ўқишга қаттиқ киришди, кечаю кундуз ҳеч чарчамай китоб ўқиди ва хотираси жуда кучли бўлганлигидан, ўн бир ёшга кирган вақтида, амакиси Василий Львовичнинг ибораси билан айтганда, француз адабиётини энг яхши биладиганлардан бўлиб қолди.

Пушкин то ҳаётининг сўнгги кунларигача зўр бериб китоб ўқиди. Унчалик кўп китоб ўқиган бошқа бирон кишини топиш қийин бўлса керак. Шунинг учун ҳам у, гарчи мактабда унча яхши ўқувчи деб ҳисобланмаган бўлса ҳам, ўз замонасининг энг ўқимишли кишиларидан бири бўлган экан, бунда ажабланарлик бир нарсани йўқ. Пушкингина шундай эмас эди: жуда ажойиб қобилиятга эга бўлган кишилар кўпинча мактабдаги ўқишни менсимайдилар, бу ўқиш уларга жуда секин бораётгандай бўлиб туюлади ёки уларни айниқса қизиқтирадиган масалаларга алоқаси йўқдай бўлиб кўринади. Ота-оналарнинг жуда зўр эътибор бериб ғамхўрлик кўрсатиши соясидагина болаларни мактабдаги ўқишга бундай эътиборсизлик билан қарашдан сақлаш мумкин бўлади ёки бирон таланти ўз шогирдини яхши кўрадиган мураббий ўқувчиларни қадам-бақадам олға қараб боришга, бирон нарсани ҳам яхши ўрганмасдан қолдирмасликка мажбур қилади, лекин, алоҳида бахтли ва камдан-кам ҳоллардагина шундай бўлади. Агар истезодли боланинг ота-онаси ёки мураббийси уни шундай яхши кўрадиган бўлса, у бола ғоят бахтли бўлади: у ҳолда унинг маълумоти жуда

кенг бўлиш билан бирга, жуда чуқур маълумот бўлади — у бола мустаҳкам ва олижаноб этиқодларга эга бўлиш учун зарур бўлган ҳамма билимга эга бўлади, яъни унинг фикр қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсаларини одиллик ва яхшилик тушунчаларига татбиқ қилиш имкониятига эга бўлади. Акс ҳолда, у кўп нарсаларни билади-ю, лекин мана шу кўп нарсалар ичида ҳақиқий билимдонлик учун зарур бўлган маълумотлардан кўра аҳамияти йўқ ва ортиқча маълумотлар кўпроқ бўлади, ҳолбуки ҳақиқатан ўқимишли киши дунёда бўлаётган ҳамма ҳодисалар тўғрисида фикр юрита билиши, ўқимишли ва олижаноб кишининг қандай фикр юритиши лозим бўлса, шундай ҳукм қила билиши лозим.

Пушкиннинг асарларида биз унинг жуда кўп нарсаларни ўқиган бир киши эканлигини исбот қилиб берадиган далилларни кўрамиз; лекин агар у мана шу нарсаларни ўқиш билан бирга инсоният ҳаётининг жуда кўп муҳим масалалари тўғрисидаги тушунчалари ҳам чуқур тушунчалар бўлганда эди, у вақтда, шубҳасиз, унинг асарларининг қиймати яна ҳам ошиб кетар эди.

Пушкиннинг тўлароқ маълумот олмаганлиги унга боғлиқ эмас эди; ҳар нарсага ақл юргизувчи бу бола энг аввал бошдан ақлли ва мукамал ўқимишли раҳбар қўлига, Пушкиннинг ўқишини ва ўқиш орқасида орттирган тушунчаларини унинг таланти каби юқори даражага қўя оладиган раҳбар қўлига тушмаган экан, бунда Пушкин айбдор эмас эди. Лекин, шоиримизнинг шарафига шуни айтиш керакки, у киши ўз хатти-ҳаракатларига ўзи хўжайин бўладиган ёшга етганида, бекор кетган йилларини қайтариш учун тинмай ҳаракат қилди ва ўз маълумотини ошириш устида зўр ғайрат билан меҳнат қилди. У бутун умр ўқиди.

Бу болада ўқишга муҳаббат билан бирга авторликка қизиқиш ҳам пайдо бўлди. Биз, у тўққиз ёки ўн ёшидаёқ шеър тўқий бошлаган эди ва отасидан ўртак олиб, аввал француз тилида ёзабошлаган эди, деб айтиб ўтган эдик; унинг Мольерга алоҳида меҳр қўйиши ҳам отасидан ўртак олганлигининг натижаси бўлса керак, шунинг учун ҳам Пушкиннинг биринчи асарлари Мольер асарларидан ўртак олиб ёзилган кичик-кичик французча комедиялар эди. Пушкин бу комедияларини опасига ўқиб берар эди. Афсуски, унинг бу дастлабки тажрибалари бизга етиб келмади. Пушкиннинг опаси хотирида фақат бир эпи-

грамма сақлаиб қолган, бунн Пушкиннинг ўзи ўз комедияларидан бири бўлган «L'Escamoteur»* комедияси устидан кулиб ёзган бўлиб, бу комедияни опаси ёқтирмаган эди:

Dis-moi pourquoi «L'Escamoteur»
Est-il sifflé par le parterre?
Hélas, c'est que le pauvre auteur
L'escamota de Molière.**

Пушкин кичик комедиялардан ташқари, масаллар ёзди ва, ниҳоят, олти бобдан иборат эпик поэма ёзмоқчи бўлди. Пушкин Дагобер деган қадимги француз короли замонида митти эркаклар билан митти аёллар ўртасида бўлган урушни сюжет қилиб олди. Митти аёл Нетушни яхши кўриб қолган митти Толи ўз рақибларини енгиб, шу жажжи гўзал хонимнинг қўлини сўраши лозим эди. Лекин бу поэма тугалланмай йўқолиб кетди: гувернанткалардан бири ёш авторнинг жуда зеҳн қўйиб ёзаётган дафтарини кўриб қолади-да, уни олиб чиқиб кетиб, «бутун вақтини шундай бемаза нарсалар тўқиш учун сарф қиладиган» бу итотсиз боладан шикоят қилиб, уни гувернёрга топширади. Гувернёр «Толиада» ни (бу поэма ўз қахрамонининг номи билан шундай деб аталган эди) ўқийди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади. Бу нарса авторга жуда қаттиқ тегади, автор унинг қўлидан дафтарни тортиб олади-да, ёниб турган печкага ташлайди.

Бола ўн икки ёшга кирди, ота-оналари уни энди бирон мактабга ўқишга берсак ҳам бўлади, деб ўйлаб қолишди. Уша замонларда Петербургда иезуитлар коллегиуми айниқса номи чиққан мактаб эди, шунинг учун Сергей Львович ўз ўғлини шу мактабга жойлаш учун Петербургга борди. Лекин, худди шу вақтда ҳукумат дворянлар учун олий мактаб — Царское Село лицейининг очилишини эълон қилган эди. Бу мактабга Сергей Львовичнинг дўстларидан бири директор қилиб тайинланган эди¹¹, шу

* Ўғри (французча).

** Айтнинг-чи, нима учун партер «ўғри» га жиртак чалди? шунинг учунки, шўранг қурғур автор уни Мольердан ўғиртаган.— Пушкин ўз комедияларини ўқир экан, бу комедиялар саҳнада ўйналяпти, деб хаёл қилар эди, бинобарни, унинг опаси унга пьесанинг муваффақиятли чиқиши ёки муваффақиятсиз чиқишини ҳал қилиб берадиган «тамошабин» ва «партер» эди. (*Таржимаси ва изоҳи Н. Г. Чернышевскийники*).

билан ўн икки яшар Пушкин лицей ўқувчилари сафига қабул қилинган эди.

Лицейда ўтказган йиллари Пушкин хотирасида ҳаётининг ҳаммиша энг яхши йиллари бўлиб сақланиб қолди: лицейда унинг шоирлик таланти очилиб кетди, лицейда у дўстлари билан учрашди, айниқса жуда ҳам ҳурмат қиладиган ва яхши кўрадиган дўсти Дельвиг билан шу лицейда топишган эди. Пойтахтдан узоқда ўз жўралари билангина вақт кечиршига мажбур бўлган мактаб ўқувчилари тез орада бир-бирларига ўрганиб, бутун умрлари бир-бирларига жуда яқин кишилар бўлиб қолдилар. Лекин, бу ўқувчилардан ҳеч бирида бу ёшлик туйғулари Пушкин туйғулари сингари ёрқин ва оташин тусга кирган эмас. Унинг лирик шеърлари ва «Евгений Онегин» Царское Село ва лицей тўғрисидаги хотиралари билан тўлиб тошган. Унинг бир қанча жуда ажойиб шеърлари лицейнинг очилиш куни йиллигига атаб ёзилган шеърлардир.

Пушкин уйдаги сингари, лицейда ҳам дарсга тайёрланишни унча ёқтирмас эди, хотираси жуда кучли ва ақли жуда ўткир бўлишига қарамай, ўрта миёна ўқувчи ҳисобланар эди. Бироқ, мактабдаги дарсидан ташқари, умумий тарих, француз ва рус адабиётидан жуда кўп китоб ўқирди.

Шунинг учун унинг лицейда ўтказган олти йили (1811—1817) ақлининг очилиши жиҳатдан ҳам бекорга кетмади¹². Унинг поэтик талантига келганда, бу даврда унинг таланти жуда тез ўсиб, шуҳрат қозона бошлаган эди. Пушкиннинг ўртоқлари ўртасида адабий машғулотларга ҳавас жуда зўр эди: кўплари шеър ёзарди, бошқалари бошқа тиллардан ҳар хил проза асарларни таржима қиларди; ёш ёзувчилар ҳатто қулёзма журналлар чиқара бошлаган эди. Афсуски, бу жуда муҳим дафтарлар йўқолиб кетган, бизга уларнинг фақат номи маълум, холос. Масалан, бир журнал «Лицей донишманди» деб, иккинчиси, — «Тажрибасиз қалам», учинчиси — «Сузувчилар» деб аталар эди ва ҳоказо¹³.

Пушкин лицейда яшаган дастлабки йилларида француз тилида шеърлар ёзиб турарди, у 1814 йилга яқин келгандагина русча ҳам ёзадиган бўлди. Биз унинг опасига бағишлаб биринчи марта русча ёзган ва бизга етиб келган «Опамга хат» шеъридан бир парча келтирган эдик. Бироқ бу шеър босилиб чиқмаган эди. Унинг матбуотда босилиб чиққан биринчи асари узундан-узун «Шоир дўстимга»

деган шеърый мактуб эди, бу шеър ўша замонлардаги кўпгина шундай шеърларга тақлид қилиб сатирик усулда ёзилган эди: Москвада «Вестник Европы» деган журналда 1814 йилда, саккизинчи китобда босилиб чиққан эди¹⁴. Шундан кейин Пушкиннинг шеърлари журналларда тез-тез чиқиб турадиган бўлиб қолди ва энгил тил билан ёзилганлиги, бунинг устига фикр ва манзараларининг поэтик фазилатлари тезда кишиларнинг эътиборини ўзига торта бошлади.

Пушкиннинг ўртоқларидан кўплари дастлаб эпиграммалари учун уни ёқтирмаган эди: ўша вақтдаёқ у жуда ақли ўткир эди, уни ҳақорат қилган ҳар бир кишига ништар сингари шеър билан жавоб қайтариб турарди, унинг бундай шеърларидан ўз тенгдошларигина эмас, ёши ундан анча катталар ҳам ҳайиқар эди. Ана шу арзимаган душманлик ўртоқларининг, Пушкин поэтик таланти жиҳатдан ҳаммамиздан юқори туради, деб ҳаммаларининг бир оғиздан тан олишларига ҳам узоқ вақтгача тўсиқлик қилиб келди. Бироқ, ёш шоир билан яқиндан танишганларидан кейин, ҳаммалари уни яхши кўриб қолишди, чунки Пушкин жуда кўнгилчан ва олижаноб шоир эди. Унинг адабиётда чиқарган шуҳрати ҳаммани унинг шубҳасиз истеъдодли эканлигига ишонтирди, шунинг учун ҳам Пушкин лицей ҳаётининг сўнгги вақтларида ўртоқлари ўртасида жуда зўр шуҳрат қозонган эди.

Пушкин ҳамма ўртоқлари ичида барон Дельвиг билан айниқса аҳил эди, Пушкин то Дельвигнинг вафотигача ҳам у билан қалин дўст бўлиб қолди ва уни ажойиб шоир деб мақтаб кўкларга кўтариб юрди; Пушкин вафот қилиб, Дельвигнинг шеърларини мақтайдиган киши қолмагандан кейингина, халқ бу шоирнинг унча мақтайдиган таланти йўқ эканлигига ишонч ҳосил қилди. Лекин, Пушкин унга шу қадар содиқ дўст эдики, уни астойдил буюк шоир деб ҳисоблар эди ва Пушкиннинг халқ фикрига таъсири шу қадар кучли эдики, ҳамма деярлик уни шундай талантли шоир экан деб ишонар эди. Аслида; барон Дельвиг поэзияни яхши кўрганлиги учун ва буюк шоир уни ўқимишли ва дид-фаросатли одам деб, ўз асарлари тўғрисида у билан очикдан-очик гапиришганлиги ва гапиришганда ҳам, гаплари бекорга кетмаганлиги учун, Пушкиннинг бундай дўстлигига сазовор бўлган эди¹⁵.

Лицей ҳаётидаги воқиалардан 1815 йилдаги тантанали маросим Пушкин хотирасида ҳаммадан аниқ сақланиб

қолган эди, бу тантанали маросим куни Лицейга Державин келиб, ёш шоирнинг «Царское Село хотиралари» деган шеърини маъқуллаб тинглаган эди. Пушкиннинг ўзи бу воқиа тўғрида шундай ҳикоя қилади:

«Мен умримда Державинни бир марта кўрдим, лекин уни асло ёдимдан чиқармайман. Мен уни 1815 йилда лицейда, имтиҳон куни кўрган эдим. Державиннинг келишини билганимизда, ҳаммамиз ҳаёжонга келдик. Дельвиг уни кутиб олиш ва «Водопад»*ни ёзган қўлини ўпиш учун зинага чиқиб турган эди. Бир вақт Державин келди. . . У жуда кексайиб қолган эди. . . Бизнинг имтиҳонимиз уни жуда чарчатиб қўйди: у қўлини пешонасига тираб ўтирар эди; кўзлари хира, лаблари осилган эди. Рус адабиётидан имтиҳон бошлангунча мудраб ўтирди. Рус адабиётидан имтиҳон бошланиши билан руҳланиб кетди: кўзлари чарқлаб бутунлай ўзгариб кетди. Албатта, унинг шеърларини ўқидилар, унинг шеърларини мақтаб турдилар. У жуда зўр иштиёқ билан тинглади. Гал менга келди — мени чақирди. Мен Державиндан икки қадам берид туриб, «Царское Село хотиралари»ни ўқидим. Шу чоқ ҳолим нима кечганини тасвирлашдан ожизман: мен шеъримда Державиннинг номини тилга олган жойга бориб етганимда, товушим жаранглаб кетди, юрагим шодликка тўлиб тошди. Ўқишни қандай тугатганимни билмайман; қаёққа қочиб кетганимни билмайман. Державин жуда қувониб кетди: у мени чақиртирди, мени бағрига босмоқчи бўлди. . . Мени қидирдилар, лекин тополмадилар. . .»¹⁶.

Уша вақтда маориф министри бўлган граф Разумовский, имтиҳондан кейин, обед вақтида Сергей Львовични ўғлининг муваффақиятлари билан табриклаб:

— Мен ўғлингизнинг проза ёзувчиси бўлишини истардим,— деди.

— У шоир бўлиб қола берсин! — деди Державин жуда зўр жўшқинлик билан.

Пушкин ўзининг Державинга муносабатларини «Евгений Онегин» даги ажойиб шеърларида, ўз музаси (яъни поэтик истеъдоди) нинг тақдири ҳақида ҳикоя қилганда хотирлаб ўтади:

* Потёмкин Таврическийнинг вафоти тўғрисидаги хабар таъсири остида Державиннинг ёзган бу одаси Державиннинг энг яхши асарларидан эди (*Н. Г. Чернышевский изоҳи*).

Муҳит кутиб олди (*музани*)* табассум ила;
Бизни илк галаба қанотлантирди;
Бизни чол Державин кўзга илди-да,
Оқ фотиҳа бергач, қабрга кирди...¹⁷

Шу орада курсни тамомлаш вақти ҳам етиб келди (1817 йил 8 июнь). Пушкин лицейни ўнинчи класс лавозими билан тамом қилиб чиқди ва уч кундан кейин Ташқи ишлари Коллегиясига ишга тайинланди. Йигитча дарҳол отпускаи олиб, ота-оналари ёнига, Михайловское қишлоғига жўнаб кетди.

Шуни айғиб ўтиш лозимки, Пушкин лицейда ўқиб турганида, унинг ота-оналари Москвадан Петербургга кўчиб келиб, ёзда Псков губерниясидаги Михайловское қишлоғига бориб турар эдилар. Пушкин 1820 йилгача, Россиянинг жанубига жўнаб кетишигача ҳар йил ёзни у ҳам Михайловское қишлоғида ўтказар эди¹⁸.

IV 606

Пушкин зодагонлар жамиятида.— Унинг биринчи поэмаси «Руслан ва Людмила».— Пушкин Бессарабияда, Одессада, Кавказда, Қримда.— Унинг «Кавказ асири», «Боқчасарой фонтани», «Лўлилар» ва «Оғани қароқчилар» деган поэмалари

Пушкин қишлоқда дам олиб Петербургга қайтиб келганидан кейин, киборлар ҳаёт доирасига кирди: унинг хушчақчақ ва шўх характери бунда бор кучи билан кўринди; лекин у ўзининг адабий машғулотларини ҳам қўймади, биз юқорида айтиб ўтган Арзамас жамияти аъзолари сафига қабул қилинди ва 1819 йилда катта поэмаларидан бирини — «Руслан ва Людмила» ни ёзди, бу поэма унинг номини чиқарди, бу поэмани ўқиганидан кейин Жуковский: «Ғолиб шогирдга мағлуб устоздан» деб ёзилган ўз суратини тақдим қилди.

Бу поэманинг жуда кўп камчиликлари борлигини ҳозир ҳар бир киши аниқ кўриб турибди; бироқ ўша замонларда бу поэма жуда энгил шеър билан ва жуда ажойиб тилда ёзилган ҳақиқатан ғайри табиий бир воқиа эди. Бундан илгариги ҳамма шоирларимизнинг ёзган асарлари, Пушкин поэмаси билан таққослаб қараганда, оғир ва дағал асар бўлиб кўринган эди; шу сабабдан бутун халқ уни ўқиб жуда ҳам завқланган эди. Шеър

* Қавс ичига олинган изоҳ Н. Г. Чернишевскийники.

билан ёзилган бу повестнинг мазмуни шундайки, қадимги рус баҳодири Руслан сихргар Черномор ўғирлаб олиб кетган қаллиғи Людмилани ахтариб топади.

«Руслан ва Людмила» поэмаси ёзилиб бўлганидан кейин орадан кўп ўтмасдан Пушкин Бессарабияга юборилди ва 1820 йилдан 1824 йилгача Россиянинг жанубида яшади¹⁹. Дастлаб Екатеринославга келди, у ерда бетоб бўлиб қолди, шунинг учун Кавказга Минеральные Водига кетишга мажбур бўлган эди. У тузалгандан кейин Кавказдан Қримга жўнади, унинг жуда гўзал манзарали жануб қирғоғини тамошо қилди, Қрим хонларининг собиқ пойтахти бўлган Боқчасаройга борди ва 1820 йил сентябрда Кишиневга келиб жойлашди. Шу йил охирида у Киевга борди ва, Киевдан Кишиневга қайтиб келгандан кейин, бир неча йил илгари бошлаган «Кавказ асири» поэмасини (1821 йил бошида) тамом қилди. Бу поэма Пушкиннинг поэтик ҳаёлига улғувор тоғ табиатининг зўр таъсири остида ёзилган эди ва бу поэманинг энг яхши фазилатлари Кавказнинг гўзал ва ҳаётбахш манзараларидир. Шу билан бирга бу поэмада инглиз шоири Байроннинг таъсири бор, ўша вақтларда бутун Европа шу Байрон асарлари билан завқланиб турган эди. Пушкин ўша вақтда жуда ёш бўлганлиги туфайли, унинг ҳам шу Байрон асарларига берилиб кетганлиги ажабланарли эмас. Қишининг характери секин-аста, турмушдаги тажрибалар туфайли вужудга келади, шунинг учун ҳам Пушкин «Кавказ асири» дан кейин яна бир неча йил Байроннинг таъсири остида асар ёзди. Байрон — жуда ғамгин шоирдир. Пушкиннинг Байрон таъсири остида ёзган поэмаларида ҳам қисман шундай ғамгинлик акс этиб туради, лекин Пушкиндаги ғамгинлик инглиз шоиридаги ғамгинликдан анча сустроқ, чунки бу ғамгинлик, аслини олганда, Пушкиннинг табиатига зид бир нарса эди, Пушкин кўпроқ беғам, ҳаётни яхши кўрадиган, унинг лаззатларидан завқланиб баҳра оладиган, очиқ кўнгил шоир эди.

Пушкин «Боқчасарой фонтани» деган учинчи поэмасини ҳам 1822 йилда шу Кишинев шаҳрида ёзган эди, шоирнинг Кавказ тўғрисидаги хотиралари «Кавказ асири» поэмасида тасвирланган бўлса, Қрим тўғрисидаги хотиралари шу «Боқчасарой фонтани» поэмасида баён қилинган эди. Бу икки асарни халқнинг қандай хурсанд бўлиб завқ билан ўқиганлигини шунга қараб ҳукм қилса бўладики, шу асарлар туфайли Кавказ билан Қримни ҳар бир

рус китобхони таниб олди, ҳолбуки илгари ҳамманинг бу мамлакатлар табиаи тўғрисидаги тушунчаси ҳам ноаниқ эди.

Ундан кейинги йил ўрталарида Пушкин Одессага хизматга кўчирилди, у ерда бир йилча турди. Пушкиннинг «Евгений Онегин» деган шеърый романи шу Одессада ёзила бошлаб, орадан бир неча йил ўтгандан кейин тамомланган эди. Биз бу асар тўғрисида кейинроқ гапирамиз. «Лўлилар»²⁰ деган поэмасини ҳам Одессада ёзган эди, бу поэмада лўлиларнинг кўчманчилик ҳаёти айниқса яхши тасвирлаб берилган. Шоирнинг олдинги асарлари сингари, бу асарига ҳам мавзу бўлган нарса унинг хотиралари эди: у Бессарабияда бўлганида лўлилар ҳаётини синчиклаб ўрганарди, бир марта ҳатто бир неча кун вақтини лўлилар ҳаётини синчиклаб ўрганишга бағишлаган эди.

«Оға-ини қароқчилар» деган ном билан босилган поэмасининг бир парчасини ҳам Пушкин Россиянинг жанубида, худди шу Қишиневада ёзган эди. Бу поэманинг қолган қисмлари ўзига ёқмаганлиги учун автор уларни йўқотиб юборган эди; босилиб чиққан парчаси эса авторнинг оғайниларидадан бирининг қўлида тасодифан сақланиб қолган²¹. Исканжа билан бир-бировига боғлаб қўйилган икки маҳбус дарёдан сузиб ўтган экан, деган латифа бу ҳикоя учун мавзу бўлган эди. Ҳақиқатан шундай бўлган бўлса ҳам, лекин бу воқиа ақлга ҳеч бир тўғри келмайдиган воқиа бўлиб қолади; ҳолбуки поэтик асарлар уларни ўқиган ҳар бир киши: «Ҳа, жуда тўғри гап, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки ҳамма вақт шундай бўлади»²² дейдиган бўлгандагина яхши асар бўлади.

V б о б .

Пушкиннинг Михайловское қишлоғига, сўнгра Москва ва Петербурга қайтиб келиши.— «Борис Годунов» трагедияси.— «Полтава» поэмаси.— «Евгений Онегин» шеърый романи.— Арзерумга саёҳат.— Драматик асарлари — Пушкиннинг уйланиши.— Унинг Петербурга кўчиб бориши. «Дубровский» ва «Капитан қизи» деган проза асарлари.— «Мис отлиқ» поэмаси.

Пушкин 1824 йил июлда Одессадан ўз қишлоғи Михайловскоеге²³ қайтарилиб, унда икки йил яшади. Бу ерда деярлик доим ёлғизликда яшаб, у жуда кўп нарсалар ўқиди ва кўп асарлар ёзди. Пушкиннинг Михайловское қишлоғида ўтказган даври адабий жиҳатдан кўп

ишлар қилган даври эди. У «Евгений Онегин»нинг бир қанча бобини ва «Борис Годунов» трагедиясини шу қишлоқда ёзган эди.

Шу вақтдан бошлаб Пушкиннинг Байрон таъсири остида асар ёзиши унчалик кўзга ташланмай қолди, ҳолбуки, унинг илгариги поэмалари Байрон таъсири остида ўйлаб ёзилган поэмалар эди. Аксинча, Пушкин ҳамма драматик ёзувчиларнинг энг каттаси бўлган Шекспирга айниқса зўр муҳаббат қўйди ва Шекспирнинг Англия тарихидан ёзган драмаларига тақлид қилиб «Борис Годунов» трагедиясини ёзди, бу трагедия мазмунан Карамзиннинг ҳикоясига анча яқин эди²⁴; унинг бу драмаси ҳам Карамзиннинг «ўчмас хотирасига» бағишланган. Ҳозиргача бу трагедия рус адабиётида ўзига хос бирдан-бир ижод бўлиб қолмоқда. Пушкин ўз шуҳратини кўпроқ «Борис Годунов»га асослаган эди, чунки бу асар устида жуда узоқ вақт ва зўр эътибор билан ишлаган эди.

Пушкин 1826 йил сентябрда Петербургга қайтарилиб, шу вақтдан бошлаб доимо деярлик Петербургда яшади, ҳар йили ёзда ва кузда Михайловское қишлоғига бориб турар эди, ўзининг бундан кейинги асарларининг кўп қисмини шу Михайловское қишлоғида ёзган эди. Лекин 1826 йилда Михайловскоедан у дастлаб Москвага келди, уни Москвада жуда қувонч билан кутиб олдилар, у 1827 йил баҳоригача Москвада турди. Пушкин етти йил киборлар жамиятида бўлмаган эди, узоқ вақт бу табақачида бўлмаганлигидан, бу табақа ҳаёти унга янги жозибадор ҳаёт бўлиб кўринди. Ёзда у Петербургга борди, кузда ўзининг Михайловское қишлоғига қайтиб, у ерда ёлғиз ўзи умр кечирди.

1828 йилда бир ойдан ҳам камроқ вақт ичида «Полтава» поэмасини ёзиб бўлди, бу поэмага мавзу бўлган воқиа, унинг номидан маълум бўлишича, Буюк Пётрнинг Карл XII билан қилган уруши эди. Бундан илгари Пушкин Буюк Пётр даврини айниқса зеҳн қўйиб ўрганабошлаган эди ва бундан илгариги (1827) йилда «Буюк Пётр араби» деган катта бир роман ёза бошлаган эди, бу романда у катта бобоси Ганнибални бош қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчи бўлган эди. Бу роман тугамай қолиб кетди. Кейинроқ Пушкин Петербург шаҳрини қурган буюк ҳукмдор хотираси шарафига бағишлаб «Мис отлик» поэмасини ёзди, бу поэма Пушкиннинг энг яхши поэмасидир²⁵. Бундан ташқари, Пушкин ўз ҳаётининг сўнгги йил-

ларининг деярлик ҳаммасини Буюк Пётр тарихи учун материал излашга сарфлади.

1829 йилда армиямизнинг пирсиёнларга қарши ғолибона юришида армия билан бирга боришга рухсат сўради ва Тифлистан ўтиб, Карс дарёси қирғоғида қўшинларга қўшилди ва Арзерумнинг олинишини ўз кўзи билан кўрди. «Арзерумга саёҳат» унинг шу саёҳатининг хотирасидир.

1830 йил кузда Пушкин етти йил илгари ёза бошлаган «Онегин» асарини тамомлади. Бу асар бобма-боб нашр қилинди, 1825 йилда нашр қилинган дастлабки уч боби халққа жуда ҳам зўр завқ бағишлади. Кўп кишилар бу романни шундай завқ билан ўқидиларки, ҳатто уни ёдлаб олдилар. «Евгений Онегин» нинг асосий фазилати, ундаги ажойиб шеърлардан ташқари шуки, бу романда рус жамиятининг урф-одати жуда тўғри тасвирлаб кўрсатилган. Ҳозир бир қадар шундай фазилатга эга бўлган анчагина асарлар бор, рус урф-одати тўғрисида ёзилган яхши повесть ҳозир сийрак учрайдиган асар эмас; лекин «Евгений Онегин» ўз даврида мисли кўрилмаган нодир асар эди. Биз Пушкиннинг «Онегин» асаридан олдин ёзилган поэмаларининг мазмуни тўғрисида гапириб ўтдик. Унинг бу поэмалари бизнинг урф-одатларимизнинг тасвири деб айтиш мумкинми? Бу поэмалардан бирида черкаслар ва Кавказ, иккинчисида татарлар ва Қрим, учинчисида баҳодирлар ёки қаҳрамонларнинг саргузаштлари тўғрисидаги эртақ тасвирланган. «Онегин» романи пайдо бўлишигача рус адабиётининг ҳамма асарлари деярлик худди шундай асарлар эди. Бу асарларнинг Пушкин поэмаларидан фарқи фақат шу эдики, улар Пушкин поэмалари сингари яхши ёзилмаган эди, лекин «Кавказ асири» ёки «Боқчасарой фонтани» да бўлгани сингари, рус жамиятининг урф-одати ва турмуши бу асарларда оз тасвирланган эди. Бирозгина асарлар — Фонвизиннинг «Бригадир» ва «Норасида» асари ва Грибоедовнинг «Ақл балоси» асари бундан мустасно. Лекин, «Ақл балоси» у вақтда ҳали босилиб чиқмаган эди²⁶, Фонвизиннинг комедиялари эса, ўзига яраша баҳо олмаган эди, жумладан, бунинг сабаби тили жуда эскириб қолган деб ҳисобланиши эди. Бундан ташқари, Пушкиннинг романи ҳикоя тарзида ёзилган бўлиб, бундай асар драматик асарга қараганда ўқиш учун анча осон. «Евгений Онегин» — ўша замон рус жамиятини тасвирлаган — ва жуда яхши тасвирлаган — биринчи роман

эди²⁷. Рус адабиётида у мисли кўрилмаган муваффақиятга эришди ва адабиётнинг ривожланишига ҳам, халқнинг тушунчасига ҳам таъсири жуда зўр бўлди.

Пушкин шу йилнинг кузини ўз қишлоғи Болдинода (Нижегород губернасида) ўтказди, «Онегин»нинг сўнгги икки бобидан ташқари драматик асарларини: яъни: «Қизганчиқ рицарь», «Тош меҳмон», «Улат вақтидаги зиёфат», «Моцарт ва Сальери» деган кўпгина драматик асарларини шу қишлоқда ёзди. «Белкин қиссалари» номи билан нашр қилинган қиссалар ҳам шу Болдино қишлоғида ёзилган. Бу қиссалар Пушкин нашр этган дастлабки проза асарлари эди, унинг бу қиссалари бошқа проза асарларидан анча паст турар эди. Жуда яхши ёзилган «Очкўз қаҳрамон» ва «Рицарлик замонидан кўринишлар» деган асарлари ўрта аср хулқ-атворларини тасвирлаб беради, «Тош меҳмон» — қадимги испан урф-одатларини тасвирлайди. Бу асарлардаги воқиалар қайси аср ва қайси мамлакатга тааллуқли бўлса, ўшалар тўғрисидаги ҳамма тафсилотлар жуда ажойиб қилиб тасвирланган ва поэтик жиҳатдан жуда яхши баён қилинган.

Пушкин 1831 йил бошида, Москвада бўлганида, энг яхши кўрадиган дўстларидан Дельвиғнинг вафот қилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, қаттиқ қайғирди.

Шу йили 18 февралда Пушкин Н. Н. Гончаровага уйланди. Тўй Москвада, қаллиғининг уйида ўтди. Пушкин баҳоргача Москвада яшаб, кейин рафиқасини Петербургга олиб кетди-да, ёзда Царское Селога туришди.

Шу йилдан Пушкин Буюк Пётр тарихи учун материал тўплаш бошлади. Бунинг учун Пушкинга давлат архивларидан фойдаланишга рухсат берилган эди, у ғайрат билан ишга киришди. Пушкиннинг вафоти унинг ғоят катта асарини тўхтатиб қўйди, Пушкин тўплаган фактларини энди ишламоқчи бўлиб турганида ҳалок бўлди.

Пушкин проза билан ёзилган «Дубровский» ва «Капитан кизи» деган повестларини ва вафотидан кейин тамомланмай қолган «Русалка» деган шеърини драмасини 1833 йилда ёзган эди. «Руслан ва Людмила» нинг сюжети сингари, «Русалка» нинг сюжети ҳам эртақдан олинган; лекин, «Руслан ва Людмила» асарининг фақат номи қадимгию, лекин унда рус афсоналаримизнинг руҳи жуда оз, «Русалка» да бўлса жуда кўп кўринишларда қадимги ҳаётимизнинг ҳақиқий манзараси жуда ажойиб қилиб тасвирлаб берилган.

«Дубровский», айниқса «Капитан қизи» Пушкиннинг проза билан ёзилган повестларининг энг яхшилари деб ҳисобланиши лозим. «Дубровский» помещикларнинг асримиз бошидаги ҳаётини тасвирлайди, «Капитан қизи» эса Пугачев исёни даврини тасвирлайди, Пушкин бу вақтда шу исён тарихи билан шуғулланган эди.

Пушкиннинг энг яхши поэмаларидан бири бўлган «Мис отлик» 1833 йилда ёзилган, бу поэмага сюжет бўлган воқиа 1824 йил 7 ноябрда Петербургда бўлган даҳшатли тўфондир, Пушкин Буюк Пётрни бу поэмасига қаҳрамон қилиб олган эди. Унга қўйилган ҳайкал «Мис отлик» тўфон манзарасида тўлқинлар устида улуғвор бўлиб кўришиб, тўлқинларни босади.

1836 йилда Пушкин «Современник» деган журнал чиқара бошлади, Пушкиннинг вафотидан кейин бу журнални унинг дўстлари, шу жумладан, Жуковский, князь Вяземский ва жаноб Плетнев, кейинчалик эса, жаноб Плетневнинг ёлғиз ўзи чиқара бошлади. Бу журнал бошқа редакция остида ҳозир ҳам чиқиб турибди²⁸.

VI б о б

Пушкиннинг онасининг вафоти.— Шоир ғам-ғусса ичида қолади.— Унинг ўлгиси келади.— Дуэль.— Пушкиннинг ўлими.— Унинг оиласига пенсия берилиши.— Унга қўйилган ҳайкал.— Пушкиннинг характери.— Унинг одати.

1836 йилда онаси Надежда Осиповнанинг вафоти Пушкинни жуда қаттиқ қайғуга солди. У онасини Святогорский Успенский монастырига (Псков губернасининг Опочковск уездида) олиб бориб қўйгандан кейин, у ўз вафоти яқинлашиб қолганлигини сезгандай, менга ҳам онам қўйилган қабр ёнидан қабр тайёрлаб қўйинглар, деб монастырь бошлиқлари билан гаплашиб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам, у мўлжалланган фурсатдан унча нарига ўтмади. Шоирнинг шу дамгача чиққан биографияларида унинг нима сабабдан ҳаётни қадрламаганлиги, ҳатто яшашни ўзи учун оғир бир юк деб билганлиги қониқарли қилиб тушунтириб берилмаган. Лекин умуман шуни айтиш мумкинки, унинг сўнгги кунлари турли-туман ғам-ғуссалар ичида ўтган эди, жўшқин ва сабрсиз характерга эга бўлган буюк ёзувчимиз мана шу ғам-ғуссаларга бардош беролмади. Барибир, тез кунларда ҳаёт билан видолашувини унинг ўзи худди билганга ўхшарди. Жум-

ладан, қуйидаги ҳодисани ҳикоя қиладилар,— шоир ўз ўлимидан бир неча ой илгари жуда хомуш ва дилгир бўлиб юрган эмиш. Пушкиннинг лицейда бирга ўқиган ўртоқлари ҳар йили 19 октябрда, лицей ташкил қилинган кун йиллигида ўтмиш кунларини эслаш ва шу кунни бирга ўтказиш учун йиғилишиб турар эдилар. Пушкин шу кунга атаб тез-тез шеърлар ёзиб турар эди. 1836 йилда ҳам у шундай шеър ёзди, лекин у ўзининг шеърини 19 октябргача батамом тугатиб, сайқал бера олмади, ўртоқлари йиғилгандан кейин улардан узр сўраб, тамом бўлмаган пьесамни ўқиб бераман деди. Бироз жим тургандан кейин, бир варақ қоғозни қўлига олиб, ўқий бошлади:

Бир вақтда ёшлик байрамларимиз
Яшнарди, гурларди, гул-гул ёнарди...

Лекин, унинг овози титраб кетди ва бу сўзларни айтар экан, кўзларида ёш кўринди. У қоғозни столга қўйди-да, уйнинг бурчагига бориб, узоқ вақт жим ўтирди. Унинг лицей йиллигига атаб ёзган сўнгги шеърини бошқа бир ўртоғи ўқиб берди.

Пушкиннинг дилгирлиги шу даражага етдики, у ўзига-ўзи ўлим ахтарабошлади ва бир англашилмовчилик туфайли (агар Пушкин ўз умрини қадрлаганда, бу англашилмовчиликни бартараф қилиш мумкин эди) Пушкин ўша вақтда Петербургда яшаган француз фуқароси Дантес билан дуэлга чиқди²⁹. Дуэль 1837 йил 27 январда бўлган эди. Душман ўқи буюк шоиримизни қаттиқ ярадор қилди, шу билан Пушкин жуда қаттиқ азоблардан кейин 29 январда кундузи соат чоракам учда вафот этди. Пушкин ҳаётининг сўнгги соатларини Жуковский муфассал тасвир этган.

Пушкиннинг кутилмаганда, жуда эрта вафот этганлиги рус адабиётини сал бўлса ҳам севган одамларнинг ҳаммасини қаттиқ қайғуга солди; рус адабиёти бу адабиётда шу вақтгача бўлган ҳамма ёзувчилардан юқори турга, энг буюк шоирдан ажради. Пушкиннинг жасади қўйилган уй кун-тун мотам тутган кишилар билан лиқ тўлиб турди; бойу камбағал, каттаю кичик, олиму маълумотсиз ҳамма мотам тутди.

Марҳумнинг хоҳишига кўра, унинг жасади олий ҳазратнинг фармонига мувофиқ, Святогорский Успенский монастырига олиб борилди³⁰. Пушкин у ерда онасининг ёни-

га ўзи учун гўр тайёрлатиб қўйган эди; Пушкинни дафн қилиш учун император 10 000 сўм пул ажратди.

Святогорский монастири Пушкиннинг яхши кўрадиган Михайловское қишлоғидан тўрт чақирим масофада. Унинг қабри устига қадим замон соғаналарига ўхшатиб ясалган тўрт қиррали пьедесталь устига оқ мраммрдан ҳайкал қўйилган. Бу ҳайкал тагига «Александр Сергеевич Пушкин» деган сўзлар ёзилган, холос. Пушкиннинг қабри жойлашган ва эндигина дарахтлар ўсиб желаётган майдонча алтарнинг чап томонида, монастирь черковига яқин ердадир.

Олий ҳазратнинг фармониغا мувофиқ, Пушкиннинг хазинадан қарзи унинг имениесидан дархон қилинди; шоирнинг рафиқасига 5.000 сўм нафақа тайинланди, бундан ташқари унинг болаларига 6.000 сўм нафақа тайинланди. Пушкин асарларини нашр қилиш учун 50.000 сўм чиқарилди.³¹

Энди биз Пушкиннинг қандай одам эканлиги тўғрисида бир неча оғиз гапириб ўтишимиз керак. Олийжаноблик, кўнгилчанлик ва жуда хушчақчақлик унинг характеридаги асосий хусусият эди. Унинг олийжаноблиги табиий бўлиб, олган илми унинг олийжаноблигига яна хусн қўшган эди. У пасткашлик ёки ёмонлик деб билган нарсаларининг ҳаммасидан пок бўлиш билан бирга, мен ўзимни шундай тутайки, ҳеч ким менинг тўғримда бирон ёмон гап айта олмасин дер эди. Шунинг учун ҳар қандай аҳмоқона ва бемаъни иғво ҳам уни жуда хафа қилар эди. Ҳатто унинг ўлимига сабаб бўлган нарса уни хуш кўрмайдиган кишиларнинг кейинги йилларда у тўғрида ҳар хил бўлмағур нарсаларни тўқиб чиқарганлигидир, деб ҳисоблаш керак: у ўз қадри-қийматини шу қадар баланд тутар эдики, у заррача ҳам ҳақоратга чидай олмас, иғвогарликларга бефарқ қарай олмас эди, шунинг учун ҳам ҳаёт унинг учун жуда оғир юк бўлиб қолди. Энг яхши жамиятнинг урф-одатларини билиб олганлиги, том маънодаги маърифатли киши бўлганлиги учун, у жамиятда жуда ҳам илтифотли ва ширин сўз эди, лекин у доимо ноҳақ миш-миш гаплардан қўрқиб, ҳамма вақт эҳтиёт бўлиб юришга уринар эди, бу нарса баъзан уни ҳатто жуда яқин танишларидан ҳам ўзини бир қадар сир тутиб юришга мажбур қилар эди. Аммо, у жуда хушчақчақ бўлганлигидан, бундай ролни бажара олмай қоларди ва ўзининг бу ролини эсидан чиқариб

қўйиб, ҳақиқий фикр ва туйғуларини барала очиб қўярди. Ҳамма хуштабиат ва шу билан бирга хушчақчақ кишилар сингари, у сиркаси сув кўтармайдиганлардач эди, лекин у ҳар қанча дарғазаб бўлса ҳам, тезда яна ўзининг илгариги ширин сўз ва кўнгилчанлигини давом эттирар эди. Унинг ҳаётида учраган ҳамма нарса унинг таъсирчан табиатига дарров қаттиқ таъсир қиларди, ҳатто бошқа бирон киши эътибор бермаслиги мумкин бўлган майда-чуйдалар ҳам жуда кўп ҳолларда унга жуда қаттиқ таъсир қилар эди. У ҳар бир дақиқадаги таассуротлари билан яшар эди, бу жиҳатдан у бошқа ҳамма одамлардан фарқ қилар эди. Унинг хафагарчиликдан хурсандчиликка, ғамгинликдан бепарволикка, қаттиқ умидсизликдан умидворликка ўтиб туриши ҳеч гап эмас эди ва бундай ҳодисалар жуда тез-тез бўлиб турар эди. Лекин унинг одатида бир нарса ҳамиша ўзгармай бир зайлда давом қилар эди — у бир марта яхши кўриб қолган кишисига жуда садоқат билдирар эди; Пушкин сингари содиқ ва қалин дўстни топиш қийин.

Пушкин сипо киши бўлмоқчи эди ва ўзи шундай киши эди, лекин унинг одатлари ҳамма вақт содда эди. У адабиётда жуда олиптилик, зўрма-зўракилик, сунъийликни қандай ёмон кўрса, турмушда ҳам шундай ёмон кўрар эди. У иш кабинетида сурат ёки бошқа хил безаклар бўлишини хоҳламаста эди, у Петербургга вақтинча келиб, меҳмонхонага тушганида ҳам, безаксиз, оддий квартираларни танлаб олар эди. Пушкин Россиянинг жанубидан Петербургга қайтиб келгандан кейин, қандай вақт ўтказишни яхши кўрганлиги тўғрисида бизда ҳозиргача ҳам муфассал маълумот йўқ; лекин унинг Одесса ва Кишиневда, кейин эса қишлоқдаги ҳаётига келганда бунинг ўзи «Евгений Онегин»да умумий тарзда айтиб ўтган. Одесса билан Кишиневда у одамлар ўртасида вақтихушлик қилишни ёки шаҳар атрофларида кезиб юришни ёки ўринда ётиб китоб ўқишни яхши кўрар эди. Ҳақиқатан ҳам у бир ишдан тамомила иккинчи бир ишга шарт этиб ўтиб туришни шундай яхши кўрар, у ё қаттиқ жисмоний ҳаракат қилишни, ёки тамомила тинчликни севарди. У ҳатто «Евгений Онегин» нинг дастлабки бобларини ўринда ётиб ёзган эди. Қишлоқда у, агар ёз бўлса, саҳарлаб туриб, шу ондаёқ анҳорга бориб чўмилар, қишда эса, нонушта олдидан муз солинган ванна қабул қилар эди, сўнгра бутун эрталабки вақтларида бирон нарса билан шуғулла-

нар, китоб ўқир ёки ёзар эди. Тушки овқатдан кейин, агар меҳмонлар бўлмаса, ўзи билан ўзи биллиард ўйнар, кечқурунлари эса, энагаси билан гаплашгани гаплашган эди. У ҳатто пойтахтда турган вақтида ҳам жуда кўп пиёда юришини тарк этмаган эди. Масалан, у баъзан Петербургдан Царьское Селога пиёда борарди; кейинги вақтларда Черная Речкада дачада яшаб, Буюк Пётр тарихи учун материал тўплаш учун ҳар куни архивларга бориб туриши лозим бўлганда, дачадан шаҳарга ва шаҳардан дачага ҳамма вақт пиёда бориб, пиёда қайтар эди.

Пушкин умуман жуда бақувват киши эди. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, у ўз соғлигидан зорланиб юрар эди, ёшлик вақтида ўзини сил деб хаёл қилар, ҳатто юрагимда аневризм* аломатларини ўзим сезиб тураман, деб гапириб юрар эди.

Пушкиннинг башараси чиройлик эмас эди; фақат унинг жингалак қора чочлари ва ўтдай чақнаб турган ақлли кўзларининга чиройлик эди. У гапга тўшиб кетиб юзларига жон кирганда, у жуда ҳам чиройлик бўлиб кетар эди.

Бу таърифимизни энди адабиётга тегишли фазилати билан тамом қилайлик. Ҳозир бизда ҳам буюк ёзувчи, бошқа ҳамма ерда бўлгани сингари, ўзининг ёзувчилиги билан фахрланади. Пушкин дунёга желган замонларда ундай эмас эди, шунинг учун ҳам унинг ёшлик одати — буюк шоирлик деган ном жамиятда баланд ўрин олиш каби шубҳасиз ҳуқуқ бера олмайди, деб ўйлаши ҳаётининг то сўнгги кунларигача сақланиб қолган эди. У ҳатто уни ёзувчи деб ҳисоблашларини ёқтирмас эди, бунинг сабаби ҳам маълум эди, чунки рус жамияти фақат Пушкин вафотидан кейингина шоирларни жуда ҳурмат қилишни ўрганди. Лекин у ёш ёзувчиларнинг таланти эканлигини кўрганида, уларнинг кўнглини кўтариб туришни яхши кўрар эди. Ўз замонасида яхши шоирлардан ҳисобланган, лекин ўша вақтда камбағал ва элга танилмаган ёш йигит Губернинг «Фауст»ни таржима қилаётганидан хабардор бўлиб, Пушкин бу ишда унга жуда катта ёрдам кўрсатгани тўғрисидаги ўз хотираларини сақлаб қолдирган. Гоголь асарларига дастлаб юқори баҳо берган киши Пушкин эди, шунинг учун ҳам Пушкиннинг жуда

* Аневризм (грек.) — қон томирларининг касал бўлиб кенгайиши.

олийжаноб қалб эгаси экани унинг Гоголь билан бўлган дўстлигида яққол кўринди, Пушкин ёш Гоголнинг энг яхши маслаҳатчиси бўлган эди, Пушкин вафотидан кейин рус адабиёти ва рус жамияти тараққиётида ҳукмронлик қилишда Гоголь унинг ўринбосари бўлиб қолиши лозим эди³².

Пушкиннинг ҳамма биз билган инсоний фазилатлари уни яхши кўришга мажбур қилади; унинг рус адабиётига кўрсатган буюк хизматлари ва асарларининг поэтик қиймати, Пушкин ҳаёти тўғрисида ёзган ёзувчилардан бирининг айтган ҳақ гапларига мувофиқ, Пушкиннинг ўзи ва ижоди тўғрисида қуйидагиларни айтишга тўла ҳақли эди, деб эътироф қилишга мажбур этади:

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,
Халқнинг келар йўлини ўт-ўланлар қилмас банд;
У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга
Александр миноридан ҳам баланд.

Йўқ! бутунлай ўлмайман,— қалбим яшар лирамда,
Тупроғим-ла чирмай, яшайди у то абад,
То бирон шоир-поир қолар экан оламда,
Мени сира тарк этмайди шон-шуҳрат.

Узоқ вақт халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,
Чунки рубобим билан эзгу ҳислар туғдирдим.
Ажойиб шеърлар ёзиб халқимга етказдим наф,
Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.³³

«ПУШКИН АСАРЛАРИ» ДЕГАН МАҚОЛАДАН

...Маълумки, Пушкин ўз асарларига, айниқса шеър билан ёзилган асарларига жуда зўр эътибор билан сайқал берар эди. У ўз асарларини уч-тўрт мартадан кўчирар, ҳар гал ё айрим ибораларни тузатар, ёки фикр ҳамда манзараларнинг характер ва баёнини ўзгартирар эди... Лекин «А. С. Пушкин биографияси учун материаллар» нашр қилинишигача биз бу тўғрида фақат умумий, ёрира-шира маълумотларгагина эга эдик; ҳозир эса унинг бу ишларининг бутун характери ва ҳамма тафсилоти бизга аниқ ва равшан бўлмоқда. Жаноб Анненков Пушкиннинг ҳамма қўлёзма дафтарларини жуда зўр

этибор билан қараб чиқди, улардаги бир қадар муҳим бўлган дастлабки ва сўнгги редакция фарқларини белгилаб чиқди, шундай майда ва жуда майда фактларни ҳар бир асар изоҳига киритиб, уларнинг энг муҳимларини ўз «Материаллари»га тўплади. Бунда биз шоирнинг айниқса узоқ вақт ўйлаб кўрган ва ишлаган асарларидан икки-уч асарнинг қандай камолатга етганлигини кўрсатадиган баъзибир маълумотлар келтириш билан кифояланамиз.

«Евгений Онегин» бир неча йил давомида бобма-боб нашр этилиб келган эди; Пушкин шу романининг бир китоби билан иккинчи китобини нашр қилиш ўртасида бу романга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бошқа асарларини ҳам нашр қилиб турган эди. Лекин, бу романининг айрим-айрим нашр қилинганлиги, унинг устида ишлаш ҳам узилиб-узилиб турган экан, деб заррача бўлса ҳам ўйлашга имкон бермайди. Ҳар бир боб байтлари бўлак-бўлак ёзилган эди, бунда ҳеч қандай тартиб сақланмасдан, аввал кейингилари, сўнгра олдингилари ёзилган эди; масалан, кўпинча дафтарга ўн бешинчи ёки йигирманчи байт ёзилган, сўнгра, бешинчи ёки ўнинчи байт ёзилган, кейин биринчи ёки иккинчи байт ёзилган. Ҳолбуки ҳар бир байт устига рақам қўйилган, бу рақам боб тамомлангандан кейин шу байтнинг қайси ўринда туришини кўрсатади. Бу ҳам оз; ҳар бир бобнинг байтлари тартибсиз ёзилиши, Пушкин баъзан бобнинг олдинги байти тайёр бўлмасдан, ундан кейинги бобни ёзиши билан бирга, у бир дафтарнинг ўзига «Онегин» байтларини ҳам, «Борис Годунов» кўринишларини ҳам ёзиб борган. Масалан, Пушкин, Григорийнинг монологини ёза бошлаб («Борис Годунов»да солномачи билан учрашув кўринишида), уни тамом қилмасдан ташлаб қўяди-да, «Евгений Онегин» тўртинчи бобининг йигирма тўртинчи байтини ёза бошлайди, кейин романининг ундан кейинги бобларининг бир неча байтини ёзади; сўнгра Григорий монологини тамом қилиб, Пименнинг жавобининг дастлабки уч йўлини ёзади:

Мунча эрта кетдим гуноҳ олаמידан деб,

Тагри мени керагича синамади деб.

Кўп нолима, э биродар; менга ишонгил...

дейди-да, «Дунёдаги нарсалар мени қизиқтирмай қўядиган вақтга яқинлашиб келяпман» деган шеърларининг мазмунини проза билан баён қилиб ўтади, яна беш

йўл шеър ёзади-да, яна «Евгений Онегин»га ўтади (IV бобнинг XXV байти):

Еш Ольганинг ҳусни ҳар соат сайин
Ленский қалбини айларди асир...

шундан кейин, перо билан Ольганинг суратини чизишга киришади. Биз бошқа кўп ёзувчиларнинг ҳам шундай қилганлигини биламиз. Масалан: Гёте «Фауст» асарининг кўринишларини кетма-кет ёзган эмас. Албатта сирдан қараганда шундай ишдаги тартибсизликни тақдид қилса арзийдиган яхши намуна деб бўлмайди. Пушкиннинг бундай қилишига сабаб ш. эдики, унинг зеҳни ўткир эди, иши шундай аралаш-қуралаш бўлгани билан, зеҳни кўл келиб турарди, яна бир сабаби эпчиллиги, таъсирчанлиги, бегоҳатлиги эдиким, юрагида ўти жўш уриб турадиган кишиларнинг шундай бўлиши табиий бир нарса; лекин шуни кўрсатиб ўтиш керакки, яхши ўйлаб тузилган планни бажаришда бу қадар бепарво бўлиб тартибсиз ишлаш асарнинг силлиқ чиқишига халақит бермасдан, шу билан миёда ёки хаёлда ўйлаб қўйилган нарсани қоғозда баён қилиш процесси, агар ёзувчи поэтик манзараларни ўйлаб топиш учун ўз хаёлини мажбуран ишга солмасдан, ҳақиқатан табиий талант эгаси бўлса, бу процесс асар қиймати учун, кўп ҳолларда ёзувчининг онги учун ҳам иккинчи даражали нарса эканлигини кўрсатиб берадиган далилдир. Бизнинг замонимизда ҳар бир ҳаракати танқиддан юқори турадиган шубҳасиз авторитетлар йўқ; лекин, Пушкиннинг одатидан ҳосил қилинган бу сабоқ рус ёзувчилари учун муҳим бўлмаслиги мумкин эмас. Айниқса ҳозирги замонда, шоирлар ёки беллитристлар билан танқидчилар ўртасида асарни «бадий» асар даражасига етказиш учун ишлатиладиган «пардоз»нинг катта аҳамияти бор, деган фикр устулик қилиб турган бир вақтда, ташқи формага жуда катта эътибор берилган бир вақтда Пушкиннинг жаноб Анненков томонидан келтирилган қўлёмаларидан олинган парчага эътибор берилса ёмон бўлмайди; жаноб Анненков Пушкин қоғозлари ичида топган ҳар бир сатрини жуда қимматбаҳо бир нарсадай сақлашга ҳаракат қилади ва бу жиҳатдан рус халқининг асосан унга миннатдорлик билдиришига сазовордир. Биз гапирётган парчада¹ Пушкин француз адабиётининг ривожланишини қисқача обзор қилиб чиқади-да, Ронсар билан Малербнинг хиз-

матларини санаб чиқиб, жумладан, қуйидаги фикрни билдиради: «Талантли кишилар, французлар шеърнавийслигининг жуда паст эканини кўриб, ҳайратда қолдилар-да, бунинг сабаби тилнинг камбағаллиги деб ўйлаб уни қайтадан тузишга ҳаракат қила бошладилар... Шу ўртада буюк танқидчи Буало жуда тўғри баҳо берган Малерб пайдо бўлиб қолди. Буало бундай деган эди:²

Enfin Malherbe vint et le premier en France
Eit sentir dans les vers une juste cadence*.

Лекин, Ронсар сингари Малерб ҳам ҳозир унутилиб кетган. Бу икки талант тилдаги механизм билан курашда, шеърни такомиллаштириш учун курашда ўз кучларидан айрилдилар. Фикр тўғрисида, сўзнинг қандай ишлатилишидан қатъий назар, унинг ҳақиқий ҳаёти тўғрисида ўйлашдан кўра кўпроқ сўзнинг ташқи формалари тўғрисида жонкуярлик қиладиган ёзувчиларнинг тақдири ана шундай бўлади».

Агар биз талантли ёзувчининг асарига жон киргизадиган сўз ва ибораларни танлаш тўғрисида ҳеч қандай гамжўрлик қилмасдан, фикрга нисбатан ташқи пардознинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, деган мулоҳазанинг ҳақ эканлигига бир қадар шубҳалансак эди, уларнинг юракдан чиққан ҳар бир иборани ақл филтридан ўтказиш, «қаноти кўк чўртанбалиқ» деб ёзиш яхшими, ёки «кўк қанотли чўртанбалиқ» деб ёзиш яхшироқми, ёки «олтин ҳошияли булутлар» деб айтиладиган бўлса, яхши манзара ҳосил бўладими, йўқми? деб мулоҳаза қилишга жуда оз вақтлари қолганини аниқ кўриш учун бизнинг ҳар бир буюк ёзувчининг ёзиб қолдирган жуда кўп асарларини эсга олиб ўтишимиз кифоядир. Эсхил, Софокл, Эврипид ҳар бири юзга яқин трагедия ёзди, Аристофан элликдан ортиқ комедия ёзди³, — ҳолбуки бу кишиларнинг ҳаммаси ўз иш бўлмасидан кўра кўпроқ вақтини халқ майдонида ўтказган эди. Орадан икки минг йил ўтгандан кейин биз яна шу ҳодисани кўрамиз: Вольтер, Вальтер Скотт⁴, Гёте ҳар бири бир неча ўн томлаб китоб ёзди. Ҳатто жуда эрта вафот қилиб кетган Байрон билан Шиллер ҳам шу қадар кўп асар ёзган эдиларки, уларнинг ёзиб қолдир-

* «Поэтик санъат» поэмаси биринчи бобидан олинган сатрлар:
Малерб пайдо бўлди-да, дастлаб французларга
Шеър вазнин ўргатди, оро бериб сўзларга.

ган асарларининг сони кишини ҳайратда қолдиради. Шу кишиларнинг ҳаммасининг ҳар бир гавҳарни гавҳарга мослаш учун узоқ вақт шуғулланишга вақти бўлмаган бўлса керак; беихтиёр, поэтик гавҳарлар, агар улар чин гавҳар бўлса, Бразилия қумлари ичидан топиладиган гавҳарлар сингари, узоқ вақт пардоз берилиб тарошланмаса керак, деб фараз қилиш лозим бўлади.

Зўр эътибор бериб ўйлаб кўриш лозим бўлган нарса поэтик асар планидир. Роман ёки драмада баён қилинадиган асосий фикрни миянинг ўзида аниқлаб олиш, ўз ҳаракатлари билан бу фикрни рўёбга келтирадиган характерларнинг моҳиятини тушуниб олиш, шахсларнинг аҳволини, воқияларнинг очилиб боришини ўйлаб топиш керак — энг муҳими шу, агар шосир яратаётган асари тўғрисида ўйлаш учун илҳом келган вақтларда ҳозир, бир ёки икки ой ўтказиб, бир йил ўтказиб бир неча соат сарф қиладиган бўлса, шу оз соатларнинг берадиган фойдаси ёзилиб қўйган асарларни силлиқлаш ёки тузатиш учун ойлаб ухلامасдан ишлашдан кўпроқ бўлади. Бу жиҳатдан ҳам биз Пушкинни мисол келтирамиз: у ўз асарларининг плани устида жуда кўп ўйлар, баъзан ўйлаб топган бир фикри миясида етилгунча, такомиллашиб батамом бир шаклга киргунча, бир неча йил кутиб юрарди.

... Ишнинг ҳамма томони ўйлаб қўйилганда ва мулоҳаза қилинганда ишнинг ўзи ҳам оқуда юришиб кетади! Масалан, Пушкин ижод қиладиган нарсаларини миясида жуда секин пишитиб борар эди, улар егилиб бўлганида жуда ҳам тезлик билан қоғозга кўчирар эди. Масалан, «Полтава»нинг биринчи боби 3 октябрда, иккинчи боби 9 октябрда, учинчи боби 16 октябрда тамом бўлган, демак, ҳар бир боби бир ҳафта ёки ундан камроқ вақт ичида ёзилиб бўлган. «Дубровский» деган катта повесть 21 октябрда бошланган, 3 январда тамом бўлган, демак, икки ярим ойдан камроқ вақт ичида ёзилиб тамомланган. Пушкиннинг ёзиб тамом қила олмаган ва, демак, қайтадан кўриб чиқолмаган ва тугал ишлаб тамом қила олмаган асарлари кейинчалик қилинадиган пардозларнинг ҳақиқатан таланти авторнинг қалами остидан чиққан асарнинг дастлабки гўзаллигига жуда оз ҳусн қўшишни кўрсатадиган ажойиб мисоллардир. Биз, «Галуб»⁵нинг ташқи пардоз жиҳатидан Пушкин поэмаларидан нимаси ёмон, деб савол берамиз. Бу пардозланмаган парчалардаги шеърларнинг ва манзараларнинг ўзи «Кав-

кәз асири» ёки «Полтава» дан бадий жиҳатдан паст тўрадимми? Тамомланмаган ва тугал пардоз қилинмаган иккинчи асар бўлган «Сув париси» ҳам Пушкин поэтик асарларининг энг гўзалларидан бири деб ҳисобланиши лозим. «Сув париси» бадий жиҳатдан (мазмун жиҳатидан ҳам, фикр жиҳатидан ҳам эмас, балки асарнинг эстетик фазилатлари жиҳатидан) «Мис отлиқ» ва «Тош меҳмон» билан бир даражага қўйилиши, «Лўлилар» дан ҳам, «Оға-ини қароқчилар»дан ҳам, «Полтава»дан ҳам юқори қўйилиши лозим бўлса керак. Лекин, «Рицарлар замонидан кўринишлар» ҳаммадан кўра кўпроқ ҳайратда қолдирадиган асардир. Бу асар шуни ҳаммадан равшан қилиб кўрсатиб бердики, энг муҳим гўзаллик гениал ёзувчининг ўз фикрларини безаш учун ишлатадиган сўзларида эмас, фикрни ифода қилишида эмас, балки фикрни миясида, хаёлида, идрокида — қандай деб айтсангиз айта беринг, — унга план қандай бўлиб кўринса, уни шундай бадий қилиб баён қилишидадир.

Пушкиннинг қоғозларидан шу нарса маълумки, — дейди жаноб Анненков, — «Рицарлар замонидан кўринишлар» ҳақиқий асар эмас, балки асарнинг планидир. Қўлёзманинг тепасига: *План* деб ёзиб қўйилган, сўнгра Пушкин драма программасини тасвирлаб ёзиш ўрнига, тўғридан-тўғри кўринишларни ёза бошлаган ва ёза бошлаб схирига етказган. Бу асар тегишли даражада кенгайтириб баён қилинмасдан асарнинг яна бир негизи бўлиб, умуман планга хос қуруқлик хусусиятларини сақлаб қолган; гарчи драматик формада ёзилган бўлса ҳам, шундай қуруқ асар бўлиб қолган.

Шоир бу планини тўла ишлаганда уни қанчалик кенгайтирарди, бунисини билмаймиз; у вақтда драма қандай гўзал драма бўлар эди, бунисини ҳам билмаймиз; лекин «Рицарлар замонидан кўринишлар» шу ҳолидаёқ Пушкиннинг энг ажойиб асарларидан бири эканлигини кўриб турибмиз, ҳатто «асарнинг негизи бўлиб, қуруқ бўлиб қолганлиги»дан, пардоз қилинмай, кенг баён қилинмай ва ҳажми кенгайтирилмай, шундай қайта ишланмай қолдирилганлигидан афсусланмаймиз ҳам. Бизнингча, ташқи аломатларини билгандагина бу негизнинг қуруқ эканлигини пайқаб олиш, бизга мерос қолган «Кўринишлар» — тугал бадий асар бўлмай, балки негиз эканлигини билиш мумкин: агар Пушкин асарининг қуруқ ва ишланмай қолганлиги тўғрисидаги фикрни бизга ўзи айтиб бермаганда эди, биз ҳатто унинг ўзи ҳам бунга биронта сўз

қўша олмас эди, биронта жойини ҳам ўзгартира олмас эди, деб ўйлашимиз турган гап эди; агар шундай қиладиган бўлса, ўзининг ажойиб драмасини ё бузиб қўяр эди, ё заифлаштириб қўяр эди, деб ўйлар эдик. Агар биз ўз фикримизни бемалол баён қилишимиз мумкин бўлса эди, биз ҳатто, «Рицарлар замонидан кўринишлар» бадий жиҳатдан «Борис Годунов» дан наст эмас, балки, ундан юқори қўйилиши лозим, деб айтар эдик.

Майда-чуйда тузатишлар қанчалик муҳим деган масала билан жуда боғлиқ бўлган яна бир масала бор: ўз асарларининг бадий қиймати тўғрисида жонкуярлик қиладиган автор қачон ўз асарларининг ўз номига муносиб эмаслиги, ҳозирги формасида нашр қилиниши мумкинлиги, ёки ҳали тегишли камолат даражасига етмаганлиги, ҳеч рўйхотир қилмасдан, шулар тўғрисида ҳукм чиқарадиган судьяга айланади, асар автор портфелида узоқ сақланиши лозимми? Пушкин Горацийнинг: «Асарингга тўққиз йил қулф солиб қўй», *Nonum prematur in appum*⁶ деган қондасига кўпинча жуда қаттиқ амал қиларди. Унинг батамом тугалланган жуда кўп асарлари бир неча йиллар нашр қилинмасдан ётар эди. Ҳамма воқияларни бир бошдан санаб чиқиб ўтирмай, жаноб Анненков кўрсатиб ўтган бирмунча ҳодисаларни кўрсатиб ўтиш билан кифояланамиз. «Лўлилар» камида уч йил нашр қилинмасдан ётган (1827 йилда нашр қилинган, ҳолбуки 1824 йилда асар тайёр эди); «Евгений Онегин» боблари, «Дубровский», «Мис отлик» асарлари ҳам худди шундай бўлган эди — хуллас, Пушкин поэмалари ва повестларининг кўпчилигининг тақдири шундай бўлган эди. «Борис Годунов»нинг тақдири бу жиҳатдан жуда ажойиб ҳодиса бўлган эди, бу асар автор портфелида олти йил ётган эди. Бу драма 1825 йилда тамомила тугатилган эди, Пушкиннинг ўзи бунни аниқ айтиб ўтган. Айтганча, бу асарни нашр этишнинг жуда ҳам кейинга сурилганлигига сабаб шуки, Пушкин бу асарни жуда муҳим асар деб ҳисоблаган эди, бу асарни унинг қадр-қийматига ета билмайдиган танқидчиларнинг ҳукмига топширишдан қўрққан эди, Пушкиннинг фикрича, бу асар танқидчиларнинг ақли етмайдиган жуда катта асар эди, ўзи учун эса жуда қийматли асар эди⁷. Жаноб Анненков бу тўғрида Пушкин хатлари ва заметкаларидан қизиқ-қизиқ парчалар келтиради, биз ҳам бу ерда улардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

Мен анчагача драмамни бостириб чиқаришга журъат эта олмадим. Менинг шеърларимнинг яхши ёки ёмон муваффақият қозониши, бирон шеърий повестни журналларнинг хуш кўриши ёки у тўғрида қаттиқ гап айтиши мени унча ташвишга солгани йўқ. Мен жуда ҳақорат билан айтилган фикрларни ўқиганимда ҳам, танқидчининг фикрини билиб олишга ҳаракат қилдим, унинг қўйган айбллари нимадан иборат эканини тушуниб олишга тиришдим, агар мен уларга ҳеч вақт жавоб бермаган эканман, бунинг сабаби уларни мен-симаганлигимдан эмас, «Онегин» нинг қандайдир боби бошқа бир бобидан юқори ёки паст туриши адабиётимиз учун *il est indifférent** лигига қаттиқ ишонганлигимдандир. Лекин, очигини айтсам, драмам муваффақиятсизликка учраса, хафа бўлар эдим; чунки мен шунга қаттиқ ишонаманки, бизнинг театримизга Расин трагедиясининг юқори табақага хос урф-одатлари эмас, балки Шекспир драмасининг халқчиллик қонунлари ярашади⁸, шунинг учун ҳам ҳар бир муваффақиятсиз тажриба саҳнамизнинг ислоҳ қилинишини секинлатиб қўйиши мумкин. . .

. . . Мен «Борис Годунов»ни саҳнага чиқаришга жуда гижиниб қарор бердим, гарчи мен умуман ўз асарларимнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз чиқишига жуда бепарқ қарасам ҳам, лекин Борис Годуновнинг муваффақиятсиз чиқиши менинг учун жуда кўнгилсиз бир ҳодиса бўлади, ҳолбуки мен бу асаримнинг муваффақиятсиз чиқишига ишонганман, десам бўлади. Монтань⁹ сингари мен ўз асаримни: «*c'est une oeuvre de bonne foi*»** деб айтишим мумкин. Кишининг кўнглини хира қиладиган киборлар жамиятидан узоқда, тамомила ёлғизликда, материаллари астойдил ўрганиб, тинмай меҳнат қилиб бу трагедияни ёзиб жуда ҳузур қилдим: бу иш мени жуда илҳомлантирди, куч-қувватимни аямай ишладим деб астойдил ишондим, ниҳоят, сара кишиларнинг жуда оз қисми маъқуллаган асар. . .

Дарҳақиқат, Пушкиннинг жуда яхши кўрган бу асарини совуққина кутиб олганларида, бу нарса унга жуда ёмон таъсир қилди, шундай бўлиши ҳатто унда илгариги олға қараб тетик интилишларига қарама-қарши бир маънодаги адабий тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Пушкин «Борис Годунов»нинг ўша вақтдаги журналларда таҳлил қилиниши муносабати билан ёзган хатининг қўлёзмасида «янгилик хавфли ва керакмасга ўхшайди» деган эди. Журналлардаги бу таҳлилларнинг қай даражада ўринли эканлиги масаласини қараб чиқмас-

* Фарқсиз (франц.)

** Ҳалол ишланган асар (франц.)

дан, «Борис Годунов» ҳақиқатан рус адабиёти тараққиёти ёки саҳна тараққиётида Пушкиннинг мўлжаллаб қўйган ўрнини эгалламаганлигини айтиб ўтишимиз лозим. Бу драманинг қиймати жуда каттами, йўқми, лекин бу драма шу дамгача на ёзувчиларга, на ўқувчиларимизга катта таъсир қилгани йўқ, шунинг учун ҳам Пушкин драмага таққослаб шундай пастга ураётган «Евгений Онегин» боблари адабиётимиз учун кўпроқ аҳамиятга эга бўлган эди. Қандай бўлмасин, одатда жуда ўткир ақл эгаси бўлган Пушкин ўз асарларининг адабий аҳамиятига у қадар ҳолис қарамаган экан, бунга биз ажабланмаймиз. «Евгений Онегин» осонлик билан ёзилган, «Борис Годунов»га эса автор кўп меҳнат сарф қилган; бундан ташқари, Пушкин драмани санъатнинг энг юқори формаси деб ҳисоблар эди. Ҳозир ҳам одатда шундай деб ўйлайдилар. Шундай фикр борлигига сабаб Шекспир драмаларидир, албатта,— Шекспир генийсининг улугворлиги унинг асарларининг формасини ҳам қандайдир монументал деб ҳисоблашга мажбур қилган эди, бир замонлар Гомер эпопеяларининг фазилатларига суяниб туриб, шоирни ўлмас қиладиган нарса унинг фақат эпопеялар ёзишидир, деб ўйлар эдилар. Агар Пушкин «Борис Годунов»ни жуда қийматли асар деб ҳисоблаб уни нашр қилишни кейинга суриб келган бўлса, унчалик қадрламаган бошқа майда асарларини нашр қилишда у, бу асарларини журнал ва китобхон ҳукмига топшириш хавфидан қўрқмас эди. Ҳолбуки, фақат поэма, повестларгина эмас кўпинча лирик шеърлар ҳам нашр қилинмасдан унинг портфелида ётар эди. Жаноб Анненковнинг иккинчи томага берган изоҳларида «ўрсатилган юзларча кўрсатмалардан фақат бир нечтасини мисол келтирамиз. 1824 йилда ёзилган шеърлардан «Тунги шабада таратар атир» деган шеъри фақат 1827 йилда босиб чиқарилган эди. «Аквилон» (*Нечун сен, эй мудҳиш Аквилон*) шоирнинг вафотигача босилмай келган эди, гарчи Пушкиннинг ўзи 1830 йилда уни тузатиб, босиб чиқарса арзийди, деб ҳисоблаган бўлса ҳам, босилмай қолиб кетган эди; «Мақкорлик» (*Дўстинг сенинг нутқинг товишга*) 1828 йилдагина босилди; «Язиковга» (*Азалдан лаззатли эрур иттифоқ*) фақат 1830 йилда босилди; «Маҳбус» (*Ўтирибман қоп-қоронғу, зах зиндонда*) 1830 йилдагина босилиб чиқди. Албатта, бундай ўта кетган сусткашлиқ унинг ўз ихтиёридаги нарса эди, ёки характерининг хусусиятига

боғлиқ бир нарса эди, шунинг учун уни ўрнак қилса арзийдиган мисол қилиб кўрсатиш ғалати бўлар эди. Аксинча, шуни айтиш керакки, ўз асарларини босиб чиқармасдан ортиқча тутиб туриш қисман асарнинг янгилигига ва, тўғрироқ қилиб айтганда, талантнинг ўсишига зарар келтириши мумкин. Лекин бизнинг замонимизда асарларни умум ҳукмига ўз вақтида топшириш зарурлигини қаттиқ талаб қилишга зарурат бўлмаса керак, бунинг сабаби бу қондага қарши чиқадиган кишиларнинг озлигидир. Агар

Қалбига энг яхши асарларини —
Яширган одамлар чин бахтиёрдир,¹⁰

дейилса, у вақтда бизнинг замонамизда асарларини ҳеч қайси журнал ҳам босиб чиқаришга рози бўлмаган ёзувчиларгина бахтиёрдирлар. Айтмоқчи, биз ўз фикримизни баён қилишда инсофсизлик даражасига бориб етмайлик: ёзувчиларимиздан кўпини, ўз асарларини бостириб чиқаришга шашадилар деб уларга таъна қилиш мумкин бўлса, талантга унча фойдаси тегмайдиган бу одат бу ёзувчилардан биронтасини ҳам ҳалокат ёқасига олиб боргани йўқ, ҳолбуки француз фельетонист-романистларини шундай деб улардан таъна қилишган эди: бизнинг беллитристларимиз романнинг бундан кейинги бобида нима ёзилишини билишмаса, ҳикояларини босмахонага листма-лист юборишмайди. Уларнинг романларини ёзиб тамом қилмасдан туриб нашриётга топширмаслиги турган гап, бундан ташқари улар умуман ўз эътиқодларига мослаб, уни такрор-такрор ўқиб, тузатиб турадилар, ўз асарларини камолатга етказиш тўғрисида жонбозлик қилиб турадилар. Адабий манманлик ёки шуҳратпарастлик бизда ҳали жуда кучлик. Бундай манманликнинг бошқа жиҳатлардан зарари бор, албатта. Лекин, биз айтаётган масалада бундай ўзига бино қўйишлик ва манманлик фойда келтиради. Ҳар бир киши ўз асарлари тўғрисида ҳақ ёки ноҳақ ҳукм чиқариб, ҳар ҳолда мумкин қадар кўпроқ эмас, балки мумкин қадар яхшироқ ёзишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам асарни камолатга етказишнинг бу шарт-шароитлари тўғрисида гапириш бефойда эмас. Повесть ёки комедия ёзилиб бўлгандан кейин, дарҳол уни яна қайта ўқиб чиқишдан фойда йўқ деса бўлади. Авторнинг ўзи, агар баланд парвоз иборани ишлатадиган бўлсак, ҳали ўз асаридан қайтгани йўқ; автор ўз повестида қандай туйғу ва фикрларни

баён қилган бўлса, ҳали ҳам ўша туйғу ва фикрларида турибди, ҳали ўз миясини ўша вақтда унга яхши кўринган ҳамма тушунча ва тафсилотлардан бўшатиб олгани йўқ, шунинг учун бу туйғу ва фикрларга нисбатан ўзини мустақил тутабилмайди, бу туйғу ва фикрлар ҳақиқатан арзигудай даражага етгандагина яна шу туйғу ва фикрларга тамомила чўмиб кетиши мумкинлигини ҳали англаб олгани йўқ, ҳали ўрганиб қолган нуқтаи назарларидан четга чиққани йўқ, демак, повестини қайта ўқиганида тафсилотларнинг бўлиши, баённинг такомиллашиши, характерларнинг ҳаққоний бўлиши, мазмуннинг ақлга тўғри келадиган бўлиши зарурлигини бемалол мулоҳаза қилиб, эътироф этмайди-да, шунчаки ҳали йўқолиб кетмаган эътиқодига қараб эътироф қилади. Ҳар қандай бошқа ишни муҳокама қилиш сингари, ўз адабий ишинини муҳокама қилиш вақти ҳам, шу ишинини яратган кайфиятнинг ўрнини бошқа бир кайфият олганда, ёки баландпарвоз гаплар билан айтадиган бўлсак, турмуш тўлқини ақлимизни ювиб, уни янгилаганда келади. Бу вақтнинг тез ёки кечроқ келиши асарнинг мазмунига боғлиқ. Агар бу асарнинг асосий мазмуни: авторнинг турмушга ёки унинг энг муҳим томонларидан бирига ва санъат талабларига умумий қарашларини ифода қилишдан иборат бўлса, у ҳолда автор, эҳтимол, ҳеч қачон унга танқидий нуқтаи назардан, бепарво қарай олмайди; бу ҳолда, албатта, унинг ўз танқидини асари тамом бўлгандан кейин бир кундан кейин бошлайдимиз ёки бир йилдан кейин бошлайдимиз,—бунинг фарқи бўлмайди. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам автор фақат майда-чуйда тuzатишлар кирита олади, холос. Лекин, ҳамма нарсага ишонавермайдиган, ақли ўткир киши жуда тез орада, унинг ишлаб чарчаган хаёли тиним олгандан кейин, шу ондаёқ тасодифий бир эҳтирос натижасида эмас, балки умумий эътиқодлари натижасида пайдо бўлган асар тўғрисида ҳукм чиқарадиган холис судья бўлиши мумкин. Аксинча, эҳтирос билан, шавқ-завқ устида, умуман, доимий бўлмаган алоҳида руҳий ҳолат натижасида дунёга келган асарларни ҳар бир автор, унинг ақли, характери қандай бўлишига қарамасдан, ҳалиги ҳолати ва ундан кейин келадиган ва бунга қарама-қарши реакция ўтиб кетиши биланоқ, холис муҳокама қила олади, лекин баъзан бир неча йил, баъзан эса бир неча соат ўтганда шундай бўлади. Масалан, Пушкиннинг драма тўғрисидаги

умумий эътиқодлари билан, ва рус тарихининг энг муҳим даврларидан бири билан жуда алоқадор бўлган «Борис Годунов»ни унинг тўғри нуқтаи назаридан қайтадан қараб чиқадиган бирон вақти бўлардими-йўқми, биз буни билмаймиз, чунки Пушкиннинг рус тарихининг шу энг муҳим даврларидан бири тўғрисидаги тушунчалари жуда мустаҳкам эди. Лекин Пушкин жуда тез ўзгариб турадиган характер эгаси бўлганлигидан, албатта, «Боқчасарой фонтани»нинг сўнгги бобини ёзиб тамомлагандан кейин, орадан кўп ўтмасдан уни диққат билан қайтадан кўриб чиқиши мумкин эди.

Бу фарқларнинг ҳаммаси, албатта, ўз-ўзидан маълум бир нарса; лекин биз тўғримизда, ҳаддан ташқари бир нарсани талаб қиляпти, ёки қандайдир ўзгармас чегаралар бўлиши лозим деб ҳисобляпти, деб ўйлашларига ўрин қолдирмаслик учун шуларни тилга олдик. Аксинча, идрок ҳам, эстетика ҳам ёзувчига иш моҳиятининг ўзидан келиб чиқмайдиган ҳар қандай ташқи, расмий тўсиқлардан воз кечиш самарали меҳнат қилиш учун энг муҳим шартдир, деб кўрсатиб ўтади. Ҳар бир киши ўз табиатига ва идрокига қараб иш қилиши керак. Бир киши ўз асарларини қайта-қайта тузатиши лозим, бошқа бир кишининг бундай қилишига эҳтиёжи ҳам йўқ, зарурати ҳам йўқ, шунинг учун ҳар бир киши бу ҳолда қайси бири яхши бўлса шунини қилиши керак. Биз маънавий тузилиши жиҳатдан ҳаммадан кўпроқ учрайдиган кишилар учун жуда қулай иш шароитлари тўғрисидагина гапирётимиз.

Асар узил-кесил пардозланганда, унга киритиладиган ўзгаришларнинг катта-кичиклиги қандай бўлиши лозим? Умуман эстетик мулоҳазалар, ёзилган асарга зарар келтирмасдан, тафсилотлар баёнининг даражасигина ва ибора образигина тузатилиши мумкин, деб таълим беради. Қалам фикр орқасидан улгура олмайди; шунинг учун ҳам ҳамма вақт ёзилган нарсада баъзибир камчиликлар, воқияларнинг силлиққина бир-бирига боғланиб кетмаганлиги сезилиб туриши мумкин; ёзувчи тилни қанчалик яхши ишлатабилса ҳам, ҳамма вақт шундай баъзибир ибораларни кўпроқ аниқ, кучли қилиб берилай ҳоллари учраб туради. Ниҳоят,— буниси энг муҳими — ўз фикрларига жуда маҳлиё бўлиб кетмайдиган киши бўлмайди,— шунинг учун ҳам асарнинг чўзилиб кетганлигини, асарга узундан-узоқ муҳокамаларнинг кириб олганлигини ав-

торнинг ўзи ҳам сезмай қолади; буларни йўқотиш, ҳамма ортиқча нарсаларни ҳеч тортиниб ўтирмасдан ўчириб ташлаш — ёзилган нарсани қайтадан кўришда бажариладиган энг муҳим иш шу бўлиши лозим; агар автор шу вазифани қатъий бажарадиган бўлса, унинг асари жуда кўп ютади ва унинг ҳажми икки марта камайса ҳам, лекин, ўқувчининг назарида унинг қадри йигирма марта ошади. Лекин, биз юқорида айтиб ўтгандай, асарни узил-кесил пардозлаганда, планга жуда муҳим ўзгаришлар киритиш жуда ҳам хавfli бир нарсa: бадний асарда унинг ҳар бир қисми бир-бирига жуда боғлиқ бўлиши лозим ва улардан бирини ўзгартирганда, бу асарнинг изчиллигини, бошқа қисмлари билан боғланган ҳамма нисбатларнинг тўғри бўлишини ким кузатиб бора олади? Автор ўз асарини қанчалик диққат ва зеҳн билан қараб чиқиб, унинг ҳамма бўлимларини ўзгартирилган бўлим билан ёки янгидан киритилган эпизод билан мослаб чиқса ҳам ҳамма вақт деярлик талай қовушмасликларни кўролмай қолади, бундай асар бир фикрдан қўйилиб чиққан асар тусига кирмасдан, турли-турли парчаларни бир-бирига ямаб ясалган асар тусини олади. Фақат янги нарсa чиндан-да яхши нарсa бўлади. Бузиб тижилган ва тузатилган кийимнинг кийилганлигини ва қингир-қийшиқ жойларини ҳеч қандай чўтка ва ҳеч қандай дазмол билан йўқотиб бўлмайди. Шунинг учун, агар автор ўз асарида бирор муҳим нарсадан норози бўлса, бу асарини тузатиб ўтирмасдан, уни улоқтириб ташлаб, янгисини ёзиши керак.

Баднийликнинг энг оддий шартлари талаб қиладиган бу умумий мулоҳазалардан биз Пушкиннинг авторлик манерасига мурожаат қилиб, унинг жуда кўп асарларини ўчириб ташлаш ва тузатиш одатини кўрамиз, у фақат шеърини пардозлагандагина эмас, балки фикрини шеър формасига солганда ҳам, жуда кўп куч сарф қилар эди, ҳаммадан ҳам равонлиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган бу шеърларини у жуда кўп меҳнат сарф қилиб ёзгандай, шеърнинг механизми Пушкинни жуда қийинчиликка солиб қўйгандай туюлади. Жаноб Анненков ўз «Материаллари»да шеър билан қилинган мана шу жуда оғир, деярлик бетартиб кураш тўғрисида жуда кўп маълумотлар тўплаган. Баъзибир сўзлардан пайқаб олиш мумкин бўлган кўпдан-кўп нашр қилинмаган шеърлар, ёки парчалар чизиб ташланган, шу дара-

жада чизиб қоралаб ташланганки, унда нима ёзилганлигини аниқлаш мумкин эмас. Кейинчалик Пушкиннинг ўзи оққа кўчирган кўп шеърларининг қўлёзма рўйхатлари ҳам худди шундай деса бўлади; «Материаллар»га илова қилинган «Полтава»нинг шундай қўлёзма варақларидан бирининг сурати бу шеърнинг қандай дунёга келиш тарихини текшириб кўрмоқчи бўлган ҳар бир кишининг кўзини толиқтириб қўяди:

Қарл ўзи орзу этган бу жанг
Ўзин ҳайратга солгандай у гаранг.

«Унинг шеърларининг деярлик ҳар бир сатри,— дейди жаноб Анненков,— унинг шу ажойиб жасур талантининг хусусиятларини кўрсатиб туради. Теварак-атрофи ёзув билан тўлган, чизила бериб ғалвирдай бўлиб кетган бир саҳифадан худди олмос каби тиниқ, нур каби ўйноқ, ажойиб қилиб пардозланган шеър тўқилганлигини кўриб киши ҳайрон қолади». Пушкиннинг шеърини пардоз қилиши қай даражага бориб етганлигини тушунтириб беришдан олдин, унинг бу меҳнатининг оддий натижаси бўлган шеър ҳажмининг қисқариши, жуда кўпдан-кўп байтларнинг, эҳтимол, илгари ўйлаб қўйилган байтлардан ярмининг тамомила йўқ бўлиб кетишини кўрсатиб ўтамиз. Пушкиннинг «Евгений Онегин»дан ўчириб ташлаган кўпдан-кўп байт ва шеърларини кўрсатиб ўтирмаймиз. Пушкин асарнинг чўзилиб кетишидан қанчалик қўрққанлигига ишонч ҳосил қилиш учун бошқа асарлардан бир-икки мисол келтирсак, кифоя қилади. Пименнинг ўз солномаси тўғрисидаги фикрлари қўлёзмада ма-на бундай эди:

Тагин пайдо бўлар қаршимда
Вафот этиб кетган кишилар.
Евларин ва яқин дўстларин
Итоаткор қилган ҳокимлар —
Ешликдаги оғайниларим. . .
Эркалашса шодланардим мен,
Уришишса куярди дилим.
Қани энди, уларнинг таниш —
Чеҳралари, эҳтирослари?
Улар зўрға чалинар кўзга,—
Улишим керакди аллақачонлар.

Мана шу ўн йўл шеърдан фақат тўққизинчи сатри фикр жиҳатидан Пушкинга ортиқча бўлмаган шеър бўлиб кўринди, шунинг учун бошқа шеърларда айтилган нарсаларни бефойда такрорлаб монологни чўзиб юборган эпизодини икки сатирик шеър билан алмаштириб қўя қолди:

Хотирам кўпларни сақлаган эмас,
Кўп сўзлар ҳам менга тушунарлимас.

Пушкин «Полтава»да Мария рад этган ошиқ казакнинг чеккан азоб-уқубатларни тасвирлайдиган шеърларни ўчириб ташлади (биринчи байтда); учинчи байтда:

Оғир ғам чекиб
Ошиқи тингларди сўзин шафқатсиз;
Аммо фикри келар қуюндай учиб. . .

деган шеърлардан кейин жинни бўлиб қолган хотин монологининг катта қисмини. . .

Худо ҳаққи, дейди у
Кампир алдаяпти. Кекса муттаҳам
Анови минорага бекниб олган.
Юринглар, чекмайлик унга қайғу-ғам.
Юринглар. . . Бугун қанақа байрам?
Халқ югурар, халқ қўшиқ айтар. . . ваҳоказо

ҳаммаси бўлиб ўн етти йўл шеърни ўчириб ташлаган. «Русалка»да тўй саҳнасида, қизлар жуда қайғули ашула айтганлари учун тўйбоши уларни қойигандан кейинги бир неча ўн мисрадан иборат шеърини парчани ўчириб ташлаган; бу эпизодда гинаҳонликнинг давоми ва ўзини сувга ташлаб фарқ бўлган хотиннинг келиши билан бошланган саросималик тасвир этилар эди. Шунингдек, «Мис отлиқ»нинг бошида ҳам Евгенийнинг, мен Парашага уйланаман, у билан бахтли бўламан, деган узундан-узоқ хаёл суриб ўтиришлари ўчириб ташланган (сув босишдан илгари кечқурун уйга қайтиб келганида). Албатта, бу шеърлар, ҳеч бир эҳтиёжи бўлмагани ҳолда, асарни оқуда чўзиб юборганига ҳар бир киши ҳам қўшилади. «Материаллар»да бир неча юз шундай шеър сақланиб қолган, ва жаноб Анненков Пушкиннинг ўз асарларига қандай жиддий муносабатда бўлганлигига ёзувчилар эътиборини жалб этиб жуда тўғри иш қилади.

Ҳақиқатан, ҳозирги замондаги повестлар, романларнинг кўпчилиги, беллетристларнинг жуда кўпи шундай

сабоқ олишга муҳтож деб иқро қилишга мажбур этади. Ҳозирги замон адабиётида кўринаётган ҳамма камчиликлар ичида энг умумийси асарларнинг чўзилиб кетганлиги ва бундан келиб чиқадиган натижа тариқасида манзараларнинг нурсизлиги, саҳна ҳаракатларининг суствлиги ва бутун асарнинг пуч ва кишини толиқтириб қўядиган асар эканлигидир. Ҳар бир ёзувчи (биз талантсизлар тўғрисида гапираётганимиз йўқ; лекин, афсуски, ажойиб талант эгаси бўлган ёзувчиларнинг ҳам талантсиз ёзувчилар сингари шундай камчиликлари бор) миясида бир пайдо бўлиб қолган ҳар қандай иборани мисли йўқ қимматбаҳо бир ибора деб ҳисоблайди, унинг хаёлига келиб қолган ҳар қандай тафсилотни мисли йўқ бир қимматбаҳо тафсилот деб ҳисоблайди-да, дарров ўз ҳикоясини шу дурдона билан бойитмоқчи бўлади; унинг қалами остидан худди бир қолипдаги садафдай тизилиб чиқиб турган мана шу дурдоналардан ақалли биттасидан ўқувчини маҳрум қилса, шу билан ўзини хиёнатчи, ўзини ўзи ўлдирувчи, қароқчи деб ҳисоблагандай бўлади; ҳатто Калифорния олтин конларида ҳам бир ҳовуч олтинга бутун бир арава оддий қум тўғри келишига ва бу олтин конларида ишлаб олтин толувчилар озгина олтин доналарини қидириб топиб, ҳеч нарсага арзимаган жуда кўп майда-чуйдаларни улоқтириб ташлаши туфайлигина бойиб кетишларига ёзувчи худди ишона олмагандай бўлади. Гениал асарларнинг оддий асарлардан кишини жуда ҳайратда қолдирадиган фарқи нимада? Фақат шундаки, агар қадимги иборани ишлатадиган бўлсак, гениал асарда «гўзалликлар» рангсиз, пуч, умумий ибораларга аралаштирилган бўлмасдан, балки сурункасига чизилиб кетган бир қанча саҳифалардан иборат бўлади. Агар бирон киши эсан чиқиб кетган бирон бемаза романи диққат билан ўқиб ёзувчининг мушоҳада натижалари бўлган ҳамма ялтироқ жойларини, характерлар ва ҳаракатларнинг ҳамма аниқ хислатларини, ҳамма ажойиб ибора ва ҳоказоларни кўрмоқчи бўлса, у киши жуда кўп сатрлар топиб оладик, бу сатрлар бизни ҳайратда қолдирган асарларнинг саҳифа-саҳифа қилиб ёзилган сатрлардан ўз фазилати жиҳатидан ҳеч фарқ қилмайди. Шу билан бирга, жаноб Анненковнинг ибораси билан айтганда, оддий асарлардаги «негиз» ҳам кўпинча биринчи даражали асарлардагидай яхши бўлмайди, деб ўйлаш ҳам ярамайди. Бунда фарқ шундан иборатки, ге-

ниал асарнинг саҳифалари мазмунга тўла бўлади, оддий асарнинг бир неча ўнлаб саҳифаларига чўзилиб борадиган мазмуннинг миқдори эса, зўрға-зўрға бир саҳифани тўлдиришга кифоя қилади ва бемаза, умумий оқойлар дарёсида кўзга илғамайдиган заррача бўлиб сочилиб кетади. Ўз-ўзидан маълумки, истеъдоди йўқ киши ўзининг романидан бирон тузуккина нарса яратаман деб, бекордан-бекорга жуда кўп куч сарф қилади; лекин кўпинча истеъдодли ёзувчининг заиф асарини туппа-тузук асар қилиш учун ўз асарини бир оз сиқиб сувини чиқариб ташлашга журъат қилиши кифоя қилади.

Асарнинг қисқа бўлиши — асарнинг бошқа ҳамма қийматларини кўрсатиб берадиган эстетик воқиянинг биринчи шартидир. Албатта, ҳар бир нарсада ҳам зарарли ортиқчалик бўлиши мумкин; лекин ҳеч кимнинг бошига тушмайдиган хавф-хатарлар тўғрисида гапиришдан фойда йўқ; ҳозир ҳукмронлик қилаётган эстетик касал — сув касали — шу қадар кўп зарар етказадикки, октябрда ёнгинарчилик бўлавериш, ҳаммаёқ шилп-шилп лой бўлиб ётганда, ерда қатқалоқ пайдо қиладиган совуқ кун кишига ёққандай, ҳатто қурғоқчилик аломатларини кўрсанг ҳам, жуда хурсанд бўлиб кетасан, киши.

Асарнинг қисқа бўлишини айниқса биз руслар жуда ёқтирамыз ва маъқул кўрамыз. Бу нарса, кўп кишилар ўйлагандай, фақат русларга хос хусусиятми ёки шунчаки маҳаллий шарт-шароитлар натижасими, — бунисини билмаймыз, лекин, бизнинг гениал ёзувчиларимизнинг ҳамма проза асарлари, ҳатто қиссалари (китобнинг ҳажмини форманинг ўзи белгилаб берадиган драма ва комедиялар тўғрисида гапириб ўтирмаймиз) ўзининг ташқи ҳажми жиҳатидан қисқадир. «Замонимиз қаҳрамони» кичкинагина бир китобнинг ярмидан сал кўпроғини банд қилган; Гоголь, «Ўлик жонлар» дан ташқари, жуда оз саҳифаларни банд қилган кичик-кичик повестлар ёзган; ҳатто рус адабиётидаги энг биринчи даражали асарларнинг энг каттаси бўлган «Ўлик жонлар» ҳам, агар бу асар авторнинг мўлжалидай қилиб (уч томлик қилиб) тамомланган тақдирда ҳам, Диккенс, Теккерей ёки Жорж-Занд¹¹ романининг ярмига зўрға баравар келар эди. Агар биз Пушкиндан мисол келтирсак, унинг асарлари ҳам шундайлигини кўрамыз. «Дубровский» билан «Капитан қизи» («Капитан қизи»га Пушкин жуда катта ном қўйиб, уни «икки қисмдан иборат роман» деб атаганлигини биз

юқорида кўриб ўтган эдик) булар шундай ҳажмдаги повестларки, бу повестлар журналларимиздан биронтасида иккаласи қўшилиб босиб чиқариладиган бўлса, журналнинг бир сонидаги адабиёт бўлимини тўлдириш учун базўр етиб беради, иккаласи бирданига босиб чиқарилганда, бошқа журналлардаги рецензентларнинг: «Биз NN журнал адабиёт бўлимининг бундай оз материал билан чиққанини кўпдан бери кўрганимиз йўқ эди», дейишларига сабаб бўларди. Лекин, шу кичик-кичик ҳикоялар билан ўзининг бесўнақай аъзоларини жуда катта журналларнинг юзлаб саҳифаларига бемалол ёйиб кўрсатадиган жуда шишиб кетган асарлар ўртасидаги фарқ жуда аниқ ва равшан кўриниб туради. Сиз «Замонимиз қаҳрамони», «Капитан қизи», «Дубровский» дан уч-тўрт саҳифасини ўқиб чиқинг — шунда сиз бу саҳифаларда қанча фикр баён этилганлигини кўрасиз! Воқиа бўлган жой ҳам, шу воқида иштирок қилганлар ҳам, бир неча дастлабки воқиалар ҳам, ҳатто воқиянинг бошланиши ҳам — ҳаммаси шу кичкина рамкага жойлаштирилган. Ҳолбуки, услуби жуда яхши деб мақталаётган эркак ва аёл ёзувчиларнинг бадиий жиҳатдан анча камолга етган асарларида бундай ҳолни учратмайсиз. Бундай асарларнинг уч варағини очсангиз ҳам (уларни ўқиб ўтиришга арзимайдим) — ўша биринчи саҳифада ҳикоя қаҳрамони ўтирган ўша уй тасвири ҳали ҳам давом қилаётганини кўрасиз: яна бир варақ очсангиз,— ниҳоят! — уй тасвири тамом бўлганлигини кўрасиз (сиз қаҳрамоннинг уйда ўтирганлиги учун худога шукур қиласиз: агар қаҳрамон пиёда ёки отлиқ бирор ёққа қараб кетаётган бўлса эди, дала, дарё ва атрофдаги дарахтзорлар уйдан неча марта катта бўлса, бу манзарани тасвирлаш ҳам уй манзарасини тасвирлашдан шунча чўзилиб кетар эди) — демак, уй тасвири тамомланди, шундан кейин эркак ёки аёл қаҳрамоннинг қадди-қомати, афти-ангорларини тасвирлаш бошланади; шу ерга борганингизда, шартта икки варақ очинг; автор фақат учинчи варақдагина ўз қаҳрамонининг маънавий сифатлари тўғрисида ўйлашга ва ўз мулоҳазаларини айтишга ўтади. Беш варақдан кейин бу мулоҳазалар (зўрға!) узилиб, уйда янги бир шахс пайдо бўлади, бу шахс мукамал тасвирлангандан кейин, гап бошлайди, бу гап (авторнинг илгариги ҳамма изоҳ ва тушунтиришларидан кейин) сизни қаҳрамоннинг характери билан таништиради; гапнинг мазмуни: қаҳрамон «Мен зерикиб

кетяпман» (ёки «Мен сизни севаман») дейди, агар китобхон русча билмаса, беш бетга чўзилган шу гапдан «зерикяпман» (ёки «севаман») деган сўзларнинг маъносини тушуниб олади. Албатта, агар ҳамма гап-сўзлар ортиқча, кишини зериктирадиган, қуруқ ва бемаза бўлмаганда эди, ҳаммаси жуда яхши бўлар эди. Лекин, бировни қоралашга ҳаққимиз йўқ: шу варақлаб очган варақларимизнинг ҳаммаси жуда яхши услуб билан ёзилган. Агар автор ўзининг жуда гўзал услубининг лаъли тош ва зумрадларидан кўра ўқувчининг сабри-тоқатини ёки қоғозни кўпроқ қадрласа эди, шу совуқ нурсиз, ҳеч нарсага арзимайдиган йигирма ёки ўттиз саҳифадан жуда ажойиб ва нозик мушоҳада қилинган бир саҳифа яхши асар ҳосил бўлар эди. Ахир, жуда чиройлик ва қимматбаҳо кийим ҳам осифлиқ турганида унинг кўриниши жуда хунук бўлади. Бу кийимни қадди-қомати келишган ва афти-ангори ёқимли жонли киши кийгандагина чиройлик бўлади. Йўқ, бизга гавҳарлар ва зумрадлар ҳаммадан ҳам қиммат:

Тоғ-тоғ олмос сочилар
Тўрт қояли чўққидан.
Бесаноқ кумуш, гавҳар
Қайнар, порлар, кўпирар. . .¹²

шу билан, худди нам деворга ўхшаб гурс этиб ағдарилиб тушади, бу эса кишида жуда ёмон таъсир қолдиради, сал мазаси йўқроқ кишини ҳатто тумов касалига гирифтор қилади. Баъзан чўзилиб кетган асарнинг қандай зарар келтириши, қисқа асар кишини қандай қизиқтириши, кишининг кўнглини очишини жуда сезиларли қилиб исбот қилиб бергинг келади, биронта жуда чўзилиб кетган ва киши билмас ўтиб кетган повестдан гап тўлқинида фарқ бўлиб кетган асар қийматини кўрсатиб берадиган «кўчирма», «экстракт» ясагинг келади.

Энди Пушкиннинг авторлик одатларига, унинг «чизлабериб ғалвир бўлиб кетган» шеърларига келамиз. Кўп кишилар Пушкиннинг бу одатини шоирнинг ўз шеърларини камолатга етказиш тўғрисида қилган жуда ажойиб ғамхўрлиги деб, ҳар бир киши тақлид қилса арзийдиган ғамхўрлиги деб билдилар. Шеърнинг ҳамма вақт диққат билан пардоз қилиниши, ўчириб тузатилмаган, ёки ўчириб ташланмаган шеърнинг ҳамма вақт ғадир-будир шеър бўлиши турган гап ва биз бу фикрга қўшилаемиз. Лекин,

ҳар бир ишнинг аслида бўладиган шундай шеърларга жуда кўп тузатишлар киритиш зарурлиги билан Пушкин сингари жуда кўп тузатиш киритиш ўртасида жуда катта фарқ бор, шунинг учун ҳам биз Пушкиннинг бу поэтик ишларининг хусусиятидан нотўғри хулоса чиқаришдан огоҳлантириб қўйиш мақсадида баъзибир мулоҳазаларимизни айтиб ўтишни лозим топамиз. Асарнинг ташқи кўринишига ва майда-чуйдаларига шундай ҳам жуда кўп эътибор бериладиган бизнинг замонимизда, бизнинг фикримизча, ёзувчиларга: «Агар сиз ҳар бир шеърингизни йигирма марта тузатсангиз, агар ўчириб ташланмаган биронта ҳам сўз қолдирмасангиз, Гораций таълим бериб:

*Saepe stulum vertas**,

тузатавер, тузатавер, деган, шундай қилсангизгина ҳақиқий шоир бўласиз. Иборалар жуда пухта қилиб пардозлансагина асар бадий асар даражасига етказилади» десак, зарарли бўларди. Ҳолбуки, бу масалага юзаки қараб, Пушкиннинг қўлёзма дафтарларидан чиқазилиши лозим бўлган хулоса шудир.

Лекин, масалага кўпроқ эътибор бериб қарайдиган бўлсак, у масалани анча ўзгартириб юбаради. Пушкиннинг ҳамма асарлари ҳам, масалан, «Полтава» дан олинган ва сурати жаноб Анненков нашрига илова қилинган парча сингари қўлёзмалик ҳолида бу қадар чизиб ташланган эмас; жаноб Анненков бизни, бадий жиҳатдан бошқа асарлардан кейинда турмайдиган жуда кўп шеърлари оз ўчирилган деган хулосага келишимизга мажбур қилади; ҳар ҳолда у Пушкин шеърларининг ҳар бир саҳифаси «чизилавериб ғалвир бўлиб кетган» деган сўзларни ёзгандан кейин давом қилиб: «Пушкиннинг бирданига ёзиб, тамом қилган пьесалари ҳам худди шундай бадий меҳнат ғалвиридан ўтказилган, лекин шоирнинг миясида ўтказилган деб ўйлашга ҳаққимиз бор» дейди. Демак, Пушкиннинг ўзи ҳам ўз асарларини кўпинча «бирданига» ёзиб тугаллаган. Пушкиннинг ўз асарларини бўлиб-бўлиб ёзишга мажбур қилган характеридаги бетоқатлик ҳам унинг ўз асарларини шундай кўп ўчириб чизишига сабаб бўлган деб ҳисобламоқ керак,— Пушкин, бир шеърини миясида тамомла-

* Стилигни тез-тез ағдариб тур (Гораций, Биринчи сатира; лотин). Қадим замонларда мумланган тахтачага стиль (учли таёқча)-нинг ўткир томони билан ёзилган нарсани унинг иккинчи томони билан ўчириб турар эдилар...

масдан туриб, қофияларнинг бир-бирига тўғри келишини аниқламасдан туриб, шеър ёза бошлар эди, шунинг учун қофиялар кўпинча уни шеърини ўзгартиришга мажбур қилар эди; бу нарса жаноб Анненков томонидан келтирилган жуда кўп парчалардан аниқ ва равшан кўриниб туради. Пушкин характерининг хусусиятига боғлиқ бўлган шунга ўхшаган жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Лекин бу сабабларнинг ҳаммасидан энг муҳими шуки, Пушкин ҳозирги шоирларга қараганда жуда бошқача бир шароитда яшаган эди. Унинг шеър ёзиш йўлини топиши лозим бўлган эди — бу жуда оғир меҳнат эди, ҳозирги рус шоирлари Пушкин туфайли шу оғир меҳнатдан қутилдилар, шеърга ўргана бошлаган шоирлар ўқий бошлаганларидан буён шу оғир меҳнатдан қутилдилар, ҳеч ким улардан бадий хусусияти, оҳангдорлиги ва равонлиги жиҳатидан бундан юқори турадиган шеър талаб қилаётгани ҳам йўқ, бу шоирлар бундан ҳам яхши шеър бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайдилар. Пушкин шеър ёзишдан ташқари, ўзи учун тил ҳам яратиб олиши лозим эди, албатта, бу иш унинг учун жуда кўп қийинчиликлар туғдирган эди. Дарҳақиқат, Пушкиннинг тили Жуковский билан Карамзин тилидан жуда катта фарқ қилади. Ниҳоят, Пушкин ўзидан илгари шеър ёзган шоирлар расм қилган усулларига қарши кураш олиб бориши лозим эди: Пушкин ўша вақтда ишлатилиб келган жуда кўп ибораларни олиб ташлаши лозим эди, бу ибораларнинг ўзи унинг қалами учига келиб турар эдику-я, лекин бу иборалар унинг поэзияси учун ярамай қолган эди. Шу эскириб қолган услубга қарши курашга, Пушкиннинг қатъий ғалаба қилганлиги туфайли биз учун энди зарурати қолмаган бу курашга Пушкиннинг жуда кўп меҳнат сарф қилиши лозим эди, чунки у қанча тузатиш киритган бўлса ҳам, унинг шеърларида бир қадар изи қоларди. Пушкиннинг асарларида унинг замони учун ҳам эскириб қолган жуда кўп ибораларнинг тез-тез учраб туришини ҳозир ҳеч ким инкор қилмайди. У шундай елим бўлиб ёпишиб олган меҳмонларни ҳайдаб чиқариш учун жуда кўп куч сарф қилиши лозим бўлган эди.

* * *

... Адабиётимиз ва жамиятимиз тараққиёт тарихида Пушкиннинг аҳамияти тўғрисида гапирганда, жамиятнинг

бошқа тараққиёт босқичларида учратиладиган турли интилишлар унинг асарларида қай даражада ифода қилинганлигига қарамасдан, балки ўша вақтдаги ва ҳатто ҳозирги вақтдаги зарур эҳтиёжларни — адабий эҳтиёжларни ва умуман инсонпарварлик манфаатларини эътиборга олиш лозим. Бу жиҳатдан Пушкиннинг аҳамияти жуда ҳам буюк. Пушкин туфайли ўн минглаб кишилар адабий маърифатдан баҳраманд бўлди, ҳолбуки унинг замониغا-ча адабий манфаатлар билан шуғулланувчилар жуда оз эди. Пушкин бизда адабиётни биринчи мартаба миллий иш даражасига кўтарди, ҳолбуки илгари адабиёт, эски журналлардан бирининг жуда боплаб қўйган сарлавҳаси билан айтганда, бир ҳовуч олипталарнинг «хушвақтлиги ва вақтини бекорга ўтказмаслиги»¹³ учун хизмат қиладиган бир нарса эди. Пушкин бутун рус халқи назарида буюк ёзувчининг ўз мамлакатида туриши лозим бўлган баланд даражага кўтарилган биринчи шоир эди. Рус адабиётининг бундан кейинги тараққиёти учун зарур бўлган ҳамма имкониятни Пушкин яратиб берган эди ва қисман ҳозир ҳам Пушкин яратиб бермоқда.

Лекин, агар Пушкин кўпроқ санъаткор шоир бўлган бўлса, Пушкин асарларида поэтик мазмун ривож топишдан кўра кўпроқ поэтик форма тараққиёти ифодаланган бўлса, бунда шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, кўпроқ мутафаккир ҳам, олим ҳам бўлмаслигига қарамай, у ажойиб ақл эгаси ва жуда ҳам ўқимишли киши эди; фақат бундан ўттиз йил илгари эмас, балки ҳозирги замонда ҳам жамиятимизда ўз маълумоти жиҳатидан Пушкинга тенг келадиган кишилар оз топилади. Шунинг учун ҳам, гарчи унинг асарларида асосан аниқ анланган ва изчиллик билан баён қилинган чуқур мазмун қидириш лозим бўлмаса-да, лекин унинг ҳар бир саҳифасида жуда ўқимишли, мутафаккир бир кишининг ақли ва ҳаёти қайнаб мавж уриб туради. Агар китобхонлар унинг асарларидан асосан мазмун қидирганларида эди, у вақтда улар кўпроқ нарсани талаб қилар эдилар; лекин улар мазмун қидирмадилар, талаб қилмадилар, шунинг учун ҳам улар бехосдан, илтимос қилмасданоқ мазмун топдилар, шунинг учун ҳам бу мазмун улар учун шу қадар бой ва шу қадар чуқур мазмун эдики, улар одат қилмаганлари учун, бу мазмун уларга жуда ҳам оғир бойликдай бўлиб туюлди. Пушкиннинг ҳар бир шеъри, йўл-йўлакай ёзиб кетган заметкаларининг ҳар бир сатри,

агар китобхон фикр юрита олган бўлса, унга жуда зўр таъсир қилар, унинг фикрини уйғотар эди. Пушкиннинг бу аҳамияти бизнинг замонимизгача ҳам сақланиб келади. Махсус рус адабиёти тушунчаларига тегишли мисоллар келтириш билан кифояланамиз. Пушкиннинг танқидчи бўлиб туғилмаганлиги унинг ўз замондош рус ёзувчилари тўғрисидаги муҳокамаларидан аниқ ва равшан кўриниб турипти; агар биз бу фикрлардан юздан бир қисмини шоирнинг асар тўғрисидаги ҳалол фикри деб, қолган ҳамма қисмларини Пушкиннинг олийжаноблиги ва меҳрибонлигига жўядиган бўлсак, у вақтда Пушкин мақталадиган асарларга жуда соддадиллик билан қараган эди, дейиш лозим бўлади. Ҳолбуки бу масалада ҳам унинг бир қанча тўғри фикр айтганлигини кўрамиз; Пушкин ўзидан олдинги рус адабиёти тўғрисида йўл-йўлакай жуда кўп тўғри ва ўткир фикрлар айтган. Масалан, Княжнин¹⁴ тўғрисида узундан-узоқ ва чуқур фикр билдирилиб ёзилган уч ёки тўрт мақола, авторни жуда катта шарафга эга қилган бу мақолалар Пушкиннинг шунчаки айтиб юборган икки сўзини: «Зеҳни зўр Княжнин» деган икки сўзини бошқача иборалар билан айтишдан ҳосил бўлган мақола эди. Пушкиннинг Фонвизин, Ломоносов ва бошқалар тўғрисида шунчаки ёзган заметкалари ҳам шундай бўлган. Пушкиннинг Державин тўғрисидаги ёки қуйидаги:

... Шеърнавислик Ломоносов учун баъзан эрмак, кўпинча ва-зифасида машқ қилиб ўтирадиган иши эди.

деган заметкасининг жуда тўғри эканлигига ақли етганлар ҳозир ҳам кўпмикин?

Пушкин Сумароковни¹⁵ «тақлид қуливларнинг энг беистеъдоди» деб атар эди, XVIII аср охири ва XIX аср бошидаги рус адабиёти тўғрисида эса у бундай ҳукм чиқарган эди:

Ҳамма ерда разолат. Ҳамма жойни бадий жиҳатдан паст фран-цузча адабиёт *envahit font**; машҳур ёзувчиларнинг Россияда бирон-та ҳам эргашувчиси йўқ, лекин дуб дарахти илдизи ёнидан ўсиб чиққан қўзиқоринларга ўхшаш: Дорат, Флориан, Мармонтель, Гишар, Жанлис¹⁶ каби нўноқ қаламкашлар бутун рус адабиётини эгаллаб олганлар.

Агар ҳозирги адабиёт танқидчилари ва тарихчилари-дан кўнлари ҳозир ҳам ана шу сўзлар устида яхшилаб

* Босиб кетган (франц.)

ўйлаб кўрсалар, 1825 йилда шундай фикр билдирган кишининг қанчалик ақлли ва зеҳли одам эканлигини ва у нима тўғрида гапирган бўлмасин, у нимага тақилиб ўтган бўлмасин, ундан қанча кўп нарсаларни ўрганиб олиш мумкин бўлганлигини (ҳозир ҳам ўрганиб олиш мумкинлигини) англаш қийин эмас.

Умуман шундай катта ақл эгаси бўлган ва ўзининг илми жиҳатидан шу қадар юқори турган Пушкин сингари кишининг таъсири шу Пушкин яратган ва ўзининг гениал таланти билан ҳайратда қолдирган китобхонларнинг ўсиши учун жуда ҳам муҳим эди. Пушкин рус поэзияси тарихида қандай ўрин турса, рус маърифати тарихида ҳам шундай ўринда туради. Келинг, буюк шоирнинг ижодини такрор-такрор ўқийлик, унинг асарларининг рус маърифати учун аҳамияти тўғрисида мамнуният билан ўйлаб, у билан бирга:

Яшасин Илҳом манбаи, яшасин Идрок!

деб айтайлик. Илҳом манбаъларига ва Идрокка Пушкин сингари хизмат қилган кишиларнинг хотираси ҳам абадий сақланиб қолсин.

Н. В. ГОГОЛЬ

РУС АДАБИЁТИНИНГ ГОГОЛЬ ДАВРИ ОЧЕРКЛАРИ

Биринчи мақоладан

Қадим замонларда, ҳозир фақат ҳақиқатга тўғри келмайдиган ғира-шира, лекин, Гоголнинг ибораси билан айтганда, «Астрея»* тўғрисидаги хотиралар сингари, афсонавий замонлар тўғрисидаги ажойиб, лекин ғайри табиий хотиралар сақланиб қолган қадим замонларда — мана шу жуда қадимги замонларда танқидий мақолаларни, рус адабиёти қандай тез ривожланмоқда, деган муҳокамалардан бошлаш одат экан. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг (дер эдилар бизга) — Жуковский жуда кучга тўлиб турган бир вақтда Пушкин дунёга келди; Пушкин ўлим жуда эрта кесиб қўйган шоирона ҳаётининг ҳали ярмига етмасданоқ Гоголь пайдо бўлди, — бири кетидан иккинчиси шу қадар тез дунёга келиб турган бу одамларнинг ҳар бири рус адабиётини бундан илгариги ҳамма тараққиёт даврларида мисли кўрилмаган янги, янада юқори тараққиёт даврига олиб кирди. «Қишлоқ мозори»дан кейин «Диканка қишлоғи оқшомлари» асари ёзилгунча, «Светлана» асаридан кейин «Ревизор» асари ёзилгунча орадан фақат йигирма беш йил вақт ўтган¹ — мана шу қисқа вақт ичида рус адабиёти уч даврини бошидан кечирди, рус жамияти ақл ва маънавий камолат йўлидан

* Астрея — грек афсоналарида Зевс ва Фемиданинг қизи, адолат илоҳи. Астрея асри — олтин замонлар, ажойиб замонлар.

олға қараб уч катта қадам ташлади. Қадимги замонларда танқидий мақолалар шундай деб бошланар эди.²

Ҳозирги авлоднинг хотирасида сал-пал қолган бу жуда узоқ қадим замон, у замондаги афсоналарда Пушкин билан Гоголнинг номлари учрашига қараб ҳукм қилганда, у қадар қадим замон эмас. Гарчи у қадим замон билан бизнинг ўртағида жуда оз йиллар ўтган бўлса ҳам, лекин бу қадим замон биз учун жуда эскириб қолди. Ҳозир рус адабиёти тўғрисида ёзаётган деярлик ҳамма кишиларнинг ижобий фикрлари бизни бунга қаттиқ ишонтиради: улар биз ўша даврнинг танқидий, этика ва шу каби принцип ва фикрларидан жуда олға ўтиб кетдик, деб бунини худди очик ва равшан ҳақиқатдай такрорлайдилар, бу даврнинг принциплари бир томонлама ва асоссиз экан, фикрлари муболага ва нотўғри; у даврдаги донолик ҳозир бемаъни бир гап бўлиб қолган, чин танқид принципларини, рус адабиёти тўғрисидаги чин доно нуқтаи назарни — у даврдаги кишиларнинг миясига ҳам киритмаган бу нарсаларни — буларни танқидий асарлар босилган рус журналларининг саҳифалари қирқилмасдан қолиб кетадиган бўлган вақтдан бошлаб рус танқиди рўёбга чиқарди, дейдилар.³

Бу фикрларнинг тўғрилигига шубҳаланиш мумкин, чунки булар ҳеч қандай далил-исбот келтирмасдан айтилаётган фикрлардир, лекин шуниси шубҳасизки, ҳақиқатда бизнинг замонамиз юқорида гапириб ўтилган жуда қадимги замонлардан анча фарқ қилади. Масалан, ҳозир танқидий мақолани ўша вақтда қандай бошлаган бўлсалар, худди шундай адабиётимизнинг тез тараққий қилаётганлиги тўғрисидаги мулоҳазалардан бошлаб кўринг-чи — агар сиз шундай қилсангиз, бунда бир иллат борлигини ўзингиз биринчи ёзган сўзингизданоқ сеза бошлайсиз. Ўз-ўзидан сизнинг миянгизга: тўғри, Жуковскийдан кейин Пушкин пайдо бўлди, Пушкиндан кейин Гоголь пайдо бўлди ва бу кишилардан ҳар бири рус адабиётига янги бир элемент қўшди, унинг мазмунини кенгайтди, унинг йўлини ўзгартди, лекин, Гоголдан кейин адабиётга нима янги нарсани киритилди? — деган фикр келади. Бу саволга бериладиган жавоб шуки, Гоголь даври шу дамгача адабиётимизда бирдан бир кучли ва баракали оқим бўлиб қолмоқда⁴. Агар Гоголь асарларидаги идеяга яқин келадиган идеялар билан суғорилмаган бўлса ҳам, лекин, ҳар ҳолда тузуккина бир неча, ҳатто икки-учта

жуда яхши асарни эсга олиш мумкину, лекин бу асарлар бадий қийматига қарамасдан, халққа ҳеч қандай таъсир кўрсатмади, уларнинг адабиёт тарихида ҳеч қандай аҳамияти йўқ, деса бўлади. Ҳа, бизнинг адабиётимизда Гоголь даври шу дамгача давом қилмоқда,— ҳолбуки «Ревизор» дунёга келгандан буён орадан йигирма йилдан ошиқ вақт ўтди, «Диканка қишлоғи оқшомлари» дунёга келгандан буён орадан йигирма беш йил ўтди; илгари бундай вақт мобайнида икки-уч оқим бир-бирининг ўрнини эгаллар эди, ҳозир бўлса, фақат бир оқимнинг ўзи ҳукмронлик қиляпти ва биз «Рус адабиёти учун янги давр бошланди» деб қачон айта олишимизни билмаймиз.

Шулардан биз аниқ ва равшан кўриб турибмизки, ҳозирги вақтда танқидий мақолаларни қадимги замонларда бошлаганлари сингари: адабиётимиз тараққиётида ўз асарлари билан янги бир давр яратувчи ёзувчининг номига эндигина кўника бошлаганимизда, бошқа бир ёзувчи пайдо бўлиб, янада чуқурроқ мазмунли асарлар яратяпти, унинг асарларининг формаси янада мустақил ва камол топган формадир, деган мулоҳазалар билан бошлай олмаймиз,— бу жиҳатдан ҳозирги замон ўтган замонга ўхшамайди, деган фикрга қўшилмаслик мумкин эмас.

Бундай фарққа сабаб нима? Нима учун Гоголь даври илгари вақтларда икки ёки уч давр алмашиши мумкин бўлган шу қадар узоқ йиллар давом этяпти? Эҳтимол, Гоголь идеяларининг доираси жуда чуқур ва кенгдир, бу идеяларни адабиётда тамомила баён қилиш учун, жамият бу идеяларни билиб, англаб олиши учун жуда кўп вақт керакдир — булар шундай шартларки, адабиётнинг бундан кейинги тараққиёти, албатта, шу шартларга боғлиқ, чунки тақдим этилган озиқни ютиб ҳазм қилиб бўлгандан кейингина, янги озиқ талаб қилиш мумкин, олган нарсангдан роса фойдаланиб бўлганингдан кейингина янги нарсалар олишга ҳаракат қилишинг лозим,— балки бизнинг онгимиз ҳали Гоголь асарларидаги мазмунни тамомила ишлаш билан банддир, ҳали ҳеч қандай янги бир нарсани сезмаётган, ҳали бошқа тўлароқ ва чуқурроқ бир нарсага интилмаётгандир? Ёки бизнинг адабиётимизда янги бир оқимнинг дунёга келиш вақти етгандиру, лекин бирон ташқи ҳолат туфайли бу янги оқим дунёга келмаётгандир? Биз сўнгги саволни ўртага қўйиш билан бу саволга ҳа деб жавоб беришни тўғри деб ҳисоблашимиз тўғрисида ўйлашларига имкон берамиз: «Ҳа, рус адабиё-

тида янги даврнинг бошланиш вақти етди» деганимизда, биз бу билан ўз олдимизга янги икки савол қўямиз: Гоголь оқимидан пайдо бўладиган ва, қисман, гарчи ҳали заиф бўлса ҳам, ҳадиксираб бўлса ҳам, пайдо бўлаётган янги оқимнинг илгариги оқимдан фарқ қиладиган хусусиятлари нимадан иборат бўлиши керак? ва шу янги оқимнинг тез тараққий қилишига қандай ҳолатлар тўсқинлик қиляпти? Кейинги масалани, агар хоҳласангиз, қисқача ҳал қилиш мумкин — масалан, янги гениал ёзувчи дунёга келмаяпти, деб афсус чекиш билан ҳал қилиб қўя қолиш ҳам мумкин. Лекин шундай бўлса ҳам, яна: нима учун бу янги гениал ёзувчи шу қадар узоқ вақт дунёга келмаяпти? деб савол бериш ҳам мумкин. Ахир, илгари пайдо бўлиб турган эди-ку, жуда тез, бирин-кетин пайдо бўлиб турган эди-ку,— Пушкин, Грибоедов, Кольцов, Гоголь... бир вақтда деярлик беш киши пайдо бўлган эди—демак, улар инсоният, қачон пайдо бўларкин деб, бир неча асрлар кутадиган Ньютон ёки Шекспир сингари, халқлар тарихида жуда сийрак учрайдиган ҳодисалар жумласига кирмайди-ку. Ҳозир шу беш кишидан ақалли биттасига тенг келадиган бир киши дунёга келсин-да, ўз асарлари билан онгимизнинг ўсишида янги бир давр бошласин. Нима учун ҳозир шундай кишилар йўқ? Ёки улар бор-у, биз уларни кўрмаймизми? Нима десангиз деяверинг, лекин бу масалани текширувсиз қолдириш ярамайди. Масала жуда чувалашиб кетган.*

Баъзи бир китобхон, шу кейинги сатрларни ўқиб, бошини чайқаб: «Ие, жуда мушкул саволлар-ку; қаердадир шундай нарсаларни ўқиган эдим, унда жавоблари ҳам бор эди,— қаерда ўқигандим? Қани бир эсга туширайлик-чи; ҳа, Гоголь асарларида ўқиган эканман, «Жиннинг хотира дафтари»дан олинган қуйидаги парчада ўқиган эканман:

5 д е к а б р ь. Бугун эрталаб бутун қилган ишим нуқул газета ўқиш бўлди. Испанияда ажойиб ишлар бўляпти. Мен бу ишларга унча тушуна олмадим ҳам. Тахт бекор қилинди, мансабдорлар валнаҳд танлашда жуда қийин аҳволга тушиб қолишди, деб ёзадилар. Менимча, бу жуда ҳам ғалати. Қандай қилиб тахт бекор қилиниши мумкин? Тахтда король ўтириши керак. «Ҳа, король йўқ дейдилар». Король бўлмаслиги мумкин эмас. Королсиз давлат бўлиши

* Русчада — к а з у с (лот.) дейилган — чалқаш, мураккаб, чувалашиб кетган, жуда қийин деган маънода.

мумкин эмас. Король бор-ку-я, лекин, у ўзини билдирмай бирон жойда бекиниб ётган бўлса керак. У ўз жойида бўлса керагу, бирон сабаб ёки подшо оиласидаги можаро ёки қўшни давлатлар томонидан, масалан, Франция, ёки бошқа давлатлар томонидан таҳдид солаётган хавф уни яшириниб ётишга мажбур қилаётган бўлса керак, ёки бошқа бирон сабаби бўлса керак.

Китобхон жуда ҳақли бўлади. Аксентий Иванович Попришчин⁶ қандай аҳволга тушган бўлса, биз ҳам дарҳақиқат шундай аҳволга тушиб қолдик. Лекин гап фақат шундаки, бу аҳволни Гоголь ва энг янги ёзувчиларимиз тақдим қилган фактларга асосан тушунтириб бериш керак ва бундан чиқадиган хулосаларни Испанияда гаплашиладиган шевадан оддий рус тилига кўчириш керак.

Танқид умуман адабиёт берган фактлар асосида ривожланади, адабий асарлар танқиднинг хулоса чиқариши учун зарур маълумот бўлади. Масалан, Байрон руҳида ёзилган поэмалари ва «Евгений Онегин» деган асарини яратган Пушкиндан кейин «Телеграф»⁶ танқиди пайдо бўлди; Гоголь бизнинг онгимизни очишда ҳукмронлик қила бошлаган вақтда 1840 йил танқиди деб аталган танқид пайдо бўлди.⁷ Шундай қилиб, янги танқидий эътиқодларнинг ривожланиши ҳар гал адабиётнинг ҳукмрон характеридаги ўзгариш натижаси бўлиб майдонга келган эди. Албатта, бизнинг танқидий қарашларимиз ҳар гал адабиётнинг ҳукмрон характеридаги ўзгариш натижаси бўлиб майдонга келган эди. Албатта, бизнинг танқидий қарашларимиз ҳам қандайдир жуда янги нарса, жуда қаноатлантирадиган мукамал бир нарса бўлиши даъво қилиб чиқиши мумкин эмас. Бизнинг танқидий қарашларимиз рус адабиётида янги бир оқимнинг аломатларидан, куртакларидан иборат бўлган, лекин ҳали тамомила ривож топиб ўзини кўрсатмаган асарлардан чиқарилган хулоса бўлиши мумкин ва бу танқидий қарашларнинг адабиётдан олинган нарсдан кўпроқ мазмунга эга бўлиши мумкин эмас. Адабиёт эса ҳали «Ревизор» ва «Ўлик жонлар»дан унча узоққа кетгани йўқ, шунинг учун бизнинг мақолаларимиз ҳам ўзининг муҳим мазмуни жиҳатидан шу «Ревизор» ва «Ўлик жонлар» асосида пайдо бўлган танқидий мақолаларнинг мазмунидан кўп фарқ қилиши мумкин эмас. Муҳим мазмуни жиҳатидан деб айтганмиз, чунки тараққий даражаси нуқул ёзувчининг маънавий кучига ва шарт-шароитга боғлиқ бўлади; бй-

нобарин, агар умуман адабиётимизнинг кейинги вақтда майдалашиб кетганлигини тан олишимиз лозим бўлса, мақолаларимизда ҳам қадим замонда ўқиган нарсаларимизга нисбатан шу адабиётнинг майдалашиб кетганлиги излари бўлмаслиги мумкин эмас, деб фараз қилиш табиий бир нарсadır. Лекин, нима бўлса ҳам; шу сўнгги йиллар мутлақо унумсиз йиллар бўлди, дейиш тўғри эмас: бизнинг адабиётимиз бир қанча янги талантларга эга бўлди, бу талантлар ҳали «Евгений Онегин» ёки «Ақл балоси», «Замонамиз қаҳрамони» ёки «Ревизор» ва «Ўлик жонлар» сингари буюк асарлар яратмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда улар бизга бир қанча жуда ажойиб асарлар яратиб берди, бу асарларнинг бадиий жиҳатдан ажойиб мустақил фазилати бор ва мазмуни ҳам жонли,—бу асарларнинг келажакда ривожланиб кетиш аломатлари борлигини кўрмаслик мумкин эмас. Бинобарин, агар бизнинг мақолаларимизда шу асарларда ифода қилинган ҳаракатнинг бир қадар бошланганлиги акс эттирилса, у вақтда мақолаларимизни рус адабиётининг янада тўлароқ ва янада чуқурроқ ривожланишини олдиндан сезиш ҳиссидан мутлақо маҳрум деб бўлмайди. Бу ишни биз худди оламизми — йўқми,—буни китобхонлар ҳал қилади. Лекин биз дадил ва тап тортмасдан, ўз мақолаларимизга ўзимиз бошқача баҳо, жуда муҳим баҳо берамиз: бу мақолалар биз аввал бошда гапириб ўтган, жуда қадим замонларда дунёга келган рус адабиёти ва танқидчилигидаги олийжаноб, ҳаққоний ва фойдали нарсаларга жуда ҳурмат ва хайрихоҳлик билан қаралганлиги орқасида вужудга келган мақолалардир; биз жуда қадим замонларда дедик, бунинг сабаби фақат шуки, эътиқоднинг йўқлиги ёки мақтанчоқлик ва айниқса туйғу ва тушунчаларнинг жуда майдалашиб кетганлиги туфайлигина булар қадим замон адабиёти бўлиб қолган; бизнинг фикримизча, илгариги замонларда танқидга жон бағишлаб турган жуда олийжаноб интилишларни ўрганишга зўр эътибор бериш керак; биз уларни хотирламас эканмиз, биз уларни яхши тушуниб олмас эканмиз, бизнинг танқидимизнинг жамият маънавий ҳаракатига ҳеч қандай таъсир кўрсатишига, халққа ва адабиётга ҳеч қандай фойда келтиришига умид боғлаш мумкин эмас; бу танқид ҳеч қандай фойда келтирмаслиги у ёқда турсин, у ҳозир қандай бўлса, худди шундай ҳеч қандай хайрихоҳлик, ҳатто ҳеч қандай қизиқиш ҳам туғдирмайди. Ҳолбуки, танқид адабиёт-

да жуда муҳим роль ўйнаши керак, ҳозир буни унинг эсига солиб ўтиш вақти келди ҳам.

Китобхонлар бизнинг сўзларимизни эшитиб, рус адабиётида кейинги йилларда ҳукм сураётган оживона таррадуд оҳанглари пайқашни мумкин. Улар: «Сиз-ку олға қараб ҳаракат бўлсин дейсиз, лекин бу ҳаракат учун керак кучларни қаердан олишни таклиф этасиз? Ҳозирги замондан эмас, жонли нарсадан эмас, ўтмиш замондан, жонсиз нарсадан! Ўз идеяларини келажакдан эмас, ўтмишдан қидирадиган янги фаолиятга томон хитоб қилишлар мақбул иш эмас. Бутун ўтмишни инкор қилувчи кучгина қандайдир янги ва яхши нарса ярата оладиган куч бўлади» деб айтишлари мумкин. Китобхонлар қисман ҳақли бўладилар. Лекин биз ҳам мутлақо ноҳақ эмасмиз. Йиқилаётганга ҳар қандай таянчиқ ҳам ғанимат, ишқилиб тик туриб олса бўлгани; агар бизнинг вамонамиз ўз кучлари билан тик туриб олишга қобил эканлигини кўрсата олмаётган бўлса, нима қилиш керак? Агар бу йиқилаётган фақат тобутгагина суянишни мумкин бўлса, нима қилиш керак? Бу тобутларда ётганлар ўликларми, деб яна савол ҳам қилиш керак. Бу тобутларга солинганлар тирик кишилар эмасми? Ўзларини тирик деб атовчи кўп кишиларга қараганда бу ўликлардаги ҳаёт кўпроқ эмасми? Агар ёзувчининг сўзи ҳақиқат идеяси билан, жамиятнинг маънавий ҳаётга яхши таъсир қилиш умиди билан жонлантирилган бўлса, ғу сўзда ҳаёт уруғлари бўлади, бу сўз ҳеч вақт ўлмайди. Ахир, бу сўзлар айтилган вақтдан буён орадан кўп йиллар ўтдими? Йўқ, бу сўзларда ҳали ҳаётбахш кучлар жуда кўп, бу сўзлар ҳозирги вақт эҳтиёжларига ҳали шундай мос келадими, худди кеча айтилган сўзлардай туюлади. Булоқни тоза сақлаб келган одамлардан ажралгандан кейин, биз бепарволигимиз ва ақлсизлигимиз орқасида бу булоқ устига қуруқ сўз увадаларини уюб қўйган эканмиз, бу билан булоқ суви қуриб қолмайди. Биз шу увадаларни олиб ташласак, ташналигимизни қисман бўлса ҳам қондирадиган ҳақиқат булоқлари қайнаб ётганлигини кўрамиз. Ёки биз ташна эмасмизми? Бизнинг «ташна»миз» деб айтгимиз келадими, лекин «унчалик қаттиқ ташна эмасмиз» деб қўшиб қўйишга тўғри келишидан қўрқамиз.

Биз Гоголь асарларини рус халқининг ҳозирги замон эҳтиёжларини мутлақо қондирадиган асарлар деб ҳисоб-

ламаймиз, ҳатто «Ўлик жонлар»* да ҳам заиф томонлари ёки ҳар ҳолда етарли даражада тўла баён қилинмаган жойлари бор, ниҳоят, Гоголь идеяларининг бир-бири билан алоқадорлиги, сабаб ва натижаларини тўла англамасдан, фақат бир томонлама ёритиб кетган шу идеялар

* Биз бунда «Ўлик жонлар»нинг фақат биринчи томи тўғрисида гапиряпмиз, бундан кейин ҳам гап унинг иккинчи томи тўғрисида кетаётганлиги айтилмаса, ҳамма ерда шу биринчи томи устида сўз юритилади, Гоголь асарларининг⁸ обзор қилиш вақтида иккинчи томини муфассал қараб чиқишга навбат келгунча, ана шу иккинчи томи тўғрисида ақалди бир неча оғиз сўз айтиб ўтиш керак. «Ўлик жонлар»⁹ иккинчи томининг ҳозир босилиб чиққан беш бобининг фақат хомаки қўлёзмаси сақланиб қолган, бу қўлёзмаларнинг узил-кесил редакцияси биз ҳозир ўқиётгандан бутунлай бошқача бўлганлиги шубҳасиздир, — маълумки, Гоголь жуда секин ва жуда оғир ишлар эди, жуда кўп тузатиш ва ўзгартишлардан кейингина, асарларини асл шаклига солар эди. «Ўлик жонлар»нинг автор томонидан узил-кесил ишланган давомий бадний жиҳатдан биринчи томдан паст турармиди ёки юқори турармиди?» деган масалани ҳал қилишда анча қийинчиликка солиб қўядиган бу ҳолат Гоголнинг «Дўстлар билан ёзишма»¹⁰ сида ифодаланган янги кайфияти даврида ўзининг бутун ғоят буюк талантидан ажралдими ёки уни сақлаб қолдими? деб бизни шу тўғрида муҳокама юргизишдан мутлақо воз кечишга мажбур қила олмайди. Лекин, иккинчи томдан сақланиб қолган бутун қўлёзма эскизи тўғрисида битта ҳукм чиқариш мумкин бўлмай қолади, шунинг учун бу парчанинг ўзи, ўз навбатида, турли вақтларда, турли кайфиятлар таъсири остида ёзилган, кўп жойлари ўчириб ташланган, шу ўчириб ташланган жойлари тўлдирилмасдан асарнинг турли умумий планларига қараб ёзилган жуда кўп парчалар йиғиндисидир, парчаларнинг каттароқ проблемаларга бағишланган йиғиндисидир, ниҳоят, шунинг учунки, сақланиб қолган саҳифалардан кўпларини Гоголнинг ўзи яхши чиқмаган деб улоқтириб ташлаганга ўхшайди ва уларнинг ўрнига тамомила янгидан ёзилган кўп саҳифалар қўйилган, бу саҳифалардан баъзи бирлари бизнинг замонимизгача сақланиб қолган — эҳтимол, бу саҳифалар ҳам чиқариб ташланган саҳифалардир, — бошқа бирлари эса, — эҳтимол, кўпроқ саҳифалар — йўқ бўлиб кетган бўлса керак. Шу ҳол бизни ҳар бир парчани алоҳида-алоҳида қараб чиқишга ва «Ўлик жонлар»нинг беш бобини, гарчи улар қўлёзма эскизи ҳолида бўлсада, бир бутун нарса деб ҳукм чиқармасдан, бир бутун план, бир хилдаги кайфият билан ёзилмаган, авторни бир хилда мамнун қилмаган, ҳатто даври битта бўлмаган турли даражадаги, турли қийматга эга бўлган саҳифалардан иборат асар деб қарамоқ керак. Бу парчалардан кўплари ёзмиши жиҳатидан ҳам, айниқса фикр жиҳатидан ҳам «Дўстлар билан ёзишма»нинг энг заиф жойлари сингари жуда бўшдир, масалан, авторнинг ўз идеаллари, чунончи Тентетниковнинг ажойиб мураббийси тасвир қилинган жойлари, Қостангогло тўғрисидаги парчанинг кўп саҳифалари, Муразов тўғрисидаги парчанинг кўп саҳифалари айниқса бўш ёзилган; лекин бу ҳали ҳеч нарсани исбот қилиб бермайди. Идеалларни тасвирлаб кўрсатиш ҳамшиша Гоголь асарларининг заиф томони бўлиб келган эди, бунинг

ундан кейинги ёзувчиларнинг баъзи бир асарларида тўлароқ ва қониқарли қилиб баён этилишини кўрсатадиган аломатлар борлигини кўриб турибмиз, китобхонлар буни шу юқорида айтган гапларимиздан кўришлари, мақола-ларимизнинг давомидан янада аниқроқ кўришлари мум-

сабаби ёзувчи талантининг бир томонламалигидан кўра (кўплар ёзувчининг муваффақиятсизлигига шуни сабаб қилиб кўрсатар эдилар) кўпроқ унинг ҳақиқат билан жуда ҳам боғланган талантининг кучли эканлигида эди; турмушни идеал шахслар орқали тасвирлаб берганда буларни жуда яхши чиқарар эди, масалан, «Тарас Бульба»да ёки ҳатто «Невский проспект»да (рассом Пискаревнинг чеҳраси) шундай жуда яхши тасвирланган. Агар турмуш идеал шахслар орқали тасвирлаб берилмаган бўлса, ёки санъатда ифодалаб бўлмайдиган қилиб тасвирлаб кўрсатилган бўлса,— Гоголнинг нима чораси бор эди? Ундай шахсларни ўйлаб чиқариши лозимми? Ёлғонга ўрганиб қолган кишилар бундай қилишга жуда уста бўлади; лекин Гоголь ҳеч вақт тўқиб чиқаришни билмас эди, буни унинг ўзи «Тавба»сида айтган эди ҳам; у бирор нарсани тўқийдиган бўлса, у нарсаси ҳамма вақт муваффақиятсиз чиқар эди. «Ўлик жонлар» иккинчи томининг бир қанча парчалари тўқиб чиқарилган парчалардир, бинобарин, бу парчаларнинг Гоголь ўз асарига қувончли бир элемент киритаман деган ният билан атайин киритган парчалар эканлигини кўрмаслик мумкин эмас, чунки жуда кўп кишилар унинг илгариги асарларида шундай қувончли элемент йўқлиги тўғрисида жуда кўп гаплар айтган, овозларининг борича бақириб гапирган эдилар, гапирaverиб унинг қулоқ-миясини еган эдилар. Лекин бу парчалар «Ўлик жонлар»нинг энг охириги редакциясида омон қолармиди-йўқми — буни сени билмаймиз — Гоголь жуда қаттиқ риоя қиладиган бадний одоб, у ўз асарларини қараб чиққанида, асарнинг бу жойлари заиф ишланганлигини кўрсатиб берар эди; у вақтда асарни қувончли колоритлар билан безаш истаги. авторнинг бадний танқидидан устун келарди, деб айтишга ҳаққимиз йўқ, чунки ўз ишига жуда жиддий қарар ва жуда кўзи ўткир танқидчи эди. Кўп ҳолларда бу сохта идеализациянинг сабаби нуқул авторнинг ўзбошимчалигидан келиб чиққан нарса бўлса керак; лекин бошқа парчалар авторнинг, гарчи нотўғри бўлса ҳам, лекин ўзбошимчилик билан эмас, балки астойдил ишониб туриб ёзган парчаларидир. Костанжогло монологуларининг кўпчилиги шундай парчалар жумласига киради, бу монологулар ҳақиқат билан сохта гаплар омухтаси, тўғри фикрлар билан ўйлаб топилган ҳаёлий фикрлар омухтасидир; бу жуда олачиפור омухта фикрлар бизнинг баъзи бир журналларимизда тез-тез баён этилиб турган фикрлардан беҳабар ва Гоголь билан жуда яқин муносабатда бўлган кишиларни жуда ҳайратда қолдиради. Бу фикрларни қандайдир бир ном билан таърифлаб кўрсатиш учун, биз: *Nomina sunt odiosa** деган қоидага амал қилиб, фақат марҳум Загоскиннинг номини тилга оламиз — «Ўлик жонлар» иккинчи томининг жуда кўп саҳифалари худди Загоскин руҳи билан

* Номлар кишининг нафратини кўрсатади (лот.) Бу Цицероннинг ҳикматли сўзи бўлиб, бу ўринда номларни тилга олиш керак эмас деган маънода ишлатилган.

кин. Лекин биз журъат қилиб айтамызки, Гоголнинг ёзган ҳамма нарсаларига жуда қойил қўлиб, унинг ҳар бир асарини, унинг ҳар бир сатрини мақтаб кўкларга кўтариб юрган кишиларнинг ҳаммаси унинг асарларига биз сингари оташин хайрихоҳлик билдирмайди, унинг рус ада-

суғорилганга ўхшайди. Биз Загоскин Гоголга заррача ҳам таъсир қилган деб ўйламаймиз, ҳатто уларнинг бир-бири билан қандай муносабатда бўлганлигини ҳам билмаймиз. Лекин, Загоскининг сўнгги романларига¹¹ жуда сингиб кетган ва кўпдан-кўп манбаларининг энг яхшилари калтабинлик ва соддадиллик қилиб патриархалликка муҳаббат изҳор этишдан иборат бўлган фикрлар Гоголга яқин бўлган жуда кўп кишилар ўртасида ҳукмронлик қилиб келган фикрлар эди, бу кишилардан баъзи бирлари жуда ақлли кишилар бўлса, бошқалари жуда кўп китоб ўқиган, ёки ҳатто олим кишилар эди, Гоголь бу кишиларнинг олимлигини кўриб жуда ҳавас қилган бўлиши мумкин, чунки Гоголь ўз талантимга яраша илм ололмадим, деб жуда ҳақли равишда зорланиб юрарди, ўзимиздан қўшимча қилиб шунини айтишимиз керакки, ўзининг буюк маънавий кучларига яраша илм ола олмаган эди, деб илова қилсак ҳам тўғри бўлади. Гоголь ўзининг Қостанжоглосини ёки Тентетниковнинг заифлигидан келиб чиққан оқибатларни тасвирлаганда, албатта, ҳалиги кишиларнинг фикри таъсир остида бўлган эди. «Дўстлар билан ёзишма»да учрайдиган шундай жойлари ҳаммадан кўпроқ танқид қилиниб, Гоголни шунинг учун қоралаган эдилар. Гоголнинг шу таъсирга¹² берилганлиги учун уни қай даражада қоралаш лозим эканлигини биз кейинчалик қараб чиқишга ҳаракат қиламиз; бир томондан, унинг ўтқир ақли бу таъсирдан сақлаши лозим эди, лекин, иккинчи томондан, бу фикрга қарши унинг ҳозирги замон мустаҳкам илмидан иборат етарли қаттиқ таянчи ҳам йўқ эди, воқиаларга тўппа-тўғри қарайдиган кишилар уни оғоҳлантиргани ҳам йўқ эди,¹³— чунки бахтга қарши, тақдир ёки манманлик Гоголни ҳамма вақт бундай кишилардан узоқда тутиб турар эди. Буюк ёзувчинини жуда ҳурмат қилганлигимиз учунгина эмас, балки кўпроқ унинг ўсиб камолатга етиши учун ноқулай муносабатлар орасида қолиб кетган кишига чин кўнгилдан ачинганлигимиздан шундай пиндандаларни айтиб бўлганимиздан кейин, биз, Гоголга «Ўлик жонлар» иккинчи томининг кўп саҳифаларини ёзишга мажбур қилган тушунчалар на унинг ақлига, на унинг талантига ва на унинг характериغا ярашадиган тушунчалар эмас, деб тўппа-тўғри айтмаслигимиз мумкин эмас, шунини эътироф қилиш лозимки, унинг характерида ҳозиргача ҳам сир бўлиб қолаётган кўп зиддиятлар бор бўлишига қарамасдан, аслида олийжаноб ва жуда ажойиб характер эгаси эди. Биз шунини айтишимиз керакки, иккинчи томининг жуда кўп саҳифаларида Гоголь, бошқа ва энг яхши саҳифаларга қарама-қарши ўлароқ, жоҳиллик адвокати ролини ўйнайди, айтганча, биз шунга қаттиқ ишонамизки, Гоголь шу жоҳилликни қандайдир бир эзгу напса деб билган эди, унинг бир томонлама нуқтаи назардан қараганда шоирона ёки беозор бир нарса бўлиб кўриниши мумкин бўлган ва чуқур маразларни яшира оладиган баъзи бир томонига жуда берилиб кетган эди. Ҳолбуки, Гоголь ўзига кўпроқ маълум бўлган бошқа доираларда бу жоҳилликни жуда яхши кўрган ва астойдил фoš

биётидаги ғоят катта фаолиятига биздай жуда катта эътибор бермайди. Биз Гоголни ҳеч таққосламай, ўз аҳамияти жиҳатидан рус ёзувчиларининг энг каттаси деймиз. Бизнинг фикримизча, Гоголь:

*Русь! Сен мендан нима истайсан? Бизнинг ўртамизда қандай тушуниб бўлмайдиган алоқа бор? Сен нега менга бундай термулиб қарайсан ва нима сабабдан сендаги бор нарсаларнинг ҳаммаси менга бундай термулиб интизор бўлиб қарайди?*¹⁴

қилиб ташлаган эди, ўзига у қадар яхши маълум бўлмаган, Қостанжогло амал қилган доирада эса буларни бир-биридан фарқ қилмаган эди. Дарҳақиқат, «Ўлик жонлар»нинг иккинчи томида Гоголь олдинги асарларида ҳеч бир деярлик тақилиб ўтмаган турмуш тасвирлаб кўрсатилган. Илгари у ҳамма вақт шаҳарларни ва уларнинг аҳолисини, кўпроқ чиновникларни ва уларнинг муносабатини биринчи планга қўяр эди; ҳатто «Ўлик жонлар»нинг жуда кўп помешчиклар иштирок қиладиган биринчи томида улар ўзларининг қишлоқдаги муносабатлари заминида тасвирланмасдан, балки фақат ўқимишли жамият деб аталган жамият составига кирувчи кишилар сифатида ёки нуқул психологик нуқтаи назардан тасвирланади. Гоголь «Ўлик жонлар»нинг фақат иккинчи томидагина қишлоқ муносабатларига сал-пал эмас, кўпроқ тақилиб ўтмоқчи бўлди, шунинг учун ҳам унинг бу соҳадаги янгилиги унинг йўлдан адашиш сабабларини бир қадар тушунтириб бериши мумкин. Эҳтимол, масала яхшироқ текшириладиган бўлса, унинг сал-пал чизиб кетган суратлари узил-кесил редакция қилинганда ўз колоритини тамомила ўзгартириши мумкин. Шундайми, йўқми, лекин, ҳар ҳолда, «Ўлик жонлар» иккинчи томидаги баъзи бир эпизодлар қандай бўлмасин, бу китоб қачон тамом қилинса ҳам, унда ҳаммадан устун турадиган характер, бари бир, унинг биринчи томи ва буюк ёзувчининг ундан илгариги ҳамма ижоди сингари бўлади, деб тасдиқлаб айтиш учун биз қатъий асосларга эгамиз. Ҳозир босиб чиқарилган дастлабки сатрлари бизга шунини кўрсатади.

«Ҳадеб камбағалликни тасвирлай беришнинг, мамлакатнинг узоқ бурчакларидан, хилват жойларидан кишиларни кавлаб чиқариб, ҳадеб турмушимизнинг кам-кўстларини кавлаб кўрсата беришнинг нима кераги бор?— Агар ёзувчининг хусусияти шундай бўлса, ўзи камолга етмаган ёзувчилик касалига грифтор бўлиб, ҳадеб камбағалликни тасвирлашдан бошқа нарсани билмаса, мамлакатнинг узоқ бурчакларидан, узоқ хилват жойларидан кишиларни кавлаб чиқариб, ҳадеб турмушимизнинг кам-кўстларини тасвирлаб кўрсата беришдан бошқа нарсани билмаса, нима қиламиз, ахир? . . .»¹⁴

Иккинчи том учун программа бўлиб хизмат қиладиган бу жойи Гоголнинг мияси, унинг асарлари бир томонлама, деган миш-миш гаплар билан жуда банд бўлган вақтда, у мана шу миш-мишларни ҳам гап деб ҳисоблаб, ўзининг гўёки бир томонламалигини маънавий заифлигидан деб ҳисоблаб юрган вақтда ёзилганлиги равшан кўриниб турибди,— ҳуллас, бу жойи «Дўстлар билан ёзишма» даврида ёзилган бўлса керак; лекин шундай бўлса ҳам, «Ревизор» ва «Ўлик жонлар» биринчи томининг илгариги программаси санъаткорнинг программаси бўлиб қолганлигини кўриб турибмиз. Ҳа, шундай.

деган сўзларни айтишга тамомила ҳақли эди, жуда мамнунлик билан айтилган бу сўзлар ўз вақтида унинг талантига қойил қолиб юрганларни хижолатга солиб қўйган эди, уларнинг шундай ўнғайсиз ҳолга тушганлиги бизга ҳам равшан эди.

санъаткор Гоголь ҳамма вақт ўз вазифасига содиқ бўлиб қолди, унда бошқа жиҳатлардан юз берган ўзгаришлар тўғрисида қандай ҳукм қилишимиз лозим бўлса ҳам, у ўз вазифаларига содиқ бўлиб қолди. Ҳақиқатан, ўзи учун янги нарсалар тўғрисида гапирганда, у қандай хатолар қилса ҳам,— лекин «Ўлик жонлар» иккинчи томининг бутун сақланиб қолган бобларини ўқиганда, ўзига таниш муносабатлар доирасига, «Ўлик жонлар»нинг биринчи томида тасвирланган муносабатлар доирасига ўтиши биланоқ, унинг талантида илгариги олийжаноблик, илгариги куч ва ҳамisha янгилик фазилатларининг дарҳол намоён бўлишини тан олмаслик мумкин эмас. Шу сақланиб қолган парчаларда жуда кўп шундай саҳифалар борки, бу саҳифалар Гоголнинг қачон бўлсада, дунёга келтирган энг яхши асарлари қаторига киритилиши лозим, бу саҳифалар ўзининг бадиий қиймати, ва, энг муҳими, ўзининг ҳаққонийлиги ва олийжаноб ғазаб кучи жиҳатдан кишини жуда ҳам ҳайратда қолдиради. Бу парчаларни санаб кўрсатиб ўтирмаймиз, чунки улар жуда кўп; булардан баъзи бирларинигина кўрсатиб ўтамиз: Чичиковнинг Бетришчев билан, ҳамма, ҳатто ўғриллар ҳам мукофот талаб қилади, деган гаплари ва: «бизнинг шу қорачалигимизни яхши кўр, бизнинг оппоқдигимизни ҳар бир кимса ҳам яхши кўради» деган иборанинг маъносини тушунтириб берадиган латифа, Қашкарёвнинг доно муассасаларининг тасвири, Чичиков устидан қилинган суд ва тажрибали юрисконсултнинг доҳиёна ишлари; ниҳоят, бу парчанинг жуда ажойиб хотимаси — генерал-губернаторнинг нутқи; биз шу дамгача рус тилида, ҳатто Гоголь асарларида ҳам бунга ўхшаган бирон асар ўқиганимиз йўқ. Асарнинг мана шу жойлари, ҳатто «Дўстлар билан ёзишма» авторига қарши жуда ёмон фикрда бўлган кишини ҳам «Ревизор» ва «Ўлик Жонлар»нинг биринчи томини яратган ёзувчи, мутафаккир сифатида йўлдан адашган бўлиши мумкинлигига қарамасдан, то умрининг сўнгги кунигача ўзининг санъаткорлигига содиқ бўлиб қолганлигига, унинг қалбида олийжаноблик, ҳақиқат ва бахтисаодатга оташин муҳаббат ҳамма вақт аланга олиб турганлигига, умрининг охиригача унда ҳамма разолат ва олчоқликка жуда ҳам қаттиқ нафрат жўш уриб турганлигига ишонтиради. Унинг талантининг соф юмористик томонига келганда, унинг ҳар бир саҳифаси, ҳатто энг муваффақиятсиз чиққан саҳифаси ҳам, Гоголнинг бу жиҳатдан ҳамisha илгариги буюк Гоголь бўлиб қолганлигини исбот қилиб берадиган далилдир. «Ўлик жонлар» иккинчи томини ўқиган китобхонларнинг ҳаммаси юмор билан сўғорилган катта парчалардан Чичиков билан Тентетников ва генерал Бетришчев ўртасидаги ажойиб гапларни, Бетришчев, Пётр Петрович Петух ва унинг боаларининг характерлари жуда ажойиб қилиб чизилганлигини, Чичиков билан Платоновлар, Костанжогло, Қашкарёв ва Хлобуев ўртасида бўлган гаплар ёзилган бир қанча саҳифаларни, Қашкарёв билан Хлобуевнинг характери жуда ажойиб қилиб тасвирланганини, Чичиковнинг Леницинникига боришидаги ажойиб эпизодни ва, ниҳоят,

У шундай деб айтишга тамомила ҳақли эди, чунки биз адабиётни қанча қадрласак ҳам, лекин ҳали уни етарли даражада қадрламаяпмиз: адабиёт ундан юқори қўйиладиган деярлик ҳамма нарсадан беқиёс даражада муҳимроқдир. Инсоният тарихида Байрон Наполеондан муҳимроқ шахс деса бўлади, лекин Байроннинг инсоният тараққиётига таъсири ҳали бошқа кўп ёзувчиларнинг таъсири каби аҳамиятга эга бўлганича йўқ, бинобарин, Гоголнинг Россия учун аҳамияти қандай бўлса, ўз халқи учун шундай аҳамиятга эга бўлган ёзувчи кўп замонлардан буён дунёга келмаган эди.

Ҳаммадан аввал шуни айтишимиз керакки, Пушкинни рус поэзиясининг отаси деб аташ лозим бўлса, Гоголни рус проза адабиётининг отаси ҳисоблаш лозим. Бунга яна дарров шуни ҳам қўшимча қилиб ўтишимиз лозимки, бу фикрни биз ўйлаб чиқарганимиз йўқ, балки бундан роппа-роса йигирма йил илгари босиб чиқарилган «Рус повестлари ва Гоголь повестлари тўғрисида» деган мақоладан олинган, холос («Телескоп», 1835 йил, XXVI қисм), бу мақоланинг авторини «Пушкин тўғрисидаги мақолаларнинг авторидир. Бу автор, яқингинада, ҳозирги асримизнинг йигирманчи йилларида бошланган повестимизнинг биринчи чин вакили Гоголь эди, деб бунини далиллар билан исбот қилиб беради. Ҳозир энди, «Ревизор» билан «Ўлик жонлар» дунёга келгандан кейин бунга қўшимча қилиб, Гоголь бизнинг (проза билан ёзилган) романимизнинг ва драматик формада ёзилган прозаик асарларнинг, яъни умуман рус прозасининг ҳам отаси эди, деб қўшиб қўйиш керак (биз фақат бадиий адабиёт тўғрисидагина гапирётганлигимизни эсдан чиқармаслигимиз керак). Дарҳақиқат, халқ ҳаётининг ҳар бир томони аниқ ва равшан бўлиб, бир мунча ғайрат билан очилган ва ҳаётда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаб олган вақтини чинакам унинг бошланиши деб ҳисобламоқ керак,— ҳеч қандай из қолдирмасдан йўқолиб кетадиган, бундан илгариги

Чичиков судга тушадиган охириги бобдаги бир қанча эпизодларни кўрсатиб ўтдилар. Хуллас, бизга «Ўлик жонлар»нинг иккинчи тоmidан қолган мана шу бир қанча қўлёзма парчалар ичида заиф чиққанлари бор, автор романи охириги марта пардозлаганда уни ўзгартириши ёки ўчириб ташлаши шубҳасиз эди, лекин бу парчаларнинг кўпчилик қисмида, улар яхшилаб пардозланмаганлигига қарамасдан, Гоголнинг буюк таланти, унинг туғма табиатига хос илгариги кучи ҳаммаша барқ уриб туради ва олийжаноблик хислатлари аниқ ва равшан бўлиб кўриниб туради (*Н. Г. Чернишевский изоҳи*).

ҳамма узуқ-юлуқ эпизодик кўринишларни — ўзини юзага чиқариш учун фақат бир уриниш деб, лекин ҳақиқатда амалга оширилмаган бир нарса деб ҳисоблаш лозим. Масалан, Фонвизиннинг адабиётимиз ривожланишига таъсир қилмаган ажойиб комедиялари рус прозаси ва рус комедиясининг¹⁶ пайдо бўлишидан хабар берган фақат ажойиб бир эпизоддир, холос. Карамзиннинг повестларининг оригинал рус адабиёти тарихи учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ, уларнинг, фақат тил тарихи учунгина аҳамияти бор, чунки унинг повестларида тилдан бошқа русларга оид ҳеч қандай нарса йўқ. Шу билан бирга ҳаммаёқни шеър босиб кетиб, у повестлар ҳам шеърлар остида қолиб кетди. Пушкин дунёга келган вақтда рус адабиёти фақат шеърдангина иборат эди, у прозанинг нима эканлигини билмас эди ва ўттизинчи йилларнинг бошигача прозанинг нима эканлигини билмади. Шу ўртада — «Диканка қишлоғи оқшомлари»дан икки ёки уч йил илгари «Юрий Милославский» шовқин-сурон кўтарди; лекин агар биз бу романинг «Литературная газета»да¹⁷ босилиб чиққан тақризини ўқиб қарасак, шуни аниқ кўрамизки, «Юрий Милославский» бадий қийматлари жиҳатидан унчалик талабчан бўлмаган китобхонларга ёққан бўлса ҳам, лекин адабиёт тараққиёти учун бу асарнинг ҳам ўша вақтда муҳим бир ҳодиса деб ҳисобланиши мумкин эмас эди; дарҳақиқат, Загоскиннинг фақат битта тақлидчиси бор эди, у ўзига ўзи тақлид қиларди. Лажечников¹⁸ романларининг қиймати кўпроқ эди, лекин бу романлар прозани адабий гражданлик ҳуқуқига эга қилиш даражасига етказадиган романлар эмас эди. Ундан кейин Нарезжийнинг романлари бор эди, буларда шубҳасиз қийматга эга бўлган бир қанча эпизодлар бор эди, бу эпизодлар ҳикоянинг беўхшовлигини ва сюжетларининг рус ҳаётига ўхшамаслигини аниқ ва равшан қилиб кўрсатиш учунгина хизмат қила оладиган эпизодлар эди¹⁹. Бу романлар, Ягуб Скупалов²⁰ сингари, ўқимишли жамиятга хос адабий асарлардан кўра кўпроқ ўйинчоқ буюмларга* ўхшаб кетар эди. Проза билан ёзилган рус повестининг кўпроқ истеъдодли арбоблари бор эди, жумладан, булар — Марлинский, Полевой, Павловлар эди. Лекин биз юқорида гапириб ўтган мақолада²¹ бу арбобларнинг

* Уйинчоқ буюмлар — арзон баҳо, беўхшов суратлар, ҳамда бадий сифати паст адабий асарлар.

таърифи берилган, шунинг учун ҳам биз Полевойнинг повестларини Гоголь замониғача бўлган ҳамма повестларнинг энг яхшиси деб тан олганликларини айтиб ўтсак, биз учун шу кифоя қилади,— кимки бу повестларни эсидан чиқарган бўлса-ю, энди уларнинг бошқалардан фарқ қиладиган сифатлари тўғрисида ўзи учун бир тушунча ҳосил қилмоқчи бўлса, у кишига биз «Отечественные записки»да (агар янглишмасак, 1843 йилда) босиб чиқарилган «Необыкновенный поединок»²² деган жуда ажойиб пародияни ўқиб чиқишни маслаҳат берамиз; кимда бу асар йўқ бўлса, Полевойнинг прозаик асарларидан энг яхшиси бўлган «Аббадонна» деган асарининг характеристикасини изоҳ қилиб келтирамиз. Агар энг яхши проза асари шу бўлса, ўша вақтдаги адабиётнинг бутун проза бобининг қиймати қандай бўлганлигини ҳар бир киши ўзи тасаввур қилиши мумкин*.

* «Жаноб Полевой ўз романида, поэзия ҳаёт прозасига қарама-қарши, деган идеани ифода қилиб бермоқчи бўлган эди. Бунинг учун у ёш бир шоирнинг қаҳри қаттиқ, худбин ва прозаик жамият билан курашганини тасвирлаб берди. Лекин... биринчидан, унинг шоири, Рейхенбах, немислар айтмоқчи, «дилкаш одам» (Schöne Seele). «Дилкаш одам» деган сўзлар бизда ҳозирғача қандай яхши маънода ишлатилиб келаётган бўлса, немисларда ҳам шундай яхши маънода ишлатилар эди. Лекин, ҳозир бу сўзлар немисларда қандайдир кулгили, масхараомиз бир нарсанинг ифодаси ўрнида ишлатилади. Худди шундай яқинларда ҳам «сезгирлик» ва «сезгир» деган сўзлар бизда сезгиси бор, дилкаш одамларни сезгиси йўқ ва жон ҳамда туйғу деган нарсадан маҳрум бўлган қўпол ва ҳайвон сингари одамлардан ажратиб учун ишлатилар эди, ҳозир бўлса, заифлашиб, суюқлашиб, чириб разиллашиб кетган чучмал туйғуни ифодалаш учун ишлатилади. «Дилкаш одам» деган ибора ҳозир немисларда қандайдир эзгу, қандайдир яхши маънони англатадиган сўз бўлиб қолди, лекин шу билан бирга болаларга хос, заиф, қуруқ ва кулгили бир нарсани ҳам англатади. Жаноб Полевойнинг Рейхенбахи ана шундай «дилкаш одам» деган иборани тўла тасвирлаб кўрсатадиган типдир, Рейхенбахни яна кўпроқ даражада кулгили қилиб кўрсатадиган нарса шуки, муҳтарам ёзувчи ўзининг бу қаҳрамонидан асло кулмоқчи бўлган эмас, лекин, у менинг Рейхенбахим чин шоирдир, жуда чуқур туйғу эгаси бўлган, оташин, қудратли бир кишидир, деб астойдил шунга ишонади. Шунинг учун ҳам унинг Рейхенбахи қандайдир майриқ-машириқ кулгили бир образ, у образ ҳам эмас, фигура ҳам эмас, қандайдир ғадир-будур қалин қоғозга учи ёмон очилган қалам билан қинғир-қийшиқ қилиб чизилган чизмакашликка ўхшайди. Унда ҳеч қандай поэтик бир нарса йўқ: у шунчаки яхши киши,— яхши бўлганда ҳам, ҳеч узоқни кўролмайдиган мулойим, соддадил бир киши,— ҳолбуки, автор уни жуда баланд ёғоч оёққа миндириб қўйган. Унинг ҳиссиётини ранжитадиган нарса кишиларнинг ўзларидаги асл нуқсонлари эмас, балки ишлаш лозим бўлган

Ҳар ҳолда, повестлар романлардан беқиёс даражада яхши эди, бинобарин, агар юқорида биз гапириб ўтган мақоланинг атери, Гоголь вақтигача бўлган ҳамма повестларни батафсил кўздан кечириб «Қишлоқ оқшомлари» ва «Миргород» дунёга келишдан олдин ҳақиқатини айтганда, бизда ҳали повесть йўқ эди, деган хулосага келган экан, бизда романининг бўлмаганлиги янада кўпроқ шубҳасиздир. Баъзи бир уринишлар бўлган эди, бу уринишлар рус адабиётининг роман ва повестлик бўлишига тайёргарлик кўраётганини, рус адабиётида роман ва повесть асарига интилиш борлигини исбот қилиб берган эди. Драматик асарлар тўғрисида бундай ҳам дея олмаймиз: театрларда қўйилиб келган прозаик пьесалар, ҳозир француз тилидан ўзгартирилиб қўйилиб келаётган воде-

бир вақтда хаёл суришлари ва кечки овқат вақтида шафақдан завқланмасликларидир. Автор ҳатто поэзия билан проза, шоир билан халқ ўртасидаги ҳақиқий қарама-қаршиликларга сал-пал тақилиб ўтгани ҳам йўқ.

Рейхенбах Генриетта деган ўқимаган, эстетик туйғуси йўқ, оддий, лекин жажжигина, кўнгилчан ва ёшгина бир қизни яхши кўради. Болалик чоғида худди шу тахлитда холавачасини ҳам, қўшнисини ҳам, ёшлигида биргалашиб ўйнаб катта бўлган дугонасини ҳам яхши кўрмаган ким бор? Лекин, à l'enfant* ёқа ўрнига галстук тақилган вақтда ҳам кимда шундай муҳаббат давом қилди? Рейхенбах бу тўғрида бошқачароқ ўйлайди ва то боши гўрга киргунча Генриеттани севмоқчи бўлади. Генриеттанинг кўнгли ҳам шундай. Лекин уларнинг муносабатида автор айтмаган бўлса-да, лекин китобхонларга тушунарли бўлган ҳеч қандай поэтик нарса йўқ. Уларнинг бутун муҳаббати сўзларида, шоирнинг юзсизлик қилиб ўпишларида ва жажжи мешчанка қизнинг «вой, нима қиляпсан?» деган сўзларида гарқ бўлиб кетади. Бирдан Рейхенбах Леонорани учратиб қолади. Бу — замонимизнинг femme épancîrée** санъат ва севги маъбудаси бўлган актрисадир. Бу мункиллаб қолган ахлоксиз бир кекса министрининг ўйнаши бўлиб, чин ва олийжаноб муҳаббатга ташна бўлиб юради. Бу хоним Рейхенбахни ўз идеали деб билади. Нима деб ўйлайсиз, Гётенинг баядераси²³ сингари у хоним ҳам янгидан дунёга келди деб ўйлайсизми, э қаёқда! У янгидан дунёга келганлиги, оқу фиғонлари, оташин муҳаббати тўғрисида гапирди,* холос. Рейхенбах ёш йигит учун ниҳоятда жозибали бўлган бу оташин дилрабо маъшукани деб ўзининг оқ кўнгил ошпаз қизчага қўйган болалик муҳаббатидан воз кечади, дейсизми — қаёқда! У буларнинг иккаласи ўртасида тараддуланиб қолади ва унинг мана шу тараддулда қолиши табнатида жуда ожизлигини кўрсатиб беради. Ниҳоят, Генриетта қатъий ғалаба қилади, бунинг сабаби айниқса шуки, Элеонора ўзини зор-зор йиғловчи муҳаббат ва қилмишидан пушаймон қилаётган паридек қилиб кўрсатиш ўрнига худди маст гетера***

* Болалар ёқаси.

** Илғор аёли (франц.)

*** Сатанг хотин.

виллар сингари, ҳар қандай бадий хусусиятдан маҳрум пьесалар эди.

Шундай қилиб, рус адабиётида проза жуда кичик ўрин тутар эди, унинг аҳамияти жуда кичкина эди. Про-за яшашга интилар, лекин ҳали яшаётгани йўқ эди.

Сўзнинг том маъносида гапирадиган бўлсак, адабиётчилик нуқул шеър ёзишдан иборат эди. Гоголь рус прозасининг отаси эди, у рус прозасининг отаси бўлиши билан бирга прозанинг поэзиядан қатъий суратда устун туришга жуда тез имконият туғдириб берди,— бу устунлик ҳозир-гача ҳам давом этиб келмоқда. Бу ишда Гоголнинг на

сингари қутуради ва жазаваси тутади. Бизнинг буюк шоиримиз муҳаббатининг оқибати нима бўлди деб ўйлайсиз? Қулоқ солинг: «Вильгельм бундан буён шеър ёзишни бас қиламан, деб қанча ишон-тирмоқчи бўлса ҳам, Генриетта ҳеч рози бўлгиси келмади. Генриетта илтимос қилиб, шеър ёзишингни тарк этма, деб қанча ялинса ҳам, Вильгельм кулиб: ҳўп, ёзганим бўлсин, лекин болаларим учун фақат алла ёзаман, дейди. Шу онда нозиккина бир қўлча билан одобсиз Вильгельмнинг оғзини ёпдилар-да, бошқа суҳбатдошлар қаттиқ хахолаб кулиб турганда, қизариб-бўзариб ўзларини қаёққа қўйишни билмай қолдилар. . . » О, соддадил мешчанларнинг ҳалол улфатчили-ги! О, кичик фантазиядан келиб чиққан буюк шоир! Қўрдингизми, сохта, зўрма-зўраки идеаликнинг, ниҳоят, конфет шаҳват, картош-ка ноzi-карашма ва қўполдан-қўпол аскияларни кўриб турмуш про-заси билан қўшилишиб кетади, у билан ярашиб олади. . . Бу инсон тилида «севиш» деб аталган нарса эмас, балки мешчан тилида «хуштор бўлиш» деб аталадиган нарсадир. . .

Умуман жаноб Полевойнинг романидаги кўп нарсаларни киши ўқиганда роҳат қилмаслиги мумкин эмас, баъзи бирларини ўқиб киши роҳат ҳам қилади, лекин бутунлай олиб қараганда жуда ғала-ти: ҳозир бу нарса кишига ширин уйқудек туюлади, деб ўйлайсиз, кейин ҳеч кимни қизиқтирмайди. Автор кулгили бир нарсани тасвирлар экан, у кулгили бир нарсани тасвирлаётганини билади, шундай бўл-са, манзара буюк бир ижод бўлади; лекин автор Александр Максе-донский ёки Юлий Цезарни тасвирлаб кўрсатаман, деб ўйлаб, бизга Дон-Кихотни тасвирлаб берар экан, у вақтда манзара Суздаль ман-зараси бўлиб чиқади, жаннат қушининг сурати солинган ва остига содда қилиб:

Жаннатнинг қуши Сирен,
Товуши жуда ширин:
Худони мадҳ этган чоқ
Ўзин унтар мутлоқ. . .

деб ёзилган ўйинчоқ литография ҳосил бўлади.

Поэзия, шоир, севги, хотин, ҳаёт, уларнинг бир-бирига муноса-бати — шуларнинг ҳаммаси «Аббадонна»да худди эски увадалар-дан ясалган гулга ўхшайди («Отечественные записки», 1841, XV том, библиографик хроника).

устозлари бор эди ва на ёрдамчилари. Проза ўзининг яшаши ва ўзининг ҳамма муваффақиятлари учун фақат Гоголдан миннатдор бўлиши лозим.

«Нима! На устозлари бор эди, ва на ёрдамчилари, дейсизми? Пушкиннинг проза асарларини эсдан чиқариб бўладими?»

Эсдан чиқариш мумкин эмас, лекин, биринчидан, Пушкиннинг проза асарлари адабиёт тарихида унинг шеър билан ёзган асарлари «Капитан қизи» ва «Дубровский» сингари асарлари сингари аҳамиятга эга эмас — бу повестлар, сўзнинг том маъносида айтганда, жуда яхши повестлардир, лекин уларнинг қандай таъсир қилганини айтишчи? Прозаик бўлган Пушкин изидан борган ёзувчилар деб аташ мумкин бўлган ёзувчилар мактаби қани?²⁴ Ҳолбуки адабий асарлар ўзининг бадий қийматигагина қараб эмас, шу билан бирга, ёки ҳатто кўпроқ даражада, жамият тараққиётига ёки, ҳеч бўлмаганда, адабиёт тараққиётига кўрсатган таъсирга қараб аҳамиятга эга бўлади. Лекин энг муҳими шуки, Гоголь прозаик сифатида Пушкиндан олдин дунёга келган эди. Пушкин проза асарларидан дастлаб босилганлари (агар кичик парчаларни ҳисобга олмайдиган бўлсак) 1831 йилда босилиб чиққан «Белкин повестлари» эди; лекин бу повестларнинг катта бадий қиймати йўқ эди десак, ҳамма бу фикрга қўшилади²⁵. Сўнгра, 1836 йилгача фақат «Пиковая дама» босилган эди (1834 йилда) — бу кичкина пьесанинг жуда яхши ёзилганлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди, лекин ҳеч ким, бу пьеса жуда муҳим, деб уни жуда мақтамайди ҳам. Ҳолбуки Гоголь «Қишлоқ оқшомлари»ни (1831—1832), «Иван Иванович билан Иван Никифорович ўртасида бўлиб ўтган низолар ҳикояти»ни (1833), «Миргород»ни (1835) бостириб чиқарган эди, яъни кейинчалик унинг асарларининг дастлабки икки қисмини ташкил қилган шу асарлар босилиб чиққан эди; бундан ташқари, «Арабески» (1835) «Портрет», «Невский Проспект», «Жиннининг мактублари» босилиб чиққан эди. 1836 йилда Пушкин «Капитан қизи»ни бостириб чиқарди, лекин шу йили «Ревизор» босилиб чиқди, бундан ташқари «Коляска», «Режали кинининг эртаси» ва «Бурун» босилиб чиқди. Шундай қилиб, Гоголь асарларининг катта қисми, шу жумладан «Ревизор» ҳам халққа маълум бўлган эди; ҳолбуки халқ Пушкин асарларидан фақат «Пиковая дама»ни ва «Капитан қизи»ни билар эди. «Буюк Пётрнинг араби», «Горю-

хино қишлоғининг солномаси», «Рицарлар замонидан кўринишлар» 1837 йилда, Пушкин вафотидан кейин босилиб чиққан. («Дубровский» эса, фақат 1841 йилда босилган эди),— халқ Пушкиннинг прозаиклиги билан танишмасдан илгари Гоголнинг асарлари билан танишганига янча бўлган эди.

Умумий назарий маънода олганда, биз поэтик формадан проза формасини устун қўймаймиз ёки аксинча — буларнинг ҳар бирининг шубҳасиз ўз фазилатлари бор; лекин рус адабиётининг ўзига келганда, унга тарихий нуқтаий назардан қараладиган бўлса, поэтик форма устунлик қилиб келган бутун олдинги даврлар санъат соҳасида ҳам, ҳаёт соҳасида ҳам проза формасидан, Гоголь давридан, прозанинг ҳукмронлик қилган давридан жуда орқада турганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас. Адабиётнинг келажати нима бўлишини билмаймиз; поэзиянинг келажати порлоқ бўлмайди, деб айтишга асосимиз йўқ, лекин шуни айтишимиз керакки, шу вақтгача проза формаси биз учун шеър формасига нисбатан жуда сермаҳсул форма бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай формадир, биз учун энг муҳим бўлган бу адабиёт соҳасининг яшаши учун имкон берган киши Гоголь эди, прозанинг қатъий устунликка эга бўлишига бирдан-бир имкон берган киши ҳам удир, проза ҳозиргача шу устунлигини сақлаб қолмоқда ва яна узоқ вақтгача сақлаб туриши турган гап.

Аксинча, сатира деб аталадиган оқимда Гоголдан илгари ўтган шоирлар йўқ эди, деб айтиб бўлмайди. Адабиётдаги бу оқим ҳамма вақт адабиётимизнинг энг жонли, ёки, яхшиси, бирдан-бир жонли томони бўлиб келди. Ҳамма эътироф қилган бу ҳақиқат тўғрисида кўп гапириб ўтирмаймиз. Қантемир²⁶, Сумароков, Фонвизин ва Крилов тўғрисида гапирмасак ҳам, лекин Грибоедов тўғрисида эслатиб ўтишимиз лозим. «Ақл балоси»нинг бадий жиҳатдан камчиликлари бор, лекин бу асар шу дамгача жуда севиб ўқиладиган китоблардан биридир, чунки унда ё монологлар формасида, ёки оддий гап формасида баён қилинган бир қанча ажойиб сатрлар бор. Пушкиннинг сатира ёзувчилик жиҳатидан кўрсатган таъсири ҳам шундай муҳим таъсир бўлган эди, Пушкин ўзининг ана шундай ёзувчи эканлигини «Онегин»да кўпроқ кўрсатган эди. Лекин, Грибоедов комедияси ва Пушкин романининг жуда қимматли асар бўлишига ва жуда катта муваффақият қозонганлигига қарамасдан, рус бадий адабиётида

сатирик оқимни, ёки тўғрироқ қилиб айтсак, танқидий оқимни мустаҳкам қилиб расм қилган киши фақат Гоголь эди, деб кўрсатиб ўтиш лозим*. Грибоедовнинг комедияси ҳаммани жуда ҳайратда қолдирганига қарамасдан, унинг изидан борувчилар бўлмади, шунинг учун ҳам «Ақл балоси» адабиётимизда илгари Фонвизин комедиялари ва Кантемир сатиралари сингари ёлғиз, узۇқ-юлуқ бир ҳодиса бўлиб қолаверди. Крилов масаллари сингари, адабиётга бирон сезиларли таъсир кўрсатмади.**²⁷ Бунинг сабаби нима эди? Албатта, Пушкин ва унинг атрофидаги бир тўда шоирларнинг устунлик қилганлиги эди. «Ақл балоси» шу қадар ажойиб ва жонли асар эдики, ҳамманинг эътиборини ўзига тортмаслиги мумкин эмас эди; лекин Грибоедов генийси бир асар билан дастлабки мартабадаёқ адабиётда ҳукмрон бўлиб олгудек буюк эмас эди. Энди Пушкиннинг ўз асарларидаги сатира оқимига келганда, унда халққа ва адабиётга бирон сезиларлик таъсир кўрсатиш учун етарли даражада чуқур маъно ва барқарорлик йўқ эди. Пушкин

* Ҳозирги замон фанида халқ ҳаётининг бир соҳасидаги — санъат, адабиёт ёки фан соҳасидаги мулоҳазаларнигина танқид деб атамасдан, умуман ҳаётдаги ҳодисалар — инсониятнинг эришган тушунчалари ва бу ҳодисалар идрок талабларига таққосланганда шу ҳодисалар туйғайли ҳосил бўладиган туйғулар асосида тилга олинмаган ҳаётдаги ҳодисалар тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам танқид деб аталади. «Танқид» деган сўзни мана шу кенг маънода тушуниб: «бадий адабиётда, поэзияда танқидий оқим» дейдилар, — бу ибора адабиётдаги «аналитик оқимга», анализга бир қадар ўхшаб кетадиган оқимни аниглади, бизда илгари шу оқим тўғрисида жуда кўп гапирилар эди. Лекин, бунда фарқ шундан иборатки, «аналитик оқим» турмушдаги ҳодисаларнинг тафсилотларини ўрганиши ва ҳатто ҳеч қандай интилиш, ҳеч қандай фикр ва ҳеч қандай маъно бўлмагани ҳолда, жуда турли-туман интилишлар таъсири остида шу турмушдаги ҳодисаларни тасвирлаб кўрсатиши мумкин; «танқидий оқим» эса, турмуш воқиаларини бундай ўрганиб тасвирлаганда шу ўрганилган воқиаларнинг идрок нормасига ва олийжаноблик туйғусига тўғри келиш-келмаслигини аниглаб туриб ҳукм чиқаради. Шунинг учун адабиётдаги «танқидий оқим» умуман «аналитик оқим»нинг айрим бир туридир. Сатирик оқим танқидий оқимнинг жуда ўтакетган тури бўлиб, танқиднинг бу тури манзараларнинг объектив бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилмайди ва тасвирнинг бир андазада бўла беришига йўл қўяди (Н. Г. Чернишевский изоҳи.).

** Биз адабий тилнинг ривожланиши тўғрисида гапирётганимиз йўқ, адабиёт оқими тўғрисида, унинг руҳи тўғрисида, унинг интилишлари тўғрисида гапирётганимиз — тил жиҳатдан Крилов Пушкиндан олдин ўтган ёзувчилардан бири деб ҳисобланиши лозим, бу нарсa журналларимизда минг марта лаб гапириб ўтилган эди (Н. Г. Чернишевский изоҳи.).

асарларидаги сатирик оқим маълум бир оқимга ёт бўлган соф бадиийлик таассуроти остида бутунлай деярлик йўқолиб кетар эди; Пушкиннинг бошқа энг яхши асарлари бўлган «Тош меҳмон», «Борис Годунов», «Русалка» ва бошқаларгина эмас, «Онегин»нинг ўзи ҳам шундай таъсир қолдирар эди; кимнинг турмуш ҳодисаларига танқидий нуқтаи назардан қараш майли кучли бўлса бу романда учрайдиган юзаки енгил-елпи сатирик заметкалар шу кишига таъсир қилади; турмуш ҳодисаларига танқидий нуқтаи назардан қарашга мойил бўлмаган китобхонлар бу сатирик заметкаларни пайқамайдилар ҳам, чунки роман мазмунида улар ҳақиқатан фақат иккинчи даражали элементдир.

Шундай қилиб, «Онегин»да сатира нишонлари бўлишига ва «Ақл балоси»даги жуда ажойиб филиппикларга* қарамасдан, танқидий элемент бизнинг адабиётимизда Гоголгача иккинчи даражали роль ўйнаган эди. Адабиётнинг умумий руҳига бирон сезиларли ўзгариш киритмаган тасодифий, якка-ёлғиз бир оз истисноларга тўхталиб ўтирмасдан, ўша вақтда яхши ёки жуда ажойиб асар деб ҳисобланган ҳамма асарларнинг умумий таассуротига қарайдиган бўлсак, бу асарнинг мазмунида фақат танқидий элементни эмас, ҳатто бошқа ҳеч қандай муайян бир элементни қидириб топиш ҳам мумкин эмас эди. Унинг мазмунида ҳеч қандай аниқ бир нарса йўқ эди,— дедик биз,— чунки унда мазмуннинг ўзи бутунлай деярли йўқ эди. Мана шу ҳамма шоирларнинг, Язиковнинг, Козловнинг²⁸ ва шунга ўхшаганларнинг асарларини ўқийсан-да, уларнинг темаси жуда камбағал эканлигини, улар шунчалик оз туйғу ва фикр бойлиги билан шунча саҳифаларни ёзиб ташлаганликларини, гарчи уларнинг ёзган саҳифалари жуда оз бўлса ҳам, шунча саҳифаларни ёзиб ташлаганлигини кўриб ҳайрон қоласан; оқибатда, ахир, улар нима тўғрисида ёзган эди?— деб ўзингдан ўзинг савол қиласан. Улар бирон нарса тўғрисида ёзганмиди, ёки ҳеч нарса тўғрисида шунчаки ёзиб қўяқолганми? Пушкин поэзиясининг мазмуни кўп кишиларни қаноатлантирмайди, лекин, Пушкин асарларининг мазмуни унинг сафдошларининг жамисининг асарларидаги маз-

* Ф и л и п п и к л а р (грекча) — дарғазаб бўлиб фош қилиб айтилган нутқлар (қадимги грек нотихи Демосфеннинг Филипп Македонскийга қарши сўзлаган кескин сиёсий нутқларининг нэмидан олинган).

мундан юз мартаба ортиқ эди. Ановилар учун форма бўлса бас эди, лекин уларнинг формаси остидан деярлик ҳеч нарса чиқмас эди.

Шундай қилиб, Гоголнинг хизмати шу эдики, у рус адабиётини мазмунга томон қатъий интилтирган ёзувчи эди, шу билан бирга, танқидий оқим сингари жуда сермахсул оқимга томон интилтирган эди. Бизнинг адабиётимиз ўз мустақиллиги учун ҳам Гоголдан миннатдор бўлиши лозим деб қўшиб қўямиз. Пушкин асарлари дунёга келганига қадар адабиётимизнинг ҳамма асарларида деярлик соф тақлидчилик ва қайта ишлаш даври ҳукм сурган бўлса, энди бир қадар эркинроқ ижодкорлик даври келди. Лекин Пушкиннинг асарлари ҳали ҳам ё Байрон, ё Шекспир, ёки Вальтер Скоттни жуда эслатиб туради. Байронга тақлид қилиб ёзилган поэмалар ва «Онегин» тўғрисида гапириб ҳам ўтирмаймиз, «Онегин»ни ноҳақ равишда «Чайльд Гарольд»га тақлид қилиб ёзилган деб айтар эдилар, лекин Байрон романи бўлмаганда, «Онегин» романи ҳам ҳақиқатан дунёга келмас эди; худди шундай «Борис Годунов» ҳам Шекспирнинг тарихий драмаларига тақлид қилиб ёзилгани аниқ кўриниб турибди, «Русалка»нинг бевосита «Қороль Лир» ва «Ез кечасидаги туш»дан, «Капитан қизи» — Вальтер Скотт²⁹ романларидан пайдо бўлганлиги кўриниб турибди. Уша даврдаги бошқа ёзувчилар тўғрисида гапирмай қўя қоламиз, — уларнинг у ёки бу европали шоирларга тақлид қилганлиги кўзга жуда аниқ ва равшан ташланиб турибди. Ҳозир ҳам шундайми? Диккенс, Теккерей, Жорж Занд романи сингари, жаноб Гончаров, жаноб Григорович, Л. Н. Т.³⁰, жаноб Тургенев повестлари, жаноб Островский комедиялари ҳам бирон кишига тақлид қилиб ёзилган асар эмаслигини, бу асарларда бирон ёт нарсанинг йўқлигини ўзингиз кўриб турибсиз. Биз бу ёзувчиларни уларнинг талантига ёки адабиётдаги аҳамиятига қараб бир-бирига таққослаб кўрсатмоқчи эмасмиз; лекин гап шундаки, жаноб Гончаровни сиз фақат жаноб Гончаров деб биласиз, у фақат ўзидай кўринади, жаноб Григорович ҳам шундай, бошқа ҳар бир талантли ёзувчимиз ҳам шундай, — ҳеч кимнинг адабий қиёфаси бошқа бир ёзувчининг эгизаги бўлиб кўринмайди, буларнинг ҳеч бирининг ёнида унга пичирлаб сўз ўргатиб турадиган бошқа бирон киши кўринмайди, буларнинг ҳеч бири тўғрисида «шимолий Диккенс», ёки «рус Жорж Занди» ёки «Шимолий Пальмира Теккерейи»

деб айтиш мумкин эмас. Бу мустақилликни биз фақат Гоголнинг хизмати деб билишимиз керак, фақат унинг ижоди, унинг юқори даражадаги мустақиллиги туфайли, бизнинг талантли ёзувчиларимизни мустақиллик бошла-надиган чўққига кўтарди.

«Адабиётда жуда сермахсул оқимга ва мустақиллик-ка асос солган киши» деган унвоннинг шарафли ва жуда ажойиб томонлари жуда кўп бўлишига қарамай, Гогол-нинг жамиятимиз ва адабиётимиз учун жуда буюк аҳамиятга эга эканлигини шу сўзлар билангина таърифлаш мумкин эмас. Гоголь бизни уйқудан уйғотиб, ўз-ўзимизни англашимизга йўл очиб берди — унинг қилган ҳақиқий хизмати ана шудир, биз уни хронологик тартибда буюк ёзувчиларимизнинг биринчиси деб ҳисоблашимиз лозимми ёки ўнинчи деб ҳисоблашимиз лозимми, — унинг хизматининг муҳимлиги бунга боғлиқ эмас. Гоголнинг аҳамиятини шу жиҳатдан қараб чиқиш бизнинг мақола-ларимизда асосий масала бўлиб туриши лозим, — бу шундай муҳим бир ишки, агар бу вазифанинг катта қисми бажарилиб бўлмаганда эди, бу ишни бизнинг кучимиз етмайдиган иш деб билар эдик, шундай бўлгандан кейин, биз Гоголнинг ўз асарларини таҳлил қилганимизда биз мақоланинг бошида гапириб ўтган танқидчилигимиз-нинг билдирган фикрларини бир системага солиш ва у фикрларни кенгайтириш вазифаси қолади, холос; бизнинг қўшадиган қўшимчаларимиз, аслини айтганда, унча кўп бўлмайди, чунки биз баён қилаётган фикрлар, турли-турли масалалар юзасидан узук-узук ҳолда баён қилинган бўлса ҳам, лекин уларни бир жойга жамлаб тўплайди-ган бўлсак, у вақтда Гоголь асарларининг тўла ва ҳар томонлама таърифига эга бўлиш учун тўлатилиши лозим бўлган нуқсонлар жуда оз қолади. Лекин, Гоголнинг рус адабиётидаги ғоят катта аҳамиятини унинг ўзининг ижо-дига баҳо бериш билангина мукамал таърифлаб бўл-майди: Гоголь гениал ёзувчи бўлганлиги учунгина эмас, шу билан бирга, бирдан-бир мактаб, рус адабиёти фахр-ланса арзийдиган мактаб бошлиғи бўлганлиги учун ҳам аҳамияти жуда каттадир, чунки Грибоедовнинг ҳам, Пуш-киннинг ҳам, Лермонтовнинг ҳам, Қольцовнинг ҳам рус адабиёти тарихи учун аҳамиятли бўлган номдор шо-гирдлари йўқ эди. Ўз миллий ёзувчиларимиз таъсири остида рўёбга келган бутун адабиётимизнинг Гоголь са-фига қўшилиб боришига қаноат ҳосил қилишимиз лозим,

ана шундагина унинг рус адабиёти учун қанчалик аҳамиятга эга эканлиги бизга тамомила аниқ ва равшан бўлади. Адабиётимизнинг ҳозирги тараққиёт даражасида қандай мазмунга эга эканлигини шу тахлитда кўздан кечирганимиздан кейин, биз адабиётнинг ҳозиргача нима қилганлигини ва биз ундан нималар кутишимиз лозимлигини, унинг келажакда нималар ваъда қилишлигини ва унинг қандай камчиликлари борлигини аниқлай оламиз,— бу жуда муҳим иш, чунки жамиятнинг вазияти адабиётнинг ҳолатига қараб белгиланади, адабиёт эса ҳамма вақт жамиятга боғлиқ бўлади.

Гоголнинг аҳамияти тўғрисида бу ерда баён қилинган фикрлар қанчалик тўғри бўлишига қарамасдан, биз мақтанчоқлик йўлига кириб кетмасмиканмиз, деб ҳеч бир хавфсирамасдан, бу фикрларни мутлақо тўғри фикрлар деб айта оламиз, чунки бу фикрларни биринчи мартаба айтган кишилар биз эмас, биз у фикрларни миямизга қўйиб олдик, холос, демак, бизнинг иззати нафсимиз бу билан фахрлана олмайди, бунинг иззати нафсимизга мутлақо алоқаси йўқ,—бу фикрларнинг ҳақ эканлиги қанчалик аниқ ва равшан бўлса ҳам, лекин шундай кишилар топиладики, у кишиларга биз Гоголни жуда ҳам юқори қўяётгандай бўлиб туюлади. Бунинг сабаби шуки, Гоголга қарши бош кўтариб чиқаётган кишилар ҳали ҳам бор. Бу жиҳатдан унинг адабий тақдири Пушкин тақдиридан тамомила бошқачадир. Пушкинни ҳамма аллақачон буюк ёзувчи, шубҳасиз буюк ёзувчи деб таниди: масалан, Вальтер Скотт — ҳар бир инглиз учун, Ламартин ва Шатобриан³¹ — ҳар бир француз учун ёки, яна ундан ҳам юқорироқ соҳагача ўтадиган бўлсак, Гёте — ҳар бир немис учун қандай бўлса, Пушкиннинг номи ҳам ҳар бир рус китобхони, ҳатто китобхон бўлмаганлар учун ҳам муқаддас авторитетдир. Ҳар бир рус кишиси Пушкинни ҳурматлайди ва ҳар ким уни буюк ёзувчи деб билганида ўнғайсизланмайди, чунки Пушкинни қадрлаш ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юкламайди, унинг ҳислатларини тушуниш учун ҳеч қандай алоҳида характер сифатларига, ҳеч қандай алоҳида кайфи-ҳолга эга бўлиш шарт эмас. Гоголь, аксинча, шундай ёзувчилар жумласига кирадики, бундай ёзувчиларга меҳр қўйиш учун унинг ўзи билан бир хил кайфиятда бўлиш керак, чунки бундай ёзувчиларнинг фаолияти маънавий тилакларнинг маълум бир оқими учун хизмат қилишдир. Масалан, Жорж

Занд, Беранже³² каби ёзувчиларга, ҳатто Диккенс ва қисман Теккерей каби ёзувчиларга муносабат масаласида халқ икки қисмга бўлинади: буларнинг тилакларига қўшилмайдиган қисми улардан дарғазаб бўлади; лекин уларга хайрихоҳлик кўзи билан қарайдиганлар уларни ўз маънавий ҳаётининг намояндалари деб, оташин истаги ва жуда орзу қилиб юрган умидларининг адвокатлари деб билиб, уларни садоқат билан яхши кўради. Гёте ҳеч кимни ўзига ром ҳам қилмаган эди, ҳеч кимни ўзидан бездирмаган ҳам эди; у ҳар бир кишини баббаравар иззат-ҳурмат қилар ва кишиларга жуда нозик муомала қилар эди, — маънавий жиҳатдан ҳар қандай ҳурматга сазовор бўлган киши Гёте ҳузурига келаверар эди: ҳар нарсага кўнадиган, юмшоқ кўнгил ва аслида ҳар нарсага жуда бепарво қарайдиган бу уй эгаси на ўзининг очиқдан-очиқ қаҳр-ғазоби билан, на ҳатто биронта аччиқ имо-ишораси билан бировни ҳақорат қилар эди. Лекин, агар Диккенс ёки Жорж Занд нутқлари бир хил кишиларга тасалли ёки далда берса, бошқа бировларнинг қулоғига жуда дағал ва жуда ҳам нохуш бўлиб эшитилади. Бу кишилар ҳаётларини фақат дўстларига бағишлаганлар; улар меҳмонхоналарини ҳар бир тўғри келган кишига очиб қўймайдилар: агар бирон киши уларнинг дастурхонига ўтириб қолгудек бўлса, ҳар бир луқма нон унга тиқилади ва ҳар бир сўздан уялиб ўтиради; шунинг учун ҳам, у киши жуда оғир шу суҳбатдан қочиб қутулиб, бу қаҳри қаттиқ хўжайинни бутун умр эсидан чиқармайдиган бўлади. Лекин агар уларнинг душманлари бўлса, кўпдан-кўп дўстлари ҳам бор; шунинг учун ҳам «оқ кўнгил шоир»нинг ҳеч вақт ҳеч қандай пасткашлик, аблаҳлик ва разолатга Гоголь сингари, «бутун вужуди билан нафрат билдириб», ҳамма қабиҳ нарсаларни «нафрат» сўзи билан инкор қилиб», «яхшилик ва ҳақиқатни севишни» тарғиб қиладиган одамга ўхшаш оташин тарафдорлари бўлмайди³³. Кимки ҳаммани ва ҳамма нарсани силаб-сийшалайдиган бўлса, у киши ўзидан бошқа ҳеч кимни ва ҳеч бир нарсани яхши кўрмайди; бирон кишидан ҳамма рози бўлса, у киши ҳеч қандай яхшилик қилмайди, чунки ёмонликни ҳақорат қилмасдан яхшилик қилиш мумкин эмас. Кимга ҳеч кимса душман кўзи билан қарамаса, унга ҳеч ким ҳеч қандай миннатдорлик билдирмаслиги керак.

Ҳимояга муҳтож бўлганлар Гоголдан кўпдан-кўп миннатдордирлар; Гоголь ёмон ва қабиҳ нарсаларни

инкор қилувчиларга бош бўлди. Шунинг учун ҳам у кўп-ларни ўзига душман қилиб қўйди. Бинобарин, у курашган ҳамма қабоҳат ва пасткашликлар йўқолган вақтдагина уни бир тан-бир жон бўлиб мақтайдиган бўладилар!

«Н. В. ГОГОЛЬ АСАРЛАРИ ВА ХАТЛАРИ» ДЕГАН МАҚОЛАДАН

П. А. Кулиш наشري

... «Гоголь хатлари» ва унга яқин бўлган кишиларнинг у тўғридаги шу дамгача босилиб чиққан хатиралари бизни унинг фикр юритиш равиши билан, афтидан, қарама-қарши характерга эга бўлган бу кишининг қандай киши эканлигини, дастлаб қараганда, жуда мантиқсиз, бир-бирига қовушмаган ва ҳатто беҳудадай бўлиб кўринган маънавий ҳаёти қандай умумий идея билан суғорилган эди деган масалани тўғридан-тўғри ҳал қилишга имкон берадиган даражада таништира олмайди. Бинобарин, биз, ижобий далиллар етарли бўлмаганлиги учун, Гоголнинг маънавий ҳаёти масаласини мулоҳазалар йўли билан ҳал қилишга бир қадар яқинлашиш мумкин эмасмикин деб, шунини синаб кўрмоқчи бўлдик.

Тусмол қилишлар ва мулоҳазалар ҳеч қачон асло далиллик даъвосини кўтариб чиқмаслиги лозим. Фактлар гипотезани* тасдиқлаб бермагунича, гипотеза гипотезалигича қола беради, шунинг учун ҳам кўп ҳолларда гипотеза ва унинг бутун тафсилотлари, ишончли ҳақиқатга айланишда ўзгармайдиган фактлар билан тасдиқланмайди, деб айтишимиз керак. Гипотеза ҳақиқатга яқин бўлса, шунинг ўзи ҳам кифоя қилади.

Гоголнинг бевосита маънавий ҳаётига тегишли маълумотлар етарли бўлмаганлигидан, ҳаммадан олдин Гоголь яшаган жамиятларда унинг қандай таъсирларга дуч келганлигини ахтариб топишга ҳаракат қилиб кўраимиз.

Биз Гоголнинг Петербургга кўчиб келган вақтигача кечирган ҳаёти тўғрисида кўп гапириб ўтирмаймиз. Гоголь ўзини уйда, кейин мактабда ўраб олган таъсирлардан тез вақт ичида қутулиб олди. У Петербургга кўчиб келгандан кейин, даставвал; тамомила илмсиз киши бўлганлигидан, ўзининг собиқ мактабдошлари ва умуман ўзи билан таниш бўлган бир қанча камбағал ва номаълум ёшлардан бошқа ҳеч қандай яқин таниш тополма-

* Гипотеза (грекча) — тахмин, фараз қилиш.

ди. Турмуш кам-кўстларини кўриб ҳам хушвақт бўлиб, ҳарала-тарала қилиб юрган шу ёш йигитлар Гоголь кейинчалик улфат бўлган ҳамма кишилар орасида энг яхшилари эди. Лекин, Гоголь бу одамлар ўртасида ёшларга хос вақтихушликдан бошқа бирон нарса топа олгани йўқ. У замонлар ёш насллар учун, айниқса Петербургда энг аянч ва пуч замонлар эди.

Бундан ўн йил аввал, ундан ўн йил кейин Петербург ёшлари юксак идеялар билан руҳланган эди. Тахминан 1830 йилларда бундан асар ҳам қолмади¹. Ёшлар Пушкинга жуда қойил бўлиб юрар эдилар, шунда ҳам илгаригидай шавқ-завқ йўқ эди; ёшлар ўртасида Пушкинга қойил бўлишдан ташқари, ёшлик чоғидаги ўйин-кулгилар доирасидан четга чиқадиган бирон орзу-умид топиш маҳол бир нарса эди. Москвада ёшлар «Телеграф»ни жуда зўр ҳавас билан ўқир эдилар, Петербургда «Телеграф» ўрнига «Сын отечества» ҳамда Свиньин²нинг «Отечественные записки»си² бор эди. «Сын отечества» булоқдай қайнаб турган даврлар ҳам бўлган эди, лекин бу давр 1829 йилдан анча илгарийёқ тугаб, «Сын отечества» қуп-қуруқ, ва жонсиз бўлиб қолган эди. Свиньиннинг «Отечественные записки»си энг аввал бошдан бошлаб то охиригача ланд парвоз сўз эшитилмас эди. Албатта, у вақтдаги ёшлар бир қадар қаноатланиб ўқийдиган нарсалар шулар эди. Бу ёшлар ўртасида кишини жуда кулдирадиган ва ёшларнинг юрагини тўлдириб турадиган биронта ҳам баланд парвоз сўз эшитилмас эди. Албатта, у вақтдаги ёшлар инсоният тақдири тўғрисидаги, бутун дунё масалалари тўғрисидаги, Россиянинг бахт-саодати ва шу кабилар тўғрисидаги шу идеялар ҳақида бирон нарса эшитганида эди, ёшлар ҳам шу идеялар тўғрисидаги баланд парвоз фикрларга душманлик кўзи билан қарамаган бўларди. Лекин гап шундаки, ёшлар бундай нарсаларни ҳеч қаердан ва ҳеч кимдан эшита олмас эди. У вақтдаги ёшлар Пушкиннинг илгари «Кавказ асири» сингари жуда ажойиб поэмалар ёзганлигини, ҳозир эса «Граф Нулин» деган поэмалар ёзаётганлигини, бу поэмалари кишини унча қизиқтирмадлигини, лекин ҳозир ҳам Пушкин асарларига қизиқмайдиган киши нафратланган зоил* эканлигини би-

* Зоил — ҳаққига кўчмайдиган ва жуда айбитувчи танқидчи (эрамиздан олдинги IV асрда ўтган ва Гомер асрларига ёпишиб олиб ном чиқарган грек философи ва танқидчисининг номидан олинган).

лар эди, холос. Ўша вақтдаги ёшлар Язиков, Баратинский, Дельвиг ва ҳоказолар³нинг ёзаётган шеърлари ҳам Пушкиннинг шеърларидан асло ёмон эмаслигини ҳам билар эдилар, лекин шу билан бирга бу шоирлар ҳам буюк шоирлар бўлишига қарамасдан, Пушкин сингари буюк шоир деб ҳисобланиши мумкин эмаслигини ҳам билар эдилар. Пушкиннинг шеърларидаги оҳангдорлик ва равонликдан ташқари, унинг нимаси яхши эканлигини 1830 йилларда ҳеч ким билмас эди; илгари Пушкинда қандайдир романтизм бор деб билар эдилар, бу романтизм Марлинский⁴ танқиди давом қилиб турган замонларда қандайдир жонли бир нарса деб талқин қилинар эди; лекин 1830 йилга келиб Петербургда ҳатто Марлинскийнинг танқидини ҳам эсдан чиқариб юбордилар, шу билан романтизм шунчаки ажойиб бир нарса бўлиб кўринган эди. Агар ўша вақтларда Петербург ёшларининг адабий тунчалари шундай бўлган бўлса, у ёшларнинг бошқа жонли идеяларга муносабати қандай бўлганлигини кишининг тасаввур қилиши осон: бу шўрлик ёшлар бундай идеяларнинг борлигини билмас ҳам эдилар.

Орадан кўп ўтмасдан Гоголь ёзувчи бўлиб кетди ва Гоголнинг ижодий кучларининг тараққий этиши учун шу дамгача оддий бир бахтли ва самарали тасодиф деб аталиб келган тасодиф туфайли Гоголь ўша вақтда Петербургда жуда машҳур бўлган ёзувчилар тўғарагига кириб олди. Бу тўғарақдаги биринчи киши ҳақиқатан буюк талант эгаси, ҳақиқатан ўткир ақл эгаси, хусусий ҳаётда ҳақиқатан жуда олийжаноб характер эгаси эди. Пушкин ёш ёзувчига далда берди ва адабий шуҳратга мана бу йўл билан бориш керак деб, уқтириб турди. Лекин, бу уқтириб туришларнинг характери қандай бўлиши мумкин эди? Пушкиннинг олдинги йўлбошчилари ўрнига унинг янги дўстлари пайдо бўлиб, олдинги нохуш вазият ўзгариб, уни бир вақтлар, жуда юзсиз ёш бола деб, ундан гина қилиб юрган одамлар Пушкинга хайрихоҳлик билдира бошлаган вақтда, Пушкиннинг тамомила вояга етган фикр равишининг қандай эканлиги маълум. Пушкин хусусий ҳаётида то умрининг охиригача олийжаноб киши бўлиб қолди: у ҳеч вақт ўз замонидаги эътиқодларга эргашган киши эмас эди⁵; илгари «Арион»да ўзи хотирлаб ўтган таъсирлар остида шундай бўлиб кўринар эди, ҳозир эса ҳатто шундай бўлиб ҳам кўринмай қолди. У чуқур фикр эгаси бўлган Катенинни⁶ далил келтириб, санъ-

ат тўғрисида унинг бадий томонини гапириши мумкин эди; ёш Гоголга «Шоир ва қора халқ» деган ажойиб шеърларни ва ундаги ажойиб байтларни

Тирикчилик ташвиши учун ҳам эмас.
Тамаъ-ю, жанглар учун ҳам эмас... ва ҳоказо,

деб ўқиб бериши мумкин эди. Гоголга, Полевой — қуруқ ва бемаъни бақироқ деб айтиши мумкин эди; «Қишлоқдаги оқшомлар» даги чин вақти-хушликларни мақтаб гапириши мумкин эди. Буларнинг ҳаммаси, албатта, яхши, лекин булар кифоя қилмайди; тўғрисини айтсак, буларнинг ҳаммаси яхши эмас.

Агар биз нуқул артистликнинг гўзаллиги тўғрисида мулоҳаза юритаётган кишилар ўртасига бунгача бирон мустаҳкам ва систематик фикр эгаси эканлигини исбот қилиб кўрсатмаган, яхши ўқиб маълумот олмаган бир ёш йигит кириб қолди, деб фараз қиладиган бўлсак, бу ёш йигит метафизик* масалалар тўғрисида соғлом тушунчаларга эга бўлмаса, ва давлат ишларига турлича қарашдан биронтасини танлаб олишга тайёр бўлмаса, биз бунга ҳайрон қолишимиз керакми?

Жамиятда мустаҳкам ўрнашиб қолган урф-одатлар деярлик ҳар биримизнинг хатти-ҳаракатимизга жуда зўр таъсир қилади. Бирон кишига жамиятнинг юқорироқ синфига мансуб бўлганлар орасига кириш насиб бўлиб қолса, ўзидан пастроқ кишилар билан бўлганида ҳузур қилишига халақит берадиган майда шуҳратпарастлик бизда ҳали жуда кучлидир. Гоголь Пушкин тўғрагига кирганидан кейин, ўзининг олдинги ёш дўстлари орасида бўлганда илгаригидай лаззатлана олмай қолган экан, у бизнинг ҳар биримизга ўхшаб кетарди, деса бўлади. Пушкин ва унинг дўстлари Гоголга шундай оқкўнгиллик билан меҳрибонлик қилдиларки, агар уларни одам деб билиб, уларни қадр қилмаса, кишининг яхшилигини билмайдиган ношукур одам бўлар эди. «Лекин одамларга ўзини яқин тутиш мумкин-у, лекин уларнинг фикрига қўшилмаслик мумкин». Албатта, шундай, лекин мен ўзим мустаҳкам ва бир системага солинган эътиқод эгаси бўлган вақтимдагина шундай бўлиши мумкин, йўқса, барча халқ ўртасида жуда юксак ҳурматга сазовор бўлган

* М е т о ф и з и к а (грекча) — бу ерда абстракт маъносиди.

бутун бир тўда кишиларнинг — ҳар бири мендан анча билимли бўлган кишиларнинг миямга қуймоқчи бўлган фикрларини инкор қилиш учун мен қаердан далил топа оламан? Агар билимим оз бўлса ва бу кишиларни виждонли ва олийжаноб кишилар деб биладиган бўлсам, мен ҳам секин-секин уларга ўрганиб бораман, шу билан уларнинг эътиқодларини олийжаноб ва одилона эътиқод деб ҳисоблайдиган бўламан.

Гоголда аскетизм оқими деб аталган оқим ривожлана бошлаган вақтгача унинг на мустаҳкам бир эътиқод, на аниқ бир фикр эгаси бўла олмаганлиги шубҳасиз бўлса керак. У жамиятимизда учрайдиган чала маълумотли кишиларнинг кўпчилигига ўхшар эди. Бундай кишилар айрим ҳодисалар тўғрисида, кўзларига учраб қолган фактлар тўғрисида уларнинг табиий инстинкти қандай ҳукм чиқар деса, улар худди шундай ҳукм юритадилар. Худди шундай, Гоголь ҳам, табиатан фактларга ўша вақтдаги бошқа ёзувчиларга қараганда кўпроқ шундай жиддий назар билан қарашга мойил бўлганлигидан табиатнинг бирдан бир инстинктив таъсирига бўйсуниб, «Ревизор»ни ёзган эди: бемаза фактлар унинг жиғига теккан эди, шунинг учун ҳам у бу фактларга қарши ғазаб билдирган эди; бу фактларнинг қаерлардан келиб чиқиши, бу фактлар учрайдиган ҳаёт соҳалари билан ақлий, маънавий гражданлик, давлат ҳаётининг бошқа соҳалари ўртасида қандай алоқа борлиги тўғрисида у кўп ўйлаб ўтирмаган эди. Масалан, порахўрлик билан жоҳиллик ўртасида бирон алоқа бор-йўқлиги тўғрисида, жоҳиллик билан турли граждан муносабатлари муассасалари ўртасида бирон алоқа бор-йўқлиги тўғрисида у, албатта, жуда камдан-кам ўйлар эди. У бирон порахўрлик тўғрисидаги воқияни эшитганида, унинг миясида фақат порахўрлик тўғрисидаги тушунчагина пайдо бўлар эди, холос; ўзбошимчалик, ҳуқуқсизлик, централизация ва шу каби тушунчалар унинг миясига келмаган эди. Гоголь ўзининг шаҳар ҳокимини тасвирлаганида, албатта, бошқа бирон давлатда вазифалари худди шу шаҳар ҳокими вазифаларига мувофиқ келадиган ва улар устидан худди шаҳар ҳокимини назорат қилганлари сингари назорат қилиб туриладиган чиновниклар бор-йўқ эканлиги тўғрисида ўйлашни хаёлига ҳам келтиргани йўқ эди. Гоголь ўзининг «Ревизор» комедиясига ном қўйганида, бошқа мамлакатларда ҳам ревизорлар юбориш

одати бор-йўқлиги тўғрисида ўйлашни хаёлига ҳам келтирмаган эди; бизнинг давлатимизнинг провинцияларга ревизорлар юбориб туриш зарурати ижтимоий тузумнинг қандай формаларидан келиб чиқиши тўғрисида ўйлаш унинг миясига келган ҳам эмас эди. Биз, булар тўғрисида Гоголь ўйлагани ҳам йўқ, деб дадил айта оламиз, чунки уни бажонидил ва меҳрибонлик билан ўз ичига олган ўша жамиятда Гогольнинг бундай нарсаларни эшитиши ҳам мумкин эмас эди, Пушкин билан танишишидан илгари бундай нарсаларни эшитиши яна ҳам маҳол бир нарса эди. Ҳозир, масалан, Шchedрин порахўрликка асло бундай инстинкт билан қарамайди — унинг «Нўноқлар» ва «Шумлар» деган ҳикояларини ўқиб чиқсангиз, порахўрликнинг қаердан келиб чиқишини, порахўрликни қандай фактлар қувватлашини, қандай фактлар бу порахўрликни тағи-туғи билан йўқотиб ташлаши мумкин эканлигини, Шchedриннинг жуда яхши тушунишини кўриб қаноат ҳосил қиласиз. Гоголь асарларининг мағзига синган ҳеч қандай бундай фикр топа олмайсиз. Гоголь фақат хусусий бир фактни кўради, ундан ҳақли ўлароқ дарғазаб бўлади-ю, шу билан жим бўлиб қўя қолади. Бу айрим фактнинг ҳаётимизнинг бутун шароити билан қандай алоқаси бор эканлигига у асло эътибор бермайди.

Гоголь ўз савиясининг бундай пастлиги учун айбдорми? Биз, албатта, Гоголь мутафаккир эмас эди, балки фақат санъаткор эди, деган сийқаси чиқиб кетган гаплар билан уни оқламоқчи эмасмиз: мутафаккир бўлиш учун ҳам табиатдан етарли ақл ололмаган санъаткор кўп узоққа боролмайди. Бизнинг замонамизда фақат талант билангина кўп узоққа бора олмайсан; Гогольнинг фаолияти эса анча ёрқин фаолият бўлган бўлса керак, демак Гоголь дудуқланиб қолган нарсалар тўғрисида жуда яхши мулоҳаза қилаётган бизларнинг ҳар биримизда қанча ақл бўлса, Гогольда ҳам, ҳеч бўлмаганда, шунча ақл бўлса керак. Гап шундаки, китобхон, биз билан сиз Гоголга нисбатан кўпроқ тараққий этган жамиятда тарбия олганмиз. Қани бир эслаб кўринг-чи, сизнинг ҳаётингизда, масалан, ақалли, «принцип» деган сўзни билмаган вақтингиз бўлганмиди? Гоголь эса «Ревизор»ни ёзган вақтида, Пушкин билан ва ўша даврдаги бошқа кўпгина машҳур одамлар билан танишганига бир неча йил бўлганига қарамай, шу сўзни эшитмаган эди. Еки яна бир мисолни олиб кўрайлик: сиз, китобхон, Францияда префектнинг суд

маъмуриятида ҳеч қандай иштирок қилмаслигини, фақат маъмурий ҳоқимият эгаси эканлигини кўп йиллардан буюн эшитиб келган бўлсангиз керак; Гоголь бўлса, «Ревизор»ни ёзган вақтида француз префектлари борлигини эшитмаган бўлиши ҳам жуда мумкин, агар борди-ю, эшитган бўлса ҳам, префектнинг маъмурий вазифалари губернатор ҳоқимиятининг вазифалари сингаридир, деб ўйлаган бўлиши жуда эҳтимол; унинг суд ҳоқимиятини маъмурий ҳоқимиятдан ажратиш назарияси деган назарияни асло билмаганлиги ҳеч шубҳасиздир. Жуда меҳнатсевар ва муҳтарам тарихчимиз Ертов⁷ тўғрисида эшитганмисиз? У фақат рус манбаларига асосланиб туриб, кўп томли «Умумий тарих»ни ёзиб чиққан. Бу тарихчи фактларни бошқа ҳар қандай тарихчи сингари аниқ баён қилган. Унинг тарихида ҳам карфагенлилар Римни эмас, балки римлилар Карфагенни вайрон қилади, унинг тарихида ҳам қамал вақтида карфагенлиларнинг қаҳрамонона ватанпарварлиги жуда таъсирли бўёқлар билан тасвирлаб берилган. Буларнинг ҳаммаси жуда муфассал ва тўғри баён қилинган. Лекин, унинг тарихида бутун даврлар гўёки бир нуқсондай бўлиб қолиб кетган; у нима ҳам қилсин, у айбдор эмас: рус китобларида бу даврларга оид материал топилмаган. Унинг воқиаларнинг сабаблари ва оқибатлари тўғрисидаги мулоҳазалари ҳаммадан қизиқ; бу тўғрида у жуда кам гапиради, лекин жуда ажойиб гапларни айтади. Сиз унинг бу ёзган нарсаларида шундай мулоҳазаларни учратасизки, бундай мулоҳазалар Маколейни ҳам, Шлоссерни ҳам омон қолдирмас эди⁸, чунки ҳаммасини чатоқлаштириб юборган. Ҳолбуки, аслини олганда, Ертовнинг⁹ ўзи кўп француз ёки немис тарихчиларидан асло ақлсизроқ тарихчи эмас эди; лекин тарихий воқиаларнинг сабаблари ва оқибатлари тўғрисида унинг қўлида бирон ишга ярайдиган фикрлар бўлмагандан кейин, у фақат ўзи ўқиши мумкин бўлган бирдан-бир китоблардан Небурнинг⁹ ўзи ҳам ечиб бера ололмайдиган бемаъни гапларни ўқий бериб миясини шу бемаъни гаплар билан тўлдириб олгандан кейин, нима қилсин?

«Лекин, шундай гениал ақл эгаси бўлган Гоголь қандай қилиб айрим фактлар билан кифояланиб қўя қолган, қандай қилиб бу фактларни умумий ҳаёт тузилиши даражасига кўтара олмаган? Қандай қилиб, у бемаъни ва юзаки изоҳлар билан, йўл-йўлакай қулоғига чалиниб қолган изоҳлар билан қаноатланиб қўя қолган? Ниҳоят, қан-

дай қилиб у, масалага жиддий қараши, унинг ўз табиати-га жуда мос келадиган кишилар билан яқинлаша олма-ган?».

Агар Гоголь ёшлик чоғида Пушкиннинг жўралари ўртасида ҳукмронлик қилган нуқтаи назарлардан кўра, фикр равиши унинг табиатининг истинктив йўлига кўпроқ тўғри келадиган кишилар билан таниш бўла олганида эди, кейинги саволга жавоб бериш жуда қийин бўлар эди; лекин ҳамма гап шундаки, 1827—1834 йиллар чама-сида (Гоголь ўн саккиз-йигирма беш ёшларда бўлган вақт-да) ҳеч ким Петербургда бундай кишиларнинг борлигини эшитмаган ҳам эди, бундай кишиларнинг ўзи бўлмаган бўлса ҳам керак. Дуруст, Москвада Полевой бор эди; лекин у вақтда Полевой билан Пушкиннинг ораси бузил-ган эди, шунинг учун ҳам у Пушкиннинг жўралари ора-сида ўз шахсий фазилатлари жиҳатидан ҳам, фикр ра-виши жиҳатидан ҳам жуда ёмон киши деб ҳисобланган бўлса керак, деб ўйлаш лозим, шу сабабдан Гоголь энг аввалдан бошлаб уни ёқтирмаган эди; у вақтда Москва-да Надеждин¹⁰ ҳам бор эди, лекин Надеждин Пушкинни жуда ёвузлик билан танқид қилиб чиққан эди ва Пуш-киннинг ҳамма жўралари узоқ вақтгача унга ғазаб билан қараб келган эди. Агар Полевой билан Надеждин Го-голнинг йигитлик чоғида у билан бир шаҳарда яшаган-ларида эди, эҳтимол, у шахсий муносабатларга, бу киши-ларнинг шахсиятини қадрлашга ва уларнинг тушунчала-рига хайрихоҳлик билдиришга ўрганар эди. Лекин Гоголь бу вақтларда Полевой билан Надеждинни фақат мақола-лардан билар эди, бу мақолаларни Гоголь ҳар вақт бемаъни ва қабиҳ мақолалар, деб ҳисоблашга ўрганган эди.

Орадан бир кўп йиллар ўтгандан кейин — «Улик жон-лар»нинг биринчи томи ёзилиб тамом бўлган (1840—1841) йилларда, бошқа йўл тутган кишилар кўпчилик халққа маълум бўлди,—булар Гоголга ҳам энди маъ-лум бўлган бўлса керак: лекин бу вақтда Гоголь ўттизга кирган эди; у вақтда Гоголь жуда катта шуҳрат қозонган эди, рус халқининг буюк устози бўлиб олган эди,—бу вақтда ўзидан бир неча ёш кичик бўлган, ҳам ижтимоий вазияти жиҳатидан, ҳам адабий обрўси жиҳатидан ундан минг мартаба пастда турган кишилардан унинг таълим олиш вақти ўтиб қолган эди. Агар ҳатто Гоголь Пушкин-нинг жўраларига ёндошмаганида ҳам, ҳалигидай киши-

лар билан яқинлашишга ҳаракат қилмас эди; ҳолбуки Пушкин жўралари орасига кирган кишининг бундай қилиши асло мумкин эмас эди.

Лекин, энг муҳими шуки, Гоголь 1836 йилдан бошлаб ҳамма вақт деярлик чет мамлакатларда яшади, шунинг учун ҳам, албатта, Россияда илгари таниш бўлган кишилари билангина алоқа қилиши мумкин эди.

«Қандай қилиб, у шундай ўткир ақл эгаси бўла туриб, хусусий воқиалар билан қаноатланиб қўяқолди, бу воқиаларнинг умумий ҳаёт системаси билан алоқаларини ахтариб топмади? Қандай қилиб у Петербургда яшаган вақтида учраган одамлари ўртасидаги тушунтиришлар билангина қаноатланиб қўя қолди?» Лекин, Гоголь чет элга кўчиб кетган вақтида (1836) унинг ёши ҳали йигирма еттига ҳам етмаганлигини, бу одамлар ўртасида эса йигирма яшар вақтидан буён яшаб келганлигини эсга олайлик. Илм жиҳатидан ўзидан жуда баланд турадиган машҳур кишилар орасига қадам қўйиб кираётган ёш йигит қанчалик гениал ва ақли ўткир бўлса ҳам, ўз мамлакатадаги ҳамма ўқимишли кишилар, шу асрнинг энг илғор кишилари, деб эътироф қилган бу кишилар тўғрисида, бир мунча вақтгача, булар ҳақиқатан илғор кишилардир ва уларнинг фикр равиши ҳозирги замон талабларига мувофиқдир, деб ўйлаб юрар экан, бу ажабланарли бир нарсами? Ҳатто философиядан таълим олган кишилар ҳам йигирма-йигирма беш ёшида мустақил мутафаккир бўлолмайдилар; ҳатто ўз табиатига кўра умумий принципларни яхши кўрганидан хусусий фактларни менсимасликка ҳаммадан кўпроқ мойил бўлган кишилар ҳам уларга йигирма-йигирма беш ёшида айрим фактларнинг таъсирларини мустақил суратда умумий принциплар даражасига кўтара олмайди. Ёшлик назария вақти эмас, балки ҳаёт вақтидир; назарияга эҳтиёж кейинроқ, ҳаётнинг энг янги туйғулари кишини маст қилиб бутун фикр кучини ютиб юборадиган биринчи пайт ўтиб кетгандан кейингина сезила бошлайди.

Гоголь чет элга борди; унинг ёши ҳам ўттизларга яқинлашиб қолди, у йигитлик ёшидан ўтиб, улғайиб қолди, фақат яшаш ва ҳис қилиш эҳтиёжинигина эмас, балки фикр қилиш эҳтиёжини ҳам сеза бошлади; унга энди назария керак бўлиб қолди, табиатнинг истинктив таъсири ва айрим фактлар туфайли унда пайдо бўлган туйғуларидан турмуш ҳақидаги мунтазам бир фикр яра-

тиш учун назария керак бўлиб қолди, умумий асослар керак бўлиб қолди. Унинг онгли дунё қараши қандай бўларкин?

Биз, мақоламизнинг бу қисмини китобхоп гипотеза деб ҳисобласа ҳам эҳтимол, деб гапириб ўтган эдик, лекин бу гипотеза Гоголнинг «Авторнинг тавбаси»да ўзи тўғрисида ёзиб қолдирган шаҳодатларига жуда мос келади. Биз бу мақоладан бир жойини келтирамиз:

«Менинг матбуотда пайдо бўлган дастлабки асарларимда кўрилган вақти хушликнинг сабаби бир қадар кўнгиш тусашидир. Тез-тез дилим жуда ғаш бўлиб турарди, бунинг сабабини ўзим ҳам билмас эдим, бу — эҳтимол, менинг касаллигимдан бўлган бўлса керак. Мен ўзимни овутиш учун қўлимдан келганича нукул кулгили ҳодисаларни ўйлаб чиқарардим. Жуда кулгили шахслар ва характерларни тўқиб чиқарардим, уларни хаёлимда жуда ҳам кулгили ҳолларга солиб кўрардим . . .» (П. А. Кулиш наشري, III том, 500 бет).

Гоголь бунда ўзи тўғрисида қандайдир ғайри-табiiй, ҳақиқатга тўғри келмайдиган бир нарсани ҳикоя қилиб бераётгандай хаёл қилади; ҳақиқатда эса ҳажвий асар ёзувчиларнинг кўпчилиги ана шунақа доим хафақон бўлиб юрадиган кишилар эди: Мольерни мисол келтириш мумкин. Бошқалар хафагарчиликни эсан чиқариш учун айши-ишрат қилиб кун кечиргандай, ҳажвий асар ёзувчилар хафагарчиликларини ҳазилкашлик ва кулги билан тарқатишга ҳаракат қилар эдилар. Гоголь ўзининг нимадан хафалигини билмайди; унинг ўзи касаллигини етарли сабаб эмас деб ҳисоблайди. Гоголь ўз хафагарчилигининг сабаби нима эканлигини жуда яхши тушунадиган ҳозирги замон кишиларига ўхшамаслиги шунинг ўзиданоқ аниқ ва равшан эмасми? Чичиковни, Сквозняк-Дмухановскийни ва Акакий Акакиевични яратган Гоголь Чичиковлар ва Акакий Акакиевичлар томошаси софдил кишининг юрагида ғам-ғусса пайдо қилишини билмайди. Айрим фактларни турмушимиздаги умумий вазият билан алоқадор деб ўйлашга ўрганиб қолган бизларга бу жуда қизиқ ва ғалати туюлади: лекин Гоголь бунинг алоқадор эканлигини пайқамайди.

«... Жуда кулгили шахслар ва характерларни тўқиб чиқаришти, уларни фикран жуда кулгили ҳолларга солиб кўрипти, лекин бунинг нима учун кераклиги ва бундан

кимга қандай фойда чиқиши тўғрисида асло жэн куйдирмапти. Бунга кишининг миясига ҳеч қандай савол келмайдиган ёшлик далда бериб турипти».

Баъзи бировлар ҳатто, Гоголнинг ўзи ўз асарларининг маънисини тушунмас эди, дейишдан ҳам тоймадилар,— бунинг беҳуда бир нарса эканлиги жуда аниқ ва равшан кўриниб турипти; лекин шуниси ҳақиқатки, Гоголь ўзининг «Ревизори»да провинциялардаги чиновникларнинг порахўрлигидан ва ўзбошимчалигидан ғазаблангани ҳолда, унинг бу ғазоби қаяққа олиб боришини пайқамади: унга шу порахўрликни йўқотиш истаги бўлса, шу билан ҳамма иш жойида бўладигандай кўринди; бу ҳодисанинг бошқа ҳодисалар билан боғлиқ эканлиги унга аниқ ва равшан эмасди. Гоголь провинциялардаги чиновникларнинг ҳийла-найрангларини қилган танқидимнинг оқибатлари жуда катта бўлишини кўриб ўзим ҳам қўрқиб кетдим, дер экан, унинг бу сўзларига ишонмай бўлмайди.

Кишида баркамол ва онгли эътиқодлар ё жамият таъсири остида, ёки адабиёт ёрдами билан пайдо бўлиб ривожланади. Кимки шу ёрдамчи воситалардан маҳрум экан, у киши бутун умри айрим фактлар тўғрисида шу узук-юлуқ фикрларида қола беради, у одам бу фактларни онгли суратда бирлаштириш учун ҳеч қандай эҳтиёж сезмайди. Бизда, ҳатто яхши маълумот деган маълумот олган кишилар ўртасида ҳам, бундай кишилар ҳозиргача кўпчилиكنи ташкил этади. Бундай кишилар айрим ҳодисалар тўғрисида бир қадар тўғри ҳукм юритадилар, лекин бирон умумий ва катта масалалар тўғрисида гап бўлди дегунча, уларнинг муҳокамаларининг бир-бирига боғланмаганлигини ва ички ихтилофларини кўриб ҳайрон қоласиз. Бундан йигирма йил илгари бу ҳолдан қутулиш учун лозим восита ва ташқи орзу-ниятлар бундан кўра ҳам оздай бўлиб кўринар эди. Мунтазам фикр равишини ривожлантириш учун у вақтларда адабиёт ҳозиргидан анча кам нарса берган эди; гап умумий масалаларга бориб етгунча, энг яхши ёзувчиларнинг фикрлари умуман жуда ҳам суюқлашиб кетар эди, бундай масалалар тўғрисида умуман мияларига нима келиб қолса, шуни гапирар эдилар. Масалан, Пушкиннинг прозаик мақолаларини ўқисангиз, шу бир кишининг ўзи икки-уч саҳифада ҳар хил жуда кўп фикрларни қандай қилиб бирга қўшганлигини кўриб ҳайрон қоласиз. У вақтларда жами-

ят ўртасида фикр қилишга мойил бўлганлар жуда оз эди: «Уқиш кутубхонаси»¹¹нинг жуда ҳам муваффақият қозonganлигининг ўзиёқ буни исбот қилиб беради, ҳолбуки бу кутубхонанинг ҳеч қандай фикр йўли йўқ эди, ҳозир эса бирон фикр йўлига эга бўлмаган журналнинг ҳеч кимга кераги ҳам бўлмас эди. Бизла бундан йигирма йил илгари бўлган деярлик ҳамма ёзувчилар маънавий эҳтиёж жиҳатидан бутун умрлари қандай даражада турган бўлсалар, Гоголь ҳам ҳаммаша шу даражада турган бўлса, бу нарса Гоголь учун жуда катта узр бўлар эди. Лекин, Гоголь ёшлигининг биринчи даврини яшаб бўлиши билан ноқ, кишилиқ ҳаётига маълум бир нуқтаи назар билан қарашга жуда қаттиқ эҳтиёж сеза бошлади, бошқалар қаноатланиб келган узук-юлуқ, енгил-елпи ва бир-бирига боғланмаган таассуротлар билан қаноатланмасдан, мустаҳкам бир эътиқодга эга бўлиш эҳтиёжини сеза бошлади. Бу унинг табиати жуда баланд даражали эканлигини кўрсатади. Лекин, фаннинг жуда муҳим ва чалкаш масалаларини тўғри йўл билан бориб адолат билан ҳал қилиш учун табиат инстинктининг ўзи кифоя қилмайди: бунинг учун яна ё илмий тайёргарлигинг ёки ишончли раҳбарларинг бўлиши керак. Энди Гогольда мустаҳкам бир фикрга эга бўлиш эҳтиёжи туғилганда унинг қандай аҳволда эканлигини эсга олайлик.

Гоголь Россияда, бирга яшаб юрган одамлари ўртасида ҳозир унинг фикрини банд қилган вазифалар тўғрисида ўйлаб кўриш учун жон куйдирганларни учратмаган эди. Бу вазифалар тўғрисида шу қадар оз гапирлар эдики, у ҳатто ҳозирги замон ҳаётига тегишли масалаларни текширганда қандай китобларга мурожаат қилиши лозимлигини ҳам билмаган эди: биздан бир ярим минг йил илгари яшаган кишилар қанчалик ҳурматга сазовор кишилар бўлса ҳам, уларнинг бизга раҳбар бўла олишлари мумкин эмаслигини, чунки улар яшаган вақтда жамиятнинг эҳтиёжлари ҳозирги эҳтиёжлардан тамомила бошқача эканлигини, чунки уларнинг цивилизацияси бизнинг цивилизациямизга ҳеч ўхшамаслигини ҳам билмас эди. Жамият уни болалиқ чоғида олган сабоқлари ва эшитган тавсиялари таъсири остидан қолдирди, чунки бу жамият гўдак боланинг бир замонлар ўз онасидан эшитган юксак даражали ахлоқ масалалари билан ҳеч вақт шуғулланмаган эди. Энди ана шу йигирма етти яшар кичи ўзини қийнаб келаётган масалаларни ҳал қилишни

китоблардан ахтара бошламоқчи бўлганида, унинг ўз онасининг уйида бир замонлар ўқишга тавсия қилинган китоблардан бошқа қандай китобларга мурожаат қилишини билмай қолди. Бу — ҳақиқатга тўғри келмайдиган жуда ғалати бир ҳол эди, лекин ҳақиқатда шундай бўлган эди. Орадан анча йиллар ўтганидан кейин, Гогольга фикр равиши бошқача бўлган бир киши¹² билан ўзининг «Дўстлар билан ёзишма» деган асари тўғрисида мунозара қилишга тўғри келиб қолганда, у соддалик қилиб болалик вақтида унга насиҳатгўйлик қилган авторитетларни далил келтирган эди, бунда унинг мухолифи ёки дунёда бошқа бирон киши улар тўғрисида бошқача ўйлашини ёки ҳақиқатни фақат уларнинг раҳбарлиги остида билиб олмасдан, бошқаларнинг раҳбарлиги остида ҳам билиши мумкинлигини ҳеч хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ундан кейинроқ, Гоголь ўзининг «Авторнинг тавбаси»ни ёзган вақтида уни, йўлдан адашдингиз, деб айблаганларида, у яна соддалик қилиб шу авторитетларни далил келтирган ва қандай авторитетларнинг раҳбарлиги остида ишлаганлигимни тушунтириб берсам, дарҳол ўз йўлимнинг ҳақиқий йўл эканлигига ҳаммани, шубҳасиз, ишонтираман, деб хаёл қилган эди: «Авторнинг тавбаси»ни ўқиганингда: «Сен ўқишинг лозим бўлган китобларни эмас, бошқа китобларни ўқибсан» деган эътироз бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганлигини аниқ ва равшан кўриш мумкин. Гоголь болалик хотираларида сақланиб қолган китоблардаги ҳақиқатдан бошқа ҳақиқат йўқ, деб айтадиган бўлсам, ҳамма менинг фикримга қўшилади, деб хаёл қилар эди.

Ҳозирги вақтда бундай маънавий ожизликнинг бўлиши мумкин бўлмаса керак; лекин бундан йигирма йил илгари кўп нарсалар бошқача эди. Ҳозир бизнинг адабиётимиз қандай бўлса ҳам, унда фикр бор. 1835-1837 йиллар чамасида бундай эмас эди; ҳозир сиз «ўйлаб кўришга мажбур қиладиган масалалар» деган гапларни жамиятда тез-тез эшитиб турасиз, у вақтларда бундай гаплар жуда сийрак учрар эди. Лекин кимга Гоголнинг ўтакетган соддалиги жуда ҳам ғайри табиий бўлиб кўринса, у киши ўз таниш-билишларига назар ташлаши мумкин, шундай қилса, у киши Гоголнинг шу соддалигига ишонади ҳам; ҳозир ҳам кўпинча сиз шундай кишиларни учратасизки, бу кишилар русча журналларни ҳам, ҳатто чет эл газеталарини ҳам ўқийдилар-у, бирон масалада кўнгилларига шубҳа

тушуб қолса, мактабда ўқиган дарсларига қараб қўядилар! Булар билан Гоголь ўртасидаги фарқ унча катта эмас.

Агар Гоголь Россияда яшаганида эди, эҳтимол, у танлаб олган метод тўғрисидаги фикрга қарши чиқадиган кишиларни учратиши мумкин эди, лекин бунда ҳам Гоголнинг кирган йўлини маъқуллаган номдор одамларга қарши тура оладиган кишиларнинг таъсири бўлиши маҳол бир нарса. Лекин у, чет элларда, Гоголь суянмоқчи бўлган авторитетлар тўғрисида у билан бир хил фикрда бўлган уч-тўрт киши билан кўришиб турар эди. Унинг хатларидан маълум бўлишича, унинг энг яқин дўстлари Жуковский билан Язиков эди. Унинг хатларининг оҳангги шуни кўрсатадики, бу икки машҳур ёзувчи Гоголда пайдо бўлиб ўсиб бораётган майлни фақат кучайтириши мумкин эди. Жуковский ҳам, Язиков ҳам ўз билими жиҳатидан Гоголдан жуда юқори турар эди; униси ҳам, буниси ҳам хусусий ҳаётда кишиларнинг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган кишилар эди. Вундан ташқари, Язиков бир неча мартаба Гоголга анча яхшиликлар қилган эди; Жуковский, Гоголга ундан ҳам кўпроқ яхшиликлар қилган эди; киши шахсий ҳаётда кимникий яхши одам деб ҳисобласа, ҳамма вақт унинг фикрларини жуда ҳурмат қилади.

Гоголнинг Россияда қолган дўстлари ичида энг кўп ишонадиган кишиси жаноб Шевирев¹³ эди. Бу олимнинг асарлари шуни исбот қилиб берадики, у одам Гоголнинг маънавий ҳаётини банд қилиб олган умид-орзуларни маъқуллаши лозим эди.

Гоголнинг турмушга қарашида «Дўстлар билан ёзишма»да ифодаллаган нуқтаи назарнинг пайдо бўлишида шу танишларининг таъсири жуда катта бўлган деб ҳисобламоқ керак. Барча эҳтимолларга кўра, бу масалада Жуковскийнинг таъсири айниқса кучли бўлган бўлса керак.

Гоголь фикрлари шундай йўлга кирган эдики, уни аллақачон «аскетизм»* деган сўз билан таърифлаган эдилар. Олийжаноб қалбда аскетизмга майл ҳаммадан олдин беҳуда айши-ишрат ва зеби-зийнатларни кўрганда кучайиб кетади. Ўзини тийиш, инжиқлик ва ҳавасга қарши курашишни тарғиб қилишдагина одилона бир маънога эга бўлади. Гоголь чет элда бўлганида худди шундай аҳволда

* Аскетизм — (грекча) — маънавий камолат йўлида ҳаётдаги ҳамма нози-неъматлардан воз кечиш.

эди. У Петербургда бўлганидаёқ адабиёт соҳасидаги дўстлари орқали юқори табақа кишилари билан яқинлаша бошлаган эди. Гоголь чет элда нуқул деярлик ана шу юқори табақадан чиққан рус сайёҳлари билан учрашиб турди. Уларга, ёшини яшаб бўлган кишидан воз кечиш зарур, деб гапириш камбағалларга ва азоб-уқубат ичидан ётганларга хайрихоҳлик қилинг, деб гапириш бўлар эди, шунинг учун ҳам, агар биз Гоголь бу дунёдаги нози-неъматлардан ҳазар қилдирмоқчи бўлган кишиларнинг қандай синф кишилари эканлигини эсга олсак, бу нутқлар ер юзидаги бахтиёр кишилар билан алоқа натижаси эканини унутган вақтимизда, бизга кўриниши мумкин бўлган маъносига қараганда кўпроқ ақлга тўғри келадиган маънога эга бўлади. Шундай ҳам ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан маҳрум бўлган камбағалга, ўзингни тийиб юр, деб тарғиб қилиш — совуқ юракдан чиқадиган бемаъни бир гапдир. Лекин, жамиятга бахт-саодат тилайдиган ҳар бир киши машҳур ва бадавлат кишиларга, сабр ва тоқатли бўлинг, кишиларнинг ҳолига ачининг, деб гапиргиси келади.

Гоголь кейинги йилларда бугунлай деярлик машҳур ва бадавлат кишилар билан ошна бўлиб олди, деб унга айб таққан эдилар. Бизнинг деярлик ҳар биримизнинг бу масалада ўзимизни оқлашдан кўра бошқани таъна қилишимиз осонроқ. Рус кишисининг характерида табиатан Гоголь бир неча мартаба масхара қилган хусусиятлар бор деб ўйлаш бўлмағур бир тухмат бўлар эди. Лекин Гоголь Петрушка билан Селифанни тасвирлаганида, «шу паст табақа кишиларни деб китобхонларнинг шунча вақтини олганимга виждоним жуда азобланыпти, чунки китобхонларнинг бундай паст табақа кишилар билан танишишни хуш кўрмасликларини тажрибадан биламан. Рус кишисининг табиати шундай: ўзимдан бир даража юқори бирон мансабдор билан танишсам деб жуда орзуманд бўлиб юради, граф ёки князь билан шунчаки салом-алик қилиб юришни ҳар қанақа жуда қалин дўстлик муносабатларидан ҳам афзал кўради», деб кўрсатиб ўтганлиги бежиз эмас. Дарҳақиқат, жамиятда бундай орзумандлик шу қадар кўп расм бўлганки, бунинг учун бирон кишини айблаш — ҳамма жиҳатдан жуда яхши бўлса ҳам, лекин фақат корсет таққан хонимдан хафа бўлиш сингари инсофсизликдир. Эҳтимол, корсет тақиб юриш зарарли одатдир: эҳтимол, машҳур кишилар билан танишишни

орзу қилиш ёмон одатдир. Лекин, бутун жамият гуноҳкор бўлган бир нарсада айрим шахсни қандай қоралаб бўлади?

Гоголнинг характерида бошқа бир томони ҳам бор эди, у томони машҳур кишилар билан яқинлашишга ҳаракат қилиш билан бирга, кишилик характерининг идеалига ҳам тўғри келмас эди. Гоголни ёмонотлиқ қилиб юрганлар уни хушомадгўй, лаганбардор деб атар эдилар. Холис киши бундай кескин баҳога рози бўлмаса керак. Лекин шуниси ҳақиқатки, Гоголда қандайдир усталик, зиддиятлардан қочишга ортиқча ҳаракат қилиш, ҳар бир кишининг оғзига қараб туриш, умуман одамларга керагидан ортиқ мослашишга ҳаракат қилиш одати сезилиб турар эди. Лекин бу ҳам айрим кишининг заифлиги эмас, балки бутун жамиятнинг заифлигидир. Ишлатила бериб миси чиқиб кетган латинча *saeculi vitia, non hominis* «кишининг нуқсони эмас, давр нуқсони» деган масал,— бу масал шахсни оқлаш учунгина эмас, балки кўпроқ жамиятнинг хулқ-атворини тузатиш учун жуда фойдали бўлиши мумкин. Павел Ивановичга сал ўхшаб кетадиган меҳрибон ва эпчил таниш кишисини кўрганида (Гоголнинг ибораси билан айтганда) «қўшнисини туртиб кулиб юборай-кулиб юборай деб: «ана уни қара, ана уни қара, ҳу ана Чичиков, Чичиков кетяпти!» дегандай, кейин кишининг мансаби ва ёшига яраша одоб деган нарсани эсдан чиқазиб, худди ёш боладек, ҳалиги кишининг орқасидан югуриб, уни масхара қилиб: «Чичиков, Чичиков, Чичиков!» дейдиган кишига тақлид қилишнинг ҳеч кераги йўқ. Бундай беҳуда масхарабозлик ўрнига Гоголь бизнинг ҳар биримизга: «Менда ҳам Чичиковга ўхшаш бирор нарса йўқмикин?» деб ўзингга ўзинг савол бериб кўргин деб таклиф қилади. Бу, албатта, жуда яхши иш, лекин, бу ҳам фойдасиз иш деса бўлади: жамиятнинг тушунча ва одатлари ўзгармагунча, биз ўз дилимизни ҳар қанча анализ қилиб текшириб кўрмайлик, биронтамизнинг ҳам ўз урф-одатларимизни ўзгартиришимиз маҳол бир нарса: бу урф-одатларимизни жамият талаблари, турмушимиз вазияти қувватлаб туради; жамиятда мустақкам ўрнашиб олган яхши урф-одатларни бузиш қанчалик қийин бўлса, жамиятда ҳукмронлик қилувчи урф-одатлардан воз кечиш ҳам шунчалик қийин. Бизлардан ҳеч биримиз ўз душманини қадимги замонларда қилганларидай заҳарлаб ўлдиришга журъат қилолмайди; жамият муомалада одил ва тўғри бўлишни

талаб қилмагунча, биздан кўпларимиз одамлар билан муомала қилишда Гоголь стоицизмидан унча нари ўтиб кета олмасак керак. Хуллас, биз норози бўлган нуқсонларни жамиятимиздаги қандай вазият ва муносабатлар вужудга келтириб қувватлаб турганлигини ва бу вазиятларни қандай бартараф қилиб, бу муносабатларни қандай яхшилашни ўйлаб кўришимиз яхшироқдир.

Киши ўзининг ҳамма яхши хислатлари учун жамиятдан миннатдор бўлиши лозим бўлганидек, ўзининг ҳамма ёмон хислатлари учун ҳам шу жамиятдан миннатдор бўлиши керак. Кишининг қисмати шундайки, у жамиятнинг берган нарсасидан лаззатланишдан ёки ундан азоб чекиб ётишдан бошқа иложи йўқ. Биз Гоголга ҳам шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Унинг камчиликларини инкор қилиш беҳуда бир иш бўлар эди: унинг камчиликлари очиқ кўриниб турибди; лекин бу камчиликлар рус жамиятининг инъикоси эди, холос. Унинг шахсан ўзига тегишли камчилиги ўзидан ва ўз характерида жуда азобланиб норози бўлиб юрганлигидир, бу шундай норозиликки, унинг «Авторнинг тавбаси»ни ва хатларини ўқиганингдан кейин, унинг бу норозилиги чин кўнгилдан чиққанлигига шубҳаланиш мумкин эмас; унинг ўлимини тезлатган бу виждон азоби шуни кўрсатадики, ўз табиати жиҳатдан жамиятимизнинг унга раво кўрган даражасидан анча юқори даражали ишларга мойил эди. Жамият нуқсонларига ва шахсан ўзининг заифликларига жуда кўмаклашмоқчи бўлганлиги ҳам унинг ўз фазилатидир. У ўзининг бутун умрини шу вазифани бажаришга боғишлади. Агар у сохта воситаларни ишга солган экан, бу унинг айби эмас: унинг бошқа воситалар борлигини ўз вақтида билиб олишига жамият имкон бермади. . .

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

РУС АДАБИЁТИНИНГ ГОГОЛЬ ДАВРИ ОЧЕРКЛАРИ

Бешинчи мақоладан

Гоголь даврининг асосий танқидчи арбоби Белинский эди. Бу мақолада биз бу ёзувчи тўғрисида биографик маълумот ҳам бермаймиз, ҳатто уни таърифламаймиз ҳам, бунинг учун китобхонлар бизни, эҳтимол, кечирурлар, чунки биографик тафсилотлар тўғрисида маълумот бериш бизнинг «Очерклар»имиз планига кирмайди, бу очерklarимизда фақат ёзувчининг асарлари ва унинг хусусий ҳаёти ва шахсий характери ни қараб чиқиш билан кифояланамиз. Биз ўзимиз ҳам бу планнинг тўла эмаслигини ва, чунончи, унинг абстракт тарзда тузилганлигини сезиб турибмиз, шунинг учун ҳам жонли ва тўла-роқ қилиб ёзилган асарлар дунёга келгунча бу тугалланмаган ва қуруқроқ текширишнинг ҳар ҳолда, гарчи вақтинча бўлса ҳам, бир қадар аҳамияти бўлар, деб ўзимизга тасалли берамиз. Айтганча, Гоголь даври танқидининг тараққиёти ва ғоясини баён қилишда, эҳтимол, биография мулоҳазаларига эҳтиёж бошқа бирон ҳолдагига қараганда камроқ сезилар: ҳақиқатан аҳамияти жуда катта бўлган ишларда ишнинг моҳияти ҳаракат қилувчи шахснинг ирода ва характери га ёки турмушдаги икир-чикирларга боғлиқ бўлмайди; бу ишларнинг бажарилиши ҳам ҳатто ҳеч қандай шахсга боғлиқ бўлмайди. Бунда шахс фақат вақтга ва тарихий заруратга хизматкорлик қилади, холос.

Гоголь даври танқидининг қандай шароитда амал қилиши лозим бўлганлигини яхшилаб билиб олмоқчи бўл-

ган киши унинг характери томомила бизнинг тарихий вазиятимизга боғлиқ бўлганлигини аниқ ва равшан тушуниб олади; бинобарин, агар бу вақтда танқид намояндаси Белинский бўлган экан, бунинг сабаби фақат шуки, унинг шахси худди шу тарихий зарурат талаб қилгандай эди. Агар у шундай бўлмаганда эди, бу қатъий тарихий зарурат ўзига бошқа фамилиялик, афти-ангори бошқачароқ, бошқа бир хизматчи топиб олар эди, лекин унинг характери бошқача бўлмас эди: тарихий зарурат одамларда фаолият туғдиради, уларнинг фаолиятига куч беради, аммо ўзи ҳеч кимга бўйсунмайди, ўзини ҳеч кимнинг райига қараб ўзгартирмайди. Ана шундай хизматкорлардан бирининг чуқур маъноли таъбири билан айтганда, «Замон ўз хизматкорини талаб қилади».

Хуллас, Белинскийнинг шахсини бир чеккада қолдириб турамиз: у фақат тарихий зарурат хизматкори эди, холос, шунинг учун ҳам абстракт нуқтаи назардан қараганимизда, бизни фақат ҳамма энг муҳим масалаларда мутлақо тарих томонидан яратилган вазиятга боғлиқ бўлган рус танқидининг мазмунини қандай ривожлангани қизиқтиради, холос. Бинобарин, агар биз у ёки бу идея тўғрисида гапирганимизда баъзан Белинскийнинг номини тилга олар эканмиз, бунинг сабаби асло бу идеяни ифода қилиш фақат унинг шахсига боғлиқ эканлигидан эмас: аксинча, унинг танқидидаги муҳим нарсалардан унда айтилган баъзи бир сўзлар, унда ишлатилган баъзи бир жумлалар шахсан унга тегишлидир, лекин фикрнинг ўзи асло уники эмас; фикр тамомила у яшаган замон фикридир; шу фикрнинг ўринлатиб ёки кучли қилиб билдиришигина унинг шахсига боғлиқ бўлган, холос.

Белинский Надеждиннинг ҳамкори, унинг шогирди сифатида адабиёт майдонига кирди ва унинг ишини давом эттирди. Надеждин¹ нимада тўхтаган бўлса, Белинский шундан бошлади,— бизнинг бутун адабиётимизни, Гоголнинг ўзини ҳам жуда кескин ва ачиқ инкор қилишдан бошлади, Гоголнинг ўзи ҳам у вақтда, унинг фаолияти бу инкор қилишга хотима беришини ҳали исбот қилиб бермаган эди. Бу янги танқидчининг биринчи катта мақоласи — «Адабий орзулар. Проза билан ёзилган элегия». 1834 йилда «Молва»²да босилган бу мақола

жуда мудҳиш ва руҳсиз оҳангда ёзилган эди. Бу мақола сарлавҳасининг ўзиёқ унинг тўғридан-тўғри Надеждининг «Адабий хавфсирашлар»идан келиб чиққанлигини кўрсатиб турарди, бу мақолада, бизнинг адабиёт деб аталган нарсамиз хаёлдан бошқа нарса эмас, деб имо қилинган, адабиёт тўғрисида ўйлаш — ўзингни ғам-ғуссага дучор қилиш демакдир, дейилган эди. Бу мақола-нинг тепасига қўйилган эпиграфлар умумий йўлини яна ҳам кескинроқ қилиб кўрсатиб берган эди. Бундай эпиграфлар иккита эди:

Сен тўғрингда шундай бир ҳақиқатни айтайки,
У ҳар қандай ёлғондан кўра ёмонроқ бўлар.

Грибоедов, «Ақл балоси».

«Сизда яхши китоблар борми?» — Йўқ; лекин бизда буюк ёзувчилар бор.— «Демак, ҳар ҳолда, сизда бадий адабиёт бор эканда?» — «Йўқ, бизда фақат китоб савдоси бор».

Барон Брамбеус

Ўз мазмунини шундай сарлавҳа ва шундай эпиграфлар билан баён қилган мақола бизнинг адабиётимизнинг бутун тарихини унинг бошидан бошлаб то 1834 йилгача обзор қилиб чиққан. Бу мақола адабиётимизни тамомила ер билан яксон қилиб ташлаган, деб айтиш керакми? Умуман олганда, авторнинг фикрича, фақат тўрт ёзувчининг рус ёзувчилар деб аталишга ҳаққи бор; булар — Державин, Пушкин, Крилов ва Грибоедовдир. Булар ҳам нима қилибдилар дейсиз? Державинни мутлақ пучликдан унинг нодонлиги қутқариб қолди,— нодонлик эса бирон яхши нарса ярата олармиди? Пушкин буюк талант эгаси эканлигини кўрсатди, лекин ўз кучларига муносиб бирон нарса яратиб бергани йўқ, ҳозир эса (1832—1834) яхши ҳеч нарса босиб чиқараётгани йўқ; «ҳозир у гум бўлди, эҳтимол, фақат вақтинча қотиб қолгандир,— «Анжело» ва эртақларига қараганда, гум бўлди». Криловнинг масаллари яхши,— унинг масаллари адабиёт учун жуда муҳим бойликдир! Грибоедов фақат бир комедия ёзди, бу комедиясининг асосий фазилати унинг бадийлиги эмас, балки тилининг заҳарлигидир. Демак, бизда ҳали адабиёт йўқ. Тўрт киши адабиёт бўла оладими, агар айниқса улар, бизда бўлгани сингари, тасодифан пайдо бўлиб, улардан олдин ҳам ҳеч ким дунёга келмаган бўлса ва уларнинг ишини давом эттирувчилар ҳам бўл-

маса, шу түрт киши адабиёт бўла оладими? Маърифат ишлари бизнинг тупроғимизда илдиз отгандагина бизда адабиёт пайдо бўлади; ҳозир эса бизнинг бундай зебзийнат тўғрисида ўйлашимизга эртaroқ. «Ҳозир бизга адабиёт эмас, балки ўқиш! ўқиш! ўқиш керак!» Орадан бир ярим йил ўтгандан кейин (1836 йилда) «Телескоп»да босилиб чиққан бошқа бир обзор ҳам шундай руҳда ёзилган. Ундаги муҳим фикрни мақоланинг сарлавҳаси етарли даражада ифода қилиб берган: «Ҳеч нарса тўғрисида ҳеч нарса ёки «Телескоп»нинг рус адабиётининг кейинги ярим йили тўғрисида (1835) жаноб ноширга ҳисобот». Лекин Гоголь билан Кольцов («Миргород», «Арабески» ва «Кольцов шеърлари» 1835 йилда босилиб чиқди) авторни порлоқ келажакнинг яқинлигига умид боғлаб, бир қадар ён босишга мажбур қилмоқда. Танқидчи бу иккала ёзувчини жуда хурсанд бўлиб табриклайди ва энг аввал бошдан бошлаб, адабиётнинг қадрига етадиган бошқа кишиларнинг энг ўткирлари ҳам Кольцовни пайқамасдан, Гоголни анча тузук ёзадиган киши, деб унга жуда хайрихоҳлик билан мурувват қилиб турган бир вақтда, танқидчи бу иккала ёзувчини тамомила қадрлайди, уларнинг дастлабки асарларини рус адабиёти учун янги даврнинг бошланиши деб билди ва рус адабиётида уларнинг қандай катта ўрин тутишларини олдиндан айтиб берди. Ҳолбуки Кольцов у вақтда ўн саккиз пьесадан иборат⁴ кичкинагина бир китобча чиқарган эди, булардан фақат олти ёки еттитасти тузук пьесалар эди, Гоголь эса фақат «Миргород» ва «Арабески»сини нашр қилдирган эди холос, на «Ревизор», на повестларнинг ярмидан кўпи ва на драматик асарлари ҳали дунёга келган эди — шунга қарамасдан, ёш танқидчи ўша вақтдаёқ уни «адабиётимизнинг отаси»⁵ деб аташга шубҳаланмаган эди. Агар Надеждиннинг ёш ҳамкорининг ўша вақтдаги энди бошланиб кетаётган янги даврда танқидимизга бош бўлиши учун табиат унга шунга яраша куч берган деб мулоҳаза қилиб кўрмоқчи бўлсак, унинг мана шундай ўткир ақл эгаси эканлиги бизга мутлақо табиий бир нарса бўлиб кўринади: албатта, унинг ўз вазифасини бажарганлигига сабаб фақат шуки, у бу вазифани бажариш учун лозим даражада тайёр эди, бўлажак идеали унинг юрагидан жой олган эди, шу келажак амалга оширилган вақтда, у шу келажакни баён қилиб берди: олдиндан сезиш қуввати кучли бўлган кишининг кутган ва орзу қилган нарсасини бир қарашдаёқ билиши

ва унга баҳо бериши қийин дейсизми? Умуман киши ўз табиатига яқин бўлган ҳамма нарсани жуда осон тушунади.*

Белинский фаолиятининг энг аввал бошида, у афтидан, ҳали тамомила ўз устозининг таъсири остида бўлиб, унга эргашиб бораётган вақтда унинг мустақиллигини

* «Рус повести ва жаноб Гоголнинг «Арабески» ҳамда «Миргород» повестлари тўғрисида» («Телескоп», XXVII том) деган ажойиб мақоладан муҳим жойларини келтирамиз;

Роман билан повесть бизнинг адабиётимизда тақлидчилик йўли билан пайдо бўлишдан кўра, кўпроқ эҳтиёж туфайли пайдо бўлган бирдан-бир адабиёт турларидир. . . Роман ҳамма нарсани ўз ичига олди, у билан бирга пайдо бўлган повесть эса ҳатто буларнинг ҳаммасининг изини ҳам йўқотиб юборди, романининг ўзи эса эҳтиром билан ўзини четга олиб, повестга ўз олдидан жой берди. Рус адабиётида повесть ҳали гўёки бир меҳмондай, лекин кўп замонлардан буён яшаб келаётган хўжайинларни уларнинг ўз уйдан сиқиб чиқараётган меҳмон. . .

Бизда ҳали сўзнинг асли маъносидagi повесть йўқ. . . Жаноб Полевой ҳали ҳам биринчи қиссагўй ёзувчи бўлиб қолмоқда, лекин унинг повестларида битта муҳим камчилиги бор: унинг повестларида ақлга катта ўрин берилганлиги сезилиб туради, бу ақл учун фантазиянинг ўзи гўёки бир воситадир (яъни бу повестлар *яратилган эмас, балки тўқиб чиқарилган, уларда поэтик ижодкорлик йўқ*). Қараб кўрайликчи, ёзувчиларимиз ўртасида табиатан ёзувчи бўлганлар йўқмикан. . . Менимча, ҳозирги замон ёзувчиларидан — мен Пушкинни булар жумласига қўшмайман, у ўзининг санъаткорлик фаолияти йўлини ниҳоясига етказди (*ўша вақтларда шундай деб ўйлар эдилар, чунки Пушкин «Борис Годунов»дан кейин беш ёки тўрт йил мобайнида унча арзимайдиган нарсаларни босиб чиқарган эди*) — ҳеч кимни, Гоголь сингари, ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан, камол ишонч билан ёзувчи деб аташ мумкин эмас. . .

Ижод қилиш қобилияти табиатнинг берган жуда буюк мукофоти. Ижоднинг мақсади бор-у, лекин ўзи мақсадсиздир, онги бор-у, лекин онгсиздир, эрксиз-у, лекин эркиндир. Унинг асосий қонунлари шудир. (*Немис философиясининг эстетика назарияси баён қилинади, бунга бизга киритган киши Надеждин эди.*)

Фактларни назарияга татбиқ қилиш сингари, жаноб Гоголь асарларини бунга татбиқ қилиш ҳам жуда осон. Қани айтинг-чи, жаноб Гоголнинг повести ҳаммадан аввал сизга қандай таъсир қилади? Унинг повести сизни: «Буларнинг ҳаммаси жуда содда, оддий, табиий ва тўғри, шу билан бирга ҳам қизиқ, ҳам янги!» деб айтишга мажбур қилмайдими?. Сизнинг ўз миянгизга ҳам шундай идея келмаганлиги сизни ажаблантирмайдими, нима учун сиз ўзингиз шу оддий, сизга таниш шу шахсларнинг ўзини ўйлаб чиқара олмадингиз ва уларни шу қундалиқ ҳолатлар ичиди тасвирлаб кўрсата олмадингиз? Чинакам бадий асарнинг биринчи аломати шу бўлади. Сўнгра, сиз унинг повестидаги ҳар бир персонаж билан худди сиз уни кўрдан буён биладигандай, у билан бирга узоқ вақт яшагандай яқин бўлиб танишиб олаётганингиз йўқми? Сиз унинг сўзларига ишонмайсизми, авторнинг ҳикоя қилиб берган ҳамма воқиялари ҳеч

кўрсатадиган қатъий аломатлар шулар эди. Надеждин Кольцовга эътибор бермади; Гоголнинг дастлабки повестларига келганда, «Қишлоқ оқшомлари» ва «Миргород» жуда яхши асар эканлигини тушунар эди, лекин бу ҳодисаларнинг жуда муҳимлигини пайқамади: бу асарларнинг авторини жуда ажойиб асарлар яратиб берадиган жуда истеъдодли ёзувчи деб билди, лекин уни тамомила янги истиқболга эга бўлган улуғ арбоб деб фараз ҳам қилгани йўқ. Бу фарқнинг сабаби шуки, бири аслида

бир нарса аралашмаган нуқул ҳақиқат деб қасам ичишдан бош торта оласизми? Бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, бу асарларга чин талант муҳри босилган. Хаёлда яратилган бу нарсанинг соддалиги, ҳаракатларнинг яққоллиги ижоднинг аниқ аломатларидир. Бу — реалъ поэзиядир, ҳақиқий турмуш поэзиясидир. . . Жаноб Гоголнинг деярлик ҳамма повестларини олиб кўринг: уларнинг ҳаммасининг бир-биридан фарқ қиладиган характери қандай? Унинг деярлик ҳар бир повести нима? Кулгили комедия, бу комедия бемаъниликлар билан бошланади, бемаъниликлар билан давом қилади ва кўз ёши билан тамом бўлади ва бу комедия, ниҳоят, турмуш деб аталади. Унинг ҳамма повестлари ҳам шундай: аввал кулдиради, кейин йиғлатади. Бизнинг турмушимиз ҳам шундай: аввал куласиз, кейин йиғлайсиз! Бунда қанча поэзия бор, қанчадан-қанча ҳақиқат бор!

Бадий асарларда ҳамма нафис адабиётларга хос бўлган ижоднинг характери ва авторнинг ҳар бир шахсга берган колоритининг характери ажралиб туриши керак. Мен юқорида жаноб Гоголь асарлари характерининг хусусиятлари хаёлда яратилган нарсанинг соддалиги, ҳаётий ҳақиқатнинг мукамаллиги, асарнинг халқчиллиги, оригиналгидир, буларнинг ҳаммаси унинг умумий хусусиятларидир, бундан ташқари, асарнинг кулгили қилиб жонлантирилганлиги, жуда чуқур ғамгинлик ҳисси ва нолаи-фигонларнинг тасвирланаётганлиги — унинг индивидуал хусусиятидир деб айтиб ўтдим.

Жаноб Гоголь асарларидаги комизм, ёки юмор алоҳида характердаги комизмдир: бу соф русларга хос осойишта, содда юмордир, ғазабни жиҳатдан осойишта, қувлиги жиҳатидан содда юмордир. . .

«Портрет» жаноб Гоголнинг фантастик асар ёзиш учун қилган муваффақиятсиз уринишидир.

Бунда унинг таланти жуда пастлашиб кетади; лекин шу пастлашининг ўзи ҳам талант. Умуман шуни айтиш керакки, фантастик асарни жаноб Гоголь унчалик удалай олмайди.

Мана шу айтган гапларимнинг ҳаммасидан қандай умумий натижа чиқараман? Агар мен, жаноб Гоголь шоирдир, деган эканман, шунинг ўзи билан ҳамма керак гапни айтган бўламан, шу билан мен ўзимни судьялик қилиб унинг устидан ҳукм чиқариш ҳиқуқидан маҳрум қиламан. Бизда ёзувчилар кўп, буларнинг баъзилари ҳатто истеъдодли ёзувчилар, лекин шоирлар йўқ. *(Пушкинни автор ўша вақтда ишлаб турган ёзувчилар жумласидан чиқариб қўйганлигини биз юқорида, кўриб ўтган эдик)*. Шоир деган сўз юксак ва муқаддас сўздир; бу сўзда мангу шухрат бор! . . Танқиднинг вазифаси: санъаткорнинг ўз ҳамкасабалари ўртасида қандай даражада турганлигини

янги давр кишиси эди, иккинчисининг ақлида келажакка интилиш ўтмиш урф-одатлари билан курашаётган эди ва агар бу интилиш ўтмиш урф-одатларини енгган бўлса, курашдан кейин, хулоса чиқариш ва мулоҳаза қилиб кўриш ёрдами билан енгди, лекин ўз табиатининг дарҳол амал қиладиган инстинктив майли ёрдами билан енггани йўқ.

Надеждин билан ҳамкорлик Гоголь даври танқидига тегишли баъзи бир урф-одатларга умрбод жуда қаттиқ таъсир қолдирди. Шу мерос қилиб олинган хусусиятларнинг энг муҳими романтизмга қарши шафқатсизлик билан ва тўхтовсиз мунозара қилиш эди. Надеждинда бу нарса бутун танқиднинг энг асосий вазифаси эди деса бўлади ва, афтидан, бунга адабиётимизнинг аҳволининг ўзи сабаб бўлса керак. Бу масалага юзаки қараганда, орадан ўн йил ўтгандан кейин бу тўхтовсиз давом қилган аччиқ гапларга ҳеч қандай эҳтиёж қолмагандай бўлиб кўриниши мумкин. Романтизм энди хавфли бўлмай қолган бўлса керак, энди уни тинч қўйиш пайти келди, шеклли ва йиқилган душманни уриш адолатдан эмасдай бўлиб кўринади, лекин агар биз масаланинг моҳиятига кўпроқ эътибор бериб диққат билан қарасак, бундай хулосанинг хато эканлиги маълум бўлади. Биринчидан, романтизм шунчаки ён босди, ўз номидангина воз кечди, холос, лекин асло йўқолиб кетгани йўқ ва янги оқимни енгаман деб узоқ вақтгача талашиб-тортишиб юрди; унинг адабиётда ҳали жуда кўп тарафдорлари ва халқ ичида жуда кўп мухлислари бор эди. Гоголь даври танқидининг энг сўнгги вақтида бўлган фактни кўрсатиб ўтиш

аниқлашдир. Лекин жаноб Гоголь эндигина адабиёт майдонига кириб ишлай бошлади; шунинг учун бизнинг ишимиз унинг дебюти тўғрисида ва бу дебютдан келгусидаги умидлар тўғрисида ўз фикримизни айтишдир. Бу умидлар жуда катта, чунки жаноб Гоголь фавқулодда ва катта талант эгасидир. Ҳар ҳолда, ҳозирги вақтда у адабиётнинг отаси, шоирларнинг отасидир; у Пушкин қолдирган ўринни эгалламоқда.

Шоирлар икки хил бўлади: бир хиллари поэзия билан шуғуллана оладилар, холос, бошқа бирларидаги поэтик талант уларнинг бутун борлигининг қандайдир узилмас бир қисмидир. Биринчи хил шоирлар баъзан бутун умрларида бир марта бирон чиройлик шоирона фикр айтиб қўядилар-да, кейинги асарларида заифлашиб қоладилар. Иккинчи хил шоирлар ҳар бир янги асар ёзган сари тобора юксаклашиб воёга етиб борадилар. Жаноб Гоголь мана шундай шоирлар жумласига киради: шуниси бас!» (Н. Г. Чернышевский изоҳи).

учун натурал оқимни⁶ ҳамма журналлар («Отечественные записки»дан ва кейинчалик «Современник»дан бошқа) қандай тиш ғижирлатиб душманлик билан кутиб олганлигини эсга олайлик, ҳолбуки бу оқим сўздагина эмас, ҳақиқатда романтизм бўёқларидан воз кечган эди: у ҳақиқий воқеликни ҳаётда қандай бўлса, худди шундай тасвирлаб, дунёда мисли кўрилмаган ёвузлар ва қаҳрамонлар ва табиатдаги мисли кўрилмаган гўзалликлар тўғрисида ҳикоя қилмаганлиги учун, бу оқимдан ҳамма ғазабланган эди,— шу ҳужумларнинг ҳаммаси романтизм афсоналарига маҳлиё бўлганликдан келиб чиққан эди. Соддалик қилиб қўрқиб, сохта нарсаларга меҳр қўйиб, ҳеч бир бўёқсиз баён қилинган ҳақиқатни ёмон кўрадиган кишиларнинг ҳаммасида романтизм ҳозиргача ҳам мавжуддир, улар далани жавдар безаб турса, нутқни ёлғон-яшиқ гаплар безаб туради, деб ўйлайдилар, инкор қилиш фойдасиз, бу инкор қилиш ҳозирнинг ўзидаёқ ўз натижасини кўрсатди, турмушга кўпроқ хайрихоҳлик билан қараш вақти келди, дейдилар, яъни Греминлар ва Ларинларнинг ва бошқаларнинг фароғатли даврларини ва ҳоказоларни, Аркадия ҳаётини* қўмсайдилар. Агар сиз ҳақиқатан бизда ҳали романтикларнинг оз ёки кўплигини синаб кўрмоқчи бўлсангиз, бунинг бир осон йўли бор: романтизмнинг жаззаси Гоголь даври танқидидир; кимки уни, яъни Гоголь даври танқидини тўғ жуда ҳам қаттиқ деб, ундан норози бўлса (албатта, бирон шахсий адоват ёки икки юзламалик қилиб эмас — бундай одамлар тўғрисида гапириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ,— балки астойдил норози бўлса), демак, у кишида ҳали романтизм бор. Бундай кишилар эса ҳали анча кўп топилади. Ҳозир буларга эътибор бермаса ҳам бўлади: халқнинг кўпчилигига уларнинг фикри қизиқ туюлади, холос, лекин ҳеч хавfli эмас. Ун беш йил илгари бундай эмас эди: ҳозир фақат қизиқ туюладиган, халққа таъсир қила олмайдиган, айрим кишиларгагина тасалли берадиган фикрлар адабиётда жуда кучли эди. Бир мисол келтирса арзийди, бу мисол шундан иборатки, ўша вақтдаги танқидчилардан бири⁷ Гоголнинг повестларини ўзи раҳбарлик қилиб турган журналда босиб чиқаришга кўнмаган ва ҳатто унинг коме-

* Аркадия ҳаёти — бунда: қадимги Грециядаги тоғлик область бўлган Аркадия табиати қучоғидаги фароғат поэзиясида тасвирланган ҳузур-ҳаловат ва айш-ишрат назарда тутилади.

диясига рецензия ёзишга ҳам рози бўлмаган эди, бу пьесани паст савияда ёзилган фарс* деб ҳисоблаган эди. Унинг содда тушунчаларига сабаб бўлган нарса, албатта, санъатда олий ҳавас ва идеал шахслар тўғрисидаги романтик талаблар эди. Бу танқидчи эса у вақтда ўша замон фан намояндаси деб ҳисобланар эди. Санъатда француз мелодраматик маҳсулотлардан бошқа ҳеч нарсанинг фаҳмига етмайдиган бошқа адабий судьяларнинг тушунчалари қандай эди дейсиз? Фақат «Отечественные записки»нинг бир ўзи бошқа ҳамма журналларга қарши кураш олиб борди, бу масалада «Телескоп»нинг ишини давом қилдирди.

Лекин романтизмга қарши кураш — Гоголь даври танқидида бошқа ҳамма нарсадан кўпроқ Надеждин фикрининг оддий давоми бўлиб кўриниши мумкин бўлган кураш, секин-секин тамомила янги мазмунга эга бўлиб, унинг аччиқ гапларига фақат ташқи томондан ўхшашлигини сақлаб қолди. Надеждин романтизмга қарши бош кўтариб чиқди, илмий адабий нуқтаи назардан, сохта классик адабиёт грек адабиётига оз ўхшаганлиги сингари, энг янги француз романтизми ҳам ўрта асрлардаги романтизмга оз ўхшашлигини ва шунинг учун ҳам унга ўхшаб ўзига сохта ном қўйиб олаётганлигини, аслида, жуда нари борганда сохта романтизм деб, ҳақиқий романтизмнинг аянч нусхаси, бизнинг замонимизда бўлиши мумкин бўлмаган сохта нусхаси деб ҳисобланиши лозим эканлигини, шунинг учун ҳам эстетика жиҳатидан мақталган сохта романтик асарларнинг беҳуда бир нарса эканлигини исбот қилиб берди, холос. Унинг мунозараси шу абстракт нуқтаи назари билан чекланиб қўя қолди. Гоголь даври танқиди масалага кенгроқ қараган эди: бу танқид романтизмни турмуш тўғрисидаги чала-чулпа, керагидан ортиқ хурсандлик билан айтилган сохта тушунчаларнинг ифодаси деб қараб, кишининг ақл ва маънавий кучларининг хаёлпарастликка, пасткашликка, ўзига бино қўйишга ва мағрурликка олиб борадиган бузилиши деб қараб, унга қарши бош кўтариб чиққан эди. Надеждин романтизмнинг моҳияти эстетик шарт-шароитларнинг бузилишидан иборат бўлмасдан, балки киши турмушининг шарт-шароитлари тўғрисидаги тушунчанинг бузилишидан иборат эканлигини сезмади ҳам; унинг ўзи бу

* Ф а р с (франц.) — мазмуни кўполроқ комедия ёки водевиль.

жиҳатдан хатолардан холи эмас эди, унинг бу хатолари ғоят катта орзу-ҳаваслар натижаси, катта ҳодисаларгина шоирнинг эътибор беришига арзиди, деб ҳисоблайдиган романтикларнинг асосий хатосидан фарқ қилмас эди. Надеждин, романтикларнинг титаник* бир нарса деб хаёл қилган нарсаси арзимас бир нарса эканлигини яхши тушунса ҳам, поэзияни оддий воқеликдан жуда юқори турадиган фақат юксак нарсалардангина қидиришга жуда мойил эди. Диккенс ёки Гоголь сингари кундалик ҳаётни тасвирловчи ёзувчиларнинг бундай идеалга жуда оз тўғри келиши ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ,— Надеждин яшаган замонда бундай ёзувчиларнинг ўзи йўқ эди ҳам. У вақтда ҳамма завқ-шавқ ичида яшар эди ёки ўзини завқ-шавқ билан яшагандай қилиб кўрсатишга ҳаракат қилар эди,— умидсизлик завқ-шавқнинг фақат алоҳида бир тури ва энг уччига чиққан тури деса бўларди,— турмушга завқ-шавқ билан қарашнинг сохталиги ҳеч кимнинг эсига ҳам келмас эди. Шунинг учун ҳам романтизмга норозилик билдиришига сабаб унинг турмуш тўғрисидаги асосий қарашининг сохталигидан кўра кўпроқ ўз асарларининг расмий нуқсонлари эди. Романтик фантазияларга фақат адабий нуқтаи назардангина эмас, шу билан бирга турмуш нуқтаи назаридан ҳам қарши бош кўтариб чиқиш вазифаси кўпроқ ижобий бўлган философия тарбиясини олган ва кўпроқ соғлом санъат асарларини ўқиб шундан лаззатланган кейинги авлодгагина юклатилган эди. Хуллас, Надеждин вақтидаги романтизм адабиётда эстетикага қарши ҳодиса эди; Гоголь даври танқиди бу танқидга қўшилиб, ўз кучларини жуда хароб қилаётган, йўлдан адашиб ўзлари учун ўзларини зарарли ва кулгили ҳолга соладиган одамлар деб билиб, ўзининг асосий эътиборини шу романтикларга қаратди. Гоголь даври танқиди ҳар қандай аффектацияни**, совуқчиликни, ўзининг умидсизлиги билан заҳарлайдиган касалванд апатия***, ўзини тамтароқ сўзлар билан ниқоблайдиган ҳар қандай разилликни, сўз, иш, туйғу ва

* Титаник — ғоят катта, гигант; қадимги грек мифологиясидаги гигантлар Уран (осмон) билан Гео (ер) болаларининг номидан олинган: улар осмонни қўлга олиш учун энг катта худо Зевс билан курашган эдилар.

** А ф ф е к т а ц и я (лот.) — сунъий ҳаяжон, ғайри табийлик.

*** А п а т и я — ҳеч нарсага қизиқмаслик, бепарволик, ҳавас қилмаслик, бепарқлик.

хатти-ҳаракатлардаги ҳар қандай реторикани* шарманда романтизм деб атаб, уни қоралади. Бу романтизм билан кураш фақат шу Гоголь даври танқиди зиммасига юкланиши лозим эди. Бу ишда Гоголь даври танқидидан олдин ўтган намояндалари йўқ эди ва ўзини жуда аччиқ заҳархандалари билан фақат адабиётга эмас, турмушнинг ўзига ҳам шубҳасиз хизмат қилади; шундан дамгача ҳар бир идроки ўткир бўлган ёзувчи адабиётда Гоголь даври танқидининг жуда хайрихоҳ маслакдоши бўлиб келди ва узоқ вақтгача унинг шундай маслакдоши бўлади, чунки турмушдаги касалванд романтик оқимга қарши кураш хозиргача зарур бўлиб келди ва адабий романтизм номи бутунлай эсдан чиқарилгунча ҳам яна зарур бўлади. Кишилар турмушдаги аффектациядан жуда хурсанд бўлиш оdatларини ташлаб, разилликдан иборат бўлган ҳамма ғайритабиий нарсалардан кулишни одат қилмагунча, унинг ички разиллиги қандай яхши сўз ва яхши формаларга яширинган бўлишига қарамасдан, шулардан кулишни одат қилмагунча, бу кураш давом қилаверади.

Масаладан яхши хабардор бўлмаган ёки қизғин баҳсларга берилиб кетган мухолифлар жуда дарғазаб бўлиб, Гоголь даври танқиди мунофиқлик қилиб энг донг чиқарган кишиларнинг шуҳратига тил тегизмоқда, бу танқид шу донг чиқарган кишиларнинг ултуввор хайкаллари турган пойдеворларни бузиб ташламоқда, бизнинг илгариги адабиётимиз фахрланиши лозим бўлган ҳамма нарсаларни оёқ ости қилмоқда ва хоказо ва хоказо деб шовқинсурон кўтардилар. Агар бу дод-фарёллар тўғри бўлгачда эди, у вақтда биз Надеждин фаолияти билан унинг собиқ шогирди фаолиятининг бир-бирига жуда яқин бошқа бир нуқтасига эга бўлар эдик. Афсуски, бу шовқин-суронларга сабаб фақат билмаслик ёки паришонхотирликдир. Адабий авторитетларни асло янги ва жуда муҳим мақсадлар жумласига, яъни Гоголь даври танқиди эришмоқчи бўлган мақсадлар жумласига қўшиш мумкин эмас ва агар бу танқид шундай бирон иш қилган экан, унинг бу қилган иши, масалан Марлинский ва Полевой⁸ сингари асло биринчи даражали бўлмаган ва давр синовитан ўтмаган авторитетларга нисбатангина шундай қиларди. Албатта, улар учун ҳам бу хунук бир нарса, лекин масаланинг ўзи

* Реторика (грекча) — бунда: мазмун пуч бўлгани ҳолда, жуда баландпарвоз иборалар ишлатиш маъносига.

кичкина бўлганидан бу нарса ҳеч кимга катта жиноят бўлиб кўриниши мумкин эмас. Ломоносов, Державин ва бошқа ҳақиқатан биринчи даражали ёзувчиларга, баъзи бировларнинг фикрича, мунофиқона ҳужум қилиш масаласига келганда, Гоголь даври танқиди уларнинг шуҳратига путур етказиш учун бирон нарса ўйлаб чиқариш имкониятидан тамомила маҳрум эди ва бунинг сабаби ҳам равшан эди: бу маънода нима дейиш мумкин бўлса, уни ё Полевой ёки Надеждин аллақачон айтиб бўлган эди. Бунда Гоголь даври танқидига айб тақиш — асло унинг алоқаси бўлмаган нарсани унинг хизмати қилиб кўрсатиш демакдир. . . * Гоголь даври танқиди олдида мутлақо бошқа вазифа турган эди: эскича инкор қилишга ҳам, эскича панегирикларга** ҳам берилмасдан адабиётимизнинг турли давлари ва ажойиб арбобларининг тарихий аҳамиятини кўрсатиб бериш, адабиётимизнинг тарихини яратиб бериш вазифаси турган эди, бундан

* Умуман шуни кўрсатиб ўтиш керакки, матбуотда ифода қилинадиган инкор формаси сўзда ва хусусий ёзишмада бўладиган формасидан анча юмшоқроқ бўлади. Бошқа бир кўп ҳолларда бўлгани сингари, бу ҳолда ҳам адабиёт, туйғуни изҳор қилишга кенг йўл бериб, шу билан тинчланишга йўл очиб беради, туйғу ўзининг изҳор қилиниши учун йўл тополмай турса, унинг ёвузлигининг чегараси бўлмас эди. Масалан, эскириб қолган адабий авторитетларни ер билан яксон қилувчи Полевой Пушкиндан илгари ўтган ёзувчиларни у билан замондош бўлган, гарчи бир қадар бўлса-да, адабий маълумотга эга бўлиб, дид-фаросатдан маҳрум бўлмаган ҳар қандай бошқа ёзувчидан настга қўйди, деб хаёл қилиш беҳуда бир нарса бўлар эди. Аксинча, шуни эътироф қилиш керакки, булардан ҳар бири, Полевойнинг айтган гапларига қараганда, киши билмас анча қаттиқ гапларни айтган. Масалан, Пушкиннинг ўзи, эски замонларни жуда қадрлаган бу буюк шоир 1825 йилда Державин тўғрисида бундай деб ўйлаган эди.

«Сен кетгандан кейин мен Державиннинг ҳамма асарларини ўқиб чиқдим. Менинг сўнгги фикрим мана бундай: бу афанди на рус хат-саводини, на рус тилининг руҳини билар экан. Державиннинг қасидаларидан саккизтасини ва парчаларидан бир қанчасини сақлаб қолиб, қолганларини ёқиб ташлаш керак. Афсуски, бизнинг шоиримиз жуда тез-тез подшога маддоҳлик қилган». (*Дельвицца хатдан нарча, 1855 йил нашри, 1 қисм, 156 бет*).

Бундан ҳам қаттиқроқ бир нарса ўйлаб топиш қийин бўлса керак, ва, эҳтимол, «Телеграф»да ачкиқлиги жиҳатидан Пушкин сўзларига сал-пал бўлса ҳам яқинлашиб келадиган биронта ҳам ибора топилмаса керак. «Телеграф» билан «Телескоп»ни билган киши Гоголь даври танқиди бизнинг илгариги ёзувчиларимиз тўғрисида умуман, Полевой билан Надеждинга қараганда, кўпроқ ётиги билан гапирганлигини билади. (*Н. Г. Чернышевский изоҳи.*)

** П а н е г и р и к (грекча) — ҳаддан зиёда мақтовчи.

олдинги танқидчилардан ҳеч бири ҳали бу вазифани бажармаган эди. Пушкин замонасидан олдинги адабиётга Гоголь даври танқиди романтика даври танқидига қараганда муътадилроқ ва мулоғимроқ назар билан қараган эди; Пушкинга ва унинг сафдошларига келганда, Гоголь даври танқиди ҳамма вақт деярлик Надеждиннинг чиқарган жуда қаттиқ ҳукмларига қарши эътироз билдириб туриши лозим бўлган эди. Хуллас, ўтмишда ҳурматга сазовор бўлган ҳамма нарсаларни бу танқид барбод қилмади, аксинча, янгидан яратди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди: Ломоносовга ва Державинга, Карамзинга ва Пушкинга ҳужум қилишнинг энди кераги ҳам йўқ эди, ўрни ҳам йўқ эди; агар уларни бир вақтлар у ёқ-бу ёғини суриштирмасдан жуда мақтаб кўкларга кўтарган эканлар, халқнинг ўқимишли қисми ўртасидаги бу кўр-кўрона иззат-ҳурматни «Телеграф» билан «Телескоп» аллақачон йўқотиб юборган эди, бинобарин, Гоголь дунёга келганда ўтган нарсалар тўғрисида ҳурмат билан гапириш вақти келган эди, чунки шу ўтмишдан ривожланиб чиққан ҳозирги нарса ҳурматга сазовор бўла бошлаган эди. Болалар шон-шарафга лойиқ иш қилганда, оталарни шундай ҳурмат қилиб гапира бошлайдилар.

Гоголь даври танқидининг вазифаларидан бири илгариги авторитетларни ерга уриш эди деган фикр қаердан келиб чиқди? Уша вақтда Гоголь даври танқиди жиғига теккан бир кўп ёзувчиларнинг иззати нафсидан келиб чиққан ниятлар тўғрисида гапириб ўтирмаймиз, бундай ёзувчилар: «китобхон, сиз бу кишининг менинг асарларим тўғрисида айтган гапларига ишонманг; фақат мени эмас, Державинни ҳам, Ломоносовни ҳам ёмонотлиқ қиляпти; у ҳамма буюк ёзувчиларни (шу жумладан мени ҳам) ерга урмоқчи» деб барала бақирмишни ўзларига эп кўрадилар; ҳасад ёки душманлик қилиб ҳам шундай гапларни гапириб юрадиган бошқалар тўғрисида ҳам гапириб ўтирмаймиз! Шу аянч фактларнинг ҳаммасини эсга солиб ўтиришга ҳам арзимайди. Илгариги адабий авторитетларни ер билан яксон қилиб ташлаш Гоголь даври танқидининг энг муҳим вазифаларидан бири эди, деган хато фикрнинг келиб чиқишига олиб борган, чунончи, қонуний сабабларгагина эътибор берамиз. «Отечественные записки»нинг ўқувчилари «Телескоп» ёки «Телеграф» ўқувчиларидан жуда кўп эди; шунинг учун ҳам ҳатто илгариги журналларни билмаган эски китобхонлардан кўплари

«Отечественные записки»да биринчи марта бизнинг эски адабиётимиз тўғрисидаги мулоҳазаларни ўқидилар, бу мулоҳазалар рус адабиёти тарихи пиитика* ва ҳоказо деб аталган турли китобчаларда узоқ вақт такрорланиб келган, у ёқ-бу ёқни суриштиришмасдан ёзилган бемаъни мақтовларга ўхшамас эди. Ёш авлоднинг каттагина қисмини эски журналларни кўрмаган ва янги журналлар ичида фақат «Отечественные записки» Ломоносов ва ҳоказолар тўғрисида ҳолисона гапираётганини, лекин бошқа ҳамма журналлар бу журналга ҳужум қилаётганлигини ўз кўзлари билан кўрган қисмини ҳам шулар жумласига киритиш керак. Ёш авлод, албатта, буни «Отечественные записки»нинг айби деб қарагани йўқ — аксинча; аммо бошқалар «Отечественные записки»дан хурсанд бўлган ёш авлоддан ва ёшларни Ломоносов ва шу кабиларга ҳурматсизлик билан қарашга ўргатган «Отечественные записки»дан астойдил хафа бўладилар ва ҳоказо. Бу кўнгилчан одамлар шуни эсда тутишлари лозимки, улар ёш вақтларида «Телеграф» эски адабиёт тўғрисида хушомадгўйлик билан гапиргани йўқ, ҳолбуки кўнгилчан жаноблар ўзларининг нима талаб қилаётганликларини ўзлари ҳам билмас эдилар; улар шуни эсда тутишлари лозим эдики, Пушкингача бўлган авторитетларни ер билан яксон қилиш «Телеграф»нинг вазифаси эди, Пушкин вақтида бўлган авторитетларни ер билан яксон қилиш Надеждиннинг вазифаси эди. Бир марта қилинган ишни яна такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди, уни қайтариб ўтиришга истак ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Гоголь, Лермонтов ва натурал оқим деб аталган йўлдан борган ёзувчилар пайдо бўлганда, ундан илгариги ёзувчиларни юқори кўтариш ёки пастга уриш вақти ўтиб кетган эди: рус адабиётининг секин-секин ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб бериш лозим эди, холос, ҳолбуки бу адабиётнинг борлигига бу вақтгача шубҳаланар эдилар, шу билан бирга рус адабиётининг турли даврлари ўртасидаги муносабатни белгилаб бериш лозим эди —мана буниси, ҳақиқатан, янги зарур вазифа эди. Бу вазифани бажарган киши Белинский бўлди. Унгача танқид бор эди-ю, лекин бизда ҳали адабиёт тарихи йўқ эди. Агар биз бу адабиёт тарихи тўғрисида тўғри ва аниқ тушунчаларга эга бўлиб

* Пиитика — шоирлик санъати; ҳозир киноя ўрнида ишлатилади.

олган эканмиз, бунинг учун Белинскийдан миннатдор бўлишимиз лозим.

Лекин рус адабиёти Гоголь даврига қадар ҳали ўз тараққиётининг бошланғич даврларида эди, бу даврлардан ҳар бир олдингиси бу даврда бўлган ҳодисаларнинг ҳеч сўзсиз мукамаллиги жиҳатидан аҳамиятли бўлишдан кўра кўпроқ ундан кейинги, янада юқори тараққиёт даврига тайёрланиш учун хизмат қилганлиги жиҳатидан кўпроқ аҳамиятга эгадир.* Рус адабиёти тўғрисида Гоголь даври танқиди тушунчаларининг моҳияти мана шу асосий қарашни ҳамма фактларга ёйишдан иборат эди. Бу нарса бундан олдинги танқиднинг оҳангги кескин эканлигини билмаган кишиларнинг Гоголь даври танқиди гўё илгариги авторитетларни ер билан яксон қилаётгандай хаёл қилишларига янги бир сабаб бўлди: у танқид Державин адабиётда Екатерина асрининг намояндаси ва Пушкиндан олдинги ёзувчилардан ва Пушкиннинг устозларидан бири деб ибот қилган эмиш-у, Державин Пушкинга қараганда кўпроқ, эстетик фазилатларга эга деб айтмаган эмиш — қандай катта жиноят! Бундай сўзларни беҳаёлик деб ва Державинни пастга уриш деб билган ҳалиги кўнгилчан кишилар, Державин тўғрисида бундай мулоҳаза қилиш Державинга яна шуҳрат ҳуқуқини қайтариб бериш эканлигини, илгариги танқид уни бу ҳуқуқдан тамомила маҳрум қилганлигини, чунки унинг асарларининг эстетик қийматини инкор қилиб, бу асарларнинг тарихий қийматини кўрмаганлигини пайқамадилар. Кўнгилчанлик қилувчи бу кишилар Пушкин давридаги ёзувчилар

* Гўё биз эскига қараганда янгини жуда ҳам мақтаб кўкларга кўтараётгандай, англашилмовчилик туғилишига сабаб бўлмаслик учун, кези келганда бу ерда шуни айтиб ўтишимиз лозимки, рус адабиётининг мана шу даври ҳам жуда кўп шубҳасиз фазилатларига қарамасдан, жуда катта аҳамиятга эгадир. Бунинг ҳаммадан кўпроқ сабаби шуки, у бизнинг адабиётимизнинг келгусида янада тараққий қилишига тайёргарлик бўлиб хизмат қилади. Биз порлоқ келажакка шу қадар ишонамизки, ҳатто Гоголь тўғрисида ҳеч бир шубҳаланмасдан: бизда шундай ёзувчилар бўладики, Гоголь ўзидан илгари ўтган ёзувчилардан қанча юқори турса, бу ёзувчилар ҳам Гоголдан шунча юқори турадилар, деймиз. Бу замон қачон келади — ҳамма гап шунда. Агар бизлар шу порлоқ келажакни кўра олсак, жуда яхши бўлар эди. Агар биз Гоголь мактаби тўғрисида гапирар эканмиз, бундай фикрнинг сабабларини муфассалроқ тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз. (Н. Г. Чернышевский изоҳи.)

нинг Державин тўғрисидаги фикрини билмас эдилар. У вақтларда кўп мулоҳаза қилиб ўтирмасдан, Державин «Подшога маддоҳлик қилар эди», шунинг учун унинг асарларини «куйдириб ташлаш лозим», дея эдилар. Ана шундай қарорлардан кейин Державин жуда катта тарихий аҳамиятга эга эди, деб исбот қилган танқид Державиннинг шуҳратини ер билан яксон қилиб ташладими ёки тикладими? У танқид илгариги авторитетларни ер билан яксон қилиб ташлашга интилди, деб айтганларида, бировнинг қилган хизматини унинг хизмати қилиб кўрсатган эдилар, биз хизмати дедик, бунинг сабаби шуки, санамларга кўр-кўрона сажда қилишни йўқотиш (эски адабиёт авторитетларини санамлар деб биз айтаётганимиз йўқ: бу яна ўша Пушкиннинг Державин тўғрисидаги иборасидир) ҳамма вақт жамият маънавий ҳаёти учун буюк хизмат қилиш бўлади. Лекин Гоголь даври танқидининг адабиёт тарихида юксак ўрин тутишга ўзининг шунча кўп ҳаққи борки, у бошқаларнинг ҳуқуқини ўзиники қилиб олишга муҳтож эмас. Паришонхотирлик ва илгариги танқиддан беҳабарликдан ташқари, Белинскийни бизда, Пушкин даври бундан олдинги давримиздаги адабиётимиздан бениҳоя юқори туради, деб айтган биринчи киши деб ҳисоблашимизнинг яна бир сабаби бор: Белинский рус адабиёти тўғрисидаги ўз қарашларини аниқ ва равшан баён қилиб ва ўз қарашларини далиллар билан исботлаб берди, романтик танқид нимаки гапирса, албатта жуда дабдабали сўзлар ишлатар ва ҳеч қандай далиллар кўрсатмас эди, бунинг ўрнига ўзининг чиқарган дағал ҳукмларини брильянтлар ва зумрадлар, Бағрим⁹ авлодлари ва рус волканининг* азамат кўкрагидан ялт-ялт қилиб чиқиб турадиган учқунлар тўғрисидаги муҳокамалари билан бўяб кўрсатар эди.

Гоголь даври танқиди ўзининг инкор қилишларини шу қадар кенг ёйиб юбордики, Гоголгача рус адабиётининг бўлганлигини шубҳа остига қўйди, деган фикр ҳам бор. Бу ҳам унинг иши эмас. Маълумки, романтика танқидчилари тўғридан-тўғри, рус адабиёти йўқ, дер эдилар. «Телеграф» дунёга келмасдан илгари Марлинский шундай деган эди. Кейинроқ Надеждин ҳам худди шундай деди, лекин деганда ҳам, янада кучлироқ қилиб айтди. Хуллас, рус адабиётида Гоголь фаолияти туфайли янги оқим

* Волкан (эски)— вулқон.

дунёга келган вақтга қадар, бизнинг бутун танқидимизнинг умумий темаси шу эди. Белинскийнинг дастлаб бу фикрга қўшилганлигининг сабаби шу эдики, унинг ўттизинчи йиллар учун, жуда кўп ҳақли томонлари бор эди. Лекин шу вақтгача рус адабиёти бўлмаган деган фикрни кашф қилиш кишининг хизматими ёки жиноятими, номаълум, лекин бу кашфиёт Белинскийники эмас. Аксинча, унинг хизмати шу бўлдики, орадан бир неча йил ўтиб рус адабиётининг аҳволи ўзгаргандан кейин, бу ўзгаришнинг муҳимлигини дастлаб шу Белинский тушуниб: шу дамгача рус адабиётининг борлигига шубҳаланиш керак эди, энди рус адабиёти бор, деб барала айтиш керак, деди. Бу хушxabар фикрни билдириш бошқа бирон кишига эмас, балки Белинскийга муяссар бўлди, бунинг сабаби шуки, адабиётимизда ҳамма нарсани мутлақо инкор қилиш адолатсизлик бўлиб қолган бир вақтда бизнинг ажойиб танқидчиларимиздан биринчи танқидчи бўлиб иш кўриш Белинскийга насиб бўлган эди. Белинский бизнинг танқидимизда инкор қилиш органи эди деб айтиладиган оддий гап-сўзлар ўрнига, аксинча, адабиётимизнинг ўзгарган вазиятига мувофиқ инкорга чек қўйган биринчи танқидчи Белинский эди деб айтиш керак, ҳолбуки Надеждин инкорининг чегараси йўқ эди.

Бизнинг адабиётимизда Гоголь даври давомида асли қандай бўлиши лозим бўлса, худди шундай бўла бошлаган вақтда, яъни халқ онгининг ифодаси бўлиб, натижада бир оз бўлса ҳам интилган мақсадига эришган бир вақтда бу адабиётнинг илгариги тараққиёти ҳам маънога эга бўлди, ҳолбуки илгари унинг бундай маъноси борлигини пайқаш ҳам мумкин эмас эди; шундагина бу адабиётда бир хил ҳодисалар ўрнини иккинчи ҳодисалар олганлиги беҳуда ва тасодифий бўлмасдан, бунинг ўз тарихи борлигини кўриш мумкин бўлди. Гоголь даври танқиди буни кўрди ва бу ҳақда ўз фикрини айтди. Гоголь даври танқиди биринчи марта, бизнинг адабиётимиз доимо ривожланиб боради, бу адабиёт даврларининг бир-бири билан алоқаси бор, Державин билан Пушкин, биз илгари ўйлагандай тасодифан дунёга келгани йўқ деб тасдиқлаб, шу фикрларни биринчи бўлиб баён қила бошлади, ва биз Белинскийнинг биринчи адабиёт тарихчимиз* эканлигини

* Белинскийнинг мақолалари билан танишиб борилса, адабиётимизнинг аҳволи ўзгариб, бу нарса танқидни секин-аста ўз за-

кўрдик. Унинг биринчи катта мақоласида рус адабиёти-нинг борлиги инкор қилинган бўлса ҳам, унинг мазмуни Ломоносовдан то Пушкингача бўлган фактларни батафсил обзор қилиб чиқишдан иборат бўлганлиги бежиз эмас.

Лекин агар биз Гоголь даври танқиди инкор қилишга чек қўйиб, шу дамгача тасодифий, жонсиз ва ҳамма вақт деярлик чет эл адабиётларидаги турли ҳодисаларнинг бемаъни акс этишидан бошқа бир нарса эмас деб ҳисобланиб келган рус адабиётининг тарихини биринчи марта яратиб берди дер эканмиз, биз Гоголь даври танқидининг сўнгги палласини назарда тутамиз, бу паллада у бутунлай мустақиллик даражасига етиб олган эди, бу вақтда рус адабиётининг аҳволи Гоголнинг таъсири остида Лермонтов ва бошқа кўплаб янги авлод ёзувчиларнинг, яъни қисман Пушкин ва Лермонтов тарбиясини олган, кўпроқ Гоголь асарлари ва Белинский танқиди билан тарбияланган жуда кўп янги ёзувчиларнинг фаолияти туфайли жуда ўзгарган эди. Лекин 1834—1836 йилларда мана шу келажакни ноаниқ бир тарзда сал-пал олдан кўриш эди, холос, бинобарин, ҳамма нарса деярлик у вақтда ҳара-

монасида (1834) тўғри бўлган Надеждиннинг инкоридан сўнг ўн йил ўтгандан кейин яна шундай ҳақли суратда эътиқод қилишга олиб борганлиги аён бўлишини кўриш мароқлидир: «Ниҳоят, биз адабиёт деб аталишга арзийдиган бир нарсага эга бўлдик; бу адабиёт, ниҳоят, аҳамиятга эга бўлди, илгари бундай аҳамияти йўқ эди, шунинг учун ҳам биз илгари самарасиз ва тасодифийдай бўлиб кўринган адабий воқналарнинг ҳозир қандай натижаларга олиб борганлигини, уларнинг қандай маънога эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳаракат даврларини тахминан кўрсатиб берадиган баъзи бир парчалар келтирамыз:

1834. (Гоголгача.) «Бизда адабиёт йўқ». *«Адабий орзулар», «Молва», 1834 йил, № 39, 190 бет.*

1840. (Гоголь ўзининг повестларини ва «Ревизор»ини босиб чиқарган, лекин ҳали адабиётга қатъий таъсир қила олгани йўқ.) «Бизда адабиёт деган сўзнинг том маъносидаги, халқларнинг руҳини ва ҳаётини ифода қиладиган адабиёт йўқ, лекин бизда адабиётнинг бошланиши бор». 1840 йилда рус адабиёти, *«Отечественные записки», 1841 йил, XIV том, Критика, 33 бет.*

1843. («Улик жонлар» нашр қилинган; Гоголь мактаби каттагина ўрин ола бошлаган.) «Адабиётимиз қашшоқ эканлигига қарамасдан, унда жонли ҳаракат ва органик ривожланиш бор; демак, унинг тарихи бор. Биз мана шу тараққиёт тўғрисида бир озгина бўлса ҳам гапириб ўтмоқчимиз ва ҳали сўқмоқ йўл ҳам очилмаган жойдан бошқалар учун йўл очиб бермоқчимиз». *Пушкин тўғрисида биринчи мақола, «Отечественные записки», 1843 йил, XXVIII том, 24 бет.*

катсиз жим турган эди. Надеждин ҳам қувватлаб чиққан фикрларни тамоман ўзгартириб юбориш учун ҳали етарли сабаб йўқ эди, шунинг учун ҳам Пушкин¹⁰ тўғрисидаги мақолаларнинг автори, биз юқорида кўрсатиб ўтгандай, Надеждин нима деган бўлса, худди шундан бошлади, деса бўлади. Ҳамма вақт шундай бўладики, агар ёш авлод жумласига кирадиган киши устози томонидан баён қилинган фикрни қабул қилса, бу фикрни Надеждин тилида бўлгандан ҳам аниқроқ қилиб баён қилади.

Лекин, тарихий заруратга кўра, бу аҳвол тез орада ўзгариши лозим эди: рус адабиёти учун янги давр бошланаётган эди. Надеждиннинг шогирди «Миргород» ва «Арабески» асарларига қараб, бизнинг ёзувчимиз Гоголнинг қандай ёзувчи бўлишлигини жуда тез ва аниқ олдан айтиб берганлигини биз юқорида кўриб ўтган эдик; тез орада «Ревизор» олдан айтилган бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаб бериши лозим эди. Кольцов дунёга келган эди, яқин ўртада Лермонтов дунёга келиши лозим эди. Гоголнинг аҳамияти ва Кольцовнинг дастлабки шеърларининг қиймати тўғрисида устоз билан шогирднинг билдирган фикрлари ўртасида қандай муҳим фарқ борлигини биз юқорида кўриб ўтдик: булардан бири фактларни ҳали пайқай олмаган эди, иккинчиси эса рус адабиёти тўғрисидаги ўз тушунчаларига шу фактларни асос қилиб олган эди. . .

1847. (*Гоголь таъсири тамомила тантана қилган.*) «Шундай даврлар бўлган эдики, у вақтда: бизда адабиёт борми?— деган савол парадокс* бўлиб кўринмасди ва кўп кишилар бу саволни, йўқ, деган маънода ҳал қилган эдилар. . . Бизнинг давримиздаги ғоят катта маънавий ютуқлардан бири шундан иборатки, биз Россиянинг ўз тарихи борлигини очдик. Рус адабиёти тарихи масаласида ҳам шундай. Бизнинг адабиётимиз шу даражага етдики, унинг келажакдаги ютуқлари, унинг олға қараб ҳаракат қилиши, унинг ўзидан кўра кўпроқ унинг шуғулланиши мумкин бўлган масалаларнинг катталиги ва миқдорига боғлиқдир. Бу адабиётнинг мазмуни қанча кенг бўлса, унинг фаолияти учун қанча кўп озиқ бўлса, унинг тараққиёти шунчалик тез ва шунчалик самарали бўлади. Нима бўлса-да, агар бизнинг адабиётимиз ҳали етилмаган бўлса ҳам, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ шу етукликка олиб борадиган тўғри йўлни топди, уни, чунончи, пайпаслаб турибди; бу эса унинг ғоят катта ютуғидир». *Рус адабиётига бир назар, «Современник», 1847 йил 1, Критика, 4 ва 28 бетлар. (Н. Г. Чернышевский изоҳи.)*

* П а р а д о к с (грекча) — умум фикрдан жуда фарқ қиладиган, тўғри тушунчага (кўпинча фақат юзаки қараганда) зид келадиган ўзига хос бир фикр.

Саққизинчи мақоладан

Шундай ёзувчилар бўладики, улар ўз асарлари билан ҳеч кимни ҳафа қилмайдиган, ҳеч кимни ўзига қарши қилиб қўймайдиган, ҳеч қандай душман орттирмайдиган бахт эгаси бўладилар, уларнинг бахтини, албатта, ҳеч ким ҳавас ҳам қилмайди. Бу бахтга ҳеч кимнинг ҳавас қилмаслигининг сабаби шуки, у фақат сийқа гапларни бўлар-бўлмасга тарқатиб юрадиган қуруқ кишиларгагина муяссар бўлади. Ҳақиқатнинг ҳақиқат деб аталишининг сабаби фақат шуки, у хатога, ёлғончиликка зиддир; агар хато бор экан, бу хато фикрга қўшилувчи кишилар, албатта, ҳақиқатга қарши чиқадилар; агар ёлғончилик бўлса, шу ёлғонга қўшилувчи кишилар шу ёлғончиликни ер билан яксон қилаётган кишига қарши қуруқ кўтариб чиқадилар. Фақат санъатда, фақат ахлоқий, философия, ижтимоий масалаларда бирон тузук фикр билдирилганда, албатта, қарши фикр туғилишига сабаб бўлиб қолмасдан, жуда аниқ ва исбот қилинадиган математика фанларида ҳам ҳақиқат ҳеч вақт кўп кишиларнинг эътирозига сабаб бўлмасдан қабул қилинган эмас, Ньютоннинг тортилиш қонуни узоқ вақтгача кўпчилик астрономларга бемаъни бир нарса бўлиб кўринган эди. Лапласнинг «осмон механикаси» шу дамгача тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. Фақат арифметика дарсликларигагина ҳеч ким қарши чиқмайди, чунки уларнинг бутун мазмуни кўриниб турадиган ҳақиқатлар билангина чекланган. Эътиқодсиз, бирон фикрсиз, мазмунсиз ва маъносиз ёзувчиларгина шундай гапларни айтадиларки, уларнинг қуруқ сўзларига қарши ҳеч кимнинг баҳслашгиси келмайди.

Мустаҳкам фикр эгаси бўлган, адабиётимизда жуда кўп муҳим ва янги ҳақиқатларни айтган Белинскийнинг муҳолифлари кўп бўлмаслиги мумкин эмас эди. У муҳим масалаларга тақилиб ўтар эди: шунинг учун ҳам, ўша вақтда ҳукмрон бўлган хатолардан манфаатдор бўлган кўп кишиларнинг унга қарши душманлиги ёвузлик даражасига бориб етар эди. Рус адабиётининг кўлами катта эмасди, лекин Белинскийга қарши эътироз билдириб ва уни айблаб тоғ-тоғ қоғозлар ёзилган эди.

Ҳар бир кишининг нуқсонлари бўлади, ҳар бир киши хато қилиши мумкин; ҳар бир ёзувчининг ўз заиф томонлари бўлади. Белинскийга қарши билдирилган мингларча эътирозлар, унга тўнқалган айблар орасида унинг камчи-

лик ва хатоларини тўғри кўрсатадиган баъзи бир ҳақ гаплар бор деб ўйлаш керак: ахир, табиийки, умум инсониятга хос бўлган гуноҳсизлик қисматидан у холи эмас эди — маълумки, гуноҳсизлик фақат Далай-Ламанинг¹¹ имтиёзидир. Белинский мухолифлари орасида, масалан Н. А. Полевой сингари, жуда ақлли кишилар бор эди, олим деб ҳисобланган кишилар бор эди (буларнинг номи-ни санаб кўрсатиб ўтирмаймиз, чунки олим деб ҳисобланувчи кишиларнинг саноғи йўқ: чунки олим деб ҳисобланувчилар бизда саводли кишилардан ҳам кўпроқ деса бўлади). Бу кишилар жуда кўп йиллар давомида жуда кўп ҳаракат қилиб, Белинскийни қаттиқ савалаш учун унинг хатосини қидирдилар. Хатосини топиб бўлмайдими, деб ўйладилар. Хатосини топдилар ҳам. Лекин бу топилган хатолар жуда қизиқ эди. Бу айб тақишларнинг баъзи бирлари тўғрисида биз юқорида гапириб ўтган эдик; булар, масалан, Белинский бизнинг машҳур ёзувчиларимизга қарши чиқаяпти деган гапларга ўхшаган нуқул уйдирма гаплардир, ҳолбуки у, аксинча, бу машҳур ёзувчиларнинг адабиёт тарихидаги ўрнини муътабар, эҳтимол, ҳатто жуда муътабар ўрин қилиб мустаҳкамлади;* Белинский тўғрисидаги яна бир гап, у жуда катта талаб қўяди деган гапдир, ҳолбуки Белинский жуда ҳам енгил талаб қўяр эди**, — фактларга ҳеч тўғри келмайдиган бундай айб тақишларни эслатиб ўтириш ҳам кишига жуда ғалати туюлади. Ҳолбуки, бу гап-сўзлар Белинский тўғрисидаги гап-сўзларнинг энг яхшилари эди; бундан ҳам баттарроқ, бундан ҳам ғалатилари бор эди. Белинскийга қилинган ҳамма ҳужумларнинг муваффақиятсиз чиққанлигининг сабаби ҳам жуда аён бир нарса;

* Бошқа бирон киши эмас, худди Белинский шундай қилди. Агар Белинский, Ломоносов, Державин, Карамзиннинг ҳақиқий хизматларини кўрсатиб бермаганда эди, улар ҳозир Белинский туйғули эга бўлган шу зўр ҳурматнинг ўндан бир қисмича ҳам ҳурмат кўрмас эдилар, бунда заррача ҳам шубҳа бўлиши мумкин эмас (*Н. Г. Чернишевский изоҳи.*)

** Ҳозир энг ўқинишли кишиларнинг орзу-ҳаваси жуда осонлик билан қондириладиган бўлиб қолган экан (кейинги вақтда халқ буни жуда яққол исбот қилиб берди), бунинг учун Белинскийдан кўп миннатдор бўлиш керак, чунки Белинский бутун кучини сарф қилиб, бизни хаёлий орзу-ҳавасларнинг гарчи камтарлик билан бўлса ҳам, ҳақиқатан қондирилишини аъло кўришга ўргатиш учун ҳаракат қилиб келди ва бизга ҳамма вақт ақлга тўғри келадиган талаблар меъёрини кўрсатиб берди. (*Н. Г. Чернишевский изоҳи.*)

биринчидан, ҳамма муҳим масалаларда ҳақиқат унинг томонида эди, ҳақиқий прогрессга хизмат қиладиган ишларда ҳамма вақт шундай бўлади; унинг муҳолифлари ундан бошқа майда-чуйда камчиликлар топа олмадилар, чунки улар қолоқ кишилар ёки зеҳни паст кишилар эди, умуман муҳокама қилинаётган илмий масалаларнинг ҳақиқий ҳолини тушунмадилар, энг муҳим масалаларни эса тескарича тушундилар ёки уларга ғараз билан қарадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг қўйган айблари мутлақо ноўрин бўлиб чиқди. Биз юқорида бир-икки мисолни кўриб ўтдик. Биз бундан олдинги мақоланинг иккинчи бўлагиде баён қилган масала тўғрисидаги айб ҳам худди шундай жуда ғалати эди.

Белинский мақолаларини хронологик тартибда ўқиб чиққан ҳар бир киши уларнинг бир-бири билан жуда боғлиқ эканлигини, унинг фикр баён этишида узилиш ҳам, тўсатдан бошқа бирон томонга бурилиб кетиш ҳам йўқ эканлигини, у деярлик ҳеч бир сездирмасдан, қадам-бақадам ўз фикрини тўғри баён қилиб боришини кўради: ҳолбуки шундай одамлар бор эдики, улар Белинский «бундан бир ой илгари айтган гапларига ҳозир ўзи қарши чиқяпти» деб унга жуда усталик билан айб қўяр эдилар. Белинский эътиқодларининг ҳаммага маълум мустаҳкамлиги ва изчиллигига жуда қарама-қарши бўлган фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб нима? Гап шундаки, ақли унча ўткир бўлмаган кишилар бутун жумланинг бир-бири билан боғлиқ эканлигига ва маъносига яхши эътибор бермасдан ҳамма вақт айрим сўзларига ёпишиб оладилар, шунинг учун ҳам уларнинг кўз олдига ҳамма вақт қарама-қаршиликлар келиб тура беради. Белинскийнинг мақсалааридан бирида, масалан, инглиз, француз, немис адабиётларига нисбатан рус адабиёти ҳали *жуда камбағал*, дейилган эди; бошқа яна бир мақоласида, ҳозир рус адабиёти илгаригига қараганда мазмунга *бойроқ* бўлиб қолди, дейилган эди. Ана шундан қарама-қаршилик топиб олдилар: Белинский баъзан адабиётимиз камбағал дейди, баъзан бой дейди дедилар. Белинскийга маломат қилиб келган қарама-қаршиликлари ҳамма вақт ана шундай қарама-қаршиликлар эди. Унга ҳалигидай айб қўювчиларга баъзан унинг ўзи шундай баҳона топиб берар эди: ўзининг илгариги бирон мақоласида бирон хато кетганлигини кўриб қолса, ҳеч қандай мулоҳаза қилиб ўтирмасдан, ўзи шу хатосини кўрсатиб берар эди...

... Белинскийга қўйилган айблар, гарчи мутлақо пуч ва ноўрин айблар бўлиб, ҳеч бир эътибор беришга арзи-маса ҳам, биз атайин шуларга тўхтаб ўтпмиз; адабиёти-миз аҳволини таърифлаб бериш учун уларнинг аҳамияти бор. Тарихий воқиянинг муҳимлиги фақат унинг абстракт мазмунига қараб белгиланмасдан, шу билан бирга, унинг атрофидаги ҳодисаларга солиштириб белгиланади. Рус адабиётида Белинский танқидидан ташқарида давом қилиб келган оқимларнинг қолоқлиги, бачканалиги ёки пучлиги бизни Белинский танқидини икки барабар ортиқ қадрлашга мажбур қилади*.

Белинский ёзган ҳамма мақолаларни хронологик тартибда қанчаки кўпроқ диққат қилиб солиштириб кўрадиган бўлсак, унинг тушунчалари мутлақо мантиқий суратда қадам-бақадам, ҳеч бир деярлик сезилмасдан ривожланиб борганлиги тобора равшан бўлиб кўринади. Бундан илгари мақолада келтирилган унинг рус адабиёти тўғрисида «Отечественные записки»¹²да босиб чиқарилган олти йиллик ҳисоботлари солиштириб кўрилганда ҳам, шу айтган фикрларимизни етарли даражада исбот қилиб беради. «Современник»да босиб чиқарилган сўнгги икки отчётни ҳам солиштириб ўтириш ортиқча бўлади, чунки кейинги вақтда Белинскийнинг фикрлари ўзгарди деб ҳеч ким айтгани йўқ; аксинча, унинг ҳаётининг сўнгги вақтларида кўп кишилар, Белинский илгариги фикрларини такрор қила бошлади, унинг янги мақолалари бошқача сўзлар билан ёзилган илгариги мақолаларининг ўзи, — деб гапира бошладилар, — биз илгари қараб чиққан ҳамма таъналар қандай ўринли бўлса, бу фикр ҳам худди шундай ўринлидир. Такрорлаймиз: бизнинг адабиёти-миз шу қадар ёш ва тажрибасизки, унда доимо жуда

* Белинский деярлик ҳамма истеъдодли ва ўқинмишли рус ёзувчиларни ўз маслакдошлари деб ҳисоблаган оқимнинг энг серғайрат намояндаси деб ҳисоблаш лозим эканлигини яна такрорлаб ўтиришнинг кераги йўқ, шу билан бирга, «биз Белинский танқидидан ташқарида фақат пучлик ва қолоқлик давом қилиб келди» деганимизда, биз фақат: «танқиддаги намояндаси Белинский бўлган оқимдан ташқарида биронта кўзга кўринарли ёки унумли нарса йўқ» демоқчи бўламиз, холос, лекин ўша вақтларда фойдали иш қилган ва Белинский билан бир қаторда туриб жонли фикрлар ифода қилган деган шараф эгаси бўлган бошқа арбобларнинг хизматини ҳисобга олишга уриш ниятимиз йўқ. Белинский, биз юқоридега гапириб ўтгандай, фақат битта эди, кўпларнинг биринчиси ёки энг серғайрати эди. (Н. Г. Чернышевский изоҳи.)

содда англашилмовчиликлар учраб туради, буларни тушунтириб бериш учун жуда элементар тушунчалар тўғрисида жиддий ва муфассал мулоҳаза қилиш лозим бўлади.

Белинский ўн тўрт йил рус адабиёти тўғрисида танқидий мақолалар ёзди. Бу мақолалар бир қанча журналларда босилиб чиқди. Журнал ўқувчилари доимо ўзгариб турарди. 1845 йилда «Отечественные записки»ни ўқиган эллик кишидан фақат биттаси 1840 йилдан бошлаб «Отечественные записки»ни қараб борган бўлса, эҳтимол; 1847 йилдаги «Современник»ни ўқиган ўн кишидан фақат биттаси бутун бундан олдинги йиллар мобайнида чиқиб турган «Отечественные записки»ни ўқиган бўлса бордир. Бирон тушунча «Телескоп»да 1835 йилда тушунтириб берилганлигига асосланиб 1845 йилдаги «Отечественные записки»да босилган мақолада шу тушунчани изоҳлаб бериш заруратидан бош тортиш мумкин бўлармиди, ҳолбуки 1845 йилдаги мақола кимга атаб ёзилган бўлса, шу кишилардан фақат жуда озгина ана шу илгариги изоҳдан хабардор эди. Танқидий мақола халқ учун ёзилди, бу мақола шу бир журналнинг ўқувчилари турли йилларда ҳамма вақт ўзгариб туришини назар-эътиборга олиши лозим. Шунинг учун танқидий мақолаларда қайтариқларнинг бўлиши турган гап. Танқид билан шуғулланувчи барча ёзувчилар ҳамма вақт шундай қилади ҳам. Албатта, агар Белинскийнинг ҳамма мақолалари битта қилиб тўпланса, бу тўпламнинг кўп саҳифаларида мақолалар такрорланади,— лекин бу мақолалар юзлаб китобларда босилганлигини эсда тутиш керак. Танқидчи ёзувчининг такрорлардан қочиши жуда ғалати педантлик бўлар эди,— мақолаларда такрорлаш бўлмаса, унинг мақолаларидан биронтасини ўз ўқувчиларининг ўндан бири ҳам тушуна олмас эди. Кўп йиллар давомида ёзган авторнинг танқидий мақолалари тўпланган ҳар қандай тўпламни олиб кўрсангиз, уларнинг ярми иккинчи ярмида айтилган сўзларнинг такрори эканлигини кўрасиз. Ҳозир бизда Маколейнинг¹³ танқидий мақолалари жуда расм бўлган — ҳеч бўлмаса шуларни кўрсатиб ўтайлик: сиз бу тўпламни кўздан кечирсангиз, Елисавета замонлари тўғрисида, Англиядаги реформация тўғрисида, Англиянинг ороллиги Англия тарихига қандай таъсир қилганлиги тўғрисида, Англияда узоқ вақт мунтазам армиянинг бўлмаганлигининг таъсири тўғрисида ва ҳоказо ва ҳока-

зо тўғрисидаги мулоҳазаларнинг йигирма жойда такрорланганлигини кўрасиз. Лекин Англияда бунинг учун Маколейдан гина қилиш ҳеч кимнинг фикрига ҳам келмайди, ҳеч ким унга, илгариги фикрларини такрорлапти, у ёзавериб чарчаб қолибди, демайди ҳам; бизда эса Белинский тўғрисида шундай дедилар ва шундай деганлар ақлга тўғри келмайдиган нарсаларни айтганликларини сезмадилар ҳам.

Айтганча, Маколейнинг такрор қилиши қанчалик зарур бўлган бўлса, Белинскийнинг такрорлаши ҳам шунчалик зарур бўлди дейиш кифоя қилмайди: инглиз танқидчисига қараганда рус танқидчисининг шундай қилиши зарурроқ эди. Бунинг сабаби шуки, адабиётимизнинг ҳам китобхонларнинг ҳам аҳволи инглиз адабиёти ва инглиз китобхонидан фарқ қилишидадир.

Маколейнинг баён қиладиган фикрларини юзларча бошқа инглиз ёзувчилари ҳам баён қилади; бу фикрлар китобларга кўчирилган, ақалли юз китоблик кутубхонаси бўлган ҳар бир кишининг уйда шундай китоблар бор (Англияда эса бундай кишилар биздагидан минг марта кўпроқ),— лекин шунга қарамасдан, Маколейнинг бир фикрни йигирма марта такрорлаши лозим бўлган эди. Бизда ундай эмас. Белинскийнинг баён қилган фикрларини сиз Белинский ёзиб турган журналдан бошқа бирон рус китобида, бирон журналда топа олмас эдингиз.

Европадаги халойиқ жуда қизғин маънавий ҳаётга ўрганиб қолган. Бу халойиқ ҳар қандай янги фикрга тайёрланган, биринчи мартаёқ уни пайқаб олиб, унга баҳо бера оладиган даражага етган. Биздачи — бизда ҳам худди шундай дегимиз келади, лекин фактлар тамомила бошқа ҳолни кўрсатади. Бизда эски фикрлар, агар бу фикрларда бирон жонли нарса бўлса, худди эшитилмаган янгиликдай, англашилмовчиликка сабаб бўлади,— булар ҳаммаси бизнинг адабиётимизда янги фикрлар пайдо бўлганда, бу эски фикрларнинг қандай дарров сезилганлиги ва баҳо берилганлигини кўрсатадиган мисолдир. Уқиган нарсаларимизнинг эсимизда қолиши, миямизда, ниҳоят, мустаҳкам бўлиб қолиши учун биз ҳамма вақт таъкидлаб, таъкидлаб ва яна таъкидлаб туришимиз лозим.

Баҳслашмаймиз, бизда бундан мустасно бўлган кишиларимиз бор — агар шулар ҳам бўлмаганда жуда қайғули бўлар эди,— лекин журнал мақолалари мустасно бўлган айрим кишилар учун ёзилмайди. Агар бирон киши шу

айтган гапларимизнинг тўғрилигига шубҳаланадиган бўлса, Белинский тўғрисидаги гапларни тўхтатмасдан жуда осонлик билан далиллар келтириш мумкин: кейинги йилларда шундай ҳоллар жуда кўп бўлдики, бир хил ёзувчиларни мақтадилар, бошқа бирларини гўё янги фикрлари учун қораладилар, ҳолбуки бу фикрлар Белинский мақолаларидан олинган фикрлар эди, яна ўз сўзимизнинг тўғрилигини батамом исбот қилиб бериш учун шуни айтиш керакки, бу фикрлар одатда Белинский ҳаммадан кўп такрорлаган фикрлар эди. Жуда осонлик билан ўнлаб мисол келтириш мумкин. Лекин битта ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб мисол келтирамиз: библиография жуда расм бўлиб кетган вақтда жуда машҳур бўлган библиографларни, адабиётимизнинг тарихий танқиди улар орқали тамоман янги бир фактга асосан, — фактларни муфассал текшириб чиқиш орқали юксалиб боради деб, уларни жуда кўкларга кўтариб мақтаган эдилар, — бунинг зарурлиги ҳақида бизда (гўё) илгари ўйламаганларидай, фактларни муфассал текширишни (гўё) фойдасиз деб ҳисоблаганларидай, библиографларни жуда кўкларга кўтариб мақтаган эдилар. Уларни мақташ билан бирга, Белинскийнинг ўзи фактларни ишлаб чиқишни (гўё) назар-писанд қилмай, бу ишнинг фойдасизлигини (гўё) исбот қилиб келгандай, унга таъна қилган эдилар. Ҳар бир қулай пайт келганда Белинский фактларни ишлаб чиқиш зарур эканлигини таъкидлаганлигини, ҳеч чарчамай шундай қилишга ундаб келганлигини, ҳар бир тузук фактни қувватлаб келганлигини эсдан чиқарган ёки бунинг нима эканлигини ҳеч қачон тушуна олмаган кишиларгина Белинский ҳақида шундай дейиши мумкин. Бунга яна шуни қўшиб айтиш керакки, Белинскийнинг ўзи тинмай шу фактларни текшириб келди ва адабиётимизнинг тарихи учун у билан бир замонда яшаган ёки адабиёт тарихи билан шуғулланган ундан кейинги ёзувчилардан юз марта кўпроқ факт тўплаб берди. Эллигинчи йиллардаги журналларимиздан жуда кўп шундай ажойиб мисоллар келтириш мумкин. Бу хатолар бизнинг хотиримиз жуда калта эканлигини, бирон фикрнинг онгимизда бирон даражада сингиб қолиши учун шу бир фикрнинг ўзини жуда сабр қилиб доимо уқдириб туриш лозим эканлигини аниқ ва равшан исбот қилиб берса керак.

Танқид ишларида зарур бўлган шарт-шароитга кўра, Белинскийда асосий фикрлар тез-тез такрорланиб туради

ва ҳар қандай танқиднинг мутлақо зарур бўлган бу сифатини Белинскийга хос нуқсон деб билдилар, танқиднинг қандай шарт-шароитга қараб амал қилиши тўғрисидаги тушунчаларни билмасликларини кўрсатдилар, ҳолос. Бу такрорлардан, кейинги йилларда Белинский ҳеч қандай янги бир нарса қилмасдан, илгари айтган нарсаларини такрор қилди, ҳолос, у ёзишдан чиқиб қолди деганлар,— бу жиддий судьялар эса ўзлари ўқиган мақолаларнинг маъносини ҳам тушуна олмасликларини ва ўз муҳокамаларида фақат ўхшаш сўзларнигина қидириб топишга амал қилганликларини кўрсатиб бердилар. 1842 йилда Белинский Ломоносовнинг аҳамияти тўғрисида гапирган эди, 1847 йилда ҳам у шундай қилди — мана шунинг ўзи уларга баҳона бўлди: шу билан улар, Белинский 1847 йилда Ломоносов тўғрисида бундан беш йил илгари айтган гапларидан бошқа ҳеч нарса дегани йўқ, деган қарорга келдилар. Ҳолбуки, шу икки обзордаги тегишли саҳифаларни солиштириб қарасалар, улар Белинскийнинг 1847 йилда Ломоносов тўғрисида илгари тушунтириб берган масалаларни қисқача эсга солиб ўтиб, асосий эътиборни илгари тақилмаган масалаларга қаратганлигини кўрар эдилар. Бу икки эпизоднинг бир-бирига ўхшашлиги фақат шундан иборатки, бу эпизодларда бир ёзувчи тўғрисида гапирилади, бу ёзувчи асарларининг характери тўғрисидаги бир умумий тушунча тўғрисида ёзилган,— Ломоносов тўғрисидаги умумий назар масаласида бу икки эпизод бир-бирига мос келади; лекин уларнинг мазмуни, уларда баён қилинган айрим фикрлар мутлақо бир-биридан фарқ қилади. Белинский 1842 йилда Ломоносовнинг қасидалари турмушдан олиб ёзилган қасидалар эмас, балки чет эл реторик поэзиясига тақлид қилиш деб исботлаган эди. Нима учун шундайлиги ва рус маънавий ҳаётининг ўша вақтдаги ҳолатида бошқача бўлиши мумкинми-йўқми эканлиги тўғрисида Белинский 1842 йилда гапирмаган эди. 1847 йилда Белинский, Ломоносов поэзияси тақлид қилиб ёзилган поэзиядир, деб қисқача эслатиб ўтиб, бу факт устида тўхтаб ўтирмайди-да, бу фактнинг зарурат эканлигини тушунтириб беради ва Ломоносовнинг қасидалари худди шу тақлид қилиб ёзилган қасидалар бўлгани учун ўша замондаги эҳтиёжларни қондирган эди, цивилизацияли турмуш ҳодисаларига тақлид қилиш ўша вақтда биз учун жуда зарур ва жуда самарали бир иш эди деб исботлаб беради,— бу эпизоднинг

мазмунни ундан илгариги эпизоднинг мазмунига қараганда бутунлай янги бир нарса эмасми, ахир? деган савол туғилади. Дунё жуда ғалати қилиб яратилган ва яхшиямки, масалан, Нибурнинг Тит Ливийга ёки Адам Смитнинг Ксенофонтга мунособати масаласини биздаги Белинский мухолифлари ҳал қилмаган: улар дарҳол, инглиз экономисти грек экономистининг фикрларини такрорлаган, холос, немис тарихчиси эса лотин тарихчисининг фикрларини такрорлаган, холос, деган хулоса чиқариб қўя қолар эдилар. Ҳақиқатда эса, уларнинг ҳар иккаласининг предмети битта: Нибур билан Тит Ливий иккаласи Ромул ва Нум тўғрисида, Цинциннат ва Камилл тўғрисида гапиради; Адам Смит билан Ксенофонт иккаласи давлат даромадлари ва чиқимлари тўғрисида ва деҳқончилик ва ҳунармандчилик тўғрисида гапиради.¹⁴ Бирининг асарларида бир хил масалалар қаралиб, иккинчисининг асарида мутлақо бошқа масалалар қаралган экан, бизнинг нима ишимиз бор? Ҳар икки китоб умумий бир предмет тўғрисида ёзилган, икковининг номи бир хил, яна нима дейсиз?.. Бу икки китобда кейинроқ чиққани илгарироқ чиққан китобнинг такрори бўлиши лозимлиги равшан бир нарса эмасми? Бу китобларнинг маъносини чақиб ўтиришнинг нима кераги бор? — бу бехатар иш эмас, ҳамманинг қўлидан ҳам келавермайди.

Ўз ақли фаросатини фақат ном ва сўзлар билангина чеклаб қўймасдан, маънони чақиб билиб олишга ҳаракат қилган кишига, албатта, Белинский эски нарсаларни такрорлайди ва ҳатто ўсмай қотиб қолди, деб унга қилинган таънанинг тамомила беҳуда эканлиги ҳамма вақт равшан бўлган эди. Бирон кишининг миясига шу темани танлаб олиб ҳужум қилиш фикри келган бўлиши мумкинлигига ҳатто ишониш ҳам жуда қийин; ҳолбуки Белинскийни ҳақиқатан ҳам, у ҳамиша бир нарсани такрорлайди деб ҳамма вақт унга таъна қилиб келдилар, ҳолбуки, бу ёзувчининг фаолиятининг кишини жуда ҳайратда қолдирган хусусияти унинг ҳамма вақт олдинга қараб интилганлиги эканлиги, унинг мақолаларини ўқиган ҳар бир кимсага аниқ ва равшан бўлиши лозим эди. Умуман Белинскийга қилинган таъналар тўғрисида гапирганда, ўзингни жуда ҳам ўнғайсиз ҳис қиласан киши, — худди Волга дарёсида сув ҳаракатсиз тургани учун Волгадан гина қилиш адолатданми, деб муҳожама қилгандай. Волга суви ҳаракатсиз, деган фикрга нима дейиш керак? Унинг беҳуда гап

эканлигини тушунтириб ўтириш кишининг кўзига ва соғлом фикрга ҳақорат бўлиб туюлади; ҳолбуки, бирон киши шундай фикр билдирса, унга жавоб бермай кўринг-чи,— шундай ўткир гап гапириб гинахонлик қилган киши, мен ҳақ бўлиб чиқдим, деб хаёл қилади. Агар бундай зеҳни ўткирлар кўп бўлса, сиз уларни шу хато фикрларида қолаверишларига йўл қўйсангиз, дилингиз гаш бўлиб ўзингизни жуда гуноҳкор сезиб юраверасиз.

Ҳозир кўрсатиб ўтилган жуда ғалати хатони рад қилиш учун биз яна бир мисол келтирамиз.

Белинскийнинг Пушкин тўғрисидаги бир қанча мақолалари, ҳеч шубҳасиз, мукамал, бир бутун нарсадир; бу мақолаларнинг ҳаммаси бир фикр таъсири билан, умумий бир план билан ёзилган, шунинг учун ҳам, бу мақолаларни бири иккинчисига бирон масалада қарама-қарши ёки улар умумий бир планга амал қилиб ёзилмаган деб айтиш шу дамгача ҳеч кимнинг миёсига ҳам келмаган бўлса керак. Лекин Пушкин тўғрисидаги мақолаларни, биринчиси 1843 йилда «Отечественные записки»нинг олтинчи китобида, сўнгиси 1846 йилда ўн биринчи китобида босилган мақолаларни қайта-қайта ўқиганда, Белинскийнинг қарашлари тобора кенгайиб, чуқурлаша борганини, мақолаларнинг мазмуни эса тобора кескинроқ миллий ҳаёт манфаатлари билан суғорилганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Масала, биринчи мақоланинг бошида Пушкиннинг аҳамияти кўпроқ бадий нуқтаи назардан тушунтириб берилади, сўнгги мақоланинг охирида эса Пушкин асарларининг соф бадий қийматидан кўра, унинг фаолиятининг жамиятимиз учун аҳамияти яққолроқ қилиб кўрсатилади, бунда унинг поэзияси инсонпарварлик туйғуларига сабаб бўлганлиги кўрсатиб ўтилади.* Пушкиннинг лицейда ёзган шеърлари

* Пушкин тўғрисидаги сўнгги мақола мана бундай деб таомланган:

«Хулоса ясаймиз. Пушкин кўпроқ шоир, санъаткор эди ва ўз табиати жиҳатидан бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. У бизга санъат ва бадий асар бўлган поэзияни яратиб берди. Шунинг учун ҳам у ҳамisha поэзиянинг буюк ўрнак бўладиган моҳир санъаткори ва санъатнинг устози бўлиб қолади. Пушкин поэзиясига хос хусусият, унинг кишиларда нафосат ва инсонпарварлик туйғусини ўстира билганлигидир, шу билан бирга бу сўзларни ишлатганда уни кишининг кишилиқ фазлатига бениҳоя ҳурмат билан қараш маъносида тушунмоқ керак. Пушкиннинг туғма мутаассибликлари бўлишлигига қарамасдан, табиатан у

текшириб чиқилган тўртинчи мақолада Пушкиннинг услуби билан ундан илгари ўтган шоирларнинг услуби ўртасида қандай алоқа борлиги кўпроқ расмий тарзда тушунтириб берилади. «Руслан ва Людмила», «Кавказ асири», «Боқчасарой фонтани», «Қароқчи оға-инилар» тўғрисида гапирилган олтинчи мақолада бу асарлар тўғрисидаги соф адабий муҳокамалар келтирилган; лекин еттинчи мақолада («Лўлилар», «Полтава») Алеконинг севги тўғрисидаги тушунчалари, маънавий тушунчалар тўғрисидаги эпизод учун сабаб бўлади, «Онегин»ни таҳлил қилишга бағишланган саккизинчи, тўққизинчи мақолаларда эса ҳаммадан кўп саҳифалар ана шундай эпизодларга бағишланган. Шундай қилиб, афтидан, илгаридан ўйлаб қўйилган тамоман бир бутун планга мувофиқ аниқ қилиб ёзилган мақолаларни қайта-қайта ўқиб чиқиб Белинский гапириб ўтишни ўзининг вазифаси деб билган предметлар доирасининг кенгайиб борганлигини, унинг соф адабий нуқтаи назардан қараши жамиятнинг бошқа эҳтиёжлари тўғрисида жонкуярлик қилиш билан қўшилиб, тобора кўпроқ жонланиб борганлигини, адабиётнинг ўзи санъат манфаатларидан кўра кўпроқ жамият манфаатлари учун хизмат қилиши Белинскийга тобора аниқ ва равшан бўла борганлигини кўришимиз мумкин.

Белинскийга қилинган таъналар тўғрисида шуларни айтганимиздан кейин, биз бу масалага хотима бермоқчимиз, шунинг учун ҳам олдинги айб тақишлар ҳаммаси аслида қандай ноўрин бўлса, худди шундай ноўрин бир айб тўғрисида бир неча оғиз сўз айтмоқчимиз; бу айб аслида ноўрин бўлса-да, лекин ҳар ҳолда ёзувчининг ақли ва бошқа истеъдодлари тўғрисида унинг асарларига қараб эмас, балки унинг ҳаётида бўлган расмий ҳолаҳволларига қараб ҳукм қиладиган кишиларга, юзаки қараганда, ҳақиқатга ўхшашроқ бўлиб кўринган эди.

Лавуазье жуда катта савдогар, ғоят катта савдо корхонасининг молния ишларига қарайдиган энг серғайрат ва

жуда меҳрибон, ҳуш табиат, «инсон»лигига кўзи етган ҳар бир кишига чин қалбидан меҳрибонлик қиладиган одам эди. Пушкин баъзан жуда ҳаддан ошиб кетадиган даражада қизғин бўлишига, жуда мустаҳкам ва кучли характер эгаси бўлишига қарамасдан, у болаларча беозор, юмшоқ кўнгил ва меҳрибон эди, бинобарин, шуларнинг ҳаммаси унинг бадний асарларида акс этилган эди». (Н. Г. Чернишевский изоҳи.)

иш биладиган директорлардан бири эди; лекин у энг янги химияни яратиб берди, лекин Европада ҳеч ким, у саноатчи эди, унинг химия билан яхшилаб шуғулланишга вақти йўқ эди, деб шунга асосланиб унинг фан учун қилган хизматини инкор қилмоқчи бўлгани ҳам йўқ. Вильгельм Гумбольт дипломат эди, министр эди; лекин у филология соҳасида гениал асарлар ёзди,— лекин Европада ҳеч ким, Гумбольтнинг филология билан яхши шуғулланишига вақти йўқ эди деб, шунга асосан унинг асарларининг қийматини инкор қилишни ўйламади ҳам; у депешалар ёзди, музокаралар олиб борди, иш қоғозларига резолюциялар қўйди. Анкетиль Дюперрон матрос эди, кейин Ост-Индияда хизмат қилди, лекин у зенд тилини ўрганган биринчи киши эди, бундан ташқари у, Европачи оташпарастлар цивилизацияси билан таништирди,— бунда ҳам ҳеч ким матрос ва малайнинг фан билан шуғулланишга вақти йўқ эди деб, шунга асосланиб унга қарши баҳслашмоқчи бўлгани йўқ. Яков Бем зўрға ўқиб, ёзадиган даражада маълумот олди, кейин тирикчилигини ўтказиш учун этикдўзлик қилди ва умрининг охиригача жуда яхши этиклар тикди, лекин бундан ташқари философиядан гениал асарлар ёзди,— лекин бунда ҳам Европада ҳеч ким этикдўзнинг яхши философ бўлишига йўл бўлсин; унинг иши этик ямаш, ип пишитиш, шунинг учун унинг асарлари ёмон бўлиши керак, деб айтишни ўйлагани ҳам йўқ.

Бунинг сабаби Европадаги ақлли ва ўқимишли кишиларнинг калтафаҳмлигидир. У шўринг қурғурлар фалон авторнинг илмий асарлари яхши-ёмонлиги тўғрисида ҳукм қилганининг энг осон ва тўғри йўли тўғрисида ўйламадилар. Бу энг тўғри йўл шундан иборатки, автордан: «Бизга ўз дипломингни кўрсат, қани айт-чи, сен қаерда ўқишни тамомладинг, қайси илмий жамятлар сени ўзига аъзо қилиб олди, сен қандай вазифада ишляпсан?» деб сўрашди. Авторнинг дипломи бўлса, бирон илмий вазифада ишлаётган бўлса,— демак, унинг илмий асарлари ҳам жуда яхши асар бўлади.

Бу қондани бизда Н. А. Полевойга, яна кўпроқ даражада Белинскийга татбиқ қилса бўлар эди. «Бу одам ҳеч қандай диплом олмаган эди,— демак, илмий масалалар тўғрисида яхши асарлар ҳам ёза олмасди».

Белинский этикдўз ҳам, матрос ҳам, дипломат ҳам ёки банкир ҳам эмас эди; ҳеч қандай ҳунар унинг китоб-

дан эътиборини четга бурган эмас, лекин унинг дипломи ҳам йўқ эди; ўзингиз танангизга ўйлаб кўринг, бу қанақа олим бўлиши мумкин.

Фаросатли судьялар, асарларнинг ўзига қаранг-да, ёзувчининг олимлик масаласини шу ижод қилган асарларига қараб ҳал қилаверинг.

Белинский ўз билимининг шу тарзда текширилишидан кўрқиши мумкин эмас. Бўлғуси биографлар унинг қачон ва нима билан шуғулланганлигини ва қўли етган воситалардан билим олиш учун қандай фойдаланганлигини бизга ҳикоя қилиб берарлар,— биз эса биография ёзаётганимиз йўқ, бизни бунда одамлар эмас, балки уларнинг асарларигина қизиқтиради, агар Белинский асарларини ўрганиб, бу асарлар, унинг билими мустаҳкам эмас, деган ҳар қандай шубҳаларни ҳеч сўзсиз рад қилиб ташлашини билиб олсак, шунинг ўзи бизга кифоя қилади. Бизда бу жиҳатдан Белинский билан тенглаштириш мумкин бўлган ёзувчилар оз эди. Унинг асарларида ёритилган масалалар жуда оз эди деб айтиш мумкин бўлмаса керак, чунки унинг мақолаларини қайта-қайта ўқиганингда унинг ўзи шуғулланган масалалар тўғрисида жуда мукамал тушунчаларга эга эканлигини, кўп олим ёзувчиларнинг унга ҳаваси келиши мумкинлигини яққол кўрасан.

Белинский махсус шуғулланган фан, яъни рус адабиёти тарихига келганда, у бу фанни оқуда яхши биладиган биринчи тарихчи эди, ҳозир ҳам шундай. Бизнинг олимларимиздан ҳеч ким бу жиҳатдан шу дамгача у билан тенглаша олгани йўқ. Умуман шунини эътироф қилиш керакки, Белинский бизнинг ҳамма танқидчиларимизнинг энг каттаси бўлиши билан бирга, бизнинг энг ажойиб олимларимиздан бири эди. Бу фактни унинг асарлари ҳеч сўзсиз исбот қилиб беради. Бунга шубҳаланиш — ё ўз билиминг етарли эмаслигини ёки Белинский асарлари билан таниш эмаслигинини кўрсатишдир.

Белинскийга таъна қилган ва унга айб таққан кишилардан бизнинг заррача бўлса-да бўш келмаганлигимиз баъзи бировларга (эҳтимол, ишонч билан айтиш мумкинки, оқуда оз кишиларга) ҳаддан ташқари тошқўнғиллик бўлиб кўриниши мумкин.— Ҳақиқатан, бу кишилар мутлақо ноҳақми?— Мутлақо ноҳақдирлар,— бунда тарих нима эканлигини тушунадиган кишилар учун ҳеч қандай қизиқ ёки ғалати бирон нарса йўқ; тарих жуда

кўп ҳолларда худди шундай ҳодисалар бўлганлигини кўрсатади, бир-бири билан кураш олиб борган партиялардан бири тамоман ҳақ бўлиб, унинг мухолифлари томонидан қўйилган ҳамма айблар узоқни кўра билмасликдан, нодонликдан, ғаразгўйлик қилишдан ва шу каби ёмон сифатлардангина келиб чиққан мутлақо сохта айб қўйиш эканлигини кўрсатиб беради. «Лекин сиз Белинскийнинг танқидчилик фаолияти — абсолют танқид идеалининг батамом амалга оширилишидир деб исбот қилиб бермоқчи бўласизми?» деб биздан яна сўрашлари мумкин. Лекин гап асло бунда эмас. Ҳар бир ёзувчи ўз асрининг фарзандидир, бинобарин, фикр тараққийси замон ўтиши билан ўз даврига хос даражадан юқори кўтарилса, унинг қарашларидан тўлароқ ва чуқурроқ қарашлар пайдо бўлса, у вақтда, албатта, унинг асарлари тамомила қаноатлантирадиган асар бўлмай қолади, киши фикрининг бўлажак тараққиёти бизнинг асримиздаги фикрнинг дунёга келтирган ҳамма нарсаларидан тўлалиги ва чуқурлиги жиҳатидан жуда ўсиб кетишига биз заррача ҳам шубҳа қилмаймиз; бизнинг яна шунга ишончимиз комилки, рус адабиёти ҳали буюк тараққиёт даврини бошидан кечиради ва мана шу юқори даражадаги тараққиёт даври келганда, рус адабиётида бўлиб келган ва ҳозир ҳам мавжуд бўлган ҳамма нарсалар, шу жумладан, Белинский танқиди ҳам қониқарсиз бўлиб кўринади. Бошқа адабиётлар тараққиётининг бориши ҳам худди шундай бўлади деб мулоҳаза қилиб, бизнинг ҳозирги адабиётимизнинг қайси томонлари у вақтларда заиф бўлиб кўришини олдиндан оқ назарда тутишимиз мумкин, ўша замон руҳига мувофиқ келадиган танқиднинг Белинский танқидидан нима фарқ қилишини олдиндан айтиб беришимиз мумкин: бу танқид кўпроқ талаб қиладиган танқид бўлади, бу танқидга нисбатан Белинскийнинг танқиди ўзининг қўяётган талаблари жиҳатидан жуда бўш бўлиб кўринади, бу талабларни ифода қилиш жиҳатидан жуда ҳам нотайин ёки жуда ҳам заиф бўлиб кўринади: у вақтда рус адабиётида муҳокама қилинадиган масалалар шу вақтгача қўйилган масалалардан муҳимроқ бўлади, — шунинг учун ҳам танқид ҳозирги адабиётда жуда муҳим бўлиб кўринадиган жуда кўп масалаларни эътибор беришга арзимайдиган масалалар деб ҳисоблайдиган бўлади. Лекин бу давр энди келади, бу даврнинг тез ёки кеч келишини ҳал қилиш қийин: нима бўлишини олдиндан

кўриб айтиш мумкин; қачон бўлишини ва қандай бўлишини айтиш мумкин эмас. $2 \times 2 = 4$ бўлгани сингари, тундан кейин кун келиши сингари биз ҳам шу нарсани аниқ ва равшан биламизки, мана шу порлоқ кунгача етиб борадиганлар тундаги ёруғ юлдузлар, ҳозир бизнинг зулматдаги йўлимизни ёритиб турган ёруғ юлдузларнинг нуридан ёрқинроқ ва ҳаётбахш нурларнинг ҳузур-ҳаловатини кўрадилар, албатта.

«ЖУРНАЛЛАР ТУҒРИСИДА ЗАМЕТКАЛАР»ДАН

(1856 йил июль.)

Адабиётимиз бизга кўп яхши нарсалар берди. Биз адабиётимизнинг берадиган нарсаларидан норози бўлишимиз мумкин, бунинг учун ундан баъзан ҳатто хафа бўлишимиз мумкин, унинг мукамал эмаслигидан хафа бўлиб ундан қаттиқ таъналар қилишимиз мумкин, лекин шундай бўлишига қарамасдан, адабиётнинг кўп яхши томонлари бор, ҳар ҳолда бизнинг ҳар биримиз ўз ҳаётимизнинг энг яхши минутлари учун бизга кўп яхши лаззатлар ва юксак туйғулар бағишлаган адабиётдан миннатдор бўламиз, ҳар ҳолда бизнинг ҳаётимизнинг адабий томони — энг жонли ва энг ёрқин томонидир. . .

Айтинг-чи, ўз ҳаётини адабиётимизга бағишлаган кишиларга биз қандай миннатдорлик билдирдик?

Бу фикрлар яқинда бўлиб ўтган бир воқияни эслатди.

Мен яқинда қабристонда бўлган эдим.¹ Қабристон ям-яшил, қабрлар устида гуллар барқ уриб очилиб ётар, тобутлар тепасида ёш ҳаёт маъж уриб, шоирнинг ибораси билан айтганда, табиатнинг абадий гўзаллиги нур сочиб турарди. Мен юзларида маъюслик ва бепарволик аломатлари кўриниб турган тўп-тўп кишиларни учратдим: улардан баъзи бирлари қариндош-уруғларини зиёрат қилгани, бошқалари яъни кўпчилик қисми — шунчаки қабристондаги ёдгорликларни томоша қилгани келган. Кўнглим бузилиб кетди. Мен қабристондаги аристократлар қўйилган жойлардан тобора узоқлашиб, камбағаллар қўйилган жойга яқинлаша бошладим. Бу ерда қатор крестлар орасига қўйилган мрамар ва чўян ёдгорликлар ҳам, одамлар ҳам сийраклашиб қолди. Мен қабристоннинг бир чеккасида турибман, бу ерда ҳеч ким йўқ, жимжит хаёлга чўмиб, кимсасиз сўқмоқлардан кеза бошладим. . . ўзимчи тамомила унутиб қўйдим. . . Бир вақт аллакимнинг қаттиқ

ва қандайдир тантанали овози мени шу хаёлимдан айирди.

— Мана сен зиёрат қилмоқчи бўлган NN нинг қабри.

Бошимни кўтариб қарасам, мен юриб келган сўқмоқнинг рўпарасидаги бошқа бир сўқмоқдан келаётган икки киши оддий бир қора крест олдига келиб тўхтади: қирқ бешларга борган катта бир киши кўзи билан ишора қилиб йигирма яшар чамаси бир йигитга шу крестни кўрсатди.

«Бечора дўстимнинг қабри шу экан-да, мен уни бир неча марта ахтариб топа олмаган эдим, дўстим вафот этган вақтда шу ерда бўлган танишларимиздан суриштириб ҳам қабрини топа олмаган эдим!»

Мен яқин бордим. Крестга ҳақиқатан менинг марҳум дўстимнинг номи ёзилган. Ҳалиги йигит ва мен шу қабр ёнида ҳурмат билан бош эгдик.

— Сиз ҳам NN ни ҳурмат қиларкансиз!— деди ҳалигиларнинг катта ёшлиси.— Ҳа, Гамлет² айтгандай, *бу инсон эди*. Уғлим аллақачондан буён шу жойни кўрсатинг деб илтимос қилиб юрган эди,— мен ҳам зўрға қидириб топдим; беш йилдан кейин сира ҳам топиб бўлмайдиган бўлиб қолади: қаранг, крестни қимирлаб қолибди. Шундай кишининг қабрига ёдгорлик ҳам қўйилмабди!

Мен ўнғайсизланиб қолдим, бу дўстимиздан бениҳоя миннатдор бўлишимиз лозим эди, шу сабабли ўзим учун ҳам ҳаммамиз учун ҳам, жуда уялдим. . . Агар бу киши бўлмаганда, мен дўстимнинг қабрини ҳам топа олмас эдим, беш йилдан кейин эса у туфайли одам бўлиб қолган бу йигит ҳам унинг қабрини топа олмайди. . .

Бу марҳум ким? У қандай ишлар қилганки, бу йигитнинг отаси ўғлини унинг қабрини зиёрат қилгани олиб келибди? Унинг ким эканлигини сиз фаҳмлайсиз: у шунчаки, ёзувчи, бутун ҳаётида бор-йўғи оддий бир қашшоқ бўлиб ўтган ёзувчи. У фақат ўйларди ва ёзарди — ундан бошқа ҳеч нарса қилмас эди, ҳатто бирон тузукроқ мансаб эгаси бўлишга ҳам ҳаракат қилмади, ҳатто ўз ҳаётини таъминлаш, шуҳрат қозониш учун ҳам ҳаракат қилмади — унга шундай бўлиб кўринган эди. . . дарҳақиқат, шундай деб ўйлашида ҳақли ҳам эди; у ҳеч кимдан табрик сўзи эшитмади, унга ҳеч ким далда бермади, унга жуда содиқ бўлган бир мунча кишиларгина унинг ўткир ақлига, олийжаноб қалбига қойил бўлди, халойиқ ҳам унинг ёзган нарсаларини севиб ўқиди, лекин ҳеч ким деярлик бу асарларни ким ёзганлигини билишга ҳаракат

ҳам қилмади, билмади ҳам. Ҳақиқатан у шуҳрат ҳам қозонмади, ҳар ҳолда кўзи тириклигида шуҳрат қозонмади.

Шундайку-я, лекин у туфайли минг-минглаб киши одам бўлиб қолди. У бутун бир авлодни тарбиялаб етиштирди. Шуҳратни айтмайсизми? Кўп кишиларнинг номи-ни у тилга олганлиги туфайлиёқ улар шуҳратли одамлар бўлиб қолдилар, бошқа кўп кишилар эса, унинг бир-икки фикрини тушуниб олганликлари учунгина ном чиқардилар. Бошқа энг яхши кишиларнинг шуҳрат қозонганига сабаб шуки, ундан таълим олдилар, унинг маслаҳатларига қулоқ солдилар. Мен ҳозирги журналларимизни варақлаб қайта-қайта ўқиганимда, ҳамма вақт уни эслайман. Мана бу илмий мақола халойиққа жуда зўр таъсир қилиб, олимлар авторни ҳурмат қиладиган бўлган эди — бунинг сабаби нима? Сабаби шуки, бу мақола унинг фикри таъсири остида ёзилган, у кўрсатган ва тушунтириб берган темада ёзилган; мана бу танқидий мақолани ҳамма жуда зўр ақл ва олийжаноблик билан ёзилган дейди, — бу мақоладаги ҳамма, яхши фикрлар ҳам унинг фикри эди, автор эса ҳатто бунинг кўрсатиб ўтишни лозим деб ҳисобламайди ҳам; аксинча, автор ҳатто у тўғрида ақлли бўлса ҳам, лекин ҳар нарсага берилиб кетадиган маълумоти кам ва масалага юзаки қарайдиган киши тўғрисида гапираётгандай, баланддан келиб гапиришга ҳаракат қилади: афтидан, автор ўзини бирон нарсага арзийдиган қилиб кўрсатиш учун бу номни ўртадан олиб ташлашим лозим экан, деб ҳис қилади; автор унинг олдида ўзининг ҳеч нарсага арзимаслигини билса керак. Мана бу повестни жуда яхши повесть дейдилар, — бу ҳам фақат унинг таълимоти мевасидир; у ҳам фикр берди ва бу фикрни қандай шаклга солишни ҳам кўрсатиб берди. . . Хуллас, ҳамма ерда у ҳозир! Бизнинг адабиётимиз ҳозиргача ҳам у билан барҳаётдир! . .

Биз адабиётчилар, ўртамиздаги яхши кишиларни тарбиялаб етиштирган мураббийимизга миннатдорлик юзасидан нима қилдик? Ҳеч нарса қилганимиз йўқ³. Биз ҳатто келажак авлод у бечоранинг қабрини қидириб топа олмас, бизни айбдор қилиши тўғрисида ҳам ўйлаб кўрганимиз йўқ.

Мен унинг дўстларини ёмонотлиқ қилмоқчи эмасман. Улар одамгарчилигимизнинг мазаси йўқ, деб узр сўрай қолсинлар, — ҳақиқатан ҳам уларнинг узрини қабул қилса бўлади. У жуда ҳам даҳшатли вабо вақтида вафот

этди, у вақтда ҳар ким ўз жонини ҳовучлаб турган эди, эрталаб ҳеч ким кечқурунғача ўзининг нима бўлишини билмас эди⁴. Улар ўзларидан қўрқиб, уни эсдан чиқариб юборган бўлишлари мумкин — ўз қилмишинг учун жавоб беришга тайёрланишинг керак бўлиб турган бир вақтда, бошқаларнинг қабри тўғрисида ўйлаш эсингга келади дейсанми?

Лекин вабо тугаб, кишилар ҳаммага таҳдид солган хавф даҳшатидан қутулиб, кўнгли таскин топганидан кейин маънавий жиҳатдан ўсган ва ном чиқарган ҳар бир кимса миннатдор бўлиши лозим бўлган кишини эслаб қўйса бўларди.

Йўқ, афтидан, унинг ҳар бир дўсти шу қадар ўзи билан ўзи овора бўлиб кетганки, зиммасидаги вазифани бажаришга вақти бўлмаса керак.

Айтмоқчи, агар жуда яқин бир неча ёр-биродарлари уни эсга олишни хоҳламаса, нима бўлибди? Унинг кўпдан-кўп бошқа садоқатлироқ дўстлари ҳам бор: булар — унинг китобхонларидир. Ҳозир китобхонлар адабиётимизнинг жонланиши учун кимга миннатдорлик билдиришлари лозим эканлигини биладилар; ҳозир китобхонлар тез-тез у тўғрида гапирадиган бўлиб қолдилар. Бир вақт унинг дўстлари бажармаган вазифани китобхонлар бажарадилар.

Халойиқми?— гўё халойиқ дарҳақиқат ҳамма вақт миннатдорлик бурчини муқаддас билиб бажарадигандай. Халойиқ ҳам жуда чиройли гаплар билан кифояланиб, бу гапларни амалга оширмай қўядиган вақтлар бўлмайдимми? Пушкиннинг вафотига яқинда йигирма йил тўлади: йигирма йилдан буён ҳамма уни жуда ҳурмат қилиб, янги адабиётимизга асос солган киши деб айтади, у тўғрида гапирганда жуда чиройлик ибораларни ишлатиб, жуда оташин гапларни гапирди,— шундай экан, ҳамма умрбод шуҳратга сазовор бўлган шоир деб билган буюк шоир хотирасига қўйилган ҳайкал қани?⁵.

Н. П. ОГАРЕВ

Н. ОГАРЕВ ШЕЪРЛАРИ

Москва 1856

Жаноб Огарев ҳеч қачон катта шуҳрат қозонган эмас. Тўғри, танқид «ҳозирги вақтдаги энг яхши шоирларимизни» санаб кўрсатган вақтларда, ҳамма вақт Огаревни ҳурмат билан тилга олар эди; тўғри, халойиқ ҳамма вақт жаноб Огаревнинг талантини ҳурмат қилар эди, ҳатто униг имзоси қўйилган шеърлардан баъзиларини севиб ўқирди,— «Эски уй», «Майхона», «Ностигно»*, «Гўдак» (*Она ўтирарди бешик ёнида*) «Оддий қисса» (*Ажойиб баҳор эди*), «Кўнглим яна ўтли муҳаббат истар», «Қария ўзи одатланган фурсатда», «Тақдиримни лаънатлаган бўлардим» ва бошқа бир қанча ажойиб пьесаларни ким билмайди? Шундай бўлишига қарамасдан, зирор нарсага жуда берилиб кетиш сингари соддалигини ҳали ҳам тарқ қилмаган халойиқ жаноб Огарев поэзиясига қизиқмади ва кейинги йилларда жуда кўп санамларни дунёга келтирган танқидимиз жаноб Огаревни ҳаддан ташқари мақтаб кўкларга кўтармади, ҳолбуки танқидимиз кейинги йилларда бундай мақтовларга жуда саҳий бўлиб кетган эди. Жаноб Огарев асарлари шов-шувга сабаб бўлгани йўқ. Унга ҳамма вақт осойишталик билан хайрихоҳлик билдирардилар, холос, ўшанда ҳам халойиқнинг унча катта қисми хайрихоҳлик билдирмас эди.

* Ноктюрн (итал.)—лирик музика асари.

Ҳозир ҳам, яъни шу вақтгача журналларда тарқоқ ҳолда босилиб чиққан шеърлари бир китоб қилиб тўпланганда ҳам, унинг ҳозирги замон адабиётидаги аҳволининг ўзгарган бўлиши даргумон. Шубҳасиз, ҳамма журналлар уни мақтаяпти, лекин эви билан мақтаяпти: халойиқ ҳам унинг китобларини ўқийди, лекин ўқиганда ҳам унча қизиқмасдан ўқийди. Ҳамма, «яхши», дейди; лекин ҳеч ким жуда хурсанд бўлмайди. Шоир хафа ҳам бўлмайди, ажабланмайди ҳам. Шоир ўзига жуда катта шуҳрат ҳам талаб қилмайди: шоир шуҳрат учун ёзгани йўқ, шуҳрат қоснаман деб ўйлагани йўқ, эҳтимол, шуҳрат қозонишга ҳаққим бор деб ўйламаган ҳам бўлса керак.

Шоирнинг ўзи бундан рози бўлиши мумкин. Лекин биз,— шоирнинг бу ярим машҳурлигидан, жуда қизғин маъқулланмагани ва бошига шуҳрат тожи қўйилмаганидан рози бўлиб қўя қолмоқчи эмасмиз. Биз ҳозирги халойиққа ҳам, ҳатто ҳозирги танқидга ҳам қарши чиқмоқчи эмасмиз. . . эҳтимол, халойиқ ҳам, танқид ҳам ўз нуқтаи назаридан ҳақлидир. Лекин биз шуни айтишимиз керакки, орадан ўттиз йил, йигирма йил ўтгандан кейин, эҳтимол, ундан ҳам илгарироқ аҳвол ўзгаради. Ҳозир бизга мақташга арзийдигандай кўринадиган кўп ёзувчиларни эсга олишга у вақтларда кишининг юраги дов бермай қолади, ёки булар бутунлай эсга олинмай қолади, лекин жаноб Огаревнинг номини кишилар муҳаббат билан ва тез-тез тилга олиб турадилар, тилимиз тамомила йўқ бўлиб, эсдан чиқиб кетгандагина унинг номи ҳам эсдан чиқса эҳтимол. Жаноб Огаревнинг рус адабиёти тарихидан бир саҳифани эгаллаши турган гап, ҳолбуки ҳозир ундан кўра кўпроқ шовқин-сурон кўтараётган ёзувчиларнинг катта қисми ҳам шундай бўлади, деб айтиш мумкин эмас. Ҳозир биз мақтаб ёзаётган ва мадҳиялар ўқиётган ҳамма шеърлар эсдан чиқиб кетганда ҳам, унинг «Эски уй» деган шеъри қайта-қайта ўқилади:

Эй ҳувиллаб қолган, қадирдон уйим,
Ниҳоят мен бугун кўргани келдим.
Ўтмиш билан банддир хаёлим-ўйим,
Кўнглим ғамга тўлиб сенга тикилдим.

Супуриқсиз ҳовли ётар қаршимда,
Чириган қудуқ ҳам бўлибди вайрон.
Боғда яшил барглар чиқармас садо —
Зах ерда чирирди бўлиб заъфарон.

Туради кўҳна уй ғамгин — бефайз,
Сувоқлари ерга тўкилган роса,
Устида кўк булут кезарди ғиз-ғиз,
Бу уйнинг ҳолига тутарди аза.

Ичкарига кирдим. Уша хоналар —
Шу ерда вайсарди у бадқовоқ чол.²
Чўчитарди бизни тили кўп заҳар,
Унинг гапи бизга келарди малол.

Мана ўша хона: дўстим иккимиз
Ақлу қалбимиз-ла шунда турардик;
Илгари вақтларда шу хонада биз
Жуда ҳам ажойиб ўйлар сурардик.

Бу ерда юлдузча сочар эди нур,
Деворларда эса ёзувлар қолмуш;
Буларни бир маҳал қўллар чизгандур,
Юракларда ёшлик урган чоғда жўш.

Ана шу хонада ўтмишдаги бахт,
Содиқ дўстлигимиз топганди камол...
Ҳозир эса бу ер ташланди хилват,
Ўргимчак уя-ла этилмиш қамал.

Дафъатан чўчидим. Қалтираб кетдим —
Гўё қабристонда ёлғиз турардим,—
Қардош мурдаларни бир бир чақирдим,
Лекин мурдалардан турмади ҳеч ким...

«Албатта, «Эски уй» жуда яхши шеър; лекин бизнинг замонамизда анча кўп бошқа пьесалар ёзилган бўлиб, бу пьесаларни ё фикр жиҳатидан ёки пардози жиҳатидан ундан юқори қўйиш лозим. Бу пьесанинг бошқа ҳамма пьесалардан кўпроқ умр кўриши лозимлигига сабаб нима?» Билмадик, ҳозирги рус адабиётида бундан ҳам гўзалроқ асарлар бормикин; лекин гап шундаки, умуман жаноб Огаревнинг ҳаёти ва асарлари тарих мулки бўлгани сингари, «Эски уй» ҳам тарих мулкидир: бу — бахтдир ёки, тўғрироқ қилиб айтганда, асарнинг фазилатидир, бундай фазилат жуда оз сара кишиларгагина муяссар бўлади. Ҳа, шундай, жаноб Огарев адабиётимиз тарихида энг порлоқ ва покиза саҳифалардан бирини эгаллашга ҳаққи бор. Биз «Гоголь даври очерклари»да қир-

қинчи йилларда рус адабиётининг ривожланганлиги ва ўша даврдаги ёш авлод орасидан чиққан ажойиб кишиларнинг «Отечественные записки»да (1840—1846) бирлашганлиги тўғрисида гапирганимизда, қисман ана шу ҳуқуқларни баён қилиб берамиз³. Лекин унда биз, албатта, фақат жаноб Огарев тўғрисида гапирмасдан, балки умуман у ҳам мансуб бўлган мактаб (оқим) тўғрисида гапирамиз. Бунда биз фурсатдан фойдаланиб, унинг поэзиясини мисол келтириб унинг талантини тарбиялаб вояга етказган мактабнинг таъсирини кўрсатиб ўтамиз⁴.

Сиз бирон вақт вафодор дўстлик нима эканлигини билармидингиз?⁵ Агар ёшлик чоғингизда ҳам сизда бундай туйғу бўлмаган бўлса, мийиғингизда кулиб қўярсиз. Лекин ундай қилманг, шошма-шошарлик қилиб кулиб ўтирманг; биз ҳам кулишни яхши кўрамиз, лекин зарур нарсадан ва тарихий тараққиётда яхши самарали бўлган нарса устидан эмас, Патрокл бекорчилик меваси бўлган Дафнис⁶ эмас: Патрокл «Илиада»даги зарур шахсдир. Ҳечким бунинг аксини исбот қилиб бера олмаганлиги жуда аниқ. Агар Трояни у олмаган бўлса, унинг иштирокисиз олиш ҳам мумкин бўлмасди. Эҳтимол, ҳозир биз жуда хурсанд бўлишни билмасак ҳам, савиямиз анча мустаҳкам таянчга эга бўлиб қолгандир (эҳтимол, шундай туйғуларимиз камлигидан савиямизнинг ўсиши секинлашиб қолгандир). Лекин шу нарса шубҳасизки, бундан йигирма йил илгари жамиятимизнинг ёки, аниқроқ қилиб айтганда, унинг энг яхши намоёндаларининг маънавий жиҳатдан ўсишида бу энтузиазм жуда кучли омил бўлган эди; бинобарин, кишиларнинг фаолиятига куч берган нарса кўпроқ шу энтузиазм ғайратидир: бизда эса ҳозир бирон адабиёт, бирон эътиқод, бирон фикр қилиш эҳтиёжи туғилган экан, ўз навбатида, биз шу кишилардан миннатдор бўлишимиз лозим. Лекин биз масаладан четга чиқиб кетдик, шекилли: биз жаноб Огарев поэзиясининг бир томони тўғрисида гапирмоқчи бўлган эдик. Бу эпизоддан жаноб Огарев поэзиясининг шу томонига ўтишга йўл топиш учун, жаноб Огаревда ҳам шундай энтузиазм бор эди, деб айтишимиз керак. Жаноб Огарев ўз ҳиссиётига содиқ бўлиб қолган экан, бу унинг шарафли ишидир; унинг содиқ бўлиб қолганлигининг исботи унинг китобига худди бағишлов ўрнига биринчи қилиб қўйилган мана бу шеъридир:

Дўстларга

Биз кирдик ҳаётга зўр умид боғлаб,
Биз кирдик ҳаётга дадил беқўрқув,
Биз қилдик ҳақиқат, эзгулик талаб,
Қалбдаги муҳаббат, поэтик орзу;
Ҳаёт билан кураш бошладик барвақт,
Жангда ёшлик кучин аямай мутлақ.
Ҳеч киши ҳамдардлик қилмади бироқ,
Бизларнинг энг яхши умид ва армон —
Кузги намгарчилик чоғдаги япроқ
Сингари сарғайиб бўлдилар ҳазон —
Дўстона ўралиб бебарг шохимиз
Бағоят хафақол, маъюс бўлдик биз...

Лирик поэзияда автор тилга олаётган бошқа ҳамма шахсларни одатда авторнинг шахси босиб кетади. Жаноб Огарев шеърларида бунинг аксича: у ўзи тўғрисида гапирганида, унинг шахси орқали ўзи яхши кўрган ёки яхши кўрадиган кишиларининг бош кўтариб чиқишини кўрасиз. У бошқалар тўғрисидаги туйғусини деб ўзини қадрлашини сезиб турасиз. Ҳатто кўпинча кишининг ўзига бино қўйишини яшириб турадиган муҳаббат ҳам унда эгоистлик бўёқларидан мусаффордир. Унда вафодорлик яна ҳам кўпроқ сезилиб туради, бу садоқат кишининг бошқа туйғуларидан шу сифатининг кучи ҳаммадан кўплиги билан ажралиб туради. Жаноб Огарев ўз дўстлари тўғрисида гапирганда ўзи тўғрисида эмас, ҳақиқатан ҳам шу дўстлари тўғрисида гапиради; у ўзи тўғрисида гапирганда ҳам бунда ҳеч қандай ўзига бино қўйишининг йўқлиги сезилиб туради, бошқалар учун ҳаёт кечириш, ёри-биродарлари ва яқин кишиларининг бахтини кўриб бахтиёр бўлиш ва уларнинг бошига тушган ғам-ғуссаларни ўзининг шахсий ғам-ғуссалари деб билиб, уларнинг шу ғам-ғуссасига шерик бўлиш бу шахсининг турмушдан оладиган лаззати эканлиги сезилиб туради.

Ҳақиқатан жаноб Огарев поэзиясида типлари тасвир этилган кишилар шундай кишилардир.

Жумладан, шу сифатлардан бирини кўрсатиб ўтамиз, поэзия шу сифатлари билан тарих бойлиги бўлиб қолади: жамиятимиз тараққиётидаги муҳим бир момент ана шу поэзияда ифода қилинган. Жаноб Огарев поэзияси сизни

туйғу ва фикрлари билан таништирган шахс типик шахс-дир. Бу шахс «Монологлар» деган ажойиб пьесада сизга қўйидагича мукаммал тасвирлаб берилган:

I

Ҳам кечаю ҳам зулмат! Ҳарён кимсасиз хилват!
Деразамни бетиним чертади бедор ёмғир,
Шам ёғдуси кезади соядан олиб навбат,
Юрагим тўла қайғу, ўзим жуда ҳам дилғир.
Утмишдаги тушларим! Оғир сиздан айрилиш;
Ҳали ҳам узоқларда тутаман шарпаларни,
Ҳали ҳам орзуларим беихтиёр урар жўш;
Лекин ҳаёт ва фикр барбод этди тушларни.
Фикр! Энди мен учун ҳаракатинг қўрқинчли,
Шиддатли курашларинг даҳшатлидир бағоят!
Офатларинг фалакнинг тўфонларидан кучли,
Бераҳм-бешафқатдир мисоли тақдир — қисмат.
Менинг масъумлигимни тамоман этдинг, барбод,
Қалбимни изтиробга банд айладинг умрбод,
Эътиқод орқасидан эътиқодим маҳв этдинг,
Кечаги ёруғлиққа зулмат ном қўйиб кетдинг.
Ерқин тушчун эшикни қулфладим тақа-тақ,
Чин сўз учун воз кечдим аввалги ҳақиқатдан,
Муқаддас дафтарларни йиртдим варақма-варақ,
Ҳозир уларнинг бари йиртилгандир тамоман.
Қулишим лозимдир ўз ожизлигим устидан,
Одамлар ожизлигин кўришим керак шу чоқ,
Ҳақиқатни эътироф этиш оғир дафъатан,
Ҳақиқатни айтишчи, ундан кўра оғирроқ,
Чин ҳақиқат қошида ғойиб бўлди ором ҳам,⁷
Шунингдек муҳаббатнинг тушию, шахсий ғурур.
Олдинда нообод йўл ётар холи-беодам,
Ҳали ҳам беҳуда ўт қонимда ёниб турур.

II

Тезроқ фарқ эт ёввойи фаҳш тўлқини қаърига
Фикрни ҳам, қалбни ҳам, туйғу ва ўйларни ҳам!
Нафрат-ла боқ муқаддас кўрганларинг барига,
Ҳамда дадил ишрат қил, айшни тарк этма бир дам!
Узат мавж уриб турган май қуйилган қадаҳ сан!
Узат, муғбача! Мафтун айла қулоғим роса —
Айш-ишратни мадҳ этган яхши қўшиқлар билан!
Мана, олтинни олиб, сотгин сен менга бўса...

Май жўш урар ичимда, бўса қилар мени парт...
 Сен яхшисан! Жуда ҳам сен яхшисан, жононим!..
 Тагин нега кўксимда уйғонди изтироб-дард,
 Гўё титраб кетгандай бўлди тандаги жоним?
 Нечун бундай яхшисан? Мен унутган ҳис-туйғу,
 Эй нозанин гўзалим, нега қийнайсан яна?
 Нозу-карашма билан иснодли эркалашинг —
 Қалбимда яратдим севги учун тантана?
 Севги, севги!.. О йўқ, йўқ, эй ҳалок бўлган малак,
 Мен сенга ачинаман, фақат келади раҳмим...
 Жирканаман мен сендан, ёмон кўраман бешак,
 Нафрат этаман, сотқин, пул харжлаб олган чўрим!
 Йиғладингми? Йиғлама, ё сени хафа қилдим?
 Кечир мени, афв эт, бунга вино айбдор.
 Агар севмаганимда, нафратни билармидим.
 Сабр этгил, кетмагил, қалбим сенга талабгор,
 Қилмайман энди сенга таъна-маломат зинҳор.
 Унит ўзинг ўтказган барча умр-ҳаётни,
 Ҳамма нопок йўлларни ҳамда айбу-иснодни.
 Кўрам-гўзал бошингни энгаштиргил мен томон,
 Эҳтиросу орзулар жафосин чеккан жонон,
 Мен жисминга ноз уйқу келтиражакман якка,
 Муҳаббатли нафасим унга бахш этади жон,
 Баҳор нафаси жон бахш этгандек капалакка.
 Нега хомушсан, жоним, қарашинг ҳам ҳайратли,
 Нима учун ичмайман майга тўла қадаҳим?
 Минг афсус! Тагин бенаф азобу уқубатни
 Қалбимнинг гўшасидан ногоҳ ахтариб топдим!
 У кўксимга бошини қўйиб аста мудрайди
 Кўнглимда нималар бор эканин тушунмайди.
 Термуламан кўксини уйқу кўтарганига,
 Ва қалбимни сарфлайман мен бекордан-бекорга!

III

Менинг орзуйим нима? Нима? Эҳ-ҳе! Орзу мўл,
 Орзуларим рўёбга чиқмоғига лозим йўл,
 Гоҳида орзуларим келади ғалаёнга,
 Бу лаҳза қалб жўш уриб, миям олар аланга.
 Менинг истагим нима? Билиш орзусидаман
 Ҳар нарсани мукаммал. Мен кўрсатай жасорат.
 Яна менинг орзуйим пок, оташин муҳаббат,
 Ҳаётни теранроқ ҳис қилиш орзусидаман!

Дилимда сезаманки, орзуларим бехуда,
 Ҳаёт бахил, ботинан мен жуда ожиз-заиф;
Қилган ҳаракатларим йўқолур бенатижа,
 Уринишда қиламан запас кучимни сарф.
Ўзимга кўринаман дарду аламлар эзган,
 Поёни йўқ денгизда сарсон-саргардон кезган,
Бенаф ғалаён ичра азоб-уқубатларни —
 Чеккан, бир ночоргина тентак одам сингари.
Мангулик руҳин бирдан қамраш қисматмас бизга,
 Ҳаёт жомини эса қултумлаб этамиз нўш,
Зиёдроқ ачинамиз аввал ичганимизга,
 Тобора кўринади ҳаёт жомин таги бўш;
Азоб чекади кўнгил кун сайин кексайишдан,
 Эслаш азоб беради, иташ-чи қўрқинчлироқ,
Чамаси, яшаш — жуда зўр қаҳрамонлик экан;
 Томир уриб туриши тўхтаб қолмайди бироқ,
Нохуш тилаклар билан яшаб бундан буёнга,
 Ҳаётнинг крестини олажақман қўлимга,
Бутун қалб ҳароратин келтириб ғалаёнга,
 Лаҳза сайин ёпишиб ва топшириб ўлимга.
Барини ҳам истайман! . . Нима? Эҳ-ҳе! Орзу мўл,
 Орзуларим рўёбга чиқмоғига лозим йўл,
Гоҳида орзуларим келади ғалаёнга
 Бу онда қалб жўш уриб, миям олар аланга.

IV

Партада мактаб бола каби ўтириб бу дам,
 Жуда зўр ҳавас билан тинглайман, индамайман;
Илмнинг йўли олис бўлсин, кучли иродам,
 Меҳнат қўрқинчли эмас — ишонаман, истайман.
Чор-атрофимда ёшлар: сўзласа ўқитувчи,
 Менга ўхшаб индамай қулоқ солади бари;
Ҳамма нарса ҳақиқат, янгилик улар учун,
 Фикр этар уларнинг тажрибасиз қалблари.
Лекин келдим бу ерга пухта фикр-ла албат
 Мен жангчима — шубҳалар синоғин босиб ўтган.
Аммо ўлдирилмаган . . арвоқлар-ла ниҳоят
 Мардонавор олишиб қасдим олдим улардан.
Ички ҳаяжонлардан ўзимни сақлаб қолдим.
 Сабр-қаноат билан янги йўлга тушдим, бас,
Шу танлаган йўлимдан чиқмай бораман доим,
 Фикр эркин, кўкрагим олади кучли нафас.

Унгарилмас ҳасадчим Мефистофель, қани айт?

Бугундан бошлаб сенинг ҳукмингни тор-мор этдим,

Эскиб кетган кулгили касалманд ҳокимият,

Кўп азоб-кулфат чекиб, охир мақсадга етдим.

Энди менинг ўртоғим инкорнинг бошқа руҳи;

Эмас анов касалманд, масхарабоз тошбағир,

Энг қудратли ҳаракат ҳамда яратиш руҳи,

У қаримайди асло, янги ва барҳаётдир.

У курашда жасурдир, ўлдириб топар мароқ,

Тупроқдан янги нарса яратмоқ учун қодир,

Ва ўлдиarmoқчи бўлган нарсасини ёмон кўрмоқ

Юрагига севгидек эзгудир, бебаҳодир.

Эҳтимол, кўпларимиз ҳозир бошқа нутқларни эшитиш даражасига, ички кураш азоб-уқубатлари заифроқ акс этилган, Мефистофельни⁸ бадарға қиладиган янги руҳ эртароқ намоён бўладиган ва кўпроқ ҳукмронлик қиладиган бошқа нутқларни, янги кучлар билан тарихий ҳаракатга бош бўладиган кишининг нутқини эшитиш даражасига етгандирмиз; лекин биз қачон бундай нутқларни эшитаркинмиз?— ҳақиқатан ҳам кўпларимиз бундай нутқларни эшитиш ва тушуниш даражасига етганмикинмиз? Шу даражага етганлар ҳам, агар олға қараб бир қадам ташлашга тайёр бўлган бўлсалар, ўзларидан илгари ўтган арбобларнинг улар учун йўлни тахт қилиб очиб қўйганлиги учунгина шундай қадам ташлашга қодир эканликларини биладилар ва ўз устозларининг қилган шу ишларини бошқа бирон кишидан кўпроқ қадрлайдилар. Онегин ўрнини Печорин олди, Печорин ўрнини Бельтов ва Рудин олди⁹. Менинг даврим ўтди деган гапни биз Рудиннинг ўз оғзидан эшитдик; бироқ у бизга ўзининг ўрнини босадиган бирон кишини ҳали кўрсатиб бергани йўқ, биз ҳам унинг ўринбосарини яқин ўрталарда кўриш-кўрмаслигимизни ҳали билмаймиз. Биз болалик чоғидан ҳақиқатга ўрганиб, унга титраб-қақшаб эмас, балки жуда хурсанд бўлиб, ҳақиқатга меҳр-муҳаббат билан қарайдиган ўринбосарнинг келишини кутиб турибмиз; биз шундай одамни ва унинг жуда тетик, шу билан бирга жуда осойишга ва қатъий сўз айтишини кутиб турибмиз, токи унинг бу сўзидан назариянинг турмушдан қўрқиши эшитилмасдан, унинг сўзида ақлнинг турмуш устидан ҳокимлик қила олиши ва одам ўз турмушини ўз

эътиқодларига мувофиқлаштира олиши исбот қилиб берилсин.

Ана шунинг учун ҳам, жумладан, ўз даврининг вакилларида бири бўлган жаноб Огарев рус адабиёти тарихида шарафли ўринда туради — бу ҳозирги даврдаги адабиёт арбобларидан жуда озгина муяссар бўлган шарафдир. Унинг бошқа ҳуқуқлари ҳам бор — улар тўғрисида биз қисман «Очерклар»да гапириб ўтдик ва яна бирор вақт, имкон бўлгани ҳамон тўлароқ гапирармиз.¹⁰

Биз ҳамон жаноб Огарев фаолиятининг тарихий аҳамияти тўғрисида гапиряпмиз, унинг шеърларининг поэтик қиймати тўғрисида ҳали ўз фикримизни айтганимиз йўқ. Шуниси ҳам борки, ҳақиқий шуҳрат нималигини билган киши тарихнинг яхши сўзини эшитиш ҳуқуқини ҳар қандай иззат-ҳурматдан юқори қўяди. Лекин шоирнинг тарихий аҳамияти қисман асарларининг соф поэтик қийматига асосланиши лозим-ку. Бизнинг жаноб Огарев асарларининг бу томонига тақилмаганлигимизнинг сабаби шуки, орадан бир неча вақт ўтгандан кейин жаноб Огаревнинг поэтик таланти таҳлил қилинган мақолани бостириб чиқармоқчимиз.

А. Н. ОСТРОВСКИЙ

«КАМБАҒАЛЛИҚ АЙБ ЭМАС»

А. Островский комедияси, Москва, 1854

Жаноб Островскийнинг «Қўйнидан тўкилса, қўнжига» деган дастлабки комедиясини китобхонлар яқдиллик билан маъқуллаган эдилар. Жуда завқланиб кетган пайтлариди бу комедияни «Норасида» ва «Ақл балоси»дан юқори, «Ревизор» билан тенг қилиб қўйган кишилар ҳам бўлди. Бундай жуда маҳлиё бўлганлар уларнинг бу фикрига қўшилмаганларнинг аччиғини ҳам чиқармади: шундай бўлиши табиий эди.¹ Орадан икки йил ўтгандан кейин «Камбағал келин» пайдо бўлди, бу пьеса авторнинг шуҳратига путур етказмади, лекин унинг шуҳратини ҳам оширмади.² Унинг «Бегонанинг чанасига тушма» деган учинчи комедияси жаноб Островскийнинг биринчи асарига жуда меҳр қўйган баъзи бир китобхонлар Островский энди «Қўйнидан тўкилса қўнжига»нинг авторига муносиб асар ярага олмай қолипти, деб ташвишланиб қолди.³ Лекин халойиқнинг кўпчилиги ҳали бундай ташвишланишнинг ўрни йўқ деб ҳисоблади; кўп кишилар «Қўйнидан тўкилса қўнжига» деган пьесага жуда мафтун бўлиб, бу пьеса авторининг ҳамма ёзган асарларини ажойиб асар деб ҳисобладилар. «Камбағаллик айб эмас» дунёга келганда халойиқнинг кўпчилиги жаноб Островский таланти учун ташвишланишнинг ўрни бор экан, деб бунга ишонч ҳосил қилди; агар биз, жаноб

Островский хоҳласа, «Қамбағаллик айб эмас»дан кейин бирон нарса яратиш қўлидан келади, биз бунга амин-миз десак, санъат соҳасида билдирган фикрлари эътиборсиз қолдирилмайдиган китобхонларнинг кўпчилиги бизни ҳали ҳам умид узишни хоҳламайдиган, умид боғлаш мумкин бўлмай қолган тақдирда ҳам умид узишни хоҳламайдиган кишилар деб атамаслиги маҳол бир нарса. Янги комедиянинг бутун сохталиги ва заифлигини етарли даражада ифодалаб берадиган бирон эпитет топа олмаймиз; бундай эпитетни топа олмаслигимизнинг сабаби шуки, «Қўйнидан тўкилса қўнжига» эсга тушади-да, мақтанчоқлик билан ёзилган талантсиз асарларни таърифласа бўладиган эпитетларни ишлатишга кўнглимиз бормайди. Шунинг учун ҳам: жаноб Островскийнинг янги комедияси жуда ҳам заиф комедия деб қўя қоламиз. Ҳолбуки, бу комедияни «рус адабиёти хазинасига қўшилган қиммат баҳо ва узоқ яшайдиган ҳисса»⁴ деб атайдиган кишилар ҳали ҳам бор экан. Бу ҳам оз; бундан ташқари яна: биз «Гамлет», «Отелло», «Ричард III», «Король Лир»⁵ларни кўрганмиз, бу гениал асарлар шу жиҳатдан кучлики, унда инсон ҳаққоний қилиб тасвирлаб берилади ва улардаги «ҳақиқат» бизнинг руҳимизда жуда зўр таъсир қолдирди, лекин энди келиб биз ундан ҳам қимматлироқ асарни (яъни «Қамбағаллик айб эмас»ни) кўриб турибмиз, деб айтишдан тоймайдиганлар ҳам бор:

Мана келди ўзга бир фурсат,
Театрда боз нола-фиғон;
Гоҳо кулиб, гоҳ ўкраб йиғлаб,
Саҳна томон боқар оломон,
У билан-чи бошқа ҳақиқат
Саҳнадан гап бошлар қайтадан.
Бу ҳақиқат ўхшамас бироқ
Аввалига асло ва асло:

Бу соддароқ, лекин қимматроқ
Яхши баҳра олади кўнгил.
Унга соғлиқ ато қил, худо,
Бундан сўнг ҳам бер унга оқ йўл
Янги ҳақиқатнинг жарчиси —
Шоир очди янги бир олам,
Айтган сўзи бутунлай янги,
Эски ҳақиқатга хизмат этса ҳам.

Шу сабабли театр зал
Полидан то шифтига қадар
Зўр қувончга лиқ тўлиб қолди:
Любим Торцов залнинг олдида
Турар бошин қуйига эгиб,
Эски бурнус* кийиб эгнига
Соқоллари пахмоқ ва чигил ...

ва ҳоказо ва ҳоказо.⁶

«Камбағаллик айб эмас»ни ўқимаганлар учун, Любим Торцовнинг бу комедияда қатнашувчилардан бири эканлигини қўшиб қўямиз. Урта даражали ёки ёмон пьесаларни гениал пьесалардан ажрата билмайдиган ва «Камбағаллик айб эмас»ни бемалол Шекспир асарларидан юқори қўядиган кишиларнинг борлиги бизни асло ажаблантирмайди: Основьяненко (ёки Гребёнка) Гоголдан юқори туради, «Пан Халевский»⁷, «Ўлик жонлар»дан яхши деб ўйлайдиган кишилар бор-ку, ахир; лекин, шундай бўлса ҳам, бундай кишиларнинг «Камбағаллик айб эмас» «Гамлет» ва «Отелло»⁸ дан юқори туради, деб матбуотда барала фикр билдириши кишини ҳайратда қолдиради. С. Глинка «Сохта Димитрий»да Сумароков, руҳий ҳолатининг тобора юксалтириб юбориши жиҳатидан Шекспирнинг «Макбет»ида *қўйган талабидан* юқори туради деган вақтдан буён («А. П. Сумароков ҳаёти очерклари», С. Глинка нашри 3 қисм, 120 бет).⁹ рус адабиётида бундай ажойиб жасорат намунасини кўрсатганлар бўлгани йўқ эди. Бундай заиф ёзилган комедияга у ёқ-бу ёқни суриштирмай маҳлиё бўлганларнинг бундай кулгили жасоратига сабаб нима? «Қўйнидан тўкилса»нинг автори жаноб Островскийнинг номи, холос. Островскийнинг тантанасини кўриб уларнинг кўзини шу қадар парда босиб қолганки, улар жаноб Островскийнинг биринчи комедияси билан унинг кейинги асарлари ўртасидаги қайғули фарқни кўра олмай қолганлар. Бундаги фарқ шу қадар каттаки, агар бу комедияга Островскийнинг номи қўйилмаганда, «Камбағаллик айб эмас»нинг автори «Қўйнидан тўкилса»нинг автори деб айтиш мумкин бўлмас эди. «Камбағаллик айб эмас»нинг автори «Қўйнидан тўкилса»ни ёзган авторнинг манерасини бир қадар (фақат бир қадар) ўрганиб олган, унинг

* Бурнус — бу ерда: жун матодан тикилган плашч.

талантининг бир зарраси қадар ҳам таланти йўқ, унга фақат тақлид қилган автордай бўлиб кўринади. Ҳар иккала асарнинг тагига бир кишининг имзоси қўйилганлиги бизни ҳар иккала асарнинг бир киши томонидан ёзилганлигига ишонтиради, холос.

Лекин «Қўйнидан тўкилса қўнжига»нинг муваффақияти авторни шуҳратлантирганидан ташқари, авторга тақлид қиладиганлар ҳам пайдо бўлиб қолди, яна қанақа тақлидчилар денг?

«Қўйнидан тўкилса»га карикатурада қилинаётган тақлидларга келганда — биз яқинда пайдо бўлган пьесалар тўғрисида: жаноб Потехиннинг «Ака ва сингил» («Москвитянин», 3—4) ва жаноб Красовскийнинг «Ножевая линиялик куёв» пьесалари («Отечественные записки») ¹⁰ тўғрисида гапирягмиз — уларда «Қўйнидан тўкилса»нинг фазилатидан асар ҳам йўқ, буларда бадий жиҳатдан «Қўйнидан тўкилса»даги ҳамма заиф томонлар жуда ҳам кучайтириб юборилган ва бу комедиянинг оригинал тили тамомила бузиб расво қилинган. «Қўйнидан тўкилса»дан «Бегонанинг чанасига тушма», «Ножевая линиялик куёв», «Ака ва сингил» ва айниқса «Қамбағаллик айб эмас» деган пьесалар тарқалганига сабаб нима? Бунинг ҳаммасига бериладиган жавоб «Тақлид қилиш» нималигини билладиган ҳар бир кишига аниқ ва равшандир. «Тақлид қилиш» демак: асарнинг муҳим фазилатларини тушунмасдан, муваффақияти билан бизни мафтун этган асарнинг маъносини тушунмасдан, унинг ташқи томонини шунчаки бир-бирига ўшатиб асар ёзиш, у асарнинг бутун гўзал томонларини тасвирлаб беришдан ожизлик қилиб, камчиликларини ажойиб томонлари деб билиб, шу камчиликлардан жуда фаросатсизлик билан катта нусха кўчириш демакдир.

«Қўйнидан тўкилса»дан кейин автор «Қамбағал келин»ни ёзди. Бу жуда яхши комедия эди; уни ҳамма мақтади, лекин бу пьеса ҳечкимни завқлантиргани йўқ. Нима учун шундай бўлди? Шунинг учунки, бу пьесада ҳақиқатан жаноб Островскийнинг биринчи комедиясидаги жуда ажойиб фазилатларидан биронтаси ҳам йўқ эди. Ҳушингизга келса, унинг идеяси бор дейшингиз мумкин, ҳушингизга келмаса, идеяси йўқ эди, деб ҳам айтишингиз мумкин, чунки бу идея асло янги идея эмас эди. Мақтовга арзийдиган жонон бир қиз — сепи бўлмаганлигидан — ўзини ҳам, онасини ҳам фақирликдан қутқариб қолиш

ниятида на билими, на кўнглининг тозалиги ва на ҳатто ёши жиҳатидан тенг бўлган бир кишига эрга чиқишга мажбур бўлади: дағал, паст ва анча ёшга кирган бу кишини қиз одам қилмоқчи бўлади, лекин ҳаракати беҳуда кетади, ўзини мажбур қилиб бўлса ҳам, уни яхши кўришга ҳаракат қилади, лекин яхши кўра олмайди; шу билан қизнинг умри хазон бўлади (ҳаммасини қиз ўзи сезиб туради), ҳуснидан, ёшлигидан ажрайди; бу темада агар гениал асарлар демасак, яхши асарлардан юзлаб ёзилган, бинобарин, агар бу тема ҳамма вақт жуда яхши тема бўлиб қолар экан, фақат ғоят катта талантгина бу темани янгилаши ва таъсирчан қилиши мумкин. Жаноб Островскийнинг бу ёзган асари яхши асар-у, лекин ёзилиш жиҳатидан асло ғоят катта асар эмас. Бундан ташқари, унинг асарининг идеясида янгилик йўқ: жуда кичик, шахсий ҳаёт доирасини ўз ичига олган.

Жаноб Островский бу комедиянинг шубҳали муваффақиятидан норози бўлиб, «Бегонанинг чанасига тушма» деган янги комедия ёзди. Бу комедияда аниқ ва кескин қилиб: *чаласавод бўлиш нодонликдан ёмон* дейилган-у, лекин *ҳақиқий ўқимшилик* бўлиш унисидан ҳам, бунисидан ҳам яхши деб қўшиб қўйилмаган. Умунан бу комедия «Қўйнидан тўкилса» билан «Қамбағаллик айб эмас» ўртасидаги оралиқ звено бўлиб хизмат қилган эди, биз ҳам ҳозир ана шу «Қамбағаллик айб эмас» пьесасига тўхталиб ўтамиз, чунки «Бегонанинг чанасига тушма»да унча аниқ бўлмаган нарса «Қамбағаллик айб эмас»да тамомила аниқланган. Бу комедия бундан фақат уч ой илгари дунёга келди; шунинг учун китобхонларимизнинг кўпчилик қисми унинг мазмунидан ҳали беҳабар бўлса керак, шунинг учун ҳам биз бу пьесанинг мазмунини муфассал ҳикоя қилиб беришимиз лозим бўлади.

Лекин мазмун тўғрисида гапира бошлашдан илгари, қатнашувчиларнинг фамилиялари тўғрисида сўзлаб ўтамиз. «Бегонанинг чанасига тушма»да кўпроқ (сохта) рус тушунчалари намояндасининг фамилияси Русаков, қадимги урф-одатларга содиқлик намояндаси Бородкин, ҳозир расм бўлган пучлик ва енгилтаклик намояндаси Вихорев деб аталган. Эски замонлардаги комедияларга тақлид қилиб олинган бундай жуда ажойиб янгилик жаноб Островскийга маъқул бўлган; «Қамбағаллик айб эмас»да ҳамма қатнашувчиларнинг фамилиялари уларнинг сифатларига қараб «тўқилган»: Коршунов (калхат

сўзидан) (жуда баджаҳл фабрикант), Гуслин (музикачи сўзидан) (жуда уста рус найчиси), Разлюляев (яъни айш қилиб юришни яхши кўрадиган хушчақчақ одам). Шунинг ҳам айтиш керакки, бу нарса қанчаки ноўрин идеализация қилинган бўлса, эски вақтлардаги энг ёмон комедиялар сингари шунча бефаросатлик билан ёзилган жаноб Островскийнинг бу янги комедиясига жуда ҳам ёпишиб тушган. Бизнинг ўттизинчи йиллардаги романларимизда камтарлик ва бутун олийжаноблик хислатларининг намунаси бўлган қаҳрамон, бошқа шахслардан (Звонскийлар, Греминлар, Блестовлар¹¹ ва ҳоказолардан) фарқ қилиб, ҳатто унинг фамилияси ҳам бўлмас эди: у қаҳрамон шунчаки Владимир ёки Александр деб аталар эди; худди шундай жаноб Островский қаҳрамони ҳам оддийгина қилиб Митя деб аталади (эски романлардан фарқи фақат шуки, уларда девоналарни эркалатиб) «Митя», «Андрюша» деб атар эдилар. Бу комедиядаги воқиалар ҳам уезд шаҳарида ўтади.

Бадавлат савдогар Гордей Карпич Торцовнинг жияни Егорюшка «Бова-королевич» эртагини ўқиб ўтиради, Торцовнинг гумаштаси Митянинг саволларига жавоб ҳам бериб туради; «Бова-королевич»ни ўқишнинг пьесага ҳеч қандай алоқаси йўқ, бу нарса фақат сахнани безаш учун халқ элементи қилиб қўшиб қўйилган. Жумладан — энг муҳими ҳам шу — Егорюшка бундан бир неча кун бурун Гордей Карпич бор-йўғини созуриб капангадо бўлган укаси Любим меҳмонлар олдида «ҳар хил наъма» қила бошлаганлиги учун уни уйдан ҳайдаб юборганлигини айтади; шу уйда турадиган Митянинг шундай шов-шувга ва жанжалга сабаб бўлган воқияни бир ҳафтадан ҳам кўпроқ вақтдан буён эшитмаганлиги жуда табиий бир нарса эди. Митя ёлғиз қолиб Гордей Карпичнинг қизи Любовь Гордеевнага муҳаббат изҳор қилади, ҳозир ишга қўлим бормади, чунки «ҳамма вақт хаёлим сизда» дейди, — Митя жуда қашшоқ киши, шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, у ҳам муҳтожликка тушиб қолмаслик учун зиммасидаги ишни ўз вақтида бажарадиган барча камбағал одамлар сингари бўлиши лозим эди; соғиниш ўз йўлига, лекин бундай кишилар асло ишидан қолмайди. Шундай қилиб, бу Корнель ва Расин¹² трагедиялари сингари қилиб ёзилган комедия элементларидир: дастлаб илгари бўлиб ўтган воқиаларни халойиққа туншунтириб бериш учун (шахсларнинг вазиятига кўра)

бутунлай нотўғри пролог берилади; кейин лирик монолог берилади, бу монологда қахрамон ўзининг сентиментал муҳаббатини изҳор қилади. Шундан кейин Пелагея Егоровна (рангпар, афтидан, яхши кампир) кириб келади-да, Егорюшканинг бошлаган прологини давом эттириб халойиққа воқини тушунтириб беради, Гордей Карпич бой фабрикант Коршунов билан танишгандан буён жуда бузилиб кетди ва мияси айниб қолди, Коршуновга қўшилиб ўзимиз билган эски урф-одатлардан уяладиган ва ҳозирги юқори табақага тақлид қиладиган бўлиб наъма чиқариб қолди, деб Митянинг беш юз марта эшитган нарсаларини ҳикоя қила бошлайди. Митянинг аллақачон эшитган нарсаларини унга тушунтириб ўтиришнинг мутлақо ноўринлигини ўзи ҳам сезиши лозим бўлган Пелагея Егоровнанинг халойиққа тушунтириб айтаётган гапларини давом қилдириш ниятида Митя унинг ҳикояларини қувватлаб саволлар бериб, ва ўз тусмолларини айтиб туради. Пелагея Егоровна чиқиб кетгандан кейин дарҳол Корнель трагедиясида қадрдон дўстлар ролини бажарадиган учинчи шахс — Гуслин кириб келади, унга Митя Любовь Гордеевнани яхши кўришини айтади ва бунга:

Бу жаҳонда недир бешафқат?

Бешафқатдир ишқ-муҳаббат!

деб қўшиб қўяди.

Бизнингча, бундай шеърлардан жуда завқланадиган киши ҳали Кольцовни тузуккина шоир деб айта олмайди; лекин жаноб Островскийнинг хоҳиши билан Митя (телбами, йўқми?) Кольцовдан завқланади ва ўзи ҳам á la Koltzoff* шеърлар ёзади — Гордей Карпичнинг бу тўғридаги: «Нотавон кўнгилга қўтир жомашов!»** деган фикрига қўшилиш мумкин эмас. Лекин бунга ажабланмангиз. Нарироқда бундан ҳам яхшироғини кўрасиз. Бой фабрикантнинг ўғли, доим вақти хуш новқирон Разлюляев кириб келади,— у нима олиб киради деб ўйлайсиз? Гармонь олиб киради! «Гармония»ни фақат хизматкорлар ва жуда камбағал мешчан табақаларгина чалишини китобхонлар жуда яхши биладилар; лекин Разлюляев уни, албатта, авгорнинг буйруғи билан сотиб олган, шунинг учун ҳам ундан бу иши учун койимаймиз. Разлюляевнинг

* Кольцовга ўхшаб.

** «Каким нежности при нашей бедности» деган мақол ўрнида.

инжиқ хўжайини бундай амр қилмаганида, у, албатта, савдогарлар синфидан бўлган маишатпараст бойваччалар сингари, музикачилар ёллаб қелган бўларди. У, кириб келиши билан пьесага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳар хил ашулалар бошланади; айтганча, бир неча минут ичида Митянинг, албатта, à la Koltzoff ёзилган жуда бемаза шеърини музикага солган Гуслин уни ашула қилиб айта бошлайди ва «шунча вақт (жаноб Островскийнинг сўзлари билан айтганда) Разлюляев худди қоққан қоқиқдай қаққайиб, мароқ билан тинглаб туради. Ашула тамом бўлганидан кейин, ҳамма жим қолади» — жаноб Островскийнинг фикрича, жуда қаттиқ таъсир қилганлигидан ҳамма жим қолади, бизнинг фикримизча эса ашула ёмон бўлиб, гарчи Разлюляев юрак ютиб уни мақтаган бўлса ҳам, киши уни мақтагиси келмаганидан шундай бўлади, сўнгра яна шоирона трио ашула айта бошлайди,— шу пайт Гордей Карпич кириб Митяни, сен ўз ишингни қилсанг бўлмайдими, деб койийди (бизнинг фикримизча, бу жуда тўғри). Лекин Гордей Карпич чиқиб кетгандан кейин Разлюляев Митянинг пешонам шўр деган сўзларига қўшилади. Шоир табиат Митянинг дилрабоси Любовь Гордеевна дугоналари билан кириб келади, шу билан яна ҳеч ўринсиз қуруқ гап ва ашула айтишлар бошланиб кетади. Ниҳоят, Гоголь айтмоқчи, «Роман тўқиладиган ипнинг учи» кўринади. Митя Любовь Гордеевна билан қолади ва унга муҳаббат изҳор қилади — изҳор қилганда ҳам қандай дейсиз? «Унга атаб ёзган шеърларини» ўқиб беради:

Давлатманд гўзал қизга қўйиш билан муҳаббат,
Ўз жонига беҳуда сотиб олди фалокат.

Чаласавод рус йигитининг саводсиз бир қиз билан шундай муҳаббат изҳор қилиши бизга ростдай бўлиб туюлиши мумкин эди, агар улар (Шатобриандан, унинг «У дунё мактублари»дан ўрناق олиб) Ариоста¹³ асарларини ўқий бошласалар эди, бирон патетик* жойига етганда, уларнинг лаблари лабларига тегиб бир-бирлари билан ўпишиб олар эдилар. У вақтда Митя буни Гуслинга ҳикоя қилиб, Қольцовнинг шеърларинигина эмас, Дантенинг асарларини ҳам тушунишни кўрсатар ва:

* Патетик (грекча) — туйғуси тўлиб тошган, ҳаяжонга келган, жуда қизиб дол-зарбига етган дегани.

Quel giorno vi non leggemo avante!*

деб хитоб қилар эди.

Бунга Гуслин: «Эҳ, биродар, у вақтда бахтиёр эдинг, энди бўлса ёрни янада кўпроқ кўмсаёпсан!» деб жавоб берар эди. Митя, Данте тўғри айтади:

Nessun' maggior dolore'...** ва ҳоказолар.

Албатта, Любовь Гордеевна Митяга жавоб ёзиб беради-да, чиқиб кетади.

Сиз, албатта, оташин юрак эгаси бўлган Митя ўз тақдири устидан чиқарилган ҳукмни дарҳол ўқиди, дейсиз. Жаноб Островский бундай қилиш лозим деб ҳисобламайди. Хўжайиннинг укаси Любим Торцов Митянинг олдига кириб келади ва саккиз саҳифалик ўз саргузаштларини Митяга ҳикоя қилиб беради (шунча вақтлардан буён у билан бир уйда турган Митя унинг бу ҳикояларини гўё ундан минг марта эшитмагандай «Қамбағаллик айб эмас»да ҳамма нарса қайта-қайта ҳикоя қилинаверади, ҳеч бир киши аллақачон олиниши лозим бўлган нарсалардан ҳеч нарсани билмайди), ўз севгилисининг қатъий жавобини чўнтагида сақлаб турган Митя, ҳатто Любовь Гордеевнанинг унга «ҳа» ёки «йўқ» деб ёзганлигига кўз қирини ташлаб билиб қўйиш учун ҳатто ўзини бир чеккага олишни ҳам ўйламасдан роппа-расо ярим соат унинг ҳикояларини сабр қилиб эшитиб тураверади, бунга жаноб Островский қаҳрамонларидан бошқа ҳеч кимнинг сабри чидамаса керак. Инсоф юзасидан, Любим Торцовнинг ҳикояга жуда уста эканлигини айтиш керак; лекин ҳамма гап-сўзлар, ҳикоялар ва ашулаларнинг тўртдан уч ҳиссаси пьеса учун кераксиз эпизодлар бўлгани сингари, унинг ҳикояси ҳам пьеса учун кераксиз эпизоддир. Биз Митя билан бирликда Любим Торцовнинг қандай киши эканлигига қулоқ солишимиз керак, баъзи бир кишиларнинг фикрича у шундайки,

Кишининг худди дилига йўл топиб беради.

(«Москвитянин», 1854 йил, 5)¹⁴.

* Шу куни биз у ерда ортиқ ўқимадик! (Дантенинг «Илоҳий комедияси»нинг «Дўзах» қисмидан олинган цитата, бешинчи байт, 137 шеър, «Франческа ва Паоло».)

** Бахтиёр онларни бахтсизлик чоғларида эсга олишдан ҳам ёмонроқ азоб йўқ (цитата Дантенинг «Илоҳий комедия»сидан олинган, «Дўзах», бешинчи байт, 121—123 шеърлар).

Любимга эргашиб унинг изидан бориладиган бу йўлнинг қандай йўл эканлигини қараб чиқиш керак.

У отаси ўлгандан кейин акасидан ажралиб, вақтихушлик қилиб келиш учун Москвага жўнаб кетган ва шундай вақтихушлик қилганки, бор пулини ичкиликка сарфлаб тамомлаган.

Любимнинг ёнида сариқ чақаси қолмаган вақтгача бошидан кечирганларига қулоқ солиб турган Митя:

— «Любим Қарпич, сиз қандай кун кечирдингиз» деб сўрайди.

Қандай кун кечиргандинг дейсанми? Менинг куним каллакасар татарнинг ҳам бошига тушмасин, жуда кенг жойда яшардим, тепамо осмон, оёғим ости ер, тўрт томоним катта кўча. Бир яхши ҳунар бор, даромади ҳам катта, буни ўғирлик дейдилар. Лекин бу иш менинг қўлимдан келмайди: виждон деган нарса бор, бунинг устига даҳшатли ҳам; ҳеч ким бу ҳунарни маъқул демайди. Бошқа юртларда бунинг учун бир талердан тўлашади дейдилар, бизда эса ларуст одамлар гарданингга муштлашади. Йўқ, биродар, ўғирлик яхши иш эмас! Бу эскириб қолган ҳунар, уни энди ташлаш керак... Ахир, қорнинг ўлардай оч бўлгандан кейин бирон чора топиш лозим! Шаҳарда худди югурдакдек изғиб юрдим, бир чақадан тўпладим, масхарабозлик ҳам қилиб кўрдим, ҳар хил эртақ тўқиб айтиб юрдим, ҳар хил наъмалар ҳам қилиб кўрдим. Шундай вақтлар ҳам бўлардики, шаҳарда эрта шаҳардан қалтироқ тута бошларди, ўзингни бирон хилват жойга олиб, кишилардан яширинасан-да, савдогарларни кутиб турасан. Биронта, айниқса бойроқ савдогар келди дегунча, югуриб олдига бориб сажда қиласан — баъзиси бирмири, баъзиси ярим танга бериб кетади. Қанча тушса, кун бўйи шуни тамадди қилиб кунингни ўтказасан.

Лекин баъзи бир китобхонлар Любим Торцов йўли билан, яъни бор-йўғини ичкиликка сарфлаб лўттибоз бўлиб олинг ва кўчаларда майнавозлик қилиб шу йўл билан маънавий юксакликка эришинг деб таклиф қиляптилар, деб ўйласалар-чи? Ихтиёр ўзингизда, улар яна ҳам кўпроқ хафа бўлиши мумкин. Ниҳоят, бизнинг ҳамма вақт ширакайф бўлиб юрадиган идеализмнинг кўзи уйқуга кетади-ю, шу билан Митя ёнида ярим соат ётган хатни олиб ўқиши мумкин бўлади.

Уқийди:

Мен ҳам сени севаман. Любовь Торцова.

Икки қўли билан бошини ушлаганича югуриб чиқиб кетади.

Биз биринчи пардани шу қадар тўла ҳикоя қилиб бердикки, эҳтимол, пьесанинг ҳақиқий мазмунига ҳеч ёпишмайдиган шу ҳамма ажойиб ва ғаройиб воқиаларнинг ҳатто қисқача мазмуни ҳам чарчатиб қўйган, драматизмдан асар ҳам бўлмаган шу ҳамма қадрдон дўстлар, прологлар, монологларни кўриб жуда чарчаб кетган китобхонлар қолган икки парда тўғрисидаги ҳикояни қисқартиришимизни илтимос қилурлар. Уларнинг бу илтимосини бажону дил адо этамиз.

Иккинчи парданинг учдан иккиси Любовь Гордеевнанинг онаси эри уйда йўқ вақтида святки байрамига ўтказадиган кеча билан банд бўлади. Шу ҳамма рақслар, ҳар хил ўйинлар, ашулалар бутунлай ортиқча бўлиб, уларнинг авторнинг хошишдан бошқа пьеса билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ниҳоят, Гордей Карпич Коршунов билан бирга келади, бундай вақтихушлиқларни «мужиклик» деб, ҳамма ясанган одамларни ҳайдаб юборади ва қизини Коршуновга унаштирганлигини айтади. Хотини ёлвориб, қизингизни ҳалок қилманг, дейди. Эри бу гапга қулоқ ҳам солмайди, шу билан, святки байрамига аталган оддий кеча йигит билан қизни унаштириш кечасига айланиб кетади. Лекин Любим Карпович жим ўтирмайди: акасининг уйда у Коршуновни ҳақорат қилади. унинг фирибгарлигини бирма бир санаб юзига солади. Бундан дарғазаб бўлган Коршунов, Гордей Карпич ўз уйда уни ҳақорат қилишларига йўл қўйганлиги учун, ундан афв сўрашини талаб қилади. У ўйланмоқчи бўлган қизининг отасига: «Афв сўра, чунки бунда қизингни оладиган ҳеч ким йўқ» дейди.— «Бекор айтибсан»,— дейди Гордей Карпич (бунда воқинанинг қандай табиий ечилишига эътибор қилинг!),— қизимга кўшадиган пулимга ҳар қандай киши ҳам куёв бўлади». Худди шу пайтда, нима учундир, эшик олдида Митя пайдо бўлиб қолади, у Любовь Гордеевнадан ажралганлигидан жуда хафа бўлиб, уйига кетиш учун аллақачон хайрлашиб чиқиб кетган эди... «Қизимни Митькага бераман». Митя келиб унинг оёғига йиқилади, хотини (Митя билан қизининг бир-бирини яхши кўришини билганидан) эрига ёлвориб, ўз сўзингда тур, дейди: Гордей нима қилишини билмай қолади; шу пайтда яна идеал киши бўлган Любим кириб келади-да, «Артистнинг хаёли» деган шекспирнамо пьесанинг авторига муносиб монологда («Современник»нинг иккинчи сонидаги «Ералаш» деган мақолага қаралсин¹⁵), акасига,

ёлвориб, менга раҳм қил, қизингни Митяга бер, у менга бошпана ва бир бурда нон беради дейди. Одатда Любимнинг бу ишга аралашуви, ҳатто унинг бу ерда пайдо бўлиб Гордейни жуда қаттиқ уятга қўйганлиги, уни ҳамманинг олдида шарманда қилиб, тўйни бузганлиги бутун ишни расво қилиб юбориши лозим эди; лекин жаноб Островскийда ундай эмас: Гордей укасининг монологини эшитиб бўлгандан кейин «кўз ёшини артади»-да, унга: «Укам, ақлимни киритганинг учун раҳмат» дейди ва Митя билан Любовь Гордеевнага фотиҳа беради (бу нақадар ҳақиқатга яқин-а!) Энди китобхонлар пьесанинг ҳаммасини деярлик бир-бири билан боғланмаган ва кераксиз бир қанча эпизодлар, монологлар ва ҳикоялардан тuzилганлигини кўриб турибди; аслини айтганда, пьесадаги воқияни очиб юбориш учун пьесага киритилган ҳамма нарсаларнинг учдан бири ҳам кифоя қилади. Бунинг сабаби нима? Биринчидан, авторнинг санъат талабларини менсимаганлиги: афтидан, автор ёзган ҳар бир сатр сўзини, бу сўзлар ҳеч бир кераксиз ва ноўрин бўлса ҳам китобхонлар маъқул кўрадиган қиммат баҳо бир нарса бўлади деб ҳисоблаган бўлса керак; иккинчидан,— буниси энг муҳими деса бўлади,— автор ўз пьесасига ҳар гал ашула, оёқ ўйини ва ҳар хил ўйинларни тиқиштирганида, ҳақиқатан бир қадар ҳақлидир: у қадимги турмушни мақтаб ёзади, савлогарлар жамиятининг баъзи бир қисмининг ҳозирги турмушини шундай тасаввур қилади; шу мақсадда у ўзининг бу кичкинагина пьесасига 16 ёки 17 ашула киритган (Разлюляевнинг «Эҳ, гусарни севмаслик» деган ашулани бир неча марта қайтариб айтганлиги ва «Битта тоғ баланд» деган ашулани ҳам бир неча марта айтганлиги ҳисобга кирмайди), саҳнага бутун бир святки байрами кечасини тиқиштириб, унда бир неча бор кийим алмаштирилади, топишмоқлар ва ҳоказолар бўлади, иштирок қилувчиларни ўн мартадан ўйинга тушишга мажбур қилади ва ҳоказо ва ҳоказо. Автор биздан, ниятининг нимаси ёқмади, деб сўраши мумкин. Ҳозир гап ният тўғрисида бораётгани йўқ, балки унинг қандай амалга оширилганлиги тўғрисида борапти. Сиз бўлсангиз, ниятингизни асарингизнинг бир бутун ва мукамал бўлиши тўғрисида ҳеч жон-куйдирмасдан амалга оширдигиз, ёзган нарсангиз ҳам «комедия» эмас, бадий бир бутун асар эмас, балки ҳар хил лаҳтаклардан тикилганлиги ва иплари кўриниб турибди. «Камбағаллик айб эмас» Абле-

симовнинг «Тегирмончи» деган асарига¹⁶ ўхшаган асардир,— бу пьеса халқ ашула ва урф-одатлари йиғиндисидир; бундаги фарқ фақат шуки, Аблесимов асарида халқ мотивлари пьесадаги воқияларга жуда усталик билан қўшиб юборилган, сизнинг асарингизда эса улар жуда қовушмайдиган қилиб тиркаб қўйилган ва қўшиқ қисмининг пьеса билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. «Тегирмончи» халойиққа халқ мотивларини эшиттирган биринчи пьеса эканлиги ҳақида гапириб ҳам ўтирмаймиз, сизнинг пьесангиз эса асло янгилик эмас, биз саҳнада бутун тўй маросимларини кўздан кечирдик, бу ашулаларни эса биз саҳнадан ўн марталаб эшитганмиз.

Китобхонларнинг жаноб Островский пьесасидан норози бўлишининг яна бошқа муҳимроқ сабаби ҳам бор. Бу пьесадан жуда хурсанд бўлган бир кишининг сўзлари билан айтганда,

Унда ҳақиқат йўқ, унда ҳаёт йўқ,
Унда санъат эмас, фақат сохталик.¹⁷

Қоршунов мелодраматик ёвуз бир киши,— буниси яхши эмас; лекин бундан ҳам ёмони шуки, пьесадаги қолган ҳамма қатнашучилар (пьесанинг охирида ҳатто аввал ёмонлик қилган Гордей Карпич ҳам) Егорюшка святки байрами кечасида:

Эҳ қиём, қиём,
Лаззатли таом!

деб айтиб ўйин тушган ашуласидаги қиёмга беланган.

Любим Торцовнинг устидан айниқса кўп қиём қуйиб юборилган, у, ўз сўзларига қараганда (қандай камтаринлик!), «пияниста, лекин ҳаммадан яхши», Митя ҳам воқеликни тамомила бузиб юбориш даражасида чучмал қилиб юборилган.

Биз «Қамбағаллик айб эмас» тўғрисида жуда кўп гаплар айтишимиз лозим эди, лекин бусиз ҳам мақолаimiz жуда чўзилиб кетди. Эскириб қолган формаларнинг сохта идеализация қилинганлиги тўғрисида яна айтиш лозим бўлган гапларни кейинга қолдираимиз. Жаноб Островский ўзининг кейинги икки асарида пардоз қилиниши мумкин бўлмаган ва пардоз қилиниши лозим бўлмаган нарсани кишининг меъдасига тегадиган даражада бўяб кўрсатган. Бу асарлар заиф ва сохта асар бўлиб чиқди.¹⁸ Лекин,

бизнинг фикримизча, бу билан у ўзининг адабий обрўсига путур етказган бўлса ҳам, лекин ажойиб истеъдодни ҳалок этгани йўқ: агар жаноб Островский «Қамбағаллик айб эмас»га олиб келган ботқоқ йўлини ташласа, унинг истеъдоди яна илгаригидай ҳамма вақт янги ва кучли бўлиб туриши мумкин. У кишиларнинг жуда тэм-тароқли ноўрин мақтовларига қулоқ солмасин, уни «Санъат ва ҳақиқат» қаҳрамони деб эълон қилган шеърий дифирамбларга* учмай қўя қолсин, яхшиси санъат асарларида ҳақиқат нима эканлигини яхшилаб ўйлаб кўрсин. Талантнинг кучи ҳақиқатдадир; хато йўл энг кучли талантни ҳам хароб қилади. Асосий фикр жиҳатидан сохта бўлган асарлар соф бадий жиҳатдан ҳам заиф бўлади.

«ЖУРНАЛЛАР ҲАҚИДА ЗАМЕТКАЛАР»ДАН

(1857, март)

... Катта ва олийжаноб мақсадни ўз олдига қўйган жаноб Островскийнинг «Сердаромад жой»¹ деган комедияси... унинг шуҳратланишида катта роль ўйнаган пьесасини, «Қўйнидан тўкилса қўнжига» комедиясини эслатади². Бу янги пьесанинг яна шундай яхши томони ҳам борки, бунда жаноб Островский савдогарлар турмуши билан ҳеч қандай алоқаси йўқ кишиларни тасвирлаб беради, шу дамгача у бутунлай деярлик уларнинг урф-одатлари билан шуғулланиб келган эди. Университетда илм олиб, турмуш тўғрисида жуда қатъий, юксак тушунчаларга эга бўлиб олган Жадов деган ёш бир йигит яхши вазифага ўрнашиб олиш учун жуда қулай шароитда ҳаётга қадам қўяди; унинг амакиси — у хизмат қила бошлаган идоранинг энг катта бошлиғи. У бир қизни жуда яхши кўради, лекин у қиз ҳали ёш ва ўз табиати жиҳатидан жуда олийжаноб кўринадики, бу қизни тарбиялайман, деб умид қилади. Лекин бу ёш йигит амал қилаётган тартиб қоидалар фақат хизматда эмас, ҳатто оилада ҳам кишининг бахт-саодатига мос келмаслиги маълум бўлади. Амакиси унинг «фанаберияси»³ учун уни хуш кўрмайди, ҳалол даромад билан яшайдиган кишилар бу ҳақда муло-

* Д и ф и р а м б (грекча) — ҳаддан зиёда жўшқинлик билан мадҳ этиш.

** Ф а н а б е р и я — мақтанчоқлик, думордорлик.

ҳаза килишни жуда яхши билдилар. Амакисининг ҳалол даромадлар бўйича агенти бўлган гумаштаси ва Жадовнинг бевосита бошлиғи Юсов ҳам ана шу «фанаберияси» учун бу ёш йигитни ёмон кўради. Севган қизига уйланишга қарор берган Жадов, хотинини таъмин қилиб туриш учун, амакисидан бўш қолган идорага бошлиқ қилиб қўйишни илтимос қилади. У, албатта, бу вазифага бошқа ҳар қандай кишидан кўра муносиброқдир. Лекин амакиси жиянининг «фанаберия»сидан шу қадар норози ва Юсов уни жиянига шу қадар қарши қилиб қўйганки, Жадовнинг илтимосини ерда қолдиради, бошқа бирон жойдан иш қидириб топ, деб маслаҳат беради ва чинакам приказной* бўлган ва фанаберия нималигини асло билмайдиган Белогубовни идора бошлиғи қилиб тайинлайди. Шу билан биринчи парда тамом бўлади. Иккинчи пардада биз коллежская ассесорша Кукушкина деган тул хотинни, яъни Жадов уйланмоқчи бўлган қизнинг онасини ва унинг яна икки қизини кўрамыз. Жадовни Полинага, Белогубовни бошқа катта қизи — Юлинкага унаштирадлар. Бу муҳтарам она қизларига тўғридан-тўғри, сиз шундай товарсизки, мен сизни мумкин қадар тезроқ ўтказиб олсам дейман, сиз энди менга офир юк бўлиб қолдингиз, ўзингизга қанча тез эр топсангиз, шунча яхши дейди. Қизларнинг ўзи ҳам онамиздан қанча тез ажралиб чиқсак, шунча яхши, чунки унинг қўлида туриб кўрадиган кунимиз қурсин, дейдилар. Полинага қаллиғи Жадов ёқди, — албатта, Жадов чиройли, жуда хушмуомила йигит; Юлинка синглисига юрагидагини айтиб, менинг қаллиғим аллама балога ўхшайди, дейди, — албатта, шундай, Белогубов идора тартиб — қоидаларини ўзига одат қилиб олган хунук, бадбашара, паст бўйли йигит бўлиши лозим. «Бўлмаса нега онамизга айтмайсан?» дейди Полина опасига. «Қўйсанг-чи! худо сақласин! Мен шунга тегсам ҳам жон-жон дейман, ишқилиб бу уйдан чиқиб кетсам бас», — деб жавоб беради Юлинка. «Ҳа, тўғри айтасан! — дейди Полина! — менга ҳам Василий Николаевич учраб қолмаганда, мен ҳам биринчи дуч келган кишининг бўйнига осилиб олишдан қайтмас эдим: қанақа ёмон бўлса ҳам майли, мени балодан қутқазиб, бу уйдан олиб чиқиб кетса бўлгани!» Эй худо, бу сўзларда қанчадан-қанча эрга

* Приказной — майда чиновникларнинг қадимги номи; бу ерда маҳкамада кўп хизмат қилган одам маъносига.

тегиш воқиалари ҳикоя қилиб берилади! Одатда романчилар, ўз хоҳишига қўймай эрга берилган бечора қизларнинг қисмати тўғрисида ташвиш чекиб, шу билан бирга бошларига ҳеч нарса ўрамай, ҳеч қандай назоратчисиз, холасиз ва гувернанткасиз кўчаларда бемалол сайр қилиб юриш ҳуқуқига эга бўлиш учунгина эрга чиқадиганлардан дарғазаб бўладилар-у, чидаб бўлмас азоб-уқубатлар жонларига текканидан учраган йигитга эрга чиқадиган қизларни эсдан чиқарадилар,—ҳолбуки, шундай эрга чиқадиган қизлар зўрлаб эрга бериладиган қизлардан ҳар ҳолда кам эмас. Лекин яна жаноб Островский комедиясига қайтамиз. Опа сингил келинлар эрга чиққанзимизда турмушимиз қанақа бўлади, деб бир-бирлари билан суҳбатлашадилар. Юлинка ўзининг Белогубовидан кўнгли тўқ — Юлинканинг яхши кийиниб ҳаммага кўз-кўз қилиб юришига пул топиб беради, у, савдогарлар менга жуда кўп ҳар хил материялар ҳада қиладилар ва нўмай-нўмай пул бериб турадилар, дейди; Полина ўз қаллиғидан бундай даромадлари борлигини эшитгани йўқ, шунинг учун ҳам хафа. Лекин опасининг сўзларини эшитгандан кейин унинг ҳам кўнгли тўқ бўлиб, хотин киши эридан талаб қилиши лозимлигини ва эридан кийим-кечак ва пул талаб қилиб олиши мумкинлигини тушунади, эр деган хотинини яйратиб қўйиши лозим, ахир, мен кухарка бўлиб турармидим. Учинчи парда, Жадов меҳмонхонада университетда бирга ўқиган эски ошнаси билан ўтириб, унга ўз ҳаётини гапириб берапти. Уйланганимга бир йил бўлди, эртадан кечгача ишлайман. Тирикчилигимнинг мазаси йўқ. Дилбар хотиним бор, лекин унинг ҳам бошқалардан ёмон яшагиси келмайди: шляпа кийгиси келади, кўйлақларим кўп бўлсин дейди... хуллас, унинг ўзи ўртоғига айтгандай, унинг тарихи қисқа: «Менинг тарихим қисқа; ўзинг биласан, мен яхши кўриб уйланганман; эл-юртдаги мутаассибликлар ичида тарбияланган, бошқа ҳамма қизларимиз сингари, ўқимаган қизга уйланганман, уни ўз йўлимизга солиб тарбия қилиб оламан деб хаёл қилган эдим, уйланганимга ҳозир бир йил тўлди... — «Хўш, нима бўлди?» — «Албатта, ҳеч нарса чиқмади; тарбиялашга вақтим ҳам йўқ, бу ишни нимадан бошлашни ҳам билмайман. У қандай бўлса шундайлигича қолаверади; тортишганимизда, албатта, мен унинг айтганига кўнишим керак. Ҳавас қиладиган ерим йўқ, аҳволимни тузатиб олишга бирон иложим ҳам йўқ. У ме-

нинг гапимга қулоқ ҳам солмайди, мени ақлли одам деб ҳам ҳисобламайди. Уларнинг фикрича, ақлли одам албатта бой бўлиши керак. . . Бу жуда ва жуда сийрак учрайдиган воқиа эмас,— мана сизга оила бахти, тарбия тўғрисидаги орзу-хаёллар ва шу каби хомхаёллар. «Сен ақлли кишиман дейсан. Агар сен пул топишни билмасанг, хотинингга янги кўйлак олиб бермасанг, сени ақллилигинг қани?» Белогубовни айтасизми,— у албатта жуда ақлли киши. У Юсов ва бошқа икки чиновник ўртоғи билан меҳмонхонага бориб туради — қўлига катта пул тушганда уларни меҳмон қилади. Унинг пули кўп, унинг хотини ҳам ундан рози. Белогубов меҳрибон ва яхши киши,— дарҳақиқат, порахўрнинг яхши киши бўлиши мумкин эмасми? У жуда содда киши, Жадовни мендан хафа бўлиб юради, деб ўйласа ҳам, Жадовни кўрганда, қани «иним», бирга овқат қилайлик, шампанский ичайлик деб таклиф қилиб туради. Жадов ҳамма вақт йўқ дейди,— Белогубовнинг ўрнида бирон кўнгли қора киши бўлганда, бунга хафа бўлар эди, лекин Белогубов чинакам яхши қариндошлардан — у ҳамма вақт Жадовдан шампанский ичайлик ва мен билан қариндошлик қилгин, деб илтимос қилиб туради. Илгариги «фанаберия»сини тарк қилмаган Жадов: «Бизнинг қариндош-уруғдай туришимиз мумкин эмас» дейди, бундай деганида, порахўр, ифлос ва разил киши билан бирга туришим мумкин эмас демоқчи. Лекин Белогубовнинг бундай нарсаларга ақли етмайди. «Хўш, сабаб?» деб мулоимлик билан сўрайди у. «Биз тенг эмасмиз».— Белогубов буни ўзича тушунади: «Тўғри, ҳар кишининг тақдирини ҳар хил, ҳозир мен бутун бир оилага қараб турибман, онамга ҳам қарашиб турибман, иним, пулга муҳтожлигини биламан; балки сизга пул керакдир, хафа бўлманг, қўлимдан келганча беришим мумкин. Буни ҳатто мурувват деб ҳам ҳисобламайман. Қариндошлар ўртасида қандай ҳисоб-китоб бўларди!»— «Нима сабабдан сиз менга пул бермоқчи бўлиб қолдингиз?»— «Иним, ҳозир мен ўзимга тўқман, ёрдам қилиш менинг бурчим. Иним, камбағаллигини кўриб турибман».— «Мен сизга қандай ини бўлардим! Мен билан ишингиз бўлмасин!»— «Ихтиёр ўзингизда, мен чин юрагимдан айтаяпман. Иним, мен сизга ўхшаган кек сақлайдиганлардан эмасман. Мен сизга ва хотинингизга ачиняпман, холос»,— дейди худди қариндош-уруғлардай меҳрибон Белогубов, хафа қилган қариндошининг гуноҳидан кечиб.

Ҳақиқатан Белогубов оққўнгил ва кек сақламайдиган одам. Белогубов ва унинг хотини Жадовга билдирмасдан унинг хотинига пул бериб туришади, кийим-кечак ҳада қилиб туришади. Юлинка ўз эри билан ўзини бахтли ҳис қилади — уйларида егани олдида, емагани кетида, кийим-кечагининг сон-саногии йўқ. Полина эрини яхши кўради, лекин у билан бахтиёр эмас — кийим-кечаклари оз. Юлинка синглисига яхшилик қилмоқчи бўлиб, Полинага, эринга айт, у ҳам Белогубовдай қилсин, деб ўргатади, — шундай қилсанг минадиган отинг ҳам, ясанадиган кийим-кечагинг ҳам, турадиган уй-жойинг ҳам бўлади, дейди. Онаси ҳам шундай дейди, Жадов уйга қайтиб келганида, Полинка унинг жонига тегиб гапиргани-гапирган. Буларнинг ёнида ўтирган онаси ҳам қизининг гапини қувватлаб туради. Эр-ки хотинининг бойвуччалардай яшашига пул топиб бера олмас экан, ундай эр аҳмоқ ва виждонсиз. Жадовнинг жаҳли чиқади, қайнаси билан уришади, лекин хотини унинг аҳмоқона димоғдорлигидан туширишга уста бўлиб қолган. Агар мени бу муҳтожликдан қутқармасанг, сен билан турмайман, деб уйдан чиқиб кетади. Мени опам ҳам боқади; мени муҳтож қилиб қўймайди, дейди. Шу билан Жадов енгилади. Хотинини қайтариб олиб келади, айтганингни қиламан, дейди. Белогубовдай ишлайдиган бўламан, дейди. Амакимдан бориб ўз «фанабериям» учун афв сўрайман, аҳмоқона одатларимни ташлайман ва сердаромад жой сўрайман, дейди. — Шу билан олам гулистон. Полина, бечора, азоб-уқубатдан қутулади — у кўп қийинчиликларни бошидан кечиради; яна унинг кийим-кечаклари бахтли опасиникидай кўп эмаслигини айтмайсизми. Эри билан жанжаллашиб туриши осон бўлди дейсизми? Эрини яхши кўради, ахир.

Бизнинг фикримизча, агар комедия шу кризис билан тамом бўлса, тўлароқ ва мукамалроқ бўлар эди, — автор бешинчи пардани Жадовни маънавий разолатдан қутқариш учун қўшган. Жадов хотини билан Вишневскийнинг ҳузурига келади, лекин ундан илтифот сўраш вақти ўтган. Унинг ҳалол даромад олиб туриш учун ишлатаётган ҳалол найранглари очилиб қолиб, жуда баланд ва жуда сердаромад вазифасидан тушиб қолган. Полинанинг кўзи олдида бўлган ҳалокат унинг эсини киритади: эрининг ҳалол кишилар кўз олдида жиноятчи бўлишига, шармандаю-шармисор бўлишига нима мажбур қилганли-

гини тушунади. Узини эрининг қучоғига ташлайди, — энди у эрига муносиб хотин бўлиб қолади, энди улар ҳалол умр кечирадилар.

Бизнинг ҳали тўла бўлмаган мана шу баёнимиздан китобхонлар жаноб Островскийнинг янги асарига қанча ҳақиқат ва одийжаноблик борлигини, пьесада қанча драматик ҳолатлар ва таъсирли жойлар борлигини кўришлари мумкин. Бунга қўшимча қилиб шуни айтамызки, кўп воқеалар жуда яхши берилган ва автёрнинг кучи ва воқиталарга жуда бойлиги кўриниб туради³; Белогубовни ва айниқса унинг хотинини ва қайнаси Кукушкина хонимни пьесадаги энг яхши характерлар деб биламиз.

«ЖУРНАЛЛАР ҲАҚИДА ЗАМЕТКАЛАР»ДАН

(1857, январь)

Кейинги йилларда бизнинг эски авторларимиз тўғрисида жуда кўп ёзилган эди, бу авторларнинг асарлари ҳозир шу замон халойиқи ўқийдиган асар бўлишидан кўра кўпроқ ўтмиш замон ёдгорлиги бўлиб хизмат қилмоқда. Ломоносов ва Сумароков, Тредьяковский ва Кантемир, Лукин ва Княжнин¹ ва бошқа-бошқалар зўр диққат билан навбатма-навбат текширишдан ўтказилди. Бу яхши иш бўлди; лекин шуниси ёмон бўлдики, эскиликка жуда берилиб кетиб, ҳозирги замонни эсимиздан чиқариб қўйдик. Ҳозир ёзаётган ёзувчилардан биронтасига ҳам деярлик ўзига яраша баҳо берилмади. Жаноб Григорович, жаноб Островский, жаноб Писемский² ва бошқа бизнинг умуман ҳозирги ёзувчиларимиз тўғрисида журналлардан фақат ё жуда қисқа, ёки жуда юзаки тақризлар топасиз, холос. Бундай юзаки мулоҳазалар билан қаноатланиб қўя қолишимизни бас қилиш вақти келди, адабиёт тарихидаги аҳамияти ўзларидан олдин ўтган ёзувчиларнинг аҳамиятидан, албатта, кам бўлмаган ёзувчиларнинг фаолиятига керагича эътибор бериш вақти келди, биз учун бу ёзувчиларнинг асарлари бундан қирқ, олтмиш йил илгари ёзилган ва ҳозир қўлга олинмай қўйилган ҳамма асарлардан муҳимроқдир.

Шу нуқтани назардан қараганда, «Отечественные записки»нинг январь сонидан жаноб Дудишкиннинг жаноб

Тургенев асарлари тўғрисида катта мақоласи босилиб чиққанлигига биз жуда хурсандмиз³. Бу мақола ҳали тугагани йўқ, «Овчининг мактублари» авторига танқидчининг қараши бу мақоланинг биз ўқиб чиққан қисмида тамоман аниқ ва равшан ифода қилинган.

Жаноб Дудишкин ёзувчи асарларида турмушга қандай қараш ифода қилинганлиги танқидчи учун жуда қизиқ масаладир, деб жуда тўғри айтади. Жаноб Дудишкин танқидчининг биринчи вазифаси ёзувчининг ҳозирги замон идеясига муносабатини аниқлаб беришдан иборат деб ҳисоблайди. «Ҳозирги замон фани, ҳозирги замон ҳаёти идеяни қандай кўламда ишлаб берган бўлса, тарихнинг сўнги хулосаси тариқасида бу идеяга қандай маъно берилган бўлса, шу идея билан бир даражада туриш — ҳар бир ёзувчининг энг биринчи эҳтиёжи ва шу билан бирга энг биринчи хизматларидан биридир. Бу идеяга кимнинг ҳеч қандай муносабати бўлмаса, у кишининг ҳозирги замон адабиётида аҳамияти ҳам бўлмайди» — бу жуда тўғри тушунчадир. «Лекин, — деб давом этади танқидчи, — бизнинг рус ёзувчимизнинг ҳозирги замон идеяси билан бир даражада туриши ҳали кифоя қилмайди, ҳар ҳолда бу — масалани узил-кесил ҳал қилиб бўлмайди. Бизнинг ёзувчимиз идеянинг заминга (у идеяни шу заминда яшашга мажбур қилади) ва идея учун шароит хизматини бажарадиган жамиятга муносабатини кўрсатиб бериши лозим», — бу ҳам тўғри; бу сўзларда фақат бир ибора бизга унчалик аниқмасдай кўринади; бу — «бизнинг рус ёзувчимизнинг... кифоя қилмайди, бизнинг ёзувчимиз... лозим» деган ибора. Нима учун умуман миллатнинг ҳар қандай ёзувчиси идеянинг ўзи тасвирлаб кўрсатаётган жамиятга муносабатини аниқлаб бериши лозим эмас-у, фақат «бизнинг» ёзувчимиз аниқлаб бериши лозим? Бу вазифа ҳам немис, ҳам инглиз, ҳам француз ёзувчисининг вазифасидир, бу ажойиб ёзувчилардан биронтаси ҳам бу вазифадан бош тортгани йўқ, — агар ҳозир хитойлар ва эронлиларнинг ажойиб ёзувчилари бор экан, албатта, улар ҳам ўз идеалларининг ўзлари тасвир қилаётган жамиятга муносабатини кўрсатиб берадилар. Ё бўлмаса идеалнинг турмушга муносабатини аниқлаб бериши рус ёзувчисининг қандайдир алоҳида шарт-шароитларга боғлиқдир-у, бошқа ёзувчилар ўзларини бу билан қийнаб ўтирмасликлари лозимдир? Бизнинг фикримизча, танқидчи бундай деб ўйласа керак: «агар бу муносабат-

лар нуқул салбий муносабатлар бўлса, у вақтда қандай қилиб уларни келиштириб бўлади?» — «Агар ёзувчи, улар ўртасида гармония бўлиши мумкин деб топса, у вақтда ёзувчи ўз идеяларини қандай формага солади?» — Агар янглишмасак, мана шу сўзларда танқидчининг фикри — ёзувчи идеални унинг теварак-атрофидаги турмуш билан ҳамоҳанг бир нарса деб тасаввур қилиши лозим, деган фикр ифода қилинган. Агар у шу шартни назарда тутган бўлса, унинг фикрини тўғри деб айтиш мумкин бўлмас керак. Нима учун идеал, албатта, воқелик билан келиштирилган бўлиши лозим?.. Ҳамма шоирларнинг энг буюғи бўлиш билан бирга, яна энг осойишта шоир бўлган Шекспирда ҳам одамлар одатда тушунган маънодаги келиштириш йўқ. Унинг идеалларидан биронтаси ҳам ўз ишларини бамайлихотир ва бемалол ҳаёт кечира оладигандай қилиб йўлга қўйиб олишни билмайди. Гамлет билан Офелия, Ромео билан Джульетта, Отелло билан Дездемона⁴ — булар ҳаммаси ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам кўп ташвишга ва ғам-ғуссага солдилар, лекин Шекспир булардан биронтасини ҳам «шароит билан ҳамоҳанг» қилиб қўйгани йўқ. Ҳеч нарса тинчлигини буза олмаган мана шу Шекспир генийсининг ўзи бажармаган вазифани рус ёзувчисининг зиммасига юклашнинг нима кераги бор? Бизнинг фикримизча, жаноб Дудишкин ҳозирги замон ёзувчисининг «идеали шароит билан ҳамоҳанг» эмас деб топиб, унинг ишини номаъқул деб айтишга тайёрланаётган экан, бунда у унчалик ҳақли эмас, у ҳеч қандай миллатда ва даврда, ҳеч қандай ёзувчида бундай ҳамоҳангликни топа олмайди; ёки у Гомердан тортиб 1857 йилгача бўлган ҳамма ёзувчилар устидан сидирғасига ҳукм чиқармоқчимиз?

Жаноб Дудишкин ўз талабларини шундай таърифлаб жаноб Тургенев тасвирлаб кўрсатган идеалнинг хислатларини аниқлаб бермоқчи бўлади, лекин аввал жаноб Тургеневнинг аввалги асарлари дунёга келган вақтда ҳукмрон бўлган адабий қарашлар қандай бўлганлигини тушунтириб беришни лозим деб ҳисоблайди. Шундан кейин 1841—1845 йиллардаги «Отечественные записки»дан парчалар келтирилади ва жаноб Дудишкин, ҳозир жаноб Дудишкиннинг жуда ажойиб мақолалари билан безалиб чиқаётган журналнинг ўша вақтда билдирган беҳуда фикрларидан кулиб, уларни масхара қилади. Журнал ўзининг ўтмишини менсимай фикр билдиради — бу умуман

яхши эмас; агар журналнинг ўтмиши ҳеч баҳсга йўл қолдирмайдиган бўлиб жуда қийматли бўлган бўлса, ундай қилиш инсофдан эмас. Наҳотки, «Отечественные записки»нинг ўтмиши жуда ғалати бўлган-у, «Отечественные записки»нинг ўзи уни эсга солганда афсусланиб кулиб қўймасдан иложи бўлмаса? Лекин «Отечественные записки» ўзининг ўтмишини ҳурмат қиладими-йўқми, бу билан бизнинг нима ишимиз бор!⁵ Ҳозир фақат шуниси афсусланарлики, бу кулги жаноб Тургенев тасвирлаб бераётган идеални таърифлашда жаноб Дудишкинни баъзи бир хато йўлларга олиб кирди. Жаноб Дудишкин эски вақтларда чиққан «Отечественные записки»дан Баратинский ва Лермонтов қаҳрамонлари тўғрисидаги муҳокамаларни кўчириб олиб ва бу муҳокамалардан кулиб, жаноб Тургеневнинг кўп повестларидаги асосий шахслар Баратинский ва Лермонтов қаҳрамонларига ўхшайди, жаноб Тургеневнинг повестлари «Замонамиз қаҳрамони» сингари адабий мактаб тарзида ёзилган повестлардир, деган қарорга келади. Қандай асосга биноан? Шунга асосанки, улардаги ҳамма асосий шахслар турмушда ўзлари учун бахт-саодат ва фойдали меҳнат топа олмайдиган «ортиқча кишилардир». — Бундан кейин, эҳтимол, «Гамлет» ҳам, Лермонтов мансуб бўлган адабий мактаб таъсирида ёзилган бўлиб кўриниши мумкин, чунки Гамлет ҳам ортиқча киши. Бундай сохтагарлик қаердан келиб чиқди? Жаноб Дудишкин, биринчидан, жаноб Тургеневнинг «Андрей Колосов»дан тортиб «Рудин»гача ҳамма повестларидаги эркак жинсида бўлган ҳамма асосий шахсларни жаноб Тургенев идеал шахс қилиб тасвирлаб кўрсатади, иккинчидан, мана шу шахсларнинг ҳаммаси бир типдан кўчириб олинган, деб тахмин қилади. Бир томонлама назария ана шунақа хато фикрларга олиб боради! Лекин Пасинков билан Вязовнинг, Рудин билан Бреттернинг бир-бири билан қандай ўхшашлиги бор?⁶ Бу шахслардан ақалли биттаси идеал қилиб қўйилган деб айтиш мумкинми? Асло ундай эмас. Бундан ташқари, бу шахслар қатнашадиган повестлардаги фикр билан «Замонамиз қаҳрамони» фикри ўртасида қандай ўхшашлик бор? Бу хулосаларнинг ҳаммаси англашилмовчиликдан келиб чиққан хулосалардир. Жаноб Дудишкин эски «Отечественные записки»да ва «Современник»нинг дастлабки йилларда чиққан сонларида⁷ жамиятимизда ва адабиётимизда Евгений Онегин ўрнини Печорин олди, Печорин ўрнини Бель-

тов олди, деган гапларни ўқиган⁸,— яқинда «Современник»да, бу типлардан кейин Рудин пайдо бўлди, деган гапларни ўқиган-да,⁹ ана шу таққослашни кенгайтириб баён қилиб бермоқчи бўлган, лекин бу таққослашнинг қайси маънода келтирилганлигини тушунмасдан, бутунлай бошқа маънода тушунган; у Печорин Онегиндан кўчирилган нусха, Бельтов Печориндан кўчирилган нусха деб ўйлаган,— бундай хатонинг табиий натижаси шу бўлганки, Рудинни ҳам у Печориндан кўчирилган нусха деб қарамоқчи бўлган. Лекин уларни бир-бирига таққослашдан мақсад асло улар бир хил деб кўрсатиш эмас эди,— ижтимоий тараққиёти турли-турли тўрт даврда ўтган бу тўрт одамнинг асло бир-бирига ўхшаш ери йўқ,— бундай ўхшатишдан мақсад улар яшаган даврлар характери ўртасидаги фарқни кўрсатиш эди. Онегиннинг зерикишига сабаб шуки, у оққўнгил яхши одам бўлса ҳам, аслида мияси Байрон асарлари билан тўлиб тошган ва жамият эркалатиб юборган жуда қуруқ одам. Кўнгли нима истадини, нима учун зерикиб юришини ўзи ҳам билмайди, аслида у, бир тузукроқ ташвишим йўқ, миямда тузукроқ бир фикр йўқ, юрагим бўлса ҳар хил ғовғалардан чарчади, деб оҳу фиғон тортиб юради. Печорин тамомила бошқа характерли ва билим даражаси бошқача бир кишидир. У ҳақиқатан жуда зўр муҳаббат орзусида юрган жуда зўр қалб эгасидир; у жуда серғайрат киши, ҳақиқатан мустаҳкам ирода эгасидир,— лекин у шахсан ўзи тўғрисидагина жонкуярлик қилади. Ҳеч қандай умумий масалалар уни қизиқтирмайди. Бельтовнинг эса асло бундай эмаслигини, унинг шахсий манфаатлари иккинчи ўринда туришини айтиб ўтишнинг кераги борми? Лекин Бельтов жамиятда ўзига ҳали ҳеч қандай мадад тополгани йўқ ва ўз ғайратини ишга сола оладиган мутлақо ҳеч қандай бирон майдон топа олмай азоб чекиб юради. Мана шу уч тип ҳар бири идеал қилиб тасвирлаб кўрсатилган эди. Рудин асло идеал қилиб тасвирланган эмас — автор повестининг охирида ўзининг тасвирлаган бу типига бир мунча раҳми келиб, бу типнинг камчиликларини етарли даражада яққол қилиб кўрсатиб бердим деб ўйлаб, унинг б'чъзибир яхши томонлари ҳам бор эди, у жуда меҳнатга ишқивоз эди, у ҳеч тинмай ишлашни яхши кўрар эди, дейди,— лекин, дейди у, бутун ҳикояси давомида унга илгари қандай нуқтани назардан қараб келган бўлса, шу нуқтани назарга

қайтиб,— лекин унинг меҳнатга ишқибозлигининг фойдаси оз бўлди, чунки Рудинда амалий такт деган нарсая йўқ эди, ишнинг кўзини билиб ишлашни билмас эди, деб қўшиб қўяди. Сиз Рудин билан Бельтов ўртасидаги фарқни кўриб турибсиз: бири — мушоҳада қилувчи, лекин ҳаракатсиз, бунинг сабаби балки шудирки, серғайрат кишиларнинг вақти ҳали келмагандир; иккинчиси бетиним, ҳормай-толмай меҳнат қилади, лекин ҳеч самарасиз деса бўлади. Рудин билан Печорин ўртасида ўхшашлик топиш янада мушкулроқ; бири — ўзининг ҳузур-ҳаловатидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган эгоист; иккинчиси — ўзини тамомила эсидан чиқариб юборадиган ва турганбитгани умум манфаатларини кўзлаб иш қиладиган энтузиаст; бири — ўз орзу-ҳаваслари учун яшайди, иккинчиси — ўз идеялари учун яшайди. Булар,— турли давр кишилари, турли хил табиатли кишилардир,— бир-бирининг тамомила қарама-қаршиси бўлган кишилардир. Сиз Дон-Кихот билан Манфред ўртасида, Фауст билан Дон-Жуан ўртасида¹⁰ ўхшашлик топсангиз топасиз-у, лекин Рудин билан Печорин ўртасида ёки Рудиндан янада узоқроқ турадиган Онегин ўртасида ўхшашлик топа олмайсиз.

Шундай экан, қандай қилиб Печорин билан Онегиндан кейин Рудиннинг ҳеч қандай янгилик ери йўқ деб айтиш мумкин бўлди? Унинг идеяларидан то хатти-ҳаракатигача, унинг характеридан то урф-одатигача ҳаммаси янгилик. Бунда жаноб Тургеневнинг ҳамма повестларини ва уларда иштирок этувчи ҳамма шахсларни қараб чиқа олмайсиз, лекин жаноб Дудишкиннинг эски «Отечественные записки»ларда ўқиган, лекин англамаган фикрларини хато йўсинда кенгайтириб бермоқчи бўлганлиги қандай қизиқ ҳолатларга олиб борганлигини кўриш учун шу бир мисолнинг ўзи ҳам кифоя қилади. Қани айтингчи, фақат Рудинни эмас, шу билан бирга Астаховни ҳам («Жимжитлик»да), ўз разолатини ва ҳиссизлигини европача қуруқ гаплар ва яхши қилиқлар билан ниқоблайдиган бу тошбағир расво одамни ҳам, Вязовни («Икки ошна»да), яхши ва ўқимишли, лекин асло хаёл сурмайдиган, энг оддий вазиятда ҳам тинч, бахтиёр бўлиб яшагиси келадиган бу одамни ҳам Печорин ва Бельтов билан (ҳар бири алоҳида бир тип бўлган бу кишилар билан) бир тип сифатида қандай қилиб бирлаштириб бўлади? Бу кишиларнинг ҳаммаси мутлақо турли-турли типлардир.

Турли-турли қиёфали кишиларни бир портрет қилиб чалкаштириб юборган бу ғалати хато қаердан келиб чиқди? Жаноб Дудишкин «идеални унинг вазияти билан келиштириш» зарур деган назарияга ва «меҳнат қилиш» зарур деган фикрга, жумладан жуда яхши фикрга жуда берилиб кетишти. Ана шу назария ва фикрга берилиб кетганлиги орқасида унда ажойиб бир эстетик система вужудга келибдики, буни биз бирнеча оғиз сўз билан баён қилиб берамиз.

«Киши шароит билан уйғунлашуви лозим» дегани нима дегани? Бунинг маъноси мана бу: агар сизнинг холангиз ёки бувингиз бўлса, уларни ҳамма вақт рози қилиб юринг; агар бошлиғингиз бўлса, ўзингизни шундай тутингки, у сиз тўғрингизда ҳамма вақт, «фалончи жуда яхши одам» деб айтиб юрадиган бўлсин; агар қўшнилариңгиз бўлса, улар билан тотув бўлиб юринг; агар уйланмаган бўлсангиз, ғийбатчи қўшнилариңгиз сизга қаллиғ қилиб қўйган дастлаб учрашган қизингизга уйланинг; йўқса холангиз сиздан норози бўлади, бошлиғингиз сизни юқори вазифага кўтармайди, қўшнилариңгиз сизга фармазон* деб ном қўяди; қўшнилариңгиз сизни уйлантирмоқчи бўлган қизни, у йигитни қўлдан чиқариб юборди, деб ёмонотлиқ қилишади,— ҳамма сиздан норози бўлади, икки карра икки тўрт бўлгандек, «сизнинг теварак-атрофдаги шароитга ярамаслиғингиз, сизнинг «ортиқча киши эканлиғингиз», сиз ҳатто пуч ва аяңч киши эканлиғингиз ҳаммага аён бўлади.

«Меҳнат қилмоқ» нима дегани? — меҳнат қилмоқ демак — уддабурон чиновник бўлмоқ, ишнинг кўзини билладиган помешчик бўлмоқ демакдир, иссиққина ва тинч жой топиб олиб ишга ўрнашиб олмоқ демакдир, лекин бунда ўз майда-чуйда ишларингизга ҳам зарар келтирмаслик демакдир, булар ҳар бир тузук ва ўзига дуруст киши амал қиладиган шарт-шароитлардир.

Агар сиз бундай тартиб-қоидаларга рози бўлмасангиз теварак-атрофдаги шароит учун ярамайсиз, сиз меҳнат қилишни хоҳламайсиз, сиз яна пуч ва бекорчи одамсиз.

Жаноб Дудишкин биз юқорида айтиб ўтган мақолада мана шу «шароит билан уйғунлашиш» назариясига шу қадар берилиб кетибдики, қўлига кимнинг ҳикояси тушиб қолса, у дарҳол эркак жинсидан бўлган асосий шахсни қидириб топиб, ундан: «сен шароит билан уйғунмисан?»—

* Фармазон — эркин фикр қилувчи.

«меҳнат қиласанми?» деб сўрайди. Баратинский билан Пушкин, Лермонтов билан жаноб Тургенев қаҳрамонлари бундай саволларни эшитиб ҳаммалари хижолат тортади — буларнинг ҳаммаси бир разряддаги кишилар эканлиги, ҳаммаси бир типдан нусха кўтарилган портретлар эканлиги равшан эмасми? Агар бу терговни давом эттириб, юқорида келтирилган икки жиҳатдан Шекспир билан Лопе де Вега, Гёте билан Корнел, Байрон билан Софокл¹¹ қаҳрамонларидан сўроқ қилинадиган бўлса, буларнинг ҳаммаси ҳам худди шундай хижолат тортиб ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳеч жавоб топа олмай қоладилар ва «меҳнат қилмайдиган ва шароитга уйғунлашмаган кишилар» деган бир хил типга тўғри келиб қолар эдилар, — хуллас, бор-йўғи Лермонтовнинг авра-астари ағдарилган Печоринидай бўлиб қолар эдилар ва шу билан бирга ёмонотлиқ ҳам бўлиб қолар эдилар.

Ўзи тушуна олмаган фикрга асосланиб ўз системасини қуриш истаги ҳатто ақлли кишини ҳам шундай натижаларга олиб боради.

Жаноб Тургеневнинг асосий иштирок этувчилари «шароитга уйғун эмас» деб ихтиро қилиш даражасига етиб олиб, жаноб Дудишкин жаноб Тургеневнинг бу шахсларни ҳақиқатан идеаллар қилиб, Бенуқсон ҳаракат қиладиган ва ўз хатти-ҳаракатлари билан унинг турмушга қарашини тамомила қаноатлантирадиган одамлардай тасвирлаб берганми ёки жаноб Тургенев ўз Вязовини, Рудин ва бошқаларини идеал қилиб эмас, балки оддий одамлардай, яъни ҳам яхши, ҳам ёмон сифатлари бор, баъзан ақл билан ва олийжаноблик билан, бошқа ҳолларда эса хато иш қиладиган оддий кишилардай тасвирлаб берганми — бунисини қараб текшириб ўтиришни лозим эмас деб ҳисоблайди, — йўқ, ундай деб ҳисобламайди, булар ҳаммаси авторнинг идеали деб хаёл қилади ва уларнинг, ҳар бир сўзини автор тушунчаларининг ифодаси деб билади.

Агар бу хатонинг сабаби тушунчалар чалкашлиги деб, унинг «шароит билан уйғунлик» системаси туфайли вужудга келган чалкашлик деб ҳисобламасак, унинг сабаби нима эканлигини билмаймиз ҳам. Умуман жаноб Дудишкин мақоласининг кўп жойларига ҳеч қандай адабий асосларни сабаб қилиб кўрсата олмаймиз ҳам. Унинг мақоласи жуда қизиқ туюлади, афтидан, танқидчи ниманидир айтмоқчи бўлади-ю, лекин буни, тўғридан-тўғри айтишга

юраги бетламайди, афтидан, фақат унинг ўз миясидан чиққан муҳокамаларни жаноб Тургенев асарлари тўғрисида халойиқ ўртасида жуда мустаҳкам ўрнашиб қолган фикрлар билан бирор илож қилиб келиштиришга уринади. У бир фикрни билдирмоқчи бўлиб, шу фикр атрофида гирди-капалак бўлиб юради-ю, лекин бу фикрни айтишга юраги дов бермайди, у тўғрида имо-ишоралар қилиб қўяди, жаноб Тургеневнинг бошқа асарларига қараганда заифроқ асарлари тўғрисида анча кўп гап сотишга ҳаракат қилади,— унинг яхши асарлари тўғрисида мумкин қадар камроқ гапиришга ёки асло гапирмасликка уринади,— афтидан, ўзи тақилиб ўтишдан уялаётган бир нарсани обрўсини тўкмоқчи бўлади. Афтидан, унинг жаноб Тургенев таланти ва асарлари тўғрисида «Москвитянин» ва «Московские сборники» мулоҳазаларини яна янгидан бошлаб юборгиси келади-ю,¹² лекин унга журъат қила олмайди... Тўппа-тўғриси айтиб қўя қолса бўлмайдами? Ёки жамоат фикрини ўзимга қарши қилиб қўяман деб шундан қўрқадими? Яхшики, бизда жамоат фикри бор. Бу жамоат фикри ҳали заиф, лекин ҳар ҳолда адабиётимизга катта фойда келтиряпти,— жамоат фикри тан олган талантга қарши ҳозир ҳеч ким очикдан-очик бош кўтариб чиқишга журъат қила олмайди. Жамоат фикри жуда буюк нарса.

РУС КИШИСИ RENDEZ-VOUS*ДА

Жаноб Тургеневнинг «Ася» повестини ўқигандан кейинги мулоҳазалар

«Фoш этувчи ҳикоялар китобхонга жуда оғир таъсир қилади; шунинг учун ҳам бундай ҳикояларнинг фойдасини ва олийжаноб ниятлар билан ёзилганлигини тан олсам ҳам, бизнинг адабиётимиз нуқул шундай йўлга кириб кетганлигидан унча рози эмасман». Кўпгина кишилар шундай дейдилар, афтидан, булар ақлсиз кишилар бўлмаса керак, ёки яхшироғи, деҳқонлар масаласи ҳамманинг фикри-зикри бўлиб, ҳамма гап-сўзларда тилга олинган бирдан-бир масала бўлган вақтгача шундай дердилар. Уларнинг гапи ҳақми ёки ноҳақми — бунисини билмайман; лекин менинг шундай фикр таъсирида бўлган вақтларим бўлган эдики, унда мен бирдан-бир деса бўладиган

* Учрашув (франц.)

яхши повестни ўқий бошлаган эдим, бу повестнинг биринчи саҳифасиданоқ фош этувчи ҳикоядагидан тамомила бошқача мазмун, бошқача пафос кутиш мумкин эди.¹ Бунда на найрангбозлик бор, на зўрлик ва на порахўрлик, на ифлос доғулилар бор ва на биз жамият ҳомиларимиз деб жуда ширин сўз бўлиб гаплашадиган расмий айёрлар бор, на ана шу ҳамма разил ва аблаҳ кишилардан кўп азоб-уқубатлар тортадиган мешчанлар, мужиклар ва кичик чиновниклар бор. Воқиа чет элда, бизнинг уй ҳаётимиздаги ҳамма бемаза шароитдан узоқда ўтади. Повестдаги қатнашадиган ҳамма шахслар бизнинг ора-миздаги энг яхши кишилар, жуда ўқимишли, жуда инсонпарвар, жуда олийжаноб фикр эгаси бўлган кишилардир. Повесть соф поэтик, идеал асар бўлиб, турмушнинг қора томонлари деб аталган томонларининг биронтасига ҳам тақилиб ўтмайди. Мен, бу асарни ўқиган кишининг баҳри очилади, дам олади деб ўйладим. Ҳақиқатан ҳам ҳикоянинг ҳал қилувчи миноти келгунча бу поэтик идеаллар кишининг баҳрини очади. Лекин ҳикоянинг кейинги саҳифалари дастлабки саҳифаларига ўхшамайди; повестни ўқиб тамомлаганда кишида ифлос порахўрлар ва уларнинг юзсизлик билан одамларни талаш тўғрисидаги ҳикоялардан ҳам баттарроқ таъсир қолдиради. Бундай ҳикоялардаги кишилар ёмон иш қиладилар, бизнинг ҳар биримиз уларни ёмон кишилар деб биламиз; бизнинг ҳаётимизни яхшилаб берадиганлар булар эмаслигини биламиз. Биз, жамиятда шундай кишилар борки, бу кишилар бундай одамларнинг таъсирига чек қўяди, ўзларининг олийжанобликлари билан ҳаётимизнинг характерини ўзгартиради, деб ўйлаймиз. Биринчи ярми кишини жуда хурсанд қиладиган повесть бу ҳаёлларни жуда тилка-пора қилиб ташлайди.

Бу повестда бир киши бор, унинг қалби юксак туйғулар билан тўлиб-тошган, у шу қадар ҳалол кишики, уни ҳеч ким йўлдан оздира олмайди, унинг фикри-зикри олийжаноб ниятлар асри деб аталадиган асримизга муносиб ҳамма эзгу ниятлар билан банд. Хўш, бу одам нима қилади денг? Бу одам шундай бир иш қиладики, энг уччига чиққан порахўр ҳам унинг бу қилиғидан уялади. У бир қизни жуда яхши кўради, чин кўнгилдан яхши кўради, қиз ҳам уни севади; у киши қизни бир соат ҳам кўрмасдан тура олмайди; кеча-кундуз унинг кўз олдига ҳамма вақт қизнинг чиройли сурати келиб

туради; шу билан сиз, кишининг юраги роҳат дарёсига чўмадиган муҳаббат пайти келибди, деб ўйлэйсиз. Бизнинг кўз олдимизга Ромео келади, Джульетта келади², буларнинг бахтиёр бўлишига ҳеч ким халақит бермайди, уларнинг тақдири абадий ҳал қилинадиган дақиқалар яқинлашиб келади,— бунинг учун Ромео: «Мен сени севаман, мени ҳам севасанми?» деб сўраши керак, холос,— шунда Джульетта шивирлаб «Ҳа...» дейди. Хўш, бизнинг Ромеомиз Джульетта билан кўришгани келиб нима қилди денг (биз повесть қаҳрамонини Ромео деб атаймиз, ҳикоя автори унинг фамилиясини бизга айтмади). Джульетта Ромеосини жуда ҳам соғиниб кутиб турарди; Джульетта Ромеонинг тилидан, мен сени севаман, деган сўзни эшитиши лозим,— улар бир-бирига бундай сўз айтмаган эдилар, энди бу сўзни Ромео айтади, улар бир умр бирга яшайдилар. Улар роҳат ва фароғатда умр кечирадилар, уларнинг роҳати шу қадар ажойиб ва покиза бўладики, ерда яратилган жонивор бу муқаддас аҳд-паймон дақиқасида ўзини тута олмай қолади. Кишилар бу даражага етмаган роҳат-фароғатдан ҳам жон берган эдилар. Қиз ҳозир ялт этиб келувчи муҳаббат қуёши нурларидан юзини яшириб, худди ҳуржкан қушдай ўтиради; тез-тез нафас олади, бутун вужуди титрайди, у кириб қизнинг номини тилга олганида, яна ҳам титраб, унинг юзига қарай олмай ерга боқади, унинг юзига боқмоқчи бўлади-ю, лекин иложини қилолмайди; йигит унинг қўлидан тутади — қизнинг қўллари худди мурданинг қўли сингари муздай; қиз кулмоқчи бўлади, лекин газариб кетган лаблари кулгидан ожиз. Қиз йигит билан гаплашмоқчи бўлади, лекин товуши ҳам чиқмай қолади. Икковлари узоқ вақтгача жим қолишади, шу билан, йигитнинг ўз ибораси билан айтганда, унинг кўнгли эриб кетади-да, Ромео Джульеттасига гапирди... Унга нима дейди денг? Менинг олдимда гуноҳкорсиз,— дейди у: — сиз бошимни ғалвага қўйдингиз, мен сиздан норозиман, сиз шаънимга доғ туширасиз, бас, мен сиз билан алоқани узишим керак; сиздан айрилиш мен учун жуда оғир, лекин шундай бўлса ҳам, мендан нарироқдан юринг» дейди. Нима гап ўзи? Нима гуноҳи бор экан? Уни тузук одам деб ҳисоблаб гуноҳкор бўлган эканми? У билан кўришгани келиб, унинг шаънига доғ туширибдими? Жуда қизиқ-а! Қизнинг оппоқ оқариб кетган юзларининг ҳар бир чизиғи шуни кўрсатар эди, у бир сўзи билан тақдиримни ҳал қилади, деб кутиб

турган эди, бутун жони-танини унга умрбод бағишлаган эди, ҳозир эса унинг фақат жони-танингни ўз кўлимга оламан, деб айтишинигина кутиб турган эди,— у бўлса, шаънимга доғ туширдинг, деб таъна қилади! Бу қандай бедодлик? Бу қандай разолат! Бу разил одам қандай қилиб шу дамгача ўзини жуда олийжаноб киши қилиб кўрсатиб келган экан! У сизни алдаб келди, авторни алдади. Ёзувчи бизга тузук бир киши тўғрисида ҳикоя қилишман деб хаёл қилиб, жуда катта хато қилди. Бу киши энг ўтакетган аблаҳдан ҳам бешбаттар.

Бизнинг Ромеомизнинг Джульеттага муносабати шу тариқа тўсатдан ўзгариб кетганлиги кўп кишиларда ёмон таъсир қолдирди. Кўп кишиларнинг оғзидан шу кишининг аблаҳлиги бутун повестни расво қилди, асосий шахснинг характери мукамал эмас, агар бу киши повестнинг биринчи ярмида тасвирлангандай бўлса, унинг бундай аблаҳлик қилиши мумкин эмас, агар у шундай аблаҳлик қилган бўлса, аввал бошдан бизга мутлақо бемаза одам деб тақдим қилиниши лозим эди, деган гапларни эшитдик.

Автор ҳақиқатан ҳам янглишган деб ўйласак, ўзимизга жуда тасалли берган бўлардик-у, лекин автор повестнинг кишини қайғуга соладиган фазилати шундан иборатки, қаҳрамоннинг характери жамиятимизга жуда мос келади. Эҳтимол, агар бу характер унинг қиз билан учрашгандаги кўполлигидан норози кишиларнинг кўнглидагидай бўлса эди, агар у қизнинг муҳаббат қучоғига ўзини ташлашдан кўрқмаса эди, повесть идеал-поэтик жиҳатдан ютар эди. Биринчи учрашиш чоғидаги энтузиазмдан кейин бирин-кетин жуда гўзал дақиқалар келар эди, повестнинг биринчи ярмидаги тинч, роҳат дақиқалар повестнинг иккинчи ярмида патетик бахт-саодат даражасига кўтарилар эди, шу билан Печориннинг дидига мувофиқ қилиб тамом бўлган «Ромео Джульетта»³нинг биринчи лардаси ўрнига, биз ҳақиқатан Ромео Джульеттага ўхшайдиган ёки ақалли Жорж Занд романларидан бирига ўхшайдиган асар дунёга келар эди. Қимки повестдан гўзал бир бутун таассурот изласа, уни жуда баланд парвоз — ширин умидлар билан алдаб туриб худди Макс Пиколомини⁴ сингари бошлаб, чақа тикиб преферанс ўйнайдиган бирон Захар Сидорович сингари тамом қиладиган кишидаги пасткаш-қўрқоқ эгоизмига хос қандайдир разилона ва бемаъни хатти-ҳаракатларини кўрсатадиган авторни ҳақиқатан ёмонотлиқ қилиши керак.

Лекин автор ўз қаҳрамонини шундай тасвирлаб ҳақиқатан хато қилдимикин? Агар хато қилган бўлса, бу унинг биринчи хато қилиши эмас. Унинг худди шундай тамом бўлган қанча ҳикояси бўлса, ҳар гал унинг қаҳрамонлари бизнинг олдимизда худди шундай ўсал бўлади. «Фауст»⁵ да қаҳрамон: мен ҳам, Вера ҳам бир-биримизга унча кўнгил қўйган эмасмиз, деб ўзига тасалли беришга ҳаракат қилади; бу қаҳрамон Вера билан бирга ўтиришдан, у билан бирга хаёл суришдан қайтмайди, ҳатто Веранинг ўзи унга, мен сени яхши кўраман, деб айтиши керакдай дадил гапиришдан ҳам ўзини тияди, улар бир неча минут шундай гаплашиб ўтирдилар, у, албатта, Верага бир нарса дейиши керак эди, лекин бунга фаҳми етмади, юраги бетламади, йигитдан гап кутган қиз, ниҳоят, ўзи гап очишга мажбур бўлганида, кўрдигизми, унинг «нафаси ичига тушиб кетди», лекин унинг қалбини ҳаловат туйғуси қамраб олганини сезди, лекин шунда ҳам «гоҳ-гоҳда» шундай бўлди, аслини айтганда, «у бутунлай бошини йўқотиб қўйди» — афсуски, ҳушидан кетмади, йўлда бир дарахтга дуч келиб, унга суянмаганида, ҳушидан кетиб йиқилиши ҳам турган гап эди. Йигит эндигина ўзига келган ҳам эдики, яхши кўрган қизи ёнига келиб унга муҳаббат изҳор қилди. Энди нима қилмоқчисан? деб сўради, у бўлса... «уялиб кетди», севган ёрининг ана шу қилиғини кўрган бечора аёлнинг (бу жанобнинг хатти-ҳаракатларини «қилиқ»дан бошқа нарса деб бўлмайди) асаби кўзгаб кетган экан, бу ажабланарли ҳол эмас; бу киши кейин ўз тақдирдан нолиб йиғлаган экан, бу ҳам табиий бир нарса. «Фауст»да шундай, «Рудин»да ҳам худди шундай деса бўлади. Рудин дастлаб, илгариги қаҳрамонларга қараганда кўпроқ эркакларга хос ҳаракат қилади; у шу қадар довжорак йигитки, Натальяни яхши кўришини унга ўзи айтади (гарчи ўз ихтиёри билан айтмасдан, шундай гап очишга мажбур бўлган бўлса ҳам); учрашиш тўғрисида ундан ўзи илтимос қилади. Лекин Наталья шу гал учрашганида унга, онам розилик билдирса ҳам, билдирмаса ҳам — бари бир сен мени яхши кўрсанг бўлгани, мен сенга тегаман, деганида: «Билиб қўйинг, мен сизники бўламан!» деганида, Рудиннинг бунга жавобан айтган гапи: «Ё раббий» деган хитобдангина иборат бўлади, — лекин, бу хурсандлигидан кўра кўпроқ ўсал бўлганлигидан оғзидан чиқиб кетган хитоб эди, — кейин ўзини шундай ўнглаб олади, яъни шун-

дай қўрқоқлик ва лаванглик қиладики, Натальянинг ўзи, энди нима қиламиз, деб бир қарорга келиш учун уни учрашувга ўзи таклиф қилишга мажбур бўлади. Хатни олгандан кейин, «масала ҳал бўладиган вақт яқинлашиб қолганлигини тушунади-да, ўзи ичида уялиб» Наталья, онам сени Рудинга бергандан кўра ўлдириб қўя қолганим яхши деб айтди дейди-да, Рудиндан яна, энди нима қилмоқчисиз, деб сўрайди. Рудин илгаригидай «Е раббий, ё раббий» деб жавоб бераверади ва яна ҳам соддадиллик қилиб: «Дарров! Сен нима қилмоқчисан, дейсизми? Бошим гангиб қолди, ҳеч нарсага ақлим етмай қолди, деб қўшиб қўяди. Лекин кейин «ўтган ишга салавот» деган гапни ўйлаб топади. Қўрқоқ деган гапни эшитганда Натальядан гина қила бошлайди, сўнгра ўзининг виждонли эканлиги тўғрисида унга лекция ўқийди, Наталья ҳозир менга бундай гапларнинг кераги йўқ деса, мен бундай қатъий бир қарорга келишингизни кутмаган эдим, деб жавоб беради. Бу гап-сўзларнинг оқибати шу бўладики, ҳақоратланган бу қиз шу қўрқоққа кўнгил қўйганидан уялгандай бўлиб, ундан юз ўгириб кетади. . .

Эҳтимол, қаҳрамонлар характеридаги бу разилона хислатлар Тургенев повестларининг хусусиятидир? Эҳтимол, унинг худди шу талантининг характери уни шундай шахсларни тасвирлаб кўрсатиш йўлига тортар!.. Асло ундай эмас, бизнинг фикрмизча, бунда талант характерининг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳозирги ҳар қандай ёзувчимизнинг ҳаётни тўғри тасвирлаган ҳар қандай яхши ҳикоясини эсга олинг, агар ҳикоянинг идеал томони бўлса, ишона беринг, шу идеал томон намояндаси худди жаноб Тургенев асаригаги шахс сингари ҳаракат қилади. Масалан, жаноб Некрасовнинг талантининг характери асло жаноб Тургенев талантининг характерига ўхшамайди; бу талантда ҳар қандай камчилик топишингиз мумкин, лекин ҳеч ким, жаноб Некрасов талантида гайрат ва матонат етишмас эди деб айтмайди. Унинг «Саша» деган поэмасидаги қаҳрамон нима қилади? У Сашанинг қулоғига қуйиб, «руҳинг тушмасин», чунки «ер юзига ҳақиқат қуёши ўз нуруни сочади», ўз орзу-истакларингизни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилишинг керак дейди; кейинчалик Саша бир қарорга келганда, у, булар беҳуда бир нарса ва ҳеч қандай натижа бермайди, мен «бўлмағур гапларни гапирган эдим» дейди. Бельтовнинг⁶ нима қилганлигини эсга олайлик; у ҳам худди шундай,

ҳарқандай қатъий ҳаракатдан кўра чекинишни афзал кўради, жуда кўп шундай мисоллар топиш мумкин. Шорнинг характери қандай бўлса ҳам, унинг ўз қаҳрамонининг қилмишлари тўғрисидаги тушунчалари қандай бўлса ҳам, қаҳрамон ҳамма ерда бошқа ёзувчиларнинг унга ўхшатиб тасвирлаган қаҳрамонлари сингари, бошқа ҳамма тузук одамлардай иш қилади: ҳали бирон амалий иш устида гап бўлмасдан, бўш вақтни банд қилиш, ҳеч иш билан банд бўлмаган каллани ёки бекорчи юракни гап-сўз ва орзу-хаёллар билан банд қилиш лозим бўлганда, қаҳрамон ўзини жуда дадил ҳис қилади; ўз туйғуларини ва истакларини тўппа-тўғри ва аниқ изҳор қилиш вақти келганда, қаҳрамонларнинг кўпчилиги иккиланиб, тили гапга келмай қолади. Камдан-кам ҳолларда энг довурак қаҳрамонларгина бир амаллаб бор кучларини ишга солиб дудуқланиб, нималарнидир гапира бошлайдилар. Уларнинг бу гапидан фикрини тушуниб олиш амри-маҳол бўлади; лекин бирон киши уларнинг орзу-истакларини аниқ айтиб: «Сиз фалон нарса қилмоқчисиз, ниятингиз бундай; бундан жуда хурсандмиз; қани бошланг, сизга ёрдам берамиз, деб луқма ташлайдиган бўлса энг довурак қаҳрамонлардан ярми ҳушидан кетиб гурс этиб йиқилади, бошқалари, бизни ўнғайсиз аҳволга солиб қўйдингиз деб, дағаллик қилиб сиздан жуда хафа бўла бошлайди, биз сизни бундай таклиф қилар деб кутмаган эдик, миямиз жуда гангиб, ақлимиз ҳеч нарсага етмай қолди, чунки қандай қилиб дарров бундай қилиш мумкин?» деб гап бошлайдилар; шу билан бирга, ахир, биз виждонли кишилармиз, дейдилар, ва фақат виждонли кишилар эмас, жуда мўмин-қобил кишилармиз ва сизнинг бошингизни ғовғага солмоқчи эмасмиз, дейдилар, умуман бекорчиликдан айтилган гапларга чинакам эътибор бериб бўладими, яхшиси ҳеч қандай ишга тутунмаслик керак, чунки ҳар қандай ишнинг ташвиши ва ғидибидиси бўлади, ҳозирча ҳеч қандай яхшилик бўлиши мумкин эмас, чунки юқорида айтиб ўтилгандай, биз «ҳеч нарса кутмоқчи бўлганимиз йўқ ва кутганимиз йўқ» ва ҳоказо дейдилар.

Бизнинг «энг яхши кишиларимиз» ана шундай — улар ҳаммаси бизнинг Ромеомизга ўхшайди. Агар жаноб N Асяга ҳеч нима дейишни билмаган бўлса ва юрак ютиб бир қарорга келиши лозим бўлганда жуда жаҳли чиққан бўлса, бундан Асяга кўп зарар келдими, бунисини биз

билмаймиз. Киши буни ўйлаганда миясига дастлаб бундан Асяга ҳеч зарар келмади деса бўлади, деган фикр келади; аксинча, худога шукур, Ромеомиз характеридаги жуда бемаза ожизлиги туфайли бирор ишқал бўлмасданок қиз ундан юз ўгирди. Ася бир неча ҳафта, бир неча ой хафа бўлиб юрар, ҳаммасини эсидан чиқарар ва, эҳтимол, янги бир кишига кўнгил қўяр, бу унга кўпроқ муносиб ёр бўлар. Лекин ҳамма бало шундаки, унга муносиброқ кишининг учраши маҳол бир нарса; Ромеомизнинг Асяга муносабатидаги кишини хафа қиладиган комизм шундаки, Ромеомиз ҳақиқатан жамиятимиздаги энг яхши кишилардан бири, орамиздан бундан яхшиси чиқмайди деса бўлади. Ася бошқа кишилар сингари, гапдан ишга ўтиб, уни амалга ошириш пайти келгунча, жуда чиройлик муҳокамалар билан кифояланиб қоладиган бўлса, бундай пайт келганда, бошқа ҳамма сингари тилини тишлаб, қўлини ювиб қўлтиғига уриб ўтирадиган бўлса, фақат шундагина Ася ўзининг одамларга бўлган муносабатидан рози бўлади. Ана ўшанда бошқалар ҳам ундан рози бўлади; ҳозир эса дастлаб, албатта, ҳар бир киши, у жуда яхши қиз, жуда олийжаноб қиз, унда жуда ажойиб характер кучи бор, умуман бундай қизни яхши кўрмаслик мумкин эмас, бундай қизни азиз кўрмаслик мумкин эмас дейди; лекин Асянинг характери фақат гапдагина намоён бўлиб, у олийжаноб ва қатъий қадам ташлашдан қайтмайдиган қиз деб тахмин қилиб юрилган вақтгача шундай гап-сўзлар бўлиб туради, аммо характери туфайли ундан кутилган нарсаларни амалда кўрсатиш учун бир қадам ташлади дегунча дарҳол юзлаб кишилар: «Бу нима гап, бу нимаси, ахир, бу жинниликку! Ёш йигит билан rendez-vous нимаси! Ахир, қиз ўзини ҳалок қилади-ку, бекорга хароб бўлиб кетади-ку! Ахир, бундан ҳеч қандай, муғлақо ҳеч қандай натижа чиқиши мумкин эмас, қизнинг обрўси тўкилади, холос. Шундай ҳам таваккал бўладими, ахир?» деб шовқин-сурон кўтаради. «Таваккал қилиш!— Бу ҳеч гап эмаску-я, деб қўшиб қўядилар бошқалари:— қиз кўнгли нима тусаса, шуни қилаверсин, лекин бошқаларни ғовғага қўйишнинг нима кераги бор. Бу бечора ёш йигитни у қандай ёмон аҳволга солиб қўйди. Бечора йигит, қиз менинг шўрлик бошимни шундай ғовғаларга солиб қўяди деб ўйлаганмиди? Қиз бу қадар телбалик қилган экан, у нима қилсин? Агар қизга эргашадиган бўлса, ўзини ҳалок қилади;

агар бош тортса уни қўрқоқ дейдилар, у ўзига ўзи ҳам нафрат кўзи билан қарайдиган бўлади. Бундай номаъқулчиликка сабаб бўладиган биронта ҳам ҳаракат қилмаган кишиларни бундай ноқулай аҳволга солиб қўйиш олийжаноблик бўлармикин, билмадим? Йўқ, бу асло олийжаноблик эмас. Қизнинг акаси-чи? Унинг аҳволи нима бўлди? Синглиси уни қандай ноқулай аҳволга солиб қўйди? Унинг бир умр эсидан чиқмайдиган иш бўлди. Ҳамшираси кўп меҳрибонлик қилди, нимасини айтасиз. Булар ҳаммаси сўзда жуда яхши,— ниятлари ҳам олийжаноб ният, фидокорлик ҳам жуда мақтовга сазовор, лекин мең сизга айтсам: мен Асянинг акаси бўлишни истамасдим. Агар мен Асянинг акаси бўлсам, уни ярим йилгача уйдан чиқармасдан қамаб қўярдим. У уйга қамаб қўйилса ўзига яхши. Қаранг-а, юксак туйғуларга берилган эмиш; лекин унинг пиширган бўтқаси бошқаларнинг томоғидан қандай ўтаркин? Йўқ, мен унинг қилмишларини, унинг характерини олийжаноблик деб айта олмайман, чунки энгилтаклик ва беҳаёлик қилиб бошқаларга зарари тегадиганларни олийжаноб деб айта олмайман». Мулоҳазали кишиларнинг мулоҳазасидан келиб чиқадиган умумий шовқин-суронларнинг маънисини шу. Биз, бу мулоҳазалар бизга ўринли мулоҳаза бўлиб кўринади, деб тан олишга бир жиҳатдан уялсак ҳам, лекин ҳар ҳолда шундай деб тан олишга тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам Ася фақат ўзига эмас, қариндош-уруғи ёки бошқа бирон жиҳатдан яқин бўлганларнинг ҳаммасига гап тегизади: ўз ҳузур-ҳаловатини деб ўзига яқин кишиларнинг шаънига доғ туширадиганларни биз қораламасдан иложимиз йўқ.

Асянинг қилмишини қоралаб шу билан биз Ромеомизни оқлаймиз. Ҳақиқатан ҳам, унинг нима айби бор? У қизнинг бундай телбалик қилишига йўл очиб берадиган бирон иш қилдими? У бирон вақт шундай бемаза йўлга солдими? Ахир, қизга бекорга бошимни ровғага қўйдинг деб айтишга ҳаққи йўқмиди? Сиз, унинг сўзлари жуда дағал, деб ундан хафа бўласиз, уни қўполлик дейсиз. Лекин ҳақиқат ҳамма вақт дағал бўлади, шундай экан, ҳеч айбим бўлмагани ҳолда мени ровғали бир ишга арадаштириб яна менинг бошимга солган шу кулфатлари учун мени хурсанд бўл деб, жиғимга тегаётган эканлар, менинг оғзимдан ҳатто шундай дағал сўз чиқса ҳам бунинг учун мени ким ёмонлай олар эди?

Асянинг мана шу бемаза ҳаракатини кўриб сизнинг нега ноҳақ завқланмоқчи ва Ромеомизнинг қилмишини қораламоқчи бўлганлигингизни биламан. Буни билишимнинг сабаби шуки, мен ҳам бир нафас сизнинг шу ноўрин таассуротингизга берилиб келдим. Сиз бошқа мамлакатларда бундай ҳолларда кишиларнинг нима қилиши ва қандай қилишини ўқиб миянгизга қуйиб олгансиз. Лекин улар бошқа мамлакат эканлигини бир ўйлаб кўринг. Дунёда бошқа жойларда нималар бўлмайди, лекин маълум шароитда оқуда қулай бўлган нарса ҳамма ерда ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Масалан, Англияда «сенлаб» гаплашмайдилар. Фабрикант ўз ишчисини, ер эгаси ишга ёлланган юмушчисини, хўжайин ўз хизматкорини албатта «сизлаб» гапиради, шундай ҳоллар ҳам бўладики, гап ўртасида *sir*, яъни французча *monsieur** сўзини ҳам қўшиб қўяди, русчада эса бундай сўз ҳам йўқ, бунинг маъноси ҳурмат қилиб, агар барин ўз мужигига: «Сиз, Сидор Карпич, марҳамат қилиб, келиб мен билан бир пиёла чой ичсангиз-да, сўнгра боғдаги йўлкаларни тозалаб қўйсангиз» дегандай. Агар мен Сидор билан бундай мулоким тилда гаплашмайдиган бўлсам, бунинг учун сиз мени ёмонотлиқ қиласизми? Агар мен инглиз тилини қабул қилсам, кулгига қоламан-ку. Умуман ўзингизга ёқмаган нарсани қоралай бошладингизми, бу билан сиз идеолог, яъни дунёда энг қизиқ ва, қулоғингизга секин шивирлаб айтсам, энг хавфли киши бўлиб қоласиз; оёғингиз остидаги мустаҳкам амалий ҳақиқат заминидан маҳрум бўласиз. Бундан кўрқинг, бирон фикр айтмоқчи бўлсангиз ишчан одам бўлишга ҳаракат қилинг ва хонаси желиб, гап Ромео устида борса, биринчи марта ҳеч бўлмаса бизнинг шу Ромеомиз билан келишишга ҳаракат қилинг. Мен бўлсам фақат Ася воқиси тўғрисидагина эмас, дунёдаги ҳамма нарсалар тўғрисида ҳам қандай қилиб шу натижага келганимни сизга айтиб бермоқчиман, яъни қандай қилиб, кўрган ҳамма нарсамдан рози бўладиган, ҳеч нарсадан жаҳлим чиқмайдиган, ҳеч нарсага (шахсан менинг учун фойдали бўлган ишлардаги муваффақиятсизликлардан ташқари) хафа бўлмайдиган, дунёда ҳеч нарса ва ҳеч кимни ёмонотлиқ қилмайдиган (менинг ўз манфаатларимга путур етказмайдиган кишилардан бошқа кишиларни), (ўз манфаатимдан ташқари) ҳеч

* *Sir* (инглизча), *monsieur* (французча) жаноблари дегани.

нарсани орзу қилмайдиган бўлганлигимни айтиб бераман — хуллас, доим жаҳли чиқиб хафақон бўлиб юрадиган одамдан қандай қилиб ишчан ва нияти ҳолис одам бўлиб қолганлигимни, ҳатто ўзимнинг шу нияти тўғри киши бўлганлигим учун мени мукофотласалар ҳам, бунга ҳайрон бўлмайдиган одам бўлиб қолганлигимни ҳикоя қилиб бераман.

Мен гапимни кишиларга асло ҳеч қандай хатти-ҳаракат учун танбиҳ бериш керак эмас деб бошлаган эдим, чунки энг ақлли кишининг ҳам ўзига яраша калтабинлиги бўлади, унинг бу калтабинлиги уни тарбиялаган ва яшаб турган жамиятидан унча узоққа кетмай фикр юриштиши учун кифоя қилади, энди энг серғайрат кишининг ҳам ўзига яраша апатияси бўлади, бу апатияси унинг ўз қилмишларида хурофотлардан унча узоқлашиб кетмаслиги ва, халқ айтганидай дарё суви қаёққа қараб оқса, шу ёққа сузиб бориш учун кифоя қилади. Ўртача доираларда пасха байрамида тухум бўяш, масленицада қуймоқ пишириб ейиш расм бўлган — гарчи баъзи бир кишилар сира бўялган тухум емай, қуймоқнинг оғир овқатлигини ҳар бир кимса деярлик айтиб шундан зорланса ҳам, лекин ҳамма шу расмга амал қилади. Фақат майда-чуйда ишлардагина шундай бўлмасдан, ҳамма нарсада ҳам шундай. Масалан, қизларга қараганда ўғил болаларни кўпроқ эркин тутиб қўйиш расм бўлган, бинобарин, ҳар бир ота, ҳар бир она қиз болаларни ўғил болалардан бу хилда ажратиб қўйиш ақлдан эмаслигига ҳар қанчалик ишонса ҳам, лекин ўз болаларини ана шу қоидага амал қилиб тарбиялайди. Бойлик яхши нарса дейишади, шунинг учун ҳам, иши ўнгидан келиб бир йилда ўн минг сўм ўрнига йигирма минг сўмдан даромад ола бошлаган ҳар бир киши жуда хурсанд бўлади, ҳолбуки, тузукроқ мулоҳаза қилганда, дастлабки даромади билан муяссар бўлмаган нарсаларига кейинги даромади билан муяссар бўлса, бундай нарсалар кишини унча хурсанд қилмаслигини ҳар бир ақлли киши билади. Масалан, ўн минг сўм даромад олганда, 500 сўм сарфлаб зиёфат қилиш мумкин бўлса, йигирма минг сўм даромад олганда 1000 сўм сарфлаб меҳмон чақириш мумкин: кейинги зиёфат биринчисидан сал яхши бўлади, лекин унча айтадиган ҳашаматли бўлмайди, уни анча тузук зиёфат бўлди, деб айтадилар, ҳолбуки биринчиси ҳам тузук зиёфат бўлади. Шундай қилиб, йигирма минг сўм даромад бўлганда ҳам киши-

нинг шуҳратпарастлик туйғуси даромади ўн минг сўм бўлган вақтдагидан унча кўпроқ қонмайди, энди роҳатига келсак, агар уни роҳат деб айтиш мумкин бўлса, уларнинг ҳеч сезиларли фарқи бўлмайди. Энди ўн минг даромад оладиган кишининг шахсан ўзининг овқати, ичадиган виноси, операдаги ўрни худди йигирма минг даромад оладиган кишиникидай бўлади. Биринчиси анча бой одам деб аталса, иккинчиси ҳам жуда ҳам бой киши деб ҳисобланмайди — уларнинг тутган мавқиларида катта фарқ бўлмайди, лекин, жамиятда қабул қилинган эскилик урф-одатларига кўра, буларнинг ҳар бири даромади ўн мингдан йигирма мишга етганда хурсанд бўлади, гарчи аслида кўраётган роҳати ҳеч бир деярлик ошганлигини пайқамаса ҳам. Одамлар умуман жуда мутаассиб бўлади: бунни аниқ кўриш учун уларнинг фикрига кўпроқ диққат қилиб назар солинса бас. Бир киши билан дастлаб учрашганингизда, у жамият аҳлларида тамомила мустақил фикр қилувчи одамдай кўринади-да, сизни жуда қойил қолдиради, сизга, масалан, космополит, табақачилик нуқсонларини ташлаган кишидай бўлиб кўринади ва ҳоказо, бинобарин, ўз танишлари сингари ўзини ҳам астойдил шундай деб хаёл қилиб юради. Лекин бу космополитга кўпроқ зеҳн солиб қарасангиз, унинг француз ёки рус эканлиги маълум бўлади, ўз паспортида ўзини қайси миллатдан деб ҳисоблаб юрса шу миллатга хос тушунча ва урф-одатларга амал қилувчи киши эканлиги маълум бўлади, ўз табақасига тегишли бутун фикрларга эга бўлган помешчик ёки чиновник, савдогар ёки профессорлиги маълум бўлади. Бир-биридан хафа бўладиган, бир-бирини айблаб юрадиган кишиларнинг кўплигига бирдан-бир сабаб кишиларга ана шундай диққат қилиб назар ташлаб юрадиганларнинг озлиги эканига аминман; дастлаб қараганда бошқаларга ўхшамайдигандай бўлиб кўринадиган бирон кишининг бошқалардан бирон муҳим жиҳатдан ҳақиқатан фарқ қилишини текшириб кўриш мақсадида кўпроқ диққат қилиб назар сола бошласангиз, бу таҳлилингиз сизни шундай қизиқтириб қўядики, ақлингизни бу ишга шундай банд қилиб қўядики, руҳингизга оромбахш таассуротлар берадими, бу ишни ҳеч тарк қила олмай қоласиз ва тез орада: «Ҳамма одам қандай бўлса, ҳар бир киши ҳам шундай, бошқаларда бор нарса ҳар бир кишида ҳам бор» деган хулосага келиб қоласиз. Тобора бу аксиомага ишончингиз

ортади. Бундаги фарқларнинг муҳим бўлиб кўринишига сабаб фақат шуки, бу фарқлар юзага қалқиб чиқиб кишининг кўзига ташланиб туради, ҳолбуки, бордай бўлиб кўриниб турган фарқ тагида тамомила бир хиллик яшириниб ётган бўлади. Ҳақиқатан ҳам одам қандай қилиб бутун табиат қонунларининг қарама-қаршиси бўлиши мумкин? Ахир, табиатда кедр ҳам, иссоп* ҳам шу бир хил қонунга мувофиқ ердан озиқ олади ва гуллайди, фил билан каламуш ҳам ҳаракат қилади ва овқатланади, хурсанд бўлади ва жаҳли чиқади; маймун билан китнинг бургут билан товуқнинг ташқи формаси бир-биридан фарқ қилса ҳам, уларнинг организми ички жиҳатдан бир хилдир; масалага янада синчиклаброқ қараладиган бўлса, бир синфдан бўлган турли-жониворларгина эмас, балки жониворларнинг турли синфлари ҳам бир хилда тузилганлиги ва бир хил қонунга мувофиқ ҳаёт кечиришини, сут эмизувчи ҳайвон, парранда ва балиқнинг организми бир хил эканлигини, тарчи чувалчангнинг бурни ҳам, кекирдаги ҳам, ўпкаси ҳам бўлмаса-да, унинг ҳам сут эмизувчи ҳайвонга ўхшаб нафас олишини кўрамиз. Ҳар бир кишининг маънавий ҳаётидаги асосий қоида ва омилларнинг бир хиллиги эътироф қилинмаса, бошқа жониворлар билан аналогиянинг бузилиши билан бирга одамнинг жисмоний ҳаёти билан аналогия ҳам бузилар эди. Ёши бир, кайфияти бир хил бўлган икки соғлом кишидан бирининг қон томирлари, албатта, иккинчисининг қон томирларидан кучлироқ ва тезроқ уриб туради; лекин бу катта фарқми, йўқ, бу шу қадар кичкина фарқки, ҳатто фан унга этибор ҳам қилмайди. Агар сиз ёши катта ва кичик ёки аҳволи ҳар хил кишиларни бир-бирига таққослаб кўрсангиз, бу бошқа гап: ёш боланинг қон томири кекса кишининг қон томиридан икки баравар тезроқ уриб туради, касал кишининг қон томири соғ кишиникидан тезроқ ёки секинроқ уриб туради: бир стакан шампанский вино ичган кишининг қон томири бир стакан сув ичган кишининг қон томиридан кўра тезроқ уриб туради. Лекин бунда ҳам фарқ организмнинг тузилишида бўлмай, шу организм текширишдан ўтказилаётган ҳолатда эканлигини ҳамма тушунади. Кекса одамнинг қон томири, у гўдак чоғида, сиз таққослаб кўраётган гўдак боланинг қон томири сингари уриб турар эди, агар соғлом бир киши таққосла-

* Иссоп — Урта Осиёда ва Урта денгиз бўйларида ярим чакalak бўлиб ўсадиган ўсимлик.

наётган касал кишидай касал бўлганда эди, унинг қон томири ҳам шу касал кишининг қон томири сингари сусайиб қолар эди, агар Петр бир стакан шампанский ичса эди, унинг қон томири ҳам Иваннинг қон томири сингари тезлашиб кетар эди.

Сиз бошқа ҳамма одам қандай бўлса, ҳар бир киши ҳам худди шундай деган оддий ҳақиқатни миянғизга маҳкам қилиб қуйиб олганинғизда, киши донолигининг энг чўққисига чиқдинғиз деса бўлади. Бу тушунчанинғ ҳаётда бахтли бўлишинғиз учун оқибатлари жуда яхши бўлиши тўғрисида гапириб ҳам ўтирмайман: энди жаҳли чиқмайдиган бўласиз, хафа ҳам бўлмайсиз, ғазабланмайсиз ҳам, бировларни айблаб ҳам юрмайсиз, илгари ҳар бир кишининг бирон ишидан аччиғланадиган ёки ундан шикоят қиладиган бўлсанғиз, энди у кишининг бу қилган ишига жуда беозор қарайдиган бўласиз, ҳолбуки унинг ўрнида бошқа ҳар қандай киши шундай қилиши турган гап. Энди сиз ҳеч нарсани кўнглинғизга олмайдиган бўлсанғиз дилинғиз жуда осойишта бўлиб қолади, бурнининг учига қараб «Ом-мани-пад-ме-хум» деган сўзларни мингирлаб такрорлаб ўтиришдан бошқани билмайдиган бараҳманнинг ҳузурни сизникидан кўра ширинроқ бўлиши мумкин. Мен бу бебаҳо амалий роҳатижон тўғрисида гапириб ҳам ўтирмайман, ҳатто кишиларга бундай доноларча мулойим муносабатда бўлиш туфайли сизнинг қанчадан-қанча пул топишинғиз тўғрисида ҳам гапириб ўтирмайман: илгари ёнинғизга ҳам йўлатмайдиган аблаҳни энди жуда хурсанд бўлиб кутиб оладиган бўласиз; бу аблаҳ жамиятда анча обрўли киши бўлиши мумкин, бинобарин, сиз у билан яхши муносабатда бўлсанғиз, ўз ишларинғизни яхшилаб олишинғиз мумкин. Ўзинғиз ҳам нима тўғри келса шундан фойдаланиб виждон азобига учраш сингари сохта шубҳалардан камроқ уяладиган бўласиз: агар сиз, меним ўрнимда бошқа ҳар қандай киши ҳам худди шундай қилар эди, деб қаттиқ ишонганинғиздан кейин, бундай ортиқча виждон азобига тушиб уялишларнинг нима кераги бор? Ҳамма кишиларнинг инсоний табиати бир хил деган ишончнинг фақат соф илмий назарий аҳамиятини кўрсатиш мақсадида, мен унинг берадиган шу ҳамма фойдаларини кўз-кўз қилиб ўтирмайман. Агар ҳамма кишилар аслида бир хил бўлса, уларнинг қилмишидаги фарқ қаёқдан келиб чиқади? Биз асосий ҳақиқатни билиб олишга

ҳаракат қилиб, бу саволга жавоб бўладиган ҳулосани ҳам йўл-йўлакай чиқариб олдик. Ҳамма нарсанинг ижтимоий урф-одатларга ва шарт-шароитга боғлиқ эканлиги, яъни оқибат натижада ҳамма нарса фақат шарт-шароитга боғлиқ эканлиги ҳозир бизга аниқ ва равшан бўлди, чунки ижтимоий урф-одатлар ҳам, ўз навбатида шу шарт-шароитдан келиб чиққан. Сиз бир кишини айбдор қиласиз, унинг устига қўйган айбингиз учун унинг ўзи айблими ёки шарт-шароит ва жамият урф-одатлари айблими деб аввал уни диққат билан кўздан кечириб чиқасиз,— уни яхшилаб текшириб чиқасиз, бунда асло унинг айби йўқдир, балки бу унинг бошига битган балодир. Биз бошқалар тўғрисида муҳокама қилганимизда ҳар қандай фалокатни айб деб ҳисоблашни жуда яхши кўрамыз, амалий ҳаётдаги ҳақиқий фалокат шудир, чунки айб билан фалокат тамомила бошқа-бошқа нарсалардир, бинобарин, уларга муносабат ҳам тамомила бошқа-бошқа бўлиши керак. Бирон киши айб қилган бўлса, унга танбиҳ бериб қўйиш ёки ҳатто уни жазолаш керак. Бирон кишининг бошига фалокат тушган бўлса, у кишига унинг иродасидан кўра кучлироқ ҳолатларни бартараф қилиб унга ёрдам қилмоқ керак. Мен бир машиначини билар эдим, у қизиб турган дазмоли билан шогирдларининг оғзига туртиб турар эди. Буни айбдор деб ҳисоблаш, ва ҳатто уни жазолаш ҳам мумкин, лекин ҳар бир машиначи ҳам қизиб турган дазмоли билан кишининг оғзига туртавермайди, бундай жазавали кишилар жуда кам учрайди. Лекин ҳар бир машиначи уста байрам кун ичиб олиб муштлашади—буниси энди айб эмас. балки уларнинг бошига тушган фалокатдир, бунда айрим кишини жазолашнинг кераги йўқ, балки бутун бир табақанинг турмуш шароитини ўзгартириш керак. Айб билан фалокатни зарарли деб аралаштириб юбориш кишини ундан ҳам баттар хафа қилади, ҳолбуки бу икки нарсани бир-биридан ажратиш жуда осон, буни бир-биридан ажратишнинг биринчи аломатини биз биламыз: айб — сийрак учрайдиган бир ҳодиса, ҳамма ҳам айбли бўлавермайди: фалокат — бу бир офатдир. Қастдан ўт қўйиш — айб: лекин миллион кишидан фақат биттасигина шундай иш қилиши мумкин. Биринчи аломатга қўшимча қилиниши лозим бўлган бошқа бир аломат ҳам бор. Фалокат ана шу фалокатга олиб борадиган иш қилаётган кишининг бошига тушади: айб эса бошқаларнинг бошига тушиб, айбдорга фойда келтиради. Бу сўнги аломат жуда ҳам

аниқдир. Бир қароқчи бир кишининг мол-мулкени талаш учун уни сўяди, шундан ўзига фойда олади, бу гуноҳ. Бир овчи эҳтиётсизлик қилиб бехосдан бир кишини ярадор қилиб, қўяди ва шу бахтсизлик учун дастлаб унинг ўзи азоб чекади,— бу айб эмас,— бу шунчаки бир фалокат.

Бу жуда тўғри, лекин у бир мунча зеҳн қўйиб, таҳлил қилинадиган бўлса, фактлар кўпроқ эътибор бериб текшириб қараладиган бўлса, дунёда ҳеч вақт деярлик гуноҳ бўлмайди, балки фақат фалокат бўлади. Ҳозир биз қароқчи тўғрисида гапириб ўтдик. У осонлик билан кун кўради деб ўйлайсизми, агар унинг учун жуда ҳам оғир баъзи бир шарт-шароит бўлмаса, шу ҳунарни қилармиди дейсиз? Қаттиқ совуқ ва ёғин ёғиб турган вақтларда хилват жойларга яшириниб дашт-биёбонларда дайдиб юришни, кўпинча оч-яланғоч, доимо жонини ҳовучлаб юришни ким яхши кўради дейсиз,— у киши бундан кўра иссиқ уйда тинчгина яйраб, гашт қилиб сигара чекиб ўтиришни ва тузук кишилар сингари Англия клубида ералаш* ўйнашни ёмон кўрарди дейсизми?

Бизнинг Ромеомиз ҳам аҳмоқ бўлиб қолишдан ва Асяга ожуда аблаҳона дағаллик қилгани учун ўзини ўзи жуда қаттиқ сўкишдан кўра, муҳаббат боғида бахтиёр бўлиб, севгилиси билан роҳатда кун кечирса анча яхши бўлар эди. Ася бундай жуда кўнгилсиз аҳволга тушиб қолиб, бундан Ромео на фойда ва на роҳат кўрмай, ўзидан-ўзи уялган экан, яъни энг ёмон маънавий азобга гирифтор бўлган экан, бу унинг гуноҳи эмас, балки унинг бошига тушган фалокат деб биламиз. Бизнинг жамиятимиздаги виждонли кишилар деб аталган бошқа жуда кўп кишилар ёки бошқа кўп яхши кишилар ҳам Ромео сингари аблаҳлик қилиши мумкин: демак, бу жамиятимизда илдиз отиб кетган юқумли касал аломатидан бошқа бир нарсаси эмас.

Касал аломати касалнинг ўзи эмас, бинобарин, агар баъзи бир кишилар, ёки яхшироғи, ҳамма деярлик «яхши» кишилар улардан олийжаноброқ бўлган ёки тажрибаси улардан камроқ бўлган қизни хафа қилганларида эди,— тўғриси янги айтсак, бу масала бизни жуда оз қизиқтирар эди. Эротика масалалари бўлса бўлаверсин,— маъмурият

* Е р а л а ш — қадимги қарта ўйинларидан бири: бу сўзнинг тўғри маъноси тартибсиз, чалкаш, аралаш-қуралаш демакдир. Англия клуби — Москвада Тверь кўчаси (ҳозирги Горький кўчаси)даги дворян аристократлар клуби.

ва суд ишларини яхшилаш, молия ишларини ислоҳ қилиш, деҳқонларни озод қилиш масалалари билан банд бўлган ҳозирги замон китобхонининг бу эротика масалалари билан шуғулланишга вақти ҳам йўқ. Лекин Ромеомизнинг Асяга қилган муомаласи, юқорида кўрсатиб ўтганимиздай,— фақат касаллик аломатидир, бу касаллик бизнинг ҳамма ишларимизни ҳам шундай бемазагарчилик қилиб бузиб юборади, демак, бизнинг Ромеомизнинг қаердан бу фалокатга гирифтор бўлганлигини диққат билан текшириб қарасак, унга ўхшаб ҳаммамизнинг ҳам ҳолимиз нима бўлиши ва бошқа ҳамма ишларда ҳам ҳолимиз нима кечишини кўриб билиб оламиз.

Шундан бошлайликки, шўрлик ёш йигит ўзи иштирок этган шу ҳодисанинг маъносини мутлақо тушунмайди. Масала равшанку-я, лекин унинг ақли шу қадар тўпосланиб қолганки, энг аниқ ва равшан фактлар ҳам унинг ақлини жойига келтира олмайди. Бундай кўр-кўрона тўпосликни нимага ўхшатишни ҳам билмаймиз. Ҳеч қандай айёрликни билмайдиган, ҳеч қандай муғомбирлик кўчасидан ўтмаган қиз унга бундай дейди: «Менга бир бало бўлди, нималигини ўзим ҳам билмайман. Баъзан йиғлагим келади-ю, мен бўлсам куламан. Сиз менинг ишимга қараб... ҳукм чиқарманг. Айтгандай Лорелей тўғрисидаги эртақ қанақа эртақ? Анали кўриниб турган қия тоғ ўша тоғ эмасми? У ҳаммани сувга ғарқ қилиб келган экан-у, ўзи яхши кўриб қолгандан кейин ўзини сувга ташлаган, дейдилар. Бу эртақ менга ёқди» дейди. Қизда қандай бир руҳий ҳолат пайдо бўлганлиги равшан бўлса керак. Орадан икки дақиқа ўтгандан кейин у яна руҳан азобланиб, ҳатто рангги ўчиб, тунов куни гап орасида ҳазиллашиб номи тилга олинган қиз сизга ёқадими, деб сўрайди,— сўнгра, сиз хотинларнинг нимасини ёқтирасиз, деб сўрайди; йигит осмонга қараб, чарақлаб турган юлдузларни қаранг-а, деса, қиз: «Нақадар гўзал-а! Икковимиз қуш бўлсак-у кўкларда парвоз қилиб юрсак!.. Шу зангори осмонга сингиб кетардик... лекин биз қуш эмасмиз» дейди.— Мен эътироз билдириб: «Биз қанот чиқаришимиз мумкин» дедим. «Қандай қилиб!»— «Омон бўлсангиз кўрасиз, шундай ҳиссиёт ва туйғулар борки, улар бизни ердан кўтаради. Хотиржам бўлинг, сиз қанот ёзасиз».— «Сизнинг қанотингиз бўлганми»—«Нима десам экан... ҳозирча учмаган бўлсам керак». Эртасига у кириб келганида Ася қизариб кетди, уйдан қочиб чиқиб кетмоқчи

ҳам бўлди, маънос бўлиб ўтирди ва, ниҳоят, кечаги гаплар эсига тушиб «Эсингиздами, кеча сиз қанот тўғрисида гапирган эдингиз. Мен қанот чиқардим» деди.

Бу сўзлар шу қадар аниқ ва равшан эдики, ҳатто бефаҳм Ромео уйига қайтиб келганидан кейин; унда: у мени яхши кўрар экан-да, деган фикр келмай иложи бўлмади. У шу фикр билан уйкуга кетди. Иккинчи кун эрта-лаб уйқидан уйғониб: «Наҳотки, у мени севса?» деб ўзи-ўзидан сўради.

Ҳақиқатан бунини тушунмаслик мумкин эмас эди, лекин у тушунмади. У, лоақал ўз юрагида нималар бўлаётганлигини тушунганмикин? Бунинг аломатлари ҳам шундай аниқ ва равшан эди. Ася билан дастлаб бир-икки марта учрашгандан кейин Асянинг акасига эркалик қилишини кўриб гаши келадиган бўлиб қолди ва шундай рашк қилиши туфайли Гагин чиндан-да Асянинг акаси эканлигига ишонгиси ҳам келмай қолди. Унинг рашки шу қадар кучли эдики, Асяни кўришга ҳоли йўқ эди, лекин уни кўрмай юриш қарорига маҳкам туришга ҳам ҳоли йўқ, шунинг учун ҳам, ўн саккиз яшар йигитдай, Асяларнинг қишлоғидан қочиб кетиб, бир неча кун атрофдаги дала-ларда дайдиб юрди. Ниҳоят Ася ҳақиқатан Гагиннинг синглиси эканлигига ишонгандан кейин, худди ёш бола-дай хурсанд бўлади ва Асяларникидан қайтиб келаётган-нида ҳатто «хурсанд бўлганидан тирқираб оқаётган кўз ёшини» сезади, шу билан бирга унинг бу хурсандчилигига сабаб унинг бутун фикри-зикри Ася тўғрисида эканлиги-ни пайқайди, ниҳоят, шу даражага бориб етадики, хаёлига ундан бошқа нарса келмайдиган бўлиб қолади. Бир неча марта севган киши ундаги бу аломатлар — ундаги қандай туйғулардан дарак беришини тушуна олса керак. Хотин зотини яхши билган киши Асянинг юрагида нималар бўлаётганлигини тушуна олса керак. Лекин Ася унга, сени севаман деб ёзганида бу хат уни жуда ҳайрон қилиб қўяди: у ҳеч вақт шундай бўлади деб ўйламаган эдим, дейди. Жуда яхши: нима бўлса ҳам, шундай деб ўйлаганмиди — йўқмиди — бари бир, Ася уни яхши кўра-ди; Асянинг уни яхши кўриши энди унга жуда равшан: бунини у кўриб турибди: хўш, унинг Асяга кўнгли қандай? Бу саволга қандай жавоб беришини у асло билмайди. Бечора! Утгизга кирганида бу ёш бола ёнида унга қачон бурнини артиши, қачон ухлаши ва неча чашка чой ичи-шини айтиб турадиган амакиси ҳам бўлиши керак. Гап-

га тушунмайдиган шундай бир лақмани кўриб турганингиз учун сизга бу одам ё гўдакдай, ё жиннидай бўлиб кўриниши мумкин. Гўдак ҳам эмас, жинни ҳам эмас. Бизнинг Ромеомиз жуда ақлли киши, боя айтганимиздай, ўттизларга бориб қолган, кўп нарсаларни бошидан кечирган, ўзи ва бошқаларнинг саргузаштларини кўриб жуда кўп тажриба ордирган киши. Унинг бунчалик бефаҳмлиги нимадан? Бунга икки нарса айбдор, айтмоқчи, биринчиси иккинчисидан келиб чиқади, демак, ҳамма айб бир нарсада. У ҳеч қандай буюк ва жонли нарсани фаҳмлаб олишни одат қилган эмас, чунки у жуда разил ва бемехр ҳаёт кечирган, унинг ҳаммага ва ҳамма нарсага муносабати ва ишлари пасткашликдан ва бемехрликдан иборат бўлган. Бу бир. Иккинчиси — жуда қатъият кўрсатиш ва олийжаноб кишилардай таваккал қилиши лозим бўлганда ҳамма вақт қўрқоқлик ва ожизлик қилиб орқага чекинади, бунинг сабаби ҳам шуки, турмуш уни ҳамма нарсада фақат пасткашлик қилишга ўргатиб қўйган. У бир умр ярим тийиндан ералаш ўйнаган кишига ўхшайди: бу қиморбозни ярим танга эмас, минг-минглаб ютуқ ёки ютқузук бўладиган қимор ўйинига қўйиб қўйсангиз, бутунлай эс-ҳушини йўқотиб уялиб кетишини, қиморбозликдаги ҳамма ҳунарини эсидан чиқариб, ҳадеб янглишаверишини кўрасиз; у ҳеч ақлга тўғри келмайдиган юришлар қилади, ҳатто қартани қўлда тутишни ҳам билмайди. Бутун умри Кронштадтдан Петербургга қатнаб, ўзининг кичкинагина пароходини нимчучук сувдаги беҳисоб саёз ерлар ўртасига қўйилган белгиларга қараб жуда усталик билан олиб юрадиган денгизчига ўхшайди; бир стакан сувда сузишга жуда уста бўлган бу денгизчи бирданига денгизга тушиб қолса, нима бўларкин?

Эй худо! Қаҳрамонимизни бу қадар тошкўнгиллик билан таҳлил қилишингизга сабаб нима? Ҳаммамиздан унинг нимаси ёмон? Биз бирон табақа орасига кирганимизда, атрофимизда форма кийган ёки формасиз сюртук ёки фрак кийган кишиларни кўрамиз; бу кишиларнинг бўйи беш ярим ёки олти фут, баъзи бирларининг бўйи ундан ҳам баланд, улар чеккасидаги сочни қўйиб юборди ёки устара билан қирдириб юради, уларнинг соқол мўйлови бўлади ёки қирдириб юради; шу билан буларни эркак деб хаёл қилиб юрамиз. Бу мутлақо янглиш, бу кўзнинг алдаши, галюцинациядан бошқа нарса эмас. Эркак жинсидан бўлган ёш бола граждандан ишларида ўзи

мустақил қатнашишни одат қилмасдан, гражданлик туйғуларига эга бўлмасдан ўсиб бориб ўрта яшар, кейинчалик катта эркак жинсига айланади, лекин эркак бўлмайди, ёки ҳар ҳолда, олийжаноб эркак бўлмайди. Киши жамият ишлари тўғрисидаги фикр таъсири билан, шу ишларда қатнашиш туфайли туғиладиган туйғулар таъсири билан вояга етмаса, унинг вояга етмагани яхшироқ. Агар менинг мушоҳидаларимдан, мен қатнашадиган иш доирасидан умумнинг манфаатини кўзлайдиган идеялар ва истаклар чиқариб ташланадиган бўлса, яъни гражданлик мотивлари чиқариб ташланадиган бўлса, мен мушоҳада қиладиган нима қолади, мен иштирок қиладиган нима қолади? Айрим шахсларнинг зир югуриб ташвиш тортиши, ўз ҳамёни, ўз қорни ёки ўз эрмаклари тўғрисида, шахсан ўзи тор бир доирада ғамхўрлик қилиши қолади, холос. Агар мен кишиларни гражданлик фаолиятида қатнашишдан ажралган ҳолатда тасаввур қилиб, уларни шу ҳолида мушоҳада қиладиган бўлсам, менда кишилар тўғрисида ва ҳаёт тўғрисида қандай тушунча ҳосил бўлади? Бир вақт бизда Гофманни⁸ яхши кўрар эдилар ва бир вақт унинг повести таржима ҳам қилинган эди, бу повестда жаноб Перингринус Тиссинг кўзлари қандайдир ажойиб воқиа муносабати билан худди микроскопдай кучли бўлиб кетганлиги ва кўзларининг шу фазилати унинг одамлар тўғрисидаги тушунчалари учун қандай натижаларга олиб борганлиги ҳикоя қилинган эди. Гўзаллик, олийжаноблик, эзгулик, муҳаббат, дўстлик — дунёдаги ҳамма гўзал ва буюк нарсалар унинг кўзидан ғойиб бўлиб кетган эди. Қимга қараса, ҳар бир эркак унга разил, қўрқоқ ёки айёр, фитначидай бўлиб кўринар эди, ҳар бир хотин — сатанг бўлиб кўринар, ҳамма кишилар — ўтакетган ёлғончи, худбин, пасткаш ва разил бўлиб кўринар эди. Германияда Kleinstädtereі* деб аталадиган жойни кўравериб, мияси шу билан шишиб кетган, жамият ишларида қатнашишдан маҳрум бўлган, жуда тор доирадаги ўз хусусий манфаатлари билан ўрналишиб қолган, бир чақа тикиб ўйналадиган преферансдан юқори бирор нарса тўғрисида фикр қилиш қобилиятидан маҳрум бўлган кишиларнинг ҳаётини кўравериб мияси шу билан қотган кишининг бошидагина шундай даҳшатли

* Хилват жой (немисча).

повесть яратилиши мумкин (айтгандай, Гофман замонида ҳали ҳеч ким преферансни ҳам билмас эди).

Жамоат ишлари тўғрисида гап бўлмай қолганда, ҳар қанақа жамиятдаги гапнинг нимага айланиб кетишини биласизми? Суҳбатдошлар ҳар қанча ақлли ва олийжаноб кишилар бўлса ҳам, агар улар жамиятни қизиқтирадиган ишлар тўғрисида гапирмасалар, улар ғийбатга тушиб кетадилар ёки қуруқ гап сотадилар. Бўхтончи разолатми ёки бевурд разолатми, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам бемаъни разолатдир. Ижтимоий манфаатлардан узоқлашиб кетадиган суҳбат муқаррар суратда ана шундай разолатга айланиб кетади. Суҳбатдошларнинг кимлигини уларнинг гапидан билса бўлади. Ўз тушунчалари жиҳатидан юқори даражада турадиган кишиларнинг фикри жамият манфаатларидан четга чиқиб кетаркан, улар қуруқ ва ифлос разолат йўлига кирар эканлар, бу манфаатлардан тамомила четда ҳаёт кечирадиган жамиятнинг ҳоли нима кечишини тасаввур этиш осон. Бутун умри шундай жамиятда тарбия топган бир кишини тасаввур қилиб кўринг; унинг ўз тажрибаларидан чиқарадиган хулосалари қандай бўлади? Унинг кишилар устидан қилган мушоҳадаларининг натижалари қандай бўлади? Ҳамма разиллик, пасткашликни у жуда яхши тушунади, лекин бундан бошқа ҳеч нарсани тушунмайди, чунки ҳеч нарсани кўргани йўқ, ҳеч нарсани бошидан кечиргани йўқ, у китоблардан, худо биледи жуда кўп ажойиб нарсаларни ўқиб олган бўлиши мумкин; у мана шу ажойиб нарсалар тўғрисида фикр юритиб бундан лаззатланиши мумкин; эҳтимол, булар фақат китоблардагина ёзилган бўлмай, ер юзида ҳам борлигига ва бўлиши лозимлигига ишониши ҳам мумкин. Лекин улар тўсатдан унинг тайёрилик кўрмаган кўзига, беҳуда ва разил нарсаларнигина фарқ қилишга уста бўлиб олган кўзига тушиб қолгудай бўлса, қани айтингчи, у қандай қилиб буларни тушунсин ва уларнинг фаҳмига етсин? Сиз нима демоқчи бўласиз,— қуйганда вишиллайдиган жуда яхши вино бўлса-да, лекин умрида Шампань тоқзорларини кўрмаган винони шампанское виноси деб келтириб олдимга қўйсалар-у, кейин менга асл шампанское вино келтириб берадиган бўлсалар, мен ҳеч янглишмай: бу қалбаки вино эмас, ҳақиқий вино деб айта оладиган бўлсин дейсизми? Агар мен шундай фарқига бора оладиган бўлсам, у вақтда мен қуруқ олифта бўлман. Мен бу винонинг яхшилигини сезаман, холос,—

лекин мени сиз умрида яхши ясама виноларни ичган дейсизми! Бу гал ҳам менга қалбаки вино бермаганликларини қаердан биламан? Йўқ, қалбаки нарсаларни билишга мен устаман, яхшини ёмондан ажратишни яхши биламан, лекин қалбаки бўлмаган ҳақиқий винонинг қадрига ета билмайман.

Агар масалага қарашимиз хом ва фикримиз тажрибасиз бўлмаганда эди, бизнинг турмушимизда учрайдиган олийжаноб ва буюк нарсаларни билиб олишимиз ва уларга баҳо беришимизга халақит бермаганда эди, биз бахтли бўлар эдик, биз олийжаноб зотлар бўлар эдик. Лекин, шу кўпол бефаҳмлиқда ҳам бизнинг иродамизнинг ўрни бор. Мен яшаб турган разил маҳдудлик туфайли фақат менинг тушунчаларимгина торайиб қолгани йўқ; бу характер менинг иродамга ҳам ўтди; масалага қанча кенг қаралса, қилинадиган ҳукмлар ҳам шунчалик кенг бўлади; бундан ташқари, ҳамма қандай қилаётган бўлса, ниҳоят, сенинг ҳам шундай қилишга ўрганиб кетмаслигинг мумкин эмас. Биров кулганда сенинг ҳам кулгинг қисташи, эснаганда сенинг ҳам эснагинг келиши — ижтимоий физиологияда камдан-кам учрайдиган ҳодисалар эмас: омма ўртасида бўладиган ҳамма ҳодисалар ҳам худди шундай бўлади. Қандайдир соғлом бир кишининг чўлоқлар ва сўқирлар дунёсига кириб қолганлиги тўғрисида кимнингдир ёзган масали бор эди. Бу масалда айтилишича, сенинг иккала кўзинг ва иккала оёғинг нега бутун деб гўё ҳамма унга (соғ одамга) ҳужум қилган; масалда ёлгон бор, чунки унда ҳамма бўлган воқиа тўла айтилмаган: бу келгиндига фақат бошда ҳужум қилганлар, бу янги жойга ўрганиб қолгандан кейин, унинг ўзи бир кўзини қисиб оқсоқлаб юрадиган бўлса — шундай қилиб, юриш маъқулдай ёки шундай қараш ва юриш тузукдай бўлиб кўринган ва орадан кўп ўтмасдан, аслида, чўлоқ ҳам эмаслигини, қийшиқ ҳам эмаслигини ҳатто эсидан ҳам чиқариб юборган. Агар сиз кишини жуда хафа қиладиган натижаларни яхши кўрсангиз, бунга бизнинг келгиндимизнинг бардам қадам ташлаб иккала кўзи билан қараб ҳушёр бўлиб туриши лозим бўлиб қолганида, у бундай қила олмай қолган! қисилган кўзи очилмайдиган бўлиб қолган, қийшайтириб олган оёғи тўғрилланмай қолган; асаб ва мускуллари қайрилган: бўғинларининг мускуллари узоқ вақт мажбур қилинганлигидан тўғри ҳаракат қилолмайдиган бўлиб қолган.

Қозонга яқинлашсанг қораси юқади — агар ўз ихтиёринг билан шундай қилган бўлсанг, бу сенга берилган жазо бўлади; агар ўз ихтиёринг билан қилмаган бўлсанг — бу бир фалокатдир. Қовоқхонада турса-ю, гарчи ўзи бир қадаҳ ичмаса ҳам, унга шу ичкилик ҳиди ўрнашиб қолмаслиги мумкин эмас. Майда-чуйда турмуш манфаатларидан бошқа ҳеч қандай умид орзуси йўқ жамиятда яшаган кишининг пасткаш иродали бўлиб кетмаслиги мумкин эмас. Кишининг кўнглига беихтиёр, эҳтимол, менга, олий даражали қарорга келиб, ҳар кун босиб ўтиладиган сўқмоқ йўлдан бошқа йўлда дадил қадам қўя бошлашга тўғри келар, деган ваҳима пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўзингни, йўқ, бундай ғайри табиий бирон қадам ташлашга ҳали эҳтиёж йўқ, деб ишонтиришга ҳаракат қиласан киши, одат бўлиб қолган пасткашликдан ташқари чиқишдай бўлиб кўринадиган ҳамма нарса йўлдан озишдан бошқа нарса эмас деб, то сўнгги фалокат келгунча қастдан ўзингни шунга ишонтириб турасан. Олабўжидан қўрқадиган бола, олабўжи йўқ, олабўжи бўлмаган нарса, деб кўзларини юмиб овози борича бақиради, шу билан, билсангиз, у ўзига далда беради. Биз шу қадар ақллимизки, биз нимаданки қўрқсак, бунинг бирдан-бир сабаби шуки, бизда бундан баландроқ бир нарсага етадиган кучимиз йўқлиги учун қўрқамиз, деб ўзимизни шунга ишонтиришга ҳаракат қиламиз, — буларнинг ҳаммаси бўлмағур гап, болани олабўжи билан қўрқитишлари сингари, бизни ҳам шу билан қўрқитмоқчи бўладилар, холос, аслида ҳеч нарса йўқ ва бўлмади деб ўзимизни шунга ишонтиришга ҳаракат қиламиз.

Агар бўлса-чи? Агар бўлса, у вақтда жаноб Тургеневнинг повестида Ромеомизнинг ҳоли нима кечган бўлса, бизнинг ҳолимиз ҳам шундай бўлади. У ҳам ҳеч нарсани олдан кўрмаган эди ва олдан кўришни хоҳламаган эди; у ҳам кўзларини қисиб орқага тисарилди, вақти келганда лабини тишлаб, аттанг деб қолди, лекин пушаймонидан фойда йўқ.

Бунинг тақдири билан Асянинг тақдири жуда қисқа вақт ичида — атиги бир неча минут ичида ҳал қилиниб, бутун бир ҳаёт шунга боғлиқ бўлганлигига қарамасдан, шу фурсат қўлдан берилди, хатони тузатишининг ҳеч бир иложи бўлмади. У уйга кириб ўйлаб кўрилмаган, деярлик онгсизлик билан айтилган бир неча оғиз аҳмоқона гап айтиши биланоқ ҳамма нарса ҳал бўлиб кетди: алоқа

қайтадан тикланмайдиган бўлиб, абадий узилди. Биз Асяга асло ачинмаймиз, йигитнинг тошбағирлик билан йўқ деган сўзини эшитиши унга жуда оғир туюлган эди, лекин мулоҳаза қилмай бир кишининг шундай алоқани узишга олиб борганлиги унинг учун, балки, яхшидир. Агар Ася у киши билан алоқасини узмаганда, унинг учун бу, албатта, жуда катта бахтиёрлик бўлар эди; лекин, фикримизча, Асянинг бундай жаноб билан яқин муносабатда бўлиб умр кўриши унинг учун яхши бўлмас эди. Қимки Асяга ачинса, кишининг ғазабини қайнатадиган шу жуда оғир учрашув воқеасидан хурсанд бўлиши керак. Асяга ачинадиган киши жуда ҳақли: у эркисиз, таҳқирланган кишига меҳр қўйди. Лекин, гарчи истиҳола билан бўлса ҳам қаҳрамонимизнинг тақдири бизни қизиқтиради, деб тан олишимиз лозим. Биз унинг қариндош-уруғи эмасмиз; оилаларимиз ҳатто бир-бирини хуш кўрмас эди, чунки унинг оиласи бизнинг ёр-дўстларимизнинг ҳаммасига кеккайиб қарар эди⁹. Лекин биз сохта китоб ва дарслардан миямизга қўйиб қўйилган хато фикрлардан ҳали қутула олмаймиз, ёшлигимизда бизни шу хато китоб ва дарслар билан тарбиялаб, ёшлигимизни жувонмарг қилганлар, биз теварак-атрофимиздаги жамиятнинг миямизга қўйиб қўйган разил тушунчаларидан ҳали қутула олмаймиз; бизнинг ҳаммамизга, жамиятимизга қандайдир хизмат кўрсатгандай, у бизнинг маърифат ишларимизнинг намо-яндаси, орамиздаги энг яхши одам-у, усиз бизнинг ҳоли-миз вой бўладигандай бўлиб кўринади (бу пуч бир хаёл-дир, лекин биз ҳали қутула олмайдиган хаёлдир). У тўғридаги бу фикр — қуруқ бир хаёлдир деган фикр бизда тобора кучайиб бормоқда, бизнинг шу хомхаёл таъсиридан қутуладиган вақтимиз яқинлашиб келаётганини сезяп-миз, ундан яхшироқ кишилар борлигини, булар у ранжи-таётган кишилар эканлигини, у бўлмаса бизнинг ҳаётимиз яхшироқ бўлишини сезиб турибмиз, — лекин ҳозир биз ҳали бу фикрни етарли даражада сингдириб олганимиз йўқ, бизни тарбиялаганларида миямизга қўйилган хом-хаёллардан ҳали тамомила қутулиб олганимиз йўқ, шунинг учун ҳам биз қаҳрамонимизга ва унинг шерикларига яхшилик тилаймиз, уларнинг масаласи ҳақиқатан қатъий ҳал бўладиган пайт, уларнинг тақдири абадий ҳал бўладиган вақт яқинлашиб келяпти деб ҳисобласак ҳам, биз ҳали ўзимизга ҳозир улар ўз аҳволларини тушуна олмай-дилар, уларнинг ақл билан ва шу билан бирга олийжа-

ноблик билан иш қилиш уларнинг қўлидан келмайди деб айтгимиз келади; — бошқа тушунчалар ва урф-одатлар билан тарбияланган болалари, ўғил ва невараларигина ҳалол ва доно граждандар сингари иш қила олади, уларнинг ўзлари эса ҳозир зиммаларидаги вазифани бажаришга ярамайди; биз пайғамбарнинг: «улар кўрмоқчи бўладилар-у, кўра олмайдилар, эшитмоқчи бўладилар-у, эшита олмайдилар, чунки бу кишиларнинг фикри дағаллашиб кетди, қулоқлари кар бўлиб қолди, кўрмаслик учун кўзларини юмиб олдилар» деган сўзларини ҳали уларга қаратмоқчи эмасмиз, — йўқ биз ҳали ҳам уларни атрофларида ва тепаларида бўлаётган ҳодисаларни тушунишга қобилияти бор одамлар, деб ўйламоқчимиз, уларни омон сақлаб қолмоқчи бўлган овознинг доно васиятларига қулоқ солишга қодир деб ўйламоқчимиз, шунинг учун ҳам биз ўз аҳволини ўз вақтида англай олмайдиган ва тез ўтиб кетадиган фурсат манфаатларидан фойдалана олмайдиган кишиларнинг бошига албатта тушадиган фалокатлардан қандай қутулишлари мумкинлиги тўғрисида уларга йўл кўрсатиб бермоқчи бўламиз. Ҳозирги аҳволнинг муҳимлигини тушуниб, ақл билан иш қилинг деб биз илтимос қилаётган кишиларнинг ақл ва ғайратига умидворлигимиз, бизнинг хоҳишимизга қарши, кундан-кунга камайиб бормоқда, — ҳеч бўлмаса улар, бизга ҳеч ким яхши маслаҳат бергани йўқ, бизга ҳеч ким аҳволимизни тушунтириб бергани йўқ, демасинлар.

Жаноблар (биз бу муътабар одамларга шундай нутқ билан мурожаат қиламиз), орангизда анча кўп саводли кишилар бор; улар қадимги афсоналарда бахт-саодатнинг қандай тасвир қилинганлигини биладилар: бахт — узун сочлари шамолда ҳилпираётган хотиндай қилиб тасвирланар эди; бу хотин сизга қараб учиб келаётганда уни тутиб олиш осон, лекин бир дақиқани қўлдан берсангиз — у хотин учиб ўтиб кетади, сиз уни ушлайман деб ҳар қанча югурсангиз ҳам, орқада қолганингиздан кейин уни тутиб бўлмайди. Бахт дақиқасини қайтариб бўлмайди. Осмондаги ёруғ юлдузларнинг чин соатга тўғри келиб бир-бирига қўшилган вақти такрорланмаслиги сингари, сиз вазиятларнинг бир-бирига мос келиб қўшилиш пайтининг такрорланишини кутсангиз ҳам, сизга бундай пайт муяссар бўлмайди. Қулай фурсатни қўлдан бермаслик керак — турмуш донолигининг энг олий шарти шудир. Бизнинг ҳар биримиз учун бахтли вазиятлар бўлади,

лекин ҳамма ҳам ундан фойдаланишни билавермайди — турмуши яхши ёки ёмон бўладиган кишилар ўртасидаги фарқнинг бирдан-бир сабаби шу вазиятлардан фойдалана билиш санъатидир. Эҳтимол, сиз учун ҳам бахтли вазиятлар юз бергандир, гарчи сиз бундай бахтли вазиятларга арзимайдиган бўлсангиз ҳам, шундай қулай фурсатлар юз бергандирки, сизнинг тақдирингиз, ҳал қилувчи пайтда фақат ўз иродангизга боғлиқдир. Сиз замон талабини тушуна оласизми, сиз ҳозирги вазиятнингиздан фойдалана оласизми, — ҳозир сизнинг умрбод бахтли ёки бахтсиз бўлишингиз шунга боғлиқ.

Шарт-шароитнинг сизга тақдим этган бахтини қўлдан чиқармаслик усули ва қоидаси қандай? Қандайи нимаси? Ҳар бир ҳолда бундай қилиш ақлдан деб айтиш қийинми, ахир? Масалан, менинг бир жанжалли ишим бор, бунда мен айбдорман деб фараз қилайлик. Мутлақо ҳақли бўлган менинг муҳолифим адолатсизликларга шу қадар ўрганиб қолганки, жанжалимиз ҳал бўладиган вақт-соат ҳам келиб қолар деб, унга зўрғагина ишонадиган бўлиб қолган; бу жанжалимиз бир неча ўн йилдан буён чўзилиб келаётган эди. Судда у бир неча марта: қачон доклад бўлади деб сўради ва унга жуда кўп марта: «Эрта ёки индин» деб жавоб бериб келдилар, шу билан ҳар гал орадан ойлар, йиллар ўтиб кетаверди, жанжал бўлса ҳал бўлмасдан қолаверди. Бу жанжалнинг нима учун бу қадар чўзилганлигини билмайман, лекин шунисини билманки, суд раиси нимагадир менинг ёнимни олиб юрар эди (у мени ўзига астойдил содиқ одам деб ўйлаб юрган бўлса керак). У бир кун бу жанжални кейинга сурмай албатта ҳал қилиш тўғрисида буйруқ олди. Мени ўзига дўст кўрганидан, мени чақиртириб келиб бундай деди: «Жанжалингизни ҳал қилишни энди кейинга сура олмайман; суд йўли билан бу жанжал сизнинг фойдангизга ҳал бўлиши мумкин эмас — чунки қонун жуда аниқ ва равшан; судда ютқизиб, ҳамма мол-мулкингиздан айриласиз. Мол-мулкингиздан ажралиш билан ҳам қутулиб қўя қолмайсиз; граждандимизнинг чиқарган ҳукмида шундай ҳолатлар маълум бўладики, булар учун сиз жиний қонунларга мувофиқ, жавобгарликка тортиласиз, лекин сиз бу қонунларнинг қандай қаттиқлигини биласиз; жиний палатанинг ҳукми қандай бўлишлигини билмайман, агар сизни, мол-мулкдан маҳрум қилинсин деб ҳукм қиладиган бўлсалар, жиний палатадан жуда осонлик

билан қутулиб оласиз, лекин, гап орамизда қолсин, устингиздан бундан ҳам ёмонроқ ҳукм чиқарилиши мумкин. Бугун шанба; душанба кун сизнинг жанжалингиз тўғрисида доклад қилиниб, жанжал ҳал қилинади; мен сизни ўзимга қанча яқин кўрсам ҳам, бу жанжални кейинга суриш қўлимдан келмайди. Мен сизга айтсам, сизга бундай маслаҳат бераман. Сиз шу қолган бир кун фурсатни қўлдан чиқарманг-да, мухолифингизга муросага келишайлик, деб таклиф қилинг: у ҳали менинг буйруқ олиб бу ишни кейинга сурмасдан ҳал қилишим зарур бўлиб қолганидан беҳабар; бу жанжални душанба кунни ҳал қилинади деб эшитган, лекин бу жанжал тез кунда ҳал қилинади деган гапларни эшитавериб бунга ишонмай қўйган; ҳозир у муросага келиб битишиб қўя қолишга рози бўлади, бу битим сиз учун пул жиҳатдан жуда фойдали бўлади, бу билан сиз жиноий суддан қутулиб қолишингиз, илтифотли, олийжаноб киши экан деган ном орттиришингиз, ўзи виждонли экан ва одамгарчилик қилибди, деган гапларга ҳам сазовор бўлишингиз тўғрисида гапириб ҳам ўтирмайман. Жанжални тугатиб, муросага келиб битишиб қўя қолинг, мен сизга ўзимни дўст билиб сиздан илтимос қиляпман».

Қани, ҳар бирингиз айтинг-чи, мен энди нима қилишим керак: мен дарров мухолифим ҳузурига бориб муросага келишадиган бўлсам, ақлли иш қилган бўламанми? Ёки қолган фақат бир кунни ҳам диванда чўзилиб ётиб ўтказсам, бу ақлдан бўладими? Ёки менга дўстлик қилиб огоҳлантириб, шу билан жанжалимни обрў билан ва ўзим учун фойдали қилиб тамомлашга имкон берган, ишимни осонлаштирмақчи бўлган судьяни қўпол сўзлар билан ҳақорат қилишим ақлдан бўладими?

Бундай ҳолда ниманинг ақлдан эканлигини ҳал қилиш осонлигини китобхон шу мисолдан кўриб турибди.

«Мухолифинг билан сенинг ишинг судга бориб етмасдан у билан ярашиб олишга ҳаракат қил, йўқса мухолифинг сени судга беради. Судья сени ижро этувчилар қўлига топширади, шу билан сени зиндонга ташлайдилар, ҳамма қилмишларинг учун, ҳамма сарфу харажатларнинг сўнгги сариқ чақасигача тўламай туриб бу зиндондан чиқа олмайсан». (Матф, V боб, 25—26 бетлар).¹⁰

Н. А. НЕКРАСОВ

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ ХАТЛАРИДАН

I

Н. А. НЕКРАСОВГА ЁЗИЛГАН ХАТДАН

1856 йил 24 сентябрь

Сизнинг табиатингизнинг икки хусусияти бор, бирини
Аллақачон сен рад этганинг...¹

деган пьеса ва бошқа баъзи бир пьесалар ифодалаб беради; иккинчи томонини кўпроқ сизнинг пьесаларингиз ифода қилиб беради. Бу пьесалардан биронтаси ҳам табиат майлига қарши ёзилган эмас — демак, сизнинг талантингиз иккала ҳолда ҳам баббаравар эркин талантдир.

Энди: *оғир ва беўхшов* шеърга² ўтамиз. Кўпинча ғайрат оғир юкдай бўлиб кўринади, шунинг учун ҳам, Лермонтовнинг шеъри Пушкин шеъридан оғирроқ деб айтадилар, бу бутунлай нотўғри: Лермонтов шеър қиймати жиҳатидан Пушкиндан юқори туради. Сиз тўғрингиздаги фикрим ҳам шундай. Сизнинг шеърингизнинг нимаси беўхшов, мен ҳеч тушунолмаймаман. Пушкиннинг жуда кўп ғализ шеърлари бор — хўш, шундай бўлса нима бўлибди? Ҳечқиси йўқ. Лермонтовда бундай шеърлар камроқ, — камроқ бўлгани янада яхши. Сизда равон чиқмаган шеърлар Лермонтовникидан кўпроқ бўлиши мумкин, лекин ҳар ҳолда Пушкинникидан оз. Бу парадокс эмас ва менинг дидсизлигим ёки ғаразғўйлигим натижаси эмас — поэзия тўғрисида ҳукм қилиш учун дид-фаросат

керак, шеърнинг равонлиги тўғрисида эса дид-фаросати бор киши ҳам, дид-фаросати йўқ киши ҳам (агар менда шундай дид-фаросат бўлмаса), баббаравар ҳукм қила олишим мумкин — бу ҳар бир киши учун аниқ ва равшан сифатдир.

Энди талант даражаси тўғрисида гапирамиз. Менинг фикримча, сиз ҳозиргача қилганларингиздан анча кўп иш қиласиз — сизнинг кучингиз эндигина барқ уриб келяпти. Сиз ҳали ёш шоирсиз. Сиз тўғрингизда ҳар хил яхши ният қилиб юришга қўлимда асос бўлса ҳам, лекин вақти келиб сизнинг қандай даражага етишингизни айта олмайман. Шунинг учун, келинг, қилинган ишлар тўғрисида ва китобингизнинг бераётган самаралари тўғрисида гапирайлик...

Сизнинг халойиққа таъсирингиз Гоголдан кейинги ёзувчиларнинг ҳар бирининг таъсиридан кучли бўлса борки, лекин кам эмас. Сиз шу дамгача Пушкин, Лермонтов, Гоголь сингари ҳаммани тамомила йўлда қолдириб кетиш ҳуқуқига эга бўла олганингиз йўқ ва йўлда қолдириб кетаётганингиз йўқ — яъни мен Майков, Фет³ ва шунга ўхшаш шоирлар тўғрисида гапираётганим йўқ, прозаикларни, айниқса Тургенев билан Толстойни назарда тутаман: улар ё халойиқнинг эътиборини сиз билан баҳам кўришяпти (Тургенев) ёки, ақалли, адабиётчиларнинг эътиборини баҳам кўряпти (Толстой). Лекин, — тўғриси айтганим учун кечирасиз — ҳар ҳолда халойиқ ҳозирги адабиётда биринчи ўринга Сизни қўйяпти, бундан мен Тургенев учун бир оз хижолатдаман. Бу масалада халойиқнинг ҳақли эканлигини Сиз ўзингиз сезиб турибсиз: Сизнинг талантингиз Тургенев ёки Толстой талантидан чиндан ҳам кўпроқ.

Мен очиқ ёзяман, албатта, матбуотда бундай қатъий қилиб гапириш мумкин эмас ва Сизни прозаиклар билан таққослашнинг унчалик кераги ҳам йўқ. Лекин хатда ҳеч бир тортиниб-негиб ўтирмасдан — сиз Пушкин, Лермонтов ва Кольцов сингари аъло даражали талант эгасисиз, деб айтиш нега мумкин эмас?

Сизнинг бўш чиққан шеърларингиз борми? Албатта, бор. Агар матбуотда сиз тўғрингизда гапиришга тўғри келса, нега шуларни кўрсатиб ўтиш мумкин эмас? Лекин аслини айтганда, Сиз учун бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, чунки Сизнинг бўш чиққан шеърларингиз тасодифдан бошқа бир нарса эмас: Виардо баъзан яхши кўшиқ

айтиб, баъзан ёмон айтгани сингари, баъзан кишининг қалами ҳам равонроқ кетади, баъзан ёмонроқ ёзилади — лекин бундан ҳеч қандай хулоса чиқариш мумкин эмас; бинобарин, Виардога, хоним, 21 сентябрда «Норма»да⁴ жуда яхши қўшиқ айтдингиз, 23 сентябрда яна шу «Норма»да унча яхши айтмадингиз, десалар, у ҳеч пинагини бузмай: демак, 23 сентябрда товушим жойида эмас экан, 21 сентябрда жойида экан, дейди, холос — бу бирон хато ёки нуқсон натижаси эмас, шунчаки бир тасо-дифдир.

Яна бир нарсани айтмоқчиман: шундай кишилар борки, уларга танқиднинг фойдаси тегиши мумкин; булар бошқа бир кишининг фикрига қулоқ соладиган кишилардир. Сиз учун бундай бўлиши мумкин эмас, чунки бунинг кераги йўқ. Сиз каби кишилар учун фақат биргина йўл бор: агар бундай кишиларга хайрихоҳлик билдирмасалар, жим туришлари керак, ёки хоҳлаганларини айтишлари керак. Албатта, сенга биров хайрихоҳлик билдирса, кўпроқ хурсанд бўлиб гапирасан, лекин Сизга хайрихоҳлик билдирыптилар, жуда ҳам хайрихоҳлик билдирыптилар деб айтишларига муҳтож эмассиз, албатта.

Тўғри, агар танқид мустақил кишиларнинг тушунчаларидаги (фақат эътиқодларидаги, турмуш тўғрисидаги тушунчаларга) камчиликларни очиб, уларни турмушга тўғрироқ қарашга мажбур қила оладиган бўлса, бундай танқиднинг ҳам фойдаси тегиши мумкин, — лекин бу жиҳатдан ҳам Сизга танқиднинг асло кераги йўқ: Ўзингизнинг қандай хато тушунчаларингизни тузатишингиз лозимлигини билмайман.

Мен шунча кўп ёзиб юбордимки, шу ёзганларим тўғрисида жуда кўпдан-кўп изоҳ бериб ўтишни лозим деб биламан. Биринчидан, менинг сўзларимни, китоб тўғрисида ёзинг деб қилган илтимосимни бажо келтиришдан бош тортяпти, деб тушунманг.

Аксинча, кўп сабабларга кўра, мен буни жон деб ёзар эдим (агар Дружининг⁵ рози бўлса, жон деб ёзаман) — бунинг яна сабаби шуки, бу масала мени жуда қизиқтиради.

Иккинчидан, Сизнинг иборангизни ишлатадиган бўлсам, менга хушомад қилиб ёзипти деб ўйламанг. Йўғе, сиз бундай деб ўйламассиз.

Учинчидан, агар мен Сизнинг китобингиз тўғрисида ёзадиган бўлсам, мақтаб ёзаман. Тўртинчидан, агар мен

Сизнинг китобингиз тўғрисида ёзадиган бўлсам, хатда бемалол ёзган нарсаларимни ёзиб ўтирмайман, яъни, албатта, Пушкин, Тургенев ва шу каби сўзларни ишлатмайман...

II

Н. А. НЕКРАСОВГА ЁЗИЛГАН ХАТДАН

1856 йил 5 ноябрь

... Сиз, бундан илгариги хатингизда менинг шеърларимнинг қийматини ошириб юборгансиз, дейсиз,— аксинча жуда ҳам бўш иборалар ишлатибман, буни ҳозир, Сизнинг шеърларингизни қайтадан ўқиганимда, кўриб турибман. Бизда ҳали Сиздек шоир дунёга келгани йўқ эди. Лирик шоирлар бўлган Пушкин, Лермонтов, Қольцов Сиз билан тенглаша олмайдилар.

Бу мулоҳазада мени Сиз, менинг тенденциямга маҳлиё бўлиб кетган деб ўйламанг,— тендеция яхши бўлиши мумкин, лекин талант бўш бўлиши мумкин, буни мен бошқалардан яхшироқ биламан,— шу билан бирга мен асло фақат тенденция асири эмасман,— бунинг шундай бўлиб кўринишига сабаб фақат шуки, мен жуда қатъий фикр қиладиган кишиман ва баъзан шу фикрларимни мутлақо ҳеч қандай фикр қилишни билмайдиган кишилардан ҳимоя қилишни лозим деб биламан. Лекин мен ўз тажрибамдан шуни биламанки, турмушдаги ҳамма нарса фақат тушунчадангина иборат эмас — қалб эҳтиёжи бор нарса, бинобарин, ҳар биримизнинг тортадиган чин ғам-ғуссамиз ёки чинақам хурсандчилигимиз юрагимизнинг уришига боғлиқ. Буни мен ҳам тажрибадан биламан, бошқалардан яхшироқ биламан. Юрак ғам-ғуссадан ёки хурсандликдан дам олаётган вақтда, фақат шу вақтдагина бизнинг эътиқодларимиз ақлимизга бориб етади. Ҳатто мен шундай деб айтишим мумкин, менинг шахсий ишларимнинг шахсан мен учун ҳамма оламшумул масалалардан кўра кўпроқ аҳамияти бор; кишилар оламшумул масалаларни деб ўзини сувга ташламайди, ўзини отмайди, пияниста бўлиб кетмайди,— фикр поэзияси қандай ҳуқуққа эга бўлса, юрак поэзияси ҳам шундай ҳуқуққа эга эқанлигини мен ўз бошимдан кечирганман ва биламан — шахсан мени фикр поэзиясидан кўра юрак поэзияси кўпроқ ўзига тортади, шунинг учун ҳам, масалан, Сизнинг тенденция билан ёзган пьесаларингиздан кўра

тенденциясиз пьесаларингиз шахсан менга кучлироқ таъсир қилади.

Янглишиш зулматидан чиққан пайтда. . .

*
Аллақачон сен рад этганинг. . .

*
Мен зиёрат қилдим мозоринг. . .

*
Эй сен қалтис, бенаф эҳтирос. . .!

ва ҳоказолар мени қон-қон йиғлатади², ҳолбуки бошқа ҳеч қандай тенденция менга бундай таъсир қила олмайди. Мен жуда очиқ гапира бошладим, лекин Сизга, мен (шахсан ўзим) поэзияга асло фақат сиёсий нуқтаи назардан қарамаслигимни³ айтиш учунгина шундай қилдим. Аксинча, сиёсат менинг юрагимга фақат зўрлик қилиб кириб келади, менинг юрагим асло сиёсат билан яшамайди, ёки, ақалли, сиёсатдан бошқа нарса билан яшагиси келади.

Мени умум фикрига берилиб кетар экан, деб ҳам ўйламанг — иложи бўлса, мен умум фикрига қарши чиқишни яхши кўраман. Бошқалар хурсанд бўлса, менинг уларга қарши чиққим келади, — лекин бошқалар ҳақ бўлса нима чора? Агар ўз фикринг бошқаларнинг фикрига тўғри келадиган бўлса, фақат шунинг учун ўз фикрингдан воз кечишинг мумкин эмас-ку, ахир.

Бошқа шоирлардан Сизнинг устун туришингизни тан олиш менга осон ёки хуш келади деб ўйламанг, — мен ўз табиатимга кўра, эскилик тарафдориман ва янгиликни инкор қилишининг ҳеч иложи бўлмай, уни тан олишга мажбур бўлгандагина янги нарсани тан оламан. Мен Пушкинни яхши кўраман, Қольцовни ундан ҳам яхши кўраман: «менинг шунча шавқ-завқимга сабаб бўлган шоирлар орқада қолиб кетибди» деб ўйлаб мен асло хурсанд бўлмайман, — лекин нима иложим бор? Ҳақиқат шахсан менга у қадар ёқмаса, фақат шунинг учунгина уни инкор қилиш мумкин эмас-ку, ахир.

Хуллас, менда Сизга ҳеч қандай хушомадгўйлик қилиш нияти йўқ, аксинча, мен Сизнинг фазилатларингизни ўз хоҳишимга қарши, ҳарҳолда, уларни ўзим учун бир қадар нохуш нарса деб билиб, эътироф қиляпман десам бўлади.

Мен шунни иқрор қилишим лозимки, Сизнинг ҳозир босилиб чиққан асарларингизнинг қиймати Пушкин, Лермонтов ва Қольцов асарларидан каттароқ. Лекин, шундай

деб қўя қолиш ярамайди, албатта. Каттароқ истак билдирмоқ керак,— шундай истак билдирмоқ керакки, Кольцовни деб Циганов ва Мерзляковни⁴ эсдан чиқарганимиз сингари, Лермонтовни деб Огарев ва бошқаларни эсдан чиқарганимиз сингари, Гоголни деб ундан олдинги романларни эсимиздан чиқарганимиз сингари, Сизни деб Пушкин, Лермонтов ва Кольцовни эсдан чиқаришга мажбур бўлайлик.

Сизда бунинг учун лозим бўлган ҳамма куч бор. Лекин агар Сиз ўтмишим кучларимнинг қанот ёзиши учун кўп жиҳатлардан ноқулай бўлган эди деб, ўз кучингиз ва вақтингизни беҳудадан-беҳудага сарфлайдиган ва мутлақо ноўрин афсусланиб юрадиган, агар Сиз табиатимга муносиб қисматга эга бўлиш учун аслида менда куч йўқ деб хаёл суриб юрадиган бўлсангиз, агар Сиз ҳеч иш қилмай афсусланиб юрадиган бўлсангиз,— ана шу нарса Сизнинг поэзияда мутлақо янги давр яратувчи бўлишингизга халақит бериши мумкин. Албатта, ҳар биримизнинг ўзимиздан, ўтмишимиздан норози бўлишимиз табиий бир нарса: «мен ҳозирги аҳволимдан кўра яхшироқ бўлишим мумкин эди» ва ҳоказо деб ўйлашингиз турган гап. Эҳтимол, шундай деб ўйлашга бошқалардан кўра Сизнинг кўпроқ ҳаққингиз бордир,— хўш, бор бўлса нима бўлибди? Сиз ўз тўғрингизда нима деб ўйламангиз, ҳар ҳолда Сиз ҳозир жуда буюк куч эгасисиз ва Сизнинг зорланиб юришингизниг ҳеч қандай ўрни йўқ.

Сиз айтасиз:

Севги ва ўзгаришнинг мафтун этувчи нури!..
Энди ҳеч чақирмайман, аввал чақирар эдим!
Сен нур бериб ёрита оладиган чуқурни —
Ўзим ҳам сира-сира кўришни истамасдим...
Бирор нарсани ёмон кўриб чарчаган юрак,
Уни яхши кўришни ўргана олмас бешак.⁵

Шахсан менга бу шеърлар жуда ёқиб тушади,— турмушда шундай оқ-воҳ қилиш зарурлигини биламан, лекин шу оқ-воҳларни ўзининг қонуний маънавий ҳолати деб билиб, зорланиб юришга ҳамманинг ҳақи бўлавермайди. Бинобарин, Сизнинг ҳам бундай қилишга ҳаққингиз йўқ — зорланиш ва умидсизланишга ҳаққим бор деган фикрни Сиз қаердан олдингиз?

Сизнинг организмнгиз ҳали мустаҳкам,— Сиз ўз соғлигингиз тўғрисида нима ўйласангиз ўйлайверинг, лекин

Сиз ҳали соғ ва бардам бўлишингиз керак — ўзингиз беҳудадан-беҳудага зорланиб эҳтиётсизлик қилиб ўз соғлигингизга зиён етказмасангиз бўлгани,— шундай қилсангиз бардам ва мустаҳкам бўласиз. Мен асло яқин орада ўлиб кетмоқчи эмасман, лекин Сиз мендан кейин ҳам дунёда яшашингизга ишончим комил. Иш кўрсатиш учун вақтим ҳам, соғлигим ҳам етмайди, деб хаёл қилманг ва умидсизликка тушиб шу билан ўзингизга тасалли бермай қўя қолинг.

Ёки ҳақиқатан ҳам юрагингиз нафрат билдиришдан чарчаб қолдими? Ёки Сизнинг энди ҳақиқатан ҳам яхши кўрадиган ҳеч кимингиз қолмадими? Булар ҳаммаси ноумидлик хаёлларидир. Ҳақиқатда Сиз эндигина барқ уриб келаётган бақувват юрак эгасисиз. . . Хотин-қизларнинг қадрига етиб, уларни бунчалик ҳурмат қила оладиганлар кўп эмас, Сиз каби бундай ўткир ҳиссиёт эгалари кўп эмас,— ундай деманг,— мен буни Сизнинг китобингиздан аниқ ва равшан кўрдим, бу нарса Сизни шахсан танишимдан ҳам аниқ ва равшан кўриниб турипти. Сиз, менинг дилим севги деган нарсани билолмайди, деб айтишга қандай ҳаққингиз бор? Мен ўз мусаффолиги ва ҳамиша покизалигини бошқа ҳамма туйғулардан олдинроқ маҳрум бўлиб турадиган бир туйғунигина мисол қилиб олдим,— поэзияга жон киритадиган бошқа туйғулар тўғрисида ҳам шуни айтмоқ керак.

Келтирилган шеърларда Сиз хотин-қизларга муҳаббат тўғрисида эмас, балки одамларга муҳаббат тўғрисида гапиришингизни биламан, лекин бу масалада Сиз:

Мен виждонан нафратланардим,
Ва мен астойдил севардим!⁶ —

деб ўзингиздан зорланишга яна ҳам камроқ ҳаққингиз бор. Сизнинг ўз тўғрингизда:

. . . мен виждонан нафратланаман
. . . мен чин кўнгилдан севаман

деб айтишингиз тўғрироқ бўлмайдими? — Сиз бошқа ҳар нарсада ўзингиздан койишингиз мумкин, лекин ўзингизни совуққонликда айблашингиз ноўрин. Сиз ҳеч нарса билан қизиқмайдиган киши эмишсиз! — Бу сўзларда ақалли заррача ҳақиқат борми?

Мен Сиз билан шундай оҳангда гаплашаётганлигим учун мени кечирасиз, лекин Ўзингизни юраги ишдан чиқиб қолган киши деб билишингиз мумкин деб ўйлашингиз

мени газаблантирмоқда — Сизнинг турмушингизда кишини ишдан чиқарадиган ва ҳолдан тойдирадиган воқиалар ва азоб-уқубатлар кўп бўлганми, — менинг бу билан ишим йўқ, — гап ҳозирги замон устида боряпти, бинобарин, Сиз ҳозирги вақтда одамларда жуда камдан-кам учрайдиган мусаффолик ва туйғу кучини сақлаб қолган экансиз, шунинг ўзи кифоя қилади, — агар Сиз илгари бундан ҳам яхшироқ ва мусаффо роқ бўлган бўлсангиз, Сиз учун яна ҳам яхшироқ бўлган экан, лекин ўтмишнинг яхшироқ бўлганлигидан ҳозиргини бундай менсимамай қарашлик ярамайди, — Сизнинг ҳозирингиз эса ёмон эмас, ҳатто, эҳтимолки, жуда ҳам яхши, — эҳтимол, Сиз янада соғломроқ бўлганингизда бундан ҳам яхшироқ ёзардингиз, лекин ҳозир соғлигингиздан ёки чарчаб қолганлигингиздан зорланиш сиз учун гуноҳ.

Сиз шунчаки хафақон бўлгансиз, холос ва бу хафақонликнинг асосий сабаби — соғлигимнинг мазаси кетган деб ўйлашингиздир. Ундай бўлса ҳаракат қилиб сиҳатингизни яхшилаб олинг — бу Сизнинг қўлингиздан келадиган иш — Сиз ўзингиз хоҳласангиз, тетик ва соғлом бўлишингиз турган гап. Илтимос қиламиз, сиҳатингизни мустаҳкамлаб олишга ҳаракат қилинг — бу фақат биз учунгина керак эмас. Ҳозир Сиз адабиётимизнинг энг яхши — айтиш мумкин, бирдан-бир гўзал умид нурисиз. . .

III

А. Н. Пипинга ёзилган хатдан

1877 йил 14 август

.. Мен «Отечественные записки»да, албатта, Некрасовнинг тинка мадорим қуриб, оғир бир касалга мубтало бўлиб, ажалимни кутиб турибман, деган шеърларини ўқидим.¹ Булар фикрга шоирона тус бериш учун ишлатилган бўёқлар эмас, балки чин ҳақиқат эканлигини кўрдим. Лекин мен умидимни узмадим ва у ҳали тузалиб кетади деб, қисман ўзимни шунга ишонтириб ҳам қўйдим; мен, бу — шунчаки кексаликка хос заифлик деб ўйлаган эдим; унда бундай заифлик пайдо бўладиган фурсат ҳали келгани йўқ; эҳтимол медиклар унинг бу касалини даволаш йўлини ҳам топишар. Сен, иккинчи хатимни ёзаётган вақтимда унинг аҳволи жуда оғирлашиб, вақти-соати яқинлашиб қолган эди, деган гапларингни ўқиб қаттиқ қайғурдим; менинг хатимни олган вақтингда Некрасов.

ҳали ҳаёт бўлса, унга шунни айтгинки, бу одамни мен жуда севар эдим, унинг менга кўнгил қўйганлиги учун унга мен ташаккур билдираман, мен уни ўпиб қоламан ва шунга ишончим комилки, унинг шон-шухрати абадий сақланиб қолади, ҳамма рус шоирлари ичидаги бу энг гениал, энг олийжаноб шоирга Россиянинг муҳаббати абадийдир.

Мен уни эслаб қон-қон йиғлайман. У ҳақиқатан жуда ҳам олийжаноб одам, жуда ҳам буюк ақл эгаси эди. У шоирлик жиҳатидан ҳам ҳамма рус шоирларидан юқори туради, албатта.²

IV

А. Н. Пипинга ёзилган хатдан

1878 йил 25 февраль

... Некрасовга қон-қон йиғладим,— сенга у тўғрида ёзганимдан кейин бир ойгача ҳар куни соатлаб ҳўнграб йиғладим. Лекин унинг тарихий аҳамияти тўғрисидаги фикримга унга қўйган муҳаббатимнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг тарихий аҳамияти — тарихий фактдир. Шунинг учун ҳам менинг шахсий майлларим билан фактларга баҳо бериш масаласига аралашишнинг кераги йўқ. Бу олимнинг шахсий дид-фаросатларига тааллуқли иш эмас, балки фан ишидир.— Унга яна айт, агар у тирик бўлса, менинг айтган ҳамма гапларимни яна такрор айт, тарихчи ёки эстетик Чернишевский номидан айт, бу тарихчи Чернишевскийнинг унинг таниши бўлган Чернишевскийда дид-фаросат бор-йўқлиги билан иши йўқ. Мен айтган нарсалар ҳақиқатан фактлардир. Уни мен учун, унинг таниши учун ўпгандай ўпиб қўй. Мен тўғримда яхши фикр айтгани учун унга ташаккур билдир, у мендан ҳам ҳалолроқ эди. Унга шундай деб айт. У тўғрида мукамал ёзганинг учун раҳмат...

Н. А. НЕКРАСОВНИНГ ВАФОТИДАН КЕЙИН НАШР ЭТИЛГАН ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

LXX бет.

Некрасовнинг 1856 йил билан бошланадиган «журналдаги ишларининг иккинчи даври» таърифида, жумладан, «жамиятда бошланган кучли ҳаракат ва унинг атрофида-

Ги янги кишилар таъсири остида шоирнинг ақл ва ахлоқ горизонти анча кенгайди» дейилган. Гап «шоирнинг ақл ва ахлоқ горизонти» кенгайганлигида эмас эди, гап шунда эдики, цензура доиралари бир қадар «кенгайган эди», шу билан «шоир илгари ёзиши мумкин бўлмаган баъзи бир нарсалар тўғрисида ёзиш имкониятига эга бўлди».¹ Цензура доираларининг кенгайиши ўзининг энг сўнгги чегарасига етганида ҳам Некрасов доимо мўлжаллаб қўйганимдан кўра камроқ ёзгупман, дер эди: мияда пьеса гузилиб бўлади-ю, лекин буни бостириш мумкин бўлмайди, деган мулоҳаза пайдо бўлиб, шу билан пьеса тўғрисидаги фикрларни босиб кетарди. Бу оғир иш, бунинг учун вақт керак; бу фикрлар тамомила босилиб йўқ бўлиб кетмагунча бошқа пьесалар тўғрисида фикр пайдо бўлмайди, у фикрлар босилиб кетса кишининг чарчаганлиги сезилади, жуда тор доирадаги ишдан кишининг кўнгли қолади.— Мен унга бундай дердим: «Агар менда шоирлик таланти бўлганда эди, мен бундай қилмас эдим, ҳозир ёки ўн йилдан кейин ҳам босиб чиқаришнинг иложи бўлмаса ҳам, ёзаверар эдим, ёзиб-ёзиб, бостириб чиқариш мумкин бўлган вақтгача сақлаб қўяверардим, у вақтгача тирик қолмайман деб ўйласам ҳам — бари бир: бирон вақт, мен ўлиб кетгандан кейин ҳам босиб чиқарилар, деб ёзаверар эдим». У менга жавоб бериб, менинг характерим бундай эмас, шунинг учун ҳам мен бундай қилолмайман, бу нарсани яқин ўртада бостириб чиқариш мумкин эмас, деб ўйлаганимдан кейин бу иш устида ишлай олмайман, дер эди. Мумкин эмаслигига ҳамма вақт цензура сабаб қилиб кўрсатилар эди.

Уни ишга отлантирган нарса рус жамиятига манфаат келтириш истаги эди; шунинг учун ҳам унинг ишлаши учун асарининг тез кунда босилиб чиқишига ишонган бўлиши лозим эди; агар у ўз шуҳрати тўғрисида ўйлаган бўлса, асарим йигирма, ўттиз йилдан кейингина босиларди, ёзган пьесамнинг ўзи менга шуҳрат ҳуқуқини беради, деган фикр билан ҳам ишлай бериши мумкин эди; бу шуҳрат ҳуқуқи қачон тақдим қилса бўлаверади, агар бу ҳуқуқ бир неча ўн йилдан кейин талаб қилинадиган бўлса, шуҳрат учун ҳатто яна ҳам яхшироқ бўлади: шоирнинг тирик вақтида берадиган асарларидан кўра унинг вафотидан кейин топилган асарлари кўпроқ қадрланади. Лекин бундай асарлар жамиятга хизмат қилмасдан, балки фақат шоирнинг шуҳрати учунгина хизмат қилади,

чунки жамият ҳаёти масалалари ёзувчининг вафотидан кейин топилган асарларида тушунтириб берилган масалалардан бошқачадир.

Демак, Некрасов ўз асарининг тез кунда босилиб чиқишига кўзи етмаса, асар ёзишга қизиқмаган. Шунинг учун унинг поэтик асарларининг мазмуни цензура талабларининг ўзгаришига қараб ё торайган ё кенгайган. Қрим урушидан кейин унинг асарларининг мазмуни илгаригидан кенгроқ бўлган экан, бундан асло уруш бошланишидан уч, тўрт йил илгари унинг «ақл ва маънавий горизонти» торроқ бўлган экан деган хулоса келиб чиқмайди.

Ўқимишли жамият кайфиятида Қрим уруши туфайли бўлган ўзгариш унинг фикр равишига бирон катта таъсир қилдими? («Биографик маълумотлар» ибораси билан айтганда, унинг «горизонти» қисман мана шу ўзгариш таъсири остида кенгайган»). Ўзгаришнинг нимадан иборат бўлганлигини эсга солиб ўтамыз. Жамият кўпчилиги крепостной ҳуқуқни бекор қилиш лозимлигини, суд ишларини ва провинция маъмуриятини яхшилаш кераклигини, матбуотга бир қадар эркинлик бериш зарурлигини англаган эди. Шу холос. Ўқимишли жамият учун янги бўлган бу фикрларда Некрасов учун нима янгилик бўлиши мумкин эди? — Қрим урушидан анча илгари булар аниқ ва қатъий фикрлар эди — бу фикрлар, агар 1845 йилдан бўлмаса, 1846 йилдан буён Некрасов яшаб келган илғор ёзувчилар доираси учунгина равшан бўлган фикрлар эдими? — Йўқ, бу фикрлар 1846 йилда фақат шу доиранинг миясига сингиб қолган фикрлар эмас эди — бундан илгари ҳам, 1845 йилларда ўқимишли жамиятнинг каттагина қисми бу фикрларни аллақачон тамомила яхши уқиб олган эди, ўқимишли жамиятнинг бу қисми эртами-кечми унинг кичикроқ қисмининг фикри устидан ҳукмронлик қилади; Пушкин таланти билан Бенедиктов таланти, Шекспир таланти билан Коцебу² таланти ва ҳоказолар ўртасидаги таланти ўзлари сезган кишиларнинг кўпчилиги бу фикрларни тамомила ўзлаштириб олган эдилар, булар ҳалиги фикрни ўзлари сезган эдилар ва билими камроқ кишилар бу фарқ тўғрисида гапиришни шулардан эшитиб ўрганган эдилар. Қрим урушининг рус жамияти кайфиятида қилган ўзгариши Қрим урушидан илгари рус ҳалойиқининг Жорж Занд ва Диккенсни яхши кўрадиган қисмининг фикридаги ўзгариш эмас эди, бу ўзгариш фақат ўқимишли жамиятнинг бошқа каттароқ қисми —

Александр Дюмани яхши кўрадиган қисми — рус турмушига оид масалаларда билими кўпроқ қисмига келиб кўшилишидангина иборат эди, мана шу нарса ўқимишли кишиларга ислоҳотлар ўтказиш зарурлиги тўғрисида қаттикроқ гапиришга имкон берди; улар кўп вақтлардан буюн шундай ислоҳотларни орзу қилиб келар эдилар; улар жуда кўп янги иттифоқчиларининг мадаккорлик қилаётганлигини кўриб, матбуотга бир қадар эркинлик бердилар,— шу билан матбуотда қатнашиб турадиган бошқа илғор арбоблар сингари Некрасов ҳам ўз фаолиятининг мазмунини кенгайтиришга имкон топди. Бунинг учун у ҳақиқатан «жамиятда бошланган кучлик ҳаракатдан» миннатдор бўлиши лозим, ҳамма таланти, ёки у қадар истеъдодли бўлмаган шоирлар ҳам, беллетристлар, драматурглар, унинг замондошлари ёки прогрессив фикр эгалари бўлган, ундан илгари ўтган ёзувчиларнинг ҳаммаси қандай миннатдор бўлса, бу ҳам худди шундай миннатдор бўлиши лозим: уларнинг ҳаммаси ёзишни ният қилсалар ҳам, лекин илгари ёзишга иложлари бўлмаган баъзи бир нарсалар тўғрисида ёзишлари мумкин бўлиб қолди.

Демак, ўқимишли жамиятнинг жуда катта қисмидан бўлган кўпчиликнинг кайфиятида бўлган ўзгариш Некрасовнинг «ақл ва ахлоқ горизонтини кенгайтиргани» йўқ, чунки у бу ўзгаришдан анча илгари кенгроқ тушунчаларга эга эди, ўша вақтда жамиятнинг бу қисмининг у қадар кенг бўлмаган ёки, тўғрироқ қилиб айтсак, жуда тор орзу-истаклари туфайли унинг фикридан жой олиши мумкин бўлган тушунчалардан кенгроқ тушунчаларга эга эди; лекин ҳар ҳолда жамиятда бошланган бу «кучли ҳаракат» унинг шоирлик фаолиятига катта таъсир қилди: «унинг ақл ва ахлоқ горизонтини ҳеч кенгайтирмасдан», илгари унинг фаолиятини сиқиб турган ташқи ғовларни суриб ташлади, шу вақтгача ёзишга йўл қўйилмаган нарсалар тўғрисида ёзишга имкон берди; Некрасовнинг поэтик асарлари мазмунида жамият кайфиятида бўлган бу ўзгаришнинг таъсири ҳақиқатан аён бўлиб кўринди.

Лекин «унинг атрофида бўлган янги кишилар» Некрасов поэзиясига бирон таъсир қилдими?

Бу «янги кишилар» кимлар эди? Одатда, ҳақиқий редактори (расмий редактори эмас; номига журнал редактори Панаев эди) Некрасов бўлган журнал характеристикаларида бу ибора ишлатилганда «янги кишилар»

деб мен билан Добролюбовни, фақат бизнинг иккимизни айтар эдилар; ҳар эҳтимолга кўра, «янги кишилар» деган иборани бунда ҳам шу маънода тушуниш лозим бўлса керак.

Жуда яхши, мен Некрасовнинг «ақл ва ахлоқ горизонтига» таъсир қилганмидим, шу масалани текшириб чиқаман; сўнгра Некрасовнинг Добролюбов билан яқинлашуви унинг фикрига қандай таъсир қилганлиги тўғрисида ўз фикримни айтаман.

Матбуотда бир неча марта учраган, Некрасовнинг фикрига гўё менинг таъсир этганлигим тўғрисидаги фикр мутлақо нотўғри фикрдир. Тўғри, баъзи бир илм соҳаларида мен ундан кўпроқ нарса билар эдим; ундан кейин, кўп масалаларда ҳам менинг фикрим униқидан аниқроқ эди. Лекин агар у мен билан танишишдан илгари маълумот олган бўлса ҳам, лекин мен туфайли келган қарорига илгари келмаган бўлса, бунинг сабаби фақат шуки, у шоир бўлганлигидан, унинг бундай қарорларга келишининг кераги йўқ эди; бу маълумотлар ва қарорлар шоир учун керак бўлган ва поэтик асарларда тасвирлаб кўрсатишга қулай бўлган маълумот ва қарорлардан бошқачароқ, махсус маълумот ва қарорлар эди. Поэзияда майдачуйда тафсилотларга йўл қўйилмайди, майдачуйда тафсилотлар воситаси билан жуда муайян бир қарорга келиш каби ҳолларга ҳам асло йўл қўйилмайди; сиёсий ёки иқтисодий мазмунда ёзилган мақолалар учун керак бўладиган аниқлик поэзия руҳига асло тўғри келмайди; бу аниқ қарорлар поэзия учун жуда ҳам торлик қилади. Поэзияда Петербург кенлиги ва узунлигининг даража ва минутлари қандайлигини кўрсатиб ўтириш ярамайди; поэзияда Петербургнинг жуда узоқ шимолда ва Россиянинг ғарбий чегарасига яқин жойда эканлигини кўрсатишининг ўзи кифоя қилади. Поэзия Петербург аҳолисининг сонини ҳам ақалли ўн минглар чамасида аниқ қилиб кўрсатиб ҳам бера олмайди: поэзияда ҳатто «900 000 аҳолиси бор шаҳар» деб кўрсатиш ҳам тўғри келмайди, бу поэзия учун жуда ҳам тор доирада кўрсатилган аниқликдир: поэзияда ё «бир неча юз минг аҳолиси бор шаҳар» дейилади, ёки «бир миллион аҳолиси бор шаҳар» деб айтилади.

Некрасовнинг мендан олиши мумкин бўлган маълумотлар — поэзия учун ярамайдиган маълумотлар эди. У бўлса шоир эди ва ўз адабий фаолиятининг фақат шоир-

лик қисминигина жуда яхши кўрар эди. Шоирнинг билиши лозим бўлган нарсани у мен билан танишмасдан илгариеқ билар эди, қисман менчалик билар эди, қисман мендан яхшироқ билар эди.

Лекин унинг мендан эшитган бўлиши мумкин бўлган ва мен билан танишмасдан илгари унда бўлмаган фикрлар ичида ё шоирнинг ишлаб чиқиши мумкин бўлган, ёки ҳеч бўлмаса поэтик асарларга ранг киритадиган кенг кўламдаги фикрлар ҳам бор эдими? — Бор эди. Некрасов мендан шундай фикрларни уқиб олдимиз? — Бунинг учун икки мисол келтираман.

Менинг Буюк Петр фаолияти тўғрисидаги фикрим Некрасовнинг фикр тарзининг бир шаклга киришига ёрдам берган ажойиб кишилар туркумининг (Белинский, Герцен ва уларнинг дўстларининг) фикридан жуда ҳам фарқ қилар эди. Мен ҳозир ҳам Мегмет-Алини Мисрга наф келтирмади деб биламан.³ Маҳмуд II нинг фаолияти Туркия учун фойдали эмас эди деб ҳисоблайман⁴. Менинг ўша вақтда булар тўғрисида чиқарган ҳукмим ҳозиргидан бўш эмас эди.— Некрасов Белинский билан Герценлар орасида юриб Петр тўғрисида миясига қуйиб олган фикрида қолди. Агар мен унинг фикр тарзига бир озгина бўлса ҳам таъсир қила олган бўлганимда эди, у Петр тўғрисида ёзган нарсасини ёза олмас эди; агар мен унга кўпроқ таъсир қила олган бўлсам эди, у Петр тўғрисида ёзганига тамомила қарама-қарши оҳангда ёзар эди.

Менинг крепостной ҳуқуқни йўқотиш ишларининг бораётганлиги тўғрисидаги фикрим деҳқонларнинг озод қилинишига астойдил тарафдор бўлган кўпчилик кишиларнинг фикридан жуда фарқ қилар эди.⁵ Бу ишлар давом қилиб турган вақтларда цензура менинг фикр билдиришимга йўл қўйган даврларда, мен зўр бериб деҳқонлар масаласи тўғрисида ёзиб турдим. Гаплашганда мен ўз фикримни матбуотдагидан кўра тўлароқ билдиришим мумкин эди, бу ўз-ўзидан маълум нарса. Мен Некрасовга шу тўғридаги фикрларимни айтган вақтларим бўлганми? Тез-тез шу фикрларимни унга айтиб турганлигим шубҳасиздир.

Демак, деҳқонлар масаласида тайёрланаётган қарор тўғрисида менинг фикрим қандай эканлиги, бу иш бошланган вақтдаёқ бу қарорнинг асосий томонлари жуда аниқ ва равшан белгиланган эди. Буларнинг ҳаммаси қарор матбуотда эълон қилинишидан анча илгари Некрасовга маълум бўлиши лозим эди.

Мен бу масаладаги фикрим Некрасовга маълум деб ўйлашим лозим эди.

Шундай бўлса жуда соз. Лекин факт мана бундай.

Бу иш тўғрисидаги қарор эълон қилинган кун и эрта билан мен Некрасовнинг ётоқ уйига бордим. У одатича ётган жойида чой ичаётган экан. У, албатта, ёлғиз эди; мендан бошқа унинг ёнига бунчалик барвақт келадиганлар жуда оз эди. (У вақтини шундай тақсимлаб қўйган эди.) Журнал ишлари тўғрисида гаплашиб олишимизга ҳеч ким халақит бермасин деб, мен унинг ёнига шу вақтда кирган эдим. Мен кириб бордим. У ёнида столчада турган чойни ҳам унутиб, бошини ёстиққа қўйиб ётган экан. Икки қўли икки ёнида. Унг қўлида деҳқонлар иши тўғрисида қарор босилган бир варақ қоғоз. Чеҳраси маъюс кўринди. Кўзлари кўкрагига тикилган. Мен кирган заҳоти чўчиб ўрнидан турди, қўлидаги қоғозни эзиб даргазаб бўлиб: «Эркинлик» дегани шу экан. Бу эркинлик ана шунақа бўлар экан! деб гапириб кетди. Икки минутча шу оҳангда гапирди. Нафасини ростлаб олмоқчи бўлиб тўхтаган эди, мен унга: «Сиз нима бўлади деб кутган эдингиз? Худди шундай бўлиши аллақачон аниқ эди» дедим.— «Йўқ, мен бундай бўлар деб ўйламаган эдим»,— деб жавоб берди у, ва, албатта, мен бирон катта иш бўлади, деб ўйлаганим йўқ эди-ку-я, лекин бу чиқарилган қарор мен ўйлаган нарсаларимдан жуда ҳам бошқача, деб гапира бошлади.

Демак, менинг мақолаларим ва менинг гапирган гапларим унинг деҳқонлар масаласининг бориши тўғрисидаги фикрига таъсир этиши у ёқда турсин, ҳатто уларни эсидан ҳам чиқариб юборган. Мен ўша вақтда деҳқонлар масаласида чиқарилган қарор унга худди шундай бўлишини кутмагандай таъсир қилганлигини кўриб, бир оз ҳайрон ҳам бўлган эдим. Лекин мен бутунлай бекорга ҳайрон бўлган эканман. Бу масалани ҳал қилиш учун олиб борилаётган тайёргарлик ишларида менга муҳим бўлиб кўринган нарса уни қизиқтирмаган экан. Бу биринкетин ишланаётган майда-чуйда иш тафсилотлари эди, кишиларнинг гап-сўзига сабаб бўлган бу тафсилотлардан ҳар бири бутун масаланинг унга муҳим бўлмаган бир қисми бўлиб кўриниши мумкин эди; у эса фақат бир бутун тўғрисида ўйлаган-у, менинг бу махсус, афтидан, майда-чуйда тафсилотлар тўғрисидаги фикримга эътибор қилмаган: бу майда-чуйда тафсилотлар унинг назарида,

«деҳқонларга ер бериб озод қилиш» деган умумий тасаввур ичида йўқ бўлиб кўринмай кетган. Менинг мақолаларим, менинг гапларим унинг фикрига тақилмасдан ўтиб кетаверган ва, ниҳоят, бу майда-чуйда тафсилотларнинг нималиги маълум бўлгандан кейин, бунинг натижаси унинг учун кутилмаган бир нарса бўлиб чиққан.

Унинг фикр тарзига мен ҳеч таъсир этган эмасман.⁶ Добролюбовнинг бирон таъсири бўлганми? Мен таъсир этмаган эканман, у қандай таъсир эта оларди. Добролюбов, Некрасов 1857 йилда чет элдан қайтиб келгандан кейин, мен Некрасов билан яқинлашган вақтдан анча кейин (уч ярим ёки салкам тўрт йилдан кейин), Некрасов билан яқинлаша бошлаган эди. Некрасов Добролюбовдан эшитиб била олган нарсаларининг ҳаммасини уч йил илгарироқ мендан ҳам эшитган эди,— ҳаммасини мендан эшитган эди, чунки агар менинг фикрларим билан Добролюбов фикрлари ўртасида бирор фарқ бор бўлган бўлса, бу фарқ Некрасовнинг бундай масалалар тўғрисидаги нуқтаи назаридан қараганда жуда кичик эди.

Добролюбовга қўйган меҳри Некрасовнинг кўнглини очиши мумкин эди, холос, ва кўнглини очди ҳам деб ўйлайман⁷. Лекин бу бутунлай бошқа бир нарса, бу «ақл ва ахлоқ горизонтини» кенгайтириш эмас, бу хурсандчилик туйғусидир. Хурсандчилик туйғуси жуда самарали бўлади. Бу туйғу кишининг маънавий кучларини мустаҳкамлайди. Добролюбов билан танишишдан ўн йил илгари Некрасовга шундай самарали таъсир қилган нарса унинг кўпгина лирик пьесаларининг ёзилишига сабаб бўлган хотин билан танишлиги эди.⁸

Некрасов фаолиятининг «иккинчи даври» тўғрисидаги таърифнинг қуйидаги сатрларига кўчаман.

Шоирнинг «ақл ва ахлоқ горизонти»нинг кенгайиши нимадан иборат бўлган эди? — У шундан иборат бўлган эдики, деб тушунтирилади «Биографик маълумотлар»да,— унинг «эски идеаллари»ни «янги идеаллар «орқага суриб ташлади». Белинский «Бородино йиллиги» ёки «Менцель» деган мақолаларини унинг эсига тушириб туришларини қанчалик хуш кўрмаган бўлса, Некрасов ҳам «Ер юзининг уч томони» каби ёшлигида қилган гуноҳларини кейинчалик эсга олишни ёқтирмас эди, дейилади «Биографик маълумотлар»да. У ҳақиқатан «Ер юзининг уч томони»ни «эсга олишни ёқтирмас» эдими? — Бу писанда англашилмовчиликдан келиб чиққан бир нарса бўлса

керак. Некрасов ўз асарлари тўғрисида гапиришни яхши кўрадиганлардан эмас эди. «Ер юзининг уч томони» деган роман тўғрисида гапиришни унча яхши кўрмайди деган ибора билан шу тўғридаги масалани бартараф қилиб қўя қолган бўлсак керак; Некрасовнинг ҳеч қандай асари тўғрисида муҳокама қилишни яхши кўрмаслигини билмаган кишига у худди мана шу романи тўғрисида гапиришни яхши кўрмайдигандай бўлиб кўриниши мумкин.

Унинг ўз асарлари тўғрисида гапиргиси келмаганлигининг асосий сабаби унинг камтарлиги эди. У жуда ҳам камтар киши эди. Бундан ташқари, иккинчи даражали сабаби шу эдики, кўпчилик беллетристлар ва шоирларнинг ўз асарлари тўғрисида гап сотишни яхши кўриши китобхонни зериктириш ва унинг учун кулгили бир нарса эканлигини у тажрибадан жуда яхши билар эди. Кучли ирода эгаси бўлган бу кишининг ўзини шундай қилишдан тийиши осон эди.

Некрасовнинг «Ер юзининг уч томони» ва шу каби бошқа илгариги заиф асарлари («Биографик маълумотлар»нинг ибораси билан айтганда, «унинг ёшликдаги гуноҳлари»)нинг ундан кейин ёзган асарларига нисбати асло Белинскийнинг «Бородино йиллиги» ва «Менцель» тўғрисидаги мақолаларининг кейинги мақолаларига нисбати сингари эмас эди. Белинский илгариги мақолаларида шундай фикрларни билдирган эдики, бу фикрлар кейин унга хато фикрлар, ёмон фикрлар, нафратомиз фикрлардай бўлиб қолган эди. «Ер юзининг уч томони»да кейинчалик ахлоқий ёки ижтимоий нуқтаи назардан Некрасовга ёмон бўлиб кўринган ҳеч нарса йўқ эди. Эсимда бор, унда шундай ёмон бўлиб кўринадиган ҳеч нарса йўқ эди.⁹

«Биографик маълумотлар»нинг бу романни қилган таҳлилида кундалик ҳаётда қилинадиган муваффақиятли фаолият (айни ҳолда коммерция фаолияти) халқ бахтсаодатига қарама-қарши деган фикр билдирилган. Бу хаёлий нуқтаи назардир. Бу фикр менга ҳамма вақт хаёлий фикр бўлиб кўринар эди. «Буржуазиянинг қабиҳлиги» деган ва шунга ўхшаган мулоҳазаларни ўқиганимда мен ҳамма вақт фикриниб қўяр эдим, фикриниб қўйишимга сабаб шу эдики, гарчи бу мулоҳазалар «халққа муҳаббат»дан келиб чиққан мулоҳазалар бўлса ҳам, халққа зарар келтиради, гарчи манфаатлари кўпинча халқ ман-

фаатлари билан тўқнаш келса ҳам (кўпинча энг оддий одамларнинг ҳар бир группасининг манфаатлари қолган бутун оддий одамларнинг манфаатига тўқнаш келиши сингари), лекин, аслида, халқ бахт-саодати учун зарур миллий турмуш шароитлари билан, шунинг учун ҳам, аслида, халқ манфаатлари билан бир хил бўлган табақага халқ дўстларининг душманлик билан қарашига сабаб бўлади.

«Биографик маълумотлар» давом қилиб: илгари (1856 йилгача) Некрасовда «қуллик ва зулмга қарши фақат қизгин, лекин жуда ҳам нотайин протест бор эди» дейди — агар протест нотайин бўлган бўлса, бу Некрасов фикрларида тайинликнинг етишмаганлигидан бўлганми, ёки цензура шароитига кўра аниқроқ қилиб ёзишга имкон йўқлигидан бўлганми? — Уша вақтдаги цензура шароитларини эсга олиб ўтсак, цензура рамкалари бир оз кенгайиши биланоқ у илгари йўл қўйилмаган нарсаларни ёза бошлади ва «халқ қайғусини куйловчи» шоир бўлиб қолди деган гапларни тушунтириб бериш учун, Некрасовнинг «ақл ва ахлоқ горизонти» кенгайганлиги тўғрисидаги фараз ва мулоҳазаларни ўртага ташлашга ҳам ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди; Некрасов илгари ҳам, имконга қараб, «халқ қайғусини» куйловчи шоир эди.

Унинг илгариги ёзган асарлари ҳам «Биографик маълумотлар»нинг «халқ қайғусини куйловчи» деб аташга сазовор бўлган асарлар билан фикр жиҳатидан бир хил эди. Илгари ёзилган шундай мазмунли пьесалардан баъзи бирининг сарлавҳасини келтираман (бу асарлар жамиятда ҳаракат бошланишидан ҳам, мен билан яқинлашишдан ҳам илгари ёзилган).

1846. Тройка.

1848. Вино

1850. Узатиш («Кўчада» деган умумий сарлавҳа қўйилган пьесаларнинг иккинчиси.).

1853. Қишлоқда.

1853. Граф Гаранскийнинг йўл хотираларидан парчалар.

«Қишлоқда» ва «Гаранскийнинг хотираларидан парчалар»ни ҳам Некрасов «жамиятда кучли ҳаракат» бошланишидан илгаригина эмас, шу билан бирга, мен билан яна яқинлашишдан ҳам илгари ёзган эди, у мен билан 1854 йилдан бошлаб яқинлашган эди; мен бир қадар илгари, 1853 йилнинг иккинчи ярмида Некрасовларникига

бориб турадиган бўлган эдим; лекин биз 1854 йилдан бир-биримиз билан яқинлаша бошлаган эдик.

XXVIII бет.

Некрасовнинг касали тўғрисида доктор Белоголовий¹⁰ хикоясидан олинган парчаларнинг бошида шундай бир ибора бор. «Ўз характери жиҳатидан ичидагини ҳеч очмайдиган ва ўзини жуда тута биладиган бўлишига қарамай» дейилган. (Некрасов жамиятнинг унга меҳр-муҳаббат билан қарашидан хурсандлигини айтмаслиги мумкин эмас эди). — Некрасов ҳақиқатан ўзини тутиб юришга жуда уста эди. Лекин у «ичимдан топ» эмас эди. У ўзи тўғрисида гапиришни ёқтирмас эди, холос, бунинг бир сабаби камтарлиги эди (энг муҳими), бунинг сабаби шу эдики, ўзи тўғрисида кўп гап сотишни яхши кўрадиганлар кишини зериктиришини, чарчатиб қўйишини ва кулпига сабаб бўлишини ўз тажрибасидан билар эди; у кишини зериктиришни ва кулги бўлишни хоҳламас эди. Лекин унинг гапини бирон кишининг эшитгиси келганлигини кўрганда, унга очилиб гапирар эди, унинг гапига қулоқ солмоқчи бўлган кишининг унинг очилиб гапириб беришига арзирлик эканлигига кўзи етса бас эди.

XXXV, XXXVI бетлар

«Граф Гаранскийнинг йўл хотираларидан парчалар» тўғрисида «Изоҳлар»да бундай дейилади: Автор (граф Гаранскийнинг французча китобининг сарлавҳасини цитата қилиб келтираётган автор) изоҳ берган бўлса ҳам, бунинг таржима эмас, балки оригинал пьеса эканлигига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Бунинг нимасига шубҳаланиб бўлади? Лекин «шубҳаланмаса ҳам бўлади» ва шунга ўхшаган ибораларни ишлатишни яхши кўрадиганларни, агар бирон киши шундай иборани ишлатмаганда бу ерда гаплашиб ўтиришнинг ўрни ҳам бўлмастлигига тамомила ишонтириш учун, Некрасовнинг Гаранский китобининг сарлавҳасини француз тилига таржима қилишни менга топширганлигини айтиб ўтишим керак; бу китобнинг сарлавҳасини у русча ёзган эди,¹¹ таржима қилдим-у, лекин, мен французча ёзишни билмайман, шунинг учун таржимани француз тилини яхши биладиган бир кишига кўрсатиш керак, балки бирон ерини тузатиш лозим бўлар, дедим, бироз вақтдан кейин Тургенев кириб келди, биз унга кўрсатган эдик, у тузатди.

XLVI бет

Пьесага изоҳ:

«Насиб бўлди унга оғир ҳаёт»

«Мазмуни, афтидан, «Она» поэмаоига жуда ҳам яқин бўлса керак.— Ҳеч қандай алоқаси йўқ, гап бутунлай бошқа хотин тўғрисида¹² боради, бу хотинга кўнгили қўйиши Некрасовнинг жуда кўп пьесаларига мавзу бўлган эди.

Умуман «Изоҳлар» тўғрисида афсусланиб шуни айтиш керакки, бу изоҳларни тузган киши Некрасовнинг нотўғри бўлиб кўринган шеърларини тузата берган. У текстга тузатишлар киритиб, текстни бузиб чакки иш қилган. Одатда тузатиш киритишга «ўлчовнинг нотўғрилиги»ни баҳона қилган; аслда тузатиш киритган шеърнинг ўлчови тўғри. Гап шундаки, Некрасов уч бўғинли туроқ билан ёзилган пьесадаги шеърларга баъзан икки бўғинли туроқ қўшиб қўяди; Некрасов шундай қилганда, шеър вазни бузилмайди.

Бир мисол келтираман. «Дайди қўшиғи» («Атторлар»)да Некрасов бундай деб ёзган эди:

Учинчида сўрадим: мужик! Хотинингни нега урасан?

«Вафотидан кейинги нашрда бу шеър тузатилган:

...Хотинни сен нега урасан?

Некрасов билмай қолиб эмас, балки атайин шеърнинг охирги туроғини икки бўғинли қилган; бу нарса шеърнинг ифода кучини жуда ошириб юборади. Кирилган тузатиш эса шеърни бузган.¹³

Бошқа тузатишлар ҳам худди шундай.

«Изоҳлар» автори иборалар нотўғри деб икки-уч мисол келтириб ўтади (масалан, «Афон тепалигига чиқарди хотин» деб айтиш мумкин эмас, чунки хотинларнинг Афон монастирига кириши манъ қилинган эди, дейди. Бу икки-уч ҳолда у, эҳтимол, ҳақли бўлиши мумкин, лекин иборалар нотўғри деб айтиб қўя қолиш керак эди, шеърларни тузатишнинг жераги йўқ эди.— Айтмоқчи, «Афон тепалиги»га келганда, Афон бўғозида, монастирни ярим оролнинг шимолий қисмидан ажратадиган деворнинг нарёғида хотин-қизлар ҳам кириши мумкин бўлган бирон монастирь, черков ёки умуман ибодатхона бор-йўқлигини суриштириб кўриши керак эди.

CLXXV бет.

CLXXV бетда «Современник»нинг 1856 йилдаги XX томида (биография бўлимининг номерациясига кўра) 1-12 бетларда босилган (Некрасовнинг) «Шеърлар тўплами чиқиши тўғрисида қисқа ахборот» «Некрасовнинг ўз мақоласидир», унда баъзи бир пьесалардан парчалар ҳам келтирилган, дейилади; йўқ, бу мақола ни мен ёзганман ва унда келтирилган пьесаларни шу мақолага киритиш учун мен танлаб олганман.

Менинг тажрибасизлигим ва уқувсизлигим «Современник»ка ҳам, «Некрасов шеърлари»нинг тақдирига ҳам жуда ёмон таъсир қилди.

Некрасов чет элга жўнаб кетиш олдидан ўз шеърлар тўпламини нашр қилишга тайёрлаган эди; лекин китоб у жўнаб кетгандан кейин босилиб чиқди. Мен ўша вақтдаёқ «Современник»нинг библиография бўлимига бошлиқ бўлиб ишлар эдим ва шеърлар тўпламининг нашр қилиниши тўғрисида хабар бериб, ундан учта шеърни олиб журналда босиб чиқармоқчи бўлган эдим; булар мана бу шеърлар эди:

Шоир ва гражданин;

Граф Гаранский хотираларидан парчалар ва — учинчиси қайси шеър эканлиги эсимда йўқ, лекин «Изоҳлар»да (XLV бетда), ўша мақолада «Унитилган қишлоқ» қайта босилиб чиқди, дейилган эди; унда қайта босиб чиқарилган учинчи шеър ана шу пьеса экан.

У ёқ-бу ёқни суриштирмай, шу шеърлар кўчириб босилган «Современник» журнали чиққандан кейин журнал устида ҳам, «Некрасов шеърлари» китоби устида ҳам шов-шув кўтарилди, бу шов-шувга сабаб аслда, «Современник»да «Шоир ва гражданин»нинг ва бошқа икки пьесанинг, айниқса «Шоир ва гражданин»нинг кўчириб босилганлиги эди. Бусиз ҳам худди шундай шовқин-сурон кўтарилар эди, бу шовқин-суронга сабаб бу шеърларни кўчириб босганлигим эмас, балки «Некрасов шеърлари» китобининг ўзи деб, шу билан ўзимга тасалли бермоқчи бўлдим. Лекин қилган бемазагарчилигимни бундай беҳуда оқлаш фикридан воз кечишга мажбур бўлдим. Бу можарога сабаб фақат мен кўчириб босган пьесаларнинг «Современник»да босилиб чиқиши эди. «Шеърлар» китоби шов-шув кўтарган ва расмий доирани ўз талабини қондиришга мажбур қилган ҳар хил фисқи-фасодни яхши кўрадиган эркак ва аёллар қўлига тушмас эди. Булар цензура идорасига ва

цензура идораси устидан контроллик қилиб турувчи полиция идораларига тамомила ёт бўлган қандайдир кекса юқори табақа кишилари эди, уларнинг номи ҳозир эсимда йўқ. Улар журналларга, шу жумладан «Современник»ка ёзилиб турар эдилар, лекин русча китоб сотиб олмас эдилар. Агар «Некрасов шеърлари» бирон вақт уларнинг қўлига тегса-тегар эди-ку-я, лекин яқин ўртада тегмасди, уларнинг қўлига текканда ҳам, уларнинг шов-шувига цензура, бу шов-шувларнинг ҳожати йўқ, китобни аллақачондан буён ҳамма ўқияпти, бундан ҳеч зарар келгани йўқ, деб ҷавоб бера олар эди; цензура устидан контроллик қилиб турувчи идора ҳам шундай деб тасдиқлай оларди. Бу идора ҳам шундай деб тасдиқлар эди, чунки бошқа ҳар қандай идора сингари, бу идора ҳам унга танбиҳ бериш учун расмий ҳуқуққа эга бўлмаган кишиларнинг панд-насиҳатига қулоқ солишни ёмон кўрар эди. Лекин бу идора уларга зарба бера олмади, чунки зарба бериш учун: «Бу китобни халойиқ аллақачондан буён ўқиб юрибди, замона ҳам бунинг зарари йўқ деган фикримизнинг тўғрилигини кўрсатди» деб айтишга имкон йўқ эди; ҳуллас, можарога сабаб «Современник»да менинг шу уч пьеса-ни, айниқса «Шоир ва гражданин» пьесасини кўчириб босганим эди.

Шу пьесаларни кўчириб босиб мен «Современник»ни жуда оғир аҳволга солиб қўйган эдим, узоқ вақт шундай оғир аҳволда қолди. Цензура жуда узоқ вақт — камида уч йилгача «Современник»ни тақиқлаб туришга мажбур бўлган эди; «Современник»нинг бундан кейинги бутун тақдири, ҳалиги пьесаларни кўчириб босганлиги туфайли, цензуранинг бу журнални тақиқлаб туриши зарур деган таассурот остида давом этди деб ўйлаш тўғрироқ бўлади.— Менинг «Современник»да ҳамкорлик қилишим унга кўп фойда келтирганлиги шубҳасиз, лекин менинг бу келтирган фойдам ақлсизлик қилиб «Шоир ва гражданин»ни кўчириб босиб, шу билан унга келтирган зараримни қоплаган-қопламаганлигини билмайман.

Шу ақлсизлигим билан шахсан Некрасовга қандай зарар келтирганлигим тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ: маълумки, тўрт йилгача цензура унинг «Шеърлари»нинг иккинчи нашрини босиб чиқаришга йўл қўйиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди; граф

Адлерберг, «Биография маълумотлари»нинг LXXII бетида гапириб ўтилган граф А. В. А. «Шеърлар»нинг иккинчи нашрини босиб чиқариш цензуранинг йўл қўйишига ижозат олиш вазифасини ўз устига олмаганда эди, ундан кейин ҳам шундай имкониятдан маҳрум бўлиб қолаверар эди.

Мен (ўша вақтда чет элда турган) Некрасовга «Современник» устида бўлган можаро тўғрисида ёзиб юборганимдан ундан, жуда афсусланарлик иш бўлибди, деган жавоб олдим, холос, лекин менга у ҳеч таъна қилмади.

Буни олийжаноблик демай, нима дейиш мумкин?

Некрасов чет элдан қайтиб келиб, мен у билан дастлаб кўришганимда, қилган хатоим «Современник»ка жуда катта зарар етказди, деб гапира бошлаган эдим, у ҳеч хафа бўлмай, кулиб: «Албатта, бу ишингиз хато эди, агар мен «Шоир ва гражданин» ни «Современник»да босиб чиқармаган эканман, мумкин эмаслиги учун босиб чиқармаганлигим тўғрисида ўйлаб кўриш хаёлингизга ҳам келмабди» деди,— шу сўзни айтди-да, гапни бошқа томонга буриб юборди, шундан кейин, менинг қилган хатоимни бирон марта ҳам тилга олгани йўқ¹⁴.

Шундан кейин ҳам мен хато қилиб «Современник»ка жуда катта зарар келтирган вақтларим бўлди; шу қилган хатоларимдан биронтаси учун ҳам Некрасов ҳеч вақт менга таъна қилган йўқ.— Ниҳоят «Современник»ни нашр этиш тўхтатилди¹⁵. Кимнинг касрига?— Фақат менинг касримга. Журнал менинг касримга қолиб шундай зарбага учрагандан кейин ҳам, Некрасовдан ҳеч қандай таъна эшитганим йўқ.

У жуда кучли характер эгаси бўлган олийжаноб киши эди.

Илгариги фикрларга яна икки нарсани илова қиламан.

1) «Волгада» (Валежниковнинг болалик чоғи) деган пьесада Некрасовнинг ўз ёшлик вақти тўғрисидаги ўз хотиралари ҳам борлиги ҳаммага аён.— Бир кун Некрасов ўзининг ёшлик вақтини ҳикоя қиларкан, ёш болалик чоғида эшитган бурлакларнинг гапини менга айтиб бергандан кейин, мен бир шеър ёзмоқчиман, шу шеъримда ана шу хотирамдан фойдаланмоқчиман, деб қўшиб қўйди.— Орадан бир мунча вақт ўтгандан кейин мен «Волгада» пьесасини ўқиганимда, бу пьесада менга ҳикоя қилиб берилган бурлакларнинг суҳбати ҳеч нарса қўшилмасдан

ёки олиб ташланмасдан жуда аниқ баён қилинганлигини кўрдим; шеър вазнига тўғри келтириш зарур бўлганлиги учун сўзларга баъзи бир ўзгаришлар киритилган; бу ўзгаришлар гапнинг маъносини асло ўзгартмайди ва ҳатто кўп ҳолларда грамматика ва лексика жиҳатидан бундай тузатишлар кўп эмас ва у қадар аҳамиятли тузатишлар ҳам эмас. «Қани, тонг чоғида жоним узилса, агар шундай бўлса яхши бўларди» дейиш ўрнига, — пьесада бундай дейилган:

Қани тонг чоғида жоним узилса,
Бу нарса бўларди янада яхши.

Некрасовнинг менга ҳикоя қилиб берган шу бурлаклар суҳбати тўғрисидаги хотиралари билан пьесадаги сўзлар ўртасида ана шундай беш-олти фарқ бор, холос. Мен пьесани биринчи марта ўқиганимда менинг эшитган сўзларим ҳали жуда аниқ эсимда эди.

2) «Маҳкама эшиги олдидаги мулоҳазалар» деган пьеса тўғрисида шунини айтишим мумкин:

Мовий денгиз мавжи устида
Поёндозлар қолдириб ботиб —
Бораётган кунга боқиб сен... ва ҳоказо.

деган манзара, мункиллаб қолган жекса бир руснинг коляскада (Сицилиянинг эмас) жанубий Италиянинг «мафтун этувчи осмонига боқиб» қуёшда исиниб ўтирганлиги тўғрисидаги жонли бир хотирадир. Бу чолнинг фамилияси — граф Чернишев.

Иккинчи илова:

Пьесанинг охирида бир шеър бор, у шеърни Некрасов мана бу тарзда босиб чиқарган:

Е тақдир қонунга итоат этиб.

Мана шу босиб чиқарилган шеър фақат бошқа бир шеър ўрнига босилган шеърдир, азиз дўстим, агар бу шеър шу дамгача матбуотда босилиб чиқмаган бўлса, уни вақти келиб мендан эшитарсан...

ГУБЕРНИЯ ОЧЕРКЛАРИ

Истеъфо берган надворний советник Шchedрин хотираларидан.
М. Е. Салтиков тўплаб нашр қилган. Икки том. Москва, 1857*

Жаноб Салтиков нашр қилган Шchedриннинг «Губерния очерклари» сингари ҳаммани қизиқтирган ҳикоялар рус адабиётида анчадан буён кўринмай қолган эди. Бу ҳикояларнинг ҳаммага жуда манзур бўлганлигининг асосий сабаби ҳар бир кимсага равшан. Бу ҳикояларда жуда кўп ҳақиқат бор — жуда чин ва жуда муҳим ҳақиқат бор.

Рус жамиятининг бу ҳақиқатни жуда маъқуллаганлиги ва унга жуда зўр эътибор берганлиги рус жамияти учун жуда шарафли бир нарса эканлиги тўғрисида гапириб ҳам ўтирмаймиз. Жуда тез ёмонотлиқ бўлишга сазовор бўлган жамиятимизда ҳалол фикрнинг ҳукмрон бўлиб қолганлигини кўрсатадиган бу умумий туйғунинг ўз ватанини севадиган ҳар бир кишини хурсанд қиладиган бир нарса эканлиги тўғрисида ҳам гапириб ўтирмаймиз. Буни ҳар ким тушунади.

Надворний советник Шchedриннинг айтган ҳақиқат сўзлари, жуда кўп ҳолларда жуда аччиқ-аччиқ қилиб айтилган бу ҳақ гаплар ёмон тегадиган бироз кишиларнинг қаттиқ ҳужумига учрамади, ҳолбуки бундан йигирма

* Революциядан илгари еттинчи даражали чиновниклик унвони.

ва ўн беш йил илгари «Ревизор» билан «Ўлик жонлар»¹га жуда қаттиқ ҳужум бўлган эди. Демак, турмушнинг берган сабоғи биз учун бекорга кетмабди; демак, яқингиналарда сурбетлик қилиб, ҳақиқат зарарли бўлиши мумкин, хушомадгўйлик ва алдамчилликни ҳақиқатдан афзал кўриш керак, деб айтган кишилар йўқ бўлиб кетибди, ёки улар ҳозир ўзларини кучсиз одамлармиз деб биладиган бўлиб қолибдилар. Ҳақиқатга душман овозларнинг бундай заифлашиб бориши кейинги йиллардагина маълум бўлган тасодифий бир ҳол эмас, тасодифий бўлганлиги туфайли тағи бўш ҳодиса эмас; билимсизликни ва ўзига бино қўйишни қувватлашни ўзлари учун энг фойдали бир нарса деб билган адабий аристархларнинг* кучи ва кеккайиши тобора камайиб борганлигини йилдан-йилга кўриб бориши мумкин. Пушкиннинг дўстларидан (князь Вяземский танқид соҳасида буларнинг намояндаси эди) ва «Телескоп»да ёзиб турган бир қанча ёшлардан бошқа ҳамма журналлар «Ревизор»га ҳужум қилган эдилар. «Ўлик жонлар»ни жуда хурсанд бўлиб кутиб олган журнал орадан беш йил ўтгандан кейин халойиқ назарида шубҳасиз жуда обрўли бўлиб қолган эди². Лекин журналистикамизнинг кўпчилиги яна Гоголни ёмонотлиқ қилди. Орадан яна беш йил ўтгандан кейин жаноб Тургенев «Бурмистр», «Контора», «Малиновая вода», «Бирюк» ва бошқаларни босиб чиқарганда халойиқнинг кўпчилигигина эмас, ёзувчиларнинг кўпчилиги ҳам Тургеневни жуда қўллаб-қувватлади. Лекин ҳали ҳам жуда кўп кишилар овозларини қаттиқ чиқариб жаноб Тургенев ҳикояларига қарши чиқдилар³. Энди бўлса, агар бирор киши бир нарса демоқчи бўлса ҳам, жаноб Шchedрин «Очерклари»га жон бағишлаб турган ҳақиқат руҳига қарши ҳечким ботиниб бирор нарса деялмай қолди. Бундан ўн йил илгари жаноб Григоровичнинг «Қишлоқ» деган асари босилиб чиққанида автор кўп таъна-маломатларга учраб қолган эди. Лекин шундан етти йил кейин унинг «Балиқчилар» деган асари дунёга келганда, унинг бу асарига норозилик билдиришгэ ботинганлар жуда оз бўлди, орадан яна уч йил ўтгач, ўтган йил у «Муҳожирлар» деган асарини ёзганида ҳечким муҳожирлар тўғрисида ёзиш керак эмас ёки бошқачароқ ёзиш мумкин деб айтишга ҳам ботина олмай қолди⁴.

* Аристарх — Тирноқ орасидан кир излайдиган жиддий танқидчи (эрамиздан олдинги II асрада ўтган грек олими номидан).

Жамиятимизда ва ёзувчиларимиз ўртасида ҳақиқат тарафдори бўлганларнинг тобора кучайиб бораётганлигини ва ҳақиқатни кўришга кўзи йўқ кишиларнинг тобора кучдан қолаётганлигини тасдиқлаш учун шу мисоллар ҳам кифоя қилади. Қизиқадиган киши бўлса беллетристикамизнинг ҳар бир ажойиб воқияси тўғрисида халойиқ ва журналларнинг муҳокамасини эсга олиб, мамлакатимизнинг фаровонлиги учун ҳақиқат зарур деган ишончнинг йилдан-йилга кучайиб борганлигини кўздан кечириб бориши мумкин.

Биз бу ажойиб фактни эслаб ўтяпмиз, холос, лекин унга тўхталаётганимиз йўқ, чунки бу нарса ҳозир ҳар бир кишига аён бўлиб қолди. Ҳечким шубҳаланмайдиган нарсани исбот қилиб ўтиришнинг фойдаси йўқ.

Агар ўз тўғримиздаги ҳақиқатни билиш биз учун зарур эканлиги ҳозир ҳаммага аён бўлиб қолган бўлса, агар ҳақиқатни баён қиладиган ёзувчиларни маъқуллайдиганлар жуда кўпчилик бўлиб, илгари ҳақиқатга қарши бўлганлар илгари ноҳақ душманлик қилганликларига иқдор бўлсалар ёки ўзларининг ноҳақ ишларини ҳимоя қилишга ботинолмай қолган бўлсалар, лекин ҳақиқатни айтганлиги учун ҳамма маъқуллайдиган асарларнинг жуда муҳим маънисини бор деган фикрга ҳамма ҳам қўшилавермайди. Гоголь, жаноб Тургенев, жаноб Григорович, жаноб Шchedринининг тасвирлаган фактлари тўғри ва жамиятимизга фойда келтириш учун бу фактларни жамоат фикри ҳукмидан ўтказиш керак, деган таклифга ҳамма қўшилади. Лекин силлогизм* қонун-қоидаларига ёт бўлган, муайян ахлоқий сентенциялардан** иборат хулосаларга ёт бўлган беллетристик форманинг моҳияти кўп китобхонларнинг дилида, Гоголь очиб берган йўлдан боручи ёзувчиларнинг асарларини ўрганганимизда ундаги шахсларга қандай туйғу билан қараш лозим, деган шубҳа туғдиради; Порфирий Петровичлар, Иван Петровичлар, Фейерлар, Пересечкинлар, Ижбурдинлар ва ҳоказоларга нафрат кўзи билан қараш керакми ёки уларга ачиниш керакми деган шубҳа туғдиради^б; уларни ўз табиатига кўра ёмон кишилар деб ҳисоблаш керакми, ёки уларнинг ёмон

* Силлогизм (грекча) — формал логикада хулоса чиқаришдири, бунда илгари белгиланган далиллар деб аталадиган икки мулоҳазадан хулоса деб аталадиган учинчи мулоҳаза чиқарилади

** Сентенция (лотин) — қисқа ахлоқий ҳикматли сўз.

лик сифатлари уларнинг хоҳишидан ташқари бошқа ҳолатлар натижасида пайдо бўлган, деб ҳисоблаш керакми, деган шубҳа туғдиради. Жаноб Шchedриннинг «Губерния очерклари» сингари асарлар тўғрисида журналларда берилган баҳоларга ва ҳарбиримиз жамиятда бир неча марта эшитган гап-сўзларимизга қараб ҳукм қилганда, халойиқнинг жуда каттагина қисми, эҳтимол кўпчилиги биринчи фикр томонида туради деб айтиш керак. Надзорний советник Шchedринга «ўтмиш замонлар» тўғрисида ҳикоя қилиб бераётган подьячий* шу «ўтмиш замонлар»да ҳамма нарса ёпиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетганлигидан, порахўрлар ҳеч қандай таъқибдан қўрқмай жуда бойиб олганлигидан гапириб беради; у Иван Петровичнинг виждонсизлигидан завқланади ва, ўзим ҳам бу ажойиб уста порахўрнинг ёмон шерикларидан эмас эдим, деб анча фахрланиб ҳам қўяди. Бу ҳикоячи подьячий қисман маъқуллаётган, қисман ўзининг қилган кирдикорлари ҳар бир ўқимишли ва ҳалол кишига жамият учун зарарли, қабоҳат ва жиноят бўлиб кўринади; бу кирдикорлар туфайли қўзғалган ғазаб туйғуси жуда осонлик билан шундай қилган ёки шундай ишни маъқуллаган кишини маънавий жиҳатдан қоралаш туйғусига айланиб кетади ва «Губерния очерклари»дан завқланувчи кишиларни жуда аблаҳ, ҳеч виждони йўқ киши экан, деб айтади. Баъзи бир кишилар, бу подьячий ҳатто фирибгарликдан ва ифлос жиноятлардан роҳатланади деб айтиши ҳам мумкин; у бу фирибгарликлардан фақат наф кўриш билангина қаноатланмасдан, унинг кўнгли ҳам шундай фирибгарликларни тусаб туради, деб айтиши мумкин. Унинг ўз тўғрисида шундай фикр туғилишига ўзи сабабчидир, у тўғридан-тўғри у замонларда мен мақтаётган кишилар кўп пул олиб эмас, балки фирибгарлик йўли билан пул топиб, жуда роҳатланар эди, дейди. «Бизнинг вақтимизда мана шунақа кишилар бор эди,— дейди у:— бу кишилар дағал порахўрлар ёки катта йўлда қароқчилик қилувчилар эмас эди, йўқ, аматёр** одамлар эди, дейди. Бизга пулнинг ҳам кераги бўлмас эди, чунки пулнинг ўзи келиб ҳамёнимизга тушиб турарди; ўйлаб бир режа туз-

* Подьячий — маҳкама хизматчиси, ҳукумат маҳкамасидаги мирза ва иш юритучи, дьякнинг ўринбосари.

** Аматёр (французча) — бирор нарсани яхши кўрадиган, унга жуда кўнгли қўйган киши.

санг бас эди, кейин шу режангни ишга солаверар эдинг. Утакетган фирибгар эмас, шунчаки пулни яхши кўрган-лигидан пора олиб турган ҳамкасабалардан бирини бу подъячий фирибгарликнинг лаззатини тушунмайдиган тентак деб, ёмонотлиқ қилади. «Биз чиновниклар Фейерни яхши кўрмас эдик— дейди у:— унинг ҳамма ишлари анчайин ишлар бўларди: сурбетлик қиларди, дағаллик қиларди — бўлган-тургани шу. Бундай хизматда қандай лаззат бўлар эди дейсиз!» Қаранг, у ўзини ёмонликни шу ёмонликдан келадиган фойда учунгина яхши кўрмасдан, шу ёмонликнинг ўзи учун ҳам яхши кўрувчи шайтондай қилиб кўрсатади. Яна бир мисол келтирамиз: савдогарлардан Палахвостов, Ижбурдин ва Сокуровлар ўз ишлари тўғрисида муҳокама қиладилар. Улар тўғридан-тўғри савдогарликнинг чўти фирибгарлик бўлиши керак, дейдилар. Улар Петербургга ғаллани сувдан олиб келганда кўп вақт кетишини ва ортиқча чиқим бўлишини айтиб зорланадилар; лекин, темир йўллар савдо ишларимизни бу оғир қийинчиликлардан қутқаради, деган гапга улар тўғридан-тўғри: «Чугунка бизни хонавайрон қилиши турган гап. Бу нарса (темир йўл қуриш) ўзимизни сиртомққа солиш билан баббаравар. Буларнинг ҳаммасини юртимиз душманлари бизни йўлдан оздириш учун ўйлаб чиқарган. Тузук савдогар ҳеч вақт бундай ишга кўнмайди, ҳатто бу тўғрида гапириб ҳам ўтирмайди, бунинг сабаби шуки, буларнинг ҳаммаси ўзингга ўзинг қарши чиқиш билан баравар» деб жавоб қайтаради. Нега шундай? Шунинг учунки, товарлар темир йўл билан ташилса, ҳисобда ишчиларнинг ҳақидан уриб қолишга ҳам, Волгада кема чўкиб кетди ёки тўхтаб қолди, деб айбни Волгага қўйиб, мол етказиб бериш контрактларини бузишга ҳам имкон қолмайди. Савдо ишлари жуда жонланиб ва кенгайиб кетади, савдо ишларидан кўпроқ фойда чиқадиган бўлади,— буни исбот қилиб ўтиришнинг кераги йўқ; шундай бўлса ҳам темир йўллар Ижбурдинга ва шерикларига ёқмайди, чунки фирибгарлик қилишга имкон қолмайди. Булар шунчаки яккаш ўз фойдасини кўзлайдиганлар бўлмасдан, ёмонликнинг ўзи учун ёмонликни яхши кўрувчи, ёмонлик уларнинг ўзига зарарли бўлган тақдирда ҳам, шу ёмонликни яхши кўрувчи кишилар эканлиги равшан эмасми? Шчердин тасвирлаб берган бошқа кишиларнинг ҳаммаси ҳам худди шундай деса бўлади. Буларнинг ҳаммасини деярлик кўп китобхонлар ич-ичини маънавий қурт

босиб чириб кетган, ҳеч қандай одамлик ҳислари қолмаган кишилар деб билиши мумкин ва ҳақиқатан шундай деб биладилар ҳам,— одамга эмас, кўпроқ вампирларга ёки иблисларга ўхшайдиган ифлос олчоқлар ва фирибгарлар деб биладилар. «Губерния очерклари» ва адабиётимизнинг бошқа шунга ўхшаш асарларидан, Гоголь замонидан бошлаб жуда кўп кишиларда, Россия устан қараганда одамга ўхшайдиган, лекин ҳамма одамгарчилик сифатларидан, яхшилик ва ҳақиқат тушунчаларидан маҳрум бўлган олчоқлар билан тўлиб кетган экан, деган ишонч пайдо бўлди.

Гоголь ва унинг изидан борган ёзувчилар тасвирлаган кишиларга бундай қарашнинг сабаби ғазабдир, бу ғазабнинг манбаи эса, албатта, олийжанобликдир. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, масалага бундай қараш юзаки қарашдир, деб айтиш керак. Агар Гоголь ва унинг изидан борган ёзувчилар тасвирлаб кўрсатган кишиларнинг кўпчилигига кўпроқ эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бу кишилар устидан жуда қаттиқ ҳукм чиқаришдан воз кечшимиз лозим бўлади. Биз уларни нияти яхши кишилар деб аташимиз мумкин бўлмайди. Ҳақиқатан улар жуда кўп ёмонлик қиладилар, жуда кўп ёмон одатлари бор, жуда кўп бемаза қоидаларга амал қилишади, лекин шундай бўлса ҳам, бу кишиларнинг кўпчилигида анча яхши туйғулари ҳам борлигини инкор қилиш мумкин эмас. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Шchedрин ҳикояларида бизга учрайдиган кишиларга кўпроқ эътибор билан қараб кўрайлик. Биз бунга синаш учун унинг «Губерния очерклари»ни мисол қилиб оламиз, чунки Шchedриндан олдин ўтган ёзувчиларнинг биронтаси ҳам турмушимиздан олинган манзараларни бундан кўра қорароқ бўёқлар билан бўяб кўрсатган эмас. Ҳеч ким (агар дабдабали ибораларни ишлатадиган бўлсак) бизнинг ижтимоий нуқсонларимизни унчалик аччиқ сўз билан савалаган эмас, жамиятимиз тантанасидаги маразларни бизга у каби бераҳмлик билан очиб кўрсатган эмас. Унинг биронта ҳам кўнгил очадиган ёки енгилгина қилиб айтилган ибораси йўқ, унда Гоголнинг «Қоляска»сига ёки «Судланиш», ёки «Малайхона» деган асарига ўхшайдиган бутун бир очерк у ёқда турсин, ҳатто бутун бир ҳикояси ҳам,— ғамгин ҳис билан тўлиб-тошмаган икки сатрлик нарсаси ҳам йўқ. У кўпроқ алам ва ғазабни куйловчи ёзувчидир. Бизни энг оғир фикрларга, энг ғамгин хулосаларга олиб бора оладиган беллетри-

стимиз бўлса, у ҳам Шchedриндир. Хуллас, агар биз у тасвишлаб берган кишиларнинг кўпчилигининг турмушига кўпроқ диққат қилиб назар ташлайдиган бўлсак, улар тўғрисида чиқарадиган хулосаларимиз қандай бўларкин.

Ҳар бир жамиятда кўнгли қора, ва нияти жуда разил кишилар бўлади. Қаҳрамонлар юрти бўлган қадимги Римда ҳам қўрқоқлар бор эди, ҳалоллик жиҳатидан классик мамлакат бўлган Германияда ҳам маккор, виждонсиз кишилар бор. Англияда ҳам бор, Қўшма Штатларда ҳам бор. Бизнинг жамиятимизда ҳам бундай кишилар бор. Шchedрин тасвишлаб кўрсатган кишилар ўртасида ҳам шундайлар учрайди. Масалан, Чичиков оиласидан бўлган Порфирий Петрович шундайлардандир, лекин унинг Павел Иванович Чичиковдан фарқи шуки, у Павел Иванович сингари юмшоқ кўнгли ва диёнатли киши эмас ва Павел Ивановичдан кўра кўпроқ ҳар хил ифлосликлар қилган киши; масалан, бу ажойиб оиланинг онаси Мария Ивановна Размановская шундайлардан; Шchedрин шаҳар тюрьмасида учратган жиноятчилардан икки-учтаси ҳам шундайлардан; «Шумлар» деган сарлавҳали очеркда биз монологини ўқиган олифта ва ўқимишли, номсиз жаноб ҳам шундайлар жумласидандир; китобхон Шchedриннинг китобини бошидан охиригача ўқиб чиққанда ҳам бундан аблаҳроқ бир кишини топа олмайди. Бу кишиларни ҳимоя қилишнинг кераги йўқ. Улар ҳақиқатан ёмон ва мақташга арзимайдиган кишилар. Лекин Шchedрин тасвишлаб кўрсатган кишилар ичида булар жуда озчиликни ташкил қилади, улар жамиятимизда ҳам ҳақиқатан жуда озчиликдир. Бошқа кишилар ундай эмас: уларда сиз ёмон сифатлари билан бир қаторда бизни уларнинг шахсига илтифот билан қарашга мажбур қиладиган баъзи бир хислатлари ҳам борлигини кўрасиз. Уларнинг турмушидаги ҳолатлар ва улар ўсиб яшаб турган иллатли муҳит туфайли уларнинг маънавий кўтаҳлиги уларнинг ёмон қилиқлари ва урф-одатларини кечиринишга мажбур қилади. Улар кўпинча яхши билан ёмонни фарқ қила билмайдилар, кўп ёмон нарсаларнинг ёмонлигини тушунмайдилар; лекин бирон нарсанинг ёмонлигини тушунсалар, уни қилмасликка ҳаракат қиладилар; улар шундай ёмон ишлардан қайтадилар, ундан ҳазар қиладилар; агар борди-ю, ўз характерларининг заифлиги туфайли ё хато қилиб, ёки бирон мушкул аҳволга тушиб қолиб бир ёмон иш қилиб қўйсалар ва бунинг ёмонлигини илгари ҳам билган

бўлсалар, улар шу қилган ишлари учун ўзларини-ўзлари койийдилар ва астойдил хафа бўладилар. Бундай кишиларни кўнгли ёмон деб бўлмайди. Бундан ташқари, уларнинг ҳатто баъзи бир олийжаноб ва юксак ғоялари ҳам йўқ эмас. «Нима деяпсиз? Ўтмиш замонлар тўғрисида ҳикоя қилиб берган подъячийнинг ёки Ижбурдин ёки уларнинг шерикларининг ёмон томонлари билан бирга, баъзи бир кечирса бўладиган хислатлари ҳам бор демоқчи бўласизми — деб айтиши мумкин, уларни мутлақо ёмонга чиқариб қўйган китобхон.— Сиз, бу кишилар ҳалол иш қиладиган бўлиб тўғри йўлга кириб кетиши мумкин деб ўйлаяпсизми, ҳали сиз бу кишилар яхши ниятли кишилар бўлиб кетиши мумкин деб ҳам айтарсиз: бу жуда ҳам катта кетиш эмасми?» — дейдилар. Буниси-ни ҳали кўрармиз. Лекин ҳаммадан аввал шуни эслатиб ўтмоқчимизки, уларнинг нуқсонларини яхшига чиқармоқчи ҳам эмасмиз, ёки уларнинг нуқсонларини кечирмоқчи ҳам эмасмиз, бу нуқсонлик кишилар ҳам ҳали одамгарчилик қиёфасини тамомила йўқотганлари йўқ, бошқа шароит бўлганда бу кишилар ҳам ёмон одатларини ташлаши мумкин деяпмиз, холос.

Масалан, ўтмиш замонлар тўғрисида ҳикоя қилувчи подъячийнинг турмушига ва унинг ҳикоясидаги вазиятларга яқинроқдан назар ташлаб текшириб кўрайлик, шунда биз, эҳтимол, унинг аслида дастлаб қарашда кўриниши мумкин бўлган даражада виждонсиз ва беғам одам эмаслигини кўрармиз. У земский судда* маслаҳатчи бўлиб ишлаган, оиласи катта бўлиб, 300 сўм мояна олиб турган. Ўз-ўзидан маълумки, бутун бир оилани боқиш учун бу пул етмас эди. Агар биз турмушдан узиб қўйилган тушунчаларга қараб ҳукм чиқармоқчи бўлсак, албатта, у ҳар хил ҳалол иш қиладиган корхоналарда ишлаб, етишмаган пулини ўша ерда топиши мумкин эди, деб айтиш лозим бўлади. У бирон касб билан шуғулланиши мумкин эди.

Шундай-ку-я; лекин буларнинг ҳаммаси паст иш деб ҳисобланади, агар у шундай иш билан шуғулланадиган бўлса, жамият бу маслаҳатчини жуда ёмонотлиқ қилиб қўяр эди. Бир киши ўз тушунчалари жиҳатидан ўсиб-унган ва яшаб турган жамиятидан юқори турмаса, ёки жами-

* Земский суд — 1862 йилда бекор қилинган уезд бошқармасининг полиция тергов ва суд органи. Маслаҳатчи — сословиенинг муассасадаги, идорадаги сайлаб қўйган вакили.

ятдаги хурофотларга қарши иш қилишда ғайрат билан ҳаракат қиларли даражада мустаҳкам ирода эгаси бўлмагани учун бундай кишини ёмонлик қилиш мумкинми? Подъячийнинг бошқа ишлар билан шуғулланишига йўл қўймаган нарса фақат мутаассибликмиди? Йўқ, бундай ишлар унинг учун хавфли бўлар эди: унинг хизматига зарар келтирар эди. У тўғрида, у фақат хўжа кўрсинга хизмат қиляпти, ўз касбини бу хизматидан афзал кўради, деб ўйлар эдилар, шу билан у тез орада тузалмас, овсар одам деган ном чиқарар эди. Бу нарса унинг юқорироқ хизматга ўтишига халақит берарди, эҳтимол, ишлаб турган хизматидан ҳам маҳрум бўлишига сабаб бўларди. Хуллас, бу одам аввало чиновникдир, у ўзининг хизмат карьерасини ҳаммадан ҳам кўпроқ қадрлаши лозим. У киши хизмат карьерасига зарар келтириши мумкин бўлган иш билан шуғулланишига ботина олмаган экан, шунинг учун уни ёмонлик қилиб бўладими? Бундан ташқари, унинг бошқа бирон касб билан шуғулланишига имкон бормиди? Бирон касбни ўрганиш лозимлиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ, ҳолбуки у ҳеч нарсага ўрганмаган эди. Лекин бошқа бир шароитни олиб кўрайлик. Саноатчига харидорлар керак, лекин у харидорларни қаердан топсин? Ҳозир цех ҳунармандлари ва савдогарлар молга бўлган эҳтиёжни таъмин қилиб турипти. Шундай бўлгандан кейин, саноатчи ишлаб чиқарган молларига харидор топа олмайди ёки зарарга сотишга мажбур бўлади. Демак, земский суд маслаҳатчисининг ўз оиласини боқиш учун бирон савдо ёки саноат ишларидан ёрдам қидириши жамият назарида яхши эмас эди, хизмати учун зарарли эди, иқтисодий жиҳатдан зарар кўрар эди ва, ниҳоят, ўзининг тайёргарлиги бўлмаганлиги учун унинг бундай ёрдам қидиришига имкони ҳам йўқ эди. Шундай бўлгандан кейин, хусусий ишлар юзасидан воситачи бўлиб олса, бунинг нимаси ёмон? Бунда яна амалий жиҳатдан мумкин эмаслиги тишга тегар эди. Майда-чуйда ишлар юзасидан воситачилик қилиш асло фойда келтирадиган иш эмас, чунки Ризположенский (Жаноб Островскийнинг «Қўйнидан тўкилса қўнжига» деган комедиясидан) ва Перегоренский каби («Губерния очерклари»дан) хизматдан бўшаган уезд чиновникларининг кунни қандай ўтаётганини биламиз. Уларнинг бирдан-бир кўз тутиши мумкин бўлган мукофоти бир неча рюмка ёки стакан арақ бўлади: бу билан бирон ишда гумашталик қилучи-

нинг турмуши яхшиланиб қолмайди. Бизнинг ўтмиш замонлар тўғрисида ҳикоя қилувчи воситачимизга муҳим иш топширилмайди, бунинг учун уезд чиновниги ёки губерния маҳкамасида идора бошлиғи бўлиб ишлайдиган чиновникдан каттароқ агентни ёллайдилар, лекин бунда энг муҳим нарса биз Гоголь ва унинг изидан борган ёзувчиларнинг асаридан жуда яхши билиб олган одатдир. Бирон ишга манфаатдор бўлган кишилар, иш кимнинг қўлида бўлса, энг яхшиси ўз дардингни тўппа-тўғри шу кишига айтишинг керак деб биладилар ва бошқа бирон киши орқали илтимос қилишни ўзлари учун бефойда деб ҳисоблайдилар. Бизнинг провинциялардаги урф-одатларимиз шундайки, адвокат тутиш мутлақо ортиқча бир нарса. Уларнинг маслаҳатидан шу ишни олиб бораётган чиновниклар хизматининг ҳеч камлик ери йўқ, бу чиновниклар судлашувчи кишига доим яхши маслаҳат бериб турадилар: улар ишни қандай бошлашни, қандай олиб бориш кераклигини, судлашувчининг ютиб чиқиши учун қандай қонуиларга суяниши лозимлигини, қандай воситалардан фойдаланиши лозимлигини тушунтириб берадилар,— шундай бўлгандан кейин, бу иш билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кишиларни воситачи қилиб олишнинг нима кераги бор?

Шундай қилиб, бизнинг подъячийимизнинг ўз даромадини ошириш учун бошқа чораси йўқ эди. У ўзининг ҳамма даромадларини фақат ўз вазифаси туфайли бажарадиган ишларидан чиқариб олиши лозим эди. У бошқаларнинг нима қилаётганлигини кўрди-да, мен ҳам шундай қилишим керак экан деган фикрга келди. Бировнинг қилганини қилиш жуда табиий бир нарса, демак, бошқалар нима қилса шундай қилган кишига ҳеч ким таъна қилиши керак эмас. Ҳамманинг одат қилган нарсаси яхшими, ёмонми,— ҳар ҳолда шундай қилувчи кишининг ҳар қандай хизматини ёки гуноҳини шу одат йўққа чиқаради. Лекин ҳамманинг одат қилган нарсаси шу одатга амал қилувчи айрим кишининг гуноҳини *афв этади* деб айтиш кифоя қиладими? Одат деган нарса ҳеч вақт сабабсиз бўлмайди; одат ҳамма вақт тарихий ҳолатларнинг зарурий кучи туфайли дунёга келади. Агар ўтмиш замонлар тўғрисида ҳикоя қилиб берувчининг шериклари ва улардан илгари ўтган шундай кишилар азалдан унга ўхшаб ёмон одатга бўйсуниб келган экан, уларнинг бу одатини ташлашига йўл қўймаган қандайдир шарт-ша-

роит бўлган экан деб ўйлаш лозим бўлади. Ҳикоячи подъячийнинг ўзи бизга бу шарт-шароитлардан бирини кўрсатиб беради. «Худди онамизнинг қорнида яшагандай яшар эдик,— дейди у.— Йилда бир марта губерния шаҳрига бориб олий ҳимматларга совға-салом бериб қайтиб келар эдик, шу билан тарала бедод қилиб юра берар эдик». Бошқа бир жойда, Городничий Фейер тўғрисида ҳикоя қила бошлаб, у: «Бошлиқларимизнинг ҳаммаси уни жуда хуш кўрар эди, чунки у ўз билигича ҳеч иш қилмас, ҳамма топшириқларни жуда ўринлатиб бажарар эди; унга, ўзингни балчиққа ташла десалар, ўзини балчиққа ҳам ташлар эди, имконсизликдан имкон топарди, қумдан арқон эшарди-да, у билан бирон кишининг бўйнига бошлаб сиртмоқ соларди» дейди. Бошқача қилиб айтганда: ҳар бир ижтимоий мансаб кишига маълум ҳуқуқлар бериш билан бирга, унинг зиммасига маълум вазифалар ҳам юклайди. Қимки ўз мансабида шу мансабининг зиммасига юклаган вазифаларини бажаргиси келмаса ёки бажара олмаса, у киши шу мансабидан ҳам маҳрум қилиниши лозим. Бунда ҳеч қандай адолатсизлик йўқ.

Биз яна ўзимизнинг ўтмиш замонлар тўғрисида ҳикоя қилувчи кишимизга қайтамиз. Биз, агар у ҳамманинг одат қилган нарсасига бўйсунмаганда эди, унчалик ҳақ бўлмас эди, деб гапириб ўтдик. Бизнинг сўзларимизни китобхонлар сохта маънода тушунмаслар деб умид қиламиз. Баъзи бир одатларнинг баъзи бир зарарлари бўлишига ва уларни ақл билан ўзгартириш лозимлигига шубҳаланмаймиз. Биз фақат ҳамманинг ҳам умум томонидан қабул қилинган одатларга қарши чиқиши тuzук иш бўлавермайди деб айтиб қўймоқчимиз, холос. Жуда кичкина бир мисол келтирамиз. Бизда расм бўлган кийимни мисол қилиб оламиз. Фрак — ноқулай ва келишимсиз костюм. Уни сюртук, пальто ёки бирон шунга ўхшаган костюм билан алмаштириш керак эди. Агар модалар тарихида машҳур бўлган д'Орсе ёки Бруммель сингари кишилар фракка жуда қарши чиқмоқчи бўлиб, балларга сюртуқларда кела бошласалар эди, уларнинг бу ишининг модага таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Лекин энг яхши жамият деб аталган жамиятга фақат бировларнинг марҳамати соясидагина кира оладиган бирон Иванов, Петров ёки Шапошников шундай қилмоқчи бўлса, бунинг натижалари қандай бўларди? У балга сюртук ёки пальтода келиб кўрсин-чи — уни ҳамма нодон

дерди; унинг таниш-билишлари секин ёнига келиб, расво кийим кийиб келибсан-ку, секин кўздан йўқол, деб ишора қиладилар ва агар унга дўстлик қилиб шивирлаб айтилган бу маслаҳатга қулоқ солмаса, у вақтда бошқа кишилар тамомила бошқа оҳангда шу сўзларни такрорлайдилар. Жанжал чиқади, уй эгаси уятга қолади, бу ерга тўпланган бутун жамият учун, жаноб Иванов, Петров ёки Шапошниковлар айниқса уялиб қолади. У ҳар қанча усталик ва донолик қилиб, ўзини оқламоқчи бўлса ҳам, нияти ҳар қанча тўғри бўлса ҳам, у бари бир бу жамият-ни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади, чунки бу жамиятнинг урф-одатини ҳақорат қилди, унинг тинчлигини бузиб ғазабини кўзгатди. Кейинчалик у, яхши иш қилмабман, деб шу ишига астойдил пушаймон бўлса ҳам, шу дамгача унга қилинган илтифотларни яна ўрнига қўйиши осон бўлмайди, энг яхши жамиятга яна кира олиши осон бўлмайди. Агар у ўзининг шу ишида қаттиқ туриб, ҳамма фрак кийиб кирадиган жойга сюртук билан борадиган бўлса, бундай йиғинлардан умрбод ҳайдалади ва жамоат фикри уни ҳаммага, томонан адолат юзасидан, бирон тузук жамиятга аралаштириб бўлмайдиган одам, деб эълон қилиб қўяди. Жаноб Иванов ёки Петровнинг шундай пачаваси чиққан ва кишига ярашмайдиган бу ишидан ўрناق оладиган бирон киши ҳам топилмаслигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак; бу иш эсдан чиқмагунча, жамиятдаги вазияти жиҳатидан Петров ёки Ивановга ўхшаган ҳар бир киши бошига фракка қарши чиқиш фикри келди дегунча ваҳимага тушадиган бўлиб қолади.

Биз шундай бир ишни мисол келтирдикки, бу ишни бажаришда урф-одатдан бошқа ҳеч қандай тўсиқлик бўлмайди. Лекин фрак ва сюртук масаласи каби бундай майда-чуйда тамоман расмий масалаларда одатнинг муҳим ҳақиқий асослари бўлмайди. Бирон ҳаётий масала салгина яхши ёки ёмон маънога эга бўлди дегунча, бу масалани умуман одатдагидай ҳал қилиш албатта турмушдаги бирон муҳим фактларга асосланган бўлади.

Азалдан буён давом қилиб келаётган одатимизни — йўлга чиққанда ўзимиз билан жуда кўп ҳар хил озиқ-овқат олишимизни мисол келтирайлик. Аравага бир талай нон, қовурилган ғоз ва бошқа шу каби нарсалар юкланган бўлади. Киши жуда ноқулай аҳволга тушиб қолади. Аравага сиқилиб ўтириб олган йўловчи ўзини ноқулай

сезади, у ёқ-бу ёққа қайрилиб қараш ҳам қийин бўлиб қолади; суянмоқчи бўлса тирсаги мураббо ёки тузлаган бодринг солинган банкачаларга тегади, оёғини узатай деса, ифлос этиги билан тустовуқ ёки сомсани эзиб қўяди. Кишда бир кундан кейин ҳамма овқат музлаб, мазаси ҳам ўзгариб қолади, ёзда ҳидланиб кишининг димоғига қўланса ҳид келабошлайди. Буларниг ҳаммаси тўғрику-я, лекин нима қилиш керак? Йўлда бир бурда оқ нон топиш маҳол бўлгандан кейин, ўн дона тухум ёки бир хурмача қатиқ ҳамма ерда ҳам топилавермагандан кейин, шу хилда овқат ғамлаб олмасдан йўлга чиқишнинг иложи борми?

Кўрдингизми, йўловчининг эски одати қандай ноқулайликларга сабаб бўлишини унга тушунтириб ўтириш кифоя қилмасди. Эҳтимол, сиз айтмасангиз ҳам, бу ноқулайликларнинг ҳаммасини ўзи ҳам сиздан яхшироқ билса керак; шундай ҳам барча одамлар биладиган ва ҳаммага аён бўлган шу ноқулайликларни исбот қилмоқчи ва кўрсатмоқчи бўлганингизни кўриб, у ҳатто сиздан кулса ҳам, эҳтимол. Бунда бирон бошқа чора кўриш лозим. Кўп йўлларда ҳозир шундай бошқа чоралар кўрилади ҳам: яхши-яхши меҳмонхоналар қурилган; кўрдингизми, бу йўлларда, шоирлар, романнавислар, философлар ва филантропларнинг* ҳеч қандай қаршилигисиз, уйдан жуда кўп овқат олиб йўлга чиқиш одати ё тезлик билан йўқолиб бормоқда ёки тамомила йўқолиб кетган. Бунга яна бир нарсани қўшиб кетиш керак. Меҳмонхоналар ҳамма ерда худонинг амри билан, Ивановнинг илтимоси билан қурилгани йўқ; кўп жойларда меҳмонхоналар маъмуриятнинг донологи билан қурилди ва шу маъмуриятнинг кўрсатган яхши ёрдами юртимизда саёҳат қилиш усул ва одатларимизни яхшилашга асос бўлди.

Бизнинг эскиликларни жуда ҳам ҳимоя қилиш ниятимиз йўқ, лекин эски урф-одатларга амал қилмайдиган кишилар деб аталувчилар мутаассибликдай бўлиб кўринадиган одатнинг қаердан келиб чиққанлигини ҳамма вақт яхшилаб текшириб кўрмайдилар. Масалан, шу ўзимиз билган воқияни олиб кўрайлик. Сабр қилиб мақоламизни шу бетигача ўқиб келган кўп кишилар бундай деса керак: «Ҳар ҳолда, подъячийни яхшига чиқариб бўлмайди. Агар у ўз амалини қатъий ахлоқ тушунчаларига риоя қилиш

* Филантроп (грекча) — хайр-эҳсон қилувчи.

билан бирга қўшиши мумкин бўлмаган экан, у нега шу амални танлаб олди. Дунёда ҳалол кишини турмуш роҳатини ҳам тотиб кўриши учун маблағсиз қолдирмайдиган бошқа ҳалол ишлар ҳам кўп. Подъячий ўз амалини бошқа ҳар қандай ишдан афзал кўришга мажбур қиладиган хурофотларга берилиб кетган». Бу хурофот фақат биздагина мавжуд эмас. Франция билан Германияда ҳам бу хурофот жуда кучли. Бу мамлакатларда ҳам ҳаммиша хурофотга қарши жуда маъқул ва узундан-узоқ далиллар эшитилиб туради. Эсимда бор, бир вақтлар Тьер жуда узундан-узоқ чиройли нутқ сўзлаб, Францияда ёш йигитлар албатта чиновник бўлишни ният қилиб чакки иш қиладилар, деб исбот қилмоқчи бўлган эди. Тьер ўзининг ёш ватандошларига: «Савдогар бўлинг, косиб бўлинг, деҳқон бўлинг.— Менга ишонаверинг, бу касблар сиз учун ҳам фойдали бўлади, ватанингиз ҳам бундан манфаат кўради» деган эди. Кейин у ота ва оналарга мурожаат қилиб, ер ва осмондаги ҳамма муқаддас нарсаларни тилга олиб: ватан ҳурматига, болалар ҳурматига, болаларингизни чиновник қилиб тарбиялаш фикрини миянгизга ҳам келтирманг, ҳеч бир ҳолда бу тажрибасиз қўзичоқларингизнинг фойдали ва шарафли деҳқончилик, саноат ва шу каби соҳалардан четга чиқиб йўлдан озишига йўл қўймангиз, деб уларга панд-насиҳат қилган эди. Яхши ният билан қилинган бу панд-насиҳатнинг заррача ҳам таъсири бўлмади. Бунинг, эҳтимол, сабаби шудирки, фактлар ҳеч қандай панд-насиҳатларга қулоқ солмайди, бошқа фактларнинг кучига бўйсунди, холос. Шунинг учун Франция билан Германияда бошқа ҳар қандай ишдан чиновниклик вазифасини афзал кўриш фақат мутаассиблик бўлмасдан, балки бирон фактга асосланса керак, деб ўйлаш лозим бўлади. Бу фактларни қидириб топиш ҳам қийин эмас, масалан, Францияда яқингиналарда ҳам давлат хизматида бўлган кишиларнинг шахсигина ҳар хил ҳақорат ва хўрликлардан ҳимоя қилинар эди. Қандайдир бир интендант ҳеч арзимайдиган бир нарса учун энг ҳурматли ва бой негодциантни* тюрмага қамаб, уни худди ўз малайи сингари доим хўрлаб юрар эди. Интендантнинг бу иши учун ҳеч кимнинг ундан хафа бўлишга ҳам ҳаққи йўқ эди. Бутун ҳокимият унинг ва унга қаршли кишиларнинг қўлида эди, бинобарин, ҳокимият эгаси

* Н е г о ц и а н т (лотинча) — йирик савдогар.

бўлган бу кишининг ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган кишиларни бошқа, паст насабли кишилар деб қараши жуда табиий бир нарса эди. Насаблар бир-биридан фарқ қилади деган тушунча пайдо бўлгандан кейин, нима бўлганлиги ҳаммага маълум. Паст насабли бўлган кишиларни, албатта, ўзларига тенг деб билиб муомала қилмайдилар. Шимолий Америка Штатларида турли ирқлар ўртасидаги муносабатлар бунинг учун яққол мисолдир: унда оқ танли киши оқ танли киши билан жуда яхши муомалада бўлади, лекин қора танли киши билан тамомила бошқача муомалада бўлади. Бир замонлар Англияда ҳам бошқа ҳамма ишлардан давлат хизматини афзал кўраддилар. Унда бунинг бошқа бир сабаби бор эди, бизнинг китобхонларимиз бунинг қандай сабаб эканлигини Маколей⁶ ҳикояларидан биладилар. Давлат хизматидагиларнинг даромади жуда катта бўлар эди. Англияда XVII аср охирида ўз даромади жиҳатидан Ирландиядаги лорд-ҳоким ёки лорд-президентга бараварлаша оладиган биронга негодциант ҳам, ҳатто биронга ер эгаси ҳам йўқ эди. 5 000 фунт даромад олиб турадиган ер эгалари ёки негодциантлар оз эди; лекин давлат хизматида 5 000 фунт даромад қилинадиган вазифалар кўп эди. Англияда давлат хизматини ҳар қандай бошқа ишдан афзал кўришга асос бўлган фактлар аллақачон йўқ бўлиб кетган. Францияда биз айтиб ўтган муносабатлар ҳали бутунлай йўқ бўлиб кетган эмас, шунинг учун француз жамиятида давлат хизматини бошқа ҳамма ишлардан афзал кўриш ҳали ҳам бор. Умуман шуни айтиш керакки, жамиятдаги мутаассиблик ва нафс деган нарсаларни қувватлаб турган фактлар йўқотилиши билан, улар халқ урф-одати қаторидан чиқиб, дарҳол йўқ бўлиб кетади. Шунинг учун сиртдан қараганда ақлга тўғри келмайдиган ва фойдаси кам бирон одат халқ ичида жуда мустаҳкам ўрнашиб олган бўлса, уни дарров шошилиб шунчаки мутаассиблик оқибати деманг. Аввал бу одатга асос бўлиб турган бирон фактнинг бор-йўқлигини текшириб кўриш керак. Миллий урф-одатларни ёмонотлиқ қилиш жуда осон; лекин айтилган мутлақо фойдасиздир. Таъна қилган билан иш битмайди. Жамият турмушидаги бирон хунук ҳодисанинг сабабларини қидириб топиб, бутун вужудимиз билан унга қарши курашмоғимиз керак. Медицинанинг асосий қондаси: «Сабабини бартараф қилсангиз, касал ҳам йўқ бўлиб кетади» — *sublata cause, tollitur morbus*.

Ўтмиш замонлардаги подъячий хизматга жуда ҳирс қўйганлиги учун уни биз ёмонотлиқ қилмоқчи эмасмиз, бунинг сабаби шуки, агар у ўз хизматини ташлаганда, унинг ўрнини худди шундай аҳволдаги бошқа биттаси эгаллаб олар эди. Демак, гап шундаки, ишнинг асли ўзгармасдан, шахснинг фамилияси ўзгарарди, холос.

Лекин, иккинчи томондан, ўтган замонларда подъячийнинг оладиган моянаси кифоя қилмас эди, деб жуда кўп гап сота бошлайдиган кишиларнинг фикрини асло жуда муҳим фикр деб кўрсатмоқчи ҳам эмасмиз. Франция бунинг учун мисол бўлиши мумкин. Францияда жуда кўпчилик хизматчиларнинг моянаси етарли эмас деб жуда кўп гапириб келдилар ва ҳозир ҳам гапирябдилар, шундай деб гапирганларида энг паст вазифадаги чиновник ҳам жуда катта мояна оладиган Қўшма Штатларни далил келтирадилар. Лекин французлар шуни таққослаб кўрсатганларида, Франциядаги чиновникларнинг Қўшма Штатлардаги чиновниклардан эллик марта кўплигини эсдан чиқарадилар. Бир марта Францияда шу масала устида жиддийроқ ўйлаб кўрмоқчи бўлганларида, Францияда граждандлик хизматида ишлайдиган кишиларнинг сони ярим миллионга яқин эканлиги маълум бўлиб, шунча одамни етарли мояна билан таъминлаш амалга ошириб бўлмайдиган хаёл бўлиб чиқди. Француз бюджети, афтидан, жуда тўғри талабни қондириш учун кифоя қилмаслигини ҳамма кўрди, шу билан ақли расо кишилар француз давлат механизмининг жуда катталиги ва мураккаблиги туфайли бу мамлакат мояна масаласида Қўшма Штатлардаги аҳволдан тамомила бошқача аҳволга тушиб қолган экан, деган фикрга келдилар. Гап шундаки, французларга ёқмай қолган бино деворини ўз билганича ўзгартириш мумкин эмас. Чунки бу девор бинонинг бошқа қисмлари билан туташган.

Биз ўзимизнинг ўтмиш замонлардаги подъячийимиздан яна четга чиқиб кетдик; у подъячий, бирон киши менга: нима қилиб шу хизматингни бирон касб-кордан афзал кўрдинг деб айтиши мумкин деб асло ўйлагани ҳам йўқ эди. Агар бирон киши унга шундай савол берадиган бўлса, бу саволни у бемаъни савол деб топиши турган гап эди, у хизмат қилиб турган шаҳарчадагиларнинг ҳаммаси ҳам бир тан бир жон бўлиб бу бемаъни саволни ҳақиқатан бемаъни савол деб айтишлари турган гап эди. Иш қилиб, бизнинг подъячийимиз хизматини бажариб юравер-

ди ва хизматида ҳаммага расм бўлган қонун-қоидаларга мослашмасдан иложи бўлмади. Энди кўрайликчи, унинг хизмати қандай бўлган экан ва у хизматида ўз виждони-га қарши иш кўрди ёки тарбияланиб ва амал қилиб келган умум фикрини ҳақорат қилиб қўйди деб айтиш тўғримикин. У бегуноҳ бандалардан эмас; лекин шундай бўлса нима бўлибди? Бизнинг ҳаммамизнинг бошимизда ўлим бор, ҳаммамиз ҳам гуноҳкормиз. Ҳамма замонларда ва ҳамма халқларда эзгу ниятли қаҳрамонлар жуда оз бўлган. Тўғри, у пора еб турган. Лекин унинг шериклари ҳам худди шундай қилган-ку, унга берган кишилар ҳам, бирон нарса билан хурсанд қилмасанг, ҳеч ким ҳеч иш қилмаслигини яхши биладиган кишилар эди. Уларнинг ҳаммаси пора олиб туриб ваъдасининг устидан чиқмайдиган ёки жуда алдамчилиги ёки раҳм-шафқат деган нарсани билмайдиган порахўрларнигина ёмон кўрардилар. У бўлса ҳеч бундай одамлардан эмас: унинг саргузаштларини кўздан кечириб чиқайлик. У солиқ йиғиш учун Шарковская областига борди. Қишлоқдагилар солиқ йиғиш лозимлигини биладилар, лекин улар, янги ўриб олган ғалламизни сотиб бўлгунимизча сабр қилинг деб илтимос қилдилар. Бу илтимосга қулоқ солиш-солмаслик унинг иши: солиқни дарров тўланглар деб талаб қилишга унинг ҳаққи бор. Киши бировнинг илтимосини ерда қолдирмас экан, ҳар бир шундай илтимос эвазига шу илтимос қилувчидан бирон мукофот кутишга ҳаққи бор. Деҳқонлар ҳам шундай деб ўйлайди, у ҳам шундай деб ўйлайди? Шу сабабдан ўтмиш замонлардаги подъячий-имизнинг қилган бу илтифоти учун арзигудай мукофот талаб қилиш ҳар иккала томонга жуда табиий талабдай кўринади. Албатта, ҳар қандай битимда тортишув бўлиши сингари, бунда ҳам рақам устида тортишув бўлади. Албатта, мукофот берадиган томоннинг пулдан ажраллишга унча иштиёқи йўқ; лекин бунинг ҳам ҳечқиси йўқ; сирасини айтганда, ҳеч вақт биров бировга хурсанд бўлиб пул бермайди.

Бундай фикрни эшитган китобхон эътироз билдириб, биз баён қилиб берган масалага подъячий билан қишлоқ аҳлининг қарши мутлақо сохта қарашдир, дейди. Албатта, бу кишиларнинг тушунчалари хато бўлиши мумкин, лекин гап бунда эмас. Бирор кишининг виждонан ёки виждонсизлик билан иш қилиши масаласини муҳокама қилганда унинг тушунчалари тўғрими ёки нотўғрими деб

қарамасдан, у ҳақиқатан ўз тушунчаларига мувофиқ иш қиляптими-йўқми деб қараш лозим бўлади.

Биз ўтмиш замонлардаги подъячийнинг ҳикоясини ўқиб чиққанимиздан кейин, унинг ҳамиша ўз вазифаси, ўз ҳуқуқлари ва ўз бурчи тўғрисидаги ишончига мувофиқ иш қилганлигини ва у ким билан битим қилган бўлса, улар ҳам унинг шу ишончига қўшилганлигини кўрдик. Демак, унинг хатти-ҳаракати умуман жуда ҳам қоралаб ташлашга арзийдиган иш эмас.

На доно ақл ва на темирдек мустаҳкам характер эгаси бўлган бу киши баъзан табиатан ундан кучлироқ кишиларнинг таъсирига берилиб кетар эди, лекин бунинг ҳеч қандай виждонсизлик ери йўқ. Жуда кучли характер эгаси бўлган бу кишилар ёмонлик қилганда, подъячийимиз ҳам шундай ишларга аралашди, ўзи бўлганда бундай қилмас эди. Бунда ҳам биз унинг ўз эътиқоди айтиб турган қондалардан жуда четга чиқиб кетган вақтларини кўрганамиз йўқ. Унинг қилган ишларининг энг ёмонини текшириб кўрайлик. Китобхон бизни подъячийнинг ёнини олиб, унинг бирон нарсасини яшириб қолибди, деб ўйламаслиги учун, биз бу эпизодни тўла кўчирамиз:

Уездимизда миллиончи катта бир савдогар яшарди, унинг тўқима-чилик фабрикаси бор эди, катта ишлар қиларди. Нима қилсак ҳам, ундан бизга ҳеч наф йўқ эди, бўлган-тургани шу. Шу қадар зийрак бало эдики, ҳечкимни яқинига йўлатмасди. Баъзи-баъзида чой билан меҳмон қилиб қўярди, бир бутилка муздай арақни биз билан бирга ўтириб ичарди — бўлган-тургани шу. Биз бу аблаҳ савдогарни нима қилиб қўлга туширсак бўларкин, деб кўп ўйладик — ҳеч иложи бўлмади, жуда жиғи бийронимиз чиқиб кетди. Савдогар буни кўриб кулмасди-ку, лекин ҳеч нарсани билмагандай бепарво юраверар эди.

Кейин нима бўлди деб ўйлайсиз? Бир кун биз Иван Петрович билан терговга кетаётган эдик: фабрикага яқин бир жойда бир кишининг ўлигини кўриб қолдик. Биз фабрика ёнидан, бу аблаҳни ҳеч қўлга тушириб бўлмаяпти, деб гаплашиб кетаётган эдик. Бир вақт қарасам, Иван Петрович ниманидир ўйлаб қолди, менинг унга эътиқодим зўрлигидан: бирон нарсани ўйлаб топса керак деб ўйладим. Эртаси куни эрталаб бош оғриғига қиттак-қиттак ичиб ўтирган эдик.

— Нима дейсан, агар савдогар сенга икки минг чиқариб берса, ярмини чўзиб қўясанми? — деб қолди.

— Нима деясан, Иван Петрович, ақлинг жойидами? Икки минг!

— Айтдим-ку, кўрасан, ўтир ёз:

«Биринчи даражали Свиногорский савдогари Платон Степанов Троекуровга. Маълумот. Фалончи ва фалончи деҳқонларнинг айтишига қараганда (кўпроқ қилиб кўрсатавер), мазкур мурда зўрлаб ўлдирилган, ҳамма ёғи уриб кўкартирилган, шу билан бирга, аллақандай бир олчоқнинг қўли билан ўлдирилган, бу мурда аввалги кун кечаси сизнинг фабрикангизга қарашли ҳовузга олиб кириб фарқ қилиб юборилган экан. Шу сабабдан шу ерни бориб тинтув қилишга рухсат этсангиз».

— Сенга нима бўлди, Иван Петрович, мурда йўлда чайлада ётибди-ку!

— Кишининг айтганини қилсангчи.

Шу билан ўзи яхши кўрадиган: «*Йўл четида турар эди у*». . деган ашулани айта бошлади, кўнгилчан бўлганидан, бу ашулани эшитганда йиғламай қўймас эди, бу гал ҳам кўзи бир оз ёш олди. Кейин билсам, у ҳақиқатан ҳам сотскийларга мурдани вақтинча бирон жарга олиб бориб яшириб қўйинглар, деб буйруқ берган экан.

Соқолвой бизнинг хатимизни ўқиб, ҳуши бошидан учибди. Шу орада биз ҳам ҳовлисига кириб бордик. У ранги бўздай оқариб бизни кутиб олди.

— Марҳамат қилсинлар, чой қилиб берай.

— Э, чойи нимаси!— деди Иван Петрович.— Чой нима қилиб юрибди, ундан кўра буйруқ бер, ҳовуздаги сувни ағдаришсин.

— Худо хайр берсин. Нега мени хонавайрон қилмоқчи бўласизлар?

— Хонавайрон қилиши нимаси! Мана кўр, тергов қилгани келдик — буйруқ олдик.

Гапдан-гап чиқиб, савдогар қарасаки, ҳазилнинг ўрни эмас экан, ҳовуздаги сувни ағдаришга тўғри келадиганга ўхшайди; уч мингги санаб берди — ишни ҳам тўхтатдик. Кейин-ку биз ҳовузга чангак солиб ҳам кўрдик, албатта, ҳеч қандай кишининг мурдасини топа олмадик. Мен сизга айтсам, бир кун зиёфатда, ҳаммамизнинг кайфимиз баланд бўлиб турганда, Иван Петрович, бўлган воқиянинг ҳаммасини савдогарга айтиб берди, ишонсангиз, соқолвойнинг жуда қаттиқ жаҳли чиқиб, кўм-кўк кўкариб кетди! Уйлаб қарасанг, одамлар ана шунақа қаҳри тош бўлар экан⁷.

Китобхон жуда ифлос иш экан дейди, биз ҳам унга қўшилиб шундай деймиз, лекин бунда қатнашган кишининг фикрича эмас, балки ўз тушунчаларимизга кўра, жуда ёмон иш деб қўшиб қўямиз: улар нуқтаи назардан ҳам унча мақталадиган жойи йўқ, лекин мақташга арзийдиган бу жойи нималигини биз уларнинг ўзидан

эштамиз. Бой фабрикантдан чиновникларга фойда йўқ эди. Фабрикант чиновникларга нисбатан ўз вазифаларини бажармаганлиги учун, чиновниклар уни ёмон одам деб ҳисоблар эдилар (бизнинг подъячийимиз тўғридан-тўғри уни аблаҳ дейди); фабрикант ўзини ноҳақ давволарни рад қиладиган киши деб ҳисобламайди, ўз ақли ва эпчиллиги туфайли, ўзи учун фойдали бўлмаган вазифаларни бажаришдан бўйин товлашга уста одам деб билади. Чиновниклар ундан хафа, савдогар бўлса улардан, қўли баланд келганлиги учун гердайиб юради. («Биз бу аблаҳ савдогарни нима қилиб қўлга туширсак бўларкин, деб — кўп ўйладик — ҳеч иложи бўлмади, жуда жиғи бийронимиз чиқиб кетди. Савдогар буни кўриб кулмасди-ку, лекин ҳеч нарсани билмагандай бепарво юраверар эди»). Ниҳоят, чиновниклар айёрликда савдогарни йўлда қолдириб, ундан пул ундирдилар. Савдогарнинг жаҳли чиқиб кетди; нега? Ундан пул олганларигами? Йўқ. Унинг пул тўлагиси келмаса ҳам, лекин тўлашим керак, деб ўйларди. Пул бергандан кейин, у чиновниклар билан биргалашиб маишат қила бошлайди ва улар билан маст бўлиб йиқилгунча ичишади. Агар савдогар, мени хафа қилдилар деб ҳисоблаган бўлса, бундай қилмас эди. Агар ўзини хафа бўлган деб ҳисоблаганда эди, кеккайиб юрувчи бу киши столдан туриб кетарди; бу киши айёр эди, бу ердан чиқиб кетишга бирон баҳона топар эди. Лекин ундай қилмади, иккала томон ҳам шу дамгача қилган битимдан рози, буни кўриб турибмиз. Лекин ҳамманинг кайфи чоғ бўлиб турганда, Иван Петрович айёрликда фабрикантдан ўтиб кетдим, деб мақтаниб фабрикантга ўз айёрлигини ҳикоя қилиб берди. Ана шунда фабрикантнинг жаҳли чиқди, хафа бўлди. Нега хафа бўлди? Айёрликда ундан ҳам ўтиб тушадиган одам борлигига ва уни ҳам алдаганлигини шартта бетига айтиб мақтанганлигига бўлса керак. Биз аввал бошдан бошлаб Шchedрин «Очерклари»да тасвирланган кишилар ўртасида қаттиқ сўкса арзийдиган ёмон кишилар бор, Иван Петрович шундай кишилардан, биз уни ҳимоя қилмоқчи эмасмиз, деб айтиб ўтган эдик. Иван Петрович ҳақиқатан бу ишда ҳам айбдор эди; лекин унинг бу ишда қилган ёмонлиги нима? У мақтанди, кишининг иззати нафсига тегди — бу одобдан эмас. Лекин Иван Петровичнинг одобсизлигини ёмонлаганимизда, кайфи ошиб қолган вақтда мақтанчоқликка тушиб кетганлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Ҳушёрлик вақтида у

камтарлик қилиб ўтирди. Ҳар маҳал бўлганидай бу гал ҳамма ишни ортиқча ичилган қадаҳ бузди.

Ҳамма тўғри ниятли кишилар Иван Петровични шу ичкиликни яхши кўриши важдан ёмонотлиқ қилганлари сингари, подъячийимиз ҳам уни шу важдан ёмон кўради. Агар подъячийимизнинг ичкиликбозлигини кўрсангиз эди, бу ичкиликбозликлар сизга, шубҳасиз, ифлос ва аблаҳлик бўлиб кўринар эди. Лекин бунинг сабаби шуки, сиз бошқача тарбия олган кишисиз, сизнинг феъли-атворикгиз бошқача. Умрида олий жамиятдаги қилиғи иссиқ зотларнинг юриш-туришини кўрмаган дағал кишилардан нима ҳам умид қилиб бўларди, дейсиз. Ахир, сиз овқат вақтида бир стакан бургунд ёки шампанское вино ичиб оладиган оғайнингизни ёмонга чиқармайсиз-ку. Агар сизнинг оғайнингиз кўпроқ ичалдиган бўлса, шундагина унинг бу одатини ёмон дейсиз. Бизнинг подъячийимиз ҳам худди шундай мулоҳаза қилади. У Иван Петровичнинг ана шундай касали учун жуда ёмонотлиқ қилади, «Иван Петровичнинг ёмон бир одати бор эди,— дейди подъячий: — ичкиликни яхши кўрарди деса жамлик қилади, ичкилик деган жойда ўлиб қоларди. Албатта, биз ҳаммамиз ҳам шундай қиламиз, лекин косамизнинг меёрини биламиз: маза қилиб ўтириб, биз ҳам анча ичиб қўямиз; у бўлса, мен сизга айтсам, косасига қанча сиғишини билмайди, афти-башараси қийшайиб кетгунича ичарди». Кўрдингизми, подъячийимиз пьаниста эмас, у ҳатто пьанистлардан ҳазар қилади. У дўстлари билан суҳбатлашиб ўтирганида бир неча рюмка ичса-ичар эди-ю лекин ҳеч вақт маст бўлгунича ичмас эди. Унинг дўстларидан биронтаси, на онаси, на хотини, унинг бир рюмка ичишини тарк қилмаслигидан, албатта, хафа бўлмас эди.

Энди биз эски замонлардаги подъячийга холис қарасак бўладиган даражага етдик, лекин бизнинг яна бир шубҳамиз бор: сиз уни ифлос пьаниста дейишингизни ҳам қўймас экансиз, сизнинг у тўғридаги сўнгги ёмон фикрингиз тўғри эмас экан, агар сиз унинг сўзларига кўпроқ диққат қилиб қулоқ солсангиз, биринчи фикрингизнинг нотўғрилиги ҳам маълум бўлади. Пора, унинг фикрича, келишиб туриб қилинган битим. Бу ёлғиз унинг тушунчаси эмас, у яшаган бугун жамиятнинг тушунчасидир. Биз илгари нима деганимизни эсга олайлик. Тузилдиган битимнинг номи ёмонга ёйилмасин учун, ҳамма халқларнинг қонунарига ва бугун инсоният оламининг

бир жон-бир тан бўлиб билдирган битимига мувофиқ, битим тузиш вақтида икки шартга амал қилиш керак. Биринчидан, иккала томон битимга мутлақо ўз ихтиёри билан розилик билдириши лозим. Иккинчидан, ҳар иккала томон шу тузилган шартномага мувофиқ бажариши лозим бўлган мажбуриятни астойдил бажариш ниятида бўлишлари лозим. Бизнинг подъячийимиз ҳам худди шундай ўйлаган, фақат ўйлаган эмас, шу қоидаларга амал ҳам қилган. У ҳеч вақт, ўз назарида, ва, яшаб турган жамияти назарида, зўрлик қилишдай бўлиб кўринадиган чораларни ишлатиб битим тузган эмас. (У «қийнаш ва доғулилик қилиш» йўлини тутган эмас ва Иван Петровичнинг шундай қилишини ҳам маъқул кўрмас эди). Бу ҳам оз, у ўз муддаосини жуда одоб ва ширин сўз билан билдирар эди. («Ҳаммасини ширин сўз билан бажарардим»,— дейди унинг ўзи.) Демак, у жуда мулоим одам эди. У қишлоқдагиларнинг илтимосини бажо келтирганлиги ва уларга имтиёз берганлиги учун, улардан мукофот олиб турар эди,— шундай қилганлиги тўғри, лекин қандай қилиб оларди? У қишлоққа бирор иш билан бориб қоларди; қишлоқдагилар, ишимизни тезроқ битказиб, бизга жавоб беринг, деб илтимос қилишарди, «Ана ўшанда ақлингни ишга соласан: агар йигитлар гапга тушунадиган бўлса, уларни бир хурсанд қилсам нима бўлибди: агар борди-ю кўпроқ қайсарлик қиладиган бўлсалар, яна бир-икки кун кутишса нима бўларди. Бунда ҳамма гап сенинг характерингга боғлиқ, бекор ўтириб зерикмаслигинг керак, турган уйингдан, ичаётган қатиғингдан ҳазар қилмаслигинг керак. Қўлингдан иш келишига кўзлари етса, дарров кўниша қолади, кўнишганда ҳам қандай: илгари ярим тангадан сўраган бўлишинг мумкин, эндичи! Уч миридан сўрайсан, пастга тушмайсан». У яхши одам бўлиш билан бирга, ўзини жуда ҳам яхши кўрадиган тамаъгир одам ҳам эмаслиги равшан эмасми? Ахир, у дастлаб уч миридан сўраса бўларди, лекин у сўрамади. Деҳқонлар хафа бўлмасин деб, у ярим танга билан қанотланди. Агар деҳқонларнинг унга ўхшаган гапга кирадиган яхши одамлар эканлигига кўзи етса, ўзига жуда зиён бўлса ҳам, одамларнинг кўнглини олиб хурсанд қилгиси келади. У ҳар қандай битимнинг тўғри бўлиши учун зарур бўлган биринчи шартни, яъни: ҳеч қандай зўрлик қилмасдан, ўз ихтиёри билан нарх тўғрисида битимга келиш шартини ҳалол ўрнига қўйиш билан бирга, ён

беришдан ҳам қайтмайди, кўпроқ олиши мумкин бўлгани ҳолда камроқ сўрашдан ҳам қайтмайди. Буниси энди оддий инсофдан кўра юксак даражали хислат аломатидир, бу олийжаноблик аломатидир. Келишиб туриб қилинадиган битимнинг бошқа бир шартига риоя қилишда ҳам бизнинг подъячийимиз худди шундай беозор иш қилади, яъни шартномага мувофиқ зиммага олинган мажбуриятларни аниқ бажаришда ҳам шундай қилади. Бу тўғрида кўп гапириб ўтиришнинг кераги йўқ. Шchedрин тасвирлаган ҳаётни бировдан эшитиб эмас, ўз тажрибасидан биладиган ҳар бир китобхон ўтмиш замонлардаги подъячийимиз жуда кўп шерикларига ўхшаб, битимда ўз зиммасига олган ишларни жуда аниқ бажаришига шубҳаланмайди. У, унинг шериклари ва улар билан ишлашган ҳамма кишилар шундай беками-кўст аниқликни, ўз ихтиёри билан битим тузишни ўзларига эп кўрмаган ва уларнинг қўлидан келадиган ёрдамга муҳтож бўлган кишиларга ёрдам қилмаган бошқа кишиларнинг хулқ-атворларидан афзал билган эдилар ва бу ишлари жуда тўғри эди. «Биз-ку, ростини айтсақ, олишга олдик-ку-я,— дейди подъячийимиз,— лекин, агар у ёғини ҳам айтсам: пул ҳам олмаслик, иш ҳам қилмаслик яхшироқ бўларди дейсизми? «Шундай қилиб бизнинг подъячийимиз тўғрисида энг ёмон фикрда бўлган китобхон ҳам бу подъячийининг ижтимоий фаолиятида унинг ўзи ва шериклари назарида ҳам ва у билан алоқада бўлган кишилар назарида ҳам ёмон нарса деб ёки виждонсизлик деб ҳисобланадиган ҳеч нарса йўқ деган фикрга қўшилиши лозим. Аксинча, унинг мулойимлиги, хулқининг яхшилиги, ҳар бир яхши кишига яхши кўз билан қараши, ҳар бир кишига фойда келтириш нияти борлигини кўрсатадиган хислатлари бор эди. Биз фақат бир нарсдан кўрқамиз. Бизнинг одамларимиз тўппа-тўғри қилиб айтилган нарсдан киноя ва бошқа бирон маъно қидириб топишни яхши кўрадилар. Эҳтимол, бирон киши ўтмиш замонлардаги подъячийининг шахсини ҳимоя қилиб ҳазиллашяпти, деб ўйлайдигандир? Бундақа ҳазил жуда бемаъни ҳазил бўлар эди. Биз ҳамма сўзларни тўғри маъносида ишлатиб, мутлақо тўппа-тўғрисини гапиряпмиз, тушунарли қилиб гапиряпмиз. Подъячийининг қилган ишлари яхши эмас. Шундай тушунчали кишилар жамият учун зарарли. Лекин бундан, бу кишиларнинг ўзи мутлақо ёмон кишилар эди, деган хулоса келиб чиқмайди. Юқорида бир неча марта айтган

гапларимизни такрорлаймиз. Бир замонда ва бир хил вазиятда яшаган жуда кўпчилик одамлар сингари иш қилмай, бошқача қиладиган эксцентрик кишиларнигина мақташ ва сўкиш мумкин. Жамият амал қиладиган урф-одатлар ва қонун-низомлар кишининг иродасига боғлиқ бўлмаган қандайдир фактлар туфайли пайдо бўлади ва сақланиб туради; буларга албатта тарихий нуқтаи назардан қарамоқ керак. Жамият қайси мамлакатда, қайси замонда бўлмасин, тарихий ҳолатлар туфайли бу жамиятнинг ҳосил қилган тушунчалари ва урф-одатлари қандай бўлмасин, жамиятнинг ҳар бир синфида жуда кўпчилик кишилар ҳар ҳолда кўнгли тўғри кишилар бўлади. Агар сизга бу кишиларнинг баъзи бир тушунчалари ва урф-одатлари ёқмаса, бу ёмон одатларнинг қандай ҳолатлардан келиб чиққанлиги тўғрисида ўйлаб кўринг. Бу ҳолатларни ўзгартиришга ҳаракат қилинг, ана ўшанда сиз ёмон урф-одатларнинг тезда йўқолиб кетишини кўрасиз. Жуда кўпчилик кишилар ўз табиатига кўра ҳамма вақт яхшиликка ва ҳақиқатга кўнгли қўяди. Агар сиз бирон асрда, бирон мамлакатда бутун бир халқ ўртасида ёки жамиятнинг маълум синфлари ўртасида киши табиатининг шу туғма ва энг зарур фазилатларига тўғри келмайдиган урф-одатларни кўриб қолгудек бўлсангиз, бунинг учун кишиларни гуноҳкор қилманг, уларнинг тарихий ҳаётидаги ҳолатларни гуноҳкор қилинг.

Агар ўтмиш замонлардаги подъячий, гарчи жамият учун зарарли одатларга амал қилса ҳам, лекин ўз вазифасида ишлаганида бизнинг шахсан уни маънавий жиҳатдан ёмонотлиқ қилишимизга ҳуқуқ берадиган бирон иш қилмаганлигига ишонч ҳосил қилган эканмиз, агар биз бунга ишонч ҳосил қила олган эканмиз, шахсий ҳаётда жуда яхши киши экан деб ишонишимиз жуда ҳам осон бўлади. У ўз шериклари билан ва жамият билан аҳил бўлиб яшаган. Бу аҳиллик қароқчилар шайқасини бир-бирига шерик қиладиган аҳилликдир, деманг. Биринчидан, унинг оғайнилари фақат шериклари эмас эди, олган порасини баҳам кўришган кишилар билан бирга унга пора берган кишилар ҳам бор. Бундан ташқари, албатта, унга пора бермаган ва ундан олмаган кўп кишилар ҳам бор. Уезд шаҳари биттагина шайқадан иборат эмас. Уезд шаҳари турли-туман манфаатни кўзлаган ва ҳатто манфаатлари қарама-қарши бўлган жуда кўп доиралардан иборат. Бутун бир жамиятни шундай доира составига

тортиш мумкин эмас, ҳолбуки бизнинг подъячийимиз фақат ўз шаҳарида эмас, бутун уездда яхши ном чиқарган одам. Шу подъячийимиз ва унинг улфатлари тўғрисида албатта ҳар хил фикр бор эди. Бу улфатларнинг ҳаммасига тарқалган одагдан зиён кўрган кишилар, албатта, бу улфатларнинг ҳаммасига нафрат кўзи билан қарар эди, лекин подъячийимизни ўзи тўғрисида ҳеч ким ҳеч қандай ёмон гап айтган эмас. Англия билан Франция ўртасида доим уруш бўлиб турган замонларда, албатта, ҳар бир француз, умуман инглизлар — тамаъгир миллат, жиноятчи миллат деса бўлади, дер эди. Французлардан кўплари, албатта, бу Англияни ва унинг ҳамма аҳолисини ер билан яксон қилишдан қайтмас эди, лекин инглизларни ёмон кўрадиган француз бироқ мистер Броун, ёки Жонсон билан учрашганида, жумладан, бу мистер Жонсон ёки Броун жуда ҳалол ва яхши киши деб иқроқ қилиши лозим бўлар эди.

Бизнинг эски замон подъячийимиз хотин, бола-чақасини жуда яхши кўрадиган киши эканлигини исбот қилиб ўтиришнинг кераги йўқ. Жаноб Островский ўзининг сўнги комедиясида⁸ унинг бу томонларини жуда аниқ тасвирлаб берган. Белогубов — иштаҳаси жуда зўр порахўр; лекин бола-чақаларига қандай қарашига назар солсангиз, жуда хушмуомала, ҳатто қариндош-уруғларига меҳрибон, олийжаноб эканлигини кўрасиз. Қайнанасининг жағи ҳеч тинмай вайсашига қарамай, унга катта-катта ёрдам қилиб турадиган, камбағал қайнисинглисига ва унинг эрига, гарчи божаси уни доимо ҳақорат қилса ҳам, жуда ачитиб-ачитиб ҳақорат қилса ҳам, ҳеч нарсани аямай уларга ёрдам қиладиган кишини, сиз нима десангиз деяверинг, лекин ундай кишини ёмон одам деб бўлмайди.

Биз подъячийнинг ўтмиш замон тўғрисидаги ҳикояларига жуда узоқ тўхталиб ўтдик, ўзи ва ўртоқларининг жуда кўпчилиги ҳеч ёмон кишилар эмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Билмадим, турмушни ва кишиларни татиб кўрган ва бирор нарсадан кўнгли қолса шу билан бас қилиб қўя қолмайдиган ҳар бир кишига бизнинг бу фикримизнинг ҳақ фикр эканлигини бунчалик батафсил исбот қилиб ўтиришимизнинг кераги бормикин, негаким бундай қилиш ўзини ва дунёдаги ҳамма кишиларни қаҳрамонлар ва жуда чиройлик кишилар деб хаёл қилган тажрибасиз ёш бир йигитга ярашса ярашар, лекин, дунёга холис назар билан қарашга ўрганиб қолган кишига беҳу-

да бўлиб кўринади. Шахсан бизнинг ўзимизга бундай шубҳасиз нарсалар тўғрисида гапириб ўтириш ҳатто меъдага тегадигандай бўлиб кўринар эди. Лекин бизда кўп кишилар порахўрлик тузалмас мараздир, порахўрлар деб аталувчи жуда кўп кишилардан иборат синф инсон деган номга номуносиб қандайдир маълунлардир, жамият бошига битган бу балолардан ҳеч маҳал ҳурмат қилса арзийдиган ва ҳақиқатан ўз ватани учун фойдали киши чиқмайди, деб гапиришга ўрганиб қолган.

Биз мақоланинг бошида кўрсатиб ўтган ва манзарани яққол қилиб кўрсатиш учун мисол бўла оладиган, лекин оз бўлганликлари учун ижтимоий масалаларда унчалик аҳамияти бўлмаган, нияти бузуқ ёмон кишилардан ташқари, Шchedрин тасвирлаб берган бошқа хил порахўрлар устида бу қадар узоқ тўхталиб ўтиш кишини чарчатиб қўяди, унинг фойдаси ҳам йўқ; ўтмиш замон подъячийси тўғрисида қанча гапириш керак бўлса, қолган порахўрлар тўғрисида ҳам шунча гапирса бўлади. Улар ўртасидаги фарқдан кўра, уларнинг бир-бирига ўхшаш ери кўпроқ, фарқига келсак, уларнинг фарқи темпераментларининг фарқидан иборат, холос; бирининг характери шунақаки, гувиллаб ёниб кетади, иккинчиси худди тошдек оғир; биринчисининг характери ошкора, иккинчисиники — ичимдан топ; бири хушчақчақ, иккинчиси доим қовоғи солиқ ёки ғамгин; биринчиси довюрак, иккинчиси қуёнюрак. Биз амал қилаётган нуқтаи назардан қараганда, бу фарқнинг унчалик аҳамияти йўқ. Маълумки, темпераментларнинг бир-биридан фарқ қилиши ҳамма кишиларни ижтимоий урф-одат ва тушунчаларга бир хилда деярлик бўйсундиришга ва қатъий умумий тарихий фактлар таъсири остига олишга ҳеч халақит бермайди. Ўтмиш замонлар подъячийси ҳақида айтишимиз лозим бўлган гапларнинг ўзини деярлик шу кишиларнинг ҳар бири тўғрисида такрорлаб ўтириш ўрнига бошқа синф намояндаларига кўз ташлаймиз, уч негоциантнинг «коммерция нима?» деган масаладаги суҳбатига қулоқ соламиз. Ўтмиш замонлар подъячийси сингари, Палахвостов, Ижбурдин ва Сокуровлар дастлаб қараганда ҳар қандай виждон деган тушунчадан маҳрум бўлган, ўтмиш замон подъячийсининг ибораси билан айтганда, бало-қазонинг «кони» бўлиб кўриниши мумкин. Буларнинг ҳар бири ўз фирибгарликлари тўғрисида гапирганида ҳеч тап тортмайди, ҳатто мақтаниб гапиради. Буларнинг ҳар бири, қандай қилсам-у кўпроқ

алдасам, деб ўйлаб юради, холос. Лекин биз уларни шундай қилишга мажбур этадиган сабаблар тўғрисидаги гапларига холис қулоқ соладиган бўлсак, чиқадиган хулосамиз ўтмиш замонлар подъячийси тўғрисидаги хулосамиз сингари бўлади. Уларнинг ҳар бири бошқача эмас, шундай иш қилаётган экан, бунга уларнинг ўзи айбдор эмас. Шарт-шароит савдо ишларини бошқачароқ олиб боришга имкон бермайди. Улар амал қиладиган урф-одатлар ҳаммага расм бўлган, шу қадар зарур урф-одатларки, улар ҳатто яхшироқ савдо қилиш йўллари ҳам бордир, деб ўйламайдилар ҳам.

Халойиқнинг жуда кўпчилигини ташкил қилувчи кишилар чиновникларнинг турмушидан кўра савдогарларимизнинг хусусий турмушини тажрибада озроқ кўрганлар. Бизнинг ҳар биримизнинг бир қанчадан таниш провинциал чиновникларимиз бор деса бўлади. Чиновниклар синфининг маънавий сифатлари устида бўлиб турадиган ҳар хил бўлмағур гап-сўзларни рад қилишда бунинг жуда катта аҳамияти бор. Ҳар биримизнинг ўз шахсий ҳаётимизда жуда муътабар таниш чиновникларимиз борлигидан, ҳар биримиз умуман чиновниклар синфи ҳимоя қилиниб айтилган гапларга бир қадар қулоқ солишга мойил бўламиз. Кўпчилик халойиқнинг савдогарлар синфига муносабати бундай эмас. Эҳтимол, китобхонларимизнинг ярми савдогарлар билан савдо-соғиқ ишларидан бошқа муносабатда бўлмагандир. Шундай бўлгандан кейин Шчедрин сингари, савдогарлар билан жуда қадрдон, таниш бўлган, савдогарларнинг оилаларида тез-тез бўлиб турадиган китобхонларимизнинг гапини далил келтирамиз. Албатта, «Христос воскрес» деган ҳикояда бу табақадан бўлган отоқли шахсларни тасвирлаб кўрсатган Шчедриннинг фикрига булардан биронтасининг ҳам қўшилмай иложи йўқ. Биз асло савдогарлар ёки мешчанлар ва ёки деҳқонлар турмушини рус ҳаётининг идеали деб ҳисоблаш ниятида эмасмиз, Гоголнинг «Ревизор» ва «Ўйла-ниш» деган асарларида, жаноб Островскийнинг «Қўйнидан тўкилса қўнжига» деган комедиясида ва Шчедриннинг «Коммерция нима?» деган асарида савдогарларни тасвирлаш учун ишлатилган бўёқлар жуда тўғри ишлатилган деймиз. Лекин холислик бизни (жаноб Островский комедиясидаги) Подхалюзин сингари кишилар анча оз учрайдиган кишилар қаторига киритилиши лозим⁹ деб айтишга мажбур қилади. Рус халқи жуда қадрлаб фахрла-

надиган ҳамма фазилатлар савдогарларимизнинг кўпчилигига ҳам хос фазилатдир. Уларнинг хулқ-атвори ва урф-одати қандай бўлмасин, улар умуман яхши ниятли кишилар бўлиш билан бирга, жуда хуштабиат кишилардир. Уларнинг ҳар бири ҳимматли ва хизматга доим тайёр кишилардир. Қани энди, халқимизнинг бошқа синфлари орасида ҳам, бошқа юрт кишилари ўртасида ҳам шундай ҳимматли кишилар кўпроқ бўлса эди,— яхши хизмат қилиб кишини бадавлат қилганларнинг ҳам мустақил иш тутадиган бўлиб олишига маблағ жиҳатдан қарашиб юборишни ўз бурчи деб англайдиган кишилар кўпроқ бўлса қошқийди: бизнинг провинциялардаги савдогарларимиз шундайки, агар гумаштаси астойдил хизмат қилган бўлса, гумаштасини одам қаторига киритиш, қаддини ростлаб олишига имкон бериш, унинг ўзини ҳам савдогарлар қаторига киритиш учун жонкуярлик қилмайдиганлари камдан-кам. Оддий савдогар сингари фикр қилувчиларнинг инсонпарварлик тушунчасига муносабати қандай бўлса ҳам, лекин шунга айтиш керакки, савдогарлар хизматчиларига инсонпарварларча муомала қиладилар. Савдогарларнинг одатини биладиган ҳар бир киши бу жуда қисқа эпизод ёнига яна кўп хислатларни, савдогарлар табақасининг шахсий ҳаётидаги яхши хислатларига иззат ва ҳурмат билан қарашга даъво қиладиган яна кўп хислатларни қўшиши турган гап.

Агар биз Шchedриннинг «Коммерция нима?» деган аса-рида тасвирланган савдогарларимизнинг иш ва ижтимоий турмуш масалаларини ўрганадиган бўлсак, даставвал биз савдо ишларининг чиновникларга боғлиқ эканлигини кўрамиз. Жуда кўп савдогарларимиз пудрат ва мол етказиб бериш ишлари билан шуғулланадилар. Провинцияларнинг кўп қисмида жуда кўп савдогарларнинг катта қисмининг қиладиган иши шу. Умумий савдо қонунига мувофиқ, ҳамма мамлакатларда савдогарлик ишлари биринчи даражали савдогарларнинг иш тартибига қараб белгиланади. Бундан ташқари, ҳар бир савдогар кишининг ҳар кун полиция идорасига иши тушиб, судьяларнинг ҳомийлигига муҳтож бўлади. Шундай қилиб, бизнинг савдо тартибларимиз ҳам шу чиновниклар синфининг азалдан одат қилган урф-одатларига қараб белгиланади. Мана шу муҳим ҳолни кўрсатиб ўтгандан кейин, шу вақтгача ишла-тиб келаётган муомала воситалари туфайли савдо обо-ротларининг секинлиги ва нотўғрилигини ҳам назарга

олиб қўйиш керак. Бизда ғалла операцияси шу дамгача бутун бир йилга, баъзан ҳатто икки йилга чўзилар эди. Оборот муҳлати бундай узоқ давом қилганда ҳамма имкониятлар ўзгариб кетиши мумкин. Савдо ишларимизда ғалладан кейинги икки муҳим боби бўлган ёғ ва зиғирпоя савдосида ҳам аҳвол шундай деса бўлади. Шундай жуда муҳим икки ҳолат туфайли савдогарларимиз тўғри савдо ишларига асло мувофиқ келмайдиган оборот қилишга мажбур бўлган эканлар, бунинг нимаси ажабланарли? Агар бу оборотларнинг характерида қандайдир ноҳўя бир ҳолат бор экан, ёки миллий фаровонликка унчалик фойдаси тегмайдиган бирон нарса бор экан, савдогарларимиз бу урф-одатларни қабул қилиб олишга мажбур бўлган, уни қандайдир ўзбошимчалик қилиб ўз ихтиёри билан қабул қилган эмас. Сиёсий иқтисодчилар кўпинча афсусланиб кўрсатиб ўтадиган нарсани ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Бизда қадимдан ишлаб келаётган савдо ширкатлари йўқ. Бизнинг бой савдогарларимиз одатда ҳеч қандай капитал мерос олмаган, ёшлигида жуда камбағал ўтган савдогарлардир. Агар улар савдога хос оборотлар воситаси билан қўлларига нўмай капитал тушириб олганларида ҳам, майда савдо одатларини сақлаб қолдирсалар, бунда таажжубланадиган ҳеч нарса йўқ. Одатда уларнинг болалари савдогарликни ташлаб, хизматга киришга ҳаракат қилади. Бу одатни кўп кишилар жуда ёмонга чиқаради. Лекин биз одат деган нарсанинг ҳамма вақт турмушдаги фактлардан келиб чиқишини кўрдик. Демак, одамлар фактлар таъсирига бўйсунган экан, бунинг учун уларни ёмонотлиқ қилиш керак эмас. Баъзибир фактларнинг таъсири жамият учун фойдали эмас, деган гапларгина ҳақ гаплардир. Бойиб олган савдогар хонадонлар бошқа ишларга ўтиб кетганлигидач, бутун ички савдо ишларимиз ё кўп капчтали йўқ кишилар қўлга ўтиб қолган, ёки капитали йўқ кишилар расм қилган усул-тартиб билан ишлаш одатини тарк қилмаган кишилар қўлиладир. Савдогарнинг қўлида етарли капитал бўлмаса, ўз ишини тўғри олиб бора олмайди. Заруфат уни бир илож қилишга мажбур этади. Бошқа мамлакатларда жуда кўп савдогарлар ўзлари ўрнак бўлиб савдо ишларига таъсир қилиб, бундай тартибга қаршилик кўрсатса, бизда ҳамма вақт кўпчилик савдогарларнинг ўзи жуда оз савдогарлар амал қиладиган системага эргашиб боради, деса бўлади. Агар биз шу ҳолатларнинг ҳаммаси жуда

зўр таъсир қилишини эсимизга туширадиган бўлсак, савдогарлар синфидан бўлган кишиларнинг шахсий характери бекордан-бекорга айбламайдиган бўламиз. Коммерция ишларида уларнинг бу нотўғри одатларга амал қилаётганлигига сабаб шу урф-одатларнинг ёқиб қолганлиги эмас, бунинг сабаби шуки, улар ўз ихтиёрларига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли шундай иш тутишга мажбурдирлар. Биз кийим-кечак ва саёҳат масалаларида ҳам яна баъзи бир мисолларни таққослаб кўрсатамиз. Агар сиз январь ойида оддий чаналаримизда Қозондан Москвага борадиган бўлсангиз-у, жуда бесўнақай мўйна этик кийиб олсангиз, мен бу одамда дид-фаросат деган нарса йўқ экан, деб ўйлашга ҳаққим бўлмайди. Сиз жуда ҳам нозик табиатли одам бўлишингиз мумкин, ҳар ҳолла мўйна этикнинг оғирлигини ва бундай этик кийиб юриш жуда қўпол туюлишини менчалик билсангиз керак. Лекин иложингиз нима? Сиз шундай бесўнақай ва оғир этик киймасдан бундай сафарга чиқишингиз мумкинми? Агар мен сизнинг мўйна этигингизни кўриб, сизни масхара қилиб кулганимда ҳам, сиз менинг шу қилигимдан қаттиқ хафа бўлиб, мени таҳқир қилсангиз ҳам, сизни ёмонотлиқ қилишга ҳаққим йўқ. Лекин яхшиси мenden хафа бўлманг-у, бемалол менга, иссиқ арава ва оёққа ёпиш учун айиқ терисидан кўрпа бўлса, сиз ҳеч қанақа маслаҳат бермасангиз ҳам, қишда уйда кийиб юрадиган енгил, хипча ва чиройлик этик билан ҳам саёҳатга жўнаб кетаверман деб жавоб бериб қўя қолинг.

Шчедрин тасвирлаб кўрсатган савдогарларнинг савдо ишларида расм бўлган урф-одатларга нима таъсир қилганлигини уларнинг ўзи айтиб беради. Биз уларнинг гапларидан бир-икки саҳифа мисол келтирамиз. Сариқ чақа билан иш бошлаб савдогарчилик қилиб жуда бадавлат бўлиб кетган кекса Палахвостов энди ҳаракат қилиб Палахвостов даражасига интилаётган ўрта яшар Ижбурдинга мийиғида кулиб қўйиб, сиз, Ижбурдин, ўзингизни тўрт томонга урасиз, ҳамма савдо кўчаларига кириб чиқмоқчи бўласиз, лекин, масалан, ғалла сингари нарса билан савдо қилмаяпсиз, дейди. Бу икки асосий шахс ёнида кекса миллионер-савдогар Сокуров вафот этгандан кейин, ушлап олган мероси билан олийжаноб ҳаёт кечиришни хаёл қилиб юрувчи ёш Сокуров ва ҳамма нарса тўғрисида, жумладан савдо тўғрисида ҳам тушунчалари европача бўлган қандайдир фельетончи Праздношатающийся (Тара-

ла бедод) ўтирипти. Палахвостовнинг ҳалиги гапига Ижбурдин, капитали оз кишининг фақат бир савдо соҳасида ишлаши мумкин эмас, деб жавоб беради.

Битта ғалланинг ўзи билан нима ҳам қилардим! Ҳозирги замонда ҳамма ёқда кишилар бирор нарса ўйлаб чиқарадиган бўлиб қолганлар — ақлинг ҳам етмайди. Бугун нарсанинг баҳоси ярим сўм бўлса, эртага бир сўм, сен қандай қилсам фойда қиларкинман, деб турсанг, қарасангки бўйнингга бир мушт тушиб қолипти. Шундан кейин савдогарчилик қилиб кўрчи! Ҳозир кўн буюмларнинг бозори чаққон, мовутга ҳам талаб бор,— биз оз-моздан мовут ҳам харид қиламиз, кўн ҳам сотиб турамиз, булар ҳаммаси айни муддасмиз. Мен сизга айтсам, мен Лежневдаги ярмаркага борган эдим — ярмаркага шунча кўп комиссионер йиғилибдики, худди осмондаги юлдуздек, ҳаммаси этик учун танавор харид қилаяпти. Албатта, уларнинг иши осон. Давлат уларга тахминан бир сўмдан берса, у ярим сўм ёки ақалли қирқ тийиндан ёнимда қолса, дейди. Уни мужик билан бирон иш қилишга райи йўқ. Мужик кўпроқ фойда бериши мумкин, лекин ховотирлироқ: худо кўрсатмасин, тергов ёки бошқа бирон фалокат бўлиб қолса — ҳеч кимнинг тилини тийиб бўлмайди. Ҳисобкитоб ишлари ҳам жуда дардисар, ҳар кимга қўл қўйдиришга ва товлаб ярим сўм ўрнига бир сўм ёздиришга тўғри келади. Кўпни кўрган киши билан иш қилсанг, ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетаверади; биринчиси шуки, ҳеч қандай машмашаси бўлмайди, иккинчиси хиёнат қилишга йўл қолмайди, чунки ҳар қанақа савдогар шундай ҳийла-найранг касрига комиссионер билан бирга ўз иши ҳам вой бўлишини яхши билади. Бу бизга жуда қўл келадиган иш; бу ишда қилган меҳнатинг учунгина эмас, кўпроқ обрўйинг учун наф кўрасан.

Сокуров (*такаббурлик қилиб*). Ҳа, шундай; пошшолик буюмлари билан ишлашдан яхшиси йўқ; у ҳаммамизни ҳам боқяпти деса бўлади. . . (*Қадаҳга вино қуяди. Праздношатающийсяга.*) Марҳамат қилсинлар, исми шарифлари. . .

П р а з д н о ш а т а ю щ и й с я Жоним билан. (*Ичади.*) Жаноблар, бундай ажойиб тенерифни қаердан оласизлар. . . Жаз этиб куйдиради-я. . . ажойиб-ку! Бамисоли арақ.

И ж б у р д и н. Архангельскидан. Бизнинг у ерда ҳам савдо ишларимиз бор.

П р а з д н о ш а т а ю щ и й с я, (*Сокуровга*). Сиз, пошшолик буюмлари билан иш кўришдан яхшиси йўқ, дедингиз. Мумкин бўлса, нима сабабдан шундай хулосага келганларини билиб қўйсак.

С о к у р о в. Ҳа, шундай. ўзлари ҳам билсалар керак. . . пошшолик буюмларидан. . . фойда кўп. . .

П а л а х в о с т о в. Об-ба, азаматей! Беҳуда гаплар гапираяп-
сан: фойдали дейсан-у, нимаси фойдали эканини айтиб бера олмайсан.

И ж б у р д и н. Қани, айтинг-чи. . . сиз ростдан ҳам комиссио-
нермисиз?

П р а з д н о ш а т а ю щ и й с я (а*ччиқланиб*). Комиссионери ни-
маси? Мен шунчаки вақти-хушлик учун. . . Билсангиз, савдо ишлари
билан шуғуллансам дейман. . .

И ж б у р д и н. Сиз маҳкама ходимимисиз? Шундай денг. Тўғри,
маҳкама ходимлари савдо ишларига аралашиб кетдилар — уларнинг
қўлида капитал пайдо бўлиб қолди. . . Билсангиз, пошшолик буюм-
лари билан иш кўришимизнинг қулай томони шундаки, бу ишимиз
ҳеч ховотирли бўлмайди десак мумкин. Муҳлатида етказиб берамиз-
ми, етказиб беролмаймизми — давлат маъзур тутаверади. Албатта,
чиқимсиз бўлмайди, лекин нарх-наво ҳам бошқачароқ бўлади, од-
дий нарх-наводек эмас. Бунинг бизга қўл келишининг сабаби яна
шуки, унда ҳамма нарса яхшига ўтиб кетаверади. Мен яқинда дав-
латга калта пўстинлар топширдим, бу пўстинлардан бижғиб кетган
терининг ҳиди келиб туради, бошқа томонларини ҳам мундоғ ағда-
риб қарасангиз, пўстин деб ҳам бўлмайди — худди ачиган хамирдек,
мен бу пўстинларни яхши савдогарларга эмас, бозорга кўтариб олиб
борсам ҳам, тоза кулги бўлардим. Давлатга ҳаммаси ўтагеради
сабабки, унда пўстинга талаб катта. Мен бир вақт давлатга ун ҳам
топширганман. Мен уни баржага ҳам юклаб қўйган эдим: қирғоқ-
дан жўнасам бўлди эди, белгиланган жойга бориб етардим. Қара-
сам, чет эт савдогарларининг гумаштаси чиқиб қолди, баҳосини ҳам
яхши беряпти. Ўйлаб-ўйлаб, бир чўқиниб олдим-да, ҳамма ғаллани
шу гумаштага сотиб юбордим.

П р а з д н о ш а т а ю щ и й с я. Давлатга қандай жавоб қилди-
нгиз?

И ж б у р д и н. Давлатни айтасизми? Бундоғ бўлди: ғаллани пул-
лаб бўлганимдан кейин становой писарнинг олдига бордим, қўлига
йигирма беш сўм тутқазган эдим, менга шундай гувоҳнома ёзиб
бердики, ёзиб берган қоғозини кўриб ўзим ҳам ҳайрон қолдим.
Нималар ёзилмаган дейсиз: тошқин ҳам бор, дарёнинг саёз бўлиб
қолганлиги ҳам бор, фақат душман ҳужуми тўғрисида ҳеч нарса
дейилмаган холос. (*Ҳамма кулади.*) Шу сабабдан ҳам, давлат худди
меҳрибон онадек ҳаммамизни боқяпти, деб барала гапираверамиз.
Чиндан ҳам шундай. Нега десангиз, агар давлат бўлмаса, бизнинг
савдо ишларимизнинг ҳоли нима бўларди? Хўш, биттаю-битта ило-
жимиз шу бўлардики, пулни ломбардга топшириб, қўл-оёғимизни
узатиб печь ёнида ўтираверардик.

П р а з д н о ш а т а ю щ и й с я (*жуда чуқур маъноли қилиб*).
Ҳа, шундай, иш билмаслигимиздан шундай бўлади. . . Бу, чунончи,

рус савдогарларининг беморлигидир... Бу биласизми... (*Палахвостов кулиб қўяди.*) Нимага куляпсиз? Қани, сабабини айтинг-чи? Бўлмаса, нимага, масалан, инглизлар, французлар...

И ж б у р д и н. Сизга айтсам, сабаби шуки, ҳамма нарсанинг ўз мавриди бор. Масалан, мени олсангиз, мен жуда ишбиларман кишиман. Масалан, мен бир кемага галла ортдим, ёки бирон чет эл кишига мунча минг қоп ун етказиб бераман деб пудрат олдим, денг. Ун ҳам сотиб олдим, арзон баҳога сотиб олдим — ҳаммаси ўз қўлимиздаги иш,— сотиб олган галлани баржаларга юклаб ҳам қўйдим. Хўш, шундан кейин нима бўлади? Бу галла билан мен қаёққа бораман.

П р а з д н о ш а т а ю щ и й с я . . . Қаёққа деганингиз нимаси?

И ж б у р д и н. Ҳа, шундай. Қани, марҳамат қилиб айтингчи, сиз Волга дарёсида юрганмисиз? Йўқ денг? Сиз мен айтган гапга шубҳа билан қарашингиз турган гап; аммо биз турилган кунимиздан бошлаб шу ишга аралашиб юрганамиз учун, бу дарёнинг қандай дарёлигини биламиз. Мен сизга айтсам, бу дарё ўзи шундақа дарё. Бугун мана бу ердан оқса, эртасига қарасангиз бу ер худди бир йилдан буён қуми чиқиб ётгандек бўлиб қолади, шу билан ҳу анави ёққа қараб оқиб кетади. Нима қилишингни ҳам билолмай қоласан. Юкинг билан у ёққа борасан, бу ёққа келасан, жиғи бийрон бўласан. Бизнинг мана шу турган еримиздан Питергача икки йилда ҳам ега олмайсан, йўлда учрайдиган авлиёлар сенга йўл беришса, манзилингга етиб олганинг учун худога шукур қиласан. Ё бўлмаса, қум босиб ўтириб қоласан ёки сувга ғарқ бўлиб кетасан; бир вақт қарасанг, баржаларда ишловчиларинг қочиб кетиб қолипти—хуллас, бир харажатинг уч бўлади. Шундай бўлгандан кейин, азизим, нарх-наво нима бўларди? Бас, мен нимадан умид қилишим мумкин? Нимага қараб ҳисоб-китоб қилишим мумкин бўлади? Ё мен фалон нарх билан сотиб олдим, кира ҳақи мунча бўлади, фалон нарх билан сотаман, деб мўлжал қила оламанми? Неустойкасини айтмайсизми, Инглиз ғазна эмас-ку; у на дарёда сув бўлмай қолганлигини тан олади, на гармселни; у сотиб олган молини билади, холос. Йўқ, ундай эмас, бизнинг савдо ишларимиз ҳали худойи таолонинг қўлида деса бўлади. Ғамхўр онамиз Волга мадад берса капиталлик бўламиз; мадад бермаса тишимизнинг кирини сўриб ўтираверамиз¹⁰.

Агар сиз Ижбурдин ва унинг шерикларининг очиқчасига гапирган гапларига диққат билан қулоқ солмаган бўлсангиз, сиз, эҳтимол, унинг одатларига қараганда, ўзи савдо ишларида тартиб бўлишига тарафдор бўлганлиги учун коммерция оборотларида ўзи белгилаган тартибларга амал қилар экан, деб ўйлайсиз. Агар сиз бу кишига

коммерция ишларидан бошқа ишингиз тушиб, у билан танишган бўлмасангиз, бу одамда дил деган нарса ҳам, виждон деган нарса ҳам йўқ экан, деб хаёл қиласиз. Лекин сиз унинг қандай одамлигини билиб, у билан яқинроқ танишиб олганингиздан кейин, унинг анча яхши фазилатлари борлигини, ҳали вояга етмаган ва ривож топиш учун қулай пайт кутиб турган жуда ажойиб, эндигина очилиб келаётган хусусиятлари ундан ҳам кўпроқ эканлигини кўрасиз, ана ўшанда сиз, эҳтимол, у тўғрида одат қилганингиздай таҳқир кўзи билан қарашдан уялиб қоларсиз. Ушанда сиз, агар мен шу ҳолга тушсам, мен ҳам шундай қилардим, деб тан оладиган бўлиб қоласиз; ҳатто сиз бу одамнинг коммерция оборотлари ҳозир қандай бўлса ҳам, жуда олийжаноблигидан ташқари, тамомила бошқа бир одам бўлиб ўзгариб кетса бўладиган одам экан деб иқрор қилишингиз ҳам эҳтимол.

Эҳтимол, сиз шундай одамдирсизки, жамятда олийжаноб урф-одат эгаси бўлишга ёки ёмон одат ва қилиқлардан халос бўлишга имкон бермайдиган ҳолатларни назар-этиборга олмай, одамларни ёмонотлиқ қилишга ёки, одамларнинг ишини мақташга ўрганиб қолгандирсиз. Агар шундай одам бўлсангиз, бизнинг гапларимизни, фикримизни тўғридан-тўғри беҳудага чиқарасиз. Сизнинг қатъий шундай ҳукм чиқаришингизга жавобан сизга бўлган бир воқиани ҳикоя қилиб беришга рухсат этсангиз. Бунда шу воқиани ҳикоя қилса арзийдиган ҳикоя. Бу ҳикоя китобхонларни бутун куч-қувватини ўз ватанининг бахт-саодатига бағишлаган киши ҳаётининг айрим бир томони билан таништиради.

Утган йилнинг бошларида Петербургда вафот қилган Дмитрий Иванович Мейер, шу ердаги университет профессори бўлган бу киши, Қозон университетидан ўн йилча граждан қонунлари кафедрасида ишлаган эди. Унинг фикри-зикри билим ва виждон кучи билан юридик ҳаётимизни яхшилаш эди. Бунда унинг профессорлик вазифасида қилган ишлари ва ёзган асарлари тўғрисида, ўқувчиларга жуда зўр ва яхши таъсир кўрсатганлиги тўғрисида, ўқувчилар бу профессорни умрбод зўр иззат-ҳурмат билан хотирлаётганликлари тўғрисида гапириб ўтиришининг кераги йўқ. Бизнинг ҳикоямиздан мақсад шуки унинг айна мудлооסי юридик фанни юридик практика билан қўшиш эди. У университетда лекция ўқиганида консултациялар ташқил қилди, ўзи суд ишлари билан шуғуллан-

ди, албатта, суд ишларини қандай олиб бориш талабларини амалда кўрсатиш мақсадида суд ишлари учун ҳеч қандай ҳақ олмасдан ишлади (бу киши қаҳрамонона фидокорлик билан ишлаган киши эди) Биз ҳам ўз ҳикоямизда шундай суд ишларидан бирини айтиб берамиз.

Мейер турган шаҳарда бир савдогар бор экан, у бир икки марта (жаноб Островский комедиясидаги) Бильшов¹¹ каби кишиларгина қайтмайдиган катта-катта фирибгарликлар қилган экан. Мана шу фирибгарлиги туфайли катта-катта фойда олишга ўрганиб қолгандан кейин, у ўзини яна бир марта банкрот деб эълон қилиб, кредиторларга бир сўмга беш тийиндан ё ўн тийиндан олинг, деб таклиф қилган. Бу савдогарнинг илгариги шундай фирибгарликлари силлиқ ўтиб кетаверган, у сувдан қуруқ чиқа берган. Ҳеч ким унинг қастдан, банкрот бўлдим деб эълон қилганлигини тутиб олиб уни шарманда қила олмаган ёки шарманда қилгиси келмаган. Шунинг учун, бу гал ҳам бу найрангим силлиқ ўтиб кетади, деб ўйлаган. Лекин Мейер кредиторларга конкурс ишларини бошқаришни ўз зиммамга оламан, деб айтган. У вақтларда вице-губернатор тўғри одам эди, Мейер бу ишни қатъий қонуний йўл билан олиб бориши ҳам мумкин эди. Савдогар унда расм бўлган одатча жуда пала-партиш иш юргизиб келган, ва атайи чалкаш-чулкаш қилиб, ёлғондака рақамлар аралаштириб юргизиб келган ҳисоб-китобларни тартибга солиш учун Мейер кўп вақт ва кўп меҳнат сарф қилган. Қарздор ва унинг партизанлари*нинг хил порохўрлик, алдамчилик ва сансалорлик найрангларини ишлатганлар. Лекин ҳаммаси беҳудага кетган. Мейерни на қўрқитиш, на йўлдан оздириш ва на алдаш мумкин эди. У ҳисоб-китоб дафтарлари ва ҳар хил ёзув китобларини бирма-бир текшириб, пировардида бу ишни аниқ ва равшан бир ҳолга келтирди. У қарздорнинг муттаҳамлик қилиб, ўзини банкрот деб эълон қилганлигини исботлаб берди, шу билан банкрот қамоққа олинди. Банкрот билан унинг шериклари ўртасидаги музокаралар бир неча ойга чўзилди. Уларнинг ҳамма ҳаракати беҳуда кетди. Банкрот қамоқда ётаверди, Мейер ҳам ўз айтганидан қайтмади. Шу тариқа орадан бир йилча ўтди. Ниҳоят, Мейерни йўлдан оздира олмаслигига ва уни енга олмаслигига банкротнинг кўзи етди. У кредиторларига қарзини тўлади ва

* Қарздор ва унинг партизанлари — яъни унинг шериклари.

қамоқдан бўшади. Қамоқдан бўшаб тўппа-тўғри Мейернинг уйига келди. Нимага келди деб ўйлайсиз? «Раҳмат сенга, сенга ҳурматим ортди,— деди у ўзининг рақибига:— сенинг ишларингни кўриб, ҳалолликнинг маънисини нима эканини тушундим. Сенинг қилган ишингни кўриб, мен ёмон иш қилганлигимни билиб олдим. Бизда менга ўхшаб иш кўриш расм бўлиб қолган. Сен менинг кўзимни очиб қўйдинг. Мен энди яхши нима-ю, ёмон нималигини билиб олдим. Мен кўп кишилар билан иш қилиб келган эдим, лекин энди фақат сенга ишонаман. Қиладиган бутун ишларимда сенинг гапларингга қулоқ соламан, мендан маслаҳатингни аяма» деган.

Биз ҳикоя қилиб берган шу фактни Мейер яшаган ва ҳалиги можаро юз берган шаҳардаги кишиларнинг ҳаммаси айтиб бериши мумкин. Жуда расво бўлиб бузилиб кетган дилларда ҳам аслида олийжаноблик борлигига, ҳақиқатга туғма муҳаббат ва эҳтиром борлигига ишонмайдиган сиз зотлар ана шу банкротга назар ташланг. Бузилиб расво бўлган дилнинг нима эканлигини исбот қилиб бера оладиган, айбдорнинг ҳалол турмуш кечириш учун янгидан дунёга келишга ҳеч қобил эмаслигини исбот қилиб бера оладиган ҳамма аломатлар шу банкрот қиёфасида мужассам бўлган; ҳақиқатни тан олишни кишининг иззати нафсига ва эгоизмига қарама-қарши бир нарсага айлантира оладиган ҳамма ҳолат ва интилишлар бирга тўпланган. Ёмон ният билан ўзини банкрот эълон қилиш жуда қаҳри қаттиқликни талаб қиладиган жиноятлардан биридир. Киши жуда дарғазаб бўлганда ёки тўсатдан бирор қарорга келиб ўзини банкрот эълон қилмасдан, жуда совуққонлик билан, у ёқ-бу ёқни ўйлаб шундай қилади. Хўб ўйлаб кўп кишиларни хонавайрон қилиш ниятида бирор қарорга келиш учун жиноятчи дилида бир неча соят ёки бир неча кун эмас, балки бир неча ой, ҳатто бир неча йил режа тузиб юради; чунки шу жинояткорона фикрини амалга ошириш учун жуда узоқ вақт кўп чора-гадбирлар кўриши лозим бўлади, биринчидан, кредиторлардан олмақчи бўлиб мўлжаллаб қўйган ҳамма пулини олиш учун, иккинчи томондан, ўз обрўсини кетказмасдан ўз кредиторларидан мумкин қадар кўпроқ қарздор бўлиш учун, ўз магазинларида нақд товар запасларини анча камайтириш учун жуда узоқ вақт ўйлаб, минг кўчага кириб чиқиши лозим бўлади. Бири иккинчисига халақит берадиган бу турли-туман операцияларни савдогарнинг кўнглидагидек

қилиб охирига етказиши мушкул иш. Ниҳоят, мақсадга етиб, магазинларда товар қолмай, қарздорлардан ҳамма пул ундириб олиниб, жуда кўп вексель берилганда яна жуда оғир янги-янги мушкул ишлар бошланадими, буларга жуда бағри тош кишиларгина бардош бериши мумкин. Жиноятчи ўзини банкрот деб эълон қилади ва шу дақиқадан бошлаб ҳар куни унинг бошига жуда оғир ғавғолар тушади. Бу жиноятчи қасрига хонавайрон бўлган кишилар унинг олдига келиб кўзёши қиладилар, унга ялиниб-ёлворадилар, унга лаънатлар ўқийдилар — лекин у ҳеч писанд қилмай бағри тош бўлиб қолавериши ва қарорини ҳеч ўзгартмасдан туриб олиши лозим бўлади. Унлаб одам ўлдирган уччига чиққан каллакесар ҳам бегуноҳларнинг нолаи фиғонини эшитганда, юраги эзилмай иложи йўқ ва, одам ўлдириш бир дақиқалик иш бўлмаганда, бу даҳшатга бардош бера олмасдим, дейди. Банкрот эса ҳафталаб ва ойлаб бетўхтов давом қилиб турадиган шундай мудҳиш воқияларга чидаши керак, шунинг учун ҳам у ўз характерини ҳеч ўзгартмай тош бағир бўлиб олади. Бизнинг банкротимиз бу даҳшатли ишни биринчи марта қилаётгани йўқ. У мухолифи Мейерга дуч келганида, бу унинг биринчи фирибгарлиги эмас эди. Бир тўда қароқчиларни олийжаноб қаҳрамонларга айлантириш қанчалик ақлга тўғри келмайдиган иш бўлса, бу кишини адолат ва эзгуликни яхши кўрадиган киши даражасига етказиш ундан ҳам баттароқ эди. Энди бу банкрот ким туфайли адолат ва эзгуликни яхши кўрадиган бўлиб қолди. Дунёдаги ҳамма кишилардан ҳам ёмон кўриши лозим бўлган киши туфайли. Бизнинг банкротимиз ўзини енгилмас айёр деб ҳисобларди. Мейер унинг ҳамма ҳийла-найрангларини очиб ташлаб, иззати нафсини жуда қаттиқ ҳақорат қилди. Мейер уни хонавайрон қилди, узоқ вақт озодликдан маҳрум қилди, узоқ вақт қамоқда ётқизиб жуда кўп азоб чектирди — ана шундай ҳақорат қилган, хонавайрон қилган, қийнаган кишини бағри тош банкрот яхши кўришга, шу бераҳм золим душманини яхши кўришга мажбур бўлди. Ёмонларнинг энг ёмони бўлган кишининг ҳам дилида яхшилик ва олийжаноблик қолдиқлари ва куртаклари жуда кўп бўлишини билмайдиган ва масалага юзаки қарайдиган кишилар назарида бу мутлақо ғайри табиий бир нарса, бундай кишилар, ўтакетган малъун ҳам ҳар ҳолда инсон эканлигини, яъни ўз табиати жиҳатидан ҳақиқатни ва яхшиликни ҳурмат қилишга ва унга меҳр

қўйиш, ҳамма ёмонликдан ҳазар қилишга мойил эканлигини; билмаганлигидан йўлдан озганлиги ёки ўз характери ва ақлидан кучлироқ ҳолатлар таъсири билангина яхшилик ва ҳақиқат қонунларини бузувчи, ҳеч вақт ўз ихтиёри ва ўз эрки билан яхшиликдан ёмонликни афзал кўра олмайдиган бир зот эканлигини эсларидан чиқариб қўядилар. Кишини йўлдан оздирувчи ҳолатларни бартараф қилсангиз, шу билан кишининг ақли ҳам тез равшанлашиб, характери олийжаноб характерга айлана боради.

Мейер сингари кишилар ҳамма вақт ҳар қандай жамиятда ошуда сийрак учрайди. Бундай кишиларнинг қиладиган иши улар билан яқин алоқада бўладиган ҳар бир кишига, албатта, ошуда яхши таъсир қилади. Бундай шахсларнинг кучи шундаки, бу куч кишига яхши таъсир қилиб, унга қарама-қарши бўлган бошқа ҳамма ҳолатларнинг таъсирини кесиб туради, кўпинча ҳатто устун келиб туради. Лекин, Мейер сингари «қўрқмас ва таънани билмас» баярд кишиларнинг сони ҳамма вақт ва ҳамма ерда шу қадар оз бўлганки, уларнинг шахсий таъсирининг кучи улар мансуб бўлган жамиятнинг кичик бир қисмидагина акс этилиб кўриниб турар эди. Айрим бир олийжаноб қаҳрамоннинг турмушда кўрсатадиган ўрнаги бутун-бутун жамиятларни эмас, балки бир қанча айрим кишиларнигина ўзига ром қилади. Олийжаноб кишилар дунёга келса, жамият улардан ўртак олиб шифоланади, деган хаёл билан кишининг ўзига тасалли бериши беҳуда бир нарса. Жамиятлар тарихида ўртакнинг бундай кучга эга бўлиши мумкин эмас. Агар ҳар бир киши зарур воситаларга эга бўлиб, ўртак олмай ҳам ўз олдига қўйган мақсадига амалда эришиш йўлини кўрсатиб берса, ана шундай ўртак муҳим бўлади. Васко де Гама Добрая Надежда бурнидан айланиб ўтган эдики, минглаб кемалар шу йўлдан унга эргшиб кетдилар. Лекин бунинг сабаби фақат шуки, Васко де Гама бўлмаса ҳам, ундан илгари ҳам ҳамма денгиз орқали Ҳиндистонга боришни орзу қилган кемалар эса аллақачон тайёр эди. Лекин тарихда ҳеч вақт ўртак халқнинг урф-одатларини халқ ҳаёти шарт-шароитига мос қиладиган сабабчилик қонунининг амал қилишини кесиб қўя оладиган кучга эга бўлиши мумкин эмас. Ун минглаб ўз қадр-қийматини жуда баланд тутадиган серғайрат инглизлар Ҳиндистонда турмуш шарт-шароитлари туфайли урф-одатининг асосий ҳислатлари хўрлик ва танбаллик бўлиб

қолган халқ орасида яшаб келмоқда. Бу ҳол ҳозиргача ҳам бартараф қилингани йўқ ва ҳиндилар инглизларнинг жуда кўп ўрناق олса бўладиган хислатларини кўриб турган бўлсалар ҳам, аввалгидек хўрлик ва танбалликда кун кечирмоқдалар. Лекин инглизлар ҳиндиларнинг бузилиб, йўлдан озиб хўрликка тушишига сабаб бўлган фактларни бартараф қилиш учун жонкуярлик қилсалар, улар дарвишликнинг беҳуда эканлигини, мазҳабларнинг беҳуда бир нарса эканлигини ҳиндиларнинг миясига қўйишга ҳаракат қилсалар; инглизлар бу қашшоқларнинг инсонлик ҳуқуқини қайтариб берувчи қонунларни жорий қилсалар, ҳинд деҳқони ва саноатчисини юқори каста кишиларининг таҳқир кўзи билан қарашидан ва хўрлашидан ҳимоя қилиш тўғрисида жонкуярлик қилсалар, ана ўшанда ҳинди халқида меҳнаткашлик, қонунни иззат қилиш, ҳаққониятга муҳаббат ва инсон қадр-қийматини ҳис қилиш каби фазилатларнинг янгидан бунёдга келиши учун унча кўп йиллар керак бўлмайди. Лекин Ост-Индияни ва инглизларни бирёққа қўйиб турайлик. Инглизлар Ост-Индияда маҳкам ўрнашиб олиш учун энг яхшиси ҳиндиларнинг сadoқатига эришиш эмас, балки Ҳирот ва Қандаҳорни¹² қўлга киритиб олишдир, деб хаёл қилиб юра берсинлар. Улар, агар ўттиз миллион аҳолиси бор Буюк Британия ҳеч қандай бегона юрт ҳужумидан қўрқмаса, у вақтда юз эллик миллион аҳолиси бор Ҳиндистон инглизлар туфайли бунёдга келадиган муассасаларни ҳимоя қилишни фойдали деб билса, Ҳиндистоннинг, албатта, ҳеч қандай Ҳиротга эҳтиёжи йўқлигини эсларидан чиқара қолсинлар. Булар фақат тахмин ва фараз қилинадиган нарсалардир. Уларнинг беҳуда бир нарса эканлигини биз ўзимиз ҳам тан оламиз. Бизнинг бу осийлилар билан нима ишимиз бор? Ялқовлик қилсалар қилаверсинлар. Улар шундай ажойиб иқлимда яшайдиларки, жуда ялқовлик қилсалар ҳам кўтараверади. Лекин, масалан, жаноб Буеракин Ост-Индияда яшаса эди, унинг урфодати тропик иқлимга жуда ҳам мос бўлиб тушар эди ва унинг қандай турмуш кечириши билан бизнинг ишимиз ҳам бўлмас эди. У хаёлпараст одам. Нербудда соҳилларида, банан дарахтлари соясида ўтириб хаёл суриш жуда ҳам маъқул иш бўларди ва жуда ярашарди. Лекин унинг Заовражье қишлоғида ўтириб хаёл суриши уни жуда ҳам зериктириб қўяди ва бир кун эмас

бир кун хаёл суришдан зерикиб, Ижбурдин ва ўтмиш замонлар подъячийси сингари бирор иш билан шуғуллангиси келиб қолади. У албатта, бу нодонлар сингари қилмайди. У олийжаноб ва ўқимишли киши. У инсонпарварлик тушунчаларини ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлади. Бизда, инсонпарварлик тушунчаларига эга бўлган одамлар тўғрисида, улар асло иш билмайдиган кишилар, бир ишга тутинсалар, уни шундай чалкаштириб юборадиларки, уларнинг бу ишига аралашиб қолган кишиларнинг ҳоли ўтмиш замон подъячийси ёки Иван Петрович қўлига тушиб қолган кишиларнинг аҳволидан ҳам бешбаттар бўлади, деган афсона бор. Адабиётда шундай кишилардан жуда кўп кулган эдилар, кулганда ҳам ўринли кулган эдилар, бизнинг бошқа сатирикларимиз сингари, Шчедрин ҳам «Ношудлар» деган очеркида жуда олийжаноб ниятли ношуд кишилардан бирини жуда қаттиқ шарманда қилиб, тўғри иш қилган. Лекин Буеракин ундай эмас. У ожуда зеҳни ўтқир одам. У бирон ишга жиришмоқчи бўлса, бу ишни муддаосидагидек эп-лаб бажарадиганлардан.

Шу дамгача биз Шчедриннинг ўзи тасвирлаган кишиларига қандай қарашига жуда оз тўхталиб ўтдик. Биз гапириб ўтган типлар ва фактлар шу қадар оддий типлар ва фактларки, улар тўғрисидаги тушунчалар масаласида тузук кишилар ўртасида ҳеч қандай шахсий тафовут бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким ўтмиш замон подъячийсидан, Ижбурдин ва шерикларидан завқланмайди. Лекин Буеракин сингари кишиларга бошқа-бошқа назардан қараш мумкин. Унинг гаплари инсонпарвар кишининг гаплари. Унинг қўлига қараб қолган кишиларнинг куни қурсин. Жуда кўп киши ҳеч тап тортмай, унинг гапи бошқачо, иши бошқа, у ёлғончи ва икки юзлама ёмон одам, дейди. Бу жуда табиий бир фикр. Лекин Шчедрин бу фикрга қўшилмайди, бунининг унинг ҳаётни билиш ва кишиларга баҳо беришда камдан-кам учрайдиган одамлигини жуда яққол кўрсатиб берадиган далил-исботлардан бири деб қарамоқ керак. Шчедрин Буеракинни асло икки юзлама қилиб кўрсатмайди. У умум бахт-саодати тўғрисида гапириш билан бирга, ўзи тушунган маънода чиндан-да шундай умум бахт-саодатини орзу қилади. Яна нарғини ҳам айтадиган бўлсак, у ўз ҳукмини юрита оладиган турмуш доираларида ўзи тўғри деб топган фикрларни амалга ошириб

боради. Буеракин ҳаққоний суратда ўзи ўзини жуда эзгу ниятли одам деб атайди. Ҳикоя оҳангининг ҳаммаси Шчедриннинг шу фикрга қўшилишини кўрсатади. Шчедрин ҳалол докладчи сингари, Буеракинлар йўл қўйиб берадиган ёки ҳатто Буеракинларнинг ўзи қиладиган ёмон ишларни асло яширмайди. Шчедрин бу нарсалар тўғрисида жуда ғазаб билан гапириб тўғри қилади, лекин Буеракиннинг қилган кўп ишлари учун уни ёмонотлиқ қилса ҳам, ҳар ҳолда унинг Буеракинга муносабати ёмон эмаслиги кўриниб туради. Шчедрин ёмон кишини ўзига «якши дўст» қилиб олмас эди.

Қандай қилиб, шундай мулоим, жуда ўқимишли ва зеҳни ўткир кишининг Буеракин сингари ёмон йўлга кириши мумкин? Кўп кишилар: бунинг сабаби шуки, Буеракин иродасиз, заиф, ялқовлашиб кетган одам, дейдилар. Буеракиннинг ўзи ўзи тўғрисидаги шундай таърифнинг тўғрилигига қисман ишора ҳам қилиб ўтади, чунки бу таъриф унинг шайъига ҳаммадан ҳам камроқ доғ тегизадиган таъриф. Кўрдингизми, у ўзини Гамлет сингари, фақат самарасиз рефлексияда кучли бўлса ҳам, лекин ишга келганда заиф, иродасиз кишидай қилиб кўрсатади. Бу адабиётимизда пайдо бўлаётган биринчи Гамлет эмас — бундай кишилардан бири ҳатто ўзига тўғридан-тўғри «Шчигровский уездининг Гамлети»¹³ деб ном ҳам қўйган эди, бизнинг Буеракинимизнинг «Крутогорский губерниясининг Гамлети» бўлишини орзу қилиши эса яққол кўриниб турибди. Адабиётимизда Гамлетлар шундай тез-тез учраётган экан, жамиятимизда анча-мунча шундай Гамлетлар бўлса керак — агар бIRON повесть, чунончи, олийжаноб тушунчаларга эга бўлган кишилар тўғрисида бўлса, бундай кишилар учрамайдиган повесть камдам-кам бўлади.

Лекин биз бундай кишиларнинг номигагина тўхтаб ўтирмаймиз, номнинг ўзи бизга кифоя қилмайди, биз ишни ёки воқияни билмоқчимиз, — бизнинг муддаомиз шуки, нима учун Гамлетнинг Гамлетлигини, яъни дили жуда ажойиб фазилатли бўлишига қарамасдан, ўзини ҳам азоб-уқубатга дучор қилишини ва тақдир унга боғлиқ бўлган ва астойдил яхшиликни раво кўрган кишиларни — масалан, Офелия билан Лаэртни¹⁴ ҳалок қилишини билмоқчи бўламиз. Рефлексияга мойил бўлган ўткир ақл эгаси бўлишига қарамасдан, бунга иродаси-

нинг фақат заифлигини сабаб қилиб кўрсатиб бўлмайди. Иродаси заиф, ақли ўткир ва рефлексияга мойил бўла туриб, жуда бахтиёр бўлиб умр кечирган ва ўз яқинбилишларининг умрини ҳам бахтиёр қилган кишилар оз дейсизми? Бунинг бошқа бир сабаби бор: Гамлет сохта бир аҳволга ёки, соддароқ қилиб айтсак, ғайри табиий бир аҳволга тушиб қолган. У онасининг фарзанди бўлганлиги учун онасини яхши кўриши лозим эди, лекин онаси Гамлетнинг отасини ўлдирганлиги учун, у онасига нафрат кўзи билан қарашга мажбур. Гамлет Офелияни чин кўнгилдан жуда қаттиқ севади — лекин Офелияга уйланишни ўзинга муносиб кўрмайди. Бу иккала ҳолат шу қадар ғайри табиийки, кишининг миясини гангитиб қўйиши мумкин, рефлексияга мойил бўлмаган кишини эса, ҳатто иродаси унчалик заиф бўлмаган кишини ҳам бир-бирига қовушмайдиган беҳуда ишларга, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳалок қиладиган оқибатларга олиб борадиган йўлга солиб юбориши мумкин. Жуда сийрак учрайдиган виждонсизлик истеъдодига эга бўлган жуда камдан-кам аблаҳлар ёки темирдек мустаҳкам ирода эгаси бўлган ундан ҳам камроқ бахтиёр кишиларгина Гамлет ўрнида ақл билан иш қилиши ва бахтли бўлиши мумкин. Гамлет аҳволига тушган кишилардан юздан тўқсон тўққизи худди шундай азоб-уқубат чекиб, ўзини ҳам бошқаларни ҳам худди ўзидай минг балога гирифтор қилар эди. Бундай ишларда темпераментлар фарқининг унчалик аҳамияти бўлмайди. Шекспир драмасининг ғоят буюк аҳамияти ҳам шундаки, сизнинг темпераментингиз қандай бўлмасин, Гамлетни шу ҳолатида кўрганингизда ўзингизни ҳам шу ҳолатда ҳис қиласиз.

Энди Буеракинга шу нуқтаи назардан қараб кўрайлик-чи. Унинг характеридаги психологик хусусиятларни вақтинча бир чеккага йиғиштириб қўямиз. Агар унинг аҳволига диққат билан назар ташласак, унинг нима учун гаплари яхши бўлиб, қиладиган ишлари бунчалик ёмонлиги сизга аниқ ва равшан бўлади. Тақдири Буеракинга боғлиқ бўлган кишиларга унинг муносабати Гамлетнинг Офелияга муносабати сингари ғайри табиийдир. Хотин кишини яхши кўра туриб, уни ўз хотини деб аташни истамаслик, кишиларга яхшиликни раво кўра туриб, бу билан бирга уларнинг ўз орзу-ҳавасларини қондириш учун зарур нарсаларидан маҳрум қилиш — бу ҳолатлардан қайси бири сизга камроқ ғайри табиий, камроқ сохта бўлиб

кўринади? Бизнинг фикримизча, бу ҳолатларнинг ҳар иккаласи ҳам ғайри табиий, ҳар иккаласи ҳам ёмон.

Кўп кишилар, Буеракин ўз эътиқодларига содиқ эмас, деб айблайдилар; эҳтимол, сиз, китобхон, ҳам уни икки юзлама дегандирсиз? Агар шундай бўлса, сиз у ёқ бу ёқни суриштирмасдан ва ноўрин шундай дебсиз. Ўз эътиқодларига хиёнат қилиш! Мизантроплар*, кишилар фараз қилинганидан анча сийрак ҳолларда шундай маънавий ожиноят йўлига кириб турадилар; дейдилар; кўрабила туриб асосий эътиқодларига хиёнат қилувчи киши, фикри билан истаги бўлиниб кетган киши — ўнг юзи чап юзига ўхшамайдиган киши сингари, сийрак учрайдиган ҳодисадир. Берне, — унинг кишилар тўғрисидаги фикри жуда ҳам яхши эмас эди, шу билан бирга уларни хўп сўккан ҳам эди шекиллик, — мана шу Берне, тўғридан-тўғри, бирон вақт ақалли бирон киши ўз эътиқодларига хиёнат қилмаган бўлса керак, дейди. Агар турли кишиларнинг тилида турли маъно оладиган умумий гап-сўзларга берилиб, шу сўзларга маҳлиё бўлиб кетмасанг ва киши тушунчасининг аниқ мазмунига диққат билан разм соладиган бўлсанг, Берненинг фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Кўпинча кишининг ўзи ўз тушунчаларининг чин маъносини пайқамайди, ҳақиқатда ўзи ўйлаётган нарсадан томомила бошқа нарсани ўйлаётгандай хаёл қилиб юради, — ҳеч бўлмаса, Буеракини мисол қилиб олайлик. У астойдил ўзини «ярамас киши» дейди, яъни ҳаётга ва яқин кишиларига наф келтиришга ярамайдиган одам дейди ва дарҳақиқат ўзимни ярамас киши деб хисоблайман деб хаёл қилиб юради. Амалда унинг ўзи тўғрисидаги фикри шундайми? Бу нарса унинг ўзидан кўра бегона кишига аниқроқ кўриниб туради. Бир неча сатр пастроқда Шchedриннинг унинг ялқовлиги ва танбаллиги тўғрисида берган саволига нима деб жавоб беришига қулоқ солинг. Шchedрин унга, сиз ҳеч нарса қилмайсиз ва фойдали ҳеч иш қилиш мумкин эмас, деб хаёл қиласиз, дейди.

— Топдингиз, — дейди Буеракин: — топдингиз. Лекин сиз баъзи бир тафсилотларни пайқамай қолгансиз, мен шуларни тушунириб беришга ҳаракат қиламан. Менинг қилаётган биринчи ишим мурувватли помешчик бўлиш тўғрисидаги чин истагимдир. Бу қийин

* М и з а н т р о п — (грекча) — инсон душмани

иш эмас, мен идора ишларига мумкин қадар камроқ аралашиб турсам, шу билан мен анча тузук натижаларга эришаман. Лекин сиз тагин, бу одам беғамлиги ёки ўта кетган ялқовлигидан шундай қилган экан, деб ўйламанг. Йўқ, ундай эмас, менинг аралашувимнинг ҳеч бир кераги йўқлигига мен шу қадар қаттиқ ишонганманки, управляющим ҳам шунчаки хўжа кўрсинга, виждон азобига қолмаслик учун, қўйларга қарайдиган қўйчивон қолмабди, деб айтмасинлар, деб айланиб юради... Менинг гапимга тушунгандирсиз?

— Бу унчалик кўп иш эмас-ку...

— Сиз ўйлагандан кўпроқ...¹⁵

Албатта, бу монологда киноя бор, лекин бу киноя кишининг ўз иши тўғрисидаги жуда яхши фикрини яшириб турувчи киноядир. Киноянинг маъноси ҳам қандай денг? Киноя жуда очиқ ва равшан кўриниб турипти. Дуруст, мен унча-мунча яхши иш қиляпман; агар менга янада кенгроқ имкон берилса, бундан ҳам кўпроқ яхшилик қилиш қўлимдан келмасмиди! Нима бўлди, бундан бир минут илгари у ўзини ярамас киши деб айтган эди-ку?— Бунинг ҳеч боқиси йўқ. Бирон киши тинмай ўзи тўғрисида: «Дуруст, мен бўлмағур бир кишиман, лекин ҳар ҳолда яхши одамман» деяр экан, бу сўзда ҳеч қандай зиддият йўқ. Юзаки қараганда, бир-бирига зид бўлиб кўринган бу жумладати қайси сўз шу кишининг фикрини яхши ифода қилишини фаҳмлаб олиш учун жуда зийрак бўлишнинг кераги йўқ. Бу сўз: «мен яхши кишиман» деган сўздир. Бу жумланинг биринчи ярми унга асло зид келмайди; аксинча, жумланинг олдинги ярми бу сўзнинг маъносини кучайтиради, унинг маъниси: «Ҳозирги шароит ҳамма фазилатларимни батамом яққол қилиб кўрсатишга имкон бермайди. Мен буюк фазилатларимга ярашадиган ҳеч нарса қила олмаяпман. Ҳозир сиз мени жуда ажойиб киши деб ҳисоблайсиз, лекин шароит бирон вақт менинг бутун фазилатларимнинг бунёдга келишига имкон берса, сиз менинг тенналлитимни, олийжаноблитимни кўриб ҳайрон қоласиз!» Аслини олганда, Буеракнинг ўзини асло ишەқмас ва бекорчи киши деб ҳисобламайди. Аксинча, у қиладиган ишларим эътиқолларимга зид деб ўйламайди ҳам. Аксинча, у юриш-туриши билан фахрланади, юриш-туришим тушунчаларимга тамомила мувофиқ деб билади. Биз келтирган шу парча ҳар бир кишини, биров ялқов бўлиб кўринса ҳам, бу нарса унинг амалда ишчан бўлишига халақит бермасли-

гига ишонтиради. Унинг тушунчаларига диққат билан қаралса, унинг ишлари қандай бўлса ҳам, лекин ишлари тушунчаларига мувофиқ эканлигини исбот қилиб беради.

Ҳақиқатан, кишининг мартабаси тушунчаларининг характериға қатъий таъсир қилади. Бутун тарихни кўздан кечириб, киши мушоҳидачилик, назарий ҳолатдан амалий ишға ўтганда, у одатда жуда кўп жиҳатлардан бу амалий ишда ўзидан олдин ўтганларнинг изидан бора бошлаганлигини, гарчи илгари уларнинг хатти-ҳаракатини қоралаб келган бўлса ҳам, шулардан ўрнак олганлиги, ана шу ўзгармас фактни кўриш мумкин. Масалаға бир томонлама ва юзаки қарайдиган назариячилар бунди виждонсизлик дейдилар. Лекин шу қадар умумлашиб кетган факт айрим кишиларнинг шахсий камчиликларига ёки нуқсонларига боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Бундай факт зарурат туфайли албатта бирон асосға эга бўлиши лозим. Гап шундаки, ҳар бир янги нуқтаи назар пайдо бўлиши билан перспектива ўзгариб боради. Инглиз министрлари бундан ўн беш йиллар чамаси олдин, афъюн савдосини қувватлаб Хитойға қарши уруш олиб борганларида, уларни бирон француз публицистининг ёмонотлиқ қилиши жуда осон бўлган эди.¹⁶ Публицист ўз нуқтаи назаридан ҳақли эди. Лекин агар унинг ўзи инглиз министри бўлиб қолса, илгари жуда қоралаб келган ишини, яъни афъюн савдосини деб олиб борилган урушни ўзи давом қилдириши турган гап эди. У: «албатта, афъюн билан савдо қилиш одобдан эмас, лекин бу савдо бор нарса, фақат мен ҳаракат қилганим билан бу савдони илдизини қуришиб бўлмайди, чунки хитойларнинг ўзи унга тарафдор. Агар инглизлар хитойларға афъюн сотмай кўйсалар, хитойлар бошқа афъюн сотадиганларни — америкалилар, французлар, португалларни топиб оладилар. Яна шуниси ҳам борки, хитойлар инглиз байроғини ҳақорат қилдилар. Буни жазосиз қолдириб бўлмайди. Ниҳоят, уруш асло афъюн учун олиб борилаётгани йўқ, хитойлар биз билан тузган шартномаларини бузганлиги учун уруш олиб бориляпти» деяр эди. Бу киши, яна ўз нуқтаи назаридан ҳақли бўлар эди. Бу киши ҳар иккала ҳолда ҳам ҳалол гапирди, лекин унинг масалаға қараши бир-биридан фарқ қилади, унинг масалаға қарашидаги бу фарқи эса вазифаларининг фарқидан келиб чиқади. Биринчи ҳолда, у француз публицисти бўлганлиги учун, Англиянинг хусусий манфаатларини

деб унча жон куйдиргиси ҳам келмас эди, бунга эҳтиёжи ҳам йўқ эди. У масалани бирдан-бир адолат идеясига асосланиб туриб ҳал қилган эди. Иккинчи ҳолда, инглиз министри бўлганида, у Англия манфаатлари устида жонкуярлик қилиши лозим. Агар у Англия манфатларини деб жон куйдирганда эди, у виждонсиз ва ёмон одам бўлар эди. Унинг илгариги ўртоқлари, француз журналистлари: «У ўзининг илгариги тушунчаларига хиёнат қилди!» дейдилар. У эса жавоб бериб бундай дейди: «Асло хиёнат қилганим йўқ. Мен илгаригидай, афъюн савдоси одобдан эмас, деб ўйлайман. Мен илгаригидай, адолатни ҳаммадан аъло деб биламан. Лекин адолат инглиз министрининг Англия манфаатларини назарда тутишини талаб қилади, сиз хўп деяверинг. Афъюн билан савдо қилиш адолатдан эмас. Лекин бу савдо ишларини инглизлар ўз рақиблари қўлига топшириб қўйса, беҳуда иш бўлади. Агар афъюн савдосининг тўхтатилиши мумкин бўлса, биз ундан воз кечар эдик. Лекин унинг тўхтатилиши мумкин эмас. Афъюн савдосини хитойларнинг ўзи қувватлаяпти. Улар ҳамма ёққа зир югуриб афъюн қидириб юриптилар. Ё бўлмаса сиз, хитойларнинг афъюн чекиш одатини зўрлик билан йўқ қилиб ташлаш ниятида Хитойни забт қилинг демоқчимисиз? Хитойни забт қилишимиз афъюн савдосини тўхтатиш учун бирдан-бир восити бўлар эди. Мана кўрдингизми, сиз ана шунақа қарама-қарши йўлга киярмисиз. Сиз Хитой билан олиб бораётган урушни тўхтатишимиз учун, биздан Хитойни забт қилишимизни талаб қиярмисиз. Сиз ҳақиқий ҳолни тушунгингиз келмайди-да, ҳеч тўғри келмайдиган ва мумкин бўлмаган нарсаларни — афъюн урушидан ҳам баттароқ нарсаларни талаб қиярмисиз. Мен ҳам илгари, сизга ўхшаб, фактлардан беҳабар эдим, абстракт назарияга қараб ҳукм қилар эдим. Мен ўзимнинг илгариги тушунчаларимга асло хиёнат қилганим йўқ. Ҳаммадан аъло нарса адолатдир. Лекин адолат нимадан иборат? — гап ана шунда. Буни ҳал қилиш учун фактларни билиш керак. Илгари мен ҳам, сизга ўхшаб, фактларни билмас эдим; ҳозир биламан. Сиз билан менинг ўртамиздаги бутун фарқ ана шунда». У ўз нуқтаи назаридан тамомила ҳақли бўлади.

Хуллас, икки хил мартаба албатта масалага икки хил қарашга олиб боради. Қишининг мартабаси ўзгариши билан унинг нуқтаи назари ўзгаради, унинг тушунчаларининг характери ҳам ўзгаради.

Лекин бизнинг Англия ва инглизлар тўғрисида гап-риб ўтиришимизнинг нима кераги бор? Баъзи бировлар, бизнинг замонамизда одамлар ёмон бўлиб кетган, ҳозирги замонда ўз тушунчасида маҳкам турадиганлар йўқ, дейиши мумкин. Яхшиси, биз ўз маслагада қатъий турадиган, мустаҳкам характер эгаси бўлганлар дунёсидан, Рим дунёсидан олинган бошқа бир мисолни далил келтирамиз. Замонамиздан икки минг йилча бурун Цицерон Верреснинг¹⁷ Сицилияда қилган ишларини, ўз фикрича, қабоҳат деб билиб, унга ҳужум қилиб, жуда катта шовшув кўтарган эди. Цицерон бечора Верреси жуда ҳам ёмон одам деб, ҳамма қонунларни бузадиган, ҳар қандай ҳақиқат ва виждонга хилоф иш қиладиган, босқинчи, каллақесар ва ҳоказо, ва ҳоказо одам, деб кўрсатган эди. Цицероннинг гапига қараганда, дунёда ҳали ҳеч вақт Веррес сингари аблаҳ ва ёвуз киши бўлмаган эди. Веррес кўрқоқлик қилиб, ўзини ҳимоя қилмасдан Римдан кўчиб кетган эди. Лекин жуда чакки қилган эди. Ўзини ҳимоя қилса бўлмасмиди? Унинг ўзини оқлайдиган далиллари йўқмиди? У Цицеронга, масалан, бундай дейиши мумкин эди: «Азизим, сиз Сицилияда пропретор* бўлган эмассиз. Сиз бу кишиларни билмайсиз. Сиз менинг ҳолимга тушунинг. Менинг ўрнимда сиз бўлсангиз, нима қилар эдингиз, шуни бир кўргим келади. Сиз қонунларни ҳурмат қилиш керак, дейсиз. Мен қонунларни сиздан кам ҳурмат қилмайман. Мен Римда *praetor urbanus*** эдим. Қани айтингчи, мен ўша вақтда қонунларни бузганмидим? Мен судда порахўрликка, қасамни оёқ ости қилишга йўл қўйдимми? Йўқ. Сиз шундай қилдинг, деб айта олмайсиз. Кўрдингизми, судда адолат ва қонунга амал қилиш мумкин бўлган шаҳарда мен бу муқаддас принципларни қатъий амалга ошириб келдим. Лекин сиз Сицилияни биласизми? Ундаги ҳамма савдогарлар доғули банкротлардир. Ундаги ҳамма судьялар порахўрлардир. Сицилиялиларнинг ҳаммаси шундақанги одамларки, улар ёлғон қасам ичмай ва жиноят қилмай туrolмайди. Бу мамлакатдагилар ҳалоллик нима, қонун нима, билмайди. Агар, сиз дўстим, унда бирор жанжални Рим қонунларига, яъни чиқариладиган ҳукм ҳужжатларига ва тувохларнинг кўрсатган

* Претор — қадимги Римда сайланадиган суд вазифаси, пропретор — провинцияга претор вазифасини бажаручи қилиб тайинлаган киши.

** Шаҳар претори (лотин).

исбот-далилларига асосланиши лозим деб талаб қилувчи Рим қонунарига мувофиқ ҳал қилмоқчи бўлсангиз, сиз дўстим, бирон ишни ҳам тўғри ҳал қила олмас эдингиз: сизга жуда расмий форма либоси кийгизилган сохта ҳужжатлар тақдим қилар эдилар; сизга ёлғончи гувоҳларни рўпара қилар эдилар, уларнинг гувоҳлик бериб айтган гапларини легаллик қондаларига мувофиқ рад қилиш мумкин бўлмас эди; сиз, дўстим, Сицилияда бирон ўн сестерцийга* сизга ҳар қандақа сохта ҳужжат тузиб беришларини, сиз бозорда беш сестерций берсангиз, сизни ёқлаб ҳар қандақа гувоҳлик беришдан қайтмайдиган минглаб кишиларни топишингиз мумкинлигини биласизми? Сицилия пропретори қарамонда судьялари ва администраторлари бор, булар ҳаммаси пул деса жонини берадиган айёрлардир; сиз буларнинг ҳар қанчасини алмаштиришингиз ва жазолашингиз мумкин, лекин улар ўрнига қўйилган янгилари ҳам худди шундай бўлади. Сицилиялиларнинг хулқ-атвори, топ сеч** (Галлияда*** айтишларидай), ана шундай. Сизни ҳар бир қадамда алдар эдилар. Агар сиз бу кишиларни ўзингизга қарши қилиб қўйсангиз, улар сизни шундай тузоққа илинтирар эдиларки, сиз мени, амалидан фойдаланиб ёмон ишлар қилди, деб айблаб ётибсиз — бунинг учун менга бериладиган жазо шу бўлиши мумкинки, сизнинг шаҳрингиз Римдан фақат бадарға қилинишим мумкин (ўзимнинг ҳам бу шаҳарда тургим йўқ — сизнинг бу ярим ёввойи шаҳарингиз Римда яшагандан кўра Афинада, ўқимишли кишилар орасида яшаш минг чандон яхшироқ), агар мен Сицилияда менга алоқаси бўлган кишиларни, порахўрлар ва доғулиларни ўзимга қарши қилиб қўйганимда эди, улар мени Римга хиёнат қилди деб айблар эдилар ва мен, топ сеч, калламдан жудо бўлишим мумкин эди. Сицилияда ҳаммани ва ҳар бир кимсани ўзимга қарши қилиб қўйиб, бу билан мен қандай фойдали мақсадга эришар эдим, дейсиз? Наҳотки, мени, ҳақиқатан сизнинг қонунларингизни ва адолатингизни амалда ўз ўрнига қўя олади, деб ўйласангиз.

* Сестерций — қадимги римда майда танга; тахминий қиймати олти тийин.

** Азизим (мурожаат қилганда; франц.)

*** Г а л л и я — галлар, ёки кельтлар мамлакати, булар эрамиздан олдинги V—IV асрларда ҳозирги Франция, Швейцария, Бельгия, Шимолий Италия территориясига келиб ўрнашган эдилар; галларнинг областларини римлилар ўзларига бўйсундириб олган эдилар.

Сиз, топ шер, иберияли Сервантесни* биласизми? Сиз мени, Сицилияда Дон Кихот ролини ўйнасин, дейсиз шекилли. Carissime**, шамол тегирмонлар билан жанг қилиш аҳмоқлик-ку. Менга ишонаверинг: стихия кучлари ҳаракатга келтириб турган қанотларнинг қудратли ҳаракатини сиз билан биз тўхтатолмаймиз. Ақллик киши яхшиси тегирмончи бўлади-да, унинг тегирмонига ун қилиш учун келтирилган ҳар бир медимн*** тортгани учун бир кафдан олиб туради».

Верреснинг бу эътирозларига Цицерон нима деб жавоб бера оларди, бунисини билмаймиз. Юлий Цезарга¹⁸ албатта, булар ҳеч қор қилмас эди. У тортиниб-нетиб ўтирмасдан: «Мен Транспадан Галлиясини**** нима қилган бўлсам, Сицилияни ҳам шундай қилиш керак. Мен Транспадан Галлияси аҳолисига Рим граждани бўлиш ҳуқуқини бердим. Ҳозир транспаданлиларни ўз амалдорлари идора қиляпти. Уларда пропреторлар ҳам йўқ, менинг замонимдан илгари давом қилиб келган тартиблар ҳам йўқ, тартибсизликлар ҳам йўқ» деб жавоб берар эди. Лекин Цицерон Юлий Цезарга ва унинг Рим давлати учун қилган яхшиликларига душман эди. Цицерон Юлий Цезарни Рим республикасининг душмани деб билиб, уни қоралаган эди, у Юлий Цезарни Катилина ишига¹⁹ алмаштириб юборишга ҳаракат қилган эди. Лентулни²⁰ қандай қилиб ўлдирган бўлса, Юлий Цезарни ҳам худди шундай жаллод қўли билан бўғиб ўлдирмоқчи эди. Веррес ва сицилиячилар масаласида Цицерон Юлий Цезарь фикрига қўшилиши мумкин эмас эди.

Бу ишда турли-турли мартабада туриб ишлаган уч кишини кўриб турибмиз. Веррес — пропретор; Цицерон — жуда нияти тўғри, лекин ўз замондаги тарихий воқияларнинг маънисини асло тушунмайдиган юрист; Юлий Цезарь — давлат арбоби. Булардан ҳар бири ўз мартабасига қараб масалага бошқа-бошқа назар билан қарайди. Веррес бундай деб ўйлади: «Қонун ва адолатга риоя қилинадиган бўлса, сицилиячиларни идора қилиш мумкин эмас. Лекин бирон илож қилиб уларни идора қилиш ке-

* «Иберияли Сервантесни...» испан Сервантесини. Иберия — Испаниянинг қадимги номларидан бири.

** Азизи муҳтарам (мурожаат қилганда: италиянча).

*** Медимн — қадимги Грецияда дон ўлчови.

**** Транспадан Галлияси — Галлия областларидан бири.

рак-ку? Мен уларни ҳозир идора қилаётганимдай идора қилишга мажбурман». Унинг энг қаттиқ ушлаб олган нарсаси — сицилиялиларнинг хулқ-атвори. Цицерон бундай дейди: «Қонунларни ҳурмат қилиш керак. Кимки қонунларни бузса, у киши ёмон одам ҳисобланади ва жазоланиши керак. Сен, Веррес, қонунларни буздинг, сен ёмон одамсан, демак, жазоланишинг керак». У — қонун ҳарфига қаттиқ ёпишиб олган. У шарт-шароитни назар-эътиборга олмайди. Буларнинг ҳар бири ўз нуқтаи назаридан ҳақли. Лекин униси ҳам, буниси ҳам ўз мартабасига кўра, масалага бир томонлама қарашга мажбур. Иккаласи ҳам баббарвар виждон билан ҳалол иш қилиши мумкин бўлгани ҳолда, иккаласи ҳам Сицилияни ҳалокат ёқасига олиб борадиган кишилардир. Веррес Сицилияни қонунга хилоф равишда идора қилади, бошқача идора қилиш мумкин эмас деб ўйлайди. Цицерон, Сицилия қонунга мувофиқ идора қилинсин дейди-ю, лекин Сицилиянинг Верресга топширилган ҳолида ва ундаги шароитда уни қонунга мувофиқ идора қилиш мумкин эмаслигини тушунмайди. Лекин учинчи бир нуқтаи назар ҳам бор, бу нуқтаи назар давлат арбоби бўлган Юлий Цезарь нуқтаи назаридир; унинг мартабаси юрист Цицерон қатъий амал қилаётган легаллик талабларини ҳам назар-эътиборга олишни, администратор Веррес қатъий амал қилаётган аҳволларни ҳам назарда тутишни талаб қилади. Юлий Цезарь бундай дейди: «Ҳозирги шароитда Сицилияни қонун ва адолат юзасидан идора қилиш мумкин эмас, бу жиҳатдан Веррес ҳақли. Лекин қонунга хилоф идора қилиш ҳалокатга олиб боради ва адолатдан эмас; бу жиҳатдан Цицерон ҳақли. Демак, Сицилиядаги аҳволни ўзгартириш керак, Транспадан Галлиясига Рим граждандлиги ҳуқуқини бериб, мен бунинг учун зарур воситани кўрсатиб бердим. Шу билан мен транспаданлиларнинг хулқ-атворини яхшиладим ва Транспадан Галлиясида қонуний тартиб ўрнатдим, илгари унда бундай тартиб йўқ эди».

Биз буларнинг ҳаммасини кишилар мартабасига (тутган мавқийга) қараб, масалага, албатта, турли-турли нуқтаи назардан қарашини кўрсатиш учун гапириб ўтдик. Киши темпераментининг фарқи, ҳатто (айтишга ҳам қўрқасан киши) ахлоқидаги фарқ ҳам мартабасининг (тутган мавқийнинг) фикрига қиладиган таъсири олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Веррес ёмон киши эди (гарчи бу-

нинг учун қатъий далил-исботлар йўқ деб фараз қилсак ҳам), лекин унинг ўрнида бошқа ҳамма Рим проквесторлари, пропреторлари ва проконсуллари ҳам* худди шундай қилган эди: Катон ҳам, Брут ҳам²¹, Цицероннинг ўзи ҳам проконсул бўлганида шундай қилган эди; Цицерон яхши киши эди (кўп кишилар бунга шубҳалансалар ҳам, шундай деб фараз қилайлик,— бу ҳолда Веррес билан тортишувда Цицеронга қарши чиққан Гортензий²² ёмон одам бўлган бўлса керак. Лекин Цицерон билан Гортензий иккови Рим ҳуқуқини бир хил руҳда ишлаб чиққан кишилардир. Бинобарин, ҳеч ким юристнинг маънавий нуқсонлари бирон вақт шу юрист томонидан тузилган қонунлар тарзида акс этилган деб айта олмайди, албатта. Юрист каллакесар ва босқинчи бўлса ҳам, у ҳеч вақт каллакесарлик ва босқинчиликни ҳимоя қиладиган қонунлар ёзмайди. Бизнинг китобхонларимиз Маколей асари туфайли танишган Джеффрэйз²³ бутун дунёда ўтакетган ёмон ва аблаҳ одам эди. Унинг ҳар бир қадами жиноят эди; лекин у канцлер вазифасида турганида қонунларга берган шарҳлари инглиз қонунчилиги руҳига тамомила садоқат руҳида тузилган бўлиб, уларга инглиз юристлари ҳозиргача ҳам ҳурмат кўзи билан қарайдилар. Маънавий ожихатдан Юлий Цезарь, албатта, Цицерондан паст турар эди; Верресдан ҳам паст туришида ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. Ҳар ҳолда Верресни Цезарь сингари ўртоқларининг хотинлари турадиган уйлардан хотин кийимида ушлаб олганлари йўқ эди; Цезарь ўзининг консульствода бирга ишлашган ўртоғи Бибулга нисбатан юзсизлик ва виждонсизлик қилган бўлса, Веррес преторствода бирга ишлашган ўртоқларига нисбатан бундай аблаҳлик қилган эмас эди. Лекин Цезарь ҳақиқатан давлат арбоби эди, шунинг ўзи кифоя қилар эди. Унинг ўзи қандай бўлмасин, лекин у давлатни донолик билан идора қилган эди ва кўп яхши ишлар қилган эди: Цицерон идора ишларига киришмоқчи бўлган эди, лекин ҳар қанча ҳалол киши бўлса ҳам, давлат арбоби нуқтан назарида тура олмаганлиги учун, ҳар гал ватанини даҳшатли бало-қазоларга гирифтор қилар эди.

Агар кишининг тутган мавқий унинг фаолиятидан, шундай муайян, қатъий фактлар дунёсидан шу қадар

* Проквестор — қадимги Римда вазифадор киши, унинг асосий вазифаси ғазнани бошқариш эди; проконсул.— қадимги Римда область ҳокими, уни сенат тайинлар эди.

қатъий устун тутар экан, албатта, жуда умумий, эластик, ўзгарувчи бир нарса бўлган унинг тушунчаларига ҳам шундай катта таъсир қилиши турган гап. Кишини сувга чўктириб юбориш мумкин, ёки сувдан қутқариб олиш мумкин — фактлар ана шундай. Буларда икки хил маъно бўлиши мумкин эмас, буларда хато бўлиши мумкин эмас. Мен бир кишини сувга чўктириб юбораётган эканман, нима қилаётганлигим маъносида хато қилишим мумкин эмас. Мен уни жонидан жудо қилаётганлигимни ўзимдан ҳеч яшира олмайман. Мен уни сувдан қутқариб олаётган эканман — бунда ҳам мен учун ҳеч қандай англашилмовчилик бўлиши мумкин эмас. Мен уни омон сақлаб қолаётганлигимни жуда аниқ биламан. Кишининг умумий фикрларга, абстракт тушунчаларга муносабати шундайми? Менинг тушунчаларим формуласига кирадиган ҳар бир сўз шу қадар кўп ранг-баранг маъноли бўлиб товлашиб туради, жуда кўп маъноларга эга бўлади. Бунда фақат ўзинг билиб беихтиёр англашилмовчиликларга учрашинг жуда осон гап, киши ҳар қанча ҳалол ва виждонли бўлса ҳам, фақат ўзинг билиб адашиб юрадиган майдон жуда кенг бўлади. Мартабаси турли-турли уч кишининг оғзидан бир хил сўз чиқади, буларнинг ҳар бири бу сўз менинг асосий тушунчамни ифода қилиб беради, дейди. Веррес ҳам, Цицерон ҳам, Юлий Цезарь ҳам: «Мен адолат бўлсин дейман» дейди. Бунинг маъноси уларнинг тушунчалари ҳам, муддаолари ҳам бир деганими? Ҳали шошилиб, булар бир хил фикр қиладиган одамлар экан, деб ўтирманг. Бу сўзни уларнинг ҳар бири қайси маънода айтишини аввал текшириб кўринг. Веррес, «Мен адолат бўлсин дейман», деб айтганида: «Менинг Сицилияни идора қилишимни тўғри топсинлар дейман. Расмиятчиликка риоя қилиш кишининг қўлидан келмаса, шунинг учун у кишини жазолаш адолатсизлик бўлар эди», дейди. Цицерон ҳам худди шундай: «Мен адолат бўлсин дейман» деб айтганида тамомила бошқа бир нарсани айтмоқчи бўлади. «Веррес жазолансин дейман. Адолат қонунларни бузган кишининг қонунга мувофиқ жазоланишини талаб қилади» дейди. Юлий Цезарь яна бошқача фикрда: «Мен адолат бўлсин дейман» деганида, у ҳам тамомила бошқа бир нарсани айтмоқчи бўлади: «Мен Помпей билан Цицерон ағдариб ташлансин дейман. Адолат давлатни эҳтиёжларига яраша идора этишни талаб қилади. Помпей билан Цицерон бу эҳтиёжларни асло тушунмайди ва Римни як-

каш бало-қазога гирифтор қилади. Адолат уларнинг иш тепасидан кетишини, ўз қобилиятига яраша иш қилишини ва бу ишларни бутун Римда ёлғиз ўзи давлат учун фойда келтириб кўнгилдагидай олиб боришга қодир бўлган кишига, яъни менга топширишни талаб қилади. Цицерон билан Веррес ўртасидаги жанжалга келганда, бу ҳар иккала партиядаги аҳмоқона бир-томонламаликларга асосланган бемаъниликдир. Адолат Цицеронни ҳам, Верресни ҳам Форумда тантанали суратда аҳмоқ деб эълон қилишни талаб қилади; лекин бу ишлар беҳуда бир нарса бўлганлигидан, уни назар-писанд қилмаса ҳам бўлади» дейди. Ҳа, шундай бир хил сўзнинг маъноси ҳар кимнинг оғзида жуда ҳар хил бўлади.

Жуда чўзилиб кетган бу эпизоддан мақсад, гўё Буеракиннинг қилмишлари унинг тушунчаларига қарама-қарши бўлгандай ва гўё шунга асосланиб, бу ёмон одам ва риёкор деб эълон қилиниши лозим бўлгандай, шундай жуда оғир айб тақиб, биз аллақачон ташлаб қўйган Буеракинни ҳимоя қилиш учун келтирилган эпизоддир. Бизнинг фикримизча, унга шундай айб тақилгани жуда чакки. Сиз, китобхон, Буеракинни икки юзлама деб, ўз шахсини ёки фойдасини деб тушунчаларини қурбон қилиб юборадиган эгоист деб билиб, ундан ҳазар қиладиган бўлсангиз, жуда янглиш йўлга кирган бўласиз ва Буеракин ҳам масалага худди сиздай кўз билан қарайди деб юзаки фараз қилиб, жуда қўпол хато қилган бўласиз (мен сизни масалага мендай кўз билан қарайди деб ўйлайман, балки, менинг шундай деб ўйлашми хатодир); сиз ўзингиз ишлатадиган сўзларни Буеракиннинг ҳам ишлатишини, бу жумла тартибига кирадиган гапларни сиз қандай яхши кўрсангиз, унинг ҳам шундай яхши кўришини кўргансиз-у, шу билан хато йўлга киргансиз. Лекин сиз бу сўзларнинг маъноси қандай тушунсангиз, унинг ҳам шу маънода тушунишини қаердан биласиз? Унинг гапирганда ишлатадиган ибораларини, сизнинг ибораларингиз билан бир хилда бўлган ибораларини яхшилаб зеҳн қўйиб текшириб қарасангиз, аслида, унинг бу сўзларни ўз хатти-ҳаракатига мувофиқ маънода ишлатишини кўрасиз, бу кишининг ҳаётидаги назарий томони амалий томонига жуда мувофиқ эканлигини кўрасиз; Буеракиннинг турмушда ўз тушунчаларига содиқ киши эканлигини кўрасиз. Буеракиннинг тушунчалари қандай эканлигини билиш учун Абрам Семенич билан Федор Карлич ўртасидаги жанжал муно-

сабати билан унинг қандай сўзларни ишлатганлигига назар ташлаш керак. Унинг фикрича, Федор Карлич ҳақли, бундан ташқари Федор Карлич бўлмаса, тузуккина ҳаёт кечиришини одат қилмаган ва шундай ҳаёт кечиришни билмайдиган Абрам Семенич ва шерикларининг ҳам аҳволи вой бўлар эди. Бунинг устига Буеракин Федор Карличга ишонса бўлади, Федор Карлич унинг, яъни Буеракиннинг манфаатларига содиқ хизмат қилшига жуда қаттиқ ишонган одам. Буеракиннинг бутун шахси қандай эканлигини, унинг бутун фикри-зикри ва бутун турмуши қандай эканлигини очиб берадиган сири унинг ана шу ишончидадир. Агар сиз бунга қаноат ҳосил қилсангиз, Буеракиннинг тамомила ҳалол киши эканлигини тан олмаслигингиз қийин бўлади. Унинг тушунчалари чин кўнгилдан чиққанлигини, унинг ўзи жуда ҳалол ва нияти тўғри эканлигини инкор қилолмайсиз.

Кишиларнинг темпераменти ва уларнинг шахсий хусусиятлари, кўп кишилар ўйлагандай, уларнинг турмушига ва қиладиган ишига унчалик катта таъсир қилмайди деб кўп марта эслатиб ўтган эдик. Владимир Константинович Буеракиннинг бир қариндоши бор, Шчедрин бизни у билан: «*Vir bonus, dicendi peritus*»* деб эпиграф кўйилган монологада таништирган эди. Унинг бу қариндоши темперамент жиҳатдан Владимир Константиновичдан тамомила фарқ қилади. Владимир Константинович турмушга шунчаки юзаки қараб кун кўрадиган киши. Унинг амакиваччаси, аксинча, амалий ишга жуда уддабурон киши. Униси — Платон бўлса, буниси — Аристотель ёки ҳатто Фемистокл. Биз ҳам, қисман Плутархга тақлид қилиб, қисман қисқача айтиш учун, бундан кейин уларни таққослаганимизда шундай деб атаймиз ҳам²⁴. Платон қишлоқда ёввойидай яшайди, Фемистокл — губерния шаҳаридаги халойиқнинг жони-гани. Платон, хотинбозликни яхши кўрадиган бўйдўқ одам, уни биз жуда яхши биламиз. Фемистокл уйланган киши бўлса керак, хотинини жуда яхши кўради ва хотинига жуда садоқат билан қарайди (албатта, бошқа дилбарига қандай қараса, хотинига ҳам шундай қарайди). Платоннинг болалари йўқ, агар болалари бўлганда ҳам, шубҳасиз, уларнинг куни гадолик бўлар эди. Фемистоклнинг, шубҳасиз, жуда ширин болалари бор, уларнинг отаси улар тўғрисида шундай ғамхўрлик қила-

* Гапга печан, яхши киши. (лот.)

дики, қариндошлари Платон вафот қилгандан кейин уларга мерос тегса ҳам, лекин уларнинг келажагини яна ҳам яхшироқ таъминлаб қуйиш учун зўр бериб ҳаракат қилади. Платонни ҳамма тили ёмон одам дейди ва гарчи кишилар ундан ичларида ва кўпинча ошқора кулсалар ҳам, у билан учрашмасликка ҳаракат қиладилар, ҳеч ким ундан қўрқмайди, аксинча, ҳамма уни хўрлайди. Фемистокл жуда сертакаллуф одам ва кишига жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилади, у билан ҳамгап бўлишни ҳамма орзу қилади, лекин ҳамма ундан қўрқади. Платон билан Фемистокл шахсларида бир-бирига ўхшайдиган фақат бир нуқтани қидириб топиш мумкин: булар иккови ҳам ўзларидан паст турадиган мансабдорлар билан жуда хуш муомала қилади, умуман жуда инсонпарварлик билан муомала қиладилар. Хуллас, Платон билан Фемистокл ўртасидаги фарқдан ҳам тўлароқ ва кескинроқ фарқ топиш қийин, лекин шундай бўлишига қарамай, уларнинг темпераментлари ва хусусиятлари бир-биридан шу қадар фарқ қилса ҳам, Фемистоклнинг сўзлари Платон сўзларининг давоми бўлиши мумкин, ҳар ҳолда унга қўшимча бўлиши керак. Китобхонни бунга қатъий ишонтириш учун Шchedрин китобидаги энг яхши нутқлардан бири бўлган, усталик билан айтилган бу нутқнинг бошини мисол қилиб келтирамиз.

Агар сиз бизни шу ифлос билан, *aves cette canaille*,* иш қилар экан деб ўйласангиз, жуда хато қиласиз. Бунинг учун котиблар бор, бошқа шунга ўхшаганлар бор; бу уларнинг иши, улар шундай иш учун яратилган. . . Биз ҳаммамиз жуда яхши тарбия кўрган кишилармиз, биз ҳар хил илм ўрганган кишилармиз, биз ҳамма ишимиз озода бўлсин деб орзу қилиб юрамиз, биз маъмурият масаласига шундай покиза қараймиз. . . Ҳатто *comme il faut*** нинг ўзи ҳам бизнинг балчиққа беланишимизни тақиқ қилади, буни ўзингиз ҳам биласиз. Бирон Иван Петрович ёки Фейернинг йўли бошқа: уларнинг туғилган жойи ҳам шу, ўсган жойи ҳам шу; бизнинг йўлимиз бутунлай бошқача. Биз формулаларимизни ҳам соф ҳолида сақлаш, шаънимизга ҳам доғ туширмаслик иложини кўрамиз — *vous comparez?****

Сизга такрор айтаман, агар сиз мени мужикни чақиртириб келиб, уни ўз қўли билан шилиб олади деб ўйласангиз, жуда хато қиласиз. Бе! . . Ундан алланима балоларнинг ҳиди буруқсиб тури-

* Шу муттаҳам билан (франц.)

** Одоб (франц.)

*** Билдингизми? (франц.)

шини билмайсизми? Ундан кейин, бундай қилиб ўзимни ранжитиб ўтиргим ҳам келмайди. Мен бирор котибни ёки бошқа бирон биттасини чақираман-да, *et je lui dis: «Mon cher, tu me dois tant et tant* дейман, вассалом! У қандай қилиб топса топаверади, бу билан менинг ҳеч қандай ишим йўқ.*

Менинг ёмон кўрганим порахўрлик — тфу, ифлос иш! Порахўрлик қиладиганлар яна ўша Фейерлар ва Трясучкинлардир, биз бу масалага бутунлай бошқача қараймиз. Бизники пора эмас, балки маъмуриятчиликдир: мен фақат керагини талаб қиламан, унинг қаердан униб чиқиши билан ишим йўқ. Менинг вазифам фақат моддаларни ҳисоблаб чиқишдир: ким ўзишни, йўл мажбуриятимни, солдат олишни. . . *Tout cela doit rapporter**.*²⁵

«Жаноб М. Е. Салтиков тўплаган ва нашр қилган» китобда кишини ўйлантириб қўядиган кўп материаллар бор. Унинг асаридаги Шchedрин мактубларида кўрсатилган икки юз ёки уч юз хил типдан фақат учтасини қараб чиқдик. Унинг «Губерния очерклари»га киритилган йигирма уч мақоладан биз беш очеркдан олинган баъзи бир саҳифаларига тақилиб ўтдик. Шchedрин «Мактублари»даги ҳамма ажойиб ва муҳим масалаларни муҳокама қилиб кўрмоқчи бўлган киши унинг икки томлик «Губерния очерклари»га жуда катта йигирма томлик изоҳларини қўшиб ўқиши лозим бўлади. Бу иш — китобхон, бизни, жуда катта ёки кишини жуда толиқтириб қўядиган иш деб айтади деб ўйласа керак, йўқ ундай эмас,— шу қадар осон ва ёзувчини қизиқтирадиган ишки, ҳозир бизнинг ўзимизга ўзимиз: «Бас, бас энди: бусиз ҳам мақола жуда чўзилиб кетган, жуда ҳам чўзилиб кетган бўлса керак», деб айтишимиз маҳол бир нарса.

Китобхонларнинг мақоламизнинг мазмуни тўғрисида ўйлаганлари тўғри чиқмай, анча хафа бўлган бўлсалар керак. Китобхонлар бизни, Шchedрин китоби тўғрисида гапирганда «Губерния очерклари» да қўзғалган жамоат масалалари тўғрисида гапиради, деб ўйлаган бўлсалар керак. Бошқа бировлари, эҳтимол, шу очеркларда кўрсатилган бадий масалаларга тақилиб ўтган деб ўйлаган бўлсалар керак. Биринчи вазифа ҳақиқатан кишини анча қизиқтиради, лекин биз китобхонлардан узр сўраймиз.

* Мен унга: «Азизим, мендан фалонча ва фалонча қарзинг бор» дейман (франц.)

** Булар ҳаммаси даромадли иш. (франц.)

Бизга бутун эътиборимизни Шчедрин тақдим қилган типларнинг нуқул психологик томонига қаратиш ундан ҳам қизиқроқ бўлиб туйилди²⁶. Шахсан бизнинг бу дидимиз, эҳтимол, хатодир, биз буни жон деб бўйнимизга оламиз, лекин нима қилайлик? Ҳар бир кишининг яхши кўрадиган нарсалари бўлади, ўзининг яхши кўрадиган назариялари бўлади, яхши кўрадиган фикрлари бўлади, тўғри келса-келмаса шулар ҳақида гапиришдан ўзини тия олмайди киши. Бизнинг шундай яхши кўрадиган икки нарсамиз бор: биринчидан, нуқул психологик вазифаларни ҳал қилишни яхши кўрамиз, иккинчидан, кишиларнинг заиф томонларини кечиришни яхши кўрамиз.

Биз ҳам «Губерния очерклари»ни шу икки нуқтаи назардан қараб чиқдик. «Губерния очерклари»да фош қилиб ташланган жамият маразлари деб аталган нарсалар бизни жуда оз қизиқтиради, буни бўйнимизга оламиз. Очиқ гапириб берайликми? Биз ҳатто бу маразларни даволаш беллетристнинг иши эмас деган назарияга амал қилдик. Эҳтимол, биз шундай қилганимиз учун замондан орқада қолиб кетган кишилар деган номга лойиқ бўлгандирмиз, эҳтимол, бирон аскиячи биз билан ўтмиш замон подъячийси ўртасида бирон ўхшаш жойимиз борлигини топиб олар, эҳтимол, бирон яхши ниятли, лекин жуда заҳар одам, бу киши Шчедрин олийжаноблик қилиб ёмонотлиқ қилган ишларни қоралашдан кўра ҳимоя қиляпти, деб айтар. Эҳтимол, бирон виждонли китобхон дарғазаб бўлиб бизга хат ёзиб, бу хатида, сизнинг бундақанги қилиб ёзилган мақолангиз «Современник» дан кўра «Северная пчела»га²⁷ кўпроқ мос тушади, деб тушунтириб берад. Бундай таъналар кишига ачиқ тегади, лекин аслини айтганда, бундай таъналар ҳеч ўринли эмас деб айта олмаймиз: буни бошқалар ҳал қилсин — ҳеч ким ўзига ўзи судья бўла олмайди. Назаримизда шундай бўлдики, кишиларни ҳимоя қилганимизда хиёнат ва жиноятларни ҳимоя қилмадик. Ёмон аҳволга тушиб қолган бирон кишининг ҳамма одатлари, ҳамма қилмишларини маъқулламасдан ҳам, унинг ҳолига ачиниш мумкиндек бўлиб кўринди. Ана шу фикрни биз етарли даражада аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб бера олдикми — буни бошқалар ҳукм қилсин²⁸.

Жаноб Салтиков нашр қилган китобнинг адабий қийматига келганда, бу тўғрида ҳам бошқалар ҳукм қилсин. «Губерния очерклари»ни жуда ажойиб адабий ҳодиса деб

ҳисоблаш билан бирга, шунини айтаемизки, бу яхши фази-
латли ва ажойиб китоб рус ҳаётидаги тарихий фактлар
жумласига киради. Бизнинг адабиётимиз «Губерния очерк-
лари» билан фахрланади ва ҳали узоқ вақтларгача фахр-
ланиб юради. Рус ерида яшовчи ҳар бир андишалик киши
Щедринни жуда ҳам ҳурмат қилади. Унинг номи вата-
нимизнинг энг яхши, энг фойдали ва энг истеъдодли фар-
зандлари орасидаги энг мусаффо номдир. Уни ҳар қанча
мақтаса арзийди. Бизнинг журналист биродарларимиз
унинг таланти ва билимини, унинг софдиллиги ва зеҳини
қанчалик мақтасалар ҳам, биз ҳозирданоқ унинг ёзган ки-
тобининг фазилатлари бу мақтовлардан юқори туради, деб
айта оламиз.

БОЛАЛИК ВА ЎСПИРИНЛИК

Граф Л. Н. Толстой асари, СПб, 1856

ҲАРБИЙ ҲИКОЯЛАР

Граф Л. Н. Толстой асари, СПб, 1856

«Жуда зийраклик, кишининг руҳий ҳолатларини жуда инжа таҳлил қила билиш, табиат манзараларини яққол ва кўркам қилиб чизиб бериш, нафис соддалик — граф Толстой талантининг хусусиятлари шулардир». Адабиётга кўз ташлаб борадиган ҳар бир кишининг оғзидан сиз шу сўзларни эшитасиз. Умум овози билан айтилган бу таърифни танқидчилигимиз такрорлади ва уни такрорлаб ҳақиқатга тамомила садоқат билдирди.

Лекин, шундай муҳокама билангина чекланиб қўя қолса бўладими? Бу муҳокама граф Толстой талантидаги бор хусусиятларни, ҳақиқатан унга хос хусусиятларни пайқаган бўлса ҳам, лекин «Болалик», «Ўспиринлик», «Маркёр мактублари», «Метель» («Қор бўрон»), «Икки гусар» ва «Ҳарбий ҳикоялар» авторининг асарларидаги бу сифатларнинг ўзига хос қандай алоҳида ранглари борлигини ҳали кўрсатиб бера олгани йўқ-ку! Зийраклик, психологик таҳлилнинг инжалиги, табиат манзараларининг гўзаллиги, соддалик ва нафосат деган нарсаларнинг ҳаммасини сиз Пушкиндан ҳам, Лермонтовдан ҳам, жаноб Тургеневдан ҳам топа биласиз,— бу ёзувчиларнинг ҳар бири-

нинг талантини фақат шу эпитетлар билан таърифлаш тўғри бўлади, лекин уларни бир-биридан ажратиш учун асло кифоя қилмайди; граф Толстой тўғрисида ҳам шуларни такрорлаш унинг талантини ўзига хос қиёфасини билиб олиш деган гап эмас, бу ажойиб талантнинг бошқа бир кўп шундай талантлардан фарқини кўрсатиш деган гап ҳам эмас. Уни янада аниқроқ таърифлаш лозим эди.

Шундай ният билан қилинган ишлар жуда яхши натижа берди, деб айтиб бўлмайди. Бундай ишларнинг тузук натижа бермаганига сабаб қисман шуки, граф Толстой таланти тез ривожланиб борди ва унинг ҳар бир янги асари ундаги янги-янги хислатларни очиб берди деса бўлади. Албатта, «Миргород» дан кейин бирон кишининг Гоголь тўғрисида айтган ҳамма гаплари «Ревизор» дан кейин кифоя қилмай қолиши ва «Андрей Колосов» ва «Хор ва Калинин» автори бўлган жаноб Тургенев ҳақида айтилган фикрларни «Овчининг мактублари»¹ дунёга келгандан кейин кўп жиҳатлардан ўзгартириш ва тўлдириш лозим бўлганидек, у янги қийматга эга бўлган янги повестлар ёзганидан кейин у тўғрида айтилган бу фикрлар ҳам кифоя қилмай қолди. Лекин агар ўсиб камол топаётган талантга илгари берилган баҳо унинг олдинга қараб ташлаган ҳар бир қадами сари кифоя қилмай қоладиган бўлса, ҳеч бўлмаса бу баҳо берилган дақиқада тўғри ва ўринли бўлиши лозим эди. «Ешлик»² дунёга келиши биланоқ ҳозир айтган нарсаларимиз анча тўлатилиши лозимлигига биз аминмиз: граф Толстой «Болалик» ва «Ўспиринлик» номли асарларида кўрсатмаган хислатларини «Севастополь ҳикоялари»³да кўрсатгани сингари, сўнгра «Маркёр мактублари» ва «Икки гусар»да яна илгари қараб қадам ташлагани сингари⁴, граф Толстой таланти бизга янги-янги хислатларни очиб кўрсатади. Лекин унинг ҳар бир ўсиш даврини жуда зўр диққат билан кўрсатиб ўтиш учун, бу талант, ҳар ҳолда, ҳозироқ ажойиб талант эканлигини кўрсатиб берди. Бизнинг журналимизни ўқувчи китобхонларимизга маълум бўлган асарлардаёқ у ўзининг қандай фазилатларини кўрсатиб берганлигини бир қараб чиқайлик.

Баъзи бир талантларнинг зеҳни шундай бўладики, уларда қандайдир совуққонлик ва вазминлик хислатлари бўлади. Пушкиннинг бу жиҳатдан жуда ажойиб фазилати бор эди. Унинг «Дубровский» повестининг бошида қадим замонлардаги катта бир бариннинг турмуши ва хулқи-

атвори жуда аниқ ва жонли қилиб тасвирлаб берилган, рус адабиётида бундан ўтиб тушадиган, ошонли ва аниқ қилиб тасвирланган манзарани топиш маҳол бир нарса. Лекин, Пушкиннинг тасвирлаган нарсалари тўғрисида Пушкиннинг ўзи қандай ўйлашини айтиб бериш қийин. Бу саволга Пушкиннинг ўзи: «Ҳар хил ўйласа бўлади; бу турмуш сизга ёқадими, ёқмайдими — бу билан менинг нима ишим бор? Бу турмуш кишини ҳайратда қолдирадими ёки кишида ғазаб ўтини қўзғатадими — буни ҳал қилиш қўлимдан келмайди» деб жавоб берса керак. Бу зийраклик — ўткир кўз ва зеҳни баландлик натижаси, холос. Бизнинг ҳозирги янги ёзувчиларимизда бундай бепарволик хислатларини учрата олмайсиз: уларнинг туйғуси кўпроқ безовта бўлиб қолган, уларнинг ақли жуда аниқ ҳукм чиқаради. Улар ўз йўлларида учрайдиган ҳамма образлар тўғрисида ўйлаганларида, шу образларнинг ҳаммаси ҳақида бир хил хаёл суришни хуш кўрмайдилар; ўзларига ҳаммадан яқинроқ турмуш доираларидаги хислатларга айниқса кўпроқ эътибор билан назар ташлайдилар. Масалан, Тургенев турмуш поэзияси деб аталган нарсага, инсонпарварлик масаласига яхши ёки ёмон муносабатда бўлган ҳодисаларга айниқса кўпроқ эътибор беради. Граф Толстойнинг эътибори ҳаммадан кўпроқ қандай қилиб бир хил туйғу ва фикр туфайли бошқа туйғу ва фикрнинг ривож олишига қаратилган; бирон ҳолат ёки таассурот натижасида бевосита пайдо бўлган туйғунинг хотира ва хаёлда пайдо бўладиган ҳар хил фикр таъсирига берилиб, бошқа туйғулар ҳолига киришини, яна дастлабки ҳолига қайтишини, бутун шу ҳолатлар дунёсида сайр этиб, ўзгариб, яна ва яна дайдиб юришини жуда қизиқиб мушоҳада қилади; дастлабки туйғу натижасида пайдо бўлган фикрнинг бошқа бир фикрга олиб боришини, яна ундан ҳам нари ўтиб сайр қилиб юришини, ширин хаёлларни ҳақиқий ҳисларга қўшиб юборишини, келажак тўғрисидаги орзуларни ҳозирги замон рефлексияси* билан қўшиб юборишини жуда мароқ билан мушоҳада қилади. Психологик анализ ҳар хил бўлиши мумкин: бир шоирни характерларнинг хислатлари кўпроқ қизиқтиради; иккинчи шоирни — ижтимоий муносабатлар ва турмушдаги икир-чикирларнинг характерларга таъсири

* Рефлекция (лот.) — хаёл сурмоқ, ўз кечинмаларини таҳлил қилиш майли.

кўпроқ қизиқтиради, учинчи шоирни — туйғуларнинг иш билан алоқси кўпроқ қизиқтиради; тўрттинчисини — ҳирсиётни таҳлил қилиш кўпроқ қизиқтиради; граф Толстойни — психик процесснинг ўзи, унинг формалари, унинг қонунлари, аниқ термин билан айтадиган бўлсак, руҳ диалектикаси ҳаммадан кўпроқ қизиқтиради.

Бошқа ажойиб шоирларимиздан Лермонтовда психологик таҳлилнинг бу томони кўпроқ авж олган; лекин унда кам психологик таҳлилнинг бу томони ҳар ҳолда жуда иккинчи даражали роль ўйнайди, жуда камдан-кам кўринади, кўринганда ҳам, туйғу таҳлиliga бутунлай бўйсундирилган бўлади, деса бўлади. Психологик таҳлилнинг бу томони ҳаммадан аниқроқ кўринадиган саҳифалар ичида энг ажойиби Печориннинг ҳамманинг эсида қолган княжна Мерига муносабати тўғрисидаги хаёллари деса бўлади, ана ўшанда княжна Мерининг чинакам ошиқ-маъшуқлик ниятида Грушницкийга ишва қилишларини тарк қилиб, бутун фикри-зикри Печоринда бўлиб қолганлигини Печорин пайқаб олган эди.

Мен тез-тез ўзимга савол бериб: нима сабабдан, бу ёшгина қиз менга кўнгил қўйса эди, деб жуда унинг кўйига тушиб қолдим, бу қизни йўлдан уриш ниятим ҳам йўқ, унга ҳеч маҳал уйланмайман ҳам дейман ва ҳоказо. Нега мен унинг пайига тушиб қолдим? Грушницкийга ҳасад қилганимданми? Бечора! Унинг асло бу қизга тенг ери йўқ. Ёки бу ёмон, лекин енгиб бўлмас туйғунинг,— яқин кишимиз нима қиларини билмай, қайси бирига ишонай, ахир, деб савол қилганида:

— Азиз дўстим, мен ҳам шу балога гирифтор бўлган эдим, лекин ўзинг кўриб турибсан-ку, ҳеч пинагимни бузмай, тушда ҳам овқат еяпман, кечқурун ҳам иштаҳам карнай, уйқим ҳам жойида, оҳ-воҳ қилмай, кўз ёши тўкмай, жон бераман, деб умид қиламан ва ҳоказо,— деб разиллик қилиб кулиш мақсадида, яқин кишимизнинг йўлдан озиб суриб юрган хаёлларини ер билан яксон қилиб ташлашга бизни мажбур қиладиган туйғунинг оқибатими?⁵

Бунда фикр пайдо бўлишидаги психик процесс Лермонтовнинг бошқа ҳар қандай асаридан аниқроқ тасвирлаб берилган,— лекин шундай бўлишига қарамасдан, ҳар ҳолда, кишининг туйғуларини ва фикрларини граф Толстой яхши кўрадиган тарзда тасвирлаш билан бунинг ҳеч қандай ўхшаш ери йўқ. Булар граф Толстойнинг поведини ўқиганда кўз олдимизга келиб, кучайиб, ҳаракат қилиб ўзгариб турадиган тушунчалар ва туйғуларнинг

ярим хаёлий, ярим рефлексив тизмаларига асло ўхшамайди,— у тасвирлаган манзара ва воқияларга, унинг асаридаги шахсларнинг хаёлидан кечадиган умид ва ҳадуқларга заррача ҳам ўхшаш ери йўқ. Печориннинг муҳокамалари асло граф Толстой тасвирлаган шахсларнинг маънавий ҳаётидаги турли-турли дақиқалар сингари нуқтаи назардан қараб мушоҳада қилиш натижасида ҳосил бўлган муҳокамалар эмас — ақалли бу, масалан, ўлим зарбасини кутиб турган дақиқада, шу зарбадан асаблари ларзага келган одам кечинмаларининг тасвирига ҳам ўхшамайди:

Праскухин Михайлов билан бирга кета туриб, эндигина Калугин билан ажралишиб кетган ва беҳовотирроқ жойга яқин бориб, унга бироз жон кира бошлаган ҳам эдики, орқа томонда ярқ этган чақмоқни кўриб қолди, часовийнинг: «маркела!» деган қичқирғини ва орқада келаётган солдатлардан бирининг: «Худди бастиянга бориб тушад!» деган сўзларини эшитиб қолди.

Михайлов қайрилиб орқасига қаради. Худди нуқтадай яроқлаб ёниб турган бомба осмонда — қаёққа тушаётганини аниқ билиб бўлмайдиган кайфиятда тўхтаб қолгандай бўлди. Лекин бир зум шундай бўлди: бомба тобора тез, тобора яқин кела бошлади, трубкаларидан чиққан учқунлар кўришиб қолди, визиллаган даҳшатли овозлари эшитила бошлаб, нақ батальоннинг ўртасига келиб тушди.

— Ерга ёт! — деб қичқирди биров.

Михайлов билан Праскухин ерга ётиб олишди. Праскухин кўзини қисиб ётган жойида шу яқин ўртага қаттиқ ерга шоп этиб бомба тушганини эшитди, холос. Орадан бир секунд ўтди, лекин бир соат ўтгандай бўлди,— аммо бомба ёрилмади. Праскухин қўрқиб кетди: қўрқмасам ҳам бўлар экан, бомба балки узоққа тушгандир, менга трубкаси шу яқин ўртада вишиллагандай бўлгандир, деб қўйди. Кўзини очди, Михайлов унинг оёқ томонида ерда қимир этмай ётганини кўриб суюниб кетди. Лекин шу онда ундан бир газ нарироқда пириллаб айланаётган бомбанинг ёниб турган трубкасига кўзи тушиб қолди.

Бутун вужуди муздек бўлиб, бутун фикр ва сезгиларидан асар ҳам қолмай, даҳшат босди. Қўллари билан кўзини бекитиб олди. Яна бир секунд ўтди, бу секундда бутун сезги, умид ва хотиралари бир зум хаёлидан кечди.

«Кимни ўлдираркин, меними ёки Михайловними? Ё иккаламиними? Агар мени ўлдирадиган бўлса, қаеримга тегаркин! Бошимга тегса, иш тамом; оёғимга тегса-чи, кесиб ташлашади, албатта хлороформ билан кесинглар, деб илтимос қиламан,— ўзим тирик қоламан. Балки Михайловнинг ўзини ўлдирар: ундай бўлса, ёнма-ён

кетаётган эдик, бомба тегиб уни ўлдирди, менинг ҳамма ёғимга қон сачради, деб ҳикоя қилиб бераман. Менга яқинроқ-ку... мени. .!

Шу ўртада Михайловдан олган ўн икки сўм қарзи эсига тушиб қолди, яна Петербургдаги қарзи ҳам эсига келди, уни аллақачон тўлаши керак эди; кечқурун хиргойи қилган лўлилар ашуласи эсига тушиб қолди. Яхши кўрган хотини хаёлига келди, у пушти лента тақилган қалпоқча кийиб олганмиш; бундан беш йил бурун уни ҳақорат қилган бир киши эсига тушди, бу кишидан ҳали ўч олмаган эди; гарчи шу хотиралари ва мингларча бошқа хотиралари унинг ҳозирги ажал кутиб турган туйғусидан асло ажралмай, бутун вужудини қамраб ётган бўлса ҳам, ҳақорат қилган киши эсига тушди. «Балки, ёрлмас»,—деб ўйлади ва астойдил ҳаракат қилиб, кўзини очмоқчи бўлди. Лекин худди шу пайтда, ғира-шира қиққизил олов лоп этиб кўзига урди,— бир нарсга тарс этиб кўкрагига келиб урилди, қаёққадир югуриб кетди, оёқ остида ётган қиличга туртиниб биқини билан гурс этиб ерга йиқилди.

«Худога шукур! Фақат зарб ебман»— бошига келган биринчи фикр шу бўлди, шу билан у кўкрагини қўли билан пайпаслаб ушлаб қўрмоқчи бўлган эди, қўллари боғлиқ экан, бошини ҳам нимадир сиқиб турарди. Кўз олдидан солдатлар ғира-шира ўта бошлади, у беҳуш ҳолича уларни санади: «Бир, икки, уч солдат; шинелини тескари кийиб олган мана буниси офицер» деб ўйлади. Сўнгра кўз олдида чақмоқ чақилди, бу ниманинг ўқи экан: мортирдан отишди-микан? Ёки тўпдан, деб ўйлади. Тўпдан отишди шекилли. Ана яна ўқ узилди; яна солдатлар ўтяпти — беш, олти, етти солдат, ҳеч бири қайрилиб ҳам қарамайди. Бирданига у, булар тагин мени босиб ташлашмасин, деб жуда қўрқиб кетди. У, контузия бўлдим деб бақирмоқчи бўлган эди, лекин оғзи қуриб, тили танглайига ёпишиб қопти, ташналик жуда қийнаб юборди! Кўкраги жиқ-жиқ ивиб кетганини сезди: кўкраги ивганини сезганида сув эсига тушди, у ҳатто шу ҳўл нарсани ҳам ичкиси келди. «Йиқилганида қонимга беланганга ўхшайман» деб ўйлади, шу билан унга назар солмай, кўринар-кўринмас ҳали ҳам ўтиб турган солдатлар ҳақида босиб ташлашади, деб кўпроқ даҳшатга тушди, бор кучини йиғиб: «Мени олиб кетинглар!» деб бақирмоқчи бўлган эди, лекин бақирини ўрнига шу қадар қаттиқ инградикки, ўз товушидан ўзи қўрқиб кетди. Кейин кўзига қандайдир қизил оловлар пирпираб кўриниб турди,— солдатлар унинг устига тош қалаётгандай бўлди; пириллаётган оловлар тобора камайди, устига қаланаётган тошлар уни тобора кўпроқ босди. У тошларни у ёқ-бу ёққа суриб ташламоқчи бўлиб чираниб оёғини чўзган эдики, шу билан кўрмас, эшитмас, ўйламас ва сезмас бўлиб қолди. Кўкрагига келиб теккан ўқ парчаси уни шу жойда жонидан худо қилган эдиб.

Бу ички монолог тасвирини ажойиб тасвир десак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз. Езувчиларимиздан ҳеч бирининг психик эпизодни шу нуқтаи назардан тасвирлаб кўрсатганини топа олмайсиз. Бинобарин, бизнинг фикримизча, граф Толстой талантининг унга шу психик монологларни усталик билан тасвирлаб беришига имкон берадиган томони унинг талантидаги, фақат унга хос алоҳида фазилатдир. Биз, граф Толстой албатта ва ҳамма вақт шундай манзараларни чизиб беради, демоқчи эмасмиз; бу — бутунлай у тасвирлаб кўрсатадиган ҳолатларга ва, ниҳоят, унинг хоҳишига боғлиқ. Бир гал у ҳаммаси шундай ички туйғулар тасвиридан иборат бўлган «Қор бўрон»ни ёзиб, иккинчи гал «Маркёр мактублари»ни ёзди, бу асарда биронта ҳам ички туйғу тасвири йўқ, чунки ҳикоя идеяси уни талаб қилмас эди. Мажозий тил билан гапирадиган бўлсак, у биргина шу торда чалишни билибгина қолмай, бошқа торларда чалишни ҳам билади, бу торда чалиши ёки чалмаслиги мумкин, лекин унинг шу торда чала билиши унинг талантини алоҳида хусусиятга эга қилади, бу хусусият ҳамма нарсада доимо намоён бўлиб туради. Масалан, диапозони одатда баланд ноталардан иборат бўлган ашулачи жўрлашувчисининг овозига қараб баланд ноталарда ашула айтмаслиги мумкин, — бинобарин, у қандай нотада ашула айтса ҳам, ҳамма товушлар барабар айта оладиган нотада ашула айтганида ҳам, унинг нотаси жуда алоҳида бўлиб эшитилиб туради. Унинг бу овози баланд ноталарда ашула айта олишига боғлиқ бўлади, бинобарин, унинг ҳар бир нотасини эшитган санъатшунос унинг бутун диапозони қандай эканлигини билиб олади.

Граф Толстой талантидаги биз гапириб ўтган алоҳида хусусият шу қадар оригинал хусусиятки, унга жуда зўр эътибор бериб назар ташласак, шундагина унинг бу хусусияти асарларининг бадий қиймати учун жуда муҳим эканлигини тушунамиз. Психологик таҳлил ижодий талантга куч бағишлайдиган энг муҳим фазилатлардан бири деса бўлади. Лекин, одатда психологик таҳлил, чунончи, тасвирий характерга эга бўлади. У ҳаракатсиз маълум бир туйғуни олади-да, уни таркибий қисмларга ажратади, шу билан бизга, агар шундай деб таъбирлаш мумкин бўлса, анатомик жадвал тузиб беради. Биз буюк шоирнинг асарларида бундан бошқа томони ҳам борлигини кўрамиз, унинг бу томони китобхон ёки тамошабинни жуда ҳайрат-

да қолдиради: бу — бир туйғунинг иккинчи туйғуга, бир фикрнинг иккинчи бир фикрга драматик тарзда айланишини пайқаб олишдир. Лекин одатда бу занжирнинг фақат икки чеккадаги ҳалқалари, фақат психик процесснинг боши билан охири кўз олдимизда намоён бўлади — бунинг сабаби шуки, талантида драматик элементи бўлган шоирларнинг кўпчилиги фикр ёки туйғу ҳосил қилинишига ёрдам берадиган қандайдир сирли процесс тўғрисида ўйламасдан, кўпроқ ички ҳаёт натижалари тўғрисида, унинг қандай намоён бўлиши тўғрисида, кишиларнинг бир-бири билан тўқнаш келиши, уларнинг ҳаракатлари тўғрисида ўйлайди; ҳатто, афтидан, кўпинча бу процесснинг ифодаси бўлиб хизмат қилиши лозим бўлган монологларда ҳам ҳамма вақт деярлик туйғулар кураши ифода қилинади, бинобарин, бу кураш шов-шувлари тасаввурлар ассоциацияси юз бериб турадиган қонунларни ва муюлишларни бизнинг назар-эътиборимиздан четда қолдиради — бизнинг эътиборимиз уларнинг қандай пайдо бўлишига қаратилмасдан, уларнинг контрастига қаратилган бўлади, — монологлар, агар улар шунчаки бўлак-бўлак қилиб ташланган ҳаракатсиз туйғудан иборат бўлмаса, диалоглардан ташқи кўриниши жиҳатдан фарқ қилади. Гамлет ўзининг машҳур рефлексияларида худди иккига бўлиниб ўзи билан ўзи баҳслашаётгандай бўлади, аслини айтганда, Фауст билан Мефистофель⁷ диалоглари ёки Маркиз Поза билан Дон-Карлос баҳслари сингари, Гамлетнинг монологлари ҳам худди шундай манзаралардандир. Граф Толстой талантининг хусусияти шундан иборатки, у психик процесс натижаларини тасвирлаш билан кифояланмайди. Уни процесснинг ўзи қизиқтиради, — демак, граф Толстой жуда ҳам тез, жуда турли-туман бўлиб бирин-кетин келиб турадиган, зўрға пайқаб олиш мумкин бўлган шу ички ҳаёт ҳодисаларини жуда моҳирлик билан тасвирлаб беради. Тез ҳаракат қилиб турувчи тўлқинлардаги нурнинг сўнай-сўнай деб турган аксини, шитирлаб турган япроқ юзидаги нурнинг милтиллаб туришини, шакли ҳар зумда ўзгариб турадиган булутлар юзида нурнинг товланиб туришини расмга тушира билиш санъати билан донг чиқарган рассомлар бор: улар ҳақида кўпроқ, улар табиат ҳаётидаги ҳодисаларни кўра билдилар, дейдилар. Граф Толстой психик ҳаётдаги яширин ҳаракатларни шундай пайқаб олишга моҳир ёзувчидир. Бизнинг фикримизча, унинг талантидаги жуда оригинал

хусусият шундан иборат бўлса керак. Ҳамма ажойиб рус ёзувчилари орасида фақат граф Толстой шундай маҳорат қозонган ёзувчидир.

Албатта, бошқа ҳар қандай қобилият сингари, бу қобилият ҳам табиий, туғма қобилият бўлиши лозим; лекин бундай жуда умумий таъбир билангина кифояланиб қўя қолиш ярамайди: талант фақат мустақил маънавий фаолият натижасидагина ривожланиб вояга етади, шундай экан, граф Толстой асарларидаги биз кўриб ўтган хусусият, унинг фаолиятидаги жуда ҳам зўр ғайрат мевасидир ва бу фаолият унинг талантига куч бағишлаган асосдир, деб билмоқ керак. Биз ўз туйғу ва кечинмаларини чуқурроқ билиб олишни, ўзи устидан тинмай мушоҳада қилиб боришни назарда тутамиз. Биз бошқа кишиларга диққат билан назар ташлаб инсон хатти-ҳаракатининг қонунларини, эҳтирослар ўйинини, воқиалар тизмасини, ҳолат ва муносабатларнинг таъсирини ўрганишимиз мумкин; бироқ агар биз психик ҳаётнинг энг қийматли қонунларини ўрганмасак, ҳосил қилган ҳамма билимларимиз на мукамал ва на аниқ билим бўлади, психик ҳаёт қонунларининг ўйинини биз ўз онгимиз билангина оча оламиз. Қимки одамни ўзидан қиёс қилиб ўрганмаса, у қимса кишиларни ҳеч қачон яхши била олмайди. Граф Толстой талантининг биз юқорида кўрсатиб ўтган хусусияти унинг инсон руҳи ҳаётининг сирларини ўзидан қиёс қилиб жуда зўр эътибор билан ўрганганини исбот қилиб беради, бу билим унинг — биз китобхонлар эътиборини қаратган — инсон фикрининг ички ҳаракат манзараларини тасвирлашига имкон берганлиги учунгина қийматли бўлмай, эҳтимол, унга умуман инсон ҳаётини ўрганишга, характерларнинг ва ҳаракат пружиналарининг, эҳтирослар ва таассуротлар курашининг сирини билиб олишига мустаҳкам асос берганлиги учун ундан ҳам кўпроқ даражада қийматлидир. Агар биз унинг ўзи устида мушоҳада қилиши унинг зийраклигини умуман жуда кучайтириши, уни одамларга ўткир кўз билан қарайдиган қилиши лозим эди, десак хато қилмаймиз.

Ёзувчи талантидаги бу қийматли хислат чиндан-да ажойиб ёзувчини шуҳратга сазовор қиладиган ҳамма ҳуқуқларнинг энг мустаҳками деса бўлади. Инсоннинг дилини билиш, унинг сирларини бизга очиб кўрсатиш — асарларини биз мароқ билан қайта-қайта ўқийдиган ёзувчиларнинг ҳар бирига бериладиган таърифдаги биричи

сўзлар шулар-ку, ахир. Бинобарин, граф Толстой тўғрисида гапирадиган бўлсак, инсон қалбини чуқур ўрганишининг оқибати шу бўладики, унинг ёзган ҳамма асарлари,— у нима ёзса ҳам, қандай қилиб ёзса ҳам,— албатта жуда қийматли асар бўлади. Эҳтимол, у кўпинча шундай асарлар ёзарки, булар кўпроқ таъсир қиладиган бошқа сифатлари билан, идеяларининг чуқурлиги, концепцияларининг қизиқлиги, характерларнинг янада бўрттириб кўрсатилганлиги, ярқираб турадиган ҳаёт манзаралари билан ҳар бир китобхонни таажжубда қолдирар,— китобхонларга ҳозирдаёқ маълум бўлган асарлардаги шундай фазилатлари туфайли улар кишини тобора қизиқтириб борган эди, лекин одамнинг кўнглини билиш — унинг талантидаги асосий куч эканлиги ҳақиқий адабиётшуносга ҳозир қандай бўлса, ҳамма вақт ҳам шундай равшан бўлади. Ёзувчи бундан ҳам ёрқинроқ манзараларни тасвирлаб кишини қизиқтириши мумкин; ёзувчи шу сифатга эга бўлиб олгандагина унинг таланти ҳақиқатан кучли ва мустаҳкам талант бўлади.

Граф Толстой талантининг яна бошқа фазилати ҳам бор. Жуда ажойиб янгиликка — соф маънавий туйғуга эга бўлган бу фазилати унинг асарларига алоҳида қиймат бағишлайди. Биз пуританизмни тарғиб қилучилардан эмасмиз: аксинча, биз ундан қўрқамиз: энг соф пуританизмнинг ҳам шундай зарари борки, у кишини дағал, тош кўнгил қилади; энг софдил ва ростгўй моралистнинг зарари шуки, унинг номи остига яшириниб олган ўнлаб рёкорларни ўз орқасидан эргаштириб юради. Иккинчи томондан, кўзимиз замонамиздаги ҳамма ажойиб адабий асарлардаги олий маънавий идеяларни ёритиб турган соф нурни кўролмайдиган даражада кўр эмас. Ижтимоий ахлоқ ҳеч вақт бизнинг ҳозирги олийжаноб замонамиздагидай баланд даражага етган эмас,— эски замоннинг ҳамма ифлос қолдиқларига қарамай, ҳозирги замонимиз олийжаноб ва гўзалдир, чунки у ўзининг бутун кучларини ишга солиб, унга мерос қолган гуноҳларини ювиб ташлашга ва покиза бўлиб олишга ҳаракат қилмоқда. Замонамизнинг адабиёти, унинг беистисно ҳамма ажойиб асарлари ҳам энг мусаффо маънавий туйғунинг олийжаноб намоен бўлишидир. Биз граф Толстойнинг асарларида бу туйғу бизнинг ҳар қандай ажойиб ёзувчиларимизнинг асарларидаги шундай туйғудан кучли деб айтмоқчи эмасмиз: бу жиҳатдан улар ҳаммаси бир даражадаги жуда ажойиб

ва олийжаноб асарлардир, лекин граф Толстой асарида бу туйғу алоҳида товланиб туради. Бошқа ёзувчиларнинг асарида бу туйғу азоб-уқубат, инкор элагиди тозаланган, онгли тушунча билан ёритилган, фақат кўпдан-кўп машаққат ва оғир кураш, эҳтимол, бир қатор хўрликлар мевасидир. Граф Толстойда ундай эмас: унда маънавий туйғу фақат рефлексия билан ва ҳаёт тажрибаси билан ўз ўрнига қўйилган эмас, бу туйғу ҳеч вақт зил кетган эмас. ўзининг бутун маъсум самимияти ва мусаффолигини сақлаб қолган. Биз инсонпарварлик маъносидаги турли-турли бўёқларни бир-бири билан солиштириб ўтирмаймиз, абсолют аҳамияти жиҳатдан булардан қайси бири юқори туришини гапириб ўтирмаймиз, бу — рецензия вазифаси эмас, балки философия ёки ижтимоий трактат вазифасидир, — биз бунда фақат маънавий туйғунинг бадиий асар қийматига муносабати тўғрисида гапираемиз ва шуни иқдор қилишимиз керакки, айти ҳолда маънавий туйғунинг соф ёшлик чоғидаги бутун поклигини гўё сақлаб қолган самимий мусаффолик поэзияга алоҳида жозиба, латиф, гўзаллик фазилатини бағишлайди. Граф Толстой ҳикояларининг гўзаллигига сабаб, бизнинг фикримизча, кўп жиҳатлардан уларнинг шу фазилати бўлса керак. Кўнгли шундай самимий мусаффо бўлганлиги учун ҳам «Болалик» ва «Ўспиринлик»ни бу повестларга чин ҳаёт шарбатини қуйиб, колоритни жуда тўғри сақлаб, шундай нафосат ва латофат билан ҳикоя қилиш мумкин бўлди-ким, буни исбот қилиб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ. «Болалик» ва «Ўспиринлик» тўғрисида ҳар бир кимсага шу нарса аниқ ва равшанки, маънавий туйғуси пок бўлмаганда, бу повестларни ёзиш у ёқда турсин, уларни ўйлаб топиш ҳам мумкин бўлмас эди. «Маркёр мактублари»дан бир мисол келтираемиз: туғма поклигини сақлаб қолган талантгина яхши ният билан яратилган руҳнинг юз тубан кетиши воқиясини шундай ажойиб ва тўғри ўйлаб топди ва баён қилиб бера олди.

Талантнинг бу фазилати кўзга яққол ташланиб турадиган ҳикоялар ёки эпизодларгагина яхши таъсир қилмай, — бу фазилат талантга доимо жон киритиб, уни ҳаммаша янгилаб туради. Дунёда буюк ва олийжаноб, ўзи сингари соф ва гўзал бўлиб кўринадиган ҳамма нарсага зўр муҳаббат билан қарайдиган ёш юракдан ҳам гўзал, ундан ҳам чиройли нима бор? Корделия, Офелия ёки Дездемона сингари маъсум қизларни кўрганида руҳи

ёшариб, ақл-фикри очилиб⁸, бутун вужуди яйраб яшнаганини сезмаган ким бор? Шундай қизни кўрганда кўнгли очилиб яшнаб кетганини сезмаган ва жаноб Тургеневнинг («Фауст»даги) қаҳрамони билан бирга:

Қанотинг-ла яширгил мени,
Юрагимнинг тўлқинин тинчит,
Мафтун бўлиб қолган қалбимни —
Юпат, бағринг унга паноҳ эт...⁹

деб такрор қилмаган ким бор?

Поэзияда ҳам маънавий мусаффолик кучи шундай, маънавий поклик шабадаси эсиб турган асар бизни ёшартиради, табиат сингари бизга ором беради, — зотан, табиатнинг поэтик таъсирининг сири ҳам унинг мусаффолигида деса бўлади. Граф Толстой асарларидаги назокат ва тўзаллик манбан ҳам кўп жиҳатлардан шу ахлоқий покизалик шабадасидир.

Бу икки хусусият, психик ҳаётнинг яширин ҳаракатларини яхши билишлик ва маънавий туйғунинг гард тегмаган мусаффолиги, — ҳозир граф Толстой асарларига алоҳида фазилат бағишлайдиган бу хусусиятлар ҳамиша унинг талантининг муҳим хусусиятлари бўлиб қолади, унинг таланти янада ривож топиб, унда ҳар қандай янги фазилатлари намоён бўлса-да, ҳамиша муҳим хусусиятлари бўлиб қолади.

Албатта, унинг бадияти ҳам ҳамиша унга хос қиймат бўлиб қолади. Биз граф Толстой асарларининг ўзига хос сифатларини таърифлаганимизда, шу пайтгача унинг бу фазилатини тилга олмай келдик, чунки бадий қиймат аслида талантли ёзувчиларнинг асарларига хос барча сифатларни кўрсатувчи умумий номгина бўлганидан, умуман поэтик талантга хос бир нарсадир, ёки яхшиси, поэтик талантнинг моҳиятидир. Лекин бадий қиймат тўғрисида жуда кўп гап сотадиган кишилар унинг шарт-шароити нимадан иборат эканлигини ҳаммадан кам тушунишига эътибор берса арзийдиган иш. Нега «Болалик» билан «Ўспиринлик»да ўзига ўхшаган бирон чиройлик йигитга жуда кўнгли қўйган ўн саккиз ёки йигирма яшар бирон дўндиқ қиз биринчи планга қўйилмаган деб ҳайрон бўлиб савол берилганини қаерда ҳам ўқигандек бўлган эдик. Бадий асар тўғрисида жуда қизиқ тушунча! Ахир, автор жўшқин муҳаббат манзарасини эмас, балки болалик ва ўспиринликни тасвирлаб кўрсатмоқчи бўлган-ку, агар автор шу фигураларни ва шу жўшқинликни ҳикоясига киритадиган бўлса, сизга кўрсатмоқчи бўлган болалари бир

чеккада қолиб кетади-ку, агар ҳикояда жўшқин муҳаббат пайдо бўлса, сиз маъсум болаларнинг ҳис ва туйғулари билан қизиқмай қўярдингиз-ку, наҳотки сиз шуни сезмасангиз,— хуллас, ҳикоянинг яхлитлигига пугур етарди, авторнинг идеяси расво бўларди, бадийлик шарт-шароити шаънига доғ тушар эди,— наҳотки сизнинг шунга ақлингиз етмаса? Автор шу бадийлик шарт-шароитларини ўрнига қўйиш учун ҳам, болалар ҳаёти тўғрисидаги ҳикояларига бизни болаларни эсдан чиқариб қўйишга, улардан юз ўгиришга мажбур қиладиган бирон нарсани қўшиши мумкин бўлмаган. Яна ўша ерда, граф Толстой «Болалик» ва «Ўспиринлик»ка ижтимоий ҳаёт манзараларини киритмай хато қилибди, деган имо-ишорага ҳам кўзимиз тушгандай бўлган эди; граф Толстой бу повестларга киритмаган озмунча нарса бор дейсизми! Бу повестларда ҳарбий воқиалар ҳам йўқ, Италия табиат манзаралари ҳам йўқ, тарихий хотиралар ҳам йўқ, умуман қўшса қўшила берадиган, лекин ёпишиб тушмайдиган ва ҳикоя қилиб бўлмайдиган нарсалар кўп: ҳолбуки, авторнинг нияти бизни болалар ҳаётига олиб киришдир,— бас шундай экан, ажабо, бола ижтимоий масалаларни тушунадими, ажабо, унинг жамият ҳаётига ақли етадими? Лагерь ҳаёти болалар ҳаётига қанчалик ёт бўлса, бу элементларнинг барчаси ҳам болалар ҳаётига шундай ёт бир нарсадир, демак, агар «Болалик»да ижтимоий ҳаёт тасвирланса бадийлик шарт-шароитига қандай зарар етса, бу повестда ҳарбий ёки тарихий ҳаёт тасвирланганда ҳам шундай зарар етарди. Повестларда ижтимоий ҳаётнинг тасвирланишини биз ҳам бошқа ҳар қандай кишидай яхши кўрамиз; лекин ҳар қандай поэтик идея ҳам асарда ижтимоий масалаларнинг ёритилишини кўтаравермаслигини тушунмоқ керак; бадийликнинг биринчи қонуни — асарнинг яхлитлиги эканлигини эсдан чиқармаслик керак, демак, шу сабабдан «Болалик»ни тасвирлаганда бирон бошқа нарсани эмас, ижтимоий масалаларни эмас, ҳарбий воқиаларни эмас, Буюк Пётр билан Фаустни эмас, Индиана¹⁰ билан Рудинни эмас, балки худди шу болаликни, болаларни ва уларнинг ҳис ва тушунчаларини тасвирлаб бермоқ керак. Шундай тор талабларни ўртага қўядиган кишилар яна ижод эркинлиги ҳақида гап сотадилар! Уларнинг «Илиада» да Макбетни¹¹, Вальтер Скоттда — Диккенсни, Пушкинда — Гоголни қидирмаганларига ҳайрон қоласан, киши. Асарга, ёт элементлар қўшилса,

поэтик идеяга путур етишини тушунмоқ керак, демак, агар масалан, Пушкин «Тош меҳмон»да рус помещикларини тасвирламоқчи бўлса, ёки Буюк Пётрга хайрихоҳлик билдирмоқчи бўлса эди, «Тош меҳмон» бадий жиҳатдан бўлмагур бир асар бўлиб чиқар эди. Ҳар нарсанинг ўз жойи бор: жануб ишқ манзараларининг жойи «Тош меҳмон»да, рус ҳаёти манзараларининг жойи — «Онегин»да, Буюк Пётрнинг жойи — «Мис отлиқ»да, «Болалик ва «Ус-пиринлик»ка ҳам шу ёшдагиларга хос элементлар ярашиб тушади, — ватанпарварлик, қаҳрамонлик, ҳарбий ҳаёт манзараларининг ўрни «Ҳарбий ҳикоялар»да, даҳшатли маънавий драманинг ўрни — «Маркёр мактублари»да, хотин-қизлар тасвирининг ўрни «Икки гусар»да бўлади. Тун кечада дераза ёнида ўтирган қизнинг чиройли қаддиқомати эсингиздами, унинг гурс-гурс юрак уриши, ишқ шарпасини сезиб, ширин хаёлларга чўмиб бетоқат бўлиб ўтиргани ёдингиздами?

Лиза онаси билан хайрлашиб, илгари тоғаси истиқомат қиладиган бўлмага кирди. Оқ кофточкасини кийиб, қалин узун сочларини рўмол билан яшириб шамни ўчирди, ойнани очиб, стулга оёғини қўйиб ўтирди-да, чуқур хаёлга толиб, хаёлчан кўзларини кумушдай ярақлаб турган ҳовузга тикди.

Унинг одат қилган ҳамма ишлари, қизиққан ҳамма нарсалари энди бирданига бутунлай янги бир тус олди: кекса ва инжиқ онаси (онасига болалик меҳрини ҳамниша қалбининг бир чеккасида сақлаб юрарди), мункиллаб қолган, лекин оқ кўнгил тоғаси, ойим қизни жуда яхши кўрадиган мужиклар, соғин сигирлар ва бузоқлар — ҳаммаси, неча қайта ўлиб, неча қайта тирилиб янгиланган табиат, бу қизчани ўз бағрида яйратиб, бошқаларга меҳр қўйиш ва бошқаларнинг меҳр-муҳаббатини татиб, шундан баҳра олиб вояга етишига хизмат қилган шу табиатнинг ўзи ҳам, — шулар ҳаммаси бирданига бошқача бўлиб қолди, ҳаммаси *зериктирадиган, кераксиз* бўлиб қолди. Биров унга худди: «Тентак қиз, тентак қиз! Йигирма йил беҳуда ишлар қилдинг, кимгадир, нимагадир хизмат қилдинг, турмуш дегани, бахт дегани нималигини билмадинг!» дегандай бўлди. Лиза ҳозир жимжит, сутдек ойдин боққа тикилиб, шуларни хаёлидан кечириб, илгаригидан кучлироқ, жуда кучли хаёл суриб ўтирарди. Уни шундай хаёл кўчасига олиб кирган нарса нима? Тўсатдан графни яхши кўриб қолганлиги деб ўйлаш мумкин бўлса ҳам, лекин сабаби бу эмас. Қайтага, графни у ёқтирмасди. Корнетга кўнгил қўйиши мумкин; лекин у чиройлик эмас, ўзи камбағал, қандайдир ичимдан топ, индамас. У беихтиёр корнетни уни-

тиб, газаб ва хафалик билан граф образини хаёлига келтирарди «Йўқ, бу эмас»,— дерди ўз ўзига. Унинг идеали шу қадар гўзал! Идеали бугун тунда, шу табиат қучоғида, табиатнинг гўзаллигига халал бермай, севгили бўла оладиган идеал,— бирон дағал муҳитга қўшиб юборса бўладиган бирон нуқсонли бир идеал эмас.

Бошда ёлғизлик ва кўзи тушиб қолиши мумкин бўлган одамлар йўқлигининг оқибати шу бўлдики, тангри ҳар биримизнинг кўнглимизга жо қилган бутун бошлик ишқ хазинасига ҳали қўл тегизилмаган ва қалбида ишқ ўти ҳаяжонга келмаган эди; кўпдан буён ғамгинликда бахтиёр ҳаёт кечириб, ҳозир бўлса ўзидаги шу ниманидир сезадиган бўлиб қолган эди ва, сирли юрак хазинасидаги ҳамма дурдоналарини ўйлаб-нетиб турмай бирон кимсанинг бошига сочиб юбориш учун, баъзан-баъзан ишқ хазинасини очиб, ундаги бойликларни кўздан кечириб шу билан лаззатланар эди. Ишқилиб, у то ўлгунича шу бир қатра бахт лаззатини татиб юрсин. Ким билсин, бу бахт яхшироқ, кучлироқ эмасмикин? Ёлғиз шу бахтгина чинакам ва топиладиган бахт эмасмикин?

«Э, тангрим! Наҳотки бахтим ва ёш умримни бекорга хазон қилиб юборган бўлсам, яна қайтиб келмасмикин, ҳеч келмасмикин? Наҳотки шундай бўлса?»— деб ўйлади-да, ой ёнида тўлқин сингари оппоқ булут билан қопланган баланд, ёруғ осмонга қаради, булут бўлса юлдузларни тўсиб ойга қараб борарди. «Агар юқоридаги шу оқ булут ойна қоплаб олса, демак, тўғри экан»— деб ўйлади. Тумандай, тутундай булутлар ёруғ доиранинг пастки ярмини тўсиб ўтиб кетди, шу билан ўт устига, липа дарахтларининг учига, ҳовузга тушиб турган ёруғлик тобора хиралашди, дарахтларнинг қора сояларини унча кўз илғамайдиган бўлиб қолди. Шу ўртада, енгил шабада, худди табиат юзини қоплаб олган қуюқ сояга тақлид қилгандай, барглари эркалатиб сийпаб ўтиб, барглари, нам ер ва очилиб турган сирень гулнинг шабнамли хушбўй ҳидини деразага олиб борди.

«Йўқ, тўғри эмас,— деб ўзига тасалли берди у,— агар бугун кечаси булбул сайраса, ўйлаган нарсаларимнинг ҳаммаси беҳуда бўлади, ноумид бўлиш ҳам ярамайди» деб хаёлидан кечирди. Яна ҳамма ёқ ёруғ бўлиб, ҳаммага жон кирган, бир неча марта ой юзини булут босиб, ҳамма ёқ қоронғи бўлиб кетган бўлса ҳам, алламаҳалгача индамай кимнидир кутиб ўтирди. Қиз дераза ёнида ўтирган кўйи кўзи энди уйқуга кетаётган ҳам эдики, ҳовузнинг нариёғидан тез-тез сайраган булбул овозини эшитиб уйғониб кетди. Қишлоқни ойимқиз кўзини очди. Кўз олдидаги сокин ва ёруғ бепоён боғ сингари кенг табиат билан алланечук қўшилишиб кетиб унинг бутун вужуди роҳатланиб, янгидан дунёга келгандек бўлди. У иккала тирсагига суяниб олди, кўнгли негадир жуда ғаш, лекин шу ғаш-

ликнинг ҳам ширин оромбахшлиги бор, кўзлари соф ва зўр муҳаббат кўз ёшисига, тасалли берувчи ёқимли кўз ёшига жиқ тўлган. Қўлларини дераза тоқчасига тираб, бошини қўлларига қўйди. Кўнглига ёқиб қолган дуоси беҳосдан эсига тушиб қолди-да, шу кўйи кўз ёшлари билан уйқига кетди.

Аллакимнинг қўли тегиб уйғониб кетди. Қиз кўзини очди. Теккан қўл мулойим ва ёқимли эди. Бу қўл қизнинг қўлини қаттиқ қисди. У бирданига ўзига келиб, қичқириб юборди, ўрнидан сакраб турди-да, дераза тагида бутун гавдасига ой ёруғи тушиб турган графни танимагандай, уйдан югуриб чиқиб кетди...¹².

Граф Толстой чин талант эгасидир. Бунинг маъноси шуки, унинг асарлари бадий асарлардир, яъни ҳар бир асарида қайси идеяни амалга оширмоқчи бўлган бўлса, асарларининг ҳар бирида шу идея жуда тўла амалга оширилади. У ҳеч ортиқча гап гапирмайди, чунки бу нарса бадий асар шарт-шароитига хилоф, у асар идеясига ёт воқиалар ва шахсларни ҳеч қачон ўз асарларига яраштирамайди,— бадийликнинг асосий талабларидан бири ҳам худди шудир. Граф Толстой асарларининг гўзаллигига баҳо бериш учун жуда ўткир дид эгаси бўлиш керак, аммо чин гўзаллик, чин поэзиянинг нималигига кўзи етадиган киши граф Толстойни асл санъаткор, яъни ажойиб талантли ёзувчи деб билади.

Бу талант эгаси ҳали узоқ йўللарни босиб ўтадиган, ҳаёт кучлари эндигина барқ уриб келаётган ёш йигитдир — бу ёш йигит йўлида ҳали кўп нарсаларни учратади, ҳали кўп янги туйғулар унинг қалбини ҳаяжонга солади, унинг фикри ҳали кўп янги масалалар билан банд бўлади,— у адабиётимизнинг гўзал умид юлдузидир, ҳаёт унинг поэзиясига қанчадан қанча кўп ва бой материал беради. Биз граф Толстойнинг шу дамгача адабиётимизга берган нарсалари унинг кейинчалик қиладиган ишларининг фақат куртагидир, деб башорат қиламиз; лекин шу куртақлар ҳам жуда бой ва ажойибдир!

«ЖУРНАЛЛАР ҲАҚИДА ЗАМЕТКАЛАР»ДАН

1856 йил декабрь

Ўтган ой, «Болалик», «Ўспиринлик», ва «Ҳарбий ҳикоялар»нинг нашр этилиши муносабати билан граф Толстой талантидаги қайси сифатларни унга хос фазилатлар деб ҳисоблаш лозимлиги ҳақидаги ўз фикрларимизни ба-

ён қилганимизда,¹ биз истеъдоди, ҳозир қандай кучга эга бўлиб олганлиги тўғрисида гапириб, мазмун масаласига, уни поэтик жиҳатдан ривожлантириш учун истеъдод кучларини қандай ишга солиш масаласига бутунлай деярлик тақилиб ўтмаган эдик. Ҳолбуки шоирнинг пафоси масаласи, унинг асарларига жон жиритадиган идеялар масаласи энг муҳим масала эканлигини эсда тутмаслик мумкин эмас. Бу мазмуннинг чегараларини, бизнинг мақоламиз ёзилаётган вақтда халойиққа маълум бўлган асарларда мазмуннинг қанчалик қанот ёйганини белгилаш жуда осонлигини ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Лекин биз бундай қилмадик, ҳали бундай қилиш вақти эмас деб ҳисобладик, чунки гап ҳозиргача тез қанот ёзиб ривож олаётган ёш ва янги талант устида бораётган эди. Бу талант ўзининг ҳар бир янги асарига ўз ҳикоясига ҳаётнинг янги бир соҳасидан мазмун олаётган эди, деса бўлади. «Болалик» ва «Ўспиринлик» ни тасвирлаганидан кейин, Кавказ ва Севастополь манзараларини, солдатлар ҳаётини («Дарахт кесил»да), турли-турли типларни, жанг вақтидаги ва жангга тайёргарлик вақтидаги офицерни тасвирлаб берди,—сўнгра олийжаноб ва табиатан кучли бир кишининг қандай маънавий разолатга учраганлиги («Маркёр мактублари»да) ҳақидаги чуқур драматик ҳикоя пайдо бўлди,—сўнгра жамиятимизнинг турли даврлардаги хулқ-атвори тасвирланди («Икки гусар»). Граф Толстой асарларида тасвирланган ҳаёт доираси секин-секин қандай кенгайиб борган бўлса, ҳаётга қарашининг ўзи ҳам шундай секин-секин кенгайиб камол топди, унинг бу назариянинг асл чегараларини осонлик билан аниқласа бўларди-ку, лекин унинг илгариги асарларига асосланиб бу тўғрида айтилган ҳамма фикрлар унинг янги ҳикоялари пайдо бўлиши билан бир томонлама ва нотўғри бўлиб қолмайди деб ким айта олади? «Современник»нинг бу сониди босилган «Ёшлик»нинг сўнги бобларида ҳикоя соҳаси кенгайган сари авторнинг қараши ҳам кенгайиб борганини китобхонлар кўрди, албатта. Янги шахслар билан бирга унинг поэзиясида янги муҳаббат ҳам туғилди — Иртенъевнинг университет ҳаётидан олинган воқияларни эслаганда ҳар бир кимса бунни кўради. Граф Толстойнинг «Отечественные записки»²нинг декабрь китобида босилган «Помещик эртаси» деган ҳикояси ҳақида ҳам шундай демоқ керак. Бу ҳикояни тилга олишимиздан мақсад унинг асосий идеясини қараб чиқиш эмас, граф

Толстой асарларида ифода қилинадиган идеяларни таърифлашга ҳали умуман эрта, деган ишонч бизни бундан қайтариб туради. Унинг Севастополь ҳикояларининг мазмунини бу очерклардан бирига қараб белгиламоқчи бўлган киши хато қилар эди — биринчи очеркда фақат бир томони намоеън бўлиб кўринган идея кейинги икки очеркдагина батамом очилиб равшан бўлади. Худди шундай авторнинг қишлоқдаги муносабатларга бағишлаб ёзган биринчи очеркида тақилиб ўтган масалаларга қандай қарашини аниқроқ билиб олиш учун, оддий халқ ҳаётидан олиб ёзадиган иккинчи, учинчи ҳикояларини ҳам кутиб туришимиз лозим бўлади. Ҳозир бизга фақат бир нарса жуда аниқ ва равшан, у ҳам бўлса шуки, граф Толстой деҳқонлар турмушининг фақат ташқи кўринишинигина эмас, балки, энг муҳими, уларнинг мулоҳазаларини ҳам жуда моҳирлик билан тасвирлаб кўрсатади. Граф Толстой деҳқоннинг юрагига кириб олади — унинг мужиги ўз табиатига жуда содиқ одам, унинг мужиги гапига пардоз бермасдан гапиради, мақтанмайди, граф Толстой солдатларимизнинг характерларини қандай тўғри ва яққол тасвирлаб кўрсатса, деҳқонларнинг тушунчаларини ҳам шундай тўғри ва яққол тасвирлаб беради.

«Дарахт кесиш»да унинг таланти қандай ўткир ва объектив бўлган бўлса, янги соҳада ҳам худди шундай фавилатларини кўрсатди. У Кавказ солдатининг дала капасида ўзини қандай ҳис қилса, деҳқон уйида ҳам худди ўз уйида ўтиргандек ҳис қилади. Ҳикоя сюжети жуда содда: ёш бир помещчик ўз деҳқонларининг турмушини яхшилаш ниятида ўзи ҳам қишлоқда туради. Мана шу савоб ва уддаласа бўладиган ишни деб у ҳамма нарсадан кечган — пойтахтдан ҳам, ошна-оғайниларидан ҳам, ҳузур-ҳаловатидан ҳам, бирон яхши мартабага эришиш орзуларидан ҳам кечиб юборган, у ўз деҳқонларининг бахтсаодати учун яшамоқчи — бу қуруқ гап эмас, амалда шундай, у тинмай меҳнат қилади, бор кучини ишга солиб зўр беради. Унинг ҳаракатларининг натижалари қандай? Буни биз унинг бир кун эрталаб туриб қилган ишлари ҳақидаги ҳикоясидан кўришимиз мумкин: эрталаб у одатда шу ҳафта унга иши тушган деҳқонларнинг уйига кириб, деҳқон оилаларининг аҳволини ўз кўзи билан кўриб, уларнинг илтимоси қанчалик ўринли ёки ўринли эмаслигини текширади, агар ўринли бўлса, бамаслаҳат унга бирон чора топади. Бу маслаҳатларнинг нимадан иборат бўли-

ши ва уларнинг оқибатини китобхон Чуриис ёки Чуриисенок уйидаги биринчи воқиядан кўриши мумкин. Бизнинг бу парчани танлаб олишимизга сабаб шуки, Чуриисенок фигураси — ҳикоядаги энг мукаммал, энг яққол, шу билан бирга энг характерли фигуралардан биридир. Ҳикоянинг ўзида эса умуман ҳақиқий ҳолни тасвирлаб берган саҳифалар жуда кўп.

— Ҳорма, ҳорма!— деди барин, ҳовлига кириб.

Чуриисенок қайрилиб қаради-ю, яна ишини давом этдираверди. Бир зўр бериб айвондаги четанни бўшатди, шундан кейингина болтасини кундага уриб, камарини тўғрилаб, ҳовли юзига тушди.

— Байрамлари қутлуғ бўлсин, жаноблари!— деди у, икки букилиб, сочларини силкитиб.

— Раҳмат, азизим. Рўзғорингдан бир хабар олай деб келгандим,— деди-да Нехлюдов худди болалардай дўстона оҳанг билан уялинқираб, мужикнинг уст-бошига қараб қўйди.— Йиғилишда мендан тиргович сўрагандинг, қани айтчи, тиргович нимага керак бўлиб қолди!

— Тирговичми? Тақсир, тиргович нимага керак бўларди. Иморатларга тираб қўйяй дегандим, ўзингиз ҳам кўриб турибсиз-ку; анави бурчак босиб қолди, яхшиямки, худо ўзи асради, тагида молпол йўқ эди Бари зўрға омонат турипти,— деди Чуриис усти очилиб қийшайиб, бузилиб ётган молхоналарга қараб кўнгли бузилиб.— Ҳозир стропиласига ҳам, откосига ҳам, устунларига ҳам қўл тегизиб бўлмай қолди: қараб турсам, бирон ишга яроқли ёғоч ҳам чиқмайди. Ҳозир қаёқдан ёғоч топиб бўларди дейсиз. Ўзларидан ўтар гап йўқ.

— Бир сарайинг қулаб тушиб, бошқалари ҳам қулай деб турган бўлса, сенга бешта тирговичнинг нима кераги бор? Сенга тиргович эмас, стропилалар, переметлар, устунлар керак — ҳаммасини янгилаш керак,— деди барин, афтидан, ўзининг бу ишдан ҳам хабардорлиги билан мақтангандай, Чуриисенок индамай турарди.

— Демак, тиргович эмас, ёғоч керак дегин; шундай деб айтишнинг керак эди-да.

— Керакликка керакку-я, лекин қаёқдан олардик: бўлар-бўлмасга хўжайиннинг ҳовлисига югуриб бораверадими? Агар бизда қангилар ҳадеб жанобларининг ҳовлиларига югуриб боришга ўрганиб қолсак, бизни деҳқон деб ким айтади? Энди агар мурувват қилиб, ғарам тепасида бекор ётган дуб ёғоч учларидан олақол, десангиз,— деди у таъзим билан, турган жойида тебраниб:— бунинг йўруғи бошқа, баъзиларини олманштириб, баъзи бирларидан кесиб олиб, эскиларини ҳам аралаштириб бирон иложини қиларман.

— Эскиларини деганинг нимаси? Ҳаммаси эскириб чириб кетган дединг-ку, ўзинг: бугун бу бурчаги қулаб тушган бўлса, эртага наригиси, индинга учинчиси қулаб тушади, тузатсанг, ҳаммасини янгидан тузатгинки, меҳнатинг бекор кетмасин. Қани айт-чи, назарингда, иморатинг бу йил қишга чидаб берармикин ё чидамасмикин?

— Қим билсин!

— Йўқ, нима деб ўйлайсан, қулаб тушадими ё қуламайдими? Чурис бироз ўйланиб қолди.

— Ҳаммаси қулаб тушса керак,— деди у беҳосдан.

— Ана кўрдингни, сен йиғилишда шундай деб гапнинг пўс калласини айтишинг керак эди, менга тиргович керак демасдан, иморатини ҳаммасини тузатиш керак деб айтганинг яхшироқ бўларди. Сенга жоним билан ёрдам бераман. . .

— Сиздан кўпдан-кўп миннатдоримиз,— деб жавоб берди Чурисенок ишонар-ишонмас, бариннинг юзига қарамай.— Менга шафқат қилиб тўрт дона хода билан тиргович берсалар кифоя, бошқасини ўзим бир амаллардим; орасидан ярамаси чиқиб қолса, уйимга тиргович қилиб қўярман.

— Нима, турадиган уйинг ҳам ёмонми?

— Эр-хотин, бир кунмас-бир кун бирортаминизни босиб қолади, деб юрагимизни ҳовучлаб юрибмиз,— деди бепарволик билан Чурис.— Яқинда шифт ўпирилиб тушиб хотинимнинг абжағини чиқарди.

— Абжағини чиқарди деганинг нимаси?

— Ҳа, тақсир, абжағини чиқариб қўйди: гурс этиб сағрисига текканди, то ярим кечагача ўлиқдай чўзилиб ётиб олди.

— Ишқилиб ўзига келдими?

— Келишга келди-ю, бари бир касалванд бўлиб қолди, ўзи ҳам худди касал туғилгандай.

— Нима бўлди, касалмисан? — сўради Нехлюдов эшик олдида турган хотиндан; эри у тўғрида гап очган замон у инграб вой-войлай бошлади.

— Мана шу еримдан бир нарса қаттиқ бўғиб олган, ҳеч қўйвормайди,— деб жавоб қайтарди хотин, кир бўлиб кетган озғин кўрагини кўрсатиб.

— Ана холос! — ёш барин хафа бўлиб, елкаларини қисиб қўйди: — касал экансан, нега касалхонага бориб кўрсатмайсан? Бўлмаса, касалхонанинг нима кераги бор. Ё сизга айтишмадими?

— Айтишдику-я, отахонимиз, лекин вақт зиқ-да: баршчина бор, уйга ҳам қараш керак, болаларга ҳам — ҳаммасига ёлғиз ўзим! Ёлғизмиз, отам, ёлғиз. . .

Нехлюдов уйга кирди. Исдан қорайиб кетган, деворлари қип-фир-қийшиқ уйнинг этак томондаги бурчагида ҳар хил латта-путта, кийим-кечак осилиб турипти, тўрдаги бурчагида крест ва ўриндиқ атрофига қизил сувараклар ғуж-ғуж бўлиб олган, шу ҳавоси бузуқ олти газлик қопқора уйнинг шифтида катта бир ёриғи бор бўлиб, икки жойга тиргович қўйилган бўлса ҳам, шифт жуда букчайиб тушган,— ана қулаб тушаман, мана қулаб тушаман деб турарди.

— Ҳа, уйнинг жуда путурдан кетибди,— деди барин Чурисенонинг юзига тикилиб, у эса худди бу тўғрида гап очгиси келмай турганга ўхшарди.

— Бизларни ҳам, болаларни ҳам босиб қолади,— деб ийғламсираб гапира бошлади печъга суяниб турган хотини.

— Сен жим тур!— деди Чурис хотинининг гапини шартта бўлиб, кейин, қимирлаб турган мўйловлари остидан билинар-билинемас жилмайиб баринга қаради:— жаноблари, бу уйни нима қилишимни ҳам билмай қолдим; тиргович ҳам қўйдим, тўсин ҳам қўйиб кўрдим — лекин фойдаси йўқ!

— Бу уйда қишлаб бўлармиди? Э, воҳ!— деди хотин.

— Агар яна тиргович қўйилса, янги тўсин солинса,— деб хотинининг сўзини бўлди эри салмоқ билан ва гап худди бирон жиддий иш устида бораётгандай!— Яна баъзи бир жойлардаги ёғочларини янгиланса, бирон илож қилиб қишлаб чиқса бўлар. Қишлаб чиқса бўлар-ку-я, лекин уйнинг ҳамма ёғини тиргович тўсиб қўяди — гап шунда; сал тегиб кетсанг борми, тирик жон қолмайди, устунлар-ку қимирламай тик турипти-ку-я,— деб сўзини тамомлади у, шуни ўйлаб топганидан ўзи жуда хурсанд бўлгандай.

Нехлюдов Чуриснинг шу ҳолга тушиб қолганидан ва илгари унга мурожаат қилмаганидан хафа бўлиб, ачиниб кетди, ҳолбуки у келган кунидан бошлаб деҳқонларнинг ҳеч илтимосини ерда қолдирмай, деҳқонлар бирор нарсага муҳтож бўлса, уларни тўппатўғри бориб арзларини айтадиган қилишга ҳаракат қилиб келаётган эди. Унинг сал аччиғи ҳам чиқди, зарда билан елкаларини қисиб, қовоғини солди; лекин теварак-атрофдаги қашшоқликни ва шу қашшоқлик дарёсига ғарқ бўлган бўлсаямки, пинагини бузмай тақдирига тан бериб турган Чурисни кўрганида унинг хафагарчилиги қандайдир ғам-ғусса ва умидсизликка айланиб кетди.

— Бу нимаси, Иван, нега илгари миқ этмадинг? — деди у киноя билан, ифлос, қийшиқ ўриндиққа ўтираркан.

— Айтишга юзим чидамади, тақсир,— деб жавоб берди Чурис яна шундай билинар-билинемас илжайиб; у гапир-будир ерда оғирлигини дам ўнг, дам чап қоп-қора кир яланг оёғига солиб тебраниб турарди. Лекин бу сўзларни шундай дадил ва тап тортмай айт-

дики, бариннинг олдига боришга юзи чидамаганига ишониб бўлмасди.

— Бизлар деҳқон бўлсак — қандай бетимиз чидайди!.. — деб хотини мингиллаб гап бошлаган эди.

— Ҳа, гапир, — деди яна унга ўқрайиб Чурис.

— Бу уйда туришинг мумкин эмас; бўлмагур гап! — Нехлюдов бироз жим қолиб. — Энди, оғайни, сен билан биз бундай қиламиз...

Нехлюдов Чурисенокка вақтинча, шунчаки бирон ёрдам бериш учун эмас, балки астойдил яхши ёрдам қилиш учун янги ерга, хуторга кўчиб бор, деб таклиф қилади — унда янги тайёр уй бор, дейди. Чурисенокнинг бунга рози бўлиши қийин гап, уйини кўзи қиймайди, ҳовлисини ва отаси экиб кетган толларни кўзи қиймайди, ундан кейин хутордаги лой тупроқли, ўғитланмаган ерни деб, ўзининг ўғитланган ерини, канопзорини ташлаб кетиб хонавайрон бўлсинми!

Еш помешчик бу ҳовли эгаларидан яна нималарнидир сўрамоқчи бўлгандай, ўтирган жойидан қўзғалмай, тараддуланиб дам Чурисга, дам олов ёқилмай ётган ўчоққа қаради.

— Тушки овқатни ҳам еб бўлганмисизлар дейман? — сўради ниҳоят.

Чуриснинг мўйловлари остидан илжайган кулги аломати кўринди, худди бариннинг бу бемаъни саволи унинг кулгисини қистатгандай бўлди; у жавоб қайтармади.

— Э, отахонимиз, тушки овқати нимаси? — эғир хўрсиниб гапга аралашди хотин. — Нон ковшадик — тушки овқатимиз шу бўлади. Бугун отқулоқ териб келишга ҳам фурсат бўлмади, карам шўрвага ҳам масаллихимиз йўқ, бор квасни болаларга ичириб қўйдим.

— Хўжайин, ҳозир оч-наҳор рўза тутяпмиз — деб гапга аралашди Чурис, хотинининг гапларига изоҳ бергандай: — овқатимиз нон-у пиёз бўлиб қолди. Худога шукур, давлатингизда донимиз ҳозиргача етиб берди, бўлмаса кўп деҳқонлар донсиз ўтирипти. Бу йил ҳаммаёқда пиёз унмади. Кўкатчи Михайлога кеча юборсам, бир боғ пиёзни бир пақирдан сотяпти, биз ғарибда пул нима қилади, дейсиз. Пасхадан буён черковга бормай қўйдик, Миколага шам ёқишга ҳам қурбимиз етмай қолди.

Нехлюдов деҳқонларининг жуда қашшоқликда яшашини узун қулоқ гаплардан ёки бошқалар оғзидан эшитган эмас, буни ўз кўзи билан кўрган, бундан аллақачон хабардор; лекин бутун бу ҳақиқат унинг олган тарбиясига, ақл андазасига ва юриш-туриши-

га сира мос тушмасди, шу сабабдан, у беихтиёр ҳақиқатни эсидан чиқариб қўярди, ҳақиқатни ҳар гал, ҳозиргидай, кундай равшан қилиб жаз эттириб эсига туширганларида, қандайдир ювиб ташланмаган гуноҳини эслаб виждон азобига тушаётгандай, кўнгли жуда ғаш бўлиб, ўзини қўярга жой тополмай бетоқат бўларди.

— Нега бу қадар қашшоқсиз? — деди у, миясида пайдо бўлган фикрини беихтиёр тилга олиб.

— Э, тақсир, биз камбағал бўлмай, нима ҳам бўлардик? Еримиз қандайлигини ўзлари кўриб турибдилар: лой тупроқ, пастбаланд, бу ҳам майли эди-ку-я, лекин худонинг қарғиши тежканми дейман, вабодан буён ҳеч дон унмайдиган бўлиб қолди. Утлоқ ва пичанзорлар ҳам камайиб кетди: яхши даромад берадиганларини бўлса, хўжайин ерига қўшиб юборилди. Ўзим Ёлғизман, кексайиб қолдим... уни-буни қилгим келади — лекин кучдан қолдим. Қампиримнинг тоби йўқ, ҳар йили қиз туғиб беряпти: ҳаммаси ейман-ичаман дейди. Ёлғиз ўзим уриниб-туртиниб юрибман, қараомгимда етти жон бор. Худо ўзи кечирсин, тез-тез ичимда: баъзи бирини худо ўзи олиб қўя қолса ҳам бўларди, менга ҳам сал енгил бўларди, қийналиб ғам-ғусса ичида яшагандан кўра ўзларига ҳам яхши бўларди, деб ўйлаб ҳам қўяман.

— Э-эҳ! — деб қаттиқ оҳ тортди хотини, худди эрининг гапларини тасдиқлагандай.

— Ишонган тоғим мана бу, — деб давом қилди Чурис, оқиш сочли, қорни катта, чамаси етти яшар, аъзойи бадани кирлаб ғадирбудир бўлиб кетган болани кўрсатиб, — бу бола шу пайтда эшикни секин ғичирлатиб, ҳадик билан уйга кириб, ҳайрон бўлиб хўмрайган кўзларини барқинга тикиб, икки қўли билан Чуриснинг қўйлагига ёпишиб олди. — Ишонган тоғим шу, — Чурис жарангдор товуш билан давом этди-да, торс-торс ёрилиб кетган қўли билан боланинг оқиш сочларидан силаб қўйди: қачон ёрдами тегадиган бўлади-ю? Мен бўлсам кучдан қолдим. Қарилигим майлику-я, дабба жонимга тегди. Намгарчиликда ўзимни қўйишга жой тополмай қоламан. Ер ишларидан бўшаб, аллақачон қариялар сафига ўтсам керак эди. Ермилов, Демкин, Зябрев — ҳаммаси мендан ёш, ҳолбуки аллақачон ер ишларидан бўшаб олишди. Менинг топширадиган ҳеч кимим йўқ — ҳамма бало шунда, куним ўтиб турсин деб, уриниб-суриниб юрибман, тақсиржон.

— Жон деб оғирингни енгил қилардим, лекин қандай илож бор? — деди ёш барин деҳқонга қараб, унинг ҳолига ачиниб.

— Қандай енгил қилардингиз? Ҳеч гап эмас, агар еринг бўлса, баршчинани эплашинг лозим бўлади — қонун-қонда шунақа. Ишқилиб бироз бўлса ҳам тегиб қолар. Фақат шафқат қилиб, мана буни мактабидан бўшатиб қўйсангиз, дейман; кейин, земский

селган эди, у ҳам, жанобларининг ўзлари ҳам уни мактабга борсин дебдилар, дейди. Унга рухсат берсалар бўларди: тақсирим, унинг нимага ақли етарди? У ҳали ёш, ҳеч нарсага ақли етмайди.

— Бекор айтибсан, нима десанг деябер — деди барин: — лекин ўғлинг тушунадиган бўлиб қолган, ҳозир ўқийдиган вақти. Сенинг фойдангни кўзлаб гапиряпман. Ўзинг ўйлаб кўр, катта бўлса, рўзғорингни ўз қўлига олади, саводи чиқади, ўқиш-ёзишни билиб олади, черковда ҳам ўқийдиган бўлади — худо мадад қилиб юборса, рўзғорингга ҳам барака кириб қолади, — деди Нехлюдов, тушунарлироқ қилиб гапиришга ҳаракат қилиб, лекин негадир қизариб ва тутилиб-тутилиб.

— Тақсир, нимасини айтасиз: сиз бизга ёмонликни раво кўрмайсизку-я, лекин уйга қарайдиган ҳеч ким йўқ: хотин билан иккимиз баршчинага чиқиб кетамиз — бу кичик бўлса ҳам, ёрдами тегади, молни ҳайдаб келар, отларни суғорар, нима бўлса ҳам, иш қилиб деҳқон-да. — Чурисенок илжайиб йўғон бармоқлари билан боланинг бурнидан ушлаб, мишиғини артиб қўйди.

— Иш қилиб, уйда бўлганингда, унинг вақти бўлганда юбориб тур — эшитдингми? албатта шундай қил.

Чурисенок оғир кўрсинди-ю, ҳеч қандай жавоб бермади.

Бизга бу манзара ҳикоядаги энг яхши манзаралардан бири бўлиб кўринди, лекин агар биз тасвири яхши чиққан ҳамма деҳқонларнинг қиёфаларини, ҳамма ҳаққоний ва поэтик саҳифаларни кўрсатмоқчи бўлсак, жуда кўп шахсларни тизиб, санаб кўрсатишимиз лозим бўларди, чунки «Помешчик эртаси» даги тафсилотларнинг кўп қисми жуда ажойиб тасвир қилинган тафсилотлардир.

УЗГАРИШНИНГ БОШЛАНИШИ ЭМАСМИ?

(Н. В. Успенский ҳикоялари. Икки қисм. СПб, 1861)

Успенский жанобларининг нимаси халойиққа ёқиб қолди, нима сабабдан у халойиқнинг яхши кўрадиган ёзувчиларидан бири бўлиб қолди? Шу дамгача у фақат майда-чуйда ҳикоялар ёзарди, одатда яхши беллитеристларга ҳусн бўлиб тушадиган фазилатлардан биронтасининг ҳам бу ҳикояларга сиғиши маҳол бир нарса бўларди. Гапни шундан бошласа ҳам бўладики, унинг мақолаларидан биронтасида ҳам кишини ҳатто эртақ сингари қизиқтирадиган жойи ҳам йўқ; ҳозир тўплаб айрим китоб қилиб нашр этилган йигирма тўрт очеркдан камида йигирма ҳикояда ҳатто ҳеч қандай сюжети йўқдай бўлгандан кейин, кишини қизиқтирадиган жойи нима қилиб юрипти? Агар ахтариб кўрилса фақат тўрт ҳикояда повестьга ўхшаган бирон нарса топса топилар, лекин булар ҳам қандай повесть дейсиз?— Жуда оддий ва ҳаммаси охирига етказилмаган повесть деса бўлади. «Кампир» икки ўғлитнинг қандай солдатликка олтинганини ҳикоя қилади; бири тўғрисида унча-мунча батартиб ҳикоя қилиб берилган, иккинчиси ҳақида кампир гапини ҳам тамомламай қолган, чунки кампирнинг гапига кулоқ солаётган савдогар ухлаб қолган, шу ўртада карвонсарой хўжайкаси бу бечора кампирга бир оз сузма билан сут

олиб келиб қолади, кампир шуни кутиб савдогар билан гаплашиб ўтирган эди. Яна бир пьесада мешчан марҳум хотини Грушка тўғрисида ҳикоя бошлайди, уйланиш вақтигача, ҳикоя қилиб келади-да, тўйдан кейин Грушка билан қандай умр кечиргани ҳақида ҳеч нарса айтолмай қолади. Учинчи ҳикояда жаноб Успенский медицина академиясида ўқийдиган студент Брусилловнинг на қадар фақирликда умр кечирганлигидан гап бошлайди-ю, лекин гап хотимага етиб бормади; Брусиллов қандайдир бир уй «бурчагида» касал ётади, бу уйда стол ёнида извошчи-лар пул санаяпти, ёнидаги уйда маст этикдўз хотин-бола-чақасини уряпти, тепада, иккинчи қаватда оёқ ўйини бўляпти — бўлган тургани шу; Брусиллов нима бўлди? ўлиб кетдими ё бирон илож қилиб тузалиб олдимиз? — номаълум. Тентак Антошка ҳикояси ҳам бор, лекин бу ҳикояни қанча сиқсанг ҳам, Антошка ҳар хил наъмаларга жуда уста эди, деган гапдан бошқа ҳеч маънони чиқаролмайсан. Тўрт ҳикоя деганимиз ана шундай, буларда бут бирон нарса бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ярим-ёрти нарсалар бор, агар улар охирига етказилса бут бўларди. Қолган йипирма пьесада бу ҳам йўқ: булар ҳаммаси худди бирон нарсдан юлиб олинган варақларга ўхшаган майда-чуйда парчалардир, уларнинг нимадан солиб олинганини ҳам билиб бўлмайди. Масалан, извошчиларнинг қарвонсарой хўжайини билан қандай ҳисоб-китоб қилганлиги тасвирланган; ёки мўйлови узун йўловчининг бекатда тўполон қилганлиги тасвирланган; ёки гумаштаникидаги зиёфат тасвирланган; ёки халқнинг эрталабки ибодат вақтида жом чалинишини кузатиб ўтирганлиги тасвирланган; ёки қаёққадир кетаётган йипитлар дўндиққина бир хотинни кучернинг ўрнига ўтқазиб, у билан ҳазиллашмоқчи бўлганларида, муддаоларига етмаганлиги тасвир қилинади; ёки бир дьякнинг хотини бошқа бир дьякнинг хотининикига келгани тасвир қилинган, — мана шу узук-юлуқ парчалардан биронтасида ҳам бирон арзирлик нарса тасвир қилинмайди, ва уларда ҳеч қандай воқиа йўқ. Агар жаноб Успенскийнинг ҳикояларига бошқа томондан қараладиган бўлса, характерлар тасвирланган эмасмикин, психологик таҳлил йўқмикин деб қараб кўрмоқчи бўлсангиз — бундан ҳам асар тополмайсиз. Нима деб ўтирибсиз, шундай беллетристлар борки, улар воқиалар оқуда қизиқ бошланадиган ва қизиқ тамомланадиган саргузаштларни қидириб топиш, характерларни тасвир-

лаш, психологик тафсилотлар тўғрисида ўйламасалар ҳам, лекин сизга ишлатган яққол бўёқлари билан, жуда ўткир тенденциялари билан ёки жуда ажойиб услуби билан таъсир қиладилар. Жаноб Успенскийда ҳеч қандай тенденция кўринмайди, у ёзганида ўткир сўз тўғрисида ҳам; нафосат тўғрисида ҳам ўйламасдан, қандай тўғри келса шундай ёзиб кетаверади. Рост, унинг ёзган нарсаларида баъзан жуда кулпили жумлалар, баъзан жуда қизиқ ёзилган бутун-бутун саҳифалар ҳам учраб қолади; жуда бадий қилиб ёзган қисқача тасвирлари ҳам йўқ эмас — лекин буларнинг ҳаммаси бехосдан ёзилиб қолганга ўхшайди, умуман унинг ҳикоялари, мазмунга бепарво қаратгандан кейин, ҳеч бўлмаса услубини тузукроқ қилиш каби вазифага ҳеч бир риоя қилмасдан, пала-партиш ёзилиб кетаверган. Тенденцияга келганда, бу ҳақда сўрамаган яхшироқ: киши икки-уч варақ қоғоз олиб, унга бирси суҳбат ёки бирон манзарани чизиб, шу ёзган ёки чизган нарсалардан бирон маъно чиқиш-чиқмаслиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмасдан, боши-кети йўқ шу парча-пурча қоғозларни қўлингизга тутқизганга ўхшайди. Албатта, жаноб Успенскийда талант бор, бўлганда ҳам, катта талант бор; лекин бизнинг қўлимизга фақат парча-пурча қоғозларни тутқазадиган бу талант қанақа талант бўларди, дейсиз? Агар талант тўғрисида гапириладиган бўлса, шундай арзимас ва пала-партиш асарлар ёзгани учун уни фақат қойиш керак эмасми?

Арзимас ва пала-партиш асарлар,—ҳамма асосларга кўра, ҳар жиҳатдан-ку уни шундай деб ҳисоблаш лозимдай, шундай деса арзийдигандай бўлиб кўриниши мумкин-ку-я, лекин амалда ундай эмас экан-да. Халойиқ жаноб Успенскийнинг майда пьесаларини эътибор қилса арзийдиган пьесалар деб билади. Сабаби нима бўлди?

Бизнинг фикримизча, сабаби фақат унинг шубҳасиз талантли эканлиги бўлмаса керак,— талант билан ёзилган бўлса-да, лекин кишини заррача ҳам қизиқтирмайдиган асарлар оз дейсизми? Жаноб Успенскийнинг халқийнинг энг яхши қисмига жуда ёқиб тушадиган бошқа бир хислати бор. У ҳеч қандай пардоз бермасдан, халқ тўғрисидаги ҳақиқат гапларини ёзади.

Халқ ҳаётидан ёзилган повесть ва очеркларда характерлар ҳам, урф-одатлар ҳам, тушунчалар ҳам жуда идеаллаштириладигани танқидга аллақачон маълум бўла бошлаган эди. Демак, бу нарса ҳаммага маълум бўлган

бўлса, буни исбот қилиб ўтиришимизнинг ҳам кераги йўқ. Яхшиси, биз танқидчилар маслаҳат берган бўлса ҳам, илгариги беллетристлардан ҳеч ким халқни идеаллаштириш балосидан қутула олмаганининг сабабларини қидириб кўрайлик. Бизнинг фикримизча, халқ урф-одатлари ва тушунчаларини бўяб кўрсатиш каби кучлик майл манбаи ҳам мақтаб юборилган эди, ҳам жуда қайғули бир ҳол эди. Бирор кишига хайрихоҳлик билдириб, у кишининг ҳолига юратингиз ачиганидан, у кишининг бу оғир аҳволдан қутулиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида айтган фикрингизнинг у киши ҳақидаги муҳокамаларга қандай таъсир қилишига разм солиб кўрганмисиз? Агар аҳвол ҳеч умид қилиб бўлмайдиган даражада ёмон бўлса, у вақтда сиз бу шўринг қурғурнинг яхши фазилатлари бор эди, беғуноҳ азоб чекапти, одамлар унга ёмон кўз билан қарашяпти ва ҳоказо дейсиз, холос. Унинг ўзини ёмонотлиқ қилиш сизга ноўрин қаҳриқаттиқлик бўлиб, унинг нуқсонлари ҳақида гапириш ўтакетган золимлик бўлиб кўринади. Сиз уни мақтаб гапиришингиз лозим — бошқача гапиришга виждонингиз йўл қўймайди. Лекин, агар киши ўзи хоҳласа ва яқин ёрбиродарлари ёрдам қилса, бошига келган балони даф қилиши мумкин деб ўйлашингиз бутунлай бошқа бир нарса. У ҳолда сиз унинг камчилик-нуқсонлари тўғрисида гапириб ўтирмайсиз-да, бошига тушган фалокатга сабаб бўлган ҳолларни холисона пухта текширасиз. Одатда, ҳаётимни ўзгартираман деса ўзи ҳам ўзгариши лозим, дейсиз; у фалон-фалон ишларни ундай эмас, бундай қилиб чакки қилибди, кўп нарсаларда янглишибди, унинг характерида заиф томонлари бор, улардан қутулиб олиши лозим, унинг ёмон одатлари бор, шу одатларини ташлаши керак, бўлмағур нарсаларни ўйлаб юради, тузукроқ ўйлаб кўриб, шу одатларига барҳам бериши лозим, дейсиз. Сизнинг шундай одам ҳақидаги гапингиз нимадан бошланса ҳам, гапингиз таънага айланиб кетганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Сиз унга ҳақиқатан яхшиликни раво кўрганингиздан, унга таъна қилишдан қайтмайсиз: сиз уни ўзингизга яқин тутишингиздан унга аччиқ-аччиқ гапираётганингизни, бу аччиқ гапларингиз унга фойдали эканлигини — ҳар қандай мақтовдан кўра ҳам фойдалироқ эканлигини ўзингиз ҳам сезасиз.

Гоголь, Акакий Акакиевичнинг бирон камчилигини тилга оладими?¹ Йўқ, Акакий Акакиевич мутлақо ҳақли

ва яхши одам; унинг бошига тушган ҳамма фалокат унинг тақдирини ўз қўлларига олиб олган кишиларнинг қаҳри қаттиқлигидан, разиллигидан, дағаллигидан, деб биладилар. Акакий Акакиевичнинг заифлигидан кулиб, уни хўрловчи ҳамкасблари жуда разил, жуда ифлос одамлар! Унинг бошлиқлари ўта кетган бепарво кишилар, улар бечора Акакий Акакиевичнинг ҳолидан хабар олмайди, унга мададкорлик қилиш ҳақида ўйламайди. Акакий Акакиевич кишиларнинг бағри тошлигидан азоб чекиб, ҳалок бўлиб кетади. Агар Гоголь бизга Акакий Акакиевич ҳақида шундай оҳангда эмас, бошқа оҳангда ҳикоя қилганида, ўзини аблаҳ деб ҳисоблар эди. Лекин, ўзингиз ўйлаб кўринг, дарҳақиқат Акакий Акакиевичга ёрдамлашни мумкинми? Албатта, мумкин: одатдаги мукофотдан кўпроқ мукофот тайинлаш, эски шинели жуда ишдан чиқиб қолганда, унга янги бирон шинель ҳадя қилиш мумкин. Шундай қилса бўлади, лекин шундай қилишди ҳам-ку. Унинг бошлиғи Акакий Акакиевичнинг ўзи мўлжал қилиб юргандан кўпроқ мукофот тайинлади, бу, шубҳасиз, унинг хизматига қараганда анча катта мукофот эди. Ҳамкасблари унга шинель сотиб олиш учун пул тўплашмоқчи ҳам бўлишди. Дуруст, пул тўплаб бўлмади, лекин тасодифан шундай бўлиб қолди, бунда ҳамкасбларининг ҳеч айби йўқ, эҳтимол, кейинги ойда, чиновниклар қўлида бир мунча ошиқча пул бўлганда, улар чиндан ҳам эски шинелни тузатиш учун беш-олти сўм йиғиб бериши турган гап эди, ҳар ҳолда уларнинг шундай нияти бор эди, эҳтимол, бирор тadbир ҳам кўришарди. Айтмоқчи, улар баъзи бир ишлар ҳам қилишганди: янги шинель сотиб олинганда ўшалар хурсанд бўлмай, ким хурсанд бўлди? Улар бундан ҳам кўпроқ иш қилишди, Акакий Акакиевични ҳатто бир кечага таклиф қилишди. Яна нима даъвойингиз бор? Сиз, бу яхши ният ва хайри-садақалар Акакий Акакиевични қашшоқликдан ҳам, хўрликдан ҳам, ҳалок бўлиб кетишдан ҳам қутқариб қололгани йўқ демоқчимисиз?— Албатта, шундайкуя,— лекин бунга ким айбдор? Ажабо, Акакий Акакиевичнинг турмушини ҳақиқатан ҳам яхшилашга бирон кишида имкон бормиди? У мирзалик вазифасида ишлаб, оз мोजना оларди, бу тўғри. Хўш, уни юқорироқ вазифага кўтариш мумкинмиди, масалан, идора бошлиғига муовин қилса бўлармиди? Марҳамат, ахир, бошлиқ шундай қилмоқчи ҳам бўлди, лекин, ахир, Акакий Акакиевичнинг

шу паст мирзалик вазифасидан бошқа бирон яхшироқ ишга ясло ярамаслиги маълум бўлди-ку. Унинг ўзи ҳам шундай деб ўйларди. Ахир, унинг ўзи, мени илгариги ўрнимда қолдира беринглар деб илтимос қилди-ку. Бас, шундай экан, Акакий Акакиевичнинг бошига тушган фалокат ва хўрликларнинг сабаби нимада, қани айтингчи? Ҳамма бало унда, унинг ўзида. Ҳамкасблари уни мазах қилишади. Лекин улар бир-бирларини мазах қилишгани йўқ-ку, бир-бирларига туппа-тузук одамдай муоамала қилишарди, аслида Акакий Акакиевичнинг ўзи девона табиат қизиқроқ одам эди. Бошлиқлар Акакий Акакиевичга оз мойна берарди: унга бундан кўп бериб бўлмасди, у кўпроқ мойнага арзигудай эмасди, олиб турган мойнасига зўрга арзийдиган хизмат қиларди. Акакий Акакиевич, шинелимни топиб беринг, деб илтимос қилиб келганида, катта амалдор бақириб, уни ҳайдаб юборди, лекин Акакий Акакиевич унга тузукроқ гапириб муддаосини тушунтириб беролмайди-ку, у нукул: «Анави... анави... анави...» дейишдан бошқани билмади, кейин бўлса, худди томдан тараша тушгандай, мирзаларга ишониб бўлмайди, деб юборди, ҳолбуки бу сўзларнинг бу воқнага ҳеч алоқаси йўқ эди, бу аҳмоқона гап эди. Қани, тўғриси айтингчи, нима деганини тушуниб ҳам бўлмайдиган, беҳуда гапларга ким қулоқ солиб ўтирарди?

Кўрдингизми, Акакий Акакиевичнинг кўпдан кўп нуқсонлари бор эди, шундай бўлгандан кейин у қандай умр кечирган ва ўлган бўлса, шундай умр кечириши ва ўлиши лозим эди. У қўлидан ҳеч иш келмайдиган бориб турган жоҳил ва уччига чиққан овсар эди. Гарчи ҳикоя бу мақсадда ёзилмаган бўлса ҳам, бу нарса ҳикоядан кўришиб турибди. Гоголнинг Акакий Акакиевич тўғрисидаги ҳақиқатнинг шу томонини, биз ўртага қўйган, Акакий Акакиевичга фойдаси йўқ томонини тўғридан-тўғри кўрсатиб қўя қолмаганига сабаб нима?

Биз сабабини биламиз. Кишининг раҳми келадиган қашшоқ Акакий Акакиевичгаки бу ҳақиқатдан фойда йўқ экан, у ҳақдаги бутун ҳақиқатни гапириб ўтириш фойдасиз ва виждонсизликдир. Унга кишиларни ачинтириш учун зарур нарсаларнинг ачина гапириш мумкин. Ўзи учун бирон нарса қилиш унинг қўлидан келмайди, бас, бошқаларда унга майл уйғотишга ҳаракат қилайлик. Лекин бошқаларга у тўғрида айтиш мумкин бўлган нарсалар-

нинг ҳаммаси айтиладиган бўлса, унинг нуқсонларини биллиб олиб, унга унчалик ачинмайдиган бўлиб қолишади. Унинг камчилик-нуқсонлари тўғрисида индамай қўя қолайлик.

Бизнинг илгариги ёзувчиларимизнинг халққа муносабати шундай эди. Халқни биз худди Акакий Акакиевичдай деб билардик, унинг ҳолига ачинсак бўлгани, унга фақат шундай фойда келиши мумкин, деб ўйлардик. Шу билан Гоголь Акакий Акакиевич ҳақида қандай ёзган бўлса, халқ тўғрисида ҳам худди шундай ёзар эдилар. Биронта ҳам қаттиқ гап айтмасдилар, ҳеч қандай танбих ҳам бермасдилар. Ҳамма нуқсонлар кўздан яширилади, бўяб кўрсатилади, парда остига олинади. У бахтсиз, у бахтсиз дейишдан бошқани билмайдилар. Қаранг, на қадар маъсум ва ёввош, ҳар қанча хўрлик ва машаққатларга ҳам енг демай чидайди! Кишининг ҳаққи бор ҳамма нарсалардан ҳам ўзини тияди! Орзу-ҳавасда на қадар камтар! Сизни жуда иззат қилиб термулиб турган, жиндак ёрдам бериб, сал илтифот қилиб қўйсангиз, бир оғиз ширин сўз айтсангиз, сизга беҳисоб миннатдорлик изҳор қиладиган бу бечора ғарибни арзимаган садақа билан кўнглини тўлдирса ва хурсанд қилса бўлади! Жаноб Григорович, жаноб Тургенев² ва уларга тақлид қилувчи бошқа ҳамма ёзувчиларнинг халқ турмушидан олиб ёзган повестларини ўқиб кўрсангиз,— ҳаммасидан Акакий Акакиевич «шинели»нинг ҳиди келиб туради.

Нимасини айтасиз, жуда ажойиб ва олийжаноб иш — ҳаддан зиёда олийжаноб иш. Лекин буларнинг ҳаммасидан халққа нима фойда? Бизга-ку, ҳақиқатан фойдаси тегди-ку-я, жуда катта фойдаси тегди. Биз кишиларнинг ачи-нишини кўриб, ўзимизда йўқ хурсанд бўлиб, жуда лаззатландик, ачиғиш-куйинишлар бизга роҳат бериб, фикримизни қитиқлаб, бахтсиз бечораларнинг ҳолига ачинадиган, уларнинг ғамига шерик бўладиган қобилиятимиз ҳам борлигини сезадиган бўлиб қолдик, шу бахтсиз шўринг қургурларга қўшилиб худди Манилов сингари кўзимиздан дув-дув ёш тўкиладиган бўлиб қолди. Биз инсофлироқ ва яхшироқ бўлиб қолдик — йўқ, бизнинг инсофлироқ ва яхшироқ бўлиб қолганимиз ҳали жуда шубҳали, лекин ҳар ҳолда биз ўзимизни жуда инсофли ва яхши одам деб ҳис қиладиган бўлиб қолдик. Бу киши-ни жуда қувонтирадиган ҳолдир, бу Коробочканинг марҳум эри ҳар гал оёғини қашилаганда роҳатланиши ба-

лангина тенглаштирса бўладиган, ёки биз каби яхши тарбия олган кишиларга кўпроқ таниш мисол билан таққослаб кўрадиган бўлсак, яхши сигра чекканда киши қандай роҳат қилса, кишига худди шундай лаззат берадиган қувончли ҳолдир. Хуллас, жуда ажойиб замонлар эди!

Ҳозир ундай эмас. Ҳозир бўлса қандайдир ёш болалар пайдо бўлишади-да — бизни ёш бола деб атаган «Русский вестник»³ ва «Отечественные записки»дан ибрат олиб, аслида ҳам анча ёш жаноб Успенскийни мен ҳам ҳеч тортиниб ўтирмасдан ёш бола деб атайман, — хуллас, жаноб Успенскийга ўхшаган ёш болалар пайдо бўладилар-да, бизнинг халққа, бошига тушган кулфатлар учун ўзи гўё гуноҳкор бўлмаган Акакий Акакиевичга қилиб келган муносабатимиз бўлмагур муносабат бўлганини пайқаб оладилар, — эҳтимол, билиб туриб шундай деб ўйлайдигандирлар, — ким билсин, улар халқ тўғрисида алланима бало гапларни гапирадилар — сентименталлик қилиб халққа меҳр қўйиб юрган бизларнинг иззати нафсимизга қаттиқ тегадиган гапларни гапирадилар. Агар уларнинг гапини илгариги урф-одатларимизга қиёс қилиб туриб ҳукм чиқарадиган бўлсанг, уларнинг гапида халққа меҳр-муҳаббат деган нарса ҳам йўқлигини кўрасан, ҳолбуки, бу билан биз жуда фахрланиб юрардик, ҳар ҳолда уларнинг гапида халққа бирон илтифот деган нарса йўқ, уларнинг ҳикояларида биронта мақтовли гап ҳам учрамайди. Масалан, жаноб Успенскийнинг халқдаги қайси хусусиятларни очиб кўрсатишига қаранг.

Унинг «Кампир» деган биринчи ҳикоясини олиб кўринг. Унинг бир ўғли гумашта ўзига ўйнаш қилиб олган хотинини қайтариб олмоқчи бўлганда, уни солдатликка бериб юборишади. Илгаригидай бўёқни ҳеч аямай суриш одатича, хаёлингизда жуда идеал бир воқиа тасвири пайдо бўлади! Хотин эрини жуда яхши кўради, золим гумашта чиройлик хотинни зўрлик қилиб тортиб олмоқчи, хотин дод-фарёд кўтаради, у ҳайвоний ҳирсга қаршилиқ қилмоқчи бўлиб беҳудадан-беҳудага уринади ва ҳоказо ва ҳоказо. Лекин, жаноб Успенскийда биронта ҳам бундай гап йўқ. Хотинини деб ғойиб бўлиб кетган ўғилнинг кампир онаси воқияни бундай ҳикоя қилади:

— Уни уйлантириб қўйдик: тўй қилдик; бир вақт қарасак, ёш хотиннинг авзойи бузуқ — худо ўзи асрасин, чиройлик хотин эди, —

қарасак, унга ҳеч кўнгли йўқ, ўғлим унча кўҳлик эмасди: кичкина-лигидаёқ чечак чиқиб, афт-башараси чўтир бўлиб қолган эди.

Уларнинг турмуши шундоғ бўлиб кетди, Петруша — оти Петруша эди — хотинини орқасидан пойлаб юрадиган бўлиб қолди: қовоғи солиқ, хотинимнинг кўнглида бирор дард йўқмикин, яхши кўрадиган бирон кишиси йўқмикин, деб шубҳаланиб қолди. Бир қараса — йўқ, икки қараса — йўқ.. бирон нарсанинг аломати ҳам йўқ.. уйда қандоғ бўлса, ишда ҳам шундоғ. Йўқ, бўлса, йўқ бўлди-ю, шу билан иш тамом бўлди. Бир куни уйимизга оқсоқол келиб, гапириб қолди.. ёз пайти эди. Пётр Семёнович, дейди — гумашта Варварангизга хўжайиннинг уйига бориб ишласин, эри ҳам бирга келсин, деб буюрди, деди. Биз бўлсак: «Нимага керак бўлиб қолибди?» деб ўйлаб қолдик. У вақтда ҳаммамиз: хотини ҳам, Петруша ҳам уйда эдик. Кекса отаси: «Нима бўларди, Петруша, бориб кел, бирон ишга керак бўлиб қолгандирсиз-да: бўри эмаски, еб қўйса» деди. Петруша чопонини кийиб йўлга отланди: «Варвара Борисъевна, қани юринг, бир айланиб келайлик, деди» ўзи шунақа қизиқроқ эди. Хотин бўлса унга: «борсанг боравер, афтингни ел эми», деб захрини сочиб, қарғаб кетди.. «Ўзинг боравер, сенсиз ҳам йўлни биламан» деди. Шу пайтда кекса отаси бир чекада чипта ковушини тузатиб ўтирган эди, хафа бўлиб кетди, шекиллик: хафа бўлмай бўладими? Хотинининг жуда оғзи шалоқ эди, бўтам, чол индамай ўтирди-ю, Петрушага кўнгли ачиб кетди: «Варвара, сенга қачон ақл киради, нега ҳамиша эрингга акиллаганинг акиллаган? Бошқа одам бўлса, қўлига тўғри келган нарса билан.. соларди сени..» деди ва Варварани анча койиди. Варваранинг эрига кўнгли йўқ эди: ёқмасди шекиллик.. у камзулини кийиб, бошига гулдор рўмолини ўраб олди-да — у ҳамиша гулдор рўмол ўраб юрарди — бор кучи билан эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Чолим бошини чайқганича қолаверди. «Петрушага одамнинг кўнгли ачийди, жуда ҳам кўнгли ачийди!..» деб қолаверди. Улар гумаштаникига кетишди, биз бўлсак кутиб ўтирдик; эс-эс биламан, мен ўшанда унинг боласини, ҳалиги келинимизнинг боласини, терватиб ўтирдим.. Бир вақт кечга яқин Петрушанинг бир ўзи кириб келди.

«Нима гап, Петруша, нимага чақирган экан?» — деб сўрадик. «Нимага бўларди, гумашта Варварани ошхонада ишлайдиган оқсоч қилиб олмоқчи; мен билан жуда мулоўим гаплашди: «Мен, дейди, сенинг раъингга қарайман.. агар рози бўлмасанг, яна ўзинг биласан, дейди; меникида турса ёмон бўлмайди: мен унга мояна тўламасам ҳам, лекин юмушдан бўшатиб қўяман. Турган гап, унга пул керак бўлиб қолса, пул ҳам бериб тураман; ё бўлмаса рўмолиб бераман дейди». Биз ўйлашиб кўрдик.. нима бўпти, ишласа нима? — дедик; уйимизда-ку, битта хотин бор, лекин у бўлганда ҳам

бирор еримиз ортиб қолгани йўқ-ку: баъзида унинг заҳарлигини кўриб, юрагимиз орқамизга тортиб кетарди, деб ўйладик «Петруша, сен рози бўлсанг, биз ҳам рози бўлиб қўя қоламиз»— деди унга отаси. Нега рози бўлмас эканман,— деди у. Муддаосига етганига хурсандман: нега десангиз, биз гумаштаникидан чиққанимизда у менга қараб: «Петька, хафа бўлма, деди»— яъни хотинчаси унга шундай дебди-да — кулиб қўйипти... хотини ҳамиша уни Петька деб атарди. «Хўш, Варвара Борисьевна, энди бизникига тез-тез келиб турасанми?» деб сўрабди у хотинидан. Хотин бўлса яна кулиб: «қишлоқда мендан бошқа хотин куриб қолибдими?» дебди.

Кўрдингизми, ҳеч қандай зўрлик, ҳеч қандай зулм деган нарса бўлган эмас: Варвара эри ва унинг ота-онасининг ризолиги билан гумаштага оқсоч бўлган. Улар-ку, орадан бир мунча вақт ўтгандан кейин, Варвара қайтиб келиб эри билан турсин, деб талаб қилдиларку-я, чунки қишлоқдагилар Петрдан жуладиган, Варварани эрининг кўзи олдида гумаштанинг хотини деб атайдиган бўлиб қолишди. Агар биз шу миш-миш гаплар ва масхара қилиб кулишларидан ва Петрнинг иниси гумашта билан Варваранинг ўйнашиб турганини кўриб қолгандан кейингина унинг эри ва ота-онаси Варвара билан гумашта ўртасидаги алоқадан хабардор бўлиб қолишди деб ўйласак, жуда ҳам бефаҳм кишилар бўлардик. Варвара чиroyлик хотин эди, гумашта бўлса бўйдоқ киши эди, хотин эрини яхши кўрмасди, улар кўпдан, ўйнаши бўлса керак, деб гумон қилиб юришарди,— гумаштанинг биринчи гапиданоқ улар Варварани нима учун оқсоч қилиб олмоқчи эканини пайқашлари лозим эди. Агар борди-ю, улар ҳали гумаштанинг гапидан унинг ниятини билиб олмаган бўлсалар,— бундай деб ўйлаб ҳам бўлмасди,— у ҳолда Варвара эрини уйга жўнатаётганда, ўрнимга бошқа хотин топиб ол, деганидан кейин ҳам уларнинг пайқамаслиги ҳеч ақлга тўғри келмаган бир нарса эди. Лекин шуниси ҳам борки, Петр ва унинг оиласининг Варварани гумаштаникида туришидан хафалиги кўпам узоққа боргани йўқ. Улар миш-миш гаплар ва мазахни тўхтатиш учунгина Варвара билан гумашта ўртасидаги алоқани узиб ташламоқчи бўлганлиги кўриниб турибди, ва агар бизнинг уялмай айтadиган папимиз сизга қаттиқ тегмайдиган бўлса, шунини айтишимиз мумкинки, уларнинг бу жиҳатдан «княгиня Марья Алексеевна нима деркин?» деб, шунинг ташвишини қилиб юрадиган Фамусовдан заррача

ҳам ортиқ ачиниб ўтиришга арзийдиган ери йўқ. Гарчи бу кишилар оддий халқдан бўлса ҳам, камбағал ва эзилган бўлса ҳам, биз юрак ютиб бу кишилар ҳақида холис фикр билдирганимиздан кейин, сизга бундай бир савол берамиз: повестда чиновник ёки помешчик тасвирланган бўлса-ю, ризолигини олмасдан унга эрга берилган ва уни жуда ёмон кўрадиган хотинини зўрлик билан уйига қайтариб олиб келмоқчи бўлган бўлса, шу чиновник ёки помешчикнинг ёнини олармидингиз? Сиз инсонпарвар кишисиз, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида бўлсин, дейсиз, хотин-қизларнинг ҳуқуқини ҳимоя қиласиз; шундай бўлгандан кейин, сиз эрдан хафа бўлсангиз керак. Сиз бирон маслаҳатчи Владимир Андреевич ёки уезд бошлиғи Борис Петровични қандай ёмонотлиқ қилсангиз, мужик Петрни ҳам шундай ёмонотлиқ қила беринг-да. Лекин мужик Петр озодлик тўғрисидаги мақолаларни ҳам ўқиган эмас, Жорж Занд романларини ҳам, деб айтишга оғзингизни жуфтламай кўя қолинг. Кўриб турибсизки, Петр оиласидагилар бу нарсаларни амалда жуда яхши тушунишарди, Жорж Занднинг ақли етмаган нарсаларни ҳам тушунишарди; ахир, тумашта Варварани ўз уйига кўчириб олиб борганида, улар бунга қарши чиқишмадику, нега қарши чиқишмади? Бунинг сабаби шуки, улар бу ошиқ-маъшуқликнинг бизга фойдаси тегиб қолар, деб умид қилдилар, деса бўлади. Гарчи улар мужик бўлса ҳам, лекин бизнинг улар тўғрисидаги уялмай шундай деб ўйлаётганимиз сизга қаттиқ тегмасин: агар сизга юқори табақа ўқимишли кишилари тўғрисидаги шундай воқиа ҳикоя қилиб берилганда эди, улар ўз фойдасини кўзлаб шундай қилган эмаслигига сизни ишонтирини маҳол бир нарса бўларди. Ким юқори табақадан-у, ким савдогар ёки мешчанлигини, ким мужиклигини бир ёққа йиғиштириб қўйиб, ҳаммани оддий одам деб ҳисоблайлик-да, мужик деган номни деб кўз олдимизда турган ҳақиқатни ўзимиздан яширмай, шу одамларнинг ҳар бири устида кишилик психологияси нуқтаи назаридан ҳукм юритайлик.

Оддий халқ билан очикчасига гаплашган ҳар бир киши улар ўртасида шундай ишлардан яъни тумаштанинг Варвара билан алоқасига Петр билан унинг оиласининг муносабати каби ишлардан қайтмайдиганлар кўплигини билади. Мужиклар ўртасида ўз фойдасини кўзлаб шундай ишлардан қайтмайдиганлар бизнинг орамиздагилардан ҳам кам эмас (биз, кўп ҳам эмас, деб

ўйлаймиз). Эр ва хотиннинг турмуши ёмон бўлса-ю, ундан кучлироқ ва бойроқ бирон киши ўртага кириб қолса, эри ҳеч куйиб-пишиб ўтирмасдан хотинини унга топшириб қўяверади, ўзи ҳеч нарсани билмагандай бўлиб юраверади; ҳамма ёқда миш-миш гап кўпайиб, у ҳақорат қилинган ва алданган важоҳати бузуқ одам қиёфасига кириб олишга мажбур бўлгунича, ҳеч нима билмагандай бўлиб юраверади. Бу ҳам ҳеч гап эмас: баъзи бир уни мазах қилганларга, ҳеч пинагини бузмай, ўз ишимдан хурсандман, деб жавоб беради. Лекин ўқимишли кишилар ўртасида кўзини бақрайтириб қараб турадиган бундай беорлар жуда сийрак учрайди; оддий халқ ўртасида ҳам кам топилади. Лекин ўқимишли кишилар ўртасида,— албатта, мужиклар орасида ҳам,— бунинг тамомила қаршисини кўрсатадиган мисоллар оз эмас: киши ҳеч қандай шахсий манфаатга учиб йўлдан озмайди. Биз мужиклар ҳаётида шундай ҳодисалар бўлишини асло инкор қилмоқчи эмасмиз; биз фақат, бизнинг ўртамизда бўлгани сингари, мужиклар орасида ҳам кўпроқ ўз манфаатини кўзлаб ҳақиқатдан кўз юмиш ҳодисалари бўлади, деб айтмоқчимиз, холос, биз Петр ва унинг оиласи ҳам шундай қилган деб айтишга мажбур бўлган эдик.

Сиз, нимага асосланиб, мужиклар ўртасида бундақангги нарсалар бўлмайди, дейсиз? Ё олийжаноб рицарь ва номусли қаҳрамон бўлиш вазифаси мужиклар зиммасига юкланган дейсизми, ахир, улар ҳам сиз бизга ўхшаган одам-ку? Биласизми, бизнинг орамизда шахсий ғараз билан, аблаҳона мурувват қилишлар ва онда-сондагина киши, йўқ деб, қаттиқ туриб олганда унинг раъйига қарашларнинг устун келмаслиги мумкин эмас. Сиз бизда маълум ният билан беодоблик қилишларнинг сабабини, қаердан келиб чиққанини биласиз. Оила ишларинг чатоқлашиб кетган, пулинг анча бўлса ҳам, лекин яна ҳам яхшироқ яшамоқ учун пулингни ундан ҳам кўпроқ қилиб олдинг келади; хотининг жуда инжиқ, ўзинг ҳам жим юрмайсан; шундай бўлгандан кейин, пули кўп ва сўзи ўтадиган бирон киши бировнинг хотинини сотиб олса, бунинг нима ажиб томони бор? Нима, мужиклар ҳаётида ҳам худди шундай ҳодисалар йўқ дейсизми? Мужиклар камбағал, улар кўпинча хотинлари билан жуда бемаза ҳаёт кечирадилар; улар бадавлатроқ кишиларнинг ҳимоясига муҳтож бўладилар. Бас, бунинг натижаси нима бўларди,— ўзингиз ўйлаб кўринг.

Лекин, худо хайрингизни берсин, мужикларни идеализация қилишни кучайтирадиган чучмал ёлгончиликдан ташқари, яна бир жуда аҳмоқона одатингизни — ҳамма хитойлар кўзимизга худди бир хил одамдай кўриниши сингари, ҳамма мужикларни ҳам бир хил тип қилиб кўрсатиш одатингизни ташланг. Хитойлар биздан жуда узоқда; шунинг учун, агар биз уларнинг ҳаммаси ҳақида, Хитой эскиликка ёпишиб олган, афюнни яхши кўради, узун соч қўйиб юради, хитой билан хитой ўртасида фарқ йўқ, деб улгуржасига ҳукм чиқарсак, бу айбимизни кечирса бўлади. Орамыз узоқ бўлганидан, ана шундай улгуржи ҳукм чиқаришдан бизга ҳам, уларга ҳам ҳеч қандай зарар келмайди. Лекин мужиклар бизга яқин: улар ўртасидаги фарқни кўрмасак, бизга уят бўлади, биз улар билан муносабат қиламиз, шунинг учун, агар биз улар тўғрисида шундай бефарқ, ёппа ҳукм чиқарадиган бўлсак, бизга ҳам, уларга ҳам жуда ёмон бўлади. Жамиятимиз турли-туман фикр қиладиган ва туйғуси жуда ҳар хил кишилардан иборат. Жамиятимизда турмушга разилон қарайдиганлар бор, олийжаноблик билан қарайдиганлар бор, консерваторлар бор, тараққийпарварлар бор, бетайин кишилар бор. Мустақил кишилар бор. Ҳар бир кишлоқда ҳам шу ранг-баранг фарқларнинг ҳаммаси бор. Биз, жаноб Успенскийнинг баёнига мувофиқ, ўз тенглари ўртасида оддий, рангпар ва бетайин одам деб ҳисобланадиган мужиклар тўғрисида гапиряпмиз, холос. Бу одамлар (бизнинг табақамиздаги шундай одамларга икки томчи сув каби ўхшайдиган бу одамлар) қандай одамлар бўлса ҳам, бутун оддий халқ устида шуларга қараб ҳукм чиқарманг, халқимизнинг нималарга қурби етиши, нияти нималиги ва нималарга арзишлиги тўғрисида шуларга қараб ҳукм қилманг. Халқнинг фаолиятига ташаббускорлик қилувчилар улар эмас, улар бизнинг табақамиздан бўлган шундай кишилар сингари, шамол эсиб турган томонга қараб оғадилар, шамол қаёққа қараб эсса шу ёққа оғадилар. Лекин шундай бўлса ҳам, уларни билиб қўйиш керак, чунки бизнинг табақамиздагиларнинг кўпчилиги сингари, улар ҳам оддий халқнинг кўпчилигидир. Ташаббус улар қўлида эмас, лекин ташаббуснинг уларга қандай таъсир қилишини билиб қўйиш учун, уларнинг фазилатларини билиб олиш керак.

Айтмоқчи, агар сиз киши ҳар қандай табақадан бўлса ҳам, ҳар бир шундай кишини инсон деб ҳисоблашни бу-

юрадиган инсонпарварлик принципида қаттиқ турсангиз, агар сиз мужикни сизга ўхшаш ҳеч ери йўқ, кўриниши ҳам, гап сўзлари ҳам ғалати бир махлуқ деб ўйламасдан, сиздай икки кўзи, қўлларида бештадан бармоғи бор бир инсон деб қарай оладиган бўлсангиз, агар... йўқ-э, сиз учун ёзилган китобларда ўқиганларимга, сизнинг оғзингиздан эшитганларимга,— сиз китобхоннинг ўз оғзидан, ёки дўстларингизнинг, ёки сизга ва сизнинг дўстларингизга ўхшаган кишиларнинг оғзидан эшитганларимга қараганда,— шуларнинг ҳаммасига қараб ҳукм қилганда, сиз чўри қиз Алена Герасимовна билан конторачи Семен Петрович сингари муҳокама қилсангиз керак деб ўйлайман, улар жаноб Успенскийнинг «Сайил» деган асарида бир-бирлари билан мана бундай суҳбат қилишади:

— Семен Петрович, айтингчи, кишининг ичида нима бор?

— Кишининг ичи ҳар хил бўлади. Бу ким қандай овқатланишига боғлиқ, баъзи киши қипиқ еб юради, унинг ичи худди қипиқдай бўлади. Аллакимдан ҳам эшитгандим, бир этикдўзнинг ичини ёрганларида, ичидан таг чарм билан пайраха чиқипти.

— Жуда қизиқ одамлар бор-да!.. Қани айтингчи, штатскийлар билан ҳарбийларнинг ичи бир хил бўладими?

— Бу масалада, Алена Герасимовна, сизга материяни айтиб берсам бўлади. Биринчидан шуки, ҳеч ўхшаш ери йўқ.

Конторачи қизнинг ёнига ўтириб, унга тушунтира бошлади.

Сизнинг Алена Герасимовна билан Семен Петровичдан бошқача фикр қилишингизга шубҳаланганимдан хафа бўлган бўлсангиз, мени кечиргайсиз. Сизни уларга қўшиб қўйганим сиз учун хўрликдир. Яна ҳалиги қилган фаразимизга, мен жон деб воз кечадиган фаразга қайтамиз: сиз «кишининг ичи бир хиллигини», штатскийларники ҳам, ҳарбийларники ҳам, этикдўзники ҳам, қипиқ еб юрадиган кишиники ҳам бир хиллигини биласиз деб фараз қилайлик. Агар мен, сиз буни биласиз, дер эканман, халққа нима кераклигини ва унга қандай таъсир қилиш мумкинлигини билиш учун, сизнинг халқни ўрганиш тўғрисида кўп ғамхўрлик қилишингизнинг кераги йўқ. Сизга нима керак бўлса, унга ҳам шу керак эди деб ўйласангиз, хато қилмайсиз. Ўз тенгқурларингиз ўртасидаги оддий кишиларнинг муддаоси ва нияти нима бўлса, халқ ўртасидаги оддий кишиларнинг нияти ва муддаоси ҳам шу, деб ўйласангиз, тўғри бўлади.

Бир хил туйғунинг ҳар хил турларини умумлаштиришни билсангиз бўлгани, масалан, пачка-пачка пул бўладими ёки йигирма тийинлик пул бўладими, пул олишга интилиш ўша интилишдан бошқа эмаслигини тушунадиган бўлсангиз бўлгани, бошқа бирон кишига жуда оздай кўринадиган пулни кўп деб ҳисоблаш одати кишининг пулдан умидланиб қиладиган хатти-ҳаракатларининг маъносини ҳеч ўзгартирмаслигини тушунадиган бўлсангиз бўлгани, яна такрор-такрор айтаман, аччиқ-чучук гапларга чидаб ўтириш ва кўнглинг тортмаган одамлар билан ноилож ҳамсуҳбат бўлиш, ё пулдан умидингни узмай ёки олган пулингга айтадиган раҳматинг эвазига гурс-гурс тушадиган муштларга бўйинингни тутиб беришинг — булар бари бир нарса эканлигини тушунадиган бўлсангиз бўлгани. Агар сиз шуни яхши билиб олган бўлсангиз, жаноб Успенскийнинг «Йўловчи» деган очеркининг охиридаги воқияни ўқиб асло ажабланмайсиз. Бекатга бекат назоратчиси, оқсоқол ва ямшикларнинг адабини бериб қўйиш учун қўлларини аяб-нетиб ўтирмайдиган бир жаноб келиб қолади: у тезроқ от топиб беринглар, деб талаб қилиб, кўп кишиларнинг бурунларини қонатади, кўп кишиларнинг кўзларини кўжартиради ва яна бошқа шундай қаҳрамонликлар кўрсатиб бўлгандан кейин, ўтириб ароқхўрлик қилади. Сўраган отлари тахт қилиб қўйилган. Энди бу воқияларнинг оқибати нима бўлганига бир қараб қўйинг.

Йўловчи қўлида ярим штоф ароқ ушлаб зинапояда турибди. Унинг орқасида назоратчи, кампир, деншик ва бир мешчанин турибди. Қия очилиб турган деразадан савдогар қараб турибди. Бундан олдинги кўринишда қандай бўлса, худди шундай кўзлари боғланган, қашқа бўлган ямшиклар зинапоянинг атрофини ўраб олишган.

Й ў л о в ч и. Ҳаммаларинг йиғилдиларингми?

Я м ш и к л а р (ҳаммалари бирдан). Ҳамма йиғилди, тақсир...

Й ў л о в ч и (ароқ қуйиб). Ма-ларинг... келларинг (Одамлар ароқни ичиб, лабини этаги билан артиб, таъзим қилади. Гоҳ-гоҳ ичкаридан қўнғироқ товуши эшитилиб турибди.) Қалай, яхши тройками?

Я м ш и к л а р. Жуда ҳам яхши, жуда ажойиб, тақсир...

Й ў л о в ч и (ярим штофни деншикка бериб). Ишқилиб, менадан хафа бўлганларинг йўқми?

Я м ш и к л а р. Нега хафа бўлардик, тақсир!.. Кўп хурсандмиз.

И ўловчи. Ашулачиларинг ким? (Ямшиқлар жағи шишиб кетган бир ёш йигитни олдинга итариб чиқарадилар).

И ўловчи. Сенмисан?

Йигит (уялинқираб). Мен.

И ўловчи. Мана ҳаммаларингга... «Ҳамёнидан бир тилла олиб беради; ямшиқлар таъзим қилиб, раҳмат айтадилар.» Қани, бир ашула айтинглар-чи!.. Яхшилаб айтинглар... (Йигит, ҳамма ашула бошловчилар сингари, чеккасига қўлини қўйиб, ашула бошлайди; ҳамма унга жўр бўлади. Ашула янграйди.)

Кузги оқшом,
Еш дилором,
Дилоромим ва ҳоказо.

Ичкари ҳовлидан тройка чиқиб келади. Қўнғироғи жаранглаб туради. Буни кўриб ямшиқлар жуда хурсанд бўлишади.

Умумий бир хусусиятнинг ҳаётнинг турли соҳаларида, намоён бўладиган ранг-баранг нусхаларини бир андовага солиб кўришни билмайдиган киши:—«Халқ руҳи ва халқ номусининг нақадар бедаво юз тубан кетиши!—деб хитоб қилади.—Бу бегуноҳларни ҳозиргина уларни уришга эмас, ҳатто койишга ҳам ҳеч ҳаққи бўлмаган киши тутиб урган эди-ку; энди-чи! У киши уларни ароқ билан меҳмон қилипти, уларга ароқ пули беряпти, улар бўлса дардларини ҳам эсдан чиқариб, ҳаммалари хурсанд, ҳатто ташаккур билдиришяпти. Бундай одамлар ўзларининг бутун ҳуқуқларини сезмайдиган бўлиб қолган, кишилиқ қадри-қийматини билмайдиган бўлиб қолган; улар тўғри келган кишидан мушт ёйишдан бошқага ярамай қолган» дейди. Шубҳа йўқ, жаноб Успенский тасвирлаб кўрсатган хусусиятлар жуда қайғули хусусиятлардир; лекин бундан жуда ноумид бўлиб хулоса чиқариш — идеализацияга гирифтор бўлиш демакдир. Бу масалани кўпроқ диққат қилиб қараб чиқайлик. Биринчидан, наҳотки сиз, калтак еган ямшиқлар ҳақиқатан ҳам на аламзада бўлдилар, на дарғазаб бўлдилар, деб ўйла-сангиз? Уларнинг дарди юзга тепмаган, ҳатто аксинча, улар мулойимлик қилган экан, бундан уларнинг дарди йўқ экан ва қулай пайт келганда тап тортмай, ўч олиш қўлларидан келармикин, деб хулоса чиқариш асло ярамайди. Киши ўз туйғусини яхши билиб олгунча худди оловдай ловиллаб ёниб туради, лекин шикоят ва мишмишлардан ҳеч нарса чиқмаса, киши бир оздан кейин

арз қилишларини йиғиштириб қўяди; у жуда лоқайд бўлиб олади, ҳатто ҳеч қандай иззати нафси йўқдай қиёфага кириб олади, лекин бу асло унда туйғудан асар ҳам қолмади, деган гап эмас. Масалан, касалларга бир назар ташлаб кўринг-чи, бирон кишининг тиши оғриб милки шишиб кетса, биринчи сафар у инграб ўзини қўярга жой тополмай қолади; йигирманчи марта тиши оғриганда, у оғриғини тилга олмай қўяди, ҳатто сизнинг шу оғриқ тўғрисида берган саволларингизга жавоб бергиси ҳам келмай қолади, ҳазилга олиб, куладиган бўлиб қолади,—наҳотки, шундан сиз, энди у оғриғини сезмай қолибди ва шу оғриғидан қутулиб олгиси ҳам келмай қолибди, деб хулоса чиқарсангиз? Қўйинг-э, бу — беҳуда фикр. Бошқача бир мисолни олиб кўринг: бир неча йиллар кўришмаган оғайнингиз эшикдан кириб келди. Сиз у билан қучоқлашиб кўришасиз, уни ўтқизишга жой тополмай қоласиз, сиз уйингизни бошингизга кўтарасиз,— нима қилибди, биринчи кўришганда шундай бўлиши табиий бир нарса, лекин шунга эътибор қилинг,— биринчи кўришганда шундай бўлади. Эртаси ошнангиз билан энди жим ўтириб суҳбат қиласиз; бундан, сизнинг ошнангиздан кўнглингиз совуб қолди, деган хулоса чиқариб бўладими? Ҳамма нарсада ҳам худди шундай: дастлаб, иш шошилиш бўлганда, шу иш туфайли ҳис-туйғулар ҳам шунга яраша ҳаяжонли бўлади; бирон иш оддий ҳаёт изига тушиб кетгандан кейин, кишининг туйғуси оддий ҳаёт изидан чиқиб ҳовлиқишларини бас қилади; лекин бу туйғу ҳаётингизнинг илдиз-илдизларигача ўрнашиб янада кучаймаган дейиш қийин, аммо бу туйғу дами чиқмас бўлиб, қолган бўлса ҳам, асло заифлашмайди. Жағи шишган ямшик, унинг жағи пилла бўлиб шишганми ёки мушт зарбидан шишганми — бари бир — тамомила бир хил психологик қонунга амал қилади: агар унинг ташқи ҳаётининг оддий кўринишлари унинг ҳаётининг моддий йўли жумласига кирадиган факт туфайли изидан чиқадиган бўлса, у беҳуда психологик майриқ бўлар эди. Лекин ундан: ҳаётнинг бу оддий йўлининг турли икир-чикирларидан розимисан, деб сўралса, бунинг йўли бутунлай бошқача. «Агар сунъий пиллага ўхшаган нарсаларнинг чиқишига сабаб бўладиган муносабатлар бу кишиларга ёқмаса, нега улар бу ҳолатларни ўзгартириш чораларини кўрмайдилар?» деб айтишлари мумкин. Жаноб Успенский қандай табақа кишилар ҳақида ҳикоя қилаётганини ва

биз унинг мулоҳазаларига қараб қандай табақа одамлар ҳақида муҳокама юритаётганимизни китобхон эсига олиб қўйсин. Булар — ҳеч балода йўқ, ташаббус деган нарсдан маҳрум оддий кишилардир; ҳамма табақаларда улар яккаш бир хил умр кечиради, ўзлари бирон янги иш тутишни билмайди, қайси маънода бўлса-да, бирон ҳаракат қилиш учун ташқи сабаб ва ташкилотларни кутиб ўтиради. Жаноб Успенский ямшиқлар табақасидан бўлган оддий кишиларнинг жағларида пайдо бўлган сунъий пилла ҳақидаги халқ ҳолатларини бизга мисол қилиб тасвирлаб берди. Энди ямшиқларнинг бошқа ишларда ҳам қандай қилганлигига назар ташланг, бу ишларда улар илгариги тартибни ўзгартириб, шубҳасиз фойда кўришлари мумкин эди ва жон деб ўзгартирар эдилар. Бизда отларни тройка (уч от) қилиб қўшиш одат бўлиб қолган эди. Бошқа жойларда қандайлигини билмай-миз-у, лекин Москвадан жануби-шарққа борадиган трактларда* ямшиқлар жуда узоқ вақтларгача баъзи бир жойларда, гарчи сиз фақат бир жуфт от ҳисобидан прогон** тўласангиз ҳам, сизга уч от қўшишга ҳаракат қилардилар, аҳтимол, ҳозир ҳам шундайдир. Сиз ҳайрон бўлиб, ортиқча қўшилган отга ҳақ тўламаганимдан кейин, учинчи от қўшишнинг нима кераги бор?» деб савол берардингиз. «Отахоним, уч от қўшиш яхши-да» — «Нимаси яхши?» — «Отларга енгил бўлади». — «Мен бир ўзим бўлсам, юким ҳам бир пуддан ошмаси, ахир, аравангиз жуда ҳам енгил-ку». — «Отахоним, шундай, бир жуфт отга енгил-ку-я, лекин уч от қўшсам яхшироқ бўлади». Сиз бу ямшиқ отни аямас экан деб ёки кўзингизга яхшироқ кўриниш ниятида шундай қиляпти деб ўйлайсизми? Асло ундай эмас; у сизни жуда ёмон, жуда секин олиб юради, у отларини аяйди. Нега у текиндан текинга учинчи ортиқча отни овора қилади? Бунинг сабаби фақат шуки, бу нарса одат бўлиб қолган, оддий кишилар бўлса одат бўлиб қолган нарсанигина қиладилар, ҳамма табақадаги кўпчилик одамлар эса оддий кишилардир. Бу кишиларнинг ҳар бири икки от ўрнига уч от қўшиш ўзи учун бефойда эканлигини билса ҳам, унинг бу одатини ташлаш учун ташқи таъсир лозим бўлди. Жаноб Успенский тасвирлаб кўрсатган йўловчининг қилиқларига ям-

* Тракт (почта тракти) — катта қатнов йўли.

** Прогон — почта отлари учун кира ҳақи.

шикларнинг муносабати масаласи ҳам худди шундай. Йўловчи ямшикларнинг додмини бериб ва тумтарақай қилиб ҳайдаб юбориб, овқатга ўтиради, кампир ўнга ветчина олиб келади.

Кампир (*қўлида ветчина*). Тагин мени ҳам... худо ўзинг асра!

Ямшик (*юзини бошқа ёққа буриб*). Сен у билан гаплашмасанг бўлгани, балки, ҳеч нима қилмас.

Янги йўловчи. Бу ерда ким тўполон қиляпти?

Ямшик. Ҳеч ким, ўзимиз шундай... ўзимиз. (*Йўловчи уйга ўтиб кетади.*)

Илгариги савдогар (*ошхона деразасидан сочлари тўзиб кетган бошини чиқариб*). Ҳай, кампир! Закускани берганингдан кейин, тугунимни ҳам олиб кел... худо хайр берсин.

Кампир (*хўрсиниб*). Нима қилишимни ҳам билмай қолдим! (*Қўрқа-писа уйга кириб кетади. Ҳовли томондаги эшикдан жағлари шишган, кўзлари боғланган бир тўда ямшиклар мўралашади.*)

Оломон. Қани у?

Ямшик (*йўлакда, бурнини ушлаб*). Бир балога гирифтор бўлмай, йўқолсаларингчи! Довюраклар!

Оломон. Отхоналарга бекиниб оламиз!

Ямшик. Назоратчи қани?

Оломон. Охурда ётипти... (*Халқ бир-бири билан гаплаши бошлайди, бирови худди қўлидан бирон иш келадигандай, ўдағайлайди, бошқа бирови рўмолини секин кўтариб, шеригига, кўзимга қараб қўйчи, деб илтимос қилади ва ҳоказо. Ҳовлидан секин-секин кўнғироқ товуши эшитилади. Бир вақт қичқириқ эшитилади. Кампир идишларни кўтариб уйдан югуриб чиқиб келади, сўнгра қоп кўтарган йўловчи ва жағини ушлаб мешчанин югуриб чиқади; «Православлар! Тақсирлар!» деган овозлар эшитилади. Оломон югуриб ўзини ҳовлига уриб, тўс-тўполон бўлиб қочиб кетаётгани кўриниб туради; «Бекинсаларинг-чи!» деган овозлар эшитилиб туради.*)

Йўловчи (*бошини эшикдан чиқариб, кўзларининг пахта-сини ўйнатиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб*). Қани, уларни бу ёққа олиб келиб берларинг! (*Халқнинг узоқдан шов-шувви эшитилиб туради. Кўнғироқ жаранглайди. Шу билан ҳаяма жим бўлиб қолади.*)

Нима сабабдан ямшиклар тумтарақай бўлиб қочиб қолишди ва ҳаддан ошган йўловчининг қўлини тутишмади, шундай қилишса, тамомила ҳақли бўлишарди-ку? Фақат шунинг учунки, қочиб қолиш ва бекиниб олиш

расм бўлиб қолган. Бир вақт улар яна тўпланишади, уларга озор берган одам ўтирган уйнинг эшигига келиб йиғилишади. Сиз, улар қасос олмоқчи, йўловчининг қўлоғини боғлаб, судга кўтариб олиб бормоқчи деб ўйлайсизми? Улар қонунга хилоф равишда поймол қилинган ҳуқуқларини тиклаш, чеккан азоблари учун қасос олиш ниятида йиғилишди деб ўйлайсизми?— Йўқ, бундай қилиш расм бўлган эмас-да; шундай қилиб тўпланиш расм бўлганлиги учун тўпланишди, ахир, ҳар хил можароларни томоша қилиш керак-да, демак, уларнинг кўчасидан биринчи марта саёҳат қилиб ўтиб кетаётган йўловчини ҳам томоша қилиш керак; улар йўловчининг ўрнидан турганини кўрганлари замон отхоналарга қочиб бекиниб олиш учун йиғилишади, ҳақиқатан ҳам тумтарақай бўлиб қочиб қолишади! Сиз улар шу воқиага алоқаси бор қандайдир туйғу таъсири остида шундай қилишяпти деманг, бунинг асосий сабаби шу йўловчидан кўрқиб, юраксизлик қилганликларидир, деб ўйламанг,— йўқ ундай эмас, бунинг асосий сабаби — одатдир, улар шу одатга амал қилишларини ўзлари ҳам билмай қоладилар, «шундай қилиш расм бўлиб қолган». Ямшиқнинг от билан гаплашиши, бошқа йўлдан юрганида йўли узоқ ва ёмон бўлса ҳам, ҳаминша катта йўлни қўйиб бошқа йўлдан юришни афзал кўриши, орқаси қичимаса ҳам елкасини қашиб қўйиши ёки муз қўзғалгунча баҳорда муз устидан юриши қандай одат бўлиб қолган бўлса, бунда ҳам ямшиқлар шу одатларига амал қилиб шундай қилдилар.— Бу воқналарнинг ҳаммасида ҳар бир киши қўйган қадмининг фойдали ёки фойдасизлиги, керакли ёки кераксизлиги, хатарли ёки бехатарлигига қараб амал қилмай, балки кечалари уйқусираб юриб чиқадиган ойпарастни юргизадиган куч сингари қаттиқ одат кучига бўйсунди. «Шундай қилиш расм бўлиб қолган», вассалом.

Кимки ҳар қандай табақадан бўлган одамни тўғридан-тўғри одам деб қарашни одат қилган бўлса, кимки Семен Петровичнинг, мансабига қараб, «кишининг ичи ҳар хил бўлади» деган фикрига қўшилмаса, у киши яна, одат бўлиб қолган тартибга риоя қилиш жиҳатдан биз ўқимишли одамлардан фарқ қилади, деб айтиши турган гап. Лекин, асло ундай эмас. Бизнинг табақамиздаги оддий одамлар ҳам, яъни жуда кўпчилик ҳам худди шундай қилади. Масалан, бирон клуб ёки тўғаражка қатнаб турадиган оддий кишилардан қайси бири, унда кишини қи-

зиқтирадиган ҳеч нарса йўқ, деб зорланса ҳам, лекин доимо унга қатнаб туради; нега шундай? «Шундай қилиш расм бўлиб қолган». Биз оддий кишиларнинг ҳар биримиздан сўраб кўрингчи, одатда ё жуда тер тўкиб ёки оғир меҳнат қилиб топган пуlining катта қисмини сарфлаб сотиб олган нарсаларининг бирон ҳузур-ҳаловатини кўрармикин; йўқ, бундай чиқимдан ҳеч қандай ҳузур қилмайсан киши, шундай қилиш расм бўлиб қолган, холос. Айтмоқчи, бу фикрда далил-исботни талаб қиладиган бирон янги нарса бордай, нега унинг ипидан игнасигача текшириб қолдик? Бизнинг ҳамма фелъетонларимиз, ҳамма гап-сўзларимиз ўқимишли жамаиятдаги «одоб» деган нарсанинг ёки «одоб қондалари» деган нарсанинг ўқимишли жамаият оммасини ташкил қилувчи ҳар биримизнинг барча ҳақиқий туйғуларимиз, реал эҳтиёжларимиз, соғлом режаларимиз ва бошқа ҳар қандай муҳокама ва мулоҳазаларимиз устидан мутлоқ ҳукмронлик қилади, деган муҳокамалар билан тўлиб-тошиб ётипти-ку, ахир? «Одоб», ёки «одоб қондалари» дегани «шундай қилиш расм бўлиб қолган» деган умумий принципнинг жузъий бир ифодаси холос-ку, ахир. Агар сиз, китобхон, буни пайқаб олган бўлсангиз, у вақтда, «шундай қилиш расм бўлиб қолган» деган принцип ўқимишли халойиқдан кўра оддий халқ ўртасида кучлироқ эканлигини ҳазиломиз исбот қилишимиз лозим бўлмайди, бу принципнинг халқ орасидагига қараганда ўқимишли халойиқ ўртасидаги ҳукмронлиги анча кучли эмаслигини исбот қилиб беришимиз лозим бўлади. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай табақадан бўлган одамнинг оддий одамдан ортиқ ери йўқ, кам ери ҳам йўқ, биз ҳамма табақада ҳам бу принцип оддий кишилар устидан, яъни жуда кучлик кишилар устидан баббаравар ҳукмронлик қилади» деб ўйлаймиз.

«Шундай қилиш расм бўлиб қолган» деб кўя қолиш билан бўлмайди. Нега «шундай қилиш расм бўлиб қолган?» Шундай эзмалик қилиб тушунтириб ўтириш — гапни жуда чўзиш демакдир. Бирон вақт бирон одатнинг расм бўлишига маълум сабаблар бўлган бўлса керак; бу одатлар ўзгармаган экан, демак бу сабабларнинг кучи ҳали ҳам кетмаган бўлса керак. Агар, масалан, — лекин биз буни бирон ҳақиқий муносабатларни ифодалаш учун айтганимиз йўқ, фақат бир мисол қилиб келтиряпман, — агар, масалан, бир киши бир кишига озор берса-ю, у киши озор берган кишидан шикоят қилмаса, демак, у киши

шикоят қилишнинг фойдасизлигини яхши билса керак, ёки ҳатто бсшига яна янги фалокатлар тушишидан қўрқиб шикоят қилмаса керак, деб ўйлаш лозим бўлади. Худди шундай, агар бир киши ундан жуда кичик бўлган ва ундан ўзларини бемалол ҳимоя қилишга қурблари етса ҳам, лекин ўзларини ҳимоя қилмайдиган бошқа кишиларга озор берса, демак, улар ўзларини ҳимоя қиладиган бўлса, бундан бақувватроқ бошқа бир кучнинг қаҳрига гирифтор бўлишларини билсалар керак, аслида, улар шунга кўзи етганидан, шуни билганидан, ўзларини ҳимоя қилмасалар керак, деб ўйлаш лозим бўлади.

Биз ҳамма ерда ва ҳамма вақт учрайдиган ҳодисаларни фараз қилиб келтирдик. Лекин агар биз бирон мамлакатда бу ҳодисалар узоқ вақтгача ҳамма муносабатларнинг ўзаги бўлиб келган эди, деб фараз қиладиган бўлсак, бу мамлакатда ўз ҳуқуқларини на ўз воситалари билан ва на қонуний шикоятлар билан ҳимоя қилмаслик одатининг расм бўлиб қолган бўлиши табиий бўларди. Бу мамлакатдаги халқларнинг туйғулари ва фикрлари қандай бўлса ҳам, бемалол озор бериш бу мамлакатда оддий ҳаёт аломати бўлиб қоларди, деб ҳеч тап тортмай айтиш мумкин бўлади.

Агар шу нарса одат бўлиб қолган бўлса, озор чеккан кишининг унга озор берган кишига ҳеч уялмай-нетмай ташаккур билдириб, унинг хайри-садақасини қабул қилиши ва, масалан, ҳозиргина тутиб олиб, урган киши уни ароқ билан зиёфат қилиб қўйса, раҳмат айтиб, уни хурсанд қилиш учун қўшиқ айтиб беришдан ҳам тортинмаслиги ажабланарли бир нарса эмас. Ахир, биз, чеккан озоринг учун тўғридан-тўғри қасос олиш мумкин эмас, деб тусмол қилиб гапириб қўйдик-ку, расмиятчиликка риоя қилмасдан ўч олмоқчи бўлсанг, ундан ҳам беш баттар янги балоларга гирифтор бўлишинг турган гап. Демак, бунда киши худди машъум бир куч зарбасига дучор бўладиким, унинг таъсиридан қутулиш мумкин бўлмаганда ҳам, унинг тасодифий жилваларидан воз кечиш ҳам мумкин эмас. Дунёда биз Петербург аҳолисининг ўз иқлимимиз дастидан тортаётган жафоларимиздан ҳам кўпроқ жафо тортаётган ким бор? У тинмай бизнинг бошимизга ёмғир ва қор ёғдириб туради, кўзимизни туман бостиради, хуллас, унинг бошимизга ёғдираётган ҳамма кулфатларининг ҳисоби йўқ. У бизга бир парча очиқ осмонни кўрсатиб қўйса, бизни ёруғ қуёш нуридан сал баҳраманд

қилиб қўйса, бизга озор бериб келаётган золимимизнинг бу илтифотларидан жуда хурсанд бўлиб кетиб, шу хайр-эхсонларни жон деб қабул қиламиз. Мен сизга яна бир савол бераман: бунинг маъноси — биз Петербург иқлимидан розимиз ва дилимизда унга кўникиб қолганмиз ёки вақти келиб кўникиб қоламиз деганимизми? — Бунинг маъноси — ҳар биримиз шу душманимиз қўл остидан чиқиб жанубга ёки ғарбга бирон жойга жўнаб кетиш учун қулай пайт пойлаб тургани йўқ, деганимизми? Биз метафора*га киришиб кетдик: аслини айтганда, бизга иқлим озор бермайди у бизни нохуш қилади, ланж қилади, холос. Ямшикларнинг йўловчидан еган калтаклари оддий тилда худди шундай лекин киноявий маънода, озор бериш деб аталади. Бу калтаклар йўловчининг индивидуал кучидан эмас, балки бефаҳм-бефаросатликдан тегади; унинг ямшикларнинг оғиз-бурун аралаш туширган қўллари бирон дарахт ёнидан ўтиб кетаётганингизда юзингиз демай, кўзингиз демай, қаерингиз тўғри келса, шу ерингизни жуда ачитиб савалайдиган дарахт новдаларига ўхшайди. Сиз шундай саваланганингизда хафа бўласизми? Йўқ, хафа бўлмайсиз, жонингиз оғрийди, холос. Бунда сизни ҳеч ким хўрламайди.

Айтмоқчи, ҳеч ким хўрламайди дегани нимаси? Хўрламайди эмас, хўрлайди: сизнинг хўрлигингиз шу бўладик, сиз ўз вақтида бу дарахтнинг адабини бермагансиз, қаёққа тўғри келса, шу ёққа бўйинини чўза берадиган бу дарахт новдаларини синдириб ташламагансиз, сиз сефаросатлик ва ожизлик қилгансиз; бунда, жонингиз ачишидан ташқари, хафа ҳам бўласиз, бироқ булар ҳаммаси гапириб ўтиришга арзимайдиган: бунда кишининг шунчаки бирон жойи оғрийдими ёки оғриши билан бирга киши хафа ҳам бўладими, деган нозик масалалардир. Гапни чўзиб ўтиришга арзимайди. Бунда муҳими фақат шуки, тўғри келиб қолиб, юзингизни савалаган ўша дарахт соясида ўтириб, ундан баҳра олсангиз, бу билан сиз бирон ёмон иш қилган бўлмайсиз; яна муҳими шуки, бир Ҳақтда унинг соясидан баҳра олган бўлсангиз, бундан унинг новдаларининг савалашидан мен ҳеч озор еганим йўқ ва менга яна шу қилиғини қилмасин деб, уни синдириб ташлашни лозим деб ҳисобламайман, деган хулоса келиб чиқмайди.

* М е т а ф о р а — истиора, киноя.

Биз ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилмасликнинг энг муҳим сабабларини, халқ ўртасидаги оддий кишиларни дард-аламга ва нохуш нарсаларга гинг демай чидашга, озор берганлардан ҳатто асло ғазабланмасдан чидашга мажбур қиладиган муҳим сабабларни топдик. Лекин агар бу жувъий ва энг муҳим сабабга кўпроқ тикилиб қарайдиган бўлсак, унинг ўзи ҳам изоҳ талаб қилади. Шомилнинг муридлари⁴ Гергебилга ёки Гунибга олиб кетган рус асирига чеченлар жуда дағал муомала қилиб, ҳақорат қилганида, унинг гинг демай бўйсунганлиги сабабини тушунасан. Ёлғиз рус асирининг қаршисида, унда юз киши, минг киши турган эди. Бунда эса бунинг аксича, озор берувчи битта, озор чекканлар ўнлаб. Ҳар қандай эдолатсизлик ва аблаҳликлардан омма жабр кўради. Улардан наф кўрадиганлар ёки уларни хуш кўрадиганлар эса бир ҳовуч кишилардир, холос. Куч озор берувчи озгина кишилар қўлида бўлиб, сон-саноқсиз озор егувчилар ўзларини ожиз деб билишларига сабаб нима? Жаноб Успенскийнинг «Карвон» деган ҳикояси буни тушуниб олишимизга ёрдам беради. Бу кичкинагина очеркда бориб турган бирон воқиа йўқ: жуда қаттиқ қор-бўрон бўлиб турганда карвон зўрға карвонсаройга етиб келади: мужиклар исиниб, жон киргандан кейин, улардан бири ўртоқларига уйқу олдидан, машҳур бир извозчининг жуда бақувват отлари бор эди, деб уларга латифа айтиб беради; мужиклар бу латифани эшитиб ҳаммалари қотиб ухлаб қолдилади. Ундан кейин ҳам бирон айтгудай ҳодиса бўлмайди, лекин агар биз ҳикоянинг нарёғини ҳам қисқартириб юборсак, воқиянинг унча таъсири қолмайди ва сиз унинг бутун маъносини тушунолмай қоласиз. Биз сизга манаву узундан-узоқ парчанинг ҳаммасини диққат билан ўқиб чиқишингизни таклиф қиламиз, гарчи ҳар бир сатрида бир нарса такрорланса ҳам, бирон сатрини ҳам қолдирмай ўқиб чиқинг.

Уй зим-зиё қоронғи, ҳамма аралаш-қуралаш хуррак отиб ётибди: баъзи бирларининг томоғи шундай хирилляптики, худди биров тим қоронғи кечада ухлаб ётган бирон кишининг ёнига секин билдирмай келиб бўғизлаб кетгандай.

Саҳарда, хўрозлар иккинчи марта қичқирганда, мужиклардан бири уйқули кўзларини ишқалаб бақирди:

— Ҳой, турларинг, ҳисоб-китоб қиладиган вақт бўлди!
Уйга қара чирроғ ёқилди.

— Ҳаво қалайкин, йигитлар?

— Э, қўявер, оғайни! Шундай ҳам ўқиряптики, асти қўявер.

— Э, худо! Энди нима қилдик?

— Мен отимни нима қилдим энди? Етиб боришига кўзим етмайди. . .

Извозчилар хўжайинини уйғотиб, бўйинларига осиб олган ҳамёнларини шошмай ёнларидан чиқариб, секин-секин стол атрофига тўпланишди; бошқалари ҳали ювунияшпти, ибодат қилиш-фига ва столга келиб ўтирган хўжайиннинг юзига қарамасликнинг иложини қидиришяпти, чунки ҳисоб-китоб қилишга уларнинг юраги йўқ. Бир мужик эшик олдида крестга қараб, қўлини пешонасига олиб бормоқчи бўлиб турганида чўт ва хўжайиннинг товушини эшитиб, ўнғайсизланиб қолди.

Мужикларнинг шов-шувидан уйғониб кетган мешчанин сўкиниб-сўкиниб, сўрига чиқиб олди-да, у ердан туриб: «Йўлда музлаб ўлларинг-э; бақирмай кетларинг-э» деб вайсай бошлади.

— Меникини қанча ҳисобладинг? — хириллаган товуш билан сўради хўжайиндан извошчи.

— Ўттиз тийин.

— Мени бир тийин сийласанг бўларди. . . кейин сенга ҳам бир нафим тегади. . . худо урсин, тегади. . .

— Ҳой йигитлар, кеча ҳикоя айтиб берган ким эди? — кулиб бехосдан сўраб қолди хўжайин.

— Извошчи ҳикоясини айтасанми? — гапга аралашишди бир нечалар бирдан.

— Ҳа.

— Манави Иван эди.

Хўжайиннинг кулиб қўйганини кўриб, мужикларга бир оз жон кирди, хўжайиннинг бир дақиқа бўлса-да, гап ҳисоб-китобдан башқа томонга бурганидан жуда хурсанд бўлиб кетишди. Хўжайин бўлса, мужиклар ҳисоб қилавериб жуда чарчаб қолмасдан, тезроқ ҳисоблашишсин, деб, атайин шундай қилган эди.

— Оғайни, ҳикояга жуда уста экансан-ку, — деди хўжайин. — Егор, сеники қирқ икки тийин. . . йўқ, бир вақт бизда курскилик бир эртакчи бўларди. . . Курскдан келган эди. . . баъзан кулдиравериб ичакларимизни узарди. Нонга икки тийин яна қирқ тийин. . . қирқ икки тийин. . .

— Евдоким, бир миринг йўқми?

— Нима бало бўлди-ю, — давом қилди хўжайин, — кўпдан бери қатнамайдиган бўлиб қолди, жуда каллалик одам эди-да! . . . яна ярим танга бер. . . Қарзингдан узилдинг. . .

. . . Лекин, қоровул курскилик эртакчидан гап очган бўлса ҳам, мужиклар ақлни ишга солиб, ҳисобга кўз қулоқ бўлиб туриш лозим-

лигини тушуниб қолдилар. Шу сабабдан мужиклар ҳисобга жуда тикилиб, яна қовоқ-тумшукларини солиб олдилар.

— Егор! Мана қара: бир тангаликми, йўқми?

— Қани... билмадим, нима экан...

— Қани, бу ёққа берчи!

— Мана, қараб кўрчи, йигит!

— Бу қалбаки пул... менда бундақа пулдан кўп эди...

— Хўжайин, сулини қанча ҳисоблаясан?

— Бир ярим танга, Василий! — деди хўжайин: — сен нимага ташвиш тортясан? Сен Кондрашканинг қишлоғиданмасмисан?

— Бўлмасамчи... бир жойданмиз... лекин миямиз ишламайди, холос.

— Сизлар мундоқ ҳисоб қилинглар: Шчи билан квас қанча бўлади? Саккиз тийинми? Эҳ, мирза бўлмай кетинглар! Сизни нимага савалашади?

— Нималигини биламиз... Қани, Кондратий, бошла, шчи билан квас...

— Ундан кейин сулини ҳисоблайсан...

— Сулининг пули кейин келади... Сен қоғоз пулдан чиқарсангчи: биз ҳам кўриб турайлик-да...

— Азаматлар, ҳамёнингизни тўғрироқ ушлаб турсаларингчи... чўт ҳам чаққон бўлиб қолади.

— Чалғитмасангчи!.. Ҳой!.. Бутун қилган меҳнатим бекор кетди: бу ёқдан ҳисобладиму, бу ёқдан эсимдан чиқиб кетди.

Бир соатдан кейин, хўжайин мужикларга бир қанча насиҳат қилиб, бир қўлида пул, бир қўлида чўтни ушлаб, бўйнига ҳамёнини осиб олган мужикларнинг стол ёнида қолдириб, уйдан чиқиб кетди.

— Сулига қанчадан олди?

— Қим билади, дейсан... оғзингни оча кўрма, сени шундай боплайдики, нах шу ерда қишлаб қоладиган қилиб қўяди...

— Анавини қара!.. Нимадан кўрқасан? Сен рақамни биласанми? Билсанг, рақам билан... ёз...

Мужиклар ёзаётган кишининг атрофини ўраб олишди.

— Бу ерга нима ёздинг?

— Рақам ёздим...

— Мана бу таёқча нима? Шчи-ми?

— Йўқ, квас...

— Нима деясан? Мен хўжайиндан қанча тегишини ёзипман...

— Мана бунинг гапини қара!.. Гаврила, сен кеча менга нима деган эдинг?

— Ендовда мендан қанча олганинг эсингдасми?

— Шошма! Гаврила, сен ҳам одамгарчиликни билиб қўй-да, деб

қачон эди сенга айтганим. Нариги бекатда ким тўловди? Мен тўладимми?

— Жим тур, кўп гапирмасангчи: гумашта ўз товари учун ҳаммага қанча берди?

— Ўн тийиндан.

— Ҳа, майли, шу ўн тийинданни манави пештахтага қўй! Энди бу ёққа, печь ёнига келинглар. . .

— У ерда нима қиламиз? Қани айтчи, сен кеча вино ичдингми?

— Йўқ.

— Хўп, ўткан куни-чи?

— Йўқ.

— Қараб турсам, худони ҳам унутиб юборганга ўхшайсан. . .

— Оғайни, худони жуда яхши эслайман. . .

— Менга қараларинг, яхшиси рақам билан ҳисоблайвер; биз даров танобини тортиб қўямиз! Қани, аввал сулини ёзиб кўрчи. . .

— Нимани гаплашяпсанлар? Яхшиси қуръа ташлаймиз. . .

— Қуръанг нимаси?

— Синаб кўрамиз-да: балки ичимизда биров фирромлик қилаётгандир. . .

— Билиб бўлсан! . . Бунда рақам билан ҳисоблашдан яхшиси йўқ. . . Ўзи ҳам ўтқир илм-да!

— Андрей, бой бўлгур, меникини ҳисоблаб бер.

— Хўп бўлади. Нима, олдинг?

— Пичан олдим, кеча мол гўшти ҳам егандим.

— Хўш, каша-чи?

— Йўқ. . . еганим йўқ. . . ҳа нмайди. . .

— Ҳаммаси бўлиб қанча пулинг бор? . .

— Меникини аввал қирқ уч тийин деб ҳисобловди. . . Ҳамма пулинг дейсанми? Ҳали пулимни қаёққа қўйдим-а?

— Бу ёққа қара, гапимга қулоқ солсангчи: мол гўшти едингми?

— Нима деяпсан, ахир: мол гўшти ҳам едим деяпман-ку, қуриб кетсин!

— Еган бўлсанг, кам ҳисоблаб бўлмайди-да.

— Нима бало бўлди! Пулим қайси гўрга кетди?

— Йигитлар, кўп савдолашиб ўтирмаларинг! Рақамингни ҳам қўй, гап-сўзингни ҳам, ҳаммасини худонинг ўзига солиб қўя қоламиз!

— Ий-я, бугун худога солсанг, эртага худога солиб қўя қолсанг— Москвага етгунча очингдан бирмас, ўн ўлишинг тур-ан гап! Ҳеч бўлмаса — каллангни ҳисоб-китобга ўргатиб оласан-ку, бўлмаса ўласан! Мен сенга айтсам, дунёда рақам билан ҳисоблашдан яхшиси йўқ.

— Қани, йигитлар, бас қилларинг!

— Бас қилларинг! . . Э, жаҳаннам бўлсин.

— Жаҳаннам бўлсин деганинг нимаси? .. Сени қара-ю!
— Йўқ, ҳисоблаш керак... бўлмаса-чи!
— Албатта, ҳисоблаш керак... ё бой бўлиб кетдикми?
— Ивлий! Сен билмайсанми: бешу саккиз қанча бўлади?
— Бешу саккиз... саккиз... саккиз... ҳой, манга қара, сен бундай қил, бориб, пайраха майдалаб кел, шундан кейин ҳисоблаб биласан-қўясан...

Мужиклар хона ичида қўлларига ҳамёнларини ушлаб бир-биридан гап сўраб, у ёқдан бу ёққа юра бошлашди: бири бас бойлашса, бири пайраха майдалайди, баъзи бирлари бир бурчакка тиқилиб олиб, пулини этагига тўкиб, бармоғи билан «манави бир, манави икки» деб санаб, ўзича нималарчидир ҳисоблайди: печь ёнида икки мужик рўпарама-рўпара ўтириб олиб гаплашади:

— Мисол учун, сен ярим танга, мен бир мири... шундай қилсак, ҳисоблаб чиқишимиз осон бўлади.

Бирн боши оғриғини қандай даволашни билмай, печь устида ётган малайни уйғотарди, яна бири бошини пўстини билан буркаб олиб, ҳамма мужикларнинг товушидан ҳам баланд овоз билан бошлаб сўкаётган мешчанни уйғотарди.

Охирда ҳамма мужиклар ҳисоб-китобларини бас қилиб, чўқинишиб олишди-да, ҳовлидан чиқишди. Уйқуга тўймаган малай ҳеч кимга ҳеч нарса демай, аравага чиқиб бурканиб олди.

Қўча қою-қоронғи; бўрон кечагидан ҳам зўрайиб кетган; шамол худди мужикларнинг чопонини ечиб олмоқчи бўлгандай кучаярди. Бекатдан беш чақирим чамаси ерда, тепаликда мужиклардан бири қичқириб:

— Хой, Егор! .. Энди ўйлаб кўрсам, хўжайин мени тоза бошлабди-ку! — деди.

— Оғайни, мени ҳам бошлабди; ўзинг ўйлаб кўр: бир чорак сули, яна ўтган қишдан ҳам ярим чорак қолганди... Қанча бўлади...

— Ужин ҳам едингми?

— Нон, квас ва шчи егандим.

— Йўқ, сен уни қўй, мана ҳисоблагин,— деб биринчи мужик унинг сўзини кесди, шу билан ҳар ким ўзиникини маъқуллаб узундан-узоқ тортишувлар бошланиб кетди.

Бўрон тобора кучайиб бўридек бўкирарди, мужиклар қаттиқ совуқдан ўзларини сақлаш учун тез-тез чопонларининг бари билан юзларини яширар эдилар.

Агар жаноб Успенский халқ тўғрисида фақат шу уч-тўрт саҳифани ёзса, ўшанда ҳам биз уни, бу киши халқ ҳаётининг ич-ичларига кириб, ундаги ходисаларни кўра

олибди, халқнинг бу оғир ҳаётининг туб сабабларини бизга бошқа ҳамма беллетристлардан очиқроқ ва равшанроқ қилиб тасвирлаб берибди, деб айтишимиз лозим бўлади. Сиз шу саҳифаларни ўқиб турганингизда «Ўлик жонлар»да Чичиков мужикдан Маниловка қишлоғига борадиган йўлни сўраб турган машҳур манзарадан бошлаб бошқаларнинг ҳам шунга ўхшаган ҳодисаларни пайқанглиги эсингизга тушади. Лекин уларда ҳаммаси йўл-йўлакай айтиб кетилган ва халқ ҳаётининг кескин қилиб тасвирланган бошқа томонлари у айтилган гапларнинг таъсирини юмшатиб кетган эди. Жаноб Успенский эса мана шу асосий томонга кўпроқ эътибор берибди ва бизнинг диққатимизни хилма-хилроқ ёки жонлироқ бошқа масалаларга чалғитмасдан, шу энг муҳим томонга тўйиб қараб олишимизга имкон берибди. Қани айтингчи, энг оддий нарсалар устида овора бўлиб беҳудадан-беҳудага бош қотирган авом халқимизнинг худди шундай узундан узоқ гап сотганлиги жонингизга тегиб кетмадими? Қишилар уч-тўрт хил чиқимни бир-бирига қўшса ҳосил бўладиган атиги қирқ тийиннинг ҳисобига етиш учун бир неча соатлаб овора бўладилар. Э, худо, улар қилган чиқимларининг ҳисобига етиш учун қанча бош қотирадилар, нималарни ўйлаб чиқармайдилар! Шундоқ ҳам ҳисоблаб кўрдилар, бўр билан ҳам чизиб кўрдилар, чўтга солиб кўрдилар, рақамлар билан ҳам ҳисоблаб кўрдилар, лекин шундай бўлса ҳам, қанча тўлашларини ҳисоблай олмасдан, хўжайин талаб қилаётган пул тўғри-нотўғрилигини билмасдан, охири пулларини тутқизиб, карвонсаройдан жўнаб кетдилар. Улар қоп-қоронғи зулмат кечада беш чақирим ўнқир-чўнқир йўлни икки соатда босиб, ҳисоблари тугамай қолганини ўйлаб бордилар,— шундан кейингина улардан биттаси худди ҳисобини ўйлаб топгандай бўлди, лекин бу ҳам хато эди деса бўлади, чунки унинг топган нарсаси яна узундан-узоқ гап-сўз ва тортишувларга сабаб бўлди.

Бу бўлган нарсами? Ҳақиқатда шундай бўладими? Агар рост бўлса, айтингчи, рус авом халқининг донги чиққан зеҳни қаёқда қолди? Жаноб Успенский халқнинг бу хислатини ҳеч пардозламасдан бизга қайси юраги билан яққол чизиб кўрсатганини халқни жуда яхши кўрадиган ва шу яхши кўриши беҳуда кетмайдиган озгина кишиларгина тушуниши мумкин. У нима қилаётганини тушунганмикин? . . Агар у тушунмай шундай қилган бўл-

са, шу тақдирдагина *бачкана ватанпарварлар* унинг бу парчасини узур кўришлари мумкин, бу бачкана ватанпарварларнинг ўзига келсак, уларнинг разряди ўзлари шу бачкана ватанпарварлар жумласидан бўла туриб, улардан кулаётган ҳар хил жаноблар ўйлагандан кўра кўпроқдир.⁵ Ахир, жаноб Успенский рус авом халқини бизга жуда анойи қилиб тасвирлаб берган-ку. Рус идрокига — чуқур ва ўткир халқ ақлига мадҳиялар ўқийдиган гапга чечанларнинг дилини сиёҳ қиладиган жуда қайғули бир ҳол. Қайғули бир ҳоллиги тўғрику-я, лекин шундай бўлса ҳам, бизга халқ ҳаётининг қандайлигини тушунтириб беради, лекин минг-минг афсуслар бўлсинки, уларнинг бундай ҳаёт кечираётганлигига халқ фикрининг жуда тўпослигидан бошқа ҳеч сабаб кўрсатиб бўлмайди. Агар «анойи» дейилган бўлса, унинг бутун ҳаёти кундек равшан:

Бир қишлоқда сўрадим: мужик! Уйинг иссиқми?

- Кўп совуқ, дарвиш, кўп совуқ.
- Кўп совуқ, қадрдон, кўп совуқ.

Бошқасида сўрадим эй мужик! Қорнинг тўқми?

- Овқат йўқ, дарвиш, овқат йўқ,
- Овқат йўқ, қадрдон, овқат йўқ!

Учинчида сўрадим: мужик! Хотинингни нега урасан?

- Совуқдан, дарвиш, совуқдан,
- Совуқдан, қадрдон, совуқдан!

Тўртинчида: мужик! Майхонага нечун борасан?

- Очликдан, дарвиш, очликдан,
- Очликдан, қадрдон, очликдан!⁶

Аянч жавоблар, сўз йўқ, лекин, аҳмоқона жавоблар. «Уйим совуқ». — Уйингни иссиқ қилиш қўлингдан келмай-дими? Ахир, уйни иссиқ қилиш мумкин эмасми? «Овқатим йўқ, овқатим». Ахир, тўқ яшашинг мумкин эмасми, сен қора тупроқ ерда яшасанг, нима еринг ёмонми, ёки еринг қора тупроқ бўлмаса, теварак-атрофингда ер озми — нимага қараб турибсан? «Совуқ еб жаҳлим чиққанидан хотинимни ураман». Хотинингнинг нима айби бор? «Очлигимдан майхонага бораман». — Майхонада сени биров боқармиди? Анойилигингни тан олгандагина жавобларингга тушунса бўлади. Агар аҳмоқ бўлмасанг, бундай яшамаслик ва бундай жавоб қайтармаслик керак.

Лекин бир рус мужигини «ичида» бошқа кишилар билан «бир хил ҳеч нарсаи йўқ» алоҳида тоифа деб қарамасдан, шунчаки инсон деб қарашимизни, агар рус мужиклар табақасидан бўлган ва жаноб Успенский тасвирлаётган оддий кишиларнинг бирон хислатини кўриб қолсак, бошқа ҳар қандай табақадан бўлган жуда кўпчилик одамларни ҳам жуда шундай хислат эгаси деб билишдан қайтмаслигимизни, эҳтимол, китобхон, сиз билан биз ҳам бунда мустасно эмаслигимизни эсингиздан чиқарманг. Мустасно бўладиганлар оз. Ҳамма гап шулардалиги, ҳаётимиздаги зиғирдай яхши нарсалар фақат шуларнинг хизмати эканлиги ва ҳаётимиз бундан кейин ҳам шулар туфайли яхшиланиши рост-ку. Энди биз, жаноб Успенскийга эргашиб, шу мустасно кишилар устида эмас, балки оддий кишилар устида, жуда кўпчилик кишилар устида гап юритамиз.

Рус мужигининг икки бамаъни фикрни миясида бамаъни қилиб бир-бирига қўшиши маҳол бир нарса, икки карра икки — тўрт каби аниқ ва равшан бўлган майдачуйда нарсалар устида ҳам жуда бош қотириб юради; унинг ақли жуда танбал, мутаассиблик унинг миясига шу қалар маҳкам жойлашиб олганки, ҳеч қимирлашига йўл қўймайди. — хўп деяверинг; лекин, айтингчи, тушунча жихатдан қайси мужик бизнинг мужигимиздан ўтиб тушадн? Немис деҳқони ҳақида ҳам ҳамма шундай дейди, француз деҳқони тўғрисида ҳам шундай, инглиз деҳқони булардан паст бўлса борки, аъло эмас. Француз деҳқонлари бутун дунёга шу билан донг чиқардиларки, кейинги вақтларда Францияда юз берган яхшиликка интилишларнинг ҳамма куртакларини уларнинг тўпос кучлари билан бўғиб ташладилар. Италиян деҳқонлари Италия ишига тамомила бепарво қараши билан ном чиқарган. Немис мужиклари 1848 йилда ҳамма ерда деярлик, Германиянинг ҳозирги аҳволида ҳеч қандай ўзгариш бўлишини хоҳламаймиз, дедилар. Инглиз деҳқонлари торийлар партиясининг⁷ мустаҳкам таянчидир. Деҳқонлар қанақа бўлса ҳам, улар тўғрисида нима ҳам деб бўларди, улар жоҳил-ку, улар тарихий даврдан, яъни Гомер дostonлари, «Эдда»⁸ ва бизнинг баҳодирлар ҳақидаги дostonларимиз сақланиб қолган тарихий даврдан чиқмаган эканлар, уларнинг тарихида ёввойилик ролини ўйнашлари табиийдир. Бошқа табақаларга назар ташлаб кўринг. Қайси бир табақа орасига қарасангиз ҳам, уларнинг кўпчилигига хурофий

тушунчаларидан ортиқ бирон нарсани уқдира олмайсиз; уларга одат бўлиб қолган шу тушунчаларни ҳам бир-биринга тўғри улашга ўргатаман десангиз, қанча вақт сарф қилишингиз лозимлигини бир худонинг ўзи билади. Ҳар бир баҳсдан кейин, шу баҳслашганларнинг қайси биридан хоҳласангиз шундай, мухолифингиз ақлли, тушунарли гаплар гапирдими, сиз унинг гапларини уқиб олдингизми?— деб сўраб кўрингчи. Мингтасидан сўрасангиз, биттаси, менинг фикримга қарши ақлли ва бамаъни гаплар айтилди, дейди. Демак, қолганлари албатта иккидан бири бўлади: улар ё сиз савол берган кишингиз баҳслашган ҳақиқатан беғам-бефаросат кишилар, ёки у кишининг ўзи бефаҳм. Ҳолбуки бу дилемма* биттасидан бошқа, шу минг ҳолисанинг ҳаммасини ўз ичига олади.

Бироқ, нима тўғрида гаплашаётганимизни эслан чиқарманг: биз турмуш жойидами, турмушнинг ёмонлигини ва уни қандай қилса тузатиш мумкинлигини одамлар тез пайқаб ола биладиларми; агар ўзинг тушунсанг, кишиларга бунини тез ва осонлик билан уқдириб бўладими, ё ўзинг ҳали тушунмасанг, бирон кишининг бамаъни гапини дарров тушуниб оласанми, деган масала устида гаплаша ётибмиз. Биз фақат шу тўғрида гаплаша ётибмиз; лекин бунда кишиларнинг жуда ҳам бефаросатлиги, лўнда килиб айтсак, тўпослиги маълум бўлади. Энди хурофий ишларга келганда, қарангки,— ҳаммалари зеҳни жуда баланд, доно деса бўладиган; эҳтимол, ҳамма вақт ақл юритиб иш қиладигандир,— нима ҳам деб бўларди. Бандалик,— лекин фикр қилишга келганда жуда ҳам чаққон, турмушнинг аччиқ-чучугини салгина татиб кўргани ҳам фисқи-фасодга, бирон баҳона топишга, бирон ҳисоб-китоб устида даста-таста гап тўқиб ташлашга жуда уста. Лекин бундай ишларда ҳар қандай мужик, шу жумладан бизнинг рус мужигимиз ҳам, зеҳни ўткирликда, уддабуронликда, чаққонликда, фикри ўткирликда ҳеч кимдан қолишмайди. Масалан, агар у савдолашмоқчи бўлса, базозлардан ҳам ўтказиб юборади,— у сизни шундай боплаб алдайдики, кейин ўзингиз ҳам қойил қоласиз, лекин сиз алаш йўлга кириб кетманг, жаноб Успенский, ямшикларнинг карвонсарой хўжайини билан ҳисоб-китоб қилингандаги бефаҳмлик, тўпослигини бунинг аксини кўр-

* Д и л е м м а — (грекча) — бунда: бир хил даражада номақбул фикрдан бирини танлаб олиш зарурлиги маъносиди.

сатадиган далил деб юрманг. Бу иш шундай бир воқиаки, унда мутаассиблик хўжайиннинг ҳисобини текшириб кўриш учун қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларнинг беҳудалигини кўрсатади. Ҳисоблайсанми, йўқми, ишқилиб хўжайин қанча сўраса, шунча беришинг керак. Ҳар гал мусофирхонадан чиқиб кетишингизда сиз ҳам худди шундай қиласиз. Сизнинг ҳисобингизга алланима балоларни ёзиб қўйишади, ҳеч куракда турмайдиган қўшимчаларни тиркаб қўйишади, ҳеч ақлга тўғри келмайдиган баҳоларни кўрсатишиб пулингизни олишади. Ҳисоблаб кўрасизми-кўрмайсизми, фирромлигини тутиб оласизми-йўқми, улар билан тортишасизми-йўқми, бари бир сохталиги кундек равшан бўлиб турган ҳисобда кўрсатилганини бир пулини кам қилмай тўлайсиз. Шундай бўлгандан кейин, ҳисоблаб текшириб кўришдан нима фойда чиқарди? Шундай бўлса ҳам ҳисоблаб кўрасиз, шунчаки, сизнинг табақангиздан бўлган кишиларга, мусофирхона эгалари билан ҳисоб қилишганда уларга норозилик билдиришингиз, уларни койиб қўйишингиз, ҳатто сизга унча ярашмаса ҳам, баъзи бир қилиқлар қилишингиз лозим деб қулоғингизга куйиб турадиган эскилик одатига кўра шундай қиласиз. Зарда қилган, жаҳл қилган билан лекин айёрликка барҳам бериш учун ҳеч чора кўрмаслик одати ақлданми? Мужиклардаги эскилик одати бошқача: карвонсарой хўжайини билан тортишишдан ҳеч маъно чиқмайди, шу сабабдан, унинг ҳисобини текшириб кўриш ёки ўзинг ҳисоблаб чиқишинг — беҳуда бир нарсa, деган фикр уларнинг мияларига сингиб қолган; мужикларнинг ҳисобга тўпослигига сабаб фақат шу: улар беҳуда иш қилаётганларини ўзлари ҳам сезиб турадилар; уларда бу эскилик шундай бир тусга кириб қолганки, улар ҳисоб қилишдан фойда йўқ, бари бир қўлингдан ҳеч нарсa келмайди, деб мияларига қуйиб олганлар. Кўрдингиз-ку, улар худди шундай қиладилар ҳам: ҳисоб қилишга киришадилар-да, дарҳол йиғиштириб қўя қоладилар; яна бошлайдилар, яна йиғиштириб қўядилар.

Бошқа ҳамма табақаларда қандай бўлса, оддий кишилар ва оддий халқ ҳаётида ҳам эскилик шундай ҳукмронлик қилади, бошқа ҳамма табақаларда қандай бўлса, оддий халқ ўртасида ҳам эскилик худди шундай тўпос, қабиҳдир. Жаноб Успенскийнинг хизмати шундан иборатки, у ҳеч нарсани яширмасдан, ҳеч қандай бўёқ ишлатмасдан, авом халқнинг эскилик фикрларини, хатти-ҳара-

катларини, туйғу ва одатларини бизга дадил тасвирлаб беради. Чизиб берган манзарасининг ҳеч жазб қиладиган ери йўқ, ҳар бир қадамда беҳуда ва ифлос, майда-чуйда ва тўпос нарсаларни кўрасиз, холос.

Лекин агар сиз халқнинг тақдирини яхшиламоқчи бўлсангиз, бундан орзу-умидларингизнинг ўринли ёки ўринсизлиги ҳақида ёки агар сиз шу дамгача халқнинг тўпослигидан ва лаванглигидан манфаат кўриб келган бўлсангиз, ҳадикларингизнинг ўринли ёки ўринсизлиги ҳақида шошилиб ҳеч қандай хулоса чиқариб ўтирманг. Энг рангпар, иродасиз, энг разил бир кишини олиб кўринг: у қанчалик бемаза ва разил ҳаёт кечирса ҳам, унинг ҳаётида бутунлай бошқача товланиб турадиган дақиқалари, ғайрати жуда кўзиб, дадил қадам қўймоқчи бўлган дақиқалари бўлади. Ҳар бир халқ тарихида ҳам худди шундай бўлади.

Биз, француз деҳқонларини худди бизнинг деҳқонларимиз ёки ҳар қандай бошқа деҳқонлар сингари ҳислатлари бор деб таърифлаб бўлади, деб айтган эдик; ҳолбуки, французлар тарихида улар жуда ғайратга миниб иш кўрган даврлари бўлмаганмиди? Немис деҳқонлари ҳам худди шундай бўлган эди. Ҳар қандай оддий киши ҳар гал шундай жуда зўр бериб ғайрат қилиб кўрганидан кейин яна аввалгидай ҳавсаласи пир бўлганидек, халқ оммаси ҳам ҳар гал шундай жуда ғайрат билан иш кўрганидан кейин яна илгаригидай ҳавсаласизлик ҳолига қайтади, бу турган гап. Лекин бўлган воқиа ҳар ҳолда муносабатларни ўзгартириб қўяди. Масалан, разил одамнинг фикри-зикри доимо пул топиш бўлиб юрган бўлса ҳам, сепсиз бир қизга кўнгил қўйиб унга уйланса, орадан бир неча кун ўтиб юрак дарди босилгандан кейин, у яна аввалгидай разиллигини қилаверади, лекин бўлар иш бўлган, у хотинлик бўлиб қолган, унинг энди илгариги ҳаётига қайтиши ҳеч мумкин бўлмай қолган. Шунга диққат қилинг, биз бу ўзгаришдан унинг ёки бошқа бировнинг турмуши яхши ёки ёмон бўлиб қолди, деб айтганимиз йўқ — нима бўлиши бошқа масала, — биз фақат унинг турмуши ўзгарди, деяпмиз, холос. Худди шундай, халқнинг ғайрат кўрсатиши ҳам ҳамма вақт яхшиликка олиб боравермайди, — нима бўлиши бошқа масала: баъзан яхши бўлади, баъзан яхши бўлмайди. Масалан, немис деҳқонлари XVI аср бошларида, Лютердан кейин⁹ Фома Мюцер пайдо бўлганда, бир ғайрат кўрсатмоқчи бўлган

эди, лекин бундан уларга наф чикмади; ҳатто деҳқонларнинг аҳволи илгаригидан ҳам ёмонлашиб кетди, дейишди, лекин бунга биз ишонмаймиз, чунки бирон нарсанинг илгаридан ёмон бўлиши маҳол бир нарса, лекин шундай воқиалар бўлганки, уларнинг натижаси ёмон бўлганлигига биз ҳам шубҳа қилмаймиз. Масалан, ўттиз йиллик уруш деган ўз аро урушларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлган чехлар ҳаракатининг оқибати шундай бўлган эди. Чехлар илгаридан ҳам беш баттар ёмон аҳволга дучор бўлдилар. Албатта, илгариги аҳвол мутлақо ёмон бўлмаган тақдирдагина шундай бўлиши мумкин. Биз оқибати яхши бўлган воқиалар ҳақида гапирмаслигимизнинг сабаби, биринчидан, шуки, умумий тарихда бундай воқиалар анча кам бўлган, иккинчидан, шуки, уларни бизсиз ҳам ҳамма билади.

Тарих жуда ғалати нарса. Тарихда бирон воқиа бўлса, у қандай тамом бўлган бўлса, шундан бошқача тамом бўлиши мумкин эмаслиги ҳар бир кимсага аён бўлади. Қарама-қарши кучларнинг шу воқианинг бошидаги муносабати ҳам равшан ва аёндек бўлиб кўринади, уларнинг бир-бирига тўқнаш келиши нимага олиб боришини энг аввал бошдан билиш мумкин бўлмагандай бўлиб кўринади, воқиа эндигина яқинлашиб келаётганида эса аниқ ҳеч нарса айта олмайсан киши. Масалан, Австрия кучлари билан венгр кучларининг яқин ўрталарда тўқнаш келишининг оқибатлари қандай бўлишини ўйлаб топингчи;¹⁰ бунда кroatларнинг ким томонида бўлишини ўйлаб топингчи,— ундоқ деб ҳам ўйлаб кўрасан, мундоқ деб ҳам ўйлаб кўрасан: ундоқ ҳам бўлиши мумкин, мундоқ ҳам бўлиши мумкин. Австриецлар билан венгрлар можароси тинчлик билан тугамаслигинигина олдиндан айтиб бера оласан. Бунда ҳам қанчадан-қанча масалалар, номаълум бўлиб қолаверади: бу можаронинг қачон бошланишини, нима баҳона билан бошланишини ким билсин? Эҳтимол, ҳозирги аҳвол ҳали жуда кўпга чўзилар, ҳозиргача чўзилиб келди-ку, ҳолбуки ҳамма деярлик, бу аҳвол ўтган баҳордан нарига ўтмайди, деб ўйлаган эди. Балки, эҳтимол, кутилаётгандай узоққа чўзилмас. Масалан, ўтган йил мартда, Сицилия билан Неаполь сентябрда бутунлай янги бир аҳволда бўлади, деб кутиш мумкин эмас эди-ку.¹¹

Бизнинг кундалик можаролар билан тўлдириб юборилган мақоламизда ҳеч бўлмаса бир саҳифанинг мазмуни

сал тузукроқ бўлсин деб, умумий тарихга мурожаат қилган эдик. Биз бунга қўшиб мутлақо чакки қилганимизни, жаноб Успенскийнинг «Еруғ кун арафасидаги тун» деган ҳикоясидан олинган қўйидаги парча сингари ҳеч бўлмағур нарсаларни асосий мавзу қилиб олган ҳикояларига унинг ҳеч қандай ўхшаш ери йўқлигини олдиндан тан олиб қўямиз.

Кеч соат саккизлар чамаси, қишлоқ кўчасида одам тирбанд. Ҳамма деразалардан чироғ ёғдуси кўришиб турибди. Попнинг ва деҳқонларнинг ҳовлилари олдида мужиклар, қоровуллар, гумашталар, малайлр тўланиб туришибди. Баъзи бирлари тунашга жой сўрашяпти, байрам билан табриклашяпти; баъзилари хизматга ҳозир бўлиб, соғ-саломатлик сўрашяпти ва ҳоказо.

— Савелий Игнатъевич, салом бердик. Байрамлари муборак бўлсин.

— Пётр Акимович, Лукерья Филипповна, Авдотья Герасимовна, кўп йиллар соғ-саломат бўлсинлар!.. Хўш? Ибодат қилгали кетяптиларми?

— Ҳа, биз ҳам. . .

— Кўп яхши. . . мен ҳам рафиқам билан бормасам бўлмайди, нега десангиз — катта байрам. . . бормасак кулгига қоламиз.

— Савелий Игнатъевич, бола-чақаларим билан қаерда тунасам экан, айта олмайсизми?

— Тўғрисини айтсам, билмадим. Биз рафиқам билан дьякон отаникига тушдик. Сиз бориб анави қовоқхонадан сўраб кўринг-чи: жой топилиб қолар, анча тузук бўлиб қолган. . .

— Бу қандоғ бўлди, энди? . .

— Худо ҳақи! Нима деб ўйлаясиз? Мен сизга айтсам, биз рафиқам билан бир гал отхонада ётиб чиққанмиз. . .

Кимдир қоронғида бир хонимши бошлаб кетяпти.

— Марья Павловна, қани бизникига, бизникига марҳамат қилсинлар. Бу ёққа. Ботқоқдан сакраб ўтинг! . .

— Қаёққа юрай?

— Тўғрига, юраверинг!

— Сакрайми?

— Сакранг. . .

— Э, худо, мунчаям қоронғи. . . у-у-ух! Ана! . .

— Нима бўлди, ботиб қолдингизми?

— Ҳа, ботиб қолдим.

Аллақандай бир хотиннинг:

— Хой, Настя, қаёқда қолдинг,— деб қичқирган товуши эшитилди.

- Мен бу ерданман. . .
- Тезроқ келсанг-чи, қани юр, ё ҳамма ёқда малайлар дайдиб юрганини кўрмайсанми? Ёлғиз ўзинг нима қилиб юрибсан?
- Ойи, у ундайларданмас. . .
- Қим?
- У бойнинг малайи. У фақат: Исо тирилди деяпти, холос.
- Сен-чи?
- Мен бўлсам, ҳақиқатан. . . дейман.
- Ўзинг шундақа аҳмоқсан. . . билдингми!
- Салом, Наум Федорович, шошиб қаёққа кетяпсиз?
- Салом, бекам.
- Саломат бормисиз?
- Ҳа, кампир, тухумни уйда эсдан чиқариб қолдирибсизми?

Дьякнинг қора чироқ ёқиглиқ турган уйда хўжайка энгларини шимариб столда хамир қиляпти. Ҳамма ёғи унга беланган кичкинагина ўғли ерда ниманидир кутиб онасига қараб турибди.

— Ҳали эрта, қўзичоғим,— деди дьякнинг хотини,— ҳали тонг отгани йўқ. . . худо қулоғингни кесиб олади-я.

Бола бармоғини оғзига солади.

Черков китобини олдиға қўйиб, паст товуш билан: «Тебе на водах» деб пичирлаб қироат қилаётган дьякнинг сочини қизи ўриб қўяпти.

Ё «Сайил» деган ҳикоянинг қуйидаги саҳифаларини олиб кўрайлик, биз «ҳамма кишиларнинг ичи бир хил бўладими?» деган масалани муҳокама қилганимизда шу саҳифалардан фойдаланган эдик:

Тўп-тўп бўлиб юрган халқ орасида бўйнига солиб юрадиган рўмолининг узун-узун учлари жилеткаси остидан чиқиб кўриниб турган, савлат билан шаҳдам қадам ташлаб бораётган конторачи ҳам кўриниб турарди. У дамба-дам ўзига зеб бериб қўяр, чамаси, у билан нима тўғридадир гаплашмоқчи бўлиб, ундан икки қадам орқада валдираб келаётган пияниста боғбондан қутулмоқчи бўлганга ўхшарди. Конторачи оқсоч қизларга бориб қўшилиб олишга шошиларди.

— Хўш, бекам,— бир тўда қизлар ўртасида малайнинг майин овози эшитилди,— бугун ашула айтарсиз-а?

— Нега бундай деяпсиз? Ўйлаб топганини қаранглар! Хи-хи-хи.

— Ҳеч ўйлаб чиқарганим йўқ. Табиат ҳамма вақт ўз билганини қилади-да.

— Буларнинг нозини қаранг-у!— хитоб қилди қизларнинг кетидан бораётган яна бир малай.

— Семен Петрович,— богбоннинг маънос овози эшитилди,— қисқичбақаларингни боқиб берарман.

— Сенга айтдим-ку: бас қил деб, тур, йўқол. Э, қисқичбақаларинг билан бирга қуриб кет! Шарманда қилдинг-ку мени.

Малайлар узоқлашган сари уларнинг товуши пасайиб борди.

— Харлаш Гаврилич, Харлаша! — деб қичқириб юборди мужиклардан бири, ўртоғи билан қучоқлашиб.— Сенга ҳаммасини ҳикоя қилиб бераман. Ўзи рус хотин. Илмга келганда, у билан тенглаша олмайсан. Ҳозир полякми, лихляндиялими, шведми,— ҳаммаси бир гўр: масалан, сен билан биз бирга кетяпмиз-а. Бир вақт қарасак, олдимиздан шаҳар ёки қишлоқ чиқиб қолади.

— Йўқ, нима деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан. Лихляндияни яхши билмаслигинг кўриниб турибди. Пономарёв Сенька — бунақа ишларга жуда уста. Тўхта, қуёшим, силжима жойингдан, ер, тахминан, Россия ёки Лихляндиядай, дейди.

— Шундай дегин.

Мужиклар узоқлашиб анча ерга бориб қолишди.

Шу ўртада икки мешчанин ўтиб борарди. Улардан бири иккинчисига дерди:

— Мендан сўрасанг, отахоним, ўзимни шамоллатиб қўйибман, квас ичгандим, квас ичиб ўзимни шундай шамоллатиб қўйибманки, ўлаёзяман. Бола-чақалар ветчина солиб бўтқа пиширган экан, яна йўлда керак бўлиб қолар деб бир чўчқа боласини ҳам пишириб беришибди, қарасам ҳаммаси чўчқа гўшти. Шу билан, азизим, десанг, еяверибман, еяверибман, бўкиб ўлишимга сал қолибди.

— Ҳм... Роса тўйибсиз-да?

— Ерилишимга сал қолди, Петр Афанасьевич.

Икки хотин кириб келди. Улар ўз таниш-билишлари билан қариндош-уруғлари тўғрисида гаплашади. Бири-биридан илтимос қилиб, бир дақиқа шу ерда тўхтайлик, дейди:

— Сени ҳеч эсидан чиқарган эмас... қандоқ эсидан чиқарсин... кийроин қариндошинг, шундай бўлса! Қандай одамлигини бир худонинг ўзи билади... худо ҳақи... жуда ақлли киши-да. Келини десанг, кеча бошига қараб бир солди! Шундоқ ҳам солдики! Худо ҳақи.

Еки «Йўлда» деган ҳикоясидан мана бу саҳифаларига назар ташлайлик:

Волость правленниси эшиги олдидаги чангга беланиб келган тарантас атрофида мужиклар ва хотин-халаж тўпланишиб турибди. Улар солиқ дафтарчаларини қўлларига ушлаб туришибди, бу ерга тафтиш учун келган махсус топшириқларни бажарувчи чиновник

шу дафтарларни текширармиш. Одамлар бекорчиликдан бир-бирлари билан гаплашиб туришибди:

— Нима дейсан, уруш бўлармикин?

— Йўқ, уруш бўлмайди,— деди деворга суяниб трубка чекиб турган бир солдат.

— Нега бўлмайди?

— Қим билан урушарди? Черкас бяла уруш қилармиди? Шмельни бўлса қўлга туширишди. . .

— Хитойлар билан-чи? — сўради бир мужик.

— Хитой урушмайди. . . қўрқади. . .

— Инглизлар билан-чи? . .

— Инглизлар итальянлардан кучли эмас. . .

— Француз-чи?

— Француз рози бўлмайди, чунки бизникилар унинг боласини чўқинтирган. . .

Мужик яна кимни сўрасам экан, деб ўйланиб қолди.

Солдат бир тупурди-да:

— Йўқ, уруш бўлмайди. . . деб қўйди.

Волость правлениесида стол олдида бир чиновник ўтирибди. Унинг олдида форма кийган қишлоқ маъмурлари: қишлоқ бошлиғи, қишлоқ старшинаси, қишлоқ мирзаси, қишлоқ оқсоқоли, ўнбошиси, юзбошиси, мингбошиси, вакил отаси, полициячилар, добросовестний ва магазин назоратчиси, тик турибди.

Правление икки хонага бўлинган: бирида архив деб ном берилган икки шкаф, иккинчисида мовут ёзилган стол турарди, чиновник шу стол ёнида ўтирибди; шу уйда яна жамоат маблағи турадиган темир қопланган сандиқ, аскар болаларни ўлчайдиган асбоб, «қалтис қути» деб зарҳал билан ёзилган шиша ваза турибди. Деворларга эълонлар, жадваллар, рўйхатлар, солиқларнинг миқдори ва бошқалар осиб қўйилган.

Уст-боши чанг, сочлари тўзиб кетган чиновник бир қўлида бир варақ қоғозни тутиб, шунга қараб мирзадан ниманидир сўраб турибди, мирза бечоранинг юзидан дув-дув тер қуйилиб турибди. Ревизия бошланганига анча бўлган: барча қишлоқ маъмурлари турган ерларида оғирликларини гоҳ у, гоҳ бу оёқларига ташлаб, оғир нафас олиб турибдилар, чиновникка қарашга ҳам мажоллари қолмаган.

— Жамоангизда паспортсиз, қочқинлар, дезертир ва жуҳудлар йўқми? — деди ревизор.

— Бундақалар йўқ,— деб беихтиёр жавоб қайтарди мирза.

— Экин ва ҳосил қандай маълумотларга қараб ёзилган, қишлоқ-ма-қишлоқ қилиб ёзилганми?

— Ҳар бир қишлоқники алоҳида ёзилган.

— Қандай маълумотларга асосан ёзилган?

Мирза индамади.

Чинovníкнинг жаҳли чиқиб, рўмолчаси билан юзини артди-да, қишлоқ бошлиғига қараб: «маълумотлар» деган сўзни мирзага тушунтириб беринг,— деди. Қишлоқ бошлиғи беш-олти марта йўталиб олиб, жуда узоқдан гап бошлаган эдики, чинovníк — жим бўл! деб буюрди.

— Люстрацион инвентарлардан кўчирмалар борми, ёки қисқа люстрацион инвентарлар борми, жамоат составига кирадиган имениеларнинг геометрик инвентарлари планидан кўчирилган нусхалар борми; улар яхши сақланадими ва инвентарларга бўладиган ўзгаришлар қайд қилиниб турадими?

— Ҳаммаси жойида,— деди минғиллаб мирза.

— Агар бирон ножўя иш учун уч сўмдан ортиқ жарим олинадиган бўлса, ёки етти кун муҳлатдан кўпроқ талаб қиладиган бўлса, ёки қишлоқ суд уставининг моддаларида кўрсатилган олтиш дарра уришдан кўпроқ жазо бериш лозим бўладиган гуноҳ қилинган бўлса, бундай гуноҳкорларнинг ишлари уезд судига юбориб туриладими?

— Ҳаммаси ижро қилиниб туради,— деди мирза.

— Берган саволларимга тушундингизми? — худди уйқудан уйғониб сочларини тузата бошлагандай бўлиб турган маъмурларга мурожаат қилди ревизор.

— Тушундик. . . — эшитилар-эшитилмас жавоб берди мирза.

— Деҳқонларнинг мол-мулк тўғрисидаги, крепостнойлик ва бошқа хил актларга асосланган ҳуқуқда кўрсатилган мулк тўғрисидаги жанжалларини суд текширадими? Жанжалга тушиб қолган мулкнинг қиймати ўн беш сўм бўлса, судлашувчилар ярашиб қўя қолмаса, шунингдек, суд қилиниши лозим бўлганлар бошқа жойда ва шаҳарларда турса ёки бошқа табақалардан бўлса, қишлоқ судига тушган шундай ишлар уезд судига юбориб туриладими?

Мирза индамади.

— Нима деганимни тушундингми?

Мирза аланглаб уйнинг ҳамма ёғини кўздан кечирди-да, ниҳоят:

— Тушундик. . . — деди.

Чинovníк нафасини ростлаб олиб, от талаб қилди. Қишлоқ маъмурлари правлениедан юғуриб чиқиб кетишди. Чинovníк трубкасига тамаки солиб: «шунақа жойга юборган кишининг айтганини бажариб кўр-чи. . .» деб ишларни варақлашга киришди. Бир оздан кейин у эшикка чиқиб, солиқ дафтарчаларини кўздан кечира бошлади. Ниҳоят, мужиклардан:

— Бошлиқларингиздан розимисизлар? — деб сўради.

— Розимиз,— деди бир киши.

— Йигитлар, тезроқ-тезроқ жавоб беринглар: мен ҳали яна ўн

волость правленийснни ревизия қилиб чиқишим керак. Черковга бориб турасизларми?

— Бориб турамиз.

— Бир-бирингларни яхши кўрасизларми?

— Яхши кўрамиз.

— Болаларингизни чечакка қарши эмлатасизларми?

— Яна бир қанча савол бериб, чиновник сўзининг охирида:

— Умуман айтсам, оғайнилар, агар бирон нарсадан нозори бўлсангизлар, айтинглар; мен-ку шикоят-аризаларни текшириб ўтирмайман-ку-я, лекин палатага бориб доклад қилишим мумкин. . .

Халқ индамай жим турарди.

Чиновник тарантасига ўтириб жўнаб кетди.

Қишлоқ бошлиқлари ва мужиклар хотинлари билан биргалашиб уй-уйларига тарқалишиб кетишди.

Ишга ҳеч алоқаси бўлмаган бу парчани биз нимага келтирдик? Фақат шунинг учунки, мақола тамом бўлай деб қолди, текширилаётган китобдан эса ҳали оз мисол келтирилди. Шу сабабдан биз китобдан бир неча саҳифани кўчириб қўя қолдик. Уларнинг на бундан олдинги, на кейинги воқиаларга алоқаси бор, қаёққа тўғри келса, шу ёқда тура қолсин, дедик. Энди шундай дивертисмент* қилганимиздан кейин, илгариги муҳокамамизга қайтамиз. Биз, ҳар бир оддий киши ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, уни киши танимай қолади, ё бирон зўр туйғу таъсир қилиб, ёки бирон ҳаддан ташқари ҳолатларнинг бир зумлик таъсири остида шу қадар ўзгариб кетади, ёинки, ниҳоят, бир умр индамай шу ёмон аҳволга бардош беравериб, тоқати тоқ бўлганидан шундай бўлади, деган жойга келиб тўхтаган эди. Ювош от нима-ю, бу нима — бари бир (агар шундай таққослашга ижозат берсангиз). От индамай ювош бўлиб юради-юради-да, бир кун оёқларини кўтариб хархаша қилиб қолади ёки кишнаб олиб қочади? Нимага шундай қилганини ким билади: балки сўна чақиб олгандир, ё бирон нарсадан ҳурккандир, ё бўлмаса извошчи тизгинини ёмонроқ тортиб қўйгандир. Албатта, ювош отнинг тўсатдан чиқарган қилиғи кўпга бормаиди: беш минутдан кейин тўхтаб, ўз қилиғидан уялгандай теварак-атрофга хомуш бўлиб қараб қўяди. Лекин от жуда ювош бўлса ҳам, у бир неча марта шун-

* Д и в е р т и с м е н т (франц.),— бунда: чекниш, қўшимча қилиш, маъносида.

дай қилиқ қилмай қўймайди. Бундай қилиқнинг бирон фойдаси тегиши ёки фақат зарари тегиши уни бирон мохир ва кучлик қўлнинг бирон йўлга солишига боғлиқ бўлади. Агар тизгин шундай қўлда бўлса, от шу беш минут ғайрати тутганда сизни (албатта, ўзини ҳам) жуда нарига олиб бориб қўяди, ҳолбуки аста-секин қадам ташлаб борганда бир соатда ҳам бунча йўл босиб ўтиши мумкин бўлмайди. Лекин ғайрат тегишли йўлга солиб юборилмаса, унинг натижаси шу бўладики, шотилар чилчил бўлади, отнинг ўзи ҳам чарчаб қолади. . .

. . . Биз жаноб Успенскийнинг авом халқ ҳаётидан олинган ҳикояларининг характери билан ундан олдинги ёзувчилар ҳикоясининг характери бир-биридан тамомила фарқ қилишини кўрдик. Илгариги ёзувчилар мужиклар ҳаётини идеаллаштирган эдилар, улар авом халқни шундай олийжаноб, улуғвор, эзгу ниятли, беозор, идрокли, сабрли ва ғайратли қилиб тасвирлаб кўрсатган эдиларки, уларнинг тасвирланган бу ажойиб хислатларини кўриб эриб кетардик, бу беозор маҳлуқларнинг баъзан фалокатларга дучор бўлганини, ҳамиша ҳеч гуноҳ қилмаса ҳам, ёки ҳеч сабабсиз фалокатга гирифтор бўлганини кўриб кўзёши қилардик. Латифалар айтишга жуда уста, жуда истеъдодли беллетристларимиздан бирининг айтган латифаси эсга тушиб қолди. Биз унинг бу сўз бойлигидан фойдаланганимизга биздан хафа бўлмас, деб умид қиламиз. Латифа шундан бошланади жамиятда жуда муътабар катта амални эгаллаган ва халқни севиши билан донг чиқарган ва нозанин хотинини ҳам халққа меҳрибон қилиб олган эр хотинининг будуарига* кириб келади. Эр эшикдан кирса, нозанин хоним бир русча журнални ўқиб қон-қон йиғлаётганмиш. «Жонгинам, нега мунча кўзёшингни тўкдинг?» деб сўрайди эр. Хотин: «Ё раббий...—дейдию, ҳўнграб йиғлаб юборади. «Жонгинам, сенга нима бўлди, худо ҳақи айтсангчи?» — «Эй худойим, булар қандай бахтсиз одамлар-а. . .» яна ҳўнграб йиғлаб овози бўғилиб қолади. «Фариштам, бас қил, жоним. . . Ўзи нима гап?» — «Бахтсиз мужиклар, шўринг қурғур мужиклар! Мана бу журналда улар кофе ичмайдилар, деб ёзибдилар! . . .» Биз, бу раҳмдил хоним авом халқ ҳаёти жуда қизиқ қилиб

* Будуар (франц.) бой хонадонларда бойвучча хонимнинг махсус пардохонаси, келган-кетганларни ҳам бойвучча шу уйда кутиб олади.

тасвири бериш берилган ажойиб повестлардан бирини ўқиган бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Бу хоним мужикларимиз тўғрисида шундай ифлос қабоҳатларни ҳикоя қилган жаноб Успенскийдан жуда хафа бўлиб, унинг китобини улоқтириб ташласа керак. Жаноб Успенский ҳикояларидаги тоннинг ундан олдинги ёзувчилар ишлатган тондан фарқ қилиш сабабини яхшилаб ўйлаб кўрмаганларга жаноб Успенскийнинг очерклари жуда оғир таъсир қолдиради. Лекин воқияни яхшилаб ўйлаб кўрсанг, жаноб Успенскийнинг очерклари, жуда яхши нарса аломати эканлигини ҳис қиласан. Жаноб Успенскийнинг халқни таҳқиромиз тонда тасвири кўрсатишга журъат қилганлиги, вазиятларнинг анча ўзгарганини, халқни бунчалик фош қилиб кўрсатишга ҳеч кимнинг қўли бормаган яқин ўрталардаги замонлардан жуда катта фарқ қилишини кўрсатадиган аломат эканлигини кўрдик. Маълум киши ёки синфнинг аҳволи ёмонлиги фақат унинг ўз гуноҳи туфайли давом қилаётгандай бўлиб кўринса ва ўз аҳволини яхшилаши унинг ўз тақдирини ўзгартиришни исташигагина муҳтож бўлса, фақат шу тақдирдагина аҳволи ёмон маълум бир киши ёки синфнинг нуқсонлари ҳақида қаттиқ-қаттиқ гапириш мумкинлигини кўрдик. Шу маънода жаноб Успенскийнинг мазмунда ҳеч қандай қувончли ери бўлмаган ҳикояларини жуда қувончли ҳикоялар деб айтиш лозим бўлади.

Биз шу фикрни билдириб, шу билан жаноб Успенский китобини таҳлил қилишни тамомлаб, энди абстракт психологик мулоҳазалар билан шуғулланамиз, албатта, бу мулоҳазаларнинг жаноб Успенский ҳикоялари билан алоқаси жуда оз бўлади, рус халқининг ҳаётига эса ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Агар биз ички ташаббусдан маҳрум оддий кишиларнинг фикр юргизиши ва хатти-ҳаракатида бўлаётган ўзгаришларнинг сабабларига разм солиб борадиган бўлсак, бу сабабларнинг икки асосий разрядга бўлинишини кўрамиз.

Инсон сабр-тоқатининг чегараси борлиги туфайли юз берадиган онгсизлик билан қилинган ниётлар ва, айтиш мумкинки, беҳуда ниётлар биринчи разрядга кирди, инсон табиатининг бошқа ҳамма хусусиятлари сингари, сабр-тоқатни ҳам ниҳоясиз бир нарса деб ҳисоблаб бўлмайди. Қаттиқ уйқуга кетган кишининг беихтиёр тўсатдан қиладиган ҳаракатлари шундай жуда ажойиб психо-

логик фактдир. Ҳар биримиз тез-тез шундай бўламиз, ўнг ёнимиз билан ухлаб, уйғониб қарасак, чап ёнимиз билан ётган бўламиз, ёки аксинча. Киши нима сабабдан бир ёнидан иккинчи ёнига айланиб олганини ўзи билмайди; у айланаётганида ўзининг айланаётганини ҳам сезмайди. Бунни анчадан кейин, уйғонгандан кейин билади. Ҳолбуки у ҳар ҳолда у ёнидан бу ёнига айланиб олди. Нега шундай бўлди? Албатта, шунинг учунки, у илгари қандай бўлса, шу ёни билан ёта бериб, ниҳоят, ўзини ноқулай сезиб қолди ва шу билан унда ўз ҳолатини ўзгартиришга эҳтиёж туғилди. Унда шу эҳтиёжнинг пайдо бўлганлигини англаб туриб сезмаганини кўриб ўтган эдик; энди унинг бу эҳтиёжини ҳеч қандай гап-сўз билан ифода қилмаганлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ,— у қаттиқ уйқуда эди ва жим ётарди. Лекин мана шу англамаслик ва индамаслик ҳар ҳолда фактнинг юз беришига тўсқинлик қилмади. Жуда қаттиқ уйқу вақтида жуда кўп шундай ҳаракатлар бўлишини кўриш мумкин. Масалан, ухлаб ётган киши, худди уйғоқ кишидай, юзидаги пашшани ҳайдайди. Албатта, ухлаб ётган киши билан уйғоқ кишиларнинг қиладиган ҳаракатлари ўртасида фарқ бўлади, жуда катта фарқ бўлади. Биринчидан, ухлаб ётган одам пашшани ҳайдаш учун қўлини уйғоқ одам сингари дарров кўтара қолмайди. Уйғоқ кишининг бурнига ёки пешонасига пашша қўнган заҳоти у пашшани ҳайдайди, ухлаб ётган киши қўлини беихтиёр ҳаракатга келтириб пашшани ҳайдамоқчи бўлгунча, пашша унинг юзида айланиб юраверади. Иккинчидан, бу беихтиёр қилинадиган ҳаракат умуман уйғоқ кишининг ҳаракатлари сингари тўғри ва самарали бўлмайди: ухлаб ётган кишининг қўли баъзан пашша безовта қилаётган жойга етмасданоқ қайтиб ўрнига тушиб, баъзан пашша қўнган жойга унча тўғри бориб тегмайди. Мана шу фарқдан яна учинчи фарқ ҳам келиб чиқади: уйғоқ кишилар ҳайдаб юборган пашша одатда унинг тўғри мўлжал олиб тез ҳаракат қилишидан шу қадар юрак олдириб қоладики, бутунлай учиб кетади; ухлаб ётган кишининг шалвайиб ҳайдаб юборган пашшаси яна қўнса ҳеч гап бўлмаслигини бир зумда пайқаб олади-да, ҳозиргина ҳайдаб юборилган жойига яна бориб қўнади. Умуман, уйқу устида юритиладиган психологик текширишларнинг жуда катта илмий аҳамияти бор, бинобарин, булардан чиқариладиган умумий хулоса шуки, уйғоқ одамда бўладиган ҳодисаларнинг ҳаммаси ухлаб

ётган одамда ҳам бўлади, лекин унда бир қадар секин ва бўшроқ бўлади.

Лекин кишининг ҳаётидаги ҳамма нарсалар сингари, уйқунинг ҳам охири бор, демак, уйғонишда кўринадиган фактларнинг ҳам катта психологик аҳамияти бор. Агар уйқуни ташқи бирор нарса безовта қилмасдан, ўзи охирига етса, уйғониш жуда тинч бўлади, аксинча, киши ўзи уйғонмасдан, жуда кескин таассуротлардан уйғониб кетса, у уйқу аралаш жуда безовта бўлади ва жуда кескин-кескин ишлар қилади: бақириб юборади, бетоқат бўлади, сакраб тушади ва жиннига ўхшаб қолади. Асаб ва мускулларнинг бундай беихтиёр таранглашиб қолиши анча тез қайтиб тинчланиб қолади ва унга унча эътибор бермаса ҳам бўлади: лекин умуман шуни айтиш керакки, психология ўхлаб ётган кишига эҳтиётсизлик билан муомала қилишни жуда хавфли деб билади. Биз ҳаракатнинг зарурлигини олдиндан асло англаб олмасдан туриб, ҳатто шу ҳаракат туфайли ўзгарадиган ҳолатнинг ноқулай бўлишини англамасдан туриб ҳам шундай ҳаракатлар бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун, уйқуда ётган кишилар устида қилинган текширишларни мисол қилиб келтирдик. Фан ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам шу ҳолни тасдиқлаб берадиган жуда кўп фактлар борлигини билади. Масалан, немисларнинг бутерброд ейиш одатини олайлик. Шу лаззатли овқатни ўйлаб топган муҳтарам немислар нонни нега сариеғ билан қўшиб ейиш лозимлигига ҳеч ақллари етмайди,— улар буни беихтиёр ўйлаб топганлар. Лекин яқинда фан ноннинг ўзи қоринда унча осон ҳазм бўлмаслигини, сариеғнинг ҳазм бўлиши ундан ҳам қийинлигини, бу икки тўйимли овқат бир-бирига қўшилса, иккаласи биргаликда ҳар бирининг алоҳида-алоҳида ҳазм бўлишидан жуда осон ҳазм бўлишини кашф қилган. Демак, бутерброд қилишнинг онгли сабаби жуда яқинда маълум бўлган, ҳолбуки немислар аллазамонлардан буён бутерброд еб келадилар, лекин немислардан биронтаси яқин вақтгача ҳам бутерброднинг нимаси ёқиб қолганини билмас эди ва ҳозир ҳам ҳеч бир билмайди, деса бўлади. Лекин, такрор айтаман, бу нарса немисларнинг биронтасининг бутербродни яхши кўришига халақит бергани йўқ ва халақит бераётгани йўқ.

Биз майда-чуйда мисоллар келтирдик. Лекин майда-чуйда фактлар фан учун баъзан жуда катта аҳамиятга эга бўлади, тарихий ҳаётнинг муҳим ҳодисаларини ту-

шунтириб бериш учун хизмат қилади. Масалан, Бокль¹² ҳиндилар муассасаларининг ва тарихининг характери ҳиндиларнинг оддий озиғи бўлган гуручнинг сифатига боғлиқ деб тушунтириб беришга ҳаракат қилиб, жуда ажойиб ишлар қилган эди. Шундай бўлганидан кейин, нима сабабдан биз ҳам бутерброд ва пашша устида фикр юрита олмаймиз ва агар биз бундай текширишлардан тарихий психология учун муҳим икки хулоса чиқарса бўлади, деб айтсак, китобхон ўйламай-нетмай мақтанчоқлик қилиш деб билармикин.

Биринчидан, ақл ҳаётининг летаргик* ҳолати физиологик эҳтиёжларни қондириш учун жисмоний ҳаракат қилишга халақит бермайди; иккинчидан, бирон нарсани аниқ билмасдан туриб ҳам, унга мойил бўлиш мумкин.

Биз мана шу хулосаларга асосланиб, агар, масалан, кўпчилик рус авом халқи жоҳил ва лаванг бўлса ҳам, бу нарса бизга шу авом халқнинг бирон бошқа ҳаёт тартибига интилиш қобилиятини инкор қилишга, гарчи бу ҳаёт тартибини у яхши билмаса ҳам, унга интилиш қобилияти борлигини ва ҳатто ўзига номаълум бўлган мана шу яхши ҳолатга жуда зўр ғайрат билан интилиши мумкинлигини инкор қилишга ҳуқуқ бермайди.

Биз халқ ҳаётининг қайси томонларини яхшилаш тўғрисида гапираётганимизни китобхон билади. Биз бунда савод масаласини кўзда тутяпмиз, бусиз бирон яхшиликка эришиб бўлмайди, халқ мактабларига ихлос билан қарайдиганларнинг — биз тамомила хайрихоҳ бўлган кишиларнинг ҳаммаси деярлик бунини исбот қилиб бермоқдалар. Биз китобхонни ҳақиқатга ишонтирмоқ учун уни бундай узундан-узоқ эгри-бугри мулоҳазалар йўлига бошлаб балки чакки қилгандирмиз, балки у бир сўз эшитиши биланоқ уни тан олишдан қайтмас: халқимизнинг саводсизлигини гапириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ; унинг лаванглигини айтиб ўтириш ҳам ортиқча, лекин у ҳарҳолда яқин ўрталарда зўр бериб саводини чиқариб олишга қурби етади.

Лекин биз оддий кишилар ҳаётида ўзгариш бўлишига олиб борадиган сабаб фақат сабр-тоқатнинг ҳам чегараси борлиги эмас, деб айтиб ўтган эдик. Агар, юксак ташаббус деган нарсадан маҳрум кишилардан иборат кўпчи-

* Летаргик ҳолат (грекча) — бунда: ҳеч ҳаракат қилмай, фаолият кўрсатмай ғафлатда ётиш ҳолати маъносига.

ликдан ташқари, бошқа табақаларнинг ҳаммасида бўлгани сингари, оддий халқ ўртасида ҳам ҳозирги аҳвол устида яхшилаб ўйлаб кўришга, ҳозирги вазиятларнинг мураккаблигини тушунишга, ўз эҳтиёжларини англаб олишга, ҳозирги вазиятда шу эҳтиёжларини қондириш йўллариини ўйлаб топишга ва мустақил ҳаракат қилишга кўзи етадиган ақли ўткир ва иродаси мустаҳкам кишилар борлигини кўрган эдик. Жаноб Успенский шу дамгача ўз вазифасининг бир қисми оддий халқ ўртасидаги шундай кишиларни тасвирлаб беришдан иборатлигини пайқамай турибди. Бунинг сабаби, албатта, шуки, у бизни халқ ҳаётидаги ҳукмрон вазият билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, унда эса шу дамгача нуқул оддий кишилар ўртасидаги эскилик урф-одатлари устун туриб келмоқда ва ташаббус кучига эга бўлган кишиларнинг таъсири ҳеч кўринмайди. Лекин бундай кишиларнинг борлигига шубҳаланиш ярамайди. Бундай кишилар йўқ деб ўйлаш мутлақо ғайри-табиий ва ҳақиқатга хилоф бўлади. Ҳар бир табақада чўлоқ, маймоқ, букур кишилар бўлади, иккинчи томондан, жуда қадди-қомати келишган, жуда чиройлик ва соғлом кишилар ҳам бўлади. Худди шундай, ҳар бир табақада умумий ақл ва характер даражасидан, бир томондан, жуда паст турадиган ва, иккинчи томондан, жуда баланд турадиган кишиларнинг бўлиши турган гап. Лекин авом халқ билан бир марта танишиб олган кишилардан ҳеч кимга, авом халқ ўртасида ташаббускор кишиларнинг бўлмаслиги мумкин эмас, деган бу абстракт далилнинг ҳеч кераги йўқ. Кимки авом халқ билан яқин алоқада бўлган бўлса, улар ўртасидаги ақли ўткир ва характери мустаҳкам кишилар борлигини кўриб ҳайратда қолган бўлса керак. Энди бир савол туғилади: нима сабабдан улар шу дамгача омма ҳаётига таъсир қилмади, деган саволга, Пушкиннинг бутунлай бошқа хил кишилар тўғрисида ёзган:

У Апполон ҳали шоирни

Буюрган йўқ қурбон қилишга... ва ҳоказо¹³

деган машҳур мисралари билан жавоб берса бўлади.

Чиндан ҳам, нечун шоир ҳамма вақт ҳам шеър ёза бермайди, нечун рассом мудом сурат ишлай бермайди, нечун биллиардга жуда ишқибоз киши узоқ вақтгача қўлига кий олмайди, нечун Колумб узоқ вақтгача Американи очишга жўнаб кетмади ва ҳоказо. Сабабини ҳамма

билади: ҳар бир киши имкон бўлганда, шарт-шароит фаолият кўрсатишга қулай бўлганда ёки, ҳеч бўлмаса, шундай фаолият кўрсатишга имкон бергандагина ҳар қандай иш билан шуғулланади ёки таъбига ёққан ишини қилади. Бунда биз қандай кишилар тўғрисида гапираётганимизни — ақли ўткир ва иродаси мустаҳкам кишилар тўғрисида гапираётганимизни эсдан чиқармайлик. Ақлли киши бирон ишга аралашшига арзийдиган ишлигига кўзи етмагунча аралашмайди, пайт пойлаб туришга сабр-тоқати етса, ўзини бир четга олиб, жим тура беради. (Ахир, биз ташаббускор кишилар тўғрисида гапираётимиз-у, бундай кишилар ақлдан ташқари, мустаҳкам иродага ҳам эга бўлиши лозим).

Шиллер «Вильгельм Телль» номли асарининг дастлабки кўринишларида тарихий ҳаётнинг бу томонларини жуда яхши тасвирлаб кўрсатган. Кишилар бир-бирлари билан ўз ишлари тўғрисида гаплашиб туришибди. Уларнинг ҳали қиладиган иши йўқ, улар ўртасида Вильгельм Телль¹⁴ ҳам йўқ. У ким ва қаердалигини биз билмаймиз; у, балки, боласини боқиб ўтиргандир, хотини билан гаплашиб тургандир, ёввойи эчки овлаб юргандир,— хуллас, бекорчиликдан қўли бўшамаётгандир, ёки ўз ишлари билан банддир, ишқилиб, халқнинг Швейцария ишлари тўғрисидаги гаплари орасида унинг товуши эшитилмайди. Лекин бирон иш қилиш керак: ватан бахти-саодати ҳақида гап сотаётган муҳтарам ватанпарварлардан биронтасининг ҳам юраги дов бермайди. Шу ўртада қаёқдандир Вильгельм Телль пайдо бўлиб қолади-ю, қайиқ қаёқда, деб сўрайди ва бир кишини қутқариб қолади. Телль уни олиб кетмаганда, у одам бир дақиқадан кейин ҳалок бўлиб кетарди.

Аммо бундай баланд парвез таққос қилишнинг нима кераги бор? Яхшиси ўзимизнинг кундалик ҳаётимиздан мисол олайлик. Вакансиядан дарак бўлмаса, вазифага номзод ҳам бўлмайди. Лекин номзод йўқлигидан бирон тузук вазифанинг бўш қолган вақти бўлган эмас. Бизнинг: «Нон бўлса, чайнашга тиш ҳам топилиб қолади» ва «Муқаддас жой бўш ётмас» деган маталларимиз бунга жуда мос тушади.

Тарихда шарт-шароит характерига мос келадиган кишилар биринчи ўринга қўйилмай қолган биронта воқияни ҳам топиш мумкин эмас. Агар шарт-шароит тез ўзгариб, илгариги ходимларнинг характеридан бошқача

характерли кишилар керак бўлиб қолса, шу дамгача ўзлари ҳам, номлари ҳам тилга олинмасдан келган кишилар биринчи ўринга чиқиб олади. Наҳотки, Англия Нельсон сингари адмирални талаб қилган урушларни бошламасдан илгариеъ, у машҳур адмирал эди, деб ўйласангиз? Шарт-шароит Руссонинг қўлидан келадиган асарлар ёзилишини талаб қилмагунча, Руссо анча ёшга бориб қолган эди ва ҳеч ким уни танимас эди. Наҳотки, ҳўкизларни ер ҳайдаш вақти келмасдан илгари қўшга қўшсалар?

Журналистнинг вазифаси оғир. У кўнглига ёқиб қолган бирон психологик текширишга эндигина ихлос қўйиб абстракт фанга хизмат кўрсатмоқчи бўлиб турганида, бирданига журналдаги муносабатлар, журналга ҳомийлик қилиб турган ёзувчининг кўнглига қараб иш тутиш зарурлиги эсига тушиб қолади. Худди шундай, кўп қийин ва фойдали текширишлар вақтида: бизнинг мақоламиз жаноб Успенскийга маъқул тушармикин? — деган фикр бизни ҳам тўхтатиб қўяди. Бу мақоланинг иккинчи ярми қандай ёзилиб борган бўлса, шундай давом қилиб, шундай тамом бўлса, бу мақола унга асло маъқул бўлмайди. У, китобим тўғрисидаги мақолада китобим ҳақида жуда оз гапирилган, деб ҳисоблайди. Жаноб Успенскийга хушомад қилмаслик ва унинг ўзи ва унинг китоби ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ.

Жаноб Успенский талантининг хусусияти шундан иборатки, у мужиклар ҳақида ҳеч тортиниб-нетиб ўтирмасдан гапиради, уларни ўзига тенг кишилар деб, нимасини билсанг, ҳаммасини очиқ гапириб беришинг мумкин бўлган кишилар деб ҳисоблайди. Китобхон ҳам уларни шундай кишилар деб ҳисоблаши лозим, деб билади. У мужиклар орасида ҳеч уялмай ўзини бемалол тутиб юраверади. Киши унинг китобини ўқиганда, карвонсаройда ўтирганида ёки мужикникида овқат еб ўтирганида ёки халқ ўртасида сайр қилиб юрганида, бесўнақай суҳбатдошлари у тўғрида, зап раҳмдил ва ширин сўз барин эканми, дейишмайди, уни шунчаки иниларидай кўриб, дуруст одам экан, оғайни бўлса бўладиган экан, деб қўйиша қолади, бунга аминмиз. Бундан ўн йил бурун биз ўқимишли кишилар ўртасида деҳқонларга бундай таъсир қолдирадиган киши йўқ эди. Ҳозир шундайлар тез-тез учраб туради. Сиз жуда яхши кийинган бўлсангиз ҳам, лекин феъл-атвори содда одам бўлсангиз, ҳақиқатан халқ-

ни яхши кўрсангиз, гапингизни ва тилингизни эшитган мужик сизни ўз биродарлари отпушченниклардан* фарқ қилмайди, бу — ўз манфаатлари жиҳатидан халққа мансуб кишилар ўртасида, китобхон, сиз билан бизга жуда ўхшаб кетадиганлар ҳам борлигини кўрсатади. Кўрдингизми, турмуш вазифани ечишга замин ҳам тайёрлаб қўйди. ҳолбуки бу вазифа аллақандай қийин вазифадай кўриниб, словянофилларнинг ва словянофилларга эргашиб, халқ билан яқинлашиш учун қандайдир куракда турмайдиган фокус-покуслар қилиш зарур деб гап сотаётган бошқа идеалистларнинг бошини гангитмоқда. Бунинг учун ҳеч қандай бирон ими-димини қилишнинг кераги йўқ; мужик билан содда тилда ва бемалол гаплаша беринг, шундай қилсангиз, у сизнинг гапингизга тушунади; сиз унинг манфаатларини кўзласангиз, у сизга меҳр қўяди. Халқни чиндан яхши кўрадиганларга — тилида эмас, дилида яхши кўрадиганларга бу жуда осон гап.

* Отпущенник — озод қўйиб юборилган крепостной деҳқон.

ИЛОВА

**«САНЪАТНИНГ ВОЎЖЕЛИККА
ЭСТЕТИК МУНОСАБАТЛАРИ»
ДЕГАН ДИССЕРТАЦИЯДАН**

Гўзал нарса туфайли кишида ҳосил бўладиган туйғу-севикли кишимизни кўрганда кўнглимизда пайдо бўладиган ҳушнудлик сингари шодлик туйғусидир*. Биз гўзал нарсани беғараз севамиз, кўнглимизга ёққан кишини қандай севсак, уни кўрганда қандай хурсанд бўлсак, гўзал нарсани ҳам шундай севамиз, ундан шундай хурсанд бўламиз. Бундан, гўзал нарсада кўнглимизга ёқадиган қийматли бирор нарсаси бор, деган хулоса келиб чиқади. Лекин мана шу «бирор нарса» жуда кўп қиррали, жуда турли туман формаларга кира олувчи, жуда умумий бир нарса бўлиши лозим; чунки жуда турли-туман нарсалар, бир-бирига ҳеч ўхшамайдиган зотлар бизга гўзал бўлиб кўринади.

Кишига ёқадиган нарсалар ичида энг умумий бўлгани, дунёдаги ҳамма нарсадан кўпроқ ёқадигани — ҳаётдир: бунда ҳам энг ёқадигани — кишининг ўзи яхши кўрадиган ҳаётдир; сўнгра киши ҳар қандай ҳаётни ҳам ёқтиради, чунки ўлишидан кўра яшаш яхшироқдир: ҳамма жониворлар ўз табиатига кўра ҳалок бўлишдан, йўқликдан даҳшатга тушади, ҳаётни яхши кўради. Бинобарин:

«Энг гўзал нарса ҳаётдир»

* Мен санъаткорнинг гўзал қилиб тасвирлаган нарсаси ҳақида эмас, балки аслида ўзи гўзал бўлган нарса тўғрисида гапиряпман; санъат асарларида гўзал қилиб хасвирланган нарса ва ҳодисалар ҳақида эмас, шу гўзал нарса ва ҳодисалар ҳақида гапиряпман; ўзининг бадий қиймати билан эстетик лаззат берадиган бадий асарда тасвирланган нарсанинг ўзи аслида кишида ғам-ғусса ҳатто нафрат туйғусини уйғотиши мумкин.

деган таъриф; «тушунчаларимизга кўра ҳаёт қандай бўлиши лозим бўлса, бизга ҳаётни шундай кўрсатиб берадиган зот гўзалдир; ҳаётдан дарак бериб турадиган ёки бизга ҳаётни эслатиб турадиган нарса гўзалдир» деган таъриф.

Шу таъриф бизга гўзал нарсани ҳис қилдириб турадиган ҳамма ҳолларни қониқарли қилиб тушунтириб берса керак. Буни текшириб кўриш учун, турмушнинг турли соҳаларида гўзал нарсанинг асосий кўринишларини кўздан кечириб чиқамиз.

Оддий халқнинг «яхши турмуш», «кўнгилдагидай турмуш» дегани тўйиб овқат ейиш, яхши уйда туриш, тўйиб ухлаш деганидир; лекин шу билан бирга, деҳқоннинг «турмуш» деган тушунчасида ҳамма вақт иш тушунчаси ҳам бўлади: ишламасдан яшаш мумкин эмас; ишламасдан яшашнинг ҳузури ҳам бўлмайди. Ёш деҳқон ёки қишлоқ қизи, ҳолдан тоядиган даражага етказмай, тўйиб ишлаб, тўкис турмуш кечирса, бунинг оқибати шу бўладики, ўзи тўлган ойдек, юзлари анордек бўлади — авом халқ тушунчасидаги гўзалликнинг биринчи шарти шудир. Қишлоқ қизи кўп ишлаб ва шу туфайли бақувват ва жуссаси келишган бўлиб, тўйимли овқат еса, ўзи ҳам тўла бўлади,— бу ҳам чиройлик қишлоқи қизнинг зарур шартидир; юқори табақадаги «нозик» танноз хонимлар қишлоқиларга жуда ҳам «ёқимсиз» бўлиб кўринади, ҳатто уни бадбашарага чиқариб қўядилар, чунки қишлоқилар озғинликни бироқ касал ёки ғам-ғусса натижаси деб қарашга ўрганиб қолганлар. Лекин ишласанг ёғ босмайди: қишлоқи қиз тўла бўлса, демак, бу касалнинг бир туридир, «касалмандлик» аломатидир. Шунинг учун ҳам халқ жуда ҳам семизликни нуқсон деб ҳисоблайди; чиройлик қишлоқ қизининг қўл ва оёқлари кичик бўлиши мумкин эмас, чунки у кўп иш қилади,— бизнинг қўшиқларимизда мана шу гўзаллик воситалари тилга ҳам олинмайди. Хуллас, халқ ашулаларида чиройлик қиз таърифидаги ҳар бир гўзаллик аломати ҳамини ҳеч қаддан ошмай ва астойдил ишлаб тўқ турмуш кечириш натижаси бўлган кишининг соғломлигини ва организмдаги кучларнинг бир-бирига монандлигини кўрсатувчи далилдир. Юқори табақадаги чиройлик хонимнинг йўли бутунлай бошқа: унинг аждодлари қўлини ишга урмай яшаб келган; ишламай турмуш кечирганда томирлардан қўл ва оёқларига қуйилиб турадиган қон оз бўлади; ҳар бир

янги авлоднинг қўл ва оёқ мускуллари, суяклари ингичка тортиб боради; мана шуларнинг ҳаммасининг муқаррар оқибати шу бўладики, қўл ва оёқлар кичкина бўлиб қолади, бу — фақат жамиятнинг юқори табақаларига хос турмуш — жисмоний иш қилмай кечириладиган турмуш аломатидир; агар юқори табақадан бўлган хотиннинг қўл ва оёқлари катта бўлса, бу ё унинг жуссаси хунуклигининг аломати ёки қадимги яхши хонадонлардан тарқалмаганлиги аломатидир. Яна шу сабабларга кўра юқори табақадан бўлган гўзал хотиннинг қулоқлари ҳам бежирим бўлиши керак. Маълумки, мигрень* жуда қизиқ касал — бунинг ўзига яраша сабаби ҳам бор: киши иш қилмаса қонининг ҳаммаси ўрта органларда қолиб кетади, мияга бориб қуйилади; асаб системаси организмдаги умумий заифликдан шундай ҳам жуда безовта бўлиб туради; мана шуларнинг ҳаммасининг муқаррар оқибати шу бўладики, доимо бош оғриб туради ва ҳар хил асабий касалликлар пайдо бўлиб туради; хўш, нима қилиш керак? Биз хуш кўрадиган турмуш туфайли пайдо бўлган касал ҳам қизиқ кўринади, ҳатто киши уни ҳавас қилади. Албатта, киши назарида саломатликнинг қадри ҳеч тушмайди, чунки киши соғ бўлмаса тўқ турмуш кечириш ҳам, зеб-зийнат ичида роҳат яшаш ҳам ёмон — шу сабабдан зодагонларга ҳам анор юзлик ва яшнаб соғу саломат бўлиш жуда айти муддао бўлади; лекин касалмандлик, заифлик, ланжлик, толиқишлар ҳеч иш қилмай айш-ишратда яшаш натижаси бўлганлигидан, улар буларни ҳам гўзаллик фазилати деб биладилар. Рангпарлик, толиқиш, касалмандликнинг зодагонлар учун яна бошқа бир аҳамияти ҳам бор; агар деҳқон дам олиш, истироҳат қилиш пайдан бўлса, моддий жиҳатдан ҳеч нарсага муҳтож бўлмай, жисмоний жиҳатдан асло чарчамайдиган, лекин бекорчиликдан ва моддий жиҳатдан ташвиши йўқлигидан, кўпинча зерикиб юрадиган ўқимишли жамият кишилари «жуда ўткир ҳис, ҳаяжон, шавқ-завқлар» пайига тушадилар, шундай ҳам бир зайилда, рангпар бўлган зодагонлар ҳаётига ранг киргизадиган, уни хилма-хил ва қизиқ қиладиган нарсалар шулардир. Ҳис-туйғулар жуда кучайиб кетса, шавқ-завқлар тўлиб тошса, киши тез ишдан чиқиб қолади: нозанин, толиққан ва рангпар бўлиб кўринса-ю, бу унинг «кўпни кўрганлиги» аломати

* Мигрень — асабийликдан бўладиган бош оғриғи.

бўлса, шу толыққан ва рангпар гўзалга мафтун бўлмай иложинг қанча?

Топ-тоза ширмон юзлар
Ешлик даври аломатидир.
Рангпарлик, ғам белгиси,
Янада лаззатлидир.¹

Агар рангпар касалманд гўзаллик — сунъий равишда бузилган дид-фаросат аломати бўлса, у вақтда ҳар қандай чинакам ўқимишли киши ақл ва қалб ҳаёти ҳақиқий эканлигини ҳис қилади. Ҳақиқий ҳаёт кишининг чехрасидан кўриниб туради, кўзларидан айниқса равшан кўриниб туради — шу сабабдан халқ байтларида кишининг чехраси жуда оз тилга олинса, ўқимишли кишилар ўртасида чирой тушунчасига жуда катта эътибор берадилар; кўп ҳолларда шундай, кишининг кўзлари чиройли, маъноли бўлса, шуниси биланоқ бизнинг кўзимизга жуда чиройли бўлиб кўринади.

Мен кишининг чиройига хос ҳамма белги ва аломатларни имкон борича қараб чиқдим ва фикримча, уларнинг бизга ёқиб тушишига сабаб биз турмушни қандай тушунсак, уларда тушунишнинг шундай зуҳур этишидир. Энди масаланинг иккинчи томонини, кишининг хунуклиги нимадан бўлишини қараб чиқмоқ керак.

Кишининг умуман қадди-қомати бесўнақайлигига сабаб нима деган саволга, қадди-қомати хунук одам «келишимсиз» бўлади, деб айтадилар. Хунуклик — бирон касал ёки фалокатнинг натижаси эканлиги, киши энди ўсиб келаётганда бундай касал ва офатлар кишини майиб мажруҳ қилиб қўйиши жуда осонлигини жуда яхши биламиз. Агар ҳаёт ва унинг зуҳур этиши — ҳусн бўлса, касаллик ва унинг оқибатлари хунуклик экани жуда табиий бир нарсадир. Лекин қадди-қомати келишмаган одам ҳам майиб-майриқдир, лекин бундай кишининг майиблиги сал мундоқроқ бўлади, қадди-қомати келишимсиз бўлишининг сабаби ҳам майиб-майриқ қиладиган сабабларнинг ўзидир, лекин бу сабаблар ундан кўра кучсизроқдир. Агар киши букур туғилса, бу унинг дастлаб ўсиб келаётган вақтида бўлган бахтсиз ҳодисалар оқибатидир; лекин букчайганлик ҳам ўша букурликнинг ўзи, аммо сал мундоқроқ бўлади ва бунинг сабаблари ҳам ўша. Умуман қадди-қомати келишимсиз одам — бир қадар бузилган одам; унинг қомати бизга ҳаётдан, бахтли бўлиб

ўсганлигидан дарак бермасдан, ўсишнинг ёмон томонларидан, ноқулай ҳоллардан дарак беради. Комат ҳақидаги умумий очеркдан энди юзга ўтамиз. Юзнинг ўзи ёки унинг ифодаси ёмон бўлиши мумкин. Унинг баджаҳл, «бадбашаралиги»ни ёмон кўришимизнинг сабаби шуки, баджаҳллик — ҳаётимизни заҳарлайди, лекин кўпроқ кишининг юз ифодаси эмас, балки юзининг ўзи «хунук» бўлади: юз суяклари бесўнақай бўлса, пай ва мускулларнинг ўсишида майиб-майриқлик аломатлари қолган бўлса, яъни киши дастлаб ноқулай шароитда ўсган бўлса, юз тузилиши хунук бўлади.

Инсон тахлит тушунчаларга мувофиқ янги ҳаёт, соғлом ва бақувват ҳаёт нимаданки иборат бўлса, шу нарса кишига ҳайвонот дунёсидаги гўзалликдай бўлиб кўринадди, деган фикрни батафсил исбот қилиб ўтириш мутлақо ортиқчадир. Тузилишларини биз ўз назаримизда одамнинг ташқи қиёфасига тенглаштирадиган сут эмузувчи ҳайвонларнинг юмалоқлиги, семизлиги ва покизалиги кишига жуда чиройлик кўринадди; ҳаракатдаги назокат чиройлик кўринадди, чунки бирон махлуқнинг «қаддиқомати келишган» бўлса, яъни хунук одамга эмас, жуда келишган одамга ўхшаган бўлса, шунда унинг ҳаракати кўркем бўлади. Ҳамма «бесўнақай» нарсалар, яъни ҳамма нарсани одамга ўхшатадиган бизнинг тушунчаларимизга бир қадар майиб-майриқ нарсалар хунук кўринадди. Тимсоҳ, калтакесак, ташбақанинг сурати сут эмизувчиларга ўхшайди, лекин хунук, бузуқ, бесўнақай сут эмизувчиларга ўхшайди; шу сабабдан калтакесак, ташбақа кишининг кўзига жуда совуқ кўринадди. Қурбақанинг ўзи хунуқлиги устига яна худди мурдага ўхшаб усти шиллиқ парда билан қопланган бўлади; мана бу уни янада беш баттар совуқ кўрсатади.

Ўсимликлар гулининг янгилиги ва чиройи уларнинг кучга бойлиги ва ҳаётининг мусаффолигидан шоҳидлик берувчи суратларининг хилма-хиллиги бизни ўзига жалб қилиши тўғрисида ҳам кўп гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Сўлиб бораётган ўсимлик яхши эмас; ҳаётбахш шираси кам ўсимлик яхши эмас.

Бундан ташқари ҳайвонларнинг шов-шуви ва ҳаракати инсон ҳаётининг шов-шувлари ва ҳаракатига ўхшайди; ўсимликларнинг шитирлаши, новдаларининг тебраниши, баргларининг мудом ликиллаб ўйнаб туриши инсон ҳаётига бир қадар ўхшаб кетади, булар ўсимлик ва ҳайвон

лар дунёсидаги биз учун яна бир гўзаллик манбаидир; манзара жонли бўлсагина гўзалдир.

Ҳаёт гўзалдир ва энг тўғриси, кишини ва кишининг ҳаётини эслатиб турадиган ҳаёт гўзалдир, деган фикрни табиатнинг турли соҳаларидан мисол келтириб батафсил уқдириб ўтиришни ортиқча деб ҳисоблашнинг сабаби шуки, эстетикадан ёзилган бир қанча китоблар борки, бу китоблар табиатда кишини эслатиб турадиган (ёки, уларнинг терминологияси билан айтганда, шахсдан дарак берувчи) нарса гўзалдир, деган фикрга ёт эмас, бу китоблар табиатдаги гўзал нарса одамга ишора қилинганлиги учун гўзалдир дейилади, шу туфайли кишидаги гўзаллик — ҳаётдир, деб кўрсатгандан кейин, борлиқнинг бошқа ҳамма соҳаларидаги гўзаллик ҳам одамдаги гўзал нарсага ишора қилиши учунгина киши кўзига гўзал бўлиб кўринишидан, у ҳам ҳаётдир.

Лекин шунини айтмасдан ўтиб кетиш мумкин эмаски, умуман инсон табиатга эгалик кўзи билан қарайди, бинобарин, ерда унинг бахт-саодати, инсон ҳаётининг фаровонлиги нимагаки боғлиқ бўлса, шу нарса унга гўзал бўлиб кўринади. Қуёш билан кундузги ёруғликнинг ғоят гўзаллигига сабаб, жумладан, шуки, кундузги ёруғлик кишининг ҳаёт вазифаларига тўғридан-тўғри жуда яхши таъсир қилади, унинг узвий фаолиятини кучайтиради, шу орқали бизнинг кайфи-ҳолимизга ҳам яхши таъсир қилади. . .

Санъатнинг энг муҳим аҳамияти — кишининг турмушда қизиқадиган нарсасини тасвирлаб кўрсатишдир. Лекин киши ҳаётдаги ҳодисаларга қизиққанида англаб туриб ёки англамасдан, бу ҳодисалар ҳақидаги ҳукмини айтмаслиги мумкин эмас; шоир ёки рассом умуман одамлик ҳолатидан чиқмасдан, тасвирлаётган ҳодисалари ҳақида ўз ҳукмини эшитишдан, агар хоҳласа ҳам воз кеча олмайди, унинг асари унинг ҳукми бўлади — санъат асарларининг янги аҳамияти шундан иборат бўлиб, санъат ана шу аҳамияти туфайли инсоннинг маънавий фаолиятлари жумласига киради. Шундай одамлар бўладики, уларнинг турмуш ҳодисалари ҳақидаги муҳокамалари турмушнинг маълум томонларига кўнгил қўйиб, бошқа томонларидан ўзларини олиб қочишдангина иборат деса бўлади, — булар ақли заиф кишилардир, бундай киши шоир ёки рассом бўлса, унинг асарлари турмушнинг яхши кўрадиган томонларини тасвирлашдан бошқа

аҳамиятга эга бўлмайди. Лекин агар кишининг ақли ҳаётни мушоҳада қилиб олган таассуротлари туфайли жуда ҳаяжонга келган бўлса, санъаткорлик таланти бўлса, у ҳолда унинг асарларида, онгли ёки онгсиз суратда, уни қизиқтирган ҳодисалар ҳақида, унинг замондошларини ҳам қизиқтирган ҳодисалар ҳақида (чунки фикр қилувчи киши ўзидан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмайдиган арзимаган масалалар устида ўйлаши мумкин эмас) жонли ҳукм чиқаришга интилиши ифода қилинган бўлади, фикр қилувчи кишига ҳаётдан келиб чиқадиган масалалар ўртага қўйилади ёки ҳал қилинади, унинг асарлари, чунончи, ҳаёт ўртага қўйилган мавзуларда ёзилган асарлар бўлади. Бу йўл ҳамма санъатларда ифода қилиниши мумкин (масалан, рассомликда Гогарт²нинг карикатураларини кўрсатиш мумкин), лекин у маълум бир фикрни жуда тўла ифода қилишга имкон берадиган поэзияда кўпроқ ривожланади, у ҳолда санъаткор мутафаккир бўлади, санъат асари санъат соҳасида қолса-да, илмий асар аҳамиятига эга бўлади, албатта, бу жиҳатдан санъат асарлари воқеликда ўзларига мос келадиган ҳеч нарса тополмайдилар, бироқ форма жиҳатдан шундай бўлади; мазмунга санъатнинг олдига қўйилган ёки санъат томонидан ҳал қилинаётган масалаларнинг ўзига келганда, улар ҳаммаси ҳақиқий турмушдан топилади, лекин беғараз, «aggrège-pensée»* бўлади. Масалан, бирон санъат асарида: «матонатли кишининг тўғри йўлдан вақтинча четга чиқиши уни ҳалок қилмайди» ёки «бир томоннинг ҳаддан ошиши иккинчи томоннинг ҳам ҳаддан ошишига сабаб бўлади» деган фикр баён қилинмоқчи деб фараз қилайлик, ёки кишининг ўзидан ажралиб чиқиши, ёки истасангиз, эҳтиросларнинг энг юксак интилишлар билан кураши тасвирланаяпти деб фараз қилайлик (биз «Фауст»да³ кўрган турли асосий идеяларни кўрсатаётибмиз) — ажабо, ҳақиқий ҳаётда ҳам шу фикрларнинг ўзи баён қилинадиган воқиалар йўқ дейсизми? Ахир, олиий даража донолик ҳаёт мушоҳадаларидан чиқарилган хулосалар эмасми? Ажабо, фан турмушнинг умумий тасаввури эмасми, турмушни формулага мувофиқлаш эмасми? Фан ва санъатда баён қилинган нарсаларнинг ҳаммаси турмушда бор, бўлганда ҳам барча жонли тафсилотлари билан бирга жуда тўла ва жуда мукамал хиллари борким, фан

* Беғараз, яширин фикрсиз (франц)

билан санъатнинг кўпинча ҳали ақли етмайдиган нарса-ларнинг асли маъноси ҳам шулардadir; ҳақиқий турмуш-да ҳамма нарса тўғри, киши ижод этган ҳар қандай асар-да бўладиган камчиликлар турмушда йўқ, масалага бир томонлама қараш деган нарса йўқ, — турмуш сабоқ, фан бўлиш жиҳатдан ҳамма олимлар ва шоирларнинг ижод-ларидан тўлароқдир, тўғрироқ ва ҳатто бадиийроқдир. Лекин турмуш бизга ўз ҳодисаларини баён қилиб бериш-ни ўйламайди, аксиомалар чиқариш тўғрисида ҳам емай-ди; фан ва санъат асарларида эса бу нарса баён қилин-ган; албатта, фан билан санъат баёнлари турмушдагидай тўла эмас, фикрлар бир томонлама, лекин буларни бизга гениал кишилар баён қилиб берган, улар бўлмаса бизнинг хулосаларимиз яна ҳам бир томонлама, яна ҳам нурезиз бўларди. Фан билан санъат (поэзия) — ҳаётни ўргана бошлаган киши учун «Handbuch»* дир; уларнинг аҳами-яти — манбаларни ўқишга тайёрлаш, сўнгра вақти-вақти билан маълумот бериб туришдир. Фан буни яшироқчи ҳам эмас; ёзувчилар ҳам ўз асарларининг моҳияти ҳақи-даги қисқа изоҳларида буни яшироқчи бўлмайдилар; фақат эстетика, санъат турмушдан ва борлиқдан юқори туради, деб келяпти.

Шу айтилган фикрларнинг ҳаммасини бирга қўшиб, санъат ҳақида мана бундай бир нуқтаий назар ҳосил қиламиз: санъатнинг энг муҳим аҳамияти — турмушда киши учун қизиқ бўлган ҳамма нарсаларни тасвирлаб беришдир; жуда кўп ҳолларда, айниқса поэзия асарлари-да, турмушни баён қилиб бериш, турмуш ҳодисалари ҳа-қида ҳукм чиқариш ҳам биринчи ўринга қўйилади. Тарих турмушга қандай муносабатда бўлса, санъат ҳам худди шундай муносабатда бўлади; бунда мазмун жиҳатдан шу фарқ борки, тарих инсониятнинг турмушини баён қилиб беради, санъат — инсоннинг турмушини баён қилиб бера-ди, тарих — ижтимоий ҳаётни баён қилиб беради, санъат — шахс ҳаётини баён қилиб беради. Тарихнинг биринчи вазифаси — ҳаётни тасвирлаб беришдир; иккинчи вазифаси, ҳамма тарихчиларнинг ҳам қўлидан келавермайдиган вазифаси — уни тушунтириб беришдир; тарихчи ва-зифа ҳақида ҳамхўрлик қилмаса, оддий солномачи бўлиб қола беради ва унинг асари — асл тарих учун фақат ма-териал бўлиб қолади ёки шунчаки қизиққан киши ўқиб

* Дарслик, қўлланма (нем.).

чиқадиган материал бўлиб қола беради; тарихчи иккинчи вазифа ҳақида ўйласа, у мутафаккир бўла боради ва шу туфайли унинг асари илмий қийматга эга бўлади, санъат ҳақида ҳам худди шундай деб айтмоқ керак. Тарих ҳақиқий тарихий турмуш билан рақобат қилишмоқчи эмас, тасвирлаган манзаралари нурсиз, тўла эмаслигига, бир қадар нотўғрилигига ёки ҳар ҳолда, бир томонлама эканлигига ўзи тан беради. Эстетика ҳам, санъат худди шундай ва шу сабабларга кўра турмуш билан тенглашиш, айниқса гўзалликда ундан ўтиб кетишни ўйламаслиги керак, деб тан олиши лозим.

ИЗОҲЛАР

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН, УНИНГ ҲАЁТИ ВА АСАРЛАРИ

Очерк 1856 йилда, шоир вафотига йигирма йил тўлмасдан бундан олдин чоп этилган эди.

Цензура қийинчиликлари Чернишевскийга Пушкин биографиясидаги бир қанча жуда муҳим моментларни: унинг 1817—1820 йиллардаги сиёсий лирикасини, шоирнинг декабристларга яқинлигини, 1820—1824 йилларда Александр I ҳукуматининг унга қарши қаратилган сиёсий таъқибларини, Пушкиннинг Николай I саройидаги жуда оғир аҳволини ва бошқаларни ёритиб беришга имкон бермаган эди. Чернишевский фактлар тўғрисида индамасдан ўтишга ёки улар тўғрисида имо-ишоралар билан, қисқача қилиб гапиришга мажбур бўлган эди.

¹ (42 бет) Чернишевскийнинг бу мулоҳазаларини тушуянтириб бериш керак. Масалан, Пушкин Криловни «ҳамма масал ёзувчилардан ўтиб кетган энг халқчил шоиримиз» деб ҳисоблаган эди. Белинский «Крилов масалларининг, поэзиясидан ташқари, яна бошқа қиймати ҳам бор, унинг бу қиймати унинг биринчи қиймати билан қўшилиб, уларнинг масал эканлигини эсдан чиқаришга мажбур қилади ва унинг буюк рус шоири эканлигини кўрсатиб беради: биз унинг масалларининг халқчилиги тўғрисида гапираётибмиз». Белинский Крилов масалларининг халқчилиги, тилининг кучли ва бойлигини қайд қилиб ўтиб, «бу жиҳатдан Криловсиз Пушкиннинг ўзи ҳам мукамал бўлмайди», «Крилов масалларининг тили «Ақл балоси» тилининг прототипидир, деб ёзади. («Иван Крилов масаллари»).

² (47 бет) Пушкиннинг 1830 йилда журналистлар билан танқидчиларнинг ҳужумларига жавобан ёзган қўлёзма мақолаларидан парча келтирилган. Шундан кейин «Менинг ота-боболарим» деган шеърдан (1830) уч байт келтирилади. Пушкин текстида иккинчи сатрдан «двинулась» эмас, балки «двигнулась»; тўртинчи сатрида «корме»

эмас, балки «рулю»; 8-сатрда «царя» эмас «царю»; Унинчи сатрида «гибельных» эмас, балки «Чесмен».

³ (48 бет) Дмитриев И. И. (1760—1837) — шоир ва масалнавис, рус сентиментализмининг вакилларида бири. Батюшков К. Н. (1787—1855) — шоир, Пушкин лицейда ўқиган вақтида унинг шеърларига жуда қизиқар эди.

⁴ (51 бет) бу шеърлардан бир қанчасини Пушкин 1813 йилдаёқ ёзган экан, бу нарса ҳозир бизга маълум бўлди.

⁵ (52 бет) Пушкин текстида: «Мана энди ҳузурингдаман...»

⁶ (54 бет) «Сеҳрли қадимги замон дугонаси» деган шеърдан (1822).

⁷ (54 бет) «Оғир кунларимда ягона ҳамдам» деган шеърдан (1826) Пушкинда ўн биринчи шеърда: «Ғам, андишалар-у, ташвишлар...»

⁸ (55 бет) Цензура талабига кўра, Чернишевский Пушкиннинг ҳукумат амалдорларининг буйруғига мувофиқ Михайловское қишлоғига сургун қилинганлиги тўғрисида индамай ўтишга мажбур бўлган эди.

⁹ (55 бет) Цензура тўсқинлик қилгани учун Пушкин ҳаёт чоғида эртакни босиб чиқариш мумкин бўлмаган эди. Бу эртакни 1840 йиллардагина В. А. Жуковский жуда ўзгартириб, сарлавҳасидаги «поп» деган сўзни «савдогар деган сўз билан алмаштириб, («поп — толоконий лоб ўрнига «кушеч Кузьма остолоп, по прозвищу осиновый лоб») деб босиб чиқарилган эди. Пушкиннинг эртаги 1882 йилдагина аслича, бузилмасдан босиб чиқарилган.

¹⁰ (57 бет) «Евгений Онегин», биринчи боб, III — V байтлар.

¹¹ (60 бет) Лицейнинг биринчи директори В. Ф. Малиновский эди.

¹² (61 бет) Пушкин лицейда бўлган даврида, лицей бошлиқлари ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, у ерга ҳукуматга қарши, оппозицион кайфиятлар кириб, унда тарқалиб турган давр шоирнинг сиёсий жиҳатдан эркин фикр қилиш даври бўлган эди. Н. Г. Чернишевский, цензура талабига кўра, албатта, ўз очеркида бу ҳақда ёза олмаган эди. Пушкиннинг ўртоқларидан Пушкин ва Кюхельбекер кейинчалик декабрист бўлиб кетган эдилар; Чаадаев орқали Пушкин Царское Селодаги офицерлар тўғараги билан яқинлашди, бу тўғарақда жамиятни қайтадан қуриш масалалари муҳокама қилиниб турар эди.

¹³ (61 бет) Лицей журналларида Пушкиннинг ёшлик чоғларида ёзган энг яхши шеърларидан бир қанчаси биринчи марта босилиб чиққан эди.

¹⁴ (62 бет) «Вестник Европы» — дастлабки рус адабий-сиёсий журналларидан бири; Москвада чиқиб турар эди (1802—1830). «Шоир дўстимга» деган шеър «Вестник Европы»нинг 1814 йилдаги саккизинчи сонидан эмас, балки ўн учинчи сонидан босилган.

15 (64 бет) А. А. Дельвиг поэзиясида (1798—1831) қайғу-ҳасрат ва дилкашлик кайфиятлари устун туриб, ижтимоий мотивлар тамомила деярлик йўқлиги бундай таънага сабаб бўлган эди.

16 (64 бет) Пушкиннинг «Державин» деган автобиографик мактубидан, (1835—1836).

17 (64 бет) Саккизинчи боб, II байт.

18 (64 бет) Пушкин ўз ҳаётининг ана шу даврида Михайловское қишлоғига икки марта: 1817 йилда ва 1819 йилда борган эди.

19 (65 бет) Цензура талабига кўра, Чернишевский 1817—1820 йилларда Пушкиннинг сиёсий эркин фикрининг ўсганлиги тўғрисида, бу йилларда унинг: «Эркинлик» (1817), «Чаадаевга» (1818), «Қишлоқ» (1819) «Ханжар» (1821) ва бошқа шу каби сиёсий лирикасининг жуда катта роль ўйнаганлиги тўғрисида гапириб ўтишга иложи бўлмаган эди. Жуда кўп нусхада кўчирилиб тарқатилган бу шеърлар жамиятнинг илғор доираларига жуда зўр революцион таъсир кўрсатган эди. Декабристлар ҳаракатида ташкилий жиҳатдан қатнашмаган Пушкин шу йиллар ичида декабризм шоирига айланган эди. Чернишевский, Пушкин Бессарабияга «юборилган» эмас эди, балки сургун қилинган, у Александр I ҳукуматининг таъқиби остида қолган эди, ўзининг сиёсий эркин фикри учун қурбон бўлган эди, деб айтишга илож тополмаган эди.

20 (66 бет) «Лўлилар»поэмаси 1823 йил декабрда Одессада ёзила бошлаб, 1824 йил октябрда Михайловское қишлоғида тугатилган эди; бу поэма фақат 1827 йилда тўла босилиб чиқди.

21 (66 бет) «Қароқчи оға-инилар»ни Пушкин куйдириб юборган эди, лекин дўсти Н. Н. Раевский қўлида шу поэманинг бир парчаси сақланиб қолган эди, «1825 йил Полярная звездаси» деган альманахда бу поэмадан шу парча босилиб чиққан эди.

22 (66 бет) Пушкин 1823 йилдаги хатларидан бирида бундай деган эди: «Ҳақиқатан юз берган бу ҳодиса менинг шу парчани ёзишимга сабаб бўлган эди. 1820 йилда, мен Екатеринославда бўлган вақтимда, бир-бирига тиркаб кишанланган икки қароқчи Днепр дарёсидан сузиб ўтиб, қочиб кетган эдилар. Уларнинг бу оролда дам олганлигини, қўриқчилардан бирининг сувга чўкиб кетганлигини ўйлаб чиқарганим йўқ».

23 (66 бет) Михайловское қишлоғига «қайтиб келиши», аслини олганда, эрк севар шоирнинг янги сургун қилиниши эди.

24 (67 бет) Пушкин Шекспир драматургиясидаги реалистик ва халқ элементларини жуда юксак баҳолаган эди, лекин илгари Байрон ижодига қандай муносабатда бўлган бўлса, Шекспир драматургиясига ҳам шундай муносабатда бўлиб, ўзи тамомила мустақил ижод йўлини тутган эди. Пушкин Карамзиннинг «Россия давлати тарихи»даги Борис Годунов тўғрисида ёзилган ҳикоясида учрайдиган

ҳақиқий маълумотлардангина фойдаланди, ўз трагедиясининг сюжети ва улардаги воқияларнинг ривожланишига шу маълумотларни асос қилиб олди. Трагедиянинг бутун ғоявий йўли сингари, нотинч замонлардаги тарихий воқиялар халқнинг ўйнаган ролига берган баҳосининг эса Карамзиннинг реакция нуқтаи назари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

25 (67 бет) «Мис отлик» асарини Пушкин 1833 йил октябрда Болдинода ёзган эди. Бу поэма Николай I цензурасига тақдим қилинганда, подшонинг бир қанча эътирозларига сабаб бўлган эди. Николай I нинг талаб қилган ўзгаришлари шу қадар катта эдики, Пушкин бу поэмани тўла бостириб чиқариш фикридан воз кечишга мажбур бўлган эди ва фақат унинг муқаддимасининггина бостириб чиқарган эди. Поэма биринчи марта 1837 йилда, шоир вафотидан кейингина Жуковскийнинг цензурабоп қилиб киритган тузатишлари билан босилиб чиққан эди.

26 (68 бет) Грибоедовнинг 1824 йилдаёқ тамом қилинган комедияси цензура талабларига кўра, дарҳол босилиб чиқмаган эди. 1825 йилда бу комедия парчалари «Русская Талия» альманахида босиб чиқарилган эди. Унинг биринчи айрим нашри 1833 йилда босиб чиқарилган эди, тўла тексти эса фақат 1862 йилдагина босилиб чиқди.

27 (69 бет) Чернишевскийнинг романга берган бу баҳоси Белинскийнинг берган машҳур баҳосига жуда тўғри келади, Белинский, «Евгений Онегин» «рус ҳаётининг энциклопедияси»дир деган эди.

28 (70 бет) Вяземский П. А. (1792—1878)—шоир ва танқидчи, Пушкиннинг дўстларидан бири; 20-йилларда декабристларнинг идеяларига хайрихоҳлик билдирди, лекин 30-йилларнинг охиридан бошлаб самодержавиени ҳимоя қилувчилар лагерига қўшилиб кетди. Плетнев П. А. (1792—1865) — адабиётчи, профессор; 40-йилларда адабиёт ва публицистикадаги ҳамма илғор фикрларга жуда ҳам жон-жаҳди билан қарши чиққан эди. «Современник» 1846 йил охиригача шу Плетнев қўлида эди, сўнгра Некрасов ундан бу журнални нашр қилиш ҳуқуқини сотиб олган эди.

29 (71 бет) Рўй рост гапиришга имкон бўлмаганлиги Чернишевскийни бунда Пушкиннинг ўз ҳаётининг сўнгги йилларида қандай оғир шароитга тушириб қўйилганлиги тўғрисида фақат имо-ишоралар билангина гапириб ўтишга мажбур қилган эди. Пушкин саройдан узоқлашмоқчи ва оиласи билан бир неча йилга Петербургдан қишлоққа жўнаб кетмоқчи бўлган эди, лекин унинг Петербургдан чиқиб кетишига ижозат берилмаган эди, чунки Николай I Пушкинга ишонмас эди ва уни ўз кўзидан йўқотгуси келмаган эди. Пушкин ҳаётининг сўнгги йилларида, Пушкиннинг хотинининг изидан қолмай, хиралик қилиб унга эргашиб юрган Дантес билан шоир бир-бири билан

тўқнашиб қолганида, юқори табақа кишиларининг Пушкинга нисбатан разиллик қилишлари жуда ҳам кучайиб кетган эди. Юқори табақа кишилари ўртасида ҳар хил ҳақоратомиз миш-мишларнинг тарқалганлиги, ҳар хил ифвогарликлар, аноним хатлар—мана шулар ҳаммаси Пушкинни Дантес билан дуэль қилишга мажбур қилган эди.

30 (71 бет) Пушкин жасади солинган тобут 3 февраль кечаси Николай I буйруғи билан Петербургдан Святогорский монастырига олиб кетилган эди, чунки Николай I шоирни дафи қилиш маросимида халқнинг намоён қилишидан қўрққан эди.

31 (72 бет) Николай I ҳукумати шоирнинг оиласини таъмин қилиш ва унинг асарларини бостириб чиқаришга риёкорона ғамхўрлик қилиб, шу билан Пушкинни ўлдирган қотилга мадад қилгани учун қўйилган айбни ўз зиммасидан соқит қилмоқчи бўлган эди, Лермонтов «Шоирнинг ўлими» деган шеърида жамиятнинг илғор қисми номидан Николай I ни шундай айблаб чиққан эди.

32 (73 бет) Пушкин Гоголь билан 1831 йил май охирида танишган эди. Пушкин «Диканка қишлоғи оқшомлари»нинг матбуотда чиқишини табриклаган эди. Гоголь 1833 йил охиридан бошлаб Пушкинни ўз ижодий планлари билан таништириб борди, доимо унинг танқидий йўл-йўриқлар бериб туришини илтимос қилди. «Ўлик жонлар» сюжетинигина эмас, «Ревизор» сюжетини ҳам Гоголга Пушкин айтиб берган эди; Пушкин «Современник»да Гоголнинг «Коляска» деган ҳикоясини, «Бурун» деган повестини босиб чиқарди ва «Ревизор» асарини ўқиб жуда завқланди, «Ревизор»нинг дастлаб дунёга келиши тўғрисида ўзининг «Современник» журналида халойиқни хабардор қилиб қўйишни зарур деб топди. Гоголь «Ўлик жонлар»нинг дастлабки бобларининг биринчи редакциясини ўқиб чиққандан кейин Пушкин, Гоголнинг ўзи айтишига қараганда, қаттиқ хўрсиниб: «Э, худо! Россиямизда ғам-ғусса мунча кўп!..» деган. Гоголь ҳам ўз навбатида Пушкин поэзиясини жуда чуқур ва тўғри тушунишини кўрсатди. «... бизнинг шоирларимиздан ҳеч ким,— деб ёзган эди Гоголь,— юқори турмайди ва миллий шоир деб аталишга ундан кўпроқ ҳаққи йўқ: фақат Пушкин бу ҳуқуққа эгадир. Бизнинг тилимизнинг ҳамма бойлиги, кучи ва бурролиги худди унинг тилида ифода қилинганга ўхшайди».

33 (73 бет) «Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга» деган шеър (1836) матбуотда Пушкин вафотидан кейин Жуковскийнинг цензура раъйига қараб киритган тузатишлари билан босиб чиқарилган эди. Пушкиннинг асил қўл ёзмасида бундай дейилган.

*Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,
Чунки рубобим билан эзгу ҳислар туғдирдим.*

*Шу ёвуз замонамда куйладим Эркини мақтаб,
Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.*

Бу шеърнинг тўғри тексти фақат 1881 йилдагина кўрсатилган эди.

«ПУШКИН АСАРЛАРИ» ДЕГАН МАҚОЛАДАН

Чернишевскийнинг тўрт мақоладан иборат «Пушкин асарлари» деган катта асари «Современник»да 1855 йилда босиб чиқарилган эди; бу асар Пушкиннинг вафотидан кейин нашр қилинган асарларининг иккинчи нашрининг кенг таҳлилидир. (Пушкиннинг бу асарлари П. В. Анненков таҳрири остида чиққан эди). Пушкиннинг бу асарлари ҳам шу 1855 йилда чиққан эди. Бу нашрда иккинчи мақоладан олинган икки парча бир мунча қисқартириб босяпти. **А н н е н к о в П. В.** (1812—1887) — либерал танқидчи, Пушкин асарлари муҳаррири ва ношири, шоирнинг биринчи катта биографиясининг автори. Анненков Пушкин ижодининг ҳақиқий аҳамияти тўғрисида индамасдан, унда ижтимоий манфаатлардан воз кечган «соф эстетика»га интилиш бор, деб таъкидлаб кўрсатиб ўтган эди.

¹ (77 бет) «Рус адабиётининг арзимаслиги тўғрисида» деган мақоланинг қўл ёзмаси назарда тутилади (1834).

² (78 бет) **Р о н с а р П.** (1524—1585)— француз шоири, «Плеяда», деган шоирлар группасининг бошлиғи. **М а л е р б Ф.** (1555—1628)— француз шоири, классицизмга асос солганлардан бири; француз тилини бошқа тиллардан кириб қолган қурама сўзлардан «тозалаш»га интилди, шеър ва проза нутқи учун қатъий бир норма ишлаб чиқишга ҳаракат қилган эди. Буало (**Н. Буало** — **Депрео**; 1636—1711) француз классик шоири, «Шоирлик санъати» деган поэманинг автори, бу поэмада поэзиядаги классик мактаб деган мактаб қойдалари баён қилинган эди.

³ (78 бет) **Э с х и л, С о ф о к л** ва **Э в р и п и д** — грек трагедия ёзувчилари, бу ёзувчилар бизнинг эрамыздан олдинги V асрда ўтган эдилар. **А р и с т о ф а н** (бизнинг эрамыздан V—IV аср илгари ўтган) — грек драматурги.

⁴ (78 бет) **В о л ь е т е р Ф. М. А р у э** (1694—1778)— француз ёзувчиси, драматург ва философ. **С к о т т В.** (1771—1831)— инглиз романчиси ва шоири, «Айвенго», «Квентин Дорвард», «Ламермур келини» ва бошқа тарихий романларнинг автори.

⁵ (79 бет) Пушкин асарларининг энг кейинги нашрларида (1930 йилдан бошлаб) бу асар «Тазит ҳақида поэма» деган ном билан босиб чиқариладиган бўлди. «Современник»да дастлаб эълон қилинганда (1837) Пушкиннинг қўл ёзмасида қаҳрамоннинг отаси кекса

тоғлининг номи Пушкиндаги Г а с у б ўрнига хато қилиб Галуб деб ўқилган эди. Уша вақтларда бутун поэма ҳам мана шу хато ном билан аталган эди.

6 (81 бет) Рим шоири Горацийнинг (бизнинг эрамиздан олдинги I асрда ўтган) «Поэзия санъати» деган одасининг 388-байти; айнан: «Тўққизинчи йилда келсин дунёга».

7 (81 бет) «Борис Годунов»нинг дунёга келишига Николай I нинг шахсий цензураси тўсқинлик қилган эди. Подшо бу драмани босиб чиқаришни тақиқлагани йўқ, лекин унга йўл ҳам бергани йўқ, подшо Пушкинга «керагича тозалаб, ўз комедиянгизни Вальтер Скотт сингари тарихий повестга ёки романга айлантиришингиз» зарур деб кўрсатган эди. Пушкин ўз асарини қайтадан ишлаб чиқишдан бош тортди ва журналда айрим саҳналарнигина босиб чиқариш билан кифояланди. «Борис Годунов»нинг нашр қилиниши 5 йил тўхтатиб қўйилган эди. Николай I фақат 1831 йилда Пушкинга уни «ўзининг (Пушкин)нинг жавобгарлиги остида» босиб чиқаришга ижозат берган эди.

8 (82 бет) Р а с и н Ж. (1639—1699)— француз шоири ва драматурги, классицизмнинг энг йирик намояндalarидан бири.

9 (82 бет) М о н т а н ь (Монтень) М. (1533—1592)— француз философи ва ёзувчиси.

10 (84 бет) Пушкиннинг «Китобфурушнинг шоир билан суҳбати» деган шеърдан олинган цитата.

11 (91 бет) Д и к к е н с Ч. (1812—1870)— инглиз реалист ёзувчиси, «Давид Копперфильд», «Оливер Твист» ва бошқа романларнинг автори. Т е к к е р е й В. (1811—1863)— инглиз романчиси, буржуа реалистик романини яратганлардан бири, «Шухратпарастлик ярмаркаси» ва бошқа романларнинг автори. З а н д Ж. (1804—1876)— француз ёзувчиси Аврора Дюпен — Дюдеван хонимнинг тахаллуси, «Индiana», «Жак», «Лелия», «Консуэло» ва бошқа романларнинг автори, унинг бу романлари озодлик тенденциялари билан суғорилган.

12 (93 бет) Державиннинг «Шалола» (1794) деган одасидан олинган цитата.

13 (96 бет) «Приятное и полезное препровождение времени»— 1794 йилдан 1798 йилгача чиқиб турган журнал. Бу журналда Г. Р. Державин, И. И. Дмитриев, В. Л. Пушкин (А. С. Пушкиннинг амакиси) ва бошқа шоир ҳам ёзувчилар қатнашиб турарди.

14 (97 бет) Княжнин Я. Б. (1742—1791)— рус шоири ва драматурги. Пушкин Княжнин комедияларининг тақлид қилиб ёзилган комедиялар эканлигини назарда тутиб, «Евгений Онегин»да Княжнинни «тақлидчи» деб атаган эди.

15 (97 бет) Сумароков А. П. (1718—1777)— шоир ва дра-

матург, «Синав ва Трувор», «Семира», «Дмитрий Самозванец» ва бошқа трагедияларнинг автори, рус театрини тузганлардан бири.

¹⁶ (97 бет) Дорат, Флоран, Мармонтель, Гишар, Жанлис — XVIII асрда ўтган учинчи даражали француз ёзувчилари.

Н. В. ГОГОЛЬ

РУС АДАБИЁТИНИНГ ГОГОЛЬ ДАВРИ ОЧЕРКЛАРИ

«Рус адабиётининг Гоголь даври очерклари» 1855—1856 йилларда «Современник» журналида босилиб чиққан тўққиз катта мақоладан иборат. Очерклардаги биринчи мақоланинг ярми босиляпти, чунки бу мақолада Гоголь ижодининг жуда катта ижтимоий-сиёсий маъноси айниқса тўла очиб кўрсатилган ва унинг асарларига умумий баҳо берилган.

¹ (99 бет) «Қишлоқ мозори» — инглиз шоири Томас Грей (1715—1771) элегияси бўлиб, уни В. А. Жуковский таржима қилган ва «Вестник Европы» журналида 1802 йилда босиб чиқарилган эди; «Светлана» — Жуковскийнинг балладаси, у ҳам 1813 йилда шу журналда босилган.

² (100 бет) цензура талабларига кўра, Чернишевский «қадимги замон» деб Белинский ишлаган вақтни назарда тутди.

³ (100 бет) бунда Чернишевский Белинскийнинг кадр-қимматини ерга уришга беҳуда ҳаракат қилган, унинг қарашларини «ноўрин» ва «эскириб қолган» деб эълон қилмоқчи бўлган дворян-либераллар лагеридан чиққан танқидчиларнинг ҳаракатини масхара қилади.

⁴ (100 бет) Дворян-либераллар танқиди «Гоголь оқими»га «Пушкин оқими»ни қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилган эди, Пушкиннинг ижодини жамиятга алоқаси йўқ ижод деб, гўё «соф санъат» назариясига амал қилган ижод деб, сохтагарчилик қилиб, шундай изоҳ бермоқчи бўлган эди. Революцион-демократик танқид самодержавиечи-крепостнойчи Россияни фош қилиб ташлаган Гоголнинг буюк хизматини жуда қадрлаб, уни «Рус адабиёти фахрланса арзийдиган бирдан-бир мактаб» бошлиғи деб атаган эди. Уша даврдаги социал зиддиятларни жуда ҳам зўр куч билан очиб ташлаган Гоголь ижодини Чернишевский ўз замонидаги талабларга ҳаммадан кўп жавоб берган ижод деб ҳисоблаган эди. Шунинг учун Чернишевский реалист ёзувчиларни (Герцен, Тургенев, Гончаров, Григорович ва бошқаларни) қатъий ҳимоя қилиб чиқди, бу ёзувчилар Гоголь васиятларига амал қилиб, самодержавие-крепостнойлик тузумини фош қилиб чиқдилар; Чернишевский «соф санъат» тарафдорларини ёки уларнинг ибораси билан айтганда, «Пушкин оқими» тарафдорларини шафқатсизлик билан қаттиқ танқид қилиб чиқди. Мақоланинг

айрим жойларида Пушкиннинг номи билан Гоголнинг номи таққосланиб жуда ҳам зўр мунозарага олиб борганига сабаб ҳам шудир.

5 (106 бет) Аксентий Иванович Попришчин — «Жиннининг мактублари» шу асосий шахс номидан ёзилиб борган.

6 (106 бет) «Телеграф» — «Московский телеграф» — Н. А. Полевой томонидан 1825 йилдан 1835 йилгача нашр қилинган «адабиёт, танқид, фан ва санъат» журнали. Белинский «Телеграф»га ўша замонларда «Россиядаги энг яхши журнал» деб баҳо берган эди. Н. Полевой Пушкиннинг ёшлик чоғидаги ижодини дастлаб изоҳлаб берган кишилардан бири эди ва Карамзин, Жуковский, Дмитриевларнинг сентиментализмига қарши қатъий бош кўтариб чиққан эди. Полевой адабиётдаги янги оқим бўлган романтизмни ҳимоя қилиб, бу оқимда халқчилликка ва миллий мустақилликка интилиш борлигини кўрсатиб ўтган эди. А. И. Герценнинг сўзлари билан айтганда, «Полевой 1834 йилгача ишга ҳиёнат қилмасдан ҳар қандай реакциядан ўзини сақлай билди». 1834 йил апрелда Кукольникнинг «Худонинг қудрати ватанимизни омон сақлаб қолди» деган реакция, сохта ватанпарварлик билан ёзилган драмасига салбий баҳо берганлиги учун Полевойнинг журнали ёпиб қўйилган. Кейинчалик Н. Полевой адабиётда реакция лагерга қўшилиб кетди.

7 (106 бет) Чернишевский 1840 йиллардаги танқид деб В. Г. Белинскийнинг танқидини айтади, чунки, цензура талабларига кўра, «Очерклар»даги биринчи мақолаларда Белинскийнинг номини тилга олиш мумкин бўлмаган эди.

8 (106 бет) Чернишевский Гоголь асарларини «Гоголь даври очерклари»дагидан муфассалроқ обзор қилган эмас.

9 (106 бет) «Ўлик жонлар»нинг Гоголь вафотидан сал илгари йўқ қилиб ташланган иккинчи томининг тасодифий сақланиб қолган қўлёзма дафтарлари 1855 йилда, худди «Гоголь даври очерклари» босила бошлаган вақтда матбуотда пайдо бўлган эди.

10 (106 бет) 1847 йил бошида «Дўстлар билан ёзишмадан танланиб олинган жойлар» деган китоб босилиб чиққан эди.

Гоголь реакция идеялар таъсири остида турганлигидан, бу китобда ўзининг бадий асарларидан халойиқ олдида воз кечган эди, Россияда самодержавие-крепостнойлик тузумининг борлигини черков ва дин авторитети билан оқлашга ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилган ва диний-маънавий камолатга чақирган эди. Белинский ўзининг машҳур «Гоголга хат»ида «Ёзишма»ни жуда ҳам қаттиқ танқид қилиб чиққан эди, В. И. Ленин Белинскийнинг «Гоголга кат»ини «цензурасиз демократик матбуотнинг энг яхши асарларидан бири бўлиб, бу ўзининг зўр аҳамияти ва таъсирини ҳозиргача сақлаб келаётган асар» деб атаган эди. (Асарлар, 20 том, 258 бет). Бу хатда «Буюк Гоголни халқ ишига ҳиёнат қилиб, подшо томо-

нига ўтишга урингани учун ўзига хос сўнмас эҳтирос билан қаттиқ қоралаб, койиган эди». А. Жданов, «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида ҳамда М. Мураделининг «Улуғ дўстлик» операси ҳақида. Ўздавнашр — 1954 — Тошкент, 19 бет.

¹¹ (108 бет) «Загоскиннинг сўнгги романлари». . . — «Кузьма Рошчин» (1841), «Брянский лес» (1846) ва бошқалар. Бу романларда М. Н. Загоскин (1789—1852) қадимги Россиянинг турмушини консерватив тарзда ёзиб чиққан тор миллатчи ва реакционер эди.

¹² (108 бет) Бунда реакцион славянофил ёзувчиларнинг, айниқса шу лагерда турган арбоблардан бири — ёзувчи К. С. Аксаковнинг (1817—1860) шу билан бирга, С. П. Шевировнинг (1806—1864) — танқидчи, адабиёт тарихчиси ва шоирнинг Гоголга таъсири назарда тутилади.

¹³ (108 бет) Чернишевский бунда биринчи навбатда В. Г. Белинскийни назарда тутди.

¹⁴ (109 бет) «Ўлик жонлар» биринчи томининг ўн биринчи бобида олинган цитата.

¹⁵ (109 бет) «Рус повести ва жаноб Гоголнинг повестлари тўғрисида» — В. Г. Белинскийнинг мақоласи. «Телескоп» (1831—1836) — адабий танқидчи, Москва университетининг профессори Н. И. Надеждин томонидан нашр қилиниб келган журнал. Белинский ўзининг адабий танқидчилик фаолиятини мана шу журналда ва шу журнал қошида чиқадиган «Молва» деган газетада бошлаган эди. «Пушкин тўғрисидаги мақолалар» — «Александр Пушкин асарлари», Белинский мақолаларининг бир цикли (1843—1846)

¹⁶ (112 бет) Д. И. Фонвизиннинг комедиялари рус адабиётининг ундан кейинги бугун тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган эди. Пушкин билан Белинский бу тўғрида бир неча марта ёзган эдилар.

¹⁷ (112 бет) «Юрий Милославский ёки 1612 йилда Руслар» — М. Загоскиннинг 1829 йилда чиққан биринчи тарихий романи. Загоскиннинг бу романини Пушкин таҳлил қилиб чиққан эди ва бу таҳлил «Литературная газета»да (1830, 5) босилиб чиққан эди.

¹⁸ (112 бет) И. И. Лажечниковнинг (1792—1869): «Последный Новик» (1831—1833) ва «Муз уй» (1835 йил) деган тарихий романлари назарда тутилади.

¹⁹ (112 бет) В. Т. Нарезнийнинг (1780—1825) «Российский Жильбляз» (1814), «Бурсак» (1824), «Два Ивана, или Страсть к тяжбам» (1825) деган романлари назарда тутилади.

²⁰ (112 бет) «Якуб Скупалов, или исправленный муж». П. Свиньиннинг ахлоқий-сатирик романи, 1830 йилда чиққан.

21 (114 бет) Белинскийнинг «Рус повести ва Гоголь повестлари ҳақида» деган мақоласи назарда тутилади.

22 (113 бет) «Необыкновенный поединок»— Говорилиннинг (А. Я. Кульчицкийнинг тахаллуси) Н. Полевой ва бошқаларнинг романтик повестларига пародия «Отечественные записки»да 1845 йилда босилган.

23 (114 бет) Гётенинг «Худо ва баядера» (1798) деган балладаси назарда тутилади. Б а я д е р а — Ҳиндистонда диний маросимларда қатнашадиган раққоса.

24 (116 бет) Ундан кейинги даврдаги ёзувчиларнинг ўзи (Тургенев, Гончаров ва бошқалар) бир неча марта ўзларини фақат Гоголь шогирди деб эмас, шу билан бирга, Пушкин ва Лермонтовнинг ҳам шогирди деб атаганликларини ва шу уч буюк шоирнинг ижоди уларнинг ижодига жуда катта таъсир қилганлигини кўрсатиб ўтганликларини эсда тутиш лозим.

25 (116 бет) Чернишевскийнинг «Белкин қиссалари»нинг бадиий қийматларига берган баҳоси очиқдан-очиқ хатодир.

26 (117 бет) Кантемир А. Д.—(1708—1744)—шоир, таржимон ва дипломатия ходими; машҳур сатиралар ва тамом бўлмайд қолган «Петриада» деган поэманинг автори.

27 (118 бет) Бундан олдинги изоҳларга, шунингдек 413 бетга, Крилов тўғрисидаги изоҳга қаралсин.

28 (119 бет) Язиков Н. М. (1803—1846)— ёшлик чоғида Пушкин тўдасига кирган шоир. 40-йилларда жамоат фикрининг илғор оқимларига нисбатан жуда ҳам душманлик, реакционлик позициясида турган эди. Козлов И. И. (1779—1840)— шоир ва таржимон. Утган асрнинг 20-йилларида унинг «Чернец» деган поэмаси жуда катта муваффақият қозонган эди, Пушкин бу поэмани табриклар шепър ёзган эди.

29 (120 бет) Чернишевскийнинг бу муҳокамаси бир нарсани қатъий писанда қилиб қўйиши талаб қилади: Пушкин ижодининг ўзига хослиги ва оригиналлиги мутлақо шубҳасиздир.

30 (120 бет) Григорович Д. В. (1822—1899)— ёзувчи, «Қишлоқ», «Антон Горемыка», «Муҳожирлар» ва бошқа повестларнинг автори Л. Н. Т.—Л. Н. Толстойнинг 1852 йилда «Современник»да босилган дастлабки повестларига шундай имзо қўйилган эди.

31 (122 бет) Ламартин А. (1790—1869)— француз шоири, реакцион романтизм намояндаси, Ш а т о б р и а н Р. (1768—1848)— француз ёзувчиси ва сиёсий арбоби, реакцион романтизмга асос солган киши.

32 (123 бет) Беранже Г. (1780—1857)— француз революцион ашуланавис шоири

23 (125 бет) Н. А. Некрасовнинг «Блажен незлобивый поэт...» деган шеърдан олинган сўзлар, унинг бу шеъри 1852 йилда Гоголь вафоти муносабати билан ёзилган эди.

«Н. В. ГОГОЛЬ АСАРЛАРИ ВА ХАТЛАРИ» ДЕГАН МАҚОЛАДАН

Биринчи марта бу мақола «Современник»да 1857 йилда босилган эди. Бу мақола Гоголь асарлари ва хатлари тўпламининг босилиб чиқиши муносабати билан ёзилган эди, унинг бу асарларини Кулиш нашр қилган эди. Кулиш П. А. (1819—1897)—Украин ёзувчиси, тарихчи ва публицист, реакционер ва миллатчи.

Мақоладан парча босилган.

¹ (125 бет) Декабристлар қўзғолони бостирилгандан кейинги жуда қаттиқ реакция даври назарда тутилади, бу давр илғор фикр қувғинга олиниб, раҳмсиз равишда бостириб турилар эди.

² (125 бет) «Сын отечества»—1812 йилдан 1851 йилгача чиқиб турган реакцион журнал. «Отечественные записки»—1818 йилда чиқа бошлаган журнал. «Отечественные записки»нинг жуда гуллаб ривожланган даври 40-йиллар эди, бу йилларда журнал саҳифаларида Белинскийнинг мақолалари чиқиб турар эди. Кейинчалик, Чернышевский ишлаган вақтларда, журнал Белинскийнинг буюк традицияларини эсдан чиқариб, унга душманлик позицияда турди. Свиньин П. П., (1788—1839)—ёзувчи ва журналист.

³ (126 бет) Язиков Н. М. (1803—1846), Баратинский Е. А. (1800—1844), Дельвиг А. А. (1798—1831)—Пушкин билан замондош шоирлар.

⁴ (126 бет) «Марлинский танқиди...»—А. А. Бестужевнинг (Марлинскийнинг) «Полярная звезда» альманахида босилган танқидий мақолалари назарда тутилади. Бестужев (Марлинский) (1797—1837)—декабрист, ёзувчи ва танқидчи К. Ф. Рилеев билан биргаликда «Полярная звезда» альманахини нашр қилиб турар эди.

⁵ (126 бет) Пушкин «ҳозирги замон эътиқодларидан» воз кечган эди деб айтиш, албатта, нотўғри. Пушкин Гоголь ижодига жуда катта ва ижобий таъсир кўрсатди. (73 бетга тегишли 32-изоҳга қаралсин).

⁶ (126 бет) Катенин П. А. (1742—1853)—шоир, драматург ва танқидчи.

⁷ (130 бет) Ертов И. Д. (1777—1818)—ўзича етишган ёзувчи, тарих, астрономия ва табиат соҳаларида ёзган бир қанча асарлари бор.

⁸ (130 бет) Маколей—Т. Бабингтон (1800—1859), инглиз либерал тарихчиси ва сиёсий арбоби, «Цивилизация тарихи» деган

асарнинг автори. Маколей ўз китобида инглиз буржуазиясини ва Англиянинг мустамлакачилик ишларини идеаллаштирган. Маколей асосан 1688 йилдаги ўзгаришни, Англия буржуа тартибини «тинч йўл билан» ўрнатган шу ўзгаришни мақтаганлиги учун, К. Маркс уни бир неча марта тарихни сохталаштирган одам деб жуда шармандасини чиқарган эди. Шлоссер Ф. (1776—1861)— немис тарихчиси.

9 (130 бет) Нибуур Б. Г. (1776—1831)—немис тарихчиси.

10 (131 бет) Надеждин Н. И. (1804—1856)—Москва университетининг профессори, танқидчи, «Телескоп» журналининг ношири.

11 (135 бет) «Библиотека для чтения»—1836 йилдан бошлаб А. П. Смирдин ва О. И. Сенковскийлар томонидан нашр қилиниб турган ойлик журнал.

12 (136 бет) «Дўстлар билан ёзишмадан танланиб олинган жойлар» тўғрисида «Современник»да Белинскийнинг берган баҳолари ва «Гоголга хат»да унинг берган баҳолари муносабати билан Гоголнинг Белинскийга ёзган хати назарда тутилади.

13 (137 бет) Шевирев тўғрисида 108-бетга берилган 12 изоҳга қаралсин.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

РУС АДАБИЁТИНИНГ ГОГОЛЬ ДАВРИ ОЧЕРКЛАРИ

В. Г. Белинскийнинг фаолиятини характерлаб берадиган «Гоголь даври очерклари»даги бешинчи ва саккизинчи мақолалардан икки парча босилади.

1 (142 бет) Надеждин тўғрисида 131-бетга берилган 10 изоҳга қаралсин.

2 (142 бет) «Молва» — кундалик «Мода ва янгиликлар» газетаси бўлиб, «Телескоп» журнаliga илова қилинар эди. 1833 йилдан бошлаб В. Г. Белинский шу журналда ишлай бошлаган эди.

3 (143 бет) Барон Брамбелус — реакцион танқидчи ва журналист О. И. Сенковскийнинг тахаллуси (1800—1885).

4 (144 бет) А. В. Кольцовнинг 1835 йилда чиққан «Шеърлари»нинг биринчи наشري ва Белинскийнинг шу нашрга берган рецензиясини назарда тутилади, бу рецензия ўша йили «Телескоп» журналида босиб чиқарилган эди.

5 (144 бет) «Рус повести ва Гоголь повестлари ҳақида» деган мақолада (1835).

6 (147 бет) Натурал мактаб — Гоголь, традицияларини давом қилдирган адабиётда 40-йилларда янги реалистик оқимни

шундай деб атар эдилар. Ҳозир 40-йиллардаги реализмининг характерлаш учун «натурал мактаб» деган терминни ишлатиш тарихий перспективани бузиб кўрсатиш бўлар эди, чунки ҳозирги замон илмий адабиётшунослигида воқеликдан ғоясизлик билан нусха кўчиришни туфайли реализмга тамомила зид бўлган бадий метод натурализм деб аталади

7 (148 бет) гап С. П. Шевирев тўғрисида боради (бу тўғрида 108-бетга берилган 12-изоҳга қаралсин), Шевирев 1835 йилда «Московский наблюдатель» журналида Гоголнинг «Нос» деган повестини босиб чиқаришдан бош тортган эди.

8 (151 бет) Марлинский билан Полевойнинг ижодига Белинскийнинг «Рус повести ва Гоголь повестлари ҳақида» деган мақолада берган баҳоси кўзда тутилади.

9 (156 бет) «Потомок Багрима».—Шоир Державин Василий Тёмний замонида (XV асрда) Олтин Ўрдадан Россияга жўнаган татар мирзаси Багримнинг наслидан эди.

10 (159 бет) Пушкин тўғрисидаги мақолалар авторни—Белинский.

11 (161 бет) Далай-Лама—Тибетда олий будда руҳонийларнинг вакили.

12 (163 бет) «Отечественные записки»да рус адабиёти тўғрисида олтинта йиллик ҳисобот—Белинскийнинг рус адабиёти тўғрисидаги обзор мақолалари назарда тутилади.

13 (164 бет) Маколей ва Нибур 130-бетга берилган изоҳга қаралсин.

14 (168 бет) Тит Ливий (эрамиздан олдинги I аср)—Рим тарихчиси, Смит Адам (1723—1790)—инглиз экономисти, Ксенофонт (эрамиздан олдинги V—IV аср)—грек тарихчиси ва философи, Ромул—қадимги Римни қурган ва Римнинг биринчи подшоси бўлган афсонавий шахс, Нума Помпиль—афсонавий ривоятларга кўра, Римнинг иккинчи подшоси, Цинциннат Луций (эрамиздан олдинги V аср)—қадимги Рим сиёсий арбоби, Камилл (эрамиздан олдинги V асрнинг охири—IV асрнинг боши)—Рим лашкарбошиси, аристократлар партиясининг бошлиғи.

«ЖУРНАЛЛАР ТУҒРИСИДА ЗАМЕТКАЛАР»ДАН

Заметкалар дастлаб «Современник» журналида 1856 йилда (№: 8) босилган. Биз бунда Белинский хотирасига бағишланган бир парча ни келтирамиз, Белинскийнинг номи бунда N. N. ҳарфлари билан шифр қилиб кўрсатилган.

Чернишевскийнинг заметкаси Н. А Некрасовнинг «Огайним хотираси» деган шеъри билан ҳамоҳангдир, бу шеър Белинский хотирасига бағишланиб, 1855 йилда «Современник»да босилиб чиққан эди. Бу шеър қуйидаги сатрлар билан тугар эди:

Қабрлар кун сайин зичлашиб кетиб,
Қабринг ораликда топмишдир барҳам,
Ишонган дўстларинг сени ёд этиб,
Ачиниб қабрингга йўл солмади ҳам.

¹ (174 бет) Петербургдаги Волков мозори тўғрисида гап боради, В. Г. Белинский шу мозорга дафн этилган.

² (175 бет) «Ҳ а, у ин сон эди»— Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясидан олинган цитата.

³ (176 бет) Белинскийнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида жонкуярлик қилиб, Чернишевский, Добролюбов, Некрасов ва бир қанча бошқа ёзувчилар 1856 йилда В. Г. Белинский қабрига ёдгорлик қўйиш учун «Иона дафтари»га имзо чеккан эдилар. Бу ёдгорликнинг қачон қўйилганлиги бизга маълум эмас, лекин 1872 йилда бу ёдгорлик бор эди, бу нарса Россия адабиёти ҳаваскорлари жамиятининг В. Г. Белинский хотирасига ташкил қилган кўргазма альбомидан кўриниб туради. Москва 1898 йил; бу альбомга шу ёдгорликнинг ўша йили олинган сурати киритилган эди.

⁴ (177 бет) Чернишевский «Даҳшатли вабо» замони деб Фарбий Европада 1848 йилдаги революцион воқиялар муносабати билан пайдо бўлган жуда қаттиқ реакция даврига ишора қилади.

⁵ (177 бет) Бу «Заметкалар» босилиб чиққандан кейин орадан 24 йил ўтганда, 1879 йилдагина Москвада Пушкинга ҳайкал қўйилган эди.

Н. П. ОГАРЕВ

Н. ОГАРЕВ ШЕЪРЛАРИ

Бу мақола биринчи марта «Современник»да 1856 йилда босилиб чиққан эди, бу мақола А. И. Герценнинг дўсти ва сафдоши бўлган Н. П. Огаревнинг (1813—1877) биринчи шеърлар тўплами босилиб чиқиши муносабати билан ёзилган эди.

Шу мақола билан бир вақтда «Современник» журналининг ўша сонида «Рус адабиётининг Гоголь даври очерклари»нинг олтинчи боби ҳам босилган эди, Чернишевский бу мақолада Герцен — Огарев тўғарагини у вақтда ҳали легаль тарзда ишлаб турган Н. П. Огарев номи билан ниқоблаб, Россияда 30—40-йиллардаги революцион фикр тараққиётининг энг муҳим босқичларини ёритиб берган эди.

Бу иккала мақола Россиядаги китобхонларга Герцен тўғарагини ниқобланган формада эсга тушириб ўтиш, бу тўғарақда қатнашувчиларнинг гоёвий жиҳатдан ўсиш йўлларини тасвирлаб бериш, рус озодлик ҳаракати учун уларнинг ишларининг аҳамиятини кўрсатиб бериш учун қилинган далил ҳаракат эди.

1 (179 бет) Чернишевскийнинг Огарев китобини таҳлил қилиш-ни «Эски уй» шеърдан бошлаганлиги тасодикий эмас. Чернишевский Огаревнинг бошқа ҳамма шеърларидан кўра бу шеърининг умри узоқ бўлади, чунки унинг бу шеъри «тарих мулки» деб кўрсатиб ўтади. Уша вақтдаги цензура талабларига кўра, Чернишевский «Эски уй» шеъри сургунда бўлган Герценнинг номи билан жуда чамбарчас боғлиқ эканлигини аниқроқ айта олмаган эди.

Эски уй — А. Н. Герценнинг отаси И. А. Яковлевнинг уйи, бу уй Москвада сақланиб қолган эди, Герцен ёшлик чоғини шу уйда ўтказган эди. (Герценнинг «Былое и думы» деган асарининг биринчи қисмига қаралсин).

2 (180 бет) Н о р о з и ч о л — Герценнинг отаси И. А. Яковлев.

3 (183 бет) Уша вақтдаги авлод ичидаги ажойиб кишилар «Отечественные записки»да бирлашган (1840—1846) Белинский, Герцен, Огарев:

4 (183 бет) Огарев мансуб бўлган мактаб деганида, Чернишевский XIX аср 30-йиллардаги рус дворян революцион ёшларининг вакилларини бирлаштирган Герцен тўғарагини назарда тутди. Чернишевский цензура шароитларига кўра, бу тўғрида аниқроқ гапира олмаган эди.

5 (183 бет) Вафодор дўстликнинг энг яққол кўринишларидан бири Герцен билан Огаревнинг 1828 йилда Воробьёвы горы да «қадам қўйган кураш йўлимизда жонимизни ҳам қурбон қилишдан қайтмаймиз» деб қилган машҳур қасамёдларидир. (Былое и думы» биринчи қисм, тўртинчи боб — «Ник ва Воробьевы горы»).

6 (183 бет) Патрокл — Гомер «Илиада»сининг қаҳрамони. Троя урушида қатнашганлардан бири, Ахиллнинг дўсти. Дафнис — Сицилия афсоналарининг қаҳрамони, Гермес билан Нимфанинг ўғли, «Дафнис ва Хелоя» деган «чўпонлар ҳаётидан» ёзилган романда тасвирланган. Бунда Ахилл деганда Герцен, Патрокл деганда Огарев, Троя деганда самодержавие кўзда тутилади.

7 (183 бет) Огаревнинг қўл ёзмасида: «Қипяланғоч ҳақиқат — олдида (худонинг шарпаси ҳам) йўқ бўлиб кетибди...» дейилган. Биз қавс ичига олиб кўрсатган сўмги сўзларимизни цензура олиб ташлаган эди, шу билан шеърнинг вазн ва қофияси ҳам бузилган эди.

8 (186 бет) Мефистофель—яхшиликка ишонмайдиган ёвуз рух, Гётенинг «Фауст» деган трагедиясида олим Фаустнинг йўлдоши; Мефистофель деган ном турдош ном бўлиб қолган.

9 (186 бет) Бельтов—А. И. Герценнинг «Ким айбдор?» деган романининг қаҳрамони. Рудин—И. С. Тургеневнинг «Рудин» романининг қаҳрамони.

10 (186 бет) Чернишевскийнинг кейинчалик Огарев тўғрисида ёзиши мумкин бўлмай қолган эди, чунки шоир 1856 йилда Россиядан чиқиб кетиб, сиёсий эмигрант бўлиб кетган эди.

А. Н. ОСТРОВСКИЙ «КАМБАГАЛЛИК АЙБ ЭМАС»

А. Н. Островскийнинг «Қамбағаллик айб эмас» комедияси биринчи марта Москвада, Малий театр саҳнасида 1854 йил бошида қўйилиб, ўша йили айрим китоб бўлиб босилиб чиққан эди. Н. Г. Чернишевскийнинг бу пьесани танқид қилиб ёзган мақоласи шу китоб тўғрисида ёзилган эди. Бу мақола «Современник»да 1854 йилда босилиб чиққан эди ва Чернишевскийнинг бу журналдаги дастлабки мақолаларидан бири эди, ўша йилиёқ бу мақолага «Отечественные записки» журналининг ҳужум қилиб чиқишига сабаб бўлди. Чернишевский бу ҳужумга жавобан «Танқидда ҳалоллик тўғрисида» деган мақола ёзиб, бу мақолада «Современник»да «Қамбағаллик айб эмас» комедиясига ёмон баҳо берилганлигига сабаб бу ажойиб драматургнинг биринчи комедияси бўлган «Қўйнидан тўкилса қўнжиги» деган комедиясида жуда яққол намоён бўлган танқидий реализм принципларидан қайтганлигидир, деб тушунтириб берган эди.

1 (188 бет) Дастлаб «Банкрот» деб аталган «Қўйнидан тўкилса қўнжиги» деган комедия 1850 йилда босиб чиқарилган эди. Бу комедияни ўша вақтдаги китобхонлар адабиётда Гоголь оқидамида бўлган энг ёрқин ҳодисалардан бири деб қабул қилган эдилар; бу комедияни қўйиш ман қилинган эди, унинг босиб чиқарилиши цензуранинг бепарволиги деб топилган эди, автори эса полиция назорати остига олиниб, беш йилгача полиция назорати остида юрган эди. «Қўйнидан тўкилса қўнжиги» фақат 1861 йилда саҳнага қўйилган эди. Ушанда ҳам бузиб саҳнага қўйилган эди. Бу пьесани дастлабки редакция текстига мувофиқ саҳнага қўйишга фақат 1881 йилдагина ижозат берилган эди.

2 (188 бет) «Қамбағал келин» «Москвитянин»журналда 1852 йилда босиб чиқарилган эди.

3 (188 бет) «Бегонанинг чанасига тушма» деган комедия «Москвитянин»да 1853 йилда босиб чиқарилган эди. Бу пьеса тўғрисида «Современник»да чиққан рецензияда бундай дейилган эди: «...бу

комедия бадий жиҳатдан унинг (Островскийнинг) биринчи пьесаси билан бир қаторга қўйилиши мумкин эмас. Умуман «Бегонанинг чанасига тушма» — оддий таланти асарлар қаторидан четга чиқадиган асар эмас».

4 (189 бет) Бу ерда ва ундан нарида ҳам А. Григорьев (1822—1864) — «Москвитянин» журналида ёзиб турган славянофил шоир ва реакцион танқидчи назарда тугилади. Ёш «славянофиллар», ўз устозлари бўлган «ёши катта» славянофиллар сингари, «эски азалги Русь»нинг патриархаллик негизлари мустаҳкам негизлардир деб исбот қилишга ҳаракат қилган эдилар, лекин улардан фарқ қилиб, фақат деҳқонларнигина эмас, асосан саноат ва савдо буржуазиясини зўр бериб идеаллаштирган эдилар. Островский танқидий реализм принципларидан қисқа бир давр мобайнида (1852—1855) четга чиқиб, славянофилларга яқинлашган эди ва «ёш» «Москвитянин» редакциясига кирган эди. Чернишевский «Камбағаллик айб эмас» комедияси тўғрисидаги мақоласини худди шу вақтда ёзиб чиққан эди. У, Островскийни славянофилликка ўтиб кетишдан огоҳлантирган эди ва ҳақиқатни ҳар қандай идеаллаштиришдан воз кечиб, Гоголь мактаби традицияларига қайтишга қақирган эди.

5 (189 бет) В. Шекспир трагедиялари санаб кўрсатилган.

6 (190 бет) А. Григорьевнинг «Санъат ва ҳақиқат» деган катта шеърдан бир парча (1854). Бу шеър Рашелнинг (шу вақтларда Малий театр саҳнасида Шекспир асарларидаги ролларда ўйнаб турган машҳур француз актрисаси) ўйинини «Камбағаллик айб эмас» пьесасида Любим Торцов ролини ижро этган П. М. Садовский ўйинига қарама-қарши қилиб қўйиш асосида ёзилган эди. Н. А. Добролюбов А. Григорьевнинг мана шу шеърларини назарда тутиб, «Зулмат» деган мақолада (1859) бундай деб ёзган эди: «Уларнинг эксцентриклигидан ўз вақтида жуда кўп кулган эдилар, лекин улар типик эркинлик эмас эди, Островскийнинг ҳар бир жумласидан жуда ҳам завқланган партиянинг танқидий фикрларининг жуда тўғри ифодаси эди... Островскийни мақтаганлар, у янги сўз айтди, деб қичқирган эдилар; лекин: «Бу янги сўз нимадан ибрат?» деган саволга узоқ вақтгача ҳеч қандай жавоб бермадилар, сўнгра, бу янги сўз — нима деб ўйлардингиз? — унинг халқчиликгиндан бошқа бир нарса эмас, дедилар. Лекин бу халқчилик Любим Торцов муносабати билан саҳнага уялинқираб тортиб чиқарилган бир нарса эди...» А. Григорьев халқчилик деган сўзни нотўғри, реакцион славянофилларнинг қарашлари руҳида тушунган эди, шу билан бу тушунчани унинг чин мазмунидан маҳрум қилган эди.

7 (190 бет) «Пан Халяевский» — ёзувчи, шоир ва драматург. Г. В. Квитко — Основьяненконинг романи (1778—1843) — бу ро-

манда эски замон украин турмуши жуда ҳам ҳажвий қилиб тас-
вирлаб берилган Грибенка Е. П. (1812—1848) — украин ёзув-
чиси

8 (190 бет) А. Григорьев «Санъат ва ҳақиқат» деган шеърида
Островскийнинг «Қамбағаллик айб эмас» деган комедиясини Шекс-
пирнинг юқорида кўрсатиб ўтилган трагедияларидан юқори қўяди.

9 (190 бет) Глинка С. Н.— (1776—1847)— ёзувчи ва мему-
арист («1812 йил тўғрисидаги мактублар», «Москва тўғрисидаги
мактублар»), «Русский вестник» журналининг ношири. Глинканинг
«А. П. Сумароков ҳаёти ва таъланган асарларининг очерклари»
(СПБ, 1841) деган китоби рус классицизмнинг бу намояндаси
тўғрисидаги ҳаддан ташқари мақтовлар билан тўлган эди, Черни-
шевский бу тўғрида, у «ўзининг қаҳрамонларини портретлардан,
ёки, яхшироғи, идеал бюстлардан» олиб тасвирлаб берган, деган
эди («Русские трагики»: Сумароков, Княжнин и Озеров»). Белин-
ский «Русская литература 1841 году» деган обзорида Глинканинг
китоби тўғрисида киноя билан ёзган эди.

10 (191 бет) Потехин А. А. (1829—1908)— ёзувчи ва дра-
матург. Красовский А. (1853 йилда ўлган) — драматург, 1854
йилда нашр этилган «Жених из Ножевой линии» деган комедия-
нинг автори. Бу комедияда майда савдогар ва гумашталарнинг
турмуши ва урф-одати тасвирлаб берилган.

11 (193 бет) Звонский, Грёмин, Блестов — А. Л.
Бестужев (Марлинский)нинг «Синав» деган повестининг қаҳ-
рамонлари.

12 (193 бет) Корнель П. (1606—1684) ва Расин Ж
(1639—1699) — француз драматурглари, француз классицизмнинг
энг йирик намояндалари.

13 (195 бет) «Замогильные записки» — француз реакцион
ёзувчиси Р. Шатобрианнинг хотира китоби. Аристо Л. (1474—
1533) италян шоири, «Неистовый Роланд» деган поэманинг автори,
бу поэманинг сюжети рицарлик замонлари тўғрисидаги романлар-
дан олинган.

14 (196 бет) А. Григорьевнинг «Санъат ва ҳақиқат» деган шеъ-
ридан цитата келтирилган.

15 (198 бет) «Драмы из обыденной, преимущественно столич-
ной жизни. Раздумье артиста», Буйновидов асари. Чернишевский,
албатта, бу адабий тақлидни ҳазиллашиб «шекспирнамо» асар деб
атайди, бу адабий тақлид «Современник»нинг «Литературный ера-
лаш» деган бўлимида 1854 йилда 2-сониди босилган эди. Буйно-
видов танқидчи ва беллетрист А. В. Дружинининг тахаллусидир
(244-бетга берилган изоҳга қаралсин).

16 (200 бет) «Мельник, колдун, обманщик и сват» — ёзувчи,

шоир ва драматург А. О. Аблесимов (1742—1783)нинг ҳажвий операси, бу операнинг сюжети халқ турмушидан олинган. Биринчи марта Москвада 1779 йилда қўйилиб, жуда катта муваффақият қозонган эди. Бу пьесанинг музыкаси дастлаб рус қўшиқларидан олинган эди. Кейинроқ унга композитор Е. И. Фомин музика ёзган эди (1792).

¹⁷ (200 бет) А. Григорьевнинг «Санъат ва ҳақиқат» деган шеърдан олинган цитата. А. Григорьевнинг бу сатрлари француз актрисаси Рашельга бағишланган.

¹⁸ (200 бет) «Эскириб қолган формаларни сохтагарлик билан идеаллаштириш»га қарши қаратилган мақоланинг яъни Островский пьесасига юққан славянофиллик таъсирларига қарши қаратилган мақоланинг жуда мунозара тарзида кескин қилиб ёзилганлиги Чернишевскийнинг бу пьесадаги баъзи бир айрим муваффақиятли томонларга тўхталиб ўтишига имкон бермаган эди. Чернишевский «Танқидда ҳалоллик тўғрисида» деган мақолада бу пьесадаги айрим образларнинг бадий қийматини кўрсатиб ўтган эди.

Н. А. Добролюбов «Зулмат» деган мақолада «Бегонанинг чанасига тушма», «Қамбағаллик айб эмас» ва «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма» деган комедиялар тўғрисида бундай деб ёзган эди: «...бу асарларда ҳам авторнинг анча тузук бадий туйғуси намён бўлиб кўринмасдан иложи бўлмаган, шунинг учун ҳам тасвирлаб берган айрим ҳоллар ва айрим характерлар доимо чин ҳокимиятлигини кўрсатиб туради».

«ЖУРНАЛЛАР ҲАҚИДА ЗАМЕТКАЛАР»ДАН

Чернишевский «Современник» журналида систематик суратда босилиб келган «Журналлар ҳақида заметкалар»да 1857 йилда А. Н. Островскийнинг «Сердаромад жой» деган янги комедиясига жуда юқори баҳо берган эди, унинг бу комедияси драматургнинг славянофиллик таъсирларидан қутулганлигини ва танқидий реализм принципларига содиқ бўлиб қолганлигини кўрсатар эди.

¹ (201 бет) «Сердаромад жой» комедиясини Островский 1856 йилда ёзган, матбуотда 1857 йил бошида босилиб чиққан эди. Лекин бу комедияни фақат 1863 йилдагина саҳнага қўйишга рухсат берилган эди.

² (201 бет) Островскийнинг замондошларидан кўплари, Островский «Қўйнидан тўкилса қўнжига» деган пьесасида ўз ижодида бошлаган оқимга «Сердаромад жой»да яна қайтиб келди, деб ўтган эдилар. Л. Н. Толстойнинг берган баҳосини келтирамиз Л. Н. Толстой В. П. Боткинга 1857 йилда ёзган хатида бундай деган эди: «Островскийнинг комедияси эса, менингча унинг энг

яхши асаридир, «Банкрот»да («Банкрот» — «Қўйнидан тўкилса қўнжига» деган пьесанинг дастлабки номи) қандай бўлса, унинг бу асарида ҳам зулмат ва ғам-ғусса шундай чуқур қилиб тасвирлаб берилган».

³ (206 бет) Чернишевский ўз вафотидан бир йил илгарини, 1888 йилда В. Лавровга ёзган хатида А. Н. Островскийнинг талантига жуда юқори баҳо берган эди: «Менинг дид-фаросатим кўп-ларникидан жиддийроқдир; масалан, Лермонтов билан Гоголдан кейин русча проза билан ёзган ҳамма ёзувчилар ичида мен фақат бир драматургнинг — Островскийнинг талантини энг кучли талант деб биламан...» (Полн, собр. соч. т. XV стр 801).

И. С. ТУРГЕНЕВ

«ЖУРНАЛЛАР ҲАҚИДА ЗАМЕТКАЛАР»ДАН

«Журналлар ҳақида заметкалар» (1857 йил январь) дастлаб «Современник» журналининг 1857 йилдаги 2-сонида босилган эди. Биз булардан И. С. Тургеневга тегишли парчаларни келтирамиз.

¹ (207 бет) Тредиаковский Б. К. (1703—1769) — шоир, олим ва таржимон. Лукин В. И. (1737—1794) — таржимон ва драматург.

² (207 бет) Писемский А. Ф. (1820—1881) — романист ва драматург.

³ (208 бет) «Отечественные записки» танқидчиси С. Дудишкин Тургеневнинг «Повестлари ва ҳикоялари» деган мақоласида, Тургенев — оригиналликдан маҳрум ёзувчидир, у нуқул Лермонтовга тақлид қилади, унинг повестидаги қаҳрамонлар «ҳаммаси бир хил ва нурсиз... чунки турмушдан узилган ҳолда ҳаёт кечирадидилар, турмушга тақилмайдилар, турмушни билмайдилар...» деб исбот қилмоқчи бўлган эди. Шу билан бирга Дудишкин Белинскийнинг номини тилга олмасдан, унинг эстетик қарашларини ерга уришга ҳаракат қилган эди. Чернишевскийнинг кичик мақолалари ёзувчиларни самодержавиечи-крепостнойчи Россиядаги турмуш билан «яраштириш зарур, деб эълон қилган реакцион танқидчига қилмишига яраша зарба берган эди.

⁴ (209 бет) Гамлет ва Офелия — Шекспирнинг «Дания шаҳзодаси Гамлет» деган трагедиясидаги қаҳрамонлар. Ромео ва Жульетта — Шекспирнинг шу трагедиясидаги қаҳрамонлар. Отелло ва Дездемона — Шекспирнинг «Отелло» трагедиясидаги қаҳрамонлар.

⁵ (210 бет) Белинскийнинг «Отечественные записки»да ҳамкорлик қилган даври кўзда тутилади.

6 (210 бет) Пасинков — Тургеневнинг «Яков Пасинков» деган ҳикоясининг қаҳрамони. Бреттёр — Авдей Иванович Лучков — Тургеневнинг «Бреттёр» деган ҳикоясининг қаҳрамони. Вязовнин — Тургеневнинг «Икки дўст» деган ҳикоясининг қаҳрамони.

7 (210 бет) «.. эски «Отечественные записки» ларда ва «Современник»нинг дастлабки йилларида» — яъни Белинскийнинг мана шу журналларда босилиб чиққан мақолаларида, жумладан «Современник»нинг 1848 йилдаги сонларида босилган «1847 йилдаги рус адабиётига бир назар» деган мақоласи.

8 (211 бет) Бельтов — Герценнинг «Ким айбдор» деган романининг қаҳрамони (1846).

9 (211 бет) «...яқинда у «Современник»да ўқиди...» — Чернишевскийнинг «Н. Огарев шеърлари» деган мақоласи кўзда тутилади. (Шу китобнинг 178-бетига қаралсин).

10 (212 бет) Манфред — Байроннинг «Манфред» деган драматик поэмасининг қаҳрамони. Фауст — Гётенинг «Фауст» трагедиясининг қаҳрамони. Дон-Жуан — Байроннинг «Дон-Жуан» деган поэмасининг қаҳрамони.

11 (214 бет) Лопе де Вега Ф. (1562—1635) — испан драматурги, испан миллий театрини ташкил қилган киши. Софокл — 78 бетга берилган 3-изоҳга қаралсин.

12 (215 бет) «Овчининг хатлари»га славянофиллар лагеридан бўлган матбуот органларида жуда салбий баҳо берилганлиги назарда тутилади

РУС КИШИСИ RENDEZ — VOUSDA

Бу мақола 1858 йилда «Атеней» журналинда босиб чиқарилган эди. Бу тўғрида муфассал маълумотлар учун сўз бошининг 24—25-бетига қаралсин.

1 (216 бет) Чернишевский фош этувчи ҳикоялар деганида крепостной Россиядаги тартибларни жуда қаттиқ савалаган ҳикояларни, «Шчедрин руҳида» ёзилган ҳикояларни назарда тутди; Шчедриннинг «Губерния очерклари» босилиб чиққанидан кейин, 50-йилларнинг охирига келиб жуда кўп шундай ҳикоялар босилиб чиққан эди, бу ҳикояларни китобхонлар ўқиб жуда мамнун бўлган эдилар.

2 (217 бет) Ромео ва Жульетта — Шекспирнинг шу номи трагедиясидаги асосий қаҳрамонлар.

3 (218 бет). Шекспир трагедиясининг биринчи пардасида Ромео билан Жульеттанинг дастлаб учрашуви ва уларнинг кўнралида бирданига бир-бирига жуда зўр муҳаббат пайдо бўлганлиги кўрсатил-

ган. «Печориннинг кўнглидагидай хотима»—Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» деган романида «Княжна Мери» қандай тамомланганлиги назарда тутилади.

4 (218 бет) ўз вақтини яқкаш қарта ўйнаш билан ўтказадиган разил бир обиватель бу ерда Шиллернинг «Пиколомини» ва «Валленштейннинг вафоти» деган драмалари қаҳрамонлари билан таққосланади. Макс Пиколоминининг хусусияти — идеал олийжаноблик олий даражали туйғу, ўз бурчи ва қадр-қимматини тушунишидир.

5 (219 бет) «Фауст—И. С. Тургеневнинг «тўққиз хатдан иборат ҳикоя»си (1856) назарда тутилади.

6 (220 бет) Бельтов—Герценнинг «Қим айбдор?» деган романининг қаҳрамони (1846).

7 (231 бет) Рейн Русалкаси Лорелей тўғрисидаги ҳикоя немис романтик шоири Brentano (1778—1842)нинг ҳикоясидир, кейинчалик немис поэзиясида ҳам бир неча марта учрайди.

8 (234 бет) Гофман Э.-Т.-А. (1776—1822)—немис ёзувчиси, бунинг ижоди мистик кайфиятлар билан суғорилган эди. Бу мақолада яна Гофманнинг «Повелитель блох» деган эртаги тўғрисида гапирилади.

9 (238 бет) Чернишевский бунда «Оилавий низо» тўғрисида гапирганида, дворян интеллигентлар билан турли табақалардан бўлган интеллигентлар ўртасидаги ижтимоий низони кўрсатиб ўтган эди.

Мақоланинг бундан кейинги сатрларида, тарихий тараққиёт туфайли «40-йиллардаги кишилар» билан олтмишинчи йиллардаги турли табақалардан чиққан революцион авлод ўртасида чегара тортилди, бу революцион авлод «тарихий тараққиётнинг бошида туриши ва янги кучлар билан» бош кўтариб чиқиши лозим, деб такидлаб кўрсатилган эди. (Чернишевскийнинг «Н. Огарев шеърлари»га ёзган рецензиясидан олинган сўзлар).

10 (241 бет) Чернишевский деҳқонлар билан крепостник-помещикларнинг синфий манфаатлари бир-бирига тамомила зид эканлигини очиқ гапиришга имкон тополмаган эди. Чернишевский цензуранинг тўсиқларига чап бериб кетишга ҳаракат қилиб, ўз мақоласининг охирида аллегория йўлини тутди. Бунда тортишув тўғрисида гапирганида, рус деҳқонларининг самодержавие ва крепостниклар билан олиб борган тарихий «курашини» назарда тутди, тарихий процесснинг шафқатсизлигини «жанжални кечиктирмасдан албатта ҳал қилиш учун буйруқ олган» суд раиси образи билан ифода қилиб кўрсатади. Мақоланинг охирида инжилдан келтирилган цитатанинг маъноси крепостнойликни ҳимоя қилувчиларга агар сиз бу «кураш»да ўз ихтиёрингиз билан ён босмангиз, сизни халқ жазога тортади, тарих сизнинг устингиздан ҳукм чиқаради, деб шуларни цензурага мувофиқ формада айтиб ўтиш эди.

Албатта, буюк революцион-демократ крепостникларнинг ўз ихтиёрлари билан ҳеч қандай ён босишлари мумкин эмаслигини жуда яхши тушунар эди; унинг мақоласининг сўнгги сатрларида шу масаланинг ўзи жуда ўткирлаштирилиб, чоризм ва крепостнойликни ағдариб ташлашга зимдан даъват қилинган эди.

Н. А. НЕКРАСОВ

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ ХАТЛАРИДАН

Чернишевский буюк рус халқ шоирининг ижодига жуда ҳам юқори баҳо берган эди. Чернишевский Некрасов билан 1853 йил охирида дастлаб қандай танишганлигини тасвирлаб бундай дейди: «Мен ўша вақтдаёқ Некрасовни буюк шоир деб ҳисоблашга ва шоирлиги учун уни севишга одатланган эдим». Лекин Чернишевский Некрасов поэзияси тўғрисида ўз фикрини матбуотда билдиришга имкон топа олмаган эди, сабаби шу эдики, «Современник» саҳифаларида шу журнал редакторининг шоирлик фаолиятига баҳо беришни ўнғайсиз деб ҳисоблаган эди. Чернишевскийнинг Н. А. Некрасовга ва А. Н. Пипинга ёзган хатлари (бу китобда шу хатлардан парчалар келтирилган) буюк танқидчининг революцион демократия шоирга қандай муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

1

Н. А. Некрасовга 1856 йил 24 сентябрда ёзилган хатдан

Некрасов 1856 йилда биринчи шеърлар тўпламини босиб чиқарди. У, Чернишевскийдан илтимос қилиб, бу тўплам тўғрисида ўз фикрини айтишни сўради. Бу хат шу вақтда чет элларда яшаб турган Некрасовнинг илтимосига берилган жавобдир.

¹ (242 бет) 1855 йилда ёзилган сарлавҳасиз шеър шундай бошланади:

Аллақачон сен рад этганинг,
Мен борардим бу соҳиллардан... ва ҳоказо.

² (242 бет) Некрасовда: «Менинг қаҳри қаттиқ, беўхшов шеърим...» «Ҳаёт байрами — ёшлик йиллари...» (1855).

³ (243 бет) Майков А. Н. (1821—1897) ва Фет (Шеншин) А. А. (1820—1892)— шоирлар.

⁴ (244 бет) «Норма» — ўша йиллари жуда машҳур бўлган италиян композитори Беллинининг операси, бу операда француз ашулачиси П. Виардо хоним ҳаммани жуда қойил қилиб ашула айтар эди.

5 (244 бет) Дружинин А. В. (1824—1864)— ёзувчи, таржимон, танқидчи ва ношир: «соф санъат» деган назарияни ҳимоя қилган эди. Дружинин «Библиотека для чтения» деган журналнинг редактори эди

Чернишевскийнинг бу журналда Некрасов шеърларига бағишланган мақолаларни босиб чиқариш тўғрисида олиб борган музокаралари натижа бермади.

II

Н. А. Некрасовга 1856 йил 5 ноябрда ёзилган хатдан

1 (246 бет) Чернишевский Некрасовнинг тўрт шеърини (1845), «Янглиш зулматидан чиққан пайтда...» (1855) «Аллақачон сен рад этганинг...» (1849) «Мен зиёрат қилдим мазоринг...» (1852) «Эй сен қалтис, бенаф эҳтирос...» («Уятчанлик», 1852) деган шеърларни кўрсатиб ўтади.

2 (246 бет) Некрасовнинг поэзияси Чернишевскийга қандай зўр таъсир кўрсатганлигини шоир Н. А. Пановнинг ва Чернишевскийга котиблик қилиб юрган М. П. Красовнинг Чернишевский ҳаётининг сўнгги йилларига тегишли хотираларидан кўrsa бўлади. «Н. Г. «Бир соатлик рицарь»ни эшитасизми, деб таклиф қилди... Бунга шу қадар берилиб кетибманки, Н. Г. нинг товуши борган сари жуда жаранглаб кетганлигини ҳам пайқамай қолибман. У «қўнғироқхонага чиқишдан ўтиб, она хотираси олдида тавба қилиш тўғрисидаги охириги байтни тутилиб-тутилиб синиқ товуш билан ўқий бошлади. Бирдан Н. Г. ўзини тутолмай хўнграб йиғлаб юборди... Мен уни тўхтата олмай қолдим, чунки менга ҳам жуда таъсир қилган эди» М. П. Красов хотирасидан. «Литературное наследство» № 49—50, стр. 602).

3 (246 бет) Некрасовнинг Чернишевскийга ёзган, лекин бизга келиб етмаган хатида шоир, афтидан, Чернишевский бундан илгариги берган баҳосида менинг поэзиямининг аҳамиятини жуда ошириб юборган, деган фикрни билдирган бўлса керак. Чернишевский, Некрасовнинг лирикаси энг буюк рус шоирларининг лирикасидан қолишмаслигига уни ишонтирмоқчи бўлиб, «тенденцияли» поэзия масаласини атайини ўткир қилиб қўйган эди. Чернишевскийнинг бу фикрини, Чернишевский адабий асарда тенденциянинг зарурлигини инкор қилди, деб қараш қўпол хато бўлар эди. Ҳақиқатда ғоявий жиҳатдан жуда мукамал ва органик жиҳатдан «тенденцияли» поэзияни танқидчи жуда қадрлар ва шундай поэзиядан жуда завқланар эди. Белинскийдан кейин Чернишевский адабиётнинг турмуш билан мустақкам алоқадор бўлиши зарурлигини кўрсатиб ўтди, ёзувчининг жамият устози бўлиш ҳуқуқини

тасдиқлаб берди ва бадиний асар «турмуш дарслиги» бўлиши лозим деб айтар эди.

4 (247 бет) Циганов Н. Г. (1791—1831)—шоир, крепостной-ликдан бўшатилиб, эркинлик берилган савдогар деҳқоннинг ўғли. Унинг қўшиқлари стиллаштирилган халқ қўшиғи билан XIX аср бошларидаги сентименталь романс қурамасидан иборатдир («Она-жоним, менга қизил сарафан тикма...» ва бошқалар) Мерзляков А. Ф.—(1778—1730—шоир ва танқидчи, 1830 йилда чиққан «Қўшиқлар ва романслар» деган китобнинг автори. Мерзляковнинг халқ қўшиқларига тақлид қилиб ёзган қўшиқлари орасида «Теп-текис далаларда» деган қўшиғи жуда ҳам машҳур бўлган эди.

5 (247 бет) Н. А. Некрасовнинг «Жим бўл, қасос, ғам-гусса фариштаси» (1855) деган шеърдан.

6 (248 бет) Н. А. Некрасовнинг «Шоир ва гражданин» (1856) деган шеърдан.

III

А. Н. Пипинга 1877 йил 14 августда ёзилган хатдан

Бу хат Вилюйскда ёзилган эди, Н. Г. Чернишевский каторга муҳлатини тамом қилгандан кейин шу шаҳарга сургун қилинган эди. Бу хат Пипиннинг 1877 йил 12 апрель ва 14 майда ёзган хатига берилган жавоб эди, Пипин бу хатларида касал ётган Некрасовнинг аҳволи жуда оғир эканлиги тўғрисида Чернишевскийга хабар берган эди.

1 (249 бет) Чернишевский Некрасовнинг вафотидан кейин «Отечественные записки»да босилиб чиққан «Последние песни» деган шеърлар циклини (1877): «Вступление», «Сеятелям», «Молебен», «Зине», «Скоро стану добычею тленья»... ва бошқа шеърларни кўзда тутди.

2 (250 бет) Улим тўшагида ётган Некрасов Чернишевскийнинг шу сўзларига жавобан Пипиндан илтимос қилиб, ҳали ҳам сургунда азоб чекиб ётган ўз дўстига қуйидаги сўзларни ёзишни сўраган эди. «Николай Гавриловичга айтинг, мен ундан жуда миннатдорман... Мен энди тасалли топдим... Унинг сўзлари бошқа ҳар бир кишининг сўзидан менга қиймат туради...» А. Н. Пипиннинг Н. Г. Чернишевскийга ёзган хатидан. (1877 йил 5 ноябрь).

Н. А. НЕКРАСОВНИНГ ВАФОТИДАН КЕЙИН НАШР ЭТИЛГАН ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Н. Г. Чернишевский бу «Заметкалар»ни 1886 йилда Н. А. Некрасов шеърларининг вафотидан кейинги нашрини ўқиб Астраханда ёзган эди, Некрасов шеърларининг бу нашри 1879 йилда Петер-

бургда тўрт том бўлиб чиққан эди. Бу нашрининг биринчи томига «Н. А. Некрасов. Биографик маълумотлар» деган мақола муқаддима қилинган эди, бу мақолани буржуа — либерал адабиёт тарихчиси А. М. Скобичевский ёзган эди. Чернишевский изоҳларининг биринчи қисми шу мақолага тегишлидир. Бошқа заметкалар шеърларнинг тўртинчи томида босилган изоҳларга тегишлидир. Назорат остида бўлган ва сургун қилинган Чернишевскийнинг матбуотда чиқиши тақиқ қилинган эди, шунинг учун ҳам у ўзининг роявий дўсти ва сарфдоши тўғрисидаги хотираларини нашр қилишга ҳам иложи бўлмади, Скобичевскийнинг Некрасов тўғрисидаги мулоҳазаларини кенг суратда танқид қилиб чиқишга ҳам илож топмади. У фақат шу заметкаларни ёзиш билангина кифояланиб қўя қолди ва бу заметкаларини А. Н. Пипинга 1886 йил 17 июнда ёзган хатига илова қилган эди, бу заметкаларда бундай деб ёзган эди: «Биографик маълумотлар» ва Некрасов шеърларининг вафотидан кейинги нашрига киритилган ҳар жил иловалар унинг бундан кейин бўладиган биографлари учун ёки унинг асарини кадрлайдиган кишилар учун материал бўлиб хизмат қилса керак. Шунинг учун мең бу шеърларга атаб бир қанча заметкалар ёзмоқчи бўлдим».

1 (251 бет) Муваффақиятсиз чиққан Крим кампанияси, мамлакат ичида тобора ўсиб борган деҳқонлар ғалаёни ва крепостной ҳуқуқни бекор қилишга қаратилган ва тобора кенгайган ижтимоий ҳаракат чор Россияси ҳукуматини цензуранинг қатъий талабларини бир мунча бўшатишга мажбур қилди, бу нарса революцион-демократик лагердан бўлган ёзувчиларга ва биринчи навбадда Некрасовга революцион озодлик ҳаракати ишига хизмат қилган бир қанча асарлар ёзиб чиқишга имкон берган эди. Некрасов ўзининг адабий фаолиятининг шу даврида «Шоир ва гражданин», «Осойишталик», «Маҳкама эшиги олдидаги мулоҳазалар», «Еремушка алласи» ва бошқа бир қанча асарлар ёзган эди.

2 (252 бет) Бенедиктов В. Г. (1807—1873) — 30-йиллар охирида арзимаса ҳам, лекин жуда катта шов-шувларга сабаб бўлган муваффақият қозонган шоир. Белинский Бенедиктовнинг жуда тамтароқ поэзиясини танқид қилиб чиқиб, унинг ижодида чуқур мазмун йўқ, унинг ижодида соддалик ва табиийлик йўқ, деб кўрсатиб ўтган эди. Коцебу А. (1761—1819) — Реакцион немис драматурги, «мешчанлар» драмасини яратган киши. Ўз ҳаётининг охирида рус ҳукуматидан мояна олиб, рус ҳукуматига Германиянинг ички аҳволи тўғрисида маълумотлар бериб турар эди. 1819 йилда Занд деган бир студент уни озодлик душмани ва самодержавие малайи деб ўлдирган эди.

3 (255 бет) Мегмет-Али — турк генерали, 1805 йилдан бошлаб Миср ҳокими.

4 (255 бет) Маҳмуд II.—1808 йилдан 1839 йилгача турк султони.

5 (255 бет) Ленин «Деҳқонлар реформаси ва пролетар деҳқон революцияси» деган мақолада (1911) бундай деб ёзган эди:

«Крепостниклар ва либералларнинг бизнинг либерал ва либерал-народник тарихчиларимиз томонидан жуда ҳам кўпиртирилган, ҳар хил рангларга бўяб кўрсатилган машҳур кураши ҳукмрон синфлар *ичидаги* кураш эди, кўпроқ *помешчиклар ичидаги* кураш эди, *нуқул* ён беришнинг даражаси ва формаси устида бўлган кураш эди. Либераллар ҳам, крепостникларга ўхшаб, помещикларнинг мулкдорлигини ва ҳокимиятини эътироф қилиш заминидан *туриб*, бу мулкдорликни *йўқ қилиш* ҳақидаги, бу ҳокимиятни *тамомила йиқитиш* ҳақидаги ҳар қандай революцион фикрларни қаҳр-ғазаб билан қоралаган эдилар.

Крепостной деҳқонлар миясида бундай революцион фикрларнинг пайдо бўлмаслиги мумкин эмас эди. Куллик асрлари деҳқонлар оммасини ниҳоятда эзиб ва жаҳолатда қолдириб келганлигидан, реформа вақтида уларнинг қўлидан ҳеч қандай сиёсий онг билан ёритилмаган тарқоқ, якка-ярим қўзғолонлардан, ҳаттоки «исёнлардан» бошқа ҳеч нарса келмаган бўлса ҳам, лекин ўша вақтларда ҳам Россияда, деҳқонлар томонида турган ва машҳур «деҳқонлар реформасининг» жуда торлигини, жуда ночорлигини, унинг тамомила крепостниклик характерида эканлигини тушунган революционерлар бор эди. Ўша вақтда ниҳоятда оз бўлган бу революционерларга Н. Г. Чернишевский бошчилик қилган эди». (Асарлар, 17 том 111—112 бетлар, Ўздавнашр.)

6 (257 бет) Чернишевскийнинг камтарлиги туфайли айтган бу гаплари тузатишга муҳтож. Некрасовнинг 60-йиллардаги озодлик ҳаракатининг йўлбошчилари бўлган Чернишевский ва Добролюбов билан яқинлашганлиги (Чернишевский 1853 йилдан, Добролюбов 1856 йилдан «Современник»да ҳамкорлик қила бошлаган эди), улар билан яқин алоқада бўлиб бирга ишлашганлиги Некрасов ижодига шубҳасиз революцион таъсир қилган эди.

7 (257 бет) Езувчи А. Я. Панаева (1819—1839) ўз «Хотиралари»да Некрасовнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Добролюбов шундай ёрқин бир шахси, ёшлигига қарамасдан, уни жуда ҳурмат қиласан... у ўзини шу қадар қаттиқ тутар эдики, биз ҳаммамиз ўз камчиликларимиз учун ундан уялиб қизариб юрар эдик...»

8 (257 бет) А. Я. Панаева назарда тугилади.

9 (258 бет) Белинскийнинг «Бородино йиллиги» ва «Менцель,

Гёте танқидчиси» деган мақолаларини Некрасовнинг «Ер юзининг уч томони» деган асари билан солиштиришнинг ҳеч қандай ўрни йўқ эди. Белинский шу номлари кўрсатилган мақолаларни эсга солиб ўтиришни ёмон кўрар эди, чунки самодержавие тўғрисидаги ўша вақтдаги ўз қарашларининг нотўғрилигини англаган эди. Некрасовнинг ўз романини эсга солиб ўтиришни ёмон кўрганлигининг сабаби фақат шу эдики, бу романини етарлик даражада бадий эмас деб ҳисоблар эди. Некрасов 1848 йил 17 декабрда шу романи тўғрисида Тургеневга бундай деб ёзган эди: «Биз бор нарсамизни босиб чиқардик. Менинг романимга кўзингиз тушиб қолса, уни жуда ҳам ёмонотлиқ қилманг: роман журналда босиб чиқариш учун ва босиб чиқариш мумкин бўладиган қилиб ёзилган,— бу романинг босилиб чиққанлигига сабаб фақат шу». «Ер юзининг уч томони» романи А. Я. Панаева билан биргаликда (Н. Станицкий тахаллуси билан) ёзилган эди. 1848—1849 йилларда «Современник»да босиб чиқарилган эди).

¹⁰ (260 бет) Белоголовский Н. А. (1834—1895)— врач ва публицист. У Н. А. Некрасовни даволаган ва унинг хасталиги тўғрисида хотиралар ёзиб қолдирган киши.

¹¹ (260 бет) Бу сарлавҳа рус тилига таржима қилинса, мана бундай деб ўқилади: «Ватанимизда уч ой. Шеър ва проза билан ёзилган тажрибалар ва рус халқидаги ахлоқ асосларининг ва, Россия давлатидаги табиий бойликларнинг ривожланишига ёрдам берадиган чоралар тўғрисидаги муҳокамалар. Россияли бир кишининг, граф де Гаранскийнинг асари. Саккиз том. Париж, 1836». Китобнинг сарлавҳаси шу қадар аниқ қилиб ёзилган ҳазил эдики, Чернишевский Скабичевскийнинг пьесанинг «оригиналлиги» тўғрисидаги бемаъни «фаразлари»ни кўриб ҳайрон бўлган эди.

¹² (261 бет) А. Я. Панаева назарда тутилади.

¹³ (261 бет). Чернишевский Пушкин асарлари тўғрисидаги мақолада ҳам Некрасов поэтикасининг ўзига хослигини кўрсатиб ўтади: рус шеърининг хусусиятлари ва Пушкиннинг классик ямба қайтганлиги тўғрисида гапириб, русча шеър ёзиш учун Некрасов жуда яхши кўриб ишлатиб келган уч бўғинли вазн жуда қулайлигини кўрсатиб ўтади: «Ҳозирги замон шоирларидан бирининг — албатта, у атайин бундай қилган эмас — уч бўғинли вазнларни ямба ва хорейдан жуда афзал кўрганлигини қайд қилиб ўтмаслигимиз мумкин эмас».

¹⁴ (264 бет). Некрасов шеърлари тўпламининг чиқиши тўғрисида Чернишевский томонидан ёзилган хабар «Современник»да (1856, № 11) босиб чиқарилган эди. Бу заметканинг ва у билан бирга уч шеърнинг босилиши расмий доираларда жуда катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Халқ маорифи министри А. С. Норов:

«бу китобни қайта босиб чиқариш ва ундан ҳар қандай нусха кўчириш тақиқ қилинсин. «Современник» ноширига, яна бир марта шундай қиладиган бўлса, унинг журнали бутунлай ёпиб қўйилиши, цензорга эса яна биронта шундай нарсанинг чиқишига йўл қўядиган бўлса, вазифасидан олиниши айтилсин» деб буйруқ берган эди.

15 (264 бет). 1862 йил июлда, Чернишевский қамоққа олинишидан бир оз илгари ҳукуматнинг буйруғи билан «Современник»ни нашр қилиш тўхтатилган эди.

М. Е. САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН

„ГУБЕРНИЯ ОЧЕРКЛАРИ“

М. Е. Салтиков-Шчедриннинг «Губерния очерклары» «Русский вестник» журналида (1856), ва «Библиотека для чтения»да (1857) босилиб чиққан эди, сўнгра 1857 йилда айрим китоб бўлиб босилиб чиққан эди. Н. Г. Чернишевскийнинг «Современник» журналида босилиб чиққан мақоласи ана шу муносабат билан ёзилган эди (1857).

¹ (267 бет) «Ревизор» билан «Улик жонлар»га реакцион журналистлар (Булгарин, Греч, Сенковский ва бошқалар) ҳамда чиновникларнинг юқори табақалари жуда ҳам қаттиқ ҳужум қилган эдилар, масалан, чиновникларнинг юқори табақалари ўртасида, «Ревизор» «бутун Россия маъмуриятини... беҳаёлик билан масхара қилиш» деб баҳо берилган эди. Пушкиннинг «Современник» журнали ва «Телескоп» журнаliga қўшимча бўлиб чиқиб турадиган «Молва» газетаси бу комедияни ҳимоя қилиб чиққан эди. «Современник»да (1836) П. Вяземскийнинг «Ревизор» тўғрисидаги мақоласи босилиб чиққан эди, Вяземский бу мақолада реакцион журналистлар тўдасининг гапларини рад қилган эди. «Молва» газетасида ҳам (1836) бу комедияни журналлардаги ҳужумлардан ҳимоя қилдилар, беллетрист ва драматург Гоголни, «унинг масалага жуда оригинал қарашини, унинг характерларнинг хусусиятларини жуда усталик билан чизиб кўрсатганлигини, унинг битмас-туганмас юморини» жуда мақтаб чиққан эдилар.

² (267 бет). «А н а в и ж у р н а л». . .—40-йиллардаги «Отечественные записки»; бу вақтларда бу журналда Белинский жуда яқиндан қатнашиб ҳамкорлик қилиб турар эди. «Улик жонлар» босилиб чиққандан кейин, Булгариннинг «Северная пчела»си ва Сенковскийнинг «Библиотека для чтения»си яна дарғазаб бўлиб Гоголга қарши бирлашиб олдилар. Белинский 1840 йилда беш

мақола ёзиб, Гоголнинг эпопеясини жуда қаттиқ ҳимоя қилиб чиққан эди.

3 (267 бет). Тургеневнинг «Бурмистр» ва «Контора» деган асарлари 1847 йилда, «Малиновая вода» ва «Бирюк»—1848 йилда босилиб чиққан эди. Чернишевский Тургенев ҳикояларига ҳали ҳам қарши чиқишини қўймаган «жуда қаттиқ овозлар» тўғрисида гапирганида, реакцион-крепостникларнинг ва ҳукумат доираларининг «Овчининг хатлари» (1852)нинг шу ҳикояларини ҳам ўз ичига олган биринчи айрим нашрига қилган қаттиқ ҳужумини кўзда тутса керак. Бу китобнинг босилиб чиқишига ижозат берган цензор князь Львовни, «Ўз вазифасини эътиборсизлик билан бажарганлиги» учун, Николай I буйруғига мувофиқ ишдан бўшатган эдилар. Чернишевский бу мақолани ёзган вақтида «Овчининг хатлари»ни янгидан нашр қилишнинг тақриқ қилинганлиги ҳали ҳам ўз кучини сақлаб қолган эди: бу китобнинг янгидан нашр қилинишига фақат 1859 йилда ижозат берилди.

4 (267 бет). Д. В. Григоровичнинг «Қишлоқ» деган асари 1846 йилда, «Балиқчилар»—1853 йилда, «Муҳожирлар»—1856 йилда босиб чиқарилган эди. Бу уччала асарда деҳқонлар турмуши тасвирлаб кўрсатилган эди. Чернишевский Тургенев билан Григоровични мисол келтириб, Гоголь мактаби ҳаётда илдизи жуда мус таҳкам эканлигини исбот қилиб бериш билан бирга, китобхонларни жуда ҳам ҳаяжонга солган асарлар яратиб берган бирдан-бир мактаб ҳам эканлигини кўрсатмоқчи бўлган эди. Кейинроқ, 60-йилларда Чернишевскийнинг Григоровичнинг деҳқонлар тўғрисидаги повестлари ва Тургеневнинг ҳикоялари тўғрисидаги фикри жуда ўзгариб кетди. Бу повесть ва ҳикоялар ўз ролини ўйнаб бўлди ва янги шароитлар қишлоқ турмушини тасвирлаб берувчи ёзувчилар учун намуна бўлолмай қолди. Бу тўғрида «Ўзгаришнинг бошланиши эмасми?» деган мақолага (шу китобнинг 348-бетига) қаралсин.

5 (268 бет). Порфирий Петрович, Иван Петрович Фейерва бошқалар—«Губерния очерклари»да қатнашувчилар.

6 (280 бет). Маколейнинг «Рассказы из истории Англии» деган асари кўзда тугилади, бу асар «Современник»да босиб чиқарилган эди (1856). Маколей тўғрисида. 130-бетга берилган 8-изоҳга қаралсин.

7 (284 бет). «Губерния очерклари», биринчи боби «Ўтмиш замонлар» «Подьячийнинг дастлабки ҳикояси»).

8 (290 бет). А. Н. Островскийнинг «Сердаромад жой» деган комедияси назарда тугилади (Чернишевскийнинг бу комедия тўғрисида берган баҳосини шу китобнинг 201-бетидан қаралсин).

9 (292 бет). Чернишевский рус савдогарларининг кўпчилиги

хусусий ҳаётда гўё «яхши фазилатлари» борлиги ва Подхалюзиннинг «жуда ажойиб киши» эканлиги тўғрисидаги мулоҳазалари билан (А. Н. Островскийнинг «Қўйнидан тўкилса қўжиги» деган комедиясидаги жуда жирканч фойда талабнинг образи) мақоланинг асосий фикрини яна ҳам кескин қилиб кўрсатиб бермоқчи бўлган эди, бу мақоладаги асосий фикр шундан иборат эдики, ёзувчилар тасвирлаб кўрсатадиган нуқсонлар, ёлгончилик ва ифлос ишларнинг асосий сабаби айрим кишиларнинг характериға хос бир нарса бўлмасдан, балки крепостной Россиянинг ижтимоий тузилишиға хосдир, деган фикр эди.

¹⁰ (298 бет). «Губерния очерклари», тўртинчи боби «Драматические сцены и монологи» «Коммерция нима?»).

¹¹ (300 бет) Б о л ь ш о в — А. Н. Островскийнинг «Қўйнидан тўкилса қўжиги» деган комедиясида қатнашувчилардан бири. Большов, бадавлат одам бўлишиға қарамасдан, кредиторларига ҳақ тўлашдан қутулиб қолиш учун ўзини банкрот деб эълон қилган эди; Большовнинг кирдикори шундан иборат эди.

¹² (304 бет). Г е р а т ва К а н д у г а р (Ҳирот ва Қандахор) — Афғонистондаги йирик савдо шаҳарлари.

¹³ (306 бет). «Шчигров уездининг Гамлети» — И. С. Тургеневнинг «Овчининг хатлари»даги ҳикоядан бири.

¹⁴ (306 бет). Офелия. Лаэрт — Шекспирнинг «Дания шаҳзода-си Гамлет» деган трагедиясида қатнашувчилар.

¹⁵ (309 бет). «Губерния очерклари», еттинчи боб «Талант кишилар» («Владимир Константинович Буеракин»).

¹⁶ (310 бет). Инглизлар хитойларни афюн олишға мажбур қилмоқчи бўлиб 1840 йилдан 1842 йилгача афюн уруши олиб борган эдилар, афюн савдоси инглизлар учун жуда фойдали эди. Бир публицистнинг сўзи билан айтганда, бу «Англия тарихидаги энг шармандали воқиа эди», цивилизацияға қарши, ахлоқ тўғрисидаги асосий тушунчаларға қарши жиноят эди.

¹⁷ (312 бет). Чернишевский Цицерон, Веррес, ва Цезарь тўғрисидаги ҳикояларни мақоланинг асосий фикрини тушунтириб бериш учун, яъни рус халқи ҳаётидаги камчиликларға айрим шахслар эмас, балки самодержавие Россиясидаги бугун ижтимоий — сиёсий тузум айбдор деган фикрни тушунтириб бериш учун кiritган эди. М а р к Т у л и й Ц и ц е р о н (бизнинг эрамыздан олдинги I асрда ўтган) — қадимги Рим патрицийси, жуда машҳур нотик, сиёсий арбоб ва философ. Г а й В е р р е с — унинг замондоши, Рим сенаторининг ўғли, (Сицилия оролининг пропретори) эди. У босқинчилик ва зўрлик қилганлиги учун суд жавобгарлигиға тортилганида. Цицероннинг қоралаб гапирган нутқи таъсир қилиб, у ўзини ҳимоя қилмасдан, ўз ихтиёри билан сургунға кет-

ган эди, ва бутун умри сиёсий иш билан шуғулланмасликка аҳд қилган эди.

18 (314 бет). Кай Юлий Цезарь (эрамиздан олдинги I асрда ўтган) — Рим лашкарбошиси ва сиёсий арбоби.

19 (314 бет). Катилина — Цицероннинг замондоши. Рим сиёсий арбоби, Рим республикасидаги сўнги демократик ҳаракат раҳбари. Катилина раҳбарлик қилган ҳаракат муваффақиятсизликка учраган эди, унинг ҳукуматга қарши қаратилган суиқасдини Цицерон фош қилган эди (эрамиздан олдинги 63-йилда); Катилина тарафдорлари қўлга олиниб, қатл қилинган эди, Катилинанинг ўзи қўллар отрядига бошлиқ бўлиб Италиядан Галлияга қочиб кетмоқчи бўлганида ҳукумат қўшинлари билан жангда ҳалок бўлган эди.

20 (314 бет). Лентул — Катилина тарафдори, суиқасдда иштирок қилгани учун ҳукм қилинган.

21 (316 бет) Катон Утический (эрамиздан олдинги I аср) — Рим республикасининг халқ нотиғи; граждандар уруши вақтида Помпейга ёрдамлашган эди; Юлий Цезарннинг ғалаба қозонгани тўғрисидаги хабарни эшитгандан кейин ўзига-ўзи ханжар урган. Марк Юний Брут (эрамиздан олдинги I аср) — Рим сиёсий арбоби, аристократ республикачилар партиясининг бошлиғи; Юлий Цезарга қарши суиқасд ташкил қилган ва уни ўлдиришда қатнашган.

22 (316 бет) Гортензий — Рим нотиғи, эрамиздан олдинги 69-йилда Римда консул эди.

23 (316 бет) Джеффриз Д., лорд (1640—1689) — инглиз реакцион сиёсий арбоби, канцлер; ўзининг бераҳмлиги билан ном чиқарган.

24 (319 бет) Платон (эрамиздан олдинги V—IV аср) — қадимги грек идеалист философи. Аристотель (эрамиздан олдинги IV аср) — қадимги грек философи ва олими. Фемистокл (эрамиздан олдинги VI—V аср) — қадимги Афина давлат арбоби ва лашкарбошиси, Плутарх (эрамиздан олдинги II—I аср) — грек тарихчиси, Рим ва Грециянинг ажойиб арбоблари биографияларининг автори

25 (321 бет) «Губерния очерклари», олтинчи боб «Девоналар» («Шумлар»).

26 (322 бет) Чернишевский цензурага чап бериш мақсадида «Шchedрин тасвирлаган типларнинг соф психология томонига... эътибор беришни» афзал кўраман деган эди. Китобхон бу мақола билан яхшилаб танишса, «Губерния очерклари» автори тасвирлаб бераётган нуқсон ва балоларни чор Россиядаги ижтимоий тузумни революцион тарзда ўзгартириш йўли билангина илдири

билан суғуриб ташлаш мумкин, деган хулосага келиши лозим бўлар эди. Либерал дворянлар танқидидан фарқ қилиб, Чернишевский «Губерния очерклари»ни чиновниклар тўғрисидаги карикатура деб эмас, балки бутун помешчик-дворянлар Россиясининг сиёсий ва ижтимоий тузумини сатира билан фош қилиб ташлаш деб билди.

27 (322 бет) «Северная пчела»—реакцион газета; бу газета 1825 йилда полициянинг махфий агенти, илғор ёзувчиларнинг ашаддий душмани Ф. Булгарин томонидан ташкил қилинган эди. унга ҳукумат ҳомийлик қилиб турар эди; бу газета 1864 йилгача чиқиб турган эди.

28 (322 бет). Уша вақтдаги цензура талабларига кўра, Чернишевский ўз мақоласидан келиб чиқадиган хулосани тамомла аниқ ва равшан қилиб таърифлаб бера олмаган эди, албатта.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

БОЛАЛИК ВА УСПИРИНЛИК ҲАРБИЙ ҲИКОЯЛАР

Л. Н. Толстой адабий фаолиятининг бошланиши «Современник» журнали билан чамбарчас боғлиқ эди. Толстой армияда, дастлаб Кавказда, сўнгра Қримда, қамал қилинган Севастополда турганида журналга сиртдан жуда актив қатнашиб турган эди. Бунда 1852 йилда Н. А. Некрасов Толстойнинг автобиографик трилогиясининг биринчи қисми бўлган «Болалик»ни босиб чиқарган эди, сўнгра уч йил мобайнида («Хужум» (1853), «Успиринлик» (1854), «Маркёр мактублари», «Дарахт кесиш» (1855) ва «Севастополь» (1855—1856) деган асарлари босилиб чиққан эди. Толстой армиядан Петербургга келиш вақтигача (1855 йил ноябргача) адабиётда жуда мустақкам обрўга эга бўлиб олган эди, шу билан «Современник» атрофида тўпланган энг яхши ёзувчилардан Тургенев, Григорович, Гончаров ва Островскийлар орасига уларнинг тенгдошидай бўлиб кирган эди.

Чернишевский мақоласи 1856 йилда айрим нашр бўлиб босилиб чиққан «Болалик ва ўспиринлик» ва «Ҳарбий ҳикоялар» муносабати билан ёзилган бўлиб, ўша йили «Современник» журналида босилиб чиққан эди.

1 (325 бет) «Миргород»—1835 йилда, «Ревизор»—1836 йилда босилиб чиққан эди. «Андрей Колосов»—Тургеневнинг дастлаб ёзган повестидир (1844). 1847—йилда «Современник»да босилиб чиққан ҳикоялар серияси (1847—1851) «Хорь ва Қалинич» деган ҳикоя билан бошланган эди, кейинчалик бу ҳикоялар ҳаммаси тўпла-

ниб, 1852 йилда нашр қилинган «Овчининг хатлари» тўпламига киритилди.

2 (325 бет) Л. Н. Толстойнинг «Ешлик» деган повести «Современник»нинг 1857 йилдаги биринчи сониди, яъни Н. Г. Чернишевскийнинг мақоласи босилиб чиққан сонидан кейинги сониди босилган эди.

3 (325 бет) Л. Н. Толстой «Севастополь ҳикоялари»ни Севастополни ҳимоя қилувчилар сафида туриб ёзган эди ва уни «Современник» редакциясига юбориб турган эди. Севастополь циклидан бўлган биринчи ҳикояга редакциядан изоҳ берилган эди, бу изоҳда ёш Толстойнинг бу асарига жуда ҳам юқори баҳо берилган эди; бу изоҳда: «Современник» редакцияси кишини жуда қизиқтирадиган ҳозирги замон масалалари ҳақида ёзилган бу мақолалардан китобхонларни баҳраманд қила олганлиги учун ўзини жуда бахтиёр деб ҳисоблайди, бу ҳикояларни ёзган ёзувчи ўзининг «Болалик», «Успиринлик», «Хужум» ва «Маркёр мактублари» деган ҳикоялари билан рус китобхонларнинг оташин муҳаббатига ва зўр диққатига сазовор бўлган, дейилган эди.

«Севастополь ҳикоялари» китобхонлар ўртасида ва адабий доираларда жуда ҳам катта муваффақият қозонган эди. Тургенев ёзган хатларидан бирида: «Толстойнинг Севастополь тўғрисидаги мақоласи — мўъжизадир! Мен бу мақолани ўқиб йиғладим ва «ура!» деб бақирдим!» деб хитоб қилган эди.

4 (325 бет) Чернишевский Толстой талантининг жуда тез очилиб борганлиги, унинг асарларида «баён қилинган» турмуш доирасининг тобора кенгайиб борганлиги, «унинг ўзининг турмушга қараши тобора кенгайиб борганлиги» тўғрисидаги фикри Л. Н. Толстойнинг «Ешлик» ва «Помешчик эртаси» деган асарлари яна пайдо бўлиши муносабати билан «Журналлар тўғрисида заметкалар»да такрорлайди. (Шу китобнинг 324 бетига қаралсин).

5 (327 бет) «Замонамиз қаҳрамони», иккинчи қисми «Княжна Мери».

6 (329 бет) «Современник»да «Севастополдаги баҳор кечаси» деб сарлавҳа қўйилган «Май ойида Севастополь» (1855) деган очеркнинг ўн иккинчи бобидан олинган парча цитата қилиб келтирилган.

7 (331 бет) Фаустнинг Мефистофель билан диалоглари Гётенинг «Фауст» деган асарида, Маркиз Позанинг Дон-Карлос билан жанжаллари — Шиллернинг «Дон-Карлос» деган драмасида.

8 (335 бет) Корделия, Офелия ва Дездемона — Шекспирнинг «Король Лир», «Дания шаҳзодаси Гамлет» ва «Венецияли мавр Отелло» деган трагедияларида қатнашувчилар. Бу ажойиб аёл

образлари, ҳар бири ўзича, маъсумлик, ҳаққонийлик ва мусаффолик мужассамидир.

9 (335 бет) Чернишевский Тургеневнинг «Фауст» деган асари-дан бу шеърларни унча аниқ кўчирмаган:

Қанотингни менга кийдиргил...

Тинчлантиргил юрак тўлқинин —

Соя жуда бўлади мақбул

Мафтун бўлган кўнгиллар учун...

10 (336 бет) Индиана — Жорж Занднинг шу номли романининг қаҳрамони, француз буржуа жамияти шароитида золмона никоҳга қарши бош кўтарган иродаси мустақам эрк севар аёл типидир.

11 (336 бет) «Макбет» — Шекспир трагедияси.

12 (339 бет) Л. Н. Толстойнинг «Икки гусар» деган ҳикоясининг ўн тўртинчи бобидан.

«ЖУРНАЛЛАР ҲАҚИДА ЗАМЕТКАЛАР» ДАН

Биринчи марта «Современник» да 1857 йилда босилган. Шу заметкалардан Л. Н. Толстойга тегишли жойлари босилган.

1 (340 бет) Юқорида Чернишевскийнинг «Болалик ва ўспиринлик», «Ҳарбий ҳикоялар» деган мақоласига (шу китобнинг 324-бетига қаралсин).

2 (340 бет) «Помешчик эртаси» 1856 йилда «Отечественные записки» журналида босилган.

Н. В. УСПЕНСКИЙ

УЗГАРИШНИНГ БОШЛАНИШИ ЭМАСМИ?

Бу мақола 1861 йилда «Современник» журналида босилган эди. Успенский Н. В. (1837—1888) — ёзувчи, Чернишевский шу мақолани ёзган вақтда Успенский революцион-демократик лагерга яқин турган эди. Бу мақола тўғрисида муфассалроқ маълумотлар сўз бошидан 22—23-бетга қаралсин.

1 (351 бет) Акакий Акакиевич — бунда ва бундан нарида ҳам гап Гоголнинг «Шинель» деган повести ва унинг қаҳрамони устида боради.

2 (354 бет) «Жаноб Григорович ва жаноб Тургеневнинг халқ турмушидан олиб ёзган повестлари» — Д. В. Григоровичнинг «Қишлоқ» ва «Антон Горемыка» деган повестлари ва И. С. Тургеневнинг «Овчининг хатлари» деган повести назарда тутилади. Григорович билан Тургенев бу асарларида хўрланган, кичкина кишиларнинг ғам-ғуссаларини тасвирлашда «Шинель» автори йўлидан борган эдилар.

3 (355 бет) «Русский вестник»—1856 йилдан чиқа бошлаган журнал. Унинг редактори Катков дастлаб либераллик позициясида турган эди, кейинчалик ўта кетган реакцион позицияга ўтиб кетди. У Чернишевскийга, Герценга доимо ҳужум қилиб келган эди, «Современник» журналига ва унинг ходимларига ҳам ҳамма вақт ҳужум қилиб келган эди. «Отечественные записки» тўғрисида. 125-бетга берилган 2-изоҳга қаралсин.

4 (371 бет) Ш о м и л (1797—1871 йиллар чамаси)—Туркия билан, Англиядаги империалистик доиралар билан, яъни Кавказни Россиядан ажратиб олишга ҳаракат қилган доиралар билан жуда яқин алоқада бўлган тоғлиларнинг реакцион-миллатчилик ҳаракатига раҳбарлик қилган киши. Муридлар — ўз имомларига, бу ҳолда Шомилга ҳеч сўзсиз бўйсунушга қасамёд қилган кишилар. Гергебель ва Гуниб — Доғистонда тоғдаги қишлоқлар.

5 (377 бет) Қ в а с н о й п а т р и о т и з м — бачкана ватанпарварлик, миллий турмуш икр-чикирларига жуда ҳам қаттиқ ёпишиб олиш. Чернишевский бачкана ватанпарварлар тўғрисида гапирганида, бунда, Гоголнинг ватанпарварлиги йўқ, деб айблаган Н. А. Полевойни кўзда тутди. (Полевой тўғрисида 106-бетга берилган 2-изоҳга қаралсин.

6 (377 бет) Некрасовнинг «Коробейники» деган поэмасидан.

7 (378 бет) Англиядаги консерваторлар партиясининг номи.

8 (378 бет) «Эдда» XII—XIII асрлардаги Искандинавия дostonларидан қолган икки ёдгорликнинг номи.

9 (381 бет) Л ю т е р М. (1483—1546)—Германияда черковреформация ҳаракатининг раҳбари, протестантлар черковига асос солган ва ташкил қилган киши. М ю н ц е р Т. (1490—1525 йиллар чамаси)—Реформация замонларида Германияда деҳқонлар диний ҳаракатининг йўлбошчиси.

10 (382 бет) 1860—1861 йилларда Австрия империясидаги эзилган халқлар ўртасида янги озодлик ҳаракати кўтарилган эди. 1860—1861 йилларнинг жуда қалтис ойларида Австрия ҳукумати хорватлар (кроатлар)нинг венгрларга қарши адоватини янада кучайтириш мумкин бўлади, империядаги славян халқларни венгрларга қарши қўзғатиш ва реакцион ҳаракатни бостириш мумкин бўлади, деб умид қилган эди. Чернишевский демократик халқларнинг иттифоқи — уларнинг Австрия ҳукмронлигидан озод бўлишлари учун бирдан-бир гаровдир, деб ҳисоблар эди.

11 (382 бет) Гап 1860 йил мартда Сицилияда бўлган қўзғолон устида боради. Гарибальди 1861 йил 11 майда Сицилияга аскар туширган эди. Сицилия июнь охирига бориб Гарибальди қўлига ўтган эди. Шу йил август ойида Неаполь монархияси ҳам тор-мор келтирилган эди.

12 (393 бет) Бокль Г. Т. (1821—1862) — англиз либерал-буржуа позитивист социологи ва тарихчиси, «Англияда цивилизация тарихи» деган асарнинг автори.

13 (394 бет) Пушкиннинг «Шоир» деган шеъридан.

14 (395 бет) Вильгельм Телль— Ф. Шиллернинг шу номли драмасининг қаҳрамони.

***„Санъатнинг воқеликка эстетик мумосабати“
деган диссертациядан***

1 (404 бет) В. А. Жуковскийнинг «Алина ва Альсим» (1814) деган балладасидан олинган.

2 (407 бет) Гогарт В. (1697—1764)— англиз рассоми, сураткаш ва гравёр.

3 (407 бет) «Фауст»— Гётенинг трагедияси.

М У Н Д А Р И Ж А

В. Шчербина. Буюк рус танқидчиси. 3

РУС ЕЗУВЧИЛАРИ ҲАҚИДА

А. С. Пушкин

Александр Сергеевич Пушкин, унинг ҳаёти ва асарлари 35
«Пушкин асарлари» деган мақоладан 75

Н. В. Гоголь

Рус адабиётининг Гоголь даври очерклари 99
«Н. В. Гоголь асарлари ва хатлари» деган мақоладан 124

В. Г. Белинский

Рус адабиётининг Гоголь даври очерклари. Бешинчи мақола-
дан 141
Саккизинчи мақоладан 160
«Журналлар ҳақида заметкалар»дан 174

Н. П. Огарев

Н. Огарев шеърлари 178

А. Н. Островский

/«Қамбағаллик айб эмас», А. Островский комедияси 188
«Журналлар ҳақида заметкалар»дан 201

И. С. Тургенев

«Журналлар ҳақида заметкалар»дан 207
Рус кишиси rendez-vous да 215

Н. А. Некрасов

Н. Г. Чернишевский хатларидан	242
Н. А. Некрасовнинг вафотидан кейин нашр этилган шеър- лари ҳақида мулоҳазалар	250

М. Е. Салтиков-Шчедрин

«Губерния очерклари»	266
--------------------------------	-----

Л. Н. Толстой

«Болалик ва ўспиринлик». «Ҳарбий ҳикоялар»	324
«Журналлар ҳақида заметкалар»дан	339

Н. В. Успенский

Ўзгаришнинг бошланиши эмасми? (Н. В. Успенский ҳикоя- лари)	348
--	-----

Илова

«Санъатнинг воқеликка эстетик муносабатлари» деган диссер- тациядан	399
Изоҳлар	411

ТУЗАТИШ

Бетлар	Сатрлар		Босилган	Ўқилиши керак
	юқоридан	пастдан		
125	23	—	ланд парвоз сўз эшитилмас эди. Албатта, у вақтдаги ёш-	жонсиз бир нарса эди. Петербургдаги ўша вақтдаги ёш-
196	18	—	олиниши лозим тантанасидаги	билиниши лозим танасидаги
271	—	9	чет эт	чет эл
297	—	19	жонидан худо	жонидан жудо
329	—	1	хасвирланган	тасвирланган
401	—	5		